
ҒАРОЙИБ ЕЧИМ
Наргис Қосимова

МУҲАББАТ БИЛАН ЯШАЙМАН

1-қисм

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

Фолбиннинг айтгани тўғри бўлса ҳам ёлғондир.
ҲАДИСДАН.

Даланинг ёмғир ювган ўйдим-чукур йўлларида кетаётган машина дам-бадам силкинарди. Ёмғирдан сўнг ҳосил бўлган кўлмаклардаги сув ойнага сачраганда Машҳура сесканиб, беихтиёр ўзини орқага ташларди. Мана уч йилдирки, у бетоб. 25 ёшли жувоннинг сўлгин юзи, киртайган кўзлари, нурсиз, ҳамма нарсага бефарқ нигоҳи олдида ўтирган, анча ёши ўтиб қолган аёлга ҳам таъсир этган эди. Эндигина йўлга чиққанларида «мана кўрасан, ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан», деб Машҳурага далда берган бўлса-да, охир-оқибат унинг руҳиятига ҳам кизининг кайфияти таъсир этган ва йўлнинг қолган қисмида у ҳам ўз ўй-хаёллари оғушига сингган эди.

Машина бирдан қаттиқ силкинди-да, тўхтаб қолди. Ҳайдовчи сўкиниб, газни босди. Машина ғилдиракларининг зўриқиб айланиши эшитилди, аммо улов жойидан жилмади.

– Падарланъати, фақат шу етмай турувди!

Ҳайдовчи эшикни очиб, машинадан тушди-да, чукур ух тортиб, жойига қайтиб ўтирди.

– Етиб келдик, чиқинглар, трактор билан чиқармаса, бу падарланъатини чиқариб бўлмайди.

Машина ғилдираклари ярмигача ёмғирдан сўнг ҳосил бўлган лойли ботқоққа тикилиб қолган эди.

Анор хола хануз бир нуқтага тикилиб ўтирган қизига:

– Машҳура, ёрдам берайми, биров салқин ҳаводан нафас оласанми? – деди.

Машҳура онасига ҳорғин назар ташлаб, бошини чайқади.

– Майли қизим, бўлмаса биров мизғиб ол, бу ўлгур мошин ҳам силкиनावериб, сени чарчатди.

– Ҳай, шопир болам, балки трактурни ўзинг топиб келарсан, биз мошинда ўтириб турардик.

Анор хола ҳайдовчига илтижо билан боқди.

– Э, қизикмисиз эна, қишлоққача ҳали 5 километр бор. Битта, яримтаси ўтиб қолади.

– Кеч қоламиз-ку, у қишлоқда танишимиз ҳам йўқ, кейин фолбин ҳам, эшон ҳам қош қорайгач қабул қилмаса керак.

– Хавотирланманг, бораётган жойингиз ўзимни қишлоғим, жуда бўлмаса бизникида тунаб қоларсизлар.

– Эрталабдан бери биргамиз-у, исмингни сўрамабман, болам.

Анор хола маъносилан жилмайди.

– Исмингиз Бўрибой, энамнинг айтишларича, отам уйга овдан бўри боласини олиб келганларида туққан эканлар.

Ҳайдовчи кулди.

library.ziyounet.uz/

Анор хола бошқа ҳеч нарса сўрамади. Унинг кўнгли жойига тушиб, атрофга назар солди. Адирлар узоқ-узоқларда қорайиб турган тоғларга уланиб кетган бўлиб, кузнинг салқин шамоли итларининг хуриганини, чўпоннинг хайқирган овозини элас-элас олиб келар эди.

Орадан уч соатлар чамаси вақт ўтди. Хайдовчи бошини рулга қўйиб аллақачон пинакка кетган, Машҳура ҳам кўзини юмиб ўтирар эди. Унинг ухлаган ёки ухламаганлигини билиб бўлмасди. Орқа тарафдан гуриллаган овоз келди. Анор хола диққат билан овоз келган томонга қаради, аммо ҳеч нарсани кўрмади. Овоз эса тобора яқинлашиб келар эди. Бироздан сўнг қияликдан ўрмалаб келаётган тракторнинг тепа қисми кўринди. Анор хола шоша-пиша ухлаб ётган хайдовчини туртди.

– Тур болам, трактор келаяпти, яна ўтиб кетмасин.

Хайдовчи кўзини очиб, бирпас ҳеч нарсани англамай Анор холага қараб турди-да, сўнг трактор овозини эшитиб, машинадан тушди. Улар қишлоққа кириб келишганида қош қорая бошлаган эди. Машина лойсувоқ устидан оқланган уйнинг олдида сигнал бериб тўхтади. Машина овозини эшитиб, дарвозада рўмолини йўл-йўлакай тўғирлаб чиқаётган жувон кўринди. Салом бериб, эрининг қўлидан бозорлик халталарни олди-да, меҳмонларни ичкарига таклиф этди. Уйнинг хоналари эски усулда қурилган бўлиб, деворга ўйилган токчаларга чойнак-пиёлалар териб қўйилган эди. Тўрдаги гулдор қути устида телевизор турарди. Жувон шоша-пиша тахмондан кўрпачаларни олиб ёзгач, дастурхон ёзди. Қанд-қурс, ёнғоқ-майиз, кичикроқ ликопчада сариеғ олиб келиб қўйди. Чой дамлаб келар экан, ачингандай индамай ўтирган Машҳурага қараб-қараб қўярди. Овқат ейилиб, чой ичилгач Бўриной ака «Эртага кечкурун ўзим сизларни уйингизга олиб бориб қўяман» деб, бошқа хонага чиқиб кетди.

Эри чиқиб кетганидан сўнг жувон чойни янгилаб келди-да, илк маротаба Анор холага қараб:

– Келинингизми ёки қизингизми? – деб сўради.

– Қизим, мана уч ойдики бетоб. Кўрсатмаган дўхтирим, табибим қолмади. Қишлоқларингизда Сайрам фолчи деганлари бор экан. Ўша бир фол кўрса девдим. Кейин Чақир-тикандаги Дўлбой эшонга олиб бориб дам солдирмоқчиман. Улар бизнинг пирларимиз. Зора, Аллоҳим шифо берса.

Анор хола намланган кўзларини рўмолининг учи билан артди.

– Шифосини берсин, – жувон фотиҳа ўқилгач, чаққонлик билан дастурхонни йиғиштириб олди-да, Анор хола билан қизига қалин қилиб жой солди. Ўзи эшикдан мўралаб турган 3–4 ёшлардаги болани кўтариб олиб, эшикни секин ёпиб чиқиб кетди.

Сайрам фолчи деганлари ёши 60 ларни қоралаб қолган, тўладан келган аёл экан. Машҳурага синчковлик билан тикилар экан, унинг бошидан уч бор исирик тутаб ётган оташкуракни айлантиргач, тасбеҳи билан унинг елкаларига урди. Бир қўли билан тасбеҳ доналарини бирма-бир санаганича, ўнг қўли билан ёнида турган қалин китобни очди. Китоб араб тилида эди. Ниҳоят фолбин тилга кирди.

– Қизингизнинг дарди оғир. Унга бу дард куёвингизнинг касофати билан юққан.

Анор хола билан Машҳура бир-бирларига қараб олишди.

– Куёвингизнинг никоҳида яна бир аёл бор. Сизга талоқ бермай уни никоҳига олгани учун, никоҳнинг оғирлиги қизингизга тушган.

– Аммо куёвимиз Сайфиддин жуда ҳам баъмани йигит. Қизим касал бўлганидан бери уч боласининг бошида парвона. Ҳозир ҳам бу ёққа Машҳурани ўзи олиб келмоқчи эди, ўзим унамадим. Ишидан жавоб олиб, болалари билан қолди.

– Куёвингизнинг меҳрибончилигига кўп ишонманг. Кўзингиздаги пардани олиб ташланг, опа. Гапимга ишонмасангиз, уйга қайтгач суриштириб кўринг.

– Хўп, қизимни нима қилай?

– Куёвингиз унга талоқ бериб, сўнг қайтадан никоҳ ўқитсин, шунда тузалади. Бўлмаса юраги сиқилиб ё силга айланади, ёки саратонга.

– Худо кўрсатмасин, товба қилдим-ей,— Анор хола ёқасига туфлади.

– Қўшни қишлоқдаги Дўлбой эшонга ҳам бир дам солдирмоқчи эдик.

– Солдиринг, зора қизингиз енгил тортса.

Анор хола рўмолчасига тугилган пулдан атаганини олиб фолбинга берди-да, Машхурани қўлтиғидан олди. Дўлбой эшон дам солгач ҳам Машхуранинг аҳволи яхшиланмади. Орадан уч кун ўтди.

Машхуранинг турмуш ўртоғи рафиқасининг сарғайган юзига тикилар экан, кечки овқатдан сўнг мана уч ойдан бери қизининг олдидан жилмаётган, фолбиннинг олдидан қайтгандан бери куёвига хўмрайиб назар ташлайдиган Анор холага гап қотди.

– Ая, энди Машхурани Тошкентга олиб бормасам бўлмайди. Уни яхшилаб текширтириш керак.

– Ҳа, энди қилғилиқни қилиб қўйиб, дўхтирга чопмоқчимисиз? Ундан кўра қизимнинг талоғини беринг.

Сайфиддиннинг қўлидан пиёла тушиб кетишига сал қолди.

– Ая, бу нима деганингиз, тушунмадим?!

– Ҳа, куёв тушунмайсиз-да, иккинчи хотинчангиз борлигини билмайди дейсиз-да!

– Қанақа иккинчи хотин, ўйлаб гапираяпсизми? Болаларимни етим қилиб, ҳали Машхурани қон қақшатиб устига хотин оламанми? Бундай беъмани гапни ким айтди сизга?

Анор хола Сайфиддиннинг жаҳли чиққанини кўриб сал ҳовуридан тушди. Қўлидаги пиёлани дастурхонга тўнкариб қўйди-да, Машхура ётган хонага индамай кириб кетди. Сайфиддин анчагача бошини чангаллаб ўтирди. Қайнонасининг сўзлари ҳамон қулоғи остида янграр, унинг бу тухматини ҳеч ҳам ҳазм қилолмас эди.

Орадан яна икки кун ўтди. Шу кунлар ичида Анор хола куёвидан уч маротаба қизи билан ажралишишни талаб этди. Машхурани Тошкентга олиб кетмоқчи бўлиб, ёру-дўстларидан қарз кўтарган Сайфиддин бошига тушган бу балодан қандай қутилишни билмас, «Ҳеч қандай иккинчи хотиним йўқ» деб қасам ичса ҳам, ўз гапида туриб олган қайнонасини ишонтира олмас эди.

Бугун Анор хола уйидан хабар олгани кетганидан фойдаланиб, дўсти Самаднинг машинасини миниб келиб, Машхурани унга кўтариб олиб чиқди. Болаларини қўшни аёлга тайинлаб, йўлга тушишди.

Самад Сайфиддиннинг энг яқин ўртоғи. Болаликдан бирга катта бўлишган. Тошкентдаги хусусий бир шифохонада яхши таниши бор экан. Машхурани ўша ерга олиб бориб текширтиришга қарор қилишди.

Бурнининг учига кўзойнагини қўндириб олган, ёши ўтинқираган кекса шифокор нақ 15 дақиқа ниманидир қидирди. Сўнг чуқур уф тортиб, столига ўтирар экан, терлаган пешонасини рўмолчаси билан артди. Қўли бурнининг учидаги кўзойнагига тегиб, қулиб юборди.

– Оббо савил-эй, боядан бери кўзойнагимни қидираётган эдим, бурнимда экан.

Сайфиддин билан Машхура ҳам жилмайиб қўйишди.

Шифокор олдида турган Машхура таҳлилларининг натижаларини кўздан кечиарар экан, бот-бот Сайфиддинга маъноли назар ташлар эди. Сўнг:

– Тўғрисини айтсам, аёлингизнинг аҳволи оғир. Уни фақат жарроҳлик йўли билан даволаш керак, деди.

– Ўзи нима касал?

Сайфиддин бетоқатланди.

– Ошқозон билан ўн икки бармоқли ичак бошланмасида кичкина шиш бор. Бу саратоннинг бошланмаси, зудлик билан даволанмаса, кеч бўлиши мумкин.

Сайфиддин Машхуранинг ранги бирдан оқариб кетганлигини кўриб, норози оҳангда:

– Балки саратон эмасдир, бошқа нарсадир, – деди.
– Яхши йигит, мен тажрибам ва билимимдан келиб чиқиб гапираяпман.
Шифокорнинг овоз оҳанги зардали эди.
– Хўп, хўп. Даволаниш қанча бўлади.
– Ўзларинг биласизлар, бизнинг шифохонамиз хусусий. Шунинг учун операция қилиш ва бошқа муолажаларга, беморнинг шу ерда ётишига жами 600 минг кетади.
– 600 минг!?
Сайфиддин ўзига жовдираб қараб турган Машхурага қарай олмай, бошини эгди.
– Ҳа, 600 минг.
– Сиз даволашни бошлайверинг, мен 3–4 кунда пулни топиб келаман.
Сайфиддин Машхурага секин кўз қирини ташлаб, шифокорга юзланди.
– Э, бунақаси кетмайди. Бозорда ҳам аввал пулини берасиз. Пулни бориб кассага тўлаган кунингиз муолажани бошлаймиз.
Шифокор гап тамом дегандай бир нималарни ёза бошлади.
– Дадаси, кетдик.
Машхуранинг ҳазин овози Сайфиддиннинг хушини жойига келтирди.
У Машхурани суяганича, ташқарига олиб чиқди.
Уйга қайтишганида кун кеч бўлган эди. Анор хола аллақачонлар уйдан қайтиб келиб, невараларини ювинтириб, овқатлантирган, энди эса қизи билан куёвини кутиб ўтирган эди.
Ўшиқда Машхурани кўтариб олган Сайфидинни кўриши билан уларга пешвоз чиқди.
– Ассалому-алайкум, ая. Дадамлар, жиянлар яхши юришибдими?
Сайфиддин Машхурани кўрпача устига ўтқазар экан, Анор холанинг кайфиятини билиш учун унга тикилди.
– Қаёқда эдиларинг?
Анор хола куёвининг саломига алик ҳам олмай, зарда билан сўради.
– Аяжон, куёвингизни уришманг. Тошкентга мани дўхтирга текширтиргани олиб боровдилар.
Машхура онасининг авзойини кўриб, биринчи бўлиб жавоб берди.
– Дўхтир нима деди?
Машхура жавоб бермай, пиқиллаб йиғлашга тушди.
– Э-э, қўйсанг-чи, ҳаммаси бўлмаган гап. Индин бошқасига борамиз. Мана кўрасан, тузалиб кетасан. Фақат бунинг учун оз-оз бўлса-да овқат ейиб туришинг керак.
Сайфиддин хотинига далда бермоқчи бўлди-ю, аммо юзини юйиб тушаётган ёшларни тўхтата олмади.
Анор хола дам куёви, дам қизига қараб, шошиб қолди.
– Нима бўлди, гапирсаларинг-чи?
– Аяжон, мен яқинда ўламан. Дўхтир рак, деди.
Машхура яна йиғлашга тушди.
– Қўй болам, ундай дема. Ортимда қол, қизим. Ўлмайсан. Тўғрими, ўлмайсан-а?!

Анор хола қизини сочини силаб, уни бағрига босди.
Сайфиддин ўкраб йиғлаб юборишдан ўзини аранг тийиб, ташқарига чиқиб кетди.
Эртаси куни қарз сўраб бормаган жойи, кирмаган уйи қолмади. Маслаҳатлашиб ҳовлидаги кичик ўғлининг тўйига атаб боқиб юрган танани, сигирни сотишга қарор қилишди. Аммо улардан тушган пул ҳам мўлжалга етмади.
– Яна 250 минг керак.
Сайфиддин Самаднинг олдида ўтирар экан, шунча пулни яна қаердан топишини билмас эди.
– Майли, жўра сенга яна 100 минг топиб бераман. Аммо қолганига қурбим етмайди. Бундан ташқари, хотинингни олиб бориб келишингни ўзига яна 100 минг керак. У ерда

ўзингни яшашинг, ейишинг, ичишинг дегандай. Менга қара хотинингни аввал ўзимизда яна бир марта текширтмайсанми? Кеча хотиним айтувди. Вилоят касалхонасига Японияда ўқиган бир йигит келган экан. Касални точний айтиб, даволаркан.

– Э, Тошкентингдаги дўхтир билмаган нарсани бу билармиди?

– Сендан нима кетди. Ноумид шайтон дейдилар. Бир бориб кўр. Кейин Тошкентга олиб кетаверасан.

– Майли, бир каттани, бир кичикни гапига кир дейдилар. Сени айтганинг бўла қолсин.

Вилоят касалхонасига ишга келган ёшгина йигит Машхурани узоқ кўздан кечирди. Касалининг бошланмасидан тортиб, ёшлигида нима билан оғриганича сўраб-суриштирди. Сўнг рентген суратларини синчковлик билан кўздан кечирар экан, Машхурага қараб жилмайди.

– Хавотирланманг опа, бир-икки ҳафтада отдай бўлиб кетасиз. Ҳақиқатдан ҳам ошқозон билан ўн икки бармоқли ичагингизнинг бошланмасида шиш бор. Аммо у оддий шиш. Фақатгина бир оз парҳез қилишингизга тўғри келади. Бўлмаса у ярага айланиши мумкин. Сизни эса нина билан даволайман.

– Ростдан ҳам Машхура саратон эмасми?

Сайфиддин эшитган гапига ишонмай яна бир бор сўради.

– Албатта, йўқ. Сиз кўрсатган шифокор янглишган бўлса ажаб эмас, сиз айтган пулни сўрагани эса менимча сал ўзларини нархини оширишган, шекилли. Шундай ташхис қўйишгач, республика онкология марказига боришларинг лозим эди. Аниғини айтишарди.

– Ундай нарсани тушунмасак. Айтганига ишониб кетаверибмиз-да.

Орадан бир ой вақт ўтди. Шифокор йигитнинг муолажаларидан сўнг Машхуранинг юзларига қизиллик югуриб, секин-аста туриб юрадиган бўлди.

Анор хола эса фолбиннинг гапига ишониб, шайтоннинг васвасасига учиб куёвига туҳмат қилганидан, қизининг гулдай оиласини бузиб юборишига бир баҳя қолганидан ҳануз хижолатда...

2004 йил

ТУРМУШ ЧАРХПАЛАГИ

Сарвар машинани ўт олдираар экан, орқа ўриндиққа ўтирган йўловчиларга унчалик эътибор бермади. Бир кунда турли кайфиятдаги одамларни кўради. Ҳаммаси ҳар хил. Ичида қўполи ҳам бор, ҳушмуомаласи ҳам. Кимдир ўтирганда салом беради, кимдир йўқ. Бирови кулади, бошқаси жиддий, яна бири дардини айтиб йиғлайди. Эҳ-ҳе, бу дунёнинг ташвиши тугамаса...

Машина тун пардаси ўз қўйнига олган шаҳарнинг сокин кўчаларидан елдек учиб борар экан, Сарвар тарқоқ фикрларини жамлаб, диққатини йўлга қаратишга ҳаракат қилди...

Бугун сахарлаб йўлга отланди. Шошилаётганига қарамай, оқ фотиҳа олиш мақсадида онасининг олдига кирди. Тошбуви опа оёқларига кўрпачани ёпганича нимқоронғи хонада бошини рўмоли билан қаттиқ танғиб, инқиллаб ётарди.

– Онажон, сизга нима бўлди?– Сарвар шошганича онасининг ёнига ўтди.

– Яна қон босимим кўтарилганга ўхшайди, болам. Сен хавотир олмай ишингга кетавер, ўзи тушиб қолади.

– Қўйсангизчи, доимо шундай дейсиз. Ҳозир “Тез ёрдам” чакираман.

– Йўқ, керак эмас. Ошхонада чой қўйгандим. Дамлаб берсанг... Қани энди келиним бўлганда эди...

Онасининг келин тўғрисидаги навбатдаги дийдиёси бошланишини кутмай, Сарвар ошхонага йўналиб, аччиқ кўк чой дамлади. Бир оз ўйлаб туриб, чойга кийик ўти солди-да,

уни бир неча бор қайтарди. Онасига бир пиёла ичириб, ундан тушга яқин хабар олишини айтди.

Эрта тонг бўлишига қарамай, кўчада одам гавжум. Киракашлик билан пул топиб, ҳаёт кечираётган Сарвар йўл четида қаёққадир шошиб кетаётган одамларнинг бирортаси кўл кўтаришига умид боғлаб, уларга тикилар экан, ҳаёли онасида эди. “Нима бўлди экан, яхши бўлиб қолдимикан?” Қўшнисига бир нарса бўлса “Тез ёрдам” чақиришни тайинлаган эди. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да!

Сарвар ҳаёли уйда бўлиб, йўлни кесиб ўтаётган аёлни кўрмай қолди. «Тико» филдиракларининг асфальтга ишқаланиб чийиллаши тонгги шовқинни ёриб ўтди.

– Э, кўзингга қараб ҳайдасанг ўласанми оғайни, расво қилдинг-ку..

Орқа ўриндикдан келган бўғиқ овоз Сарварни ҳушига келтирди. Юраги дукиллаб, машинадан тушди-да, сал нарида ерда ётган аёл томон интилди. Аёл ерда чалқанча ётар, бошидаги рўмоли ёнига учиб тушган эди.

– Тирикми?

Орқадан келаётган машинадан тушишган икки йўловчи ҳам аёл томон энгашишди.

– Билмадим, дўхтирга олиб бориш керак.

Сарвар аввал рўмолни олди-да, сўнг авайлаб аёлни кўтарди. Қушдек енгил экан. Фақат шундагина унинг юзига диққат билан разм солди. Юзи жуда ҳам таниш. Аммо қаерда кўрганини эслай олмади. Уни машинанинг орқа ўриндигига ётқизиш учун йўловчилардан эшикни очиш учун илтимос қилмоқчи бўлиб, атрофга аланглади. Уларнинг қораси кўринмагач, секин сўкинди.

– Гувоҳлик беришдан қўриқиб, қочиб қолишибди-да, падарлаънатилар.

Сарвар амаллаб машина эшигини очди. Аёлни авайлаб орқа ўриндикқа ётқизди. Шу пайт у секин инграб кўзини очди. Бир пас ўзининг устига энгашиб турган Сарварга тикилиб турди. Сўнг бўлиб ўтган воқеа ёдига тушди шекилли, уни итариб юборди.

– Э, ҳайрият-ей, тирик экансиз. Ҳеч жойингиз оғримаяптими?

–...

Йигит аёл уни итариб юборганида боши машина эшигининг кесакасига қаттиқ тегиб, оғриётган бўлса ҳам, хафа бўлиш эсига келмади.

– Ҳеч жойингиз лат емадими, деяпман. Ҳозир сизни касалхонага олиб бораман.

– Кераги йўқ...

Аёлнинг овози майин ва ёқимли эди.

– Сизнинг айбингиз йўқ.. Мен ўзим... ўлгим келган эди.

–...

Сарвар нима дейишини билмай, аёлга тикилиб қолди.

– Уйингизга олиб бориб қўяй бўлмаса?!.

– Кераги йўқ, ўзим кетаман.

Аёл машинадан тушмоқчи бўлиб ерга оёқ қўйган эди, бирдан додлаб юборди.

– Ўтиринг, касалхонага борамиз.

Сарвар қатъият билан эшикни ёпиб, жойига ўтирди. Машинани ўт олдирди.

– Илтимос, касалхонага олиб борманг. Ҳозир оғриғи ўтиб кетади.

– Уйингиз қаерда?

– Уйга ҳам бормайман...

Сарвар ҳайрон бўлиб орқасига ўгирилди ва бирдан аёлни қаерда кўрганини эслади. Албатта, бу ўша. Доимо эрталаб ва кечқурун катта йўл чеккасидан ишга кетиб, қайтаётганини кўради. Унинг келишган қадди-қомати неча маротаба Сарварнинг аклу-ҳушини ўғирлаган. Аммо бирор маротаба юрак ютиб, унга гап қотмаган.

– Кимсиз ўзи...

– Бир бахтиқаро, у дунёси-ю, бу дунёси куйган аёлман...

– Уйингиз борми?

– Бор, аммо у уй эмас, жаҳаннам.

– Нимага?

– Биласизми, эрга текканимга саккиз йил бўлди. Шодикул акамга турмушга чиқаётганимда бахтиёр эдим, - деб секингина гап бошлади, у. - Онам ёшлигимда ўлиб кетган. Дадам шундан кейин бошқага уйланганлар. Мени бувим тарбиялаб, катта қилдилар. Тўйимдан сўнг бир йил ўтгач, бувим ҳам бу дунёдан кўз юмди. Бу ёруғ дунёда биргина суянчиғим Шодикул акам эди. Аммо фарзандимизнинг бирортаси турмади. Негадир улар дунёга келгач, орадан бир ой ўтар-ўтмас ўлишарди. Уч боламини тупроққа топширдим. Дўхтирлар сутингда инфекция бор дейишди. Охиргисини эмизмадим ҳам, барибир ўлди. Шундан сўнг бўйимда умуман бўлмади.

Аёл кўзларидан оқаётган ёшни секингина қўлидаги рўмоли билан артди.

Охири бола асраб олишга қарор қилдик. Аммо қайнонам билан қайнотам кўнишмади. Қайнонам Шодикул акамга «ажраш, бошқасига уйлан» деб туриб олди. Шодикул акам анчагача кўнмай юрдилар. Менинг ҳам бошқа борадиган жойим йўқ. Ниҳоят ўтган йили уйга янги келин туширишди...

– Ажрашдиларингми? – Секин сўради Сарвар.

– Йўқ, расмий ажрашганимиз йўқ. Ҳозир Шодикул акам фарзандли бўлган.

– Сиз-чи?

– Менми? Мен уларнинг чўрисига айландим. Уларга бир умр хизмат қилишга ҳам тайёр эдим. Қайнонам, кундошим мени қанча қувмасин, камситмасин ҳаммасига тайёр эдим. Шодикул акамнинг бахтли эканлигини кўрсам, бўлди эди. Аммо бора-бора уларнинг ҳам менга муносабати ўзгарди. Хатто қўл кўтарадиган одат чиқарди. Бугун эса.. бугун у мени ўғирликда айблаб, уйдан ҳайдади. Қайнонам билан кундошимнинг гапига ишонди. Кундошимнинг тилла узуги йўқолибди. Аммо мен уни олганим йўқ...

– Энди нима қилмоқчисиз?

– Қайдам. Яшагим келмаяпти.

– Яхши ният қилинг. Ҳаммаси ўтиб кетади.

– Йўқ, энди ҳаммаси тугади.

Аёл машинадан тушиб, бир-икки қадам чўлоқланиб юрди-да, яна «вой–вой»лаб ерга ўтириб олди.

Сарвар нима қилишини билмай қолди. Ишини давом эттирай деса, аёлни бу аҳволда ташлаб кетишга виждони йўл қўймапти, кетмай деса, эрталаб онасининг тоби қочиб турувди. Шундан бери уйдан хабар олгани имкон топа олмади. Соат ҳам 11 дан ошибди. Сарвар бироз ўйланиб тургач, шахд билан машинадан тушиб, аёлнинг олдига борди.

– Юринг...

– Қаёққа?

– Бир бўш уй бор, ўша жойда яхши бўлганингизча турасиз.

Аёл Сарварга кўрқув аралаш, ҳадик билан назар ташлади.

– Кўркманг, сиз ўйлаган нарса бўлмайди. Сизни шундай ташлаб кетолмайман. Туринг!

Аёл Сарварга суяниб, қайта машинага ўтирди.

Эртаси куни Сарвар бозор қилди. Туш пайти шаҳар ўртасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида жойлашган икки хоналик уйига борди. Кеча ҳатто аёлнинг исмини ҳам сўрамабди-я. Нима қилаётган экан? Сарвар кўнғироқ тугмасини қайта-қайта босди. Бироздан сўнг, ичкаридан қадам товуши, кейин калитнинг буралгани эшитилди.

– Бу мен, Сарварман. Эшикни очинг.

– Сизмидингиз, киринг.

Ичкарига киришди. Илгари бу ерда Сарварнинг ўртоғи ижарага турар эди. Уни хизмат юзасидан бошқа вилоятга ишга ўтказишгач, уй анча ҳувиллаб қолди. Сарвар атрофга разм солар экан, уйнинг йиғиштирилганлигини, супириб, тозаланганлигини кўриб, мамнун бўлди.

– Қорнингиз ҳам очгандир. Мановиларни олиб қўйинг.
Сарвар қўлидаги елим халтани узатди.
– Раҳмат.
– Кечирасиз, кеча ўзингиз ҳақингизда шунча нарса айтиб бердингиз-у, лекин ҳануз исмингизни билмайман.
– Нигора.
– Чиройли исм экан. Сиз бемалол овқатланиб олинг. У ерда сомса ҳам бор. Мен борай.
Сарвар ўрнидан қўзғалди.
– Чой қўйиш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Сарвар ака, балки чой ичиб кетарсиз.
– Йўқ, шошиб турибман, буюртмам бор. Айтмоқчи исмини қаёқдан билдингиз.
Сарвар ажабланиб Нигорага қаради. Аёл илк маротаба жилмайди.
– Боя эшик тагида айтдингиз-ку, «Очинг, Сарварман» деб.
Иккаларини кулиб юборишди. Ана шу кулгу ўртадаги ноқулайликни кўтарди.
– Сиз бемалол жойлашаверинг, мен кечкурун хабар оламан.
– Эртага ишга бормоқчи эдим.
– Қаерда ишлайсиз?
– Институтда лаборант бўлиб, келаси йил ўқишга кирсам девдим.
– Эшикни ичкаридан қулфлаб олинг.
Орадан икки ҳафта ўтди. Бу орада Нигора Сарварнинг бутун ҳаёлини эгаллаб олди. У албатта Нигорадан кунига икки маротаба хабар олар, баъзи кунлари шу ерда қолиб ҳам кетар эди. Бугун ҳам тезда бозордан егулик сотиб олгач, машинани марказ томон бурди. Эрталабдан омади келди. Бир йўловчини Самарқандга олиб бориб, келишга улгурди. У эса яхшигина ҳақ тўлади. Энди Нигорага ҳоҳлаган кийимини олиб беради. Буни эшитса ўзи ҳам хурсанд бўлади.
Сарвар иккинчи қаватга кўтарилиб, одати бўйича эшикка суянган ҳолда қўнғирок тутмачасига қўл узатди. Лекин эшик очилиб кетди. Ичкарига кирар экан, йигитнинг юраги безовталаниб, қаттиқ ура бошлади. Уйда ҳеч ким йўқ эди...
– Нигор.. Нигора!
Сарвар хона эшикларини бирма-бир очиб кўра бошлади. Нигора ҳеч қаерда йўқ эди.
– Нигор, қаердасиз?
Унинг овозини хона деворлари ютиб юборди...
...Сарвар эрталаб ҳар галгидек, шаҳарнинг кенг кўчасидан машинасини елдек учириб борар экан, йўлни кесиб ўтаётган Нигорани кўриб, кескин тормозни босди. Нигора машинадан тушиб келаётган Сарварни кўриб турган жойида қотиб қолди.
– Нигор, нега кетиб қолдингиз?
– Сарвар ака, мени кечиринг.
– Тинчликми?
– Эрим келувди. Узук топилибди. Ўғли ўйнаб, уннинг ичига ташлаб юборган экан. У.. менга алоҳида уй олиб бермоқчи.
– Лекин... Нигора.
– Энди учрашмайлик.
Нигора секин қўлини Сарварнинг кафтидан тортиб олди-да, институт дарвозасидан чопганича кириб кетди.

2004 йил.

РАЗОЛАТ

Лобар худди ҳиссиз қўғирчоқ каби ошхона деворида осифлиқ турган арқонни олди. Бувиражаб опанинг «Лобар, кир ювмоқчимисан, ана дор бор-ку», деган гаплари ҳам қу-
library.ziyounet.uz/

лоғига кирмади. Бошини эгганича молхонага кириб кетди. Қизининг ҳолатидан хавотирланган онаизор унинг орқасидан борди. Лобар шифтга қараб бир нуқтага тикилганича турар, қўлида эса сиртмоқ ясалган арқон осилиб турар эди.

–Вой, болажоним, нима қилмоқчисан? Болангни ўйласанг-чи, эсингни йиғиб ол, болам!

Бувиражаб опа қизининг қўлига ёпишди. Лобар худди чўчиб уйғонган кишидек бир сесканди-да, онасига қараб ўкириб йиғлаб юборди...

...Лобар бугун бахтли эди. Унинг қалбини тўлдирган ҳиссиётлар юзида акс этар, келинлик кўйлагига у янада очилиб кетган эди. Ўзига ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қараётган дугоналарига тикилиб ҳузурланар эди. Аллоҳ бир берса қўшқўллаб беради, деганлари рост бўлса керак, келин бўлиб тушган уйида ҳам уни еру-кўкка ишонишмас эди. Эри Турсунбек оилада ягона фарзанд бўлгани учунми, қайнонаси келинини ўз фарзандидан аъло кўрар, унинг кўнглига қараб, бирор бир ишига монелик қилмас эди. Ўзининг ҳусни, одоби, уятчанлиги билан дугоналари ичида алоҳида ажралиб турувчи Лобар ҳам куйинчак қайнонаси-ю, бир нима десанг зўрға «ҳа» ёки «йўқ» дейдиган оғир, вазмин қайнотасининг кўнглини олишга ҳаракат қила бошлади. Шу тарзда осойишта, бахтли кунларининг кети узилмайдигандай эди назарида. Аммо... Аммо Турсунбекнинг иши орқага кета бошлади-ю, оиладаги тотувликка ҳам дарз кетгандай бўлди. Эрининг дарғазаб, бўларбўлмасга жажли чиқиб, бакирадиган, сўкинадиган одатини Лобар ҳеч ҳам ҳазм қилолмаса-да, дардини ичига ютарди.

Турсунбекни янги лавозимга ўтказиб, вакил сифатида фирманинг Сирдарё вилоятидаги филиалига ишга юборишди. Ёшлари бир жойга бориб қолган қайнонаси билан қайнотасини кўзи қиймай, Лобар эри билан кетишга рози бўлмади.

–Ахир дадамлар билан аямларнинг иссиқ-совуғидан ким хабар олади, ўзингиз тез-тез келиб турарсиз, – деди у эрининг кистовига жавобан.

Шу гаплардан сўнг Турсунбек ҳам индамади. Аввалига тез-тез келиб турадиган Турсунбекнинг сўнгги пайтлари турли хил баҳона-ю, сабаблар кўрсатиб, уйга келмаслигидан хавотирга тушган қайнонаси, эндиликда келинини ўғлининг олдига боришига ундай бошлади.

– Болам, ўзингиз кўрдингиз, ўтган ой келганида аҳволи бир тарзда эди. Уйда аёл бўлгани яхши. Турсунбек ягона фарзандимиз, бизни қўйинг, уни иссиқ-совуғига қаранг. Ҳали ўзимнинг куч-қувватим бор. Дадангизга қарашга ярайман. Сиз, энди келса, Турсунбек билан Сирдарёга бирга кетинг, шундагина кўнглим тинчийди.

Қайнонасининг кўз ёшларини кўриб, Лобар тоқат қилолмади. Рози бўлди. Салкам бир ой деганида уйга келган Турсунбек қўққисдан хотинининг сиз билан кетаманга тушиб қолганига ажабланса-да, ич-ичидан қувонди.

Янги жой, янги уй, янги одамлар. Табиатан тортинчоқ Лобар анча пайтгача қўшниларига қўшила олмай юрди. Бунинг устига бўйида бўлиб, ҳомиладорлик унда анча оғир кечди. Шифокор тавсияси билан тез-тез касалхонада ётар, бунинг устига оёқлари ҳам шишиб, уй ичида зўрға юрар эди. Касалхонада «сакланиш»дан чиққан сўнг иккинчи кун Турсунбекнинг лавозими кўтарилганлигини «ювиш» учун ҳамкасблари йиғилишди.

Дид билан безатилган дастурхон атрофида ўтиришган ҳамкасабалар янги директор ўринбосарини табриклашар, директорнинг ўзи эса, онда-сонда чой олиб кираётган Лобардан кўзини узмас эди. Лобар Турсунбекнинг қистови билан бир оз дастурхон бошида ўтирди-да, ўзига тикилган кўзлардан қочиб, ўрнидан турди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Жажжи Самандар дунёга келди. Энди Лобарнинг ташвишлари кўпайган, шундай бўлса-да оналик меҳри унинг ҳуснига янада ҳусн қўшган эди. Турсунбек ҳам бутунлай ўзгарган. Иложи борица, уйдан кўчага чиқмай ўтирган хотинини сал бўлса-да кўнглини ёзиш учун, уни ўзи билан зиёфатларга олиб боришга ҳаракат қиларди. Бу гал ҳам Лобар истар-истамас Самандарни дугонадай бўлиб қолган қўшни аёлга қолдириб, истамайгина эри билан меҳмондорчиликка жўнади. Турсунбек акасининг

айтишича, бу сафар Лобарни шахсан директор бованинг ўзлари таклиф қилган эканлар, агарда у бормаса Турсунбекдан қаттиқ хафа бўлармиш. Эркакларга алоҳида, аёлларга алоҳида хоналарга жой қилинганлигини кўриб, Лобарнинг кўнгли тинчиди. Ўзини эркин тутиб ўтирди. Бир-икки марта директорнинг ўзи кириб, зўрлаб ичирган бир неча қадах коньякни айтмаса, деярли ичмади. Аммо умрида оғзига спиртли ичимлик олмаган Лобар учун шунинг ўзи кифоя бўлди. У уйларига қандай етиб келганларини ҳам, кейин нима бўлганини ҳам эслай олмайди. Фақатгина кўзини очганида, ўзининг тўшагида ётганлигини кўриб енгил тортди. Бирдан Самандар ёдига тушиб, туриб ўтирганида ёнида тескари қараб бегона эркак ётганлигини кўриб, кўркқанидан бақириб юборди. Унинг овозидан уйғонган эркак эса апил-тапил ўрнидан турди-да, эшик орқасида ғойиб бўлди. Лобар жойида қотиб ўтирар, нима қилишини билмай тинмай эрини чақирар эди.

Ётоққа югуриб кирган Турсунбек хотинини кучоқлади-да, тинчлантиришга уринди.

–Нима бўлди, жоним, нимадан кўркқдинг?

–Ҳозир...ҳозир...шу ерда...

–Кимни кўрдинг?

Лобар қалтираб, қўли билан тўшакка ишора қилди:

–Шу ердан бегона одам чиқиб кетди...

–Кўйсанг-чи, бўлиши мумкин эмас. Боягина олдиндан ўзим туриб кетувдим. Кеча кўп ичиб қўйиб, энди жанжал қилишингни қара?!

–Йўқ, йўқ! Рост айтаяпман, шу ерда бегона эркак ётувди, кўркқанимдан бақиргандим, қочиб чиқиб кетди.

Турсунбек бирдан жиддийлашди.

–Хўш нима бўлибди, бир марта бегона эркак билан ётсанг–ётибсан-да, бирор жойинг камайиб қолдимми?

Лобар эрига даҳшат тўла кўзлари билан қаради.

–Сиз ни–нима деяпсиз?

–Шу уй-жой, янги лавозим, ишхонадан берилган машина ўз-ўзидан бўлаяпти, деб ўйлаяпсанми? Олсанг бир марта директор бованинг кўнглини олибсан, нима бўпти? Керак бўлса бу ишни ҳар куни қиласан!

Лобар эрига бир зум қараб турди-да, сўнг «Ифлос» дея унинг юзига шапалоқ урди.

Хотинининг ўзига қўл кўтаришини кутмаган Турсунбек кўзларида ғазаб учкунлари алангаланди. Аммо ўзини босиб олди-да, яна қўл кўтаришга чоғланган хотинини қўлини қайирди. Унинг юзига юзини яқинлаштириб, шивирлади:

–Бу гап иккимизнинг орамизда қолсин, биров билса сўйиб ташлайман.

Лобар бирдан бўшашиб, ўзини ёстикқа ташлади-да, аламини кўз ёшидан олди. Шу кундан сўнг хотинининг миқ этмай, одамови бўлиб қолганини кўрган Турсунбек, онасига телефон қилиб, “келини бетоблигини, бир-икки кун уйда оғир иш қилдирмай юриб туришини” тайинлади-да, якшанба куни Лобарни ўғилчаси билан Жиззахга элтиб қўйди. Қўйсин опа ҳар қанча уринмасин, келинининг сўлғин юзи, маъюс кўзларида яширинган дард-аламни қува олмади Эри билан маслаҳатлашиб, уни ўзининг уйига «ўйнаб келиш» учун юборди.

–Ёш нарсаси, ота-онасини соғингандир, деб қизингизни ўзим олиб келдим. Бир-икки кун уйда бўлсин, опа-сингиллариникига борсин. Нимагадир қизингиз маъюс, шунча гапга солсам ҳам гапирмайди, балки сизга дилини ёрар, – деди Қўйсиной опа қудасига термулиб.

–Ажаб кипсиз, қудажон. Қизим ўзи жуда тортинчоқ, келганида ётиб кет десам ҳам, «сўрамаганман» деб ҳеч унамайди. Кўп сиқилманг, опаларини соғингандир, – Бувиражаб опа ўғринча қизига кўз ташлади. Лобар дастурхоннинг попугини ўйнаб, ерга тикилганича хаёл суларди.

Кечқурун қизи билан гаплашишга кирган Бувиражаб опа бўлиб ўтган воқеани билиб, бошидан хуши учди. Лобарнинг энди «у уйга қайтиб бормайман, эрим билан ажрашаман», деган гаплари онаизорни ўйлантириб қўйди. Юрак ютиб, эри билан маслаҳатлашишга қарор қилди.

Соли ота воқеани эшитиб, узоқ сукутга толди.

– Қудаларнинг бу гапдан хабари борми?

– Билмадим, йўқ шекилли, бўлмаса қудам мунчалик куйиб–пишмас эдилар.

– Бўлмаса, қизингга айт бу гапни сенга айтибди, бошқа ҳеч ким билмасин, ҳатто опаларига ҳам айтмасин. Биласан, одамлар ҳозир оғзи билан юрадиган бўлиб кетишган, қизингни ўзи шарманда бўлади. Ундан кўра бир-икки кун шу ерда юрсин-да, кейин эриникига борсин. Вақт топиб Турсунбек билан ўзим гаплашаман.

Орадан уч ой ўтди. Турсунбекни бу орада Жиззах вилояти туманларининг бирига вакил қилиб тайинлашди. Яна тақдир чархпалаги бошқатдан айлана бошлади. Яна янги жой, янги уй ташвиши. Янги жамоа, янги танишлар... Янги жойга кўчиб келишганидан мамнун Лобарнинг ҳам кўзларидаги маъюслик йўқолди. Сирдарёда барча қўни-қушникилар унга таъна қилаётгандай қарашаётгандек туюларди, назарида. Бундан баттар сиқилар, шунинг учун бирорта қўшниникига ҳам чиқмай қўйган эди. Энди ҳамма хавотирлари орқада қолди. Аммо яна унинг бахтига кўз тегди. Бунинг асосий сабабчиси эса яна ўша қачонлардир жонидан ортиқ севган, юзини қора, қалбини тилка-пора қилган Турсунбек эди.

Ўша куни боши қаттиқ оғриб, шамоллашнинг илк аломатларини сезган Лобар кечга томон эридан Самандардан кўз-қулоқ бўлиб туришни илтимос қилди. Эри олиб келган пиёладаги чойни ичди-да, худди қоп-қора бўшлиққа учиб кетаётгандай бўлди. Эрталаб, эрталаб кўзини очганида эса эри билан бир неча маротаба уйларига келган Бадриддиннинг кучоғида ётганини кўрди. Эри ўшанда уни Жиззахдаги фирма раҳбари деб таништирган эди.

Лобар жонҳолатда қичқириб, ўрнидан турмоқчи бўлганида, хонага Турсунбек кириб келди. Бу орада кўзини очган Бадриддин Турсунбекка қараб кўз қисди-да, шошилмай кийимини кийиб, нариги хонага чиқиб кетди.

– Бу нима қилганингиз. Сиз ҳам эркакмисиз? Сизда ор-номус, эркаклик ғурури борми ўзи?– Лобар жазаваси тутиб эрининг қўлидан чиқишга уринар, юзига келиб тушаётган тарсакиларни ҳам сезмас эди.

– Ўчир овозингни, мен нима десам шуни қиласан. Ор, номус, ғурур эмиш. Шу билан қорнинг тўядими, ё устинг бут бўладими? Оғзингдан нима чикса муҳайё қиламан, ўзидан–ўзи келадими бу пуллар! Нима бўпти, Бадриддин ака сени ёқтириб қолибди. Ҳеч жойинг камайгани йўқ-ку, – Турсунбек бирдан тинчиб қолган хотинига тикилди.

– Тушун, ҳамма иш ҳам осонликча битмайди, худо ҳам сендан ҳаракат деган экан. Менга озгина ёрдам берсанг, берибсан-да, зато энди катта иш битади...

Эрининг мулойим гапиришлари Лобарнинг қулоғига кирмас, миясида фақат бир нарса, тезроқ мана шу ҳаром бўлган тўшакдан тургиси келар, ифлос қафасга айланган уйдан қочиб кетгиси келар, ўзининг танасидан ўзи жирканиб, ҳаттоки ундан ҳам қутилгиси келар эди.

Хотинининг тинчланганини кўрган Турсунбек, унинг ерда сочилиб ётган кийимларини олди-да, Лобарнинг олдига ташлади.

– Кийиниб ол, кечқурун уйга меҳмон келади. Бозор қилишим керак. Унгача жой тай-ёрлаб қўй,– деди-да чиқиб кетди.

Бироздан сўнг қўшни хонада унинг Бадриддинга бир нималар деб гапиргани, сўнг ҳовлида машина овози эшитилди.

Эрининг кетганига ишонч ҳосил қилган Лобар тезда кийинди-да, каравотчасида пишиллаб ухлаб ётган Самандарни кийинтириб, йўлга отланди...

2004 йил

МЕНИ КЕЧИРГИН, ҚИЗИМ

Суюмгул эрини сафарга кузатар экан, кўнгли негандир -ашланди. Балки 12 яшар ўғли Достонжоннинг ҳам у билан кетаётгани учунми, ёки Даврон ака сўнгги маротаба сафардан қайтганида орбга унчалик рўйхушлик бермай, кўпол муносабатда бўлгани учунми?! Нима бўлган тақдирда ҳам Даврон акасининг ўзгариб қолгани рост. Иши ҳам курсин. Тирикчилик деб шу «КамАЗ»ни сотиб олди-ю, ҳаловати йўқолди. Россияга қатнагани, қатнаган. Ҳар кетганида салкам бир ой йўқ бўлиб кетади. Ҳозир замон нотинч бўлса, яхши-ёмон кўп. Ишқилиб? эсон-омон бориб келсин-да. Суюмгул машина орқасидан кўтарилган чангнинг аста-секинлик билан тарқалаётганлигига бир зум қараб турди-да, сўнг чуқур хўрсиниб, аста дарвозани ёпди.

– Ая, акамла дадамла билан кетдилами? – 6 ёшли қизи Сабиҳанинг жарангдор овози Суюмгулни ўзига келтирди. – Акам энди кемайдилами?

– Вой шириним-эй, бу нима деганинг. Даданг ҳам, аканг ҳам бир ойдан кейин қайтиб келишади. Сенга катта, чиройли кўғирчоқ олиб келишади, – Суюмгул чўккалаб, қизалоғини бағрига босди. Ҳовлида тўп ўйнаб юрган кенжа қизи Сурайёни бир зум кузатиб турди-да, ошхонага йўналди.

Мана орадан икки ой ўтди ҳамки, на эридан, на ўғлидан дарак бор. Бу орада бир неча бор қайнона-қайнотасини кўргани борган Суюмгул турмуш ўртоғидан хабар йўслигини айтганида, улар ҳам хавотир олишаётганлигини, агар яна бир-икки ҳафтада қайтиб келишмаса, милицияга ёрдам сўраб мурожаат қилишларини айтишди. Бугун эрталабдан Суюмгулнинг қўли ишга бормади. Бирров қайнотасиникидан хабар олиб, иш изламаса бўлмаслигини ўйлаб, йўлга отланди. Қайтишда қизалоқларини боғчадан ола келишини ўйлаб, тўғри турмушга чиққанидан сўнг бор-йўғи олти ой ишлаган мактабига борди. Мактаб директори ҳам ўзгариб кетибди. Янги директорнинг йўлини пойлаб, икки соатлар чамаси таниш ўқитувчи, фаррош аёллар билан суҳбатлашиб ўтирди. Янги директор ёши қирқлардан ошган бўлсада, ҳали жозибадорлигини йўқотмаган ўқтамгина аёл экан. Суюмгулнинг дардини тинглагач, афсус дегандай бош чайқади.

– Сизга жон деб ёрдам берардим-у, синглим, аммо бирорта ҳам бўш жойим йўқ, ортиқча дарс соатим ҳам. Бир-иккита янги келинларимиз бор, ярим, бир йиллардан сўнг хабар олинг, балки уларнинг жойи бўшаб қолар, – директор маънодор жилмайиб, гап тамом дегандек, столи устидаги қоғозларни титкилашга тушди.

Суюмгул миннатдорчилик билдириб, директор кабинетидан чиқар экан, яна қаердан иш қидириши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади. Балки Сабиҳанинг боғчасида иш бордир. Ахир олий маълумотли педагог бўлса. Аммо боғча мудирасининг олдидан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб чиққан аёл, қизчаларини олиб, қайнотасиникига йўл олди. Қайнонаси ҳовлида кўрпа қавиб ўтирган экан. Келини билан ўтирган жойида кўришган Тошбуви опа Суюмгулга бир оз тикилиб турди-да, кўзойнагини кўтариб, рўмолчаси билан ёшланган кўзларини артди.

– Қизим, тақдир экан, бу кўргулик ҳам бор эдимиз, мунча пешонам шўр бўлмаса.

– Аяжон, тинчликми? – Суюмгулнинг юраги увишди. – Ўғлингиздан хабар борми?

– Қизим, сизга нима дейишга ҳам ҳайронман, мана буни ўқинг.

Тошбуви опа нимчасининг чўнтагидан тўрт буклоғлиқ қоғоз олиб Суюмгулга узатди.

Суюмгул эрининг хатини дарҳол таниди. Хатнинг охириги сатрларини ўқир экан аёлни кўз олди қоронғилашди. Келинининг ранги оқарганини кўриб Тошбуви опа, Сабиҳага юзланди.

– Чоп болам, ошхонадан пиёлада сув олиб чиқ.

Сувни ичган Суюмгул кўлидаги қоғозга тикилар экан, ҳарфлар айқаш-уйқаш бўлиб кетаётганлигини сизди. Бундан ўн йил олдин «сенси менга дунё қоронғу, менга тегмасанг ўзимни осаман», деб куйиб-пишиб юрган ўша Даврон акаси ота-онасига Новосибирскдан йўллаган хатида шу ерда икки йил олдин уйланганлигини, ҳатто бир қизчаси ҳам борлигини ёзган, рус хотини бир фирманинг раҳбари эканлигини, энди шу ерда доимо у билан бирга ишлашини билдириб, Суюмгулдан ажралишини айтган эди. Достонжон катта бўлса, ҳаммасини унга ўзи тушунтирармиш.

Энди нима қилади? Бир ўзи икки бола билан бошини қайси тошга уради. Ота-онаси ёшлигида автоҳалокат туфайли ҳалок бўлиб, амакисининг кўлида катта бўлган эди. Янгаси ҳар бир гапида уни боқаётганлигини таъна қилар, вақти келса мактабга ҳам қўймай, уй ишларини қилдиради эди. Шундай бўлса ҳам Суюмгул аъло баҳолар билан мактабни битирди. Ўз билимига ишониб Тошкент Давлат педагогика институтига ҳужжат топшириб, институтни қизил диплом билан битирди. Институтнинг охири курсида Даврон акаси билан танишди-ю, шу пайтгача чеккан азоблари-ю, кўргуликлари энди орқада қолганлигини тушуниб етди. Турмушга чиқса ўзининг оиласи, уйи бўлишини тасаввур қилиб, қувонганидан тунлари кўзига уйқу келмас эди. Даврон ўз сўзида турди. Ўзига тўқ оиланинг эрка фарзанди бўлишига қарамай, ота-онасининг раъйига қарши бориб бўлса ҳам, Суюмгулга уйланди. Онаси бошида Суюмгулни чиқиштирамагач, алоҳида ҳовли олиб, кўчиб чиқиб кетди. Аммо Суюмгулнинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги бора-бора қайнонасининг тошдай қаттиқ юрагини ҳам ийдирди. Кенжа қизини узатгач, у ўғлини ҳовлига қайтариб олиб келиш тараддудига тушган эди. Энди бўлса?! Нима қилади? Наҳотки жигарбанди Достонжонини ҳеч ҳам кўрмаса. Суюмгул куйилиб келган кўз ёшини тўхтата олмади. Тошбуви опа келинини бағрига босар экан, тинмай ўғлини қарғар эди.

– Ўғил туғмай ман ўлай, қариганимда юзимни ерга қаратди-я. Илоё ер ютсин уни. Гулдай фарзандларини етим қилган ўша қанжиқнинг оғзидан қони келсин.

Суюмгул қизарган кўзларини рўмолининг учи билан артар экан, ҳовли сатҳига ётқизилган асфальтнинг ўйдим-чукур, уй деворининг сувоқлари кўчиб, олачипор бўлиб қолганига эътибор берди. Чол-кампира ҳам қийин. Қайнотасининг ҳам нафақага чиққанига 20 йилча бўлиб қолди. Куч-қуввати борлигида йиққан-терганларини икки қизини узатиш-у, ўғилларининг тўйларига сарфлаб бўлишди. Навбатда яна кенжа қизларининг ҳам бўйи етиб турибди. Ҳамма умидлари Даврон акасининг топиш-тутишидан эди. У бўлса нафақат унга, балки ота-онасининг юзига ҳам оёқ босиб кетди.

Суюмгул ўзига келгач, қайнисинглисини сўради. Унинг ҳали ҳам ишдан келмаганини билиб, кечки овқатга уннади...

Кунлар ўтаверар экан. Ўша шум хабарни эшитганига ҳам мана икки йил бўлди. Даврон акаси уларни ташлаб кетганига икки ой бўлганидан сўнг, Суюмгул ҳомиладорлигини англади. Қайнонаси юраги остида юраги ураётган ҳомилани олдириб ташлашга қўймади, аммо унинг дунёга келишини кўролмади ҳам. Яккаю-ёлғиз ўғлининг қилган ишини кўтаролмай, чол-кампира орқама-кетин қазо қилишди. Энди бу дунёда Суюмгул суянадиган суянчиқ ҳам қолмади. Бунинг устига иш топа олмай овора-ю, сарсонгарчиликдан сўнг, боши тез-тез оғрийдиган, юраги сиқиладиган бўлди. Тўймаърақада одамларнинг идиш-товоғи-ю, уйларида кирларини ювиб юрди. Бахтсизлик бир келса орқама-кетин келаверар экан. Бу орада кичик қизи Сурайё шамоллаб қолди. Касалликнинг олди вақтида олинмаганлиги сабабли, у зўрайгандан зўрайиб кетди. Бунинг устига Сабиҳанинг қаровида бўлган Сурайё бир марта ҳушидан кетиб йиқилгач, шифокорлар унинг мияси қаттиқ чайқалганлигини айтишди. Қизалоқ операцияга муҳтож эди. Суюмгул фарзандини кутқариш учун уйини сотди. Ўзи эса шаҳар чеккасида жойлашган ётоқхонага кўчиб ўтди. Бахтига Сурайё омон қолди. Аммо қизалоқ кучдан кетган, унга шифокорлар қувватли овқатлар тавсия этишган эди. Суюмгул кўп ўйлади. Сабиҳа

хам мана ярим йилдирки, мактабга бормаиди. Мактабга яроқли на усти боши, на оёк кийими бор. Яхшиям бахтига шу қизи бор экан, Суюмгул иш кидириб кўчага чикқанида Сурайё ва жажжи Дилмуроджонга у қарайди. Ўзининг соғлиғи эса Сабиҳаникидан яхши эмас. Тунлари тез-тез юраги безовта қиладиган бўлиб қолган. Ўтган куни ҳарчанд уринмасин, ўрнидан тура олмади. Яна бир маротаба шу ҳол такрорланса фарзандларининг ҳоли нима кечади?

Бугун у эрталабдан туриб, сурпада қолган ундан фарзандларига атала қилиб берди-да, Сабиҳага тезда қайтишини айтиб кўчага чикди. «Меҳрибонлик уйи»гача анча йўл эди. Бинонинг олдида етиб келганида, қуёш тиккага келган, ҳовлини тўлдириб ўйнаб юрган болаларни бир зум кузатар экан, ичкарига киришга юраги бетламади. Панжара олдида ярим соатлар чамаси тургач, секин орқага қайтди. Шу куни Суюмгул қайтиб кўчага чикмади. Онасининг бир нуқтага тикилганича ўтирганини кўрган Сабиҳа ҳарчанд унинг кўнглини олишга ҳаракат қилмасин, Суюмгулдан садо чикмади. Кечга томон Дилмуроджоннинг чириллаб йиғлаётганини эшитган кўшни аёл бир косада сут кўтариб чикди. Суюмгулнинг бир аҳволда ўтирганини кўриб хайрон бўлди. Дилмуроднинг шишасига сутни илитиб қуйди-да, Сабиҳага берди. Болаларнинг бугун тушлик ҳам қилишмаганини билиб, уйдан иккита нон, бир коса суюқ овқат кўтариб чикди.

– Суюмгул, бу нима қилиқ. Болаларингизни қийнаб кўйибсиз-ку, айланай. Туринг, ҳеч бўлмаса ўзингиз ҳам бир пиёла иссиқ чой ичволинг.

Суюмгулдан садо чикмаганини кўриб, унинг елкасига қўл ташлади.

– Сиқилаверманг, ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Ниҳоят Суюмгул кўшни аёлга қаради.

– Янга, илтимос, болаларимга қараб туринг, мен бир жойга бориб келишим керак.

– Кеч бўлганда қаёққа борасиз, қоронғи тушиб қолди-ку.

– Бормасам бўлмайди. Болаларни сизга ишонаман.

– Ҳа, албатта. Фақат кечга қолманг, улар бизникида бўлиб туришади,– кўшни аёл дастурхонни йиғиб олар экан, Дилмуродни кўтариб, Сурайёнинг кўлидан етаклади. Сабиҳанинг жойидан қимирламаганини кўриб, «Юрақолгин» деб уни чақирди.

Суюмгул уларнинг орқасидан хонанинг эшиги ёпилиши билан, уни ичкаридан кулфлади-да, бир бурчакда кийимлар ташлаб қўйилган арқончани ечиб олди. Хонани худди биринчи маротаба кўраётгандай кўздан кечирав экан, деворга қоқилган илгакка кўзи тушди. Арқоннинг бир учидан сиртмоқ ясаб, бир учини илгакка маҳкамлади. Сўнг сандиқни очиб, ундан келинлик пайти икки-уч маротаба кийган, сўнг яхши ният билан сандиққа солиб қўйган, ҳали ҳам товланиб турган зар иплар билан чеккаларига гул босилган кўйлагини олиб кийди. Сочларини тараб, кўзларига сурма қўйди. Дераза тоқчасида турган қизалоқларининг суратини авайлаб қўлга олиб, жилмайиб турган Сабиҳа ва Сурайёнинг юзларидан ўпди. Сўнг стулнинг устига чиқиб сиртмоқни бўйнига солди. «Мени кечиргин, қизим», шивирлаб айтилган бу сўзлар унинг сўнгги нафаси эди.

2004 йил.

МУҲАББАТ БИЛАН ЯШАЙМАН

Ҳар бир инсон севиб, севилиб яшаш бахтига муяссар бўлишни истайди, ана шу бахт қуши ногоҳ бошига кўнса, юрагидан тошиб чиқаётган қувончини барчага улашгиси келади. Унинг наздида кўм-кўк осмон янада тиниқлашгандек, қуёш янада кучлироқ нур таратаётгандек, сахарги салқин сабо эса юзларни эркалатиб силаётгандек бўлади. Сизни илк бор учратганимда, ҳали ўзимга номаълум бўлган ҳиссиёт оғушида қолдим. Орадан икки ой ўтгач “Мен сизни севаман” деб пичирлаганингизда, қанчалик бахтиёр бўлганимни

тасаввур ҳам эта олмайсиз. Чунки мен ана шу сўзларни Сизни учратган кунимдан буён орзиқиб кутган эдим.

Ўша пайти талабалар ётоқхонасининг чоғроққина хонасига кириб келишингиз билан, шу торгина хона кенгайиб кетгандек туюларди менга. Ўша дамда биздан бахтиёрроқ инсон йўқ эди бу оламда. Манзилларимиз узоқ бўлса-да, қалбларимиз яқин эди. Ана шу хиссиёт узоқ манзилни яқин қилди, бириктирди. Айни пишиқчилик, тўкинчилик пайти, ёз ойининг сўнгги кунларида орзу-ҳавасларга тўла тўйимиз бўлиб ўтди. Барча хурсанд. Аммо негадир Сиз хомуш эдингиз. Тўйга гилам кўтариб келган аёллардан бири Сизнинг пешонангиздан ўпар экан, “Мен Сожида амманг бўламан, Нодирбек, буни кара-я, ойдай йигит бўлибсан-а”, деган гапи қулоғимга чалинди. “Меҳрибонлик уйи”да Сиз билан бирга тарбияланган дўстларингиздан бири келиб, “Нодир, тоғанг чақирапти” деб кетганида, Сиз қувончданми ё аламдан кизариб кетдингиз. Биз томон бир-бир қадам босиб, шошилмай келаётган, салобатли эркакка хушламайгина қўл чўздингиз. Унинг “кечирасан жиян, иш билан бўлиб сендан хабар ололмадим. Вактнинг тез ўтишини кара-я”, деган гапларини назаримда эшитмадингиз ҳам. Тоғангиз қўлингизга мажбурлаб тутқизган бир даста пулни қайтариб, унинг кўкрак чўнтагига солиб қўйганингизда, Сизга нисбатан ҳурматим, меҳрим янада ошди. Сиздек ғурури баланд, ориятли инсоннинг турмуш ўртоғи бўлаётганимдан фахрланиб кетдим. Ҳа, тўйимиз “Меҳрибонлик уйи”да, Сизга гўдаклигингиздан ҳам ота, ҳам она бўлган кадрдон тарбиячиларингиз, шаҳар ҳокимлиги ёрдамида ўтказилмоқда эди. Сиз танишганимизда ҳеч кимингиз йўқлигини, ота-онангиз автоҳалокатда вафот этганини айтган эдингиз. Касалманд бувингиз умри охирлаб қолганини сезиб, Сизни, яъни бир ярим ёшли болани “Меҳрибонлик уйи”га топширганини айтгандингиз. Энди бўлса...

–Нодирбек, мен Ойниса аммангман. Ҳа, энг кичик амманг бўламан. Туф-туф кўз тегмасин. Қўшганинг билан қўша қари.

Сиз ўзларини қариндошингман деб таништираётган чехраларга зимдан боқар эдингиз. Аммо уларнинг бирортасини 22 йил давомида бир маротаба ҳам кўрмаганингиз учун хайрон бўлар эдингиз. Шу куни иккаламиз учун қўшалок байрам бўлди. Шаҳар ҳокимлигининг вакили тантанали равишда бир хонали уйнинг калитини топширар экан, олий ўқув юртини муваффақиятли битирганингиз билан ҳам табриклади. Тўйхона гулдурос қарсақлар-у, қийқириқлардан ларзага келди.

Орадан бир йил вақт ўтди. Бу орада Сиз ўзингиз таҳсил олган олий ўқув юртида дарс беришдан ташқари, илм билан ҳам шуғуллана бошладингиз. Тўйда бирдан пайдо бўлган қариндошларингиз, кейин бирор маротаба ҳам ҳолимиздан хабар олмаганлиги боис, уларни бошқа эсламадингиз. Мен ҳам улар ҳақида Сиздан сўрашга ботина олмадим. Ёдингизда бўлса, ўша куни эндигина кечки овқатга ўтирган эдик, ногаҳон эшик қўнғироғи жириглади. Эшикни очсам, остонада ўзини тўйда Сожида амманг бўламан, деб таништирган аёл, бир ёш йигитча билан турарди. Уларни ичкарига таклиф қилдим. Сиз эса қариндошларингиз билан хушламайгина сўрашдингиз.

–Нодирбек, бу йигит ўғлим Сухробжон бўлади. Бу йил юридик коллежни битирди. Уни ёшлигидан “юрист қиламиз” деб отаси билан ният қилган эдик. Эшитсак, юрфакда домла экансан, мана сени қора тортиб келавердик. Ўзингнинг жигаргўшанг. Сухробжонни қанотингга олсанг, ўқишга киргизишда ёрдам берсанг. Бу ёқда биз ҳам қараб турмаймиз.

–Бош устига, тайёрланаверсин. Билими бўлса тестдан ўтади. Бўлмаса йўқ. Аммо кўриб турибсиз, уйимиз бир хона. Сухробжон балконда ёта турар, - дедингиз телевизорга тикилиб.

–Нодирбек, биз сендан яшаш учун жой сўраб келганимиз йўқ. Ўғлимга Тошкентдан уй олиб беришга худога шукр қурбимиз етади. Сендан хизмат ўғлимни ўқишга жойлаб қўйсанг. Қанча ҳаражат бўлса биз тайёр. Нима бўлганда ҳам бегона эмасмиз.

Аммангиз оҳангидаги кесатик юрагингизга нашта мисол санчилди, шекилли, илк бора унинг кўзларига тик боқдингиз.

–Менинг шунча қариндошим, жигарларим борлигини билмай юрган эканман. Етимхонада болаларнинг қариндошлари чиқиб қолиб, уларни кўргани келишса ёки олиб кетишса ичимдан бир нима узилгандай бўлар эди. Менинг ҳам ё аммам, ё холам ёхуд тоғам бўлса эди, деб ўйлардим. Буни қаранг-а, оҳим Худойимга етибди. Аммо жуд кеч. Эндигина оёққа туриб, одам бўлганимда сизларга керак бўлиб қолдим. Ёш бола бўлиб, қўлимдан иш келмаганида эса мени ҳеч қайсингиз эсламаган эдингиз. На сиз, на тоғам...

Ўшанда Сизнинг алам тўла сўзларингизни тинглар эканман, кўзларимга ёш келди. Ҳеч нарсани англамай, онасининг ёнида турган Сухробжон эса дам Сизга, дам онасига қарарди. Аммангиз ўйлаган режаси амалга ошмаётганлигидан жаҳли чиқди шекилли, индамай чиқиб кетиш ўрнига қўлини пахса қилганича ўдағайлади:

–Ҳой, етимча! Ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Одам бўлиб қолганмишлар. Сенсиз ҳам Сухробжонни ўқитаман. Аммо сени ишингдан ҳайдатмасам, Сожида исмимни бошқа қўяман.

Сиз индамадингиз. Турган жойингизда тошдек қотдингиз. Аммангиз ва унинг ўғли орқасидан қарсиллаб ёпилган эшик овозидан сўнггина чуқур “ух” тортиб, бошингизни чангаллаганча курсига оғир чўқдингиз.

Аммангиз айтганини қилди. Орадан кўп ўтмай, биринчи маротаба уйга маст ҳолда келдингиз. Гапингизга қараганда Сожида аммангиз институт ректори олдида кириб, Сиз ўғлини ўқишга киритиш учун ундан катта миқдорда пул олганингизни, аммо алдаб, пулни қайтармаганлигингизни айтиб тухмат қилибди. Илмий Кенгашда Сизни муҳокама қилишибди. Сизни таъмагирликда, порахўрликда айблашибди. Афсус, ана шу бўҳтонга ҳамма ишонди. Лекин аммангиз бу билан тинчимади. Худди шу мазмундаги аризани ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳам берди. Тергов, суриштирув бошланди. Натижада, ишдан ҳайдалдингиз. Бу пайти мен оғироёқ бўлганим сабабли таътилда эдим. Амал–тақал қилиб, уйимдагиларнинг ёрдами билан кун кўра бошладик. Сиз ҳамон тушкун кайфиятда эдингиз. Тез-тез ичиб келадиган одат чиқардингиз. Сизни тушунардим, аммо барча илтимосларим, ота-онамнинг насиҳатлари бекор кетарди. Ишингиз терговдалиги боис, Сизни ҳеч жойга ишга қабул қилишмади. Бу орада фарзандли бўлдик. Жажжи Феружжон ҳаётимизга бир қадар ёруғлик оолиб кирди. Шу орада айбингиз ўз исботини топмагани учун Сизга нисбатан кўзғатилган жинойий иш ҳам бекор қилинди. Шундай бўлса-да, Сизни қайтиб ишга олишмади. Бўлажак ҳуқуқшуносларга сабоқ берадиган одам пок ниятли, ориятли, тўғри сўз бўлиши керак экан. Улар шундай дейишибди. Ахир ана шу хислатларнинг барчаси Сизда мужассам-ку! Бу орада Сиз аллақандай “дўстлар” орттириб Россияга пиёз, қовун-тарвуз жўнатишда уларга шерикчилик қила бошладингиз. Айтишингизча, улар Сизни “шахсий юристи” қилиб олишган экан. Бироз бўлса-да ўн-ландик. Энди Сиз тез-тез сафарда бўладиган, бир ойга етадиган пул ташлаб, йўқ бўлиб кетадиган одат чиқардингиз. Уйимизга ҳам шубҳали одамлар кела бошлади. Сиз кўрс, камгап бўлиб қолдингиз. Ҳарчанд дилингиздагиларни менга тўкиб солишни сўрасам-да, индамас ёки мени силтаб ташлардингиз. “Дадаси, шу ишларингизни қўйинг. Бирор корхона ёки ташкилотга ишга кириш”, десам, менга жаҳл билан “Эндигина оғзим ошга етганида, яна гадой бўлишимни истайсанми?” дердингиз.

Ўшанда баҳор эди. Орзулар фасли. Анча ўзгариб қолган бўлсангиз-да, мен сизни ҳамон севардим. Қалбим тўрида асраб-авайлаб келаётган орзуларим албатта бир кун келиб ушалишига ишонардим. Сиз яна сафарга отландингиз. Негадир бу сафар умуман Сизни қўйиб юборгим келмади. Қалбим аллақандай ҳадик, кўрқув, хавф исканжасида эди. Худди Сизни бошқа кўрмайдигандай эдим. Шунча “кетманг” деб ялиниб, ёлвордим. Менга қўшилиб жажжи Феружжон ҳам йиғлади. “Оббо, ўлмасимдан аза очвординглар-ку”, деб кулдингиз. Феружжонни эркалаб, бағрингизга босдингиз. Сўнг узоғи билан 15 кунда

қайтиб келишингизни айтиб, кетдингиз. Сиз кетишингиз билан янги олинган тўрт хонали уйимиз хувиллаб қолди. Орадан 15 кун, сўнг бир ой, кейин 3 ой ҳам ўтди. Телефонлар ёзилган дафтарчангизни топиб, “дўст”ларингизга қўнғироқ қила бошладим. Аммо улар келишиб олгандай, қаерга кетганингизни билмасликларини айтишар, хаттоки биттаси умуман Сизни танимайман, деди. Ниҳоят Соли деган ўртоғингиз Сиз Россияга пиёз билан биргаликда гиёҳванд моддалар олиб кетаётганингизда қўлга тушганлигингиз, ҳозир эса қамоқхонада эканлигингизни айтди. Ками билан 7 йил ётармишсиз. Бошим айланиб, қўлимдан телефон гўшаги тушиб кетишига сал қолди. Яна айтибсизки, буларнинг барчасини мен билмаслигим керак экан, чунки Сиз менинг ва Ферузжоннинг номига доғ туширганингиз учун ўзингизни кечира олмас экансиз. Ўғлим Сизни ўлган деб ўйласа, яхшироқ бўлармиш.

Нодирбек ака, Сиз қандай йўл тутманг, нима иш қилманг, ҳаётимнинг сўнгги дамларига фарзандимнинг отаси, менинг бу дунёдаги ягона суянчиғим бўлиб қоласиз. Мен бу ҳаётда Сизга бўлган муҳаббатим билан тирикман. Албатта қайтинг! Биз Сизни интизорлик билан кутамиз. Сизни соғиниб, дийдорлашиш онларини кутиб қолгувчи ОЙГУ-Лингиз!

2004 йил.

АЧЧИҚ АРМОН

«Саида, кечир мени. Бир умр азобга ташлаб кетдинг... Мана орзуимга ҳам етишар эканман, қизинг Севара ўғил кўрди. Гулига ҳам тинмай совчилар келаяпти. Қизинг учун шундай қувончли ва ташвишли кунда ёнида сен йўқсан. Эҳ Саида, Саида! Қани энди, қайтиб кела олсанг. Аллоҳ менга барча виждон азобларидан қутилиш учун имконият берса эди».

Рўзимат ака ёноғига томган кўз ёшини артиб, рафиқаси Саидага ёзган хатини тортмадаги картон қути ичига, шу пайтгача йиғилган хатларга қўшиб қўйди. Бу хатлар ҳеч қачон ҳеч қаерга юборилмайди. Бу хатлар ҳеч қачон ўз эгасининг қўлига тегмайди, чунки уларда виждон азоби, бир умрлик армон битилган эди...

...Рўзимат уйланиб, икки фарзандли бўлгунига қадар оилавий ҳаётдан нолиган эмас. Ҳозир беш қизнинг отаси. Хотини ҳам юмшоқ, қўнғилчан аёл. Ўн уч йил бирга кечирган ҳаётлари давомида бирон марта ҳам унинг юзига тик қараб гапиргани, гап қайтарганини эслай олмайди. Шундай бўлса ҳам негадир кейинги вақтларда Рўзимат оиласидан совий бошлади. Ишда алламаҳалгача қолиб кетадиган, ишини эртароқ тугатса, дўсти Бадриддиннинг олдига борадиган бўлиб қолди Уйга борса, бўлар бўлмасга жажли чиқар, э йўқ, бе йўқ қизларига ўшқириб, хотинига қўл кўтарадиган ҳам бўлди. Мана бугун ҳам ҳисобкитобини тугатгач, анча вақт ўйга толди. Ўтган кунги воқеани эслаб, ичи сиқилди. Хотинини бугун эрталаб, туғруқхонадан уйга олиб келган эди. Энди эса, олдига ҳеч ҳам боргиси йўқ. Тўғриси боришга уялади. Бир ҳафта олдин хотинининг кўзи ёриб, яна қиз туғилганини эшитгач, ўлардай ичган, сўнг Бадриддиннинг машинасига ўтириб, туғруқхонага боришган эди. Худди қиз туғилганига улар айбдордек, йўлда учраган оқ халатлиларни бўралаб сўкканини эслайди, кейин эса нима бўлгани эсида йўқ. Фақат эртаси куни боши лўқиллаб, ўз ётоғида кўзини очди. Жўраси уйига олиб келиб ташлаган бўлса керак. Шунга ҳам раҳмат.

Рўзимат, нима қилишини билмай каловланиб турди-да, бирданига жўралари чойхонага йиғилмоқчи бўлганларини эслади. Шошиб эгнига курткасини кийиб, чойхонага йўл олди. Ёшликдан дўст тутинган тўрт жўрасини Собир маслаҳатга чақирган экан. Собир кенжа икки фарзандини суннат қилмоқчи. Қандай бахтли инсон. Тўрт ўғилнинг отаси. Ош ейилиб, бир-икки пиёла «оқ»идан урилгач, тўйни ўтказиш тартиби бўйича ҳамма ўз фикрини айта бошлади. Фақат Рўзимат жим.

– Ҳа, нега индамайсан. Собирга атаганинг йўқми? Ё у қайтармайди деб кўрқаяпсанми? Суннат тўйи қилмасанг бир кунмас бир кун қиз чиқарарсан, ахир?!

Энг яқин дўсти Бадриддиннинг бу сўзлари Рўзиматнинг юрагини нашта мисол тилиб ўтди.

– Нима, устимдан кулаяпсанми? Ким айтди сенларга менда ўғил бўлмайди деб? - Рўзимат кўлидаги пиёлани ерга отиб юборди. Чил-чил синган пиёла овозидан бирдан сергак тортиб ўрнидан турди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Шу кетишича, уйлари ёнидаги дўкончадан бир шиша ароқ олди. Шу ернинг ўзида уни очиб, шишаси билан кўтарди. Уйига келганида болалари ухлаган, Саида чақалокни эмизиб ўтирган эди. Эрининг оёқда зўрға турганини кўриб, суяб ичкарига олиб кириш мақсадида олдига борди.

– Ҳа, ифлос, ҳали сенми мени жўралар олдида масхара қилдирадиган?! – Рўзимат яқин келган Саиданинг юзига тарсаки туширди. Хотининг индамай, чириллаб йиғлаётган боласининг олдига кетганини кўриб, Рўзиматнинг баттар жаҳли чикди. Болани унинг кўлидан тортиб олиб, диванга отиб юборди.

– Вой, дадаси, нима қилаяпсиз? – деб чақалокқа талпинган Саидани сочидан ушлаб, дуч келган жойига ура бошлади. Кўшни хонадан югуриб чиққан онаси ўғлининг кўлига ёпишди.

– Вой нима қилаяпсан, ахир у бугун туғрукхонадан келди-ку? Қўйвор, уйинг куйгур, ўлдириб қўясан.

Рўзимат бир онасига, бир ерда ётган хотинига, хонанинг эшигида тўпланиб, йиғлаётган қизларига қараб, «Ўчир баринг овозингни!» деб бақирди.

Орадан бир йил ўтди. Ота-онасининг насиҳатлари таъсир қилдими, ёки кенжатоий Азизанинг шириндан-ширин қилиқлари уни ўзига ром этдими, ҳайтовур Рўзимат энди онда-сонда бўлса ҳам кечқурунлари кўпроқ вақтини оиласи билан ўтказадиган, жажжи қизини тиззасига ўтказиб, унинг қилиқларидан завқланиб куладиган бўлди.

Маржон хола ўғлидаги бу ўзгаришларни кўриб, ич-ичидан қувонар, пайт пойлаб, ҳали албатта ўғилли бўлишини, одамлар ўнта қиздан кейин ҳам ўғил кўришаётгани ҳақида гап бошлар эди. Бундай пайтлари Рўзимат индамай қолар, шифокорлар қаршилиқ қилсалар ҳам яна ҳомиладор бўлган, аммо бўйраги касаллигидан оёқлари шишиб кетган хотинига қараб-қараб қўяр эди.

Саида... Саида эса доимо фақатгина қиз тукқани учун ўзини гуноҳкор сезарди. Уни кузатаётган шифокор эртага аппаратга тушасан, деган. Эй Худо, ўғил бўлсин-да. Ўғил бўлса эрининг ҳам, қайнона-қайнотасининг олдида юзи ёруғ бўлар эди. Бечора қайнонаси яхши аёл. Эри ўғли йўқлиги учун таъна қилиб бошласа, доимо унинг ёнини олади. Аммо қайнотаси ҳар гапининг орасида неварасига суннат тўйи қилмай, армонда ўтиб кетишини қистиради. Уни ҳам тушунса бўлади. Рўзимат акаси оилада ягона фарзанд. Эри ҳам, қайнотаси ҳам Исахоновлар авлоди давом этишини ишташади. Бунинг учун эса ўғил керак.

УЗД аппаратининг мониторидан кўзини узмаётган ёшгина шифокор аёлга тикилар экан, Саида тезроқ уни гапиришини интиқиб кутар эди.

– Нечта фарзандингиз бор? – Сўради шифокор аёл ниҳоят Саидага қараб.

– Нима экан? – Саида саволга савол билан жавоб берди.

– Мунча шошасиз, ўзи сизга ким керак, ўғилми ёки қиз?

– Ўғил...

– Бўлмаса суюнчини чўзинг, Худо хоҳласа буниси ўғил бўлади.

Саида хурсанд бўлганидан қандай қилиб, уйга етиб келганини билмайди. Ҳар доим маъносиз юрадиган келинини хурсанд ҳолда кўрган қайнонаси унга пешвоз чикди.

– Ҳа, тинчликми? Дўхтирлар нима деди?

– Ўғил, аяжон, ўғил...

– Худога шукр.

Рўзимат бу хушхабардан боши осмонга етди. Ниҳоят орзулари ушаладиган бўлди. Элга шундай тўй берсинки, уни устидан кулганлар ер билан битта бўлишсин. Ўша кундан бошлаб бу хонадонга файз киргандек бўлди. Рўзиматнинг қизларининг ўқишлари, рўзгорнинг кам-кўсти билан қизиқа бошлаганини кўриб, Маржон хола ҳам, Саида ҳам ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Кунлар ҳам хурсанд бўлиб, қувлашмачоқ ўйнаётгандек тез ўта бошлади. Кечаси-ю, кундузи тиниб–тинчимайдиган Саида ўша куни қайнонасининг ҳай-ҳайлашига қарамай дарвоза олдига тўкилган ғўзапояни қизлари билан кечгача ташиди. Кечкурун овқатга уннар экан, белида оғриқ сезди. Бир амаллаб, овқатни сузиб дастурхонга қўйди-да, индамай ётоққа кириб кетди.

Бир ёшли Азизани онаси олдига ўтказиб, овқатлантираётганини кўрган Рўзиматнинг жаҳли чиқди-да, хотинини чақирди. Ичкаридан хотини чиқавермагач:

–Ая, Азизани келингизга беринг, ўзи овқатлантирсин,– деди.

–Қўй болам, чарчагандир, бугун куни билан ғўзапоя ташиди. Бир пас дамани олсин, – деди Маржон опа, ўғлини жаҳлдан тушириш учун.

–Беринг деяпман, ўлмайди, Саида! – хотинининг овоз бермаганини кўриб, шахд билан ичкарига кирди. Саида каравотда ғужанак бўлиб ётар эди.

–Нима қулоғинг том битганми, чақирсам эшитмайсан, – Рўзимат хотинининг елкасидан ушлаб, ўзига тортди

–Дадаси, мазам бўлмаяпти, – пичирлади аранг Саида.

–Тур, аямнинг қўлидан болани ол, тур деяпман, – Рўзимат хотинининг қўзғолмаганини кўриб, баттар жаҳли чиқди. Уни силтаб турғизди. Хотинининг баттар бўшашганини кўриб, юзига тарсаки туширди. «Вой» деб қорнини чангаллаб ерга ўтирган хотинини сочидан тортиб турғизмоқчи бўлди.

–Э, онангни... Ҳали сенми онамни ишлатиб, ётадиган!

Эрининг қўлидан сочини чиқариб олишга ҳаракат қилган Саида, оғриқдан бақириб юборди. Сўнг эса биқинига тушган муштдан кўз олди қоронғилашиб, ерга йиқилди. Операция уч соат давом этди. Аммо шифокорлар на Саиданинг, на фарзандининг ҳаётини сақлаб қола олмадилар. Муддатидан уч ой илгари туғилган бола ўғил эди...

2004 йил.

ҚОЗИҚДЕК ҚОҚИЛГАН ҚАРҒИШ

– Ҳа, оғзингдан қонинг келсин. Илоё ер ютсин сани, қиз бола бўлмай! Қаерларда санғиб юрибсан, ифлос. Келгунимча ҳовлини супуриб қўй демаганмидим?!

Тожинисо эшикда кўринган қизининг баданини ўйиб олди. Сурайё «Вой!» деганича ҳовлининг ичкарисига қочди.

– Кўчада бало бормиди, яшшамагур. Остона ҳатлаб кўчага чиқсам, қоранг ўчади-я! Ушла мановини.

Тожинисо кўз ёшларини енги билан артаётган қизига қараб супургини отди.

– Ҳай, ҳай келин, қиз болани қарғаманг, фаришта ҳар бир гапга омин дейди-я, болангизга ўлим тилагунча, унга умр, ризқ тиланг, айланай, – Сорихон ая ерда ётган супургини олиб, чеккага қўйди. – Сурайё ҳали ёш, эндигина 12 га тўлган бўлса, болада, ҳали ўйнагиси келади.

–Ўйнамай ўлсин. Кўчада ликиллаганича ҳовли супуришни ўргансин. Тенгқурларидан бўйи баланд-у, худойим бунга заррача ақл бермаган, - Тожинисо ҳеч ҳам жаҳлдан тушай демасди.

– Бўлди келин, ҳали белимда қувватим, қўлимда кучим бор. Болани тинч қўйинг. Келинг, шу ҳовлини ўзим супура қолай, - Сорихон ая қўлига супурги олди.

– Э, қўйинг, ая. Атайин қилаяпсизми? Ҳали замон ўғли–из ишдан келади-да, сиз мени унга ёмон кўрсатмоқчисиз. Ойда йилда бир кўчага чиқсам, шунга ҳам ғурбатми?

– Келин, мен сизга ҳеч нарса деяётганим йўқ-ку. Кўчага ҳам чиқманг демайман, лекин кунда аҳвол шу. Бечора Сурайёни ҳам қон қилвордингиз. Бола бечора муштдай бўлиб кир ювсинми, ҳовли супурсинми, ё укасига қарасинми? Худойим ишқилиб инсофингизни берсин, – Сорихон ая четда мўлтираб турган неварасига қаради-да, индамай ҳовли супуришга тушди.

– Биламан, мени бошдан бош ёмон кўрасиз. Ўтирсам ўпоқ, юрсам супоқман. Барингни орқангдан ифлосингни тозалаб, индамай юрибман-ку, яна нима?

Келинининг баттар жазаваси тутаётганини кўрган Сорихон ая супургини четга қўйиб, хонаси томон йўналди. Қайнонасининг индамай уйга кирганини кўрган Тожинисо энди аламини қизидан олди.

– Ҳа, жувонмарг бўлгур. Қилғиликни қилиб қўйиб, нимага бакраясан?! – У бора солиб қизининг юзига тарсаки туширди.

Яна шапати тушишидан кўрқиб юзини кафти билан яшириб ўтириб олган қизининг дуч келган жойидан урар экан, унинг «Аяжон, бўлди, энди ҳеч ҳам кўчага чиқмайман» деган гаплари ҳам қулоғига кирмасди. Неварасининг чинқириб йиғлаганини эшитган Сорихон ая чидай олмади, уйдан чиқиб, келинининг қўлига ёпишди.

– Ҳай келин, болани урманг... Урманг деяпман. Эсингизни еганмисиз, унда нима айб?

– Қочинг. Сиз уни талтайтириб юбордингиз.

Уйдан ҳовлидаги шовқин сурондан уйғониб йиғлаган Собиржоннинг овози эшитилди.

– Бор, укангга қара. Яна айтганимни қилмасанг, ўлдираман, – Тожинисо қайнонасининг қўлидан юлқиниб чиқди-да, шахд билан ўз уйига кириб кетди.

Кечқурун Сурайё овқатга ҳам қарамади. Бувисининг қистови билан бир-икки қошиқ шўрвани зўрға ичди. Бошим оғрияпти, ётгим келаяпти, деб кўрпачага чўзилди.

– Тур, болажоним, жойингга ётақол, – Сорихон ая неварасидан хавотирланиб, унга ўз хонасига жой солди. Устига кўрпани авайлаб ёпар экан, бир зумда пайдо бўлган кўзи остидаги қора сояларни кўриб, юраги сиқилди. Шу куни Сурайё туни билан алҳсираб чиқди. Неварасининг ўт бўлиб ёнаётган пешонасига қўлини қўйган Сорихон ая, ўғлини уй-ғотишга шошилди. Чақирилган «Тез ёрдам» шифокори қизчани кўриб бўлгач, елка қисди. Ўзига термулиб турган Сорихон ая, Тожинисо, Сарварларга:

– Тушунмадим. Қизингиз соппа-соғ. Унда ҳеч қандай шамоллаш аломати йўқ. У ёки қаттиқ кўрққан, ёки бир нимадан сиқилган. Унга фақат яхши парвариш ва тинчлик керак. Икки-уч кунда отдай бўлиб кетади. Шундай бўлса-да бир руҳшуносга кўрсатсаларинг зарар қилмайди, – деди.

Тожинисо ўзига қаттиқ тикилган қайнонасининг қарашига дош беролмади. Секин хонадан чиқиб кетди.

Сарвар уколдан сўнг тинчиб, ухлаб қолган қизининг ёнига чўккалади.

– Аяжон, келинингиз билан орангиздан гап ўтдими, боя унга бошқача қарадингиз.

– Ҳа, йўқ. Ҳеч нарса бўлгани йўқ, болам. Бор дамингни ол. Эрта билан туришинг керак, – дея уни тинчлантирди онаси.

Икки кунда соғайиб, яна юзига табассум қайтган Сурайё онаси уйда бўлмаса шўх-шодон қизалоққа айланар, унинг кўчадан қайтиб келаётганини кўриши билан бўрини кўрган кўзи каби маъюсланиб, юввош тортарди. Мактабдан қайтгач, бувиси тайёрлаган овқатни шоша-пиша еб, икки ёшли укаси Собиржонни кўтариб олар ёки онаси буюрган ишларни қулоқ қоқмай бажаришга тиришар эди. Сурайёнинг мурғак қалби ҳар куни эрталаб, тушда онасидан эшитадиган қарғишлари-ю, калтакларига қарши исён кўтаришга интилар, ақлан эса унга кучи етмаслигини билиб, навбатдаги калтакдан сўнг бувисининг иссиқ бағридан паноҳ излар эди. Бора-бора Тожинисо қизининг қайнонасидан ҳимоя истаётганини кўриб, Сорихон ая йўқлигида бир неча бор «бувингга яқинлашма» деб,

унинг баданини ўйиб-ўйиб олди. Авваларига неварасининг одамови бўлиб, ўзини четга олаётганига эътибор бермаган Сориҳон ая, келининг навбатдаги меҳмондорчиликка ясан-тусан илиб чиқиб кетаётганини кўрди-да, секин Сурайёни олдига чақирди.

– Болам, нега олдимга келмай қўйдинг, ё мендан хафамисан?– Сориҳон ая Сурайёни юз-кўзларидан ўпди.

– Йўқ, олдизга келсам, аям уришаяптилар,– бу гапни эшитиб аянинг юраги увишди.

– Майли болам, хафа бўлма. Мановини ол. Сенга деб олиб кўювдим, – Сориҳон ая неварасининг қўлига шоколад тутқазиб, яна юзидан ўпди. Чап кўкрагида санчиқ пайдо бўлганидан, кўз олди қоронғилашди. Бир оздан сўнг нафасини ростлаб, секин неварасига шивирлади.

– Энди борақол. Укангга ўзим қараб тураман. Бирпас кўчада ўйна. Лекин узоққа кетма.

Қувониб, чопқиллаб кетган неварасининг орқасидан қараб қолар экан, Сориҳон аянинг яна юраги сиқилди. Ўрнидан турмоқчи бўлган эди, боши айланаётганини ҳис қилди. Бирпас нафас олмай, нотекис, тез-тез ураётган юрагига қулоқ солиб турди. Этагига тармашаётган Собиржонни энгашиб қўлга олмоқчи бўлди-ю, аммо қаттиқ юрак санчиғига дош беролмай, ерга йиқилди...

...Сориҳон аяни сўнгги манзилга кузатишга тумонат одам йиғилди. Аёллар кўкрагига уриб, юзларини тирнаб, «Вой, онамлаб» йиғлаётган Тожинисога ачиниб қарашар, «келин бўла туриб, қайнонасига шунча меҳрибон-а» деб, ўзаро шивирлашишар, уни юпатишга уринишарди. Аммо Тожинисо ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмас, таъзия билдиришга келган ҳар бир аёл олдига додлаб чиқар эди. Ҳамманинг эсидан чиққан Сурайё эса ҳали нима бўлганини, тоғдай суянчиғидан айрилиб қолганлигини тушунмай, бурчакда чўккалаганича, уввос тортиб йиғлаётган аёлларга қўрқув ичида қарарди.

Сориҳон аянинг қирқи ҳам ўтди. Энди Сурайёнинг ташвиши кўпайгандан, кўпайди. Уйларида одам ариди. Мактабдан қайтгач бувижонисиз бўм-бўш бўлиб қолган ҳовлига термулиб, жойида бир оз туриб қолар, худди уйдан бувиси чиқиб келиши мумкиндек, хонаси эшиги томон беихтиёр юрар эди.

– Ҳа, жувонмарг бўлгур. Оғзигинангдан қонинг келсин. Ўша уйда... борми? Тез бўл. Ечиниб чиқ. Укангга қара.

Аясининг овозидан чўчиб, орқага тисланган Сурайё шоша-пиша уйга кириб, кийимини алмаштиришга ошиқди. Орадан олти ой ўтиб устидан «кўк»ини ечган Тожинисо қизини мактабга боришига қўймай бошлади. Болалик беғуборлиги, ўйин-кулгисини унутган қизалоқ унинг чўрасига айланди-қолди. Мактабга келмай қолган Сурайёни излаб, уйларига келган ўқитувчига Тожинисо остонадан туриб бобиллаб берди:

– Ўқиб, гўр бўлармиди. Бўйи етиши билан эрга бевораман. Қиз бола бировнинг хасми. Ҳозир мани ишимни қилмаса, кейин қачон қилади.

Барча уринишлари зое кетганини кўриб, муаллима опа бош чайкаганича чиқиб кетди. Меҳнатдан эзилган, супурги-ю, ўроқдан жажжи қўллари қадоқ бўлган Сурайё ахён-ахёнда кўчада болаларнинг шовқини эшитилса, катталардек чуқур «ух» тортар, бурнини тортиб қўйиб, тоғорадаги кирга томган кўз ёшини қўйлагининг учи билан артарди. Биринчи бор уйдан қочиш фикри қизалоқда ўша куни тўғилган бўлса ажаб эмас. Укасини опичлаб, кўчага чиққан Сурайё бирпас тенқурларининг ўйинини томоша қилиб турди-да, сўнг худди уйқудан уйғонган одамдек сергакланди. Укасини орқасидан тушириб:

– Бор, аям шу ердалар, – дея уни қўшинининг дарвозасидан ичкарига киритиб юборди. Сўнг эса худди аяси чиқиб, уни қувлаб қоладигандек, югуриб кетди. Сурайё ўзини қушдек енгил ҳис қилар, мана шу ҳовлидан узоқроққа кетса, барча кўргуликлари ортда қоладигандек туюларди. Югуриб чарчагач, шохлари тарвақайлаб ўсган садақайрағоч танасига суянди. Бирдан юрагини ваҳима босди. Фақат мактабининг йўли-ю, ўзларининг бир икки кўчасидан нарига ўтмаган. Энди нима қилади, қаерга боради. Дадасининг иши қаерда эди-я. Э, йўқ.. У ёққа борса, яна уйга қайтади. Дадасига мактабга бормаётганлигини айтса,

аяси баттар уради. Миясида бир-бирига тўкнашиб, ғужғон ўйнаётган хаёлларини жамлаш учун, у бошини чангаллади.

Қаерга боради, қаерга... Топди. Албатта аммасиникига.

Сурайё бувижониси тириклигида тез-тез келиб турадиган, кейин эса негадир қадами узилган аммасини эслади. У Сурайёни ҳар гал суйиб, бағрига босганида ундан атир, иссиқ нон, райҳон ва яна нималарнингдир ёқимли иси келарди. Аммаси Самарқандда яшайди. Лекин у ерга қандай боради. Бувижони ўлганида, аммаси мошинда келдим, аммо поездда арзонроқ девди. Унга чиқволса эди. Аммасини топарди. Сурайё ўрнидан туриб, этакларини қокди-да сураб-суриштириб вокзал томон йўл олди. Аммо кечга томон қизалоқни вокзалда милиция ходими ушлаб, қаерга, нима учун кетаётганлигини сўради. Ундан тайинли жавоб олаолмагач, милиция таянч пунктига олиб келди.

Эрталаб, пунктга келган дадасини кўриб Сурайё ўзини унинг бағрига отди.

– Ҳа, қизим, нега ундай қилдинг? – Сарвар уйқусизликдан қизарган кўзларини унга тикди. Юзини отасининг кўкрагига яширган Сурайё миқ этмади. Сарвар қанчалик уринмасин, қизидан гап ололмагач, ишга кеч қолаётганини айтиб, шоша-пиша уйдан чиқиб кетди. Онаси билан ёлғиз қолган Сурайё ундан кўзини олиб қочар экан, дастурхон учини ўйнаганича жим ўтирар эди.

– Оғзингга қатиқ увитганмисан, нимага қочиб кетдинг? Ман билан дадангни ўйладингми? Кечаси билан ухламадик, ер ютгур. Нимага қочдинг деяпман, ифлос! Илоҳим, ўлигингга куяй. Қўшнилар олдида шарманда қилдинг-ку, жувонмарг бўлгур.

Сурайё бу сафар юзига, бошига тушаётган калтаклардан ҳатто ўзини ҳимоя қилишга уринмади ҳам...

Шу воқеадан сўнг хаёли паришон бўлиб қолган Сурайё тез-тез бир нуқтага тикилганича қотиб турадиган бўлиб қолди. Бу сафар ҳам укасини ўйнатгани кўчага олиб чиқиб, уйлари олдида газ қузури учун қовланган чуқур ёнида, унга тўлиб қолган лойқа сувга тикилганича ўтирар эди. Собиржон сувга кесак отиб ўйнар экан, сув юзида сузиб юрган ялтироқ қоғоз унинг диққатини тортди. Ерда ётган чўпни олиб, қоғозни тутишга ҳаракат қила бошлади. Сурайё укасининг сувга беҳосдан шалопплаб тушганидан чўчиб тушди.

– Собир, Собир... Қўлингни бер.

Сувда бир кўриниб, бир кўринмай қолаётган укасининг кўйлагидан ушлаш учун энгашган эди, нам тупроқ гавдасининг оғирлиги остида уваланиб, ўзи ҳам сувга кулаб тушди. Совуқ сув баданига наштар мисол санчилди.

– Ёрдам берингла-а-р...

Сурайё жонҳолатда сув юзига қалқиб чиқар экан, Собиржонни сув юзида кўрмади.

– Соби-и-р...

Унинг сўнгги бор қичқириғи уфққа бош қўяётган куёш нурлари билан биргаликда ҳавога сингиб кетди. Чуқур олдида ёрдамга чақираётган кўшни аёлнинг додлаши-ю, болаларнинг қий-чувигина бир неча сония олдин шу ерда даҳшатли воқеа юз берганидан далолат бериб турарди, холос.

Мурғак Собиржон ва қизининг жонсиз гавдаларинини кўрган Тожинисо ақлдан озишига сал қолди. Дам ўғлининг, дам қизининг совиб бораётган таналарини қучоқлар экан, бирдан кўзи Сурайёнинг оғзи четидан сизиб, оқиб тушаётган қонга тушди. Худди қизи уйғониб кетадигандек, авайлаб қонни енги билан артди. Кўксидан отилиб чиқаётган фарёдни тўхтата олмади.

– Сени қарғамай ман ўлай, сенлар ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди?! Худойим мани жонимни олса бўлмасмиди?! Э, Худо...

Эрта кўкламнинг илиқ ёмғири томчилай бошлади. Баҳор чечаклари мисол қисқа умр кўрган мурғак қалблар учун осмон ҳам қўшилиб йиғламокда эди.

2004 йил

КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАГИ ЖАВОБ

– Мана биологик экспертизанинг натижалари. Мурда биологик жиҳатдан 50–52 ёшлар атрофида. Бунга суяк, мушак тўқималарининг ҳолати далолат бериб турибди.

Капитан Жиянов ҳайрон бўлиб Валиевга тикилди.

– Бўлиши мумкин эмас, берилган қидирув эълонида Раъно Шукурова 30 ёшда эканлиги кўрсатилган.

– Эри келиб мурдани танидимиз? - Валиев капитанга саволомуз қаради.

– Ҳали келгани йўқ, аммо чақиртирганмиз. Лекин жасад ёнидаги сумкачадан топилган паспорт бу ҳақиқатдан ҳам Раъно Шукурова эканлигини тасдиқлаб турибди. У 1975 йили туғилган. Демак, ҳаммаси тўғри.

– Қизик, – Валиев кўзойнагини олиб, пешонасида, бурни устида пайдо бўлган майда терларни артди, – ҳеч нарсага тушунмаяпман, қизик.

Ҳусниддин туман ички ишлар бўлимига етиб келганида соат 11 ларга яқинлашиб қолган эди.

– Келинг, ўтиринг.

Жиянов Ҳусниддинга зимдан разм солар экан, келишган бу эркак билан Раъно Шукурова бахтли ҳаёт кечирган бўлиши керак, деган хулосага келди. Ҳусниддин Шукуров енги калта оқ кўйлақда, тўқ кулранг шимда бўлиб, ёш бўлишига қарамай, бошининг тепа қисмидаги сочлари анча тўкилиб, сийраклашиб қолган эди. Кам ухлаганиданми, кўзлари ичига ботган, кўз ости қорайганди. Бундан уч кун аввал унинг кўриниши бутунлай бошқача эди. Ҳа, ғам одамни эзиб қўяди.

– Хотинимни топдингларми, ўртоқ капитан? У ҳозир қаерда?

– Ҳа, топдик.

Жиянов столи устида турган минерал сувдан пиёлага қўйиб, Ҳусниддинга узатди.

– Ҳозир биргаликда бир ерга борамиз. Сизнинг ёрдамингиз керак.

– Раънога нима бўлди, гапирсангиз-чи?

– Тинчланинг, кеча кечкурун темир йўл ёнида аёл кишининг жасади топилган. Аммо аёл у ерда ўлдирилмаган. Уни олиб келиб ташлашган. Юзида ўткир тиғ билан етказилган жароҳат бор. Балки у сизнинг хотинингиз эмасдир. Аммо...

Шукуров инграб юборди, нафаси бўғилиб қўйлаги ёқасининг иккита тугмасини ечди.

Ўликхона сув қуйгандек жим-жит. Шукуров капитан орқасидан этни жунжиқтирадиган сукунатга кадам қўяр экан, формальдегиднинг ўткир ҳидидан кўнгли айнаиди. Кичикрок хонада темир столлар устига уч киши ётқизилган. Ҳаммасининг усти оқ чойшаб билан ёпиқ.

– Марҳамат.

Ўликхона эшиги олдида уларни кутиб олган ва кузатаётган барваста киши ўртада турган стол устидаги чойшабнинг бош қисмини қайириб қўйди.

– Раъ-н-о-о!

Ҳусниддин уч кун аввал уйдан уни жилмайганча кузатиб қўйган, ҳозир эса чиройли юзида даҳшат акс этган, бир кўзи очиқ бир кўзи устидан юзи бўйлаб чуқур қонли из қолдирган чандиғи билан унга тикилиб турган хотинини кўриб, ўзини орқага ташлади.

– Бу Раъно Шукурова, сизнинг рафиқангиз, тўғрими?

Шукуров жимгина бошини қимирлатди. Бир сонияда у 10 йилга қариб, мунғайиб қолган эди.

– Кетдик.

Жиянов ҳамон оқ чойшаб остидаги жасаддан кўзини уза олмаётган Ҳусниддиннинг елкасига қўлини қўйди.

– Ҳа, ҳа, албатта.

Ички ишлар бўлимида Жиянов Хусниддинга яна сув қуйиб бергач, судмедэксперт хулосасини унга ўқиб берди. Унда айтилишича, Раъно аввал зўрланган, сўнг эса баданининг юзи, қорни, елкасига пичоқ урилган. Шунда ҳам у ўлмаган. Охири уни бўғиб ўлдиришган.

– Дахшат, э, Худо. Қотилни топасизлар, тўғрими? Топасизлар-а?

– Албатта, қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз. Яқин ойлар ичида шаҳарни тарк этмаслик ҳақида тилхат ёзиб беринг. Асосий гувоҳ сифатида жиноий ишда қатнашишингиз лозим.

– Ҳўп.

Камди-ча нима?

Судмедэксперт Содиқ Валиев жасадни ёриб кўргач, Раъно Шукурова кўп қон йўқотиш ва ҳаво етишмаслигидан ҳаётдан кўз юмганлигини яна бир бор тасдиқлади. Аёлнинг зўрланганлигига баданидаги жароҳат изларидан ташқари, унинг танасида топилган қон гуруҳи учинчи бўлган эркак спермалари ҳам далолат бериб турарди.

– Ишни тезлаштирадиган яна бирор далил борми?

Содиқ Валиев Жияновнинг хонасида сигарет чекиб ўтирар экан, дўстининг саволига дарҳол жавоб бермади.

– Ўлимидан сал олдин у камди-ча еган.

– У нима?

– Корейс салати.

– Нима бўпти, шаҳарнинг ҳар бир бурчагида корейсча салатлар сотилади.

– Лекин бунақаси эмас. Камди-ча фақатгина икки жойда тайёрланади. Бири «Сеул тонги»да, иккинчиси «Оқшом гуллари»да.

– Тонг билан оқшомда дегин, қизиқ.

– Раъно Шукурова йўқолган куни ана шу икки ресторанлардан бирига кирган бўлса, ажаб эмас.

Жиянов жилмайиб турган Валиевнинг қўлини маҳкам қисди.

– Қойил, даҳосан-да!

Олиб борилган суриштирув ишлари натижаси ҳам Раъно Шукурова сешанба куни соат 16.30 да «Сеул тонги»да тушлик қилганлигини тасдиқлади. Ресторан эшикбони ва официантлардан бири Раънонинг суратини кўришлари билан дарҳол танишди. Бундай келишган, чиройли аёллар ресторанга ҳар доим ҳам ёлғиз келаверишмайди-да.

– У ёлғиз эдимми?

Жиянов савол назари билан официантга қаради.

– Ҳа, ёлғиз эди. Аммо кимдир келишини айтган эди. Шунинг учун иссиқ овқат буюрмай, фақат салат билан чегараланди. Бир соатлар чамаси ўтиргач, хоним чиқиб кетдилар.

– Ўм-м, – деб қўйди Жиянов.

Раъно Шукурова ишига секинлик билан бўлса-да, ойдинлик киритилмоқда эди.

Хусниддин Жияновнинг «Сеул тонги» ресторани ҳақидаги саволига жавобан елка қисди.

– Ишга кетаётганимда у бирор жойга боришини айтмаган эди. У билан учрашишга ҳам келишмаганмиз. Тўғри, фарзандимиз йўқлиги сабабли Раъно кўнглини ёзиш учун тез-тез дугоналари билан бирор ресторан ёки кафеда учрашиб турарди. Аммо ҳозир меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли, уйда дам олмоқчи эканлигини бир неча мартаба айтганди.

– Хотинингизни эркак танишлари борми?

– Ҳа, ҳамкасблари. Яна билмадим.

На дугоналари, на ҳамкасблари бир ҳафта давомида Раъно Шукуровани кўрмаганликларини айтишди. Жияновнинг боши қотди. Раъно Шукурова ўша машъум куни ким билан учрашиши керак эди?

Собиқ эр

Жиянов билан такрор учрашувдан Ҳусниддин хурсанд бўлмади. Ҳовлида мотамсаро аёллар йиғилиб ўтиришар, кираверишдаги кичик уйга келиб-кетувчилар учун дастурхон тузилган эди. Уй эгаси хануз чопон белбоғда, дарвозахона соясида икки-уч киши билан гаплашиб ўтирарди. Жиянов дўпписини ўзи билан олволмаганидан хижолат чекди. Энди орқага қайтишнинг иложи йўқ. Олдинга юрар экан, Ҳусниддин капитанни таниб, ўрнидан кўзгалди.

– Ассалому-алайкум. Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин. Бандалик. Бу савдо ҳамманинг бошида бор. Наилож.

Жиянов қуръон тиловатидан сўнг асосий мақсадга кўчди.

– Сиз билан гаплашиб олишим керак, иложи бўлса бугун...

– Бугун етисини ўтказдик. Идорага боришим керакми?

Ҳусниддин терговчининг гапини шартта бўла қолди.

– Ҳа, ишга баъзи бир ойдинликлар киритиш лозим.

...Ҳусниддин диққат билан Жияновни тинглар экан, сўнгги кунлари жуда ҳам чарчаганини ҳис этди. Биринчи хотини саратон касаллигидан ўн гулидан бир гули очилмай вафот этган эди. Ҳатто фарзанд кўришга ҳам улгуришмади. Тақдир уни Раъно билан учратганида боши осмонга етувди. Тўрт йил давомида унга шу қадар қаттиқ боғланиб қолган эканки, ҳозир ўзини кўярга жой топа олмаяпти. Топиш-тутиши яхши. Данғиллама ҳовлиси, машинаси, уч-тўртта дўкони бор. Бир кам дунё дегани шу бўлса керак, фарзанди йўқ. Турмуш қурганларидан сўнг Раъно фарзанд кўролмаслигини айтганида ундан ажралмаслик учун тақдирга тан берувди. Энди нима қилади?

– Сиз аёлингизни неча йилдан бери танирдингиз?

Ҳусниддин берилган саволдан ўзига келиб, хайрон бўлиб Жияновга қаради.

– Тўрт йил бўлди.

– Сизга турмушга чиқмасдан илгари ҳам танирдингизми?

– Тўғриси, биз илк бор «Сеул тонги» ресторанида учрашган эдик. Ўша пайтлари хотинимнинг қазо қилганига 2 йил бўлганди. Кейин Раъно билан бир муддат ҳам ажралишганимиз йўқ.

– Хотинингиз асли қаердан? Қариндошлари борми? Назаримда жанозасига ҳам у томондан ҳеч ким келмади, шекилли.

– Танишганимизда Раъно менга етимлигини айтган эди. Самарқандда, болалар уйида катта бўлган. Тўғриси, унинг кўнглини оғритмаслик учун ўтмиши ҳақида кўп ҳам сўрамаганман. Бундан ташқари, турмуш қуришимиздан олдин ҳам эр қилганлигини, эри гиёҳванд моддалар савдоси учун қамалгач, ажрашганини айтганди.

Жиянов Ҳусниддиннинг охириги гапларидан сўнг ҳушёр тортди.

– Илгари ҳам турмуш қурган дедингизми? Эрини танийсизми?

– Йўқ, лекин фамилияси Аҳмедов бўлган. Раъно менинг фамилиямга ўтишдан олдин унинг фамилиясида эди.

– Аҳмедов... Аҳмедов... Раҳмат.

Жиянов Ҳусниддин билан хайрлашиб, аввало барча ҳибсхоналарга Аҳмедовлар ҳақида тўлиқ маълумот жўнатишларини сўраб мурожаат этди. Орадан бир ҳафта ўтгач, келган жавоблар уни янада ўйланишга мажбур этди. Айни пайтда Ховос ҳибсхонасининг ўзида тўртта, Қорақалпоғистонда иккита, Қаршида ҳам иккита, Навоийда битта Аҳмедовлар рўйхатга олинган. Шулардан 3 нафари гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ва ноқонуний савдоси учун жазога тортилган. Аҳмедов Салим 20 ёшда, 2003 йил қамалган, Аҳмедов Жаббор 36 ёшда, илгари ҳам 3 маротаба судланган, 2002 йилдан буён ҳибсда. Аҳмедов Абдурахим 58 ёшда, яқинда қамок муддати тугаб, озодликка чиққан.

Хў-ўш, Аҳмедов Салим тўғри келмайди. Ёш, бунинг устига 2 йил илгари қамалган. Аҳмедов Жаббор ёш жиҳатдан тўғри келса-да, уйланган, икки фарзанднинг отаси. 3 йил илгари қамалган. Раъно Шукурова эса Хусниддин билан 4 йил илгари турмуш қурган. Балки Жаббор билан ноқонуний яшагандир? Йўқ, тўғри келмайди. Жаббор Раънони қамалишидан олдин излаб келган бўларди, бундан ташқари Раъно Шукуровга турмушга чиқаётганида эри қамалганига бир йил бўлгани ва ажралишганини айтган экан. Унинг гапларига асосан Аҳмедов Абдурахим тўғри келади. Аммо унинг ёши... Шундай гўзал, ёш аёл ўзидан салкам 30 ёш катта одам билан яшамагандир. Лекин Раъно ғирт етим бўлган. Самарқанддаги «Меҳрибонлик уйлари»га сўровнома жўнатиш зарур.

Эрталаб Валиев шошганича Жияновнинг хонасига йўл олар экан, у билан йўлакда учрашганидан қувониб кетди.

– Менда иккита янгилик бор. Бири яхши, иккинчиси ундан ҳам яхши. Қайсидан бошлай?

– Иккаласи ҳам яхши бўлса, хоҳлаганингдан.

Жиянов кулиб, дўстига қаради.

– Бошлиқ кеча роса пўстагингни қоққан кўринади. Хўш, Шукурованинг иши бўйича бирор янгилик топдингми?

Кеча подполковник Исоқов тергов натижалари ҳақида суриштириб, қилинаётган ишлардан коникмагач, Жиянов роса гап эшитган эди. Шуни эслаб, унинг пешонаси тиришди.

– Қўй, шуни эслатма, янгилик менда нима қилсин. Одамни қон қилмай гапирсанг-чи? Жудаям одамни интиқ қилишни яхши кўрасан-да?

– Ўзим сени майор қиламан.

– Гапирасанми, ёки йўқми?

– Менимча, Шукурова 30 ёшда бўлмаган. Бошида айтганимдек, у 50 ёшлар атрофида. Ёш кўринишига сабаб эса, бир неча бор пластик операция қилиб, юзи, қўли, баданининг айрим жойларининг терисини торттирган. Бундан ташқари, фитнес билан ҳам шуғулланиб турган.

– Қизик, демак Аҳмедов Абдурахимни четга суриб бўлмайди Хўш, иккинчи янгилик-чи?

– Аҳмедов? Қанақа Аҳмедов? Ҳа, майли. Мановини бир қарагин.

Валиев тантанавор равишда Жияновнинг қўлига 3–4 та фотосурат тутқазди.

– Бу нима?

Суратларда Шукурованинг юзи, унинг тиғ тегмаган кўзи, катталаштирилган кўз қорачиғи акс этган эди.

– Хўш?

– Яхшилаб мана бу суратга қара, – Валиев капитаннинг қўлидан суратларни олиб, кўз қорачиғи катталаштирилган суратни қайта қўлига тутқазди. – Қорачикда одам тасвирининг акси қотиб қолган. Бу қотил бўлиши мумкин. Агар вақт топиб, бизнинг бўлимга ўтсанг, компьютерда аниқроқ кўрардинг.

Жиянов фотосуратга тикилар экан, қорачикда қотиб қолган қандайдир одам шарпасини сезгандай бўлди.

– Майли, ҳозир юборган сўровномаларимнинг жавобларини кўрай, кейин ўтаман.

Жиянов ахборот бўлимидан олиб кирилган маълумотларни кўздан кечирар экан, Самарқанд шаҳридан жўнатилгани унинг диққат-эътиборини тортди. Унда айтилишича, Раъно Музаффаровна Солиева исмли тарбияланувчи 1953 йилда туғилган ва 1961 йили «Меҳрибонлик уйи»га олиб келинган.

– Бўлиши мумкин эмас. Раънонинг отасини исми ҳам Музаффар бўлган, қизлик фамилиясини Шукуров Солиева деганди. Демак... Содик тўғри айтган экан-да. Пластик операция, фитнес...

Жиянов калаванинг учини топгандай бўлди. Аммо энди ана шу калавани тарқатиш керак.

Судмедэкспертиза бўлимига ўтар экан, Содиқ Валиев компьютерда қорачиқдаги суратни катталаштирганда, унда акс этган одамнинг юзи Аҳмедов Абдурахимга ўхшашини эслади.

– Қотил Аҳмедов Абдурахим. Шукурованинг биологик ёши 52 да бўлса, ҳаммаси ойдинлашади. Лекин паспорти. Паспортини алмаштирган. Қаллоблик йўли билан. Зудлик билан Аҳмедов Абдурахимни ҳибсга олиш ҳақида буйруқ тайёрлаш лозим.

Жиянов компьютердан нигоҳини олиб, Валиевга қаради.

– Менга қара, қорачиқни текшириш қандай эсингга келиб қолди?

– Саргузаштга ишқибозлигимни биласан-ку. Кеча ўғлим Жюл Верннинг «Кип ака-укалар» китобини ўқиётган экан. Ухлаб қолганда варақлаб кўрсам, оптография – қотилнинг сиймоси сўнгги лаҳзаларда қурбоннинг кўзида акс этиши ёзилган экан. Бирдан миямга Раъно Шукурованинг кўзини текшириб кўриш фикри келди. Ахир у сўнгги дамигача қотил билан олишган. Азонда интернетни титиб, ҳақиқатда ҳам оптография мавжудлигини топдим. XIX асрда профессор Кюне Гейдельберг лабораториясида қуёнлар ва сичқонлар устидан тажриба ўтказиб, бунга ишонч ҳосил қилган. 1924 йили Олмонияда содир этилган қотиллик айнан ўлдирилган 8 та одамлардан бири кўз қорачиғида муҳралиб қолган болта кўтарган қотил сурати орқали фош этилган. 1932 йилда Франциядаги даҳшатли қотиллик сирини айнан ўлдирилган қурбоннинг кўз қорачиғидаги қотил сиймоси орқали очишган. Негадир сўнгги йилларда фан-техника ривожланиб, оптографияга эътибор бермай қўйишди.

Жиянов «қойил» дегандек дўстига тикилди.

Иқроп

Абдурахим Аҳмедов тезда ўз айбини бўйнига олди. Бунга Раъно Шукурованинг тирноқлари остида топилган тери қолдиқлари, Аҳмедов Абдурахимнинг қон гуруҳи ҳам асос бўлди.

– Мен уни севардим. Қамокда ҳам у сабабли ўтирганман. Уни таъминлаш, доимо яхши яшаши учун ҳеч нарсани аямадим. Уни деб жиноятга қўл урдим. Лекин у доим ўзидан ёшларга интиларди. Меҳнат таътилига чиқмасдан олдин ишига қўнғироқ қилиб гаплашгандим, кейин у йўқолиб қолди. Билсам, таътилга чиққан экан. Уйини қидириб топдим. Телефон орқали «Сеул тонги»да учрашишга келишдик. Келмаса, бирга яшаган пайти тушган суратларимизни эрига кўрсатиб, ҳамма гапни айтиб беришимни айтгач, у рози бўлди. Чунки Раъно сирининг фош бўлишидан ўлгудек кўрқарди. Ресторанга кирмай уни ташқарида кутиб турдим. Ёшариб кетибди. Худди илк бор учрашганимиздек. У ўша гўзаллиги билан меники эди. Яна ёшлигига эса у қамалганимдан сўнг мол-мулкимни сотиб эришди.

Раъно ресторандан чиққач темир йўл олдида яшашимни айтдим. Йўлда истироҳат боғида ўтириб, анча гаплашдик. Қоронғи туша бошлагач, у безовталана бошлади. Уйимга бормаслигини таъкидлаб, суратларни сотиб олишини айтди. Уни кузатиб қўймоқчи эдим, аммо Раъно танишлари кўриб қолишидан кўрқиб рад этди. Мен билан яна бироз ўтиришини илтимос қилсам ҳам кўнмади. Тортишиб қолдик. Мени қари чол, искирт дегаҳ ўзимни тутиб тура олмадим. Жанжаллаша-жанжаллаша истироҳат боғининг анчагина хилват жойига келиб қолгандик. Агарда ўшанда мени ҳақорат қилмаган, қаршилиқ кўрсатмаганда эди... мен уни ўлдирмоқчи эмасдим. Аммо уни деб қамокда чеккан азобларим. Раънонинг бошқаси билан айш-ишрат қилиб юрганини эслаб ўзимни йўқотиб қўйдим. Шунча йилдан сўнг у яна меники бўлиши керак эди. Аммо у хоҳламади. Шу билан ўзининг тақдирини ўзи белгилади. Мени йўлидан ўзи олиб ташлаганлигини,

хоҳласа яна қамоққа тиқишини айтганида, қандай қилиб этигим қўнжидаги пичоқни олганимни билмайман...

Суд залидан чиқиш чоғида Жиянов Хусниддин билан гаплашиб кетар экан, Шукуров бир неча бор рафиқаси ундан анча катталигини олдиндан ҳам сезганлигини айтиб қолди.

– Биласизми, у баъзи-баъзида Хрушчев даврида бўлган воқеаларни эслаб, гапириб қолар, ҳайрон бўлсам телевизорда кўрганлигини айтарди. Бир куни эса у болалигида кометани кўрганлигини, раҳматли бувиси ўшанда «бундай юлдузнинг думи қаёққа қараган бўлса, ер куррасининг ўша жойида уруш бўлиши»ни айтганлигини гапириб берувди. Кейинчалик қизиқиб китоб титиб кўрсам, бизнинг осмонимизда комета сўнгги бор 1957 йили пайдо бўлган экан.

– Ўзига гумонларингизни айтмадингизми?

– Йўқ, чунки у менга севишни ўргатди... Сизга эса катта раҳмат.

Хусниддин Жиянов билан хайрлашиб, бинонинг тор йўлагидан тез-тез юриб кетди...

2005 йил.

ҚЎЙНИМДАГИ ИЛОНМИДИ?

Лола ва Юлдуз болалиқдан бирга ўсишди. Уларни кўрган қўшнилари дугоналарга хавас қилишарди. Бўлмаса-чи, 10 йил мактабда, бир синфда ўқишди. Мактабни битириб, олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб, Лола тиббиёт институтига, Юлдуз эса ёшлигидан орзу қилган касби – ўқитувчи бўлиш учун педагогика институтига ўқишга кирдилар. Ҳаттоки тўйлари ҳам бир йилда бўлиб ўтди. Буни қарангки, иккаласининг ҳам турмуш ўртоғининг исми Жасур эди...

Бошқа шаҳарга турмушга чиққан бўлишига қарамай, Лола тез-тез дугонасиникига келиб турар, уларнинг фарзандлари ҳам аллақачон бир-бирларини ака-сингил сифатида кўришарди. Юлдуздан фарқли ўлароқ, Лоланинг турмуши бўлмади. Эрининг қўли эгри чиқиб, қамалиб кетди. Шу сабабданми, Лола дугонасининг икки хонадан иборат хонадонига келганида, бу ерда байрам бўларди, гўё. Юлдуз иложи борица қадрдон дугонасини яхшилаб меҳмон қилишга ҳаракат қиларди. Дугоналар тонггача гаплашиб чиқишса ҳам ҳеч гаплари тугамасди. Орадан икки йил ўтди. Бунинг ичида Юлдуз икки фарзандли бўлди. Учинчи фарзандига ҳомиладор бўлганида, соғлиғи ёмонлашиб, сақланиш учун касалхонага ётди. Бундан хабар топган Лола эртасигаёқ Юлдузларникига етиб келди. Дугонасини бориб кўриб, ҳеч ҳам фарзандларидан хавотир олмаслигини, уларга Юлдуз касалхонадан чиққунига қадар ўзи қараб туришини Юлдузнинг онасига, дугонасига айтди.

– Шу дугонанг бор бўлсин-да, бирам меҳрибон, бирам очиқ, – деди Баҳринисо опа Лола кетгач. – Эссиз, шундай аёл бахтсиз, илоё Оллоҳ уни ўз паноҳида асрасин.

Лола Юлдуз даволаниб чиққунича уникида турди. Дугонасининг фарзандларини худди ўзиникидан ортиқ кўриб ювди, таради. Дугонаси шифохонадан уйига қайтиб келганида эса, уйнинг саранжом–саришталиги, болаларининг озодалиги, турмуш ўртоғининг мамнунлигини кўриб қувонди. Унинг касалхонадан чиқишини дастурхон безаб кутиб олган Лола эртага уйга қайтишини айтди.

–Вой, дарров кетасанми? Мен энди келган бўлсам! Яна бир-икки кун турақол, дугон,– Юлдуз ёлвориб Лоланинг юзига боқди.

–Дугонангиз тўғри айтаяпти, яна бир-икки кун қолақолинг, – гапга қўшилди Жасур.

–Йўқ, уйга борай. Болалар ҳам уйни соғинишди, бунинг устига ишимдан ўз ҳисобимдан таътилга чиқиб келган эдим, энди бормасам бўлмас,– Лола ерга қараб, секин жавоб берди.

Орадан тўрт ой ўтиб, Юлдуз фарзандли бўлди. Аммо чақалоқнинг оёғи туғма чиққанлиги аён бўлгач, яна шифокорларга мурожаат қилишга тўғри келди. Юлдуз учун оғир бўлган шу пайтлари ҳам Лола унинг ёнида бўлди.

–Дугон, менинг опам ҳам, укаларим ҳам менга сен кўрсатган меҳрибончиликни қилишгани йўқ. Сенга буларни қандай қайтараман, билмайман. Мендан қайтмаса Худодан қайтсин.

Юлдуз икки оёғи гипсланган қизалоғини қўлида олиб ўтирар экан, дугонасига миннатдорчилик билан бокди.

–Э, қўйсангчи, шуям гап бўлди-ю! Биласанку, сенга жонимни ҳам беришга тайёрман, – деди Лола чиройли қошларини кериб.

Бу орада Юлдузнинг турмуш ўртоғи Жасурбек тижорат қилишга қарор қилди. Бир куни ўзининг ота-онасини меҳмонга таклиф қилиб, уларга ўз мақсадини билдирди.

–Билмадим ўғлим, тижоратни бошлаш учун катта пул керак. Юз, икки юз минг билан бир нима қилиб бўлмайди. Биласан, топганимиз ҳозир укангнинг ўқиш пулини тўлашга кетаяпти. Майли тижорат қилку-я, лекин бегоналар фоизсиз сенга қарз берар эканми?

Суннат ака ўғлига худди айбдордек, бошини эгиб, секин гапирди.

– Балки Лоладан сўрагимиз. Унинг поччаси Самарқандда катта тижоратчилардан. Қарз олиб бериб турар, – деди Юлдуз қайнота билан қайнотасидан жўяли фикр чикмагач. Ўйланиб туриб, ҳамма шу фикрни қўллаб-қувватлади. Жасур Самарқандга Лоланинг олдига ўзи борадиган бўлди. Дугонасини кўришга бирга бормокчи бўлган хотинига:

– Сожида тузалса борарсан, касал бола билан қийналиб қоласан, – дея унамади.

Бу сафар ҳам Лола уларнинг муаммоларини ҳал қилиб берди. Жасурбек Самарқандга бориб келганидан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Лола Жиззахга келиб, керакли миқдордаги маблағни Юлдузга ташлаб кетди.

Юлдуз ҳар гал Лола келганида гўзал, ширинсўз дугонасининг бу дунёдан ёлғиз ўтаётганига ачинар, унинг орқасидан сўраб юрганларнинг бирини танлаб қўя қолишни маслаҳат берар эди. Бундай пайтлари Лоланинг жаҳли чиқиб:

–Қўй, дугон. Энди ким ҳам фарзандларимга ота бўла оларди? Худога шукр, ота-онам, сизлар борсизлар. Ёлғиз эмасман-ку! – деб, жавобни қисқа қилиб қўя қоларди.

Бу орада Жасурбекнинг тижорат ишлари юришиб кетди. Бу сафар кўярда қўймай Юлдуз дугонасига олинган қарзни ўзи олиб бориб беришга эрини кўндирди.

Икки дугона кучоклашиб кўришгач, Лола шоша-пиша дастурхон ёзаётганида, хонадонининг эшиги тақиллади.

– Кўявер, ўзим очаман, –дея Юлдуз эшик томон йўналди. Лоланинг қўшниси экан.

У эшикдан кирасолиб Юлдуз билан саломлашгач, ошхонадан унга пешвоз чиққан Лолага сўз қотди:

– Лолахон. Узр. Уйингизда меҳмон бор экан. Аммо, яна ўша гап. Пулни шу ҳафта қайтармасангиз бўлмайди. Биласиз, қизимни чиқараяпман. Ҳозир жуда ҳам пул зарур.

– Бўлди, опагон эртагаёқ тўғирлаб бераман, – деди Лола қўшнисининг орқасидан эшикни ёпар экан.

–Қарзинг борми, дугон? Мен сенга ўзимизни қарзимизни олиб келган эдим, поччанг рози бўлсалар шундан қайтариб турақол, – Юлдуз сумкачасини очиб, бир даста пул олди.

– Шу десанг, биласан, поччам зикнароқ одам. Ундан сўрагим келмай, Жасур акамга шу қўшнимдан қарз олиб берган эдим, бир ҳафтадан буён шуни сўрайди. Бир қисмини тилла узугимни сотиб, тўладим. Ҳозир қолганини сўраб чиққан.

–Сени қара-ю, – деди Юлдуз кўзига ёш келиб. – Ҳали бизни деб шунчалик жабрланиб юрибсанми?!

Юлдуз дугонасини маҳкам кучоклади.

Бир сафар Лола Жиззахга келганида, дугонасига бир яхши одамга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиққанлигини ва яқинда ундан фарзанди бўлишини айтиб қолди. Юлдузнинг, у ким, қаердан, ким бўлиб ишлайди, деган саволларини эса, кулимсираб жавобсиз қолдирди.

Ёзининг илиқ оқшомларидан бирида, ишдан қайтаётиб, қизчасини боғчадан олиб келаётган Юлдуз, қўшниларида шумхабарни эшитиб қолди.

Ўзининг ғийбатчилиги билан донг чиқарган қўшниси унга Жасурбекнинг ўйнаши борлигини, бу унинг энг яқин дугонаси Лолалигини айтди.

– Бўлиши мумкин эмас, ғийбатларингизни қўйинг, Саври опа. Ахир Лола менга шунча яхшилик қилди-я, – деди Юлдуз унинг гапларини бўлиб.

Аммо ўзи ғалати бўлиб кетди. Бошига оғриқ кириб, чап кўкрагида санчиқ пайдо бўлди. Эрига ҳеч нарсани билдирмасликка ҳаракат қилиб, аввало уни кузатишга қарор қилди. Орадан уч ой ўтди. Аммо бу вақт ичида на Жасур акаси, на икки бор уни кўргани келган дугонасида ўзгариш сезмади. Лола уйларига келиши билан эри ишни баҳона қилиб чиқиб кетар ва уйга жуда кеч қайтар, Лола ҳам у билан саломлашишдан нарига ўтмасди. Буни кўрган Юлдузнинг кўнгли жойига тушди. Ўзича «оғзи билан юрадиган» қўшниларини ичидан қарғади.

Орадан икки ой ўтгач, Лола ҳам учинчи фарзандли бўлди. Буни эшитган Юлдуз бир неча бор Жасур акасида дугонасиникига олиб бориб, келишни илтимос қилди. Аммо доим эри унинг тўхтаб туришини айтар, ишлари жуда кўплигини рўкач киларди. Ана–мана дегунича орадан бир ой ўтди. Эрининг бу сафар ҳам бир ҳафтага «товар»га кетганидан фойдаланган Юлдуз, унга хат ёзиб қолдирди-да, фарзандлари билан Самарқандга отланди.

Эшикни Лоланинг ўзи очди. Бир оз тўлишган, аммо яна ҳам очилиб кетган дугонаси остонада турган Юлдузни кўриб, қотиб қолди. Ўзини дугонасининг бағрига отган Юлдуз эса ичкаридан келган овоздан қарахт бўлганича, бир Лолага, бир ичкари хонанинг қия очиқ эшигига ажабланиб қаради. Ичкарида «Лола, ким экан?» дея қўлида чақалоқ билан ўзининг Жасур акаси турар эди. Нима қилишини билмай, Юлдуз бир оз анграйиб тургач, ҳайкал мисол қотиб қолган Лоланинг юзига бир тарсаки туширди. Онасининг қўлидаги Сожида кўрқиб, йиғлаб юборди. Яна уришга қўл кўтарганида, Жасур келиб уни қўлидан тутиб қолди. Чақалоқни Лолага бериб, Сожидани қўлига олди-да, хотинини зинадан пастга судрай бошлади.

– Ифлос, қанжиқ, илон, илоёгина ер ютсин сени, – деб тинмай бақирарди Юлдуз, эрининг қўлидан чиқиб кетишга уриниб. – Айтишувди-я, сени эримни ўйнаши деб, ишонмовдим.

Хотинини такси тўхтатиб, зўрға машинага итариб киргизган Жасур, деразадан қараб турган Лолага қўл силтади-да, кўрқиб кетган болаларини машинага ўтқазди. Тинмай йиғлаб, қарғанаётган хотинига қараб, «ўчир овозингни», деб бақирди. Сўнг эса таксичига юзланиб, тезроқ автошоҳбекатга олиб боришни илтимос қилди.

Уйларига киришлари биланоқ шу пайтгача бирон маротаба ҳам хотинига қўл кўтармаган Жасур, ҳали ҳам қарғанаётган хотинининг юзига тарсаки туширди. Бундай бўлишини кутмаган Юлдуз эса, қўлига илинган нарсасини эрига қараб ота бошлади. Бундан баттар жаҳли чиккан Жасур ўз навбатида хотинининг қўлини қайириб, дуч келган жойига ура бошлади. Болаларининг йиғиси, бақир-чақирни эшитган қўшниларнинг эшик қоқишларигина Жасурни ўзига келтирди. Оёғи остида ётган хотинини бир тепиб, эшик олдида борди-да, қўшниларини ўзларининг ишлари билан шуғулланишини, унинг оилавий ишига аралашмасликларини босиқлик билан сўради. Сўнг қайтиб келиб, Юлдузнинг юзига сув сепди. Дағ-дағ титраётган хотинига энгашди:

– Шу гап шу ерда қолсин, бўлмаса ўзингга ёмон бўлади.

Эрталаб эри ишга кетиши билан Юлдуз фарзандларини олиб, ота-онасиникига кетди.

Қизининг шишган, кўқарган юзини кўриб, Баҳринисо опа шошиб қолди:

– Қизим, сенга нима бўлди?

Юлдуз онасини кўриб, баттар хўрлиги келди. Ўзини йиғидан тўхтата олмай бўлган воқеани онасига айтиб берди.

– Вой ўлай, вой ўлай, – дерди Баҳринисо опа воқеани эшитиб.

– Ойижон, мен ажарашаман, у билан бошқа яшай олмайман, – деди Юлдуз кичкина кизининг бошини силаб.

– Юлдуз, ахир шундай яхши яшаётган эдиларинг. Ўзинг айтардинг, куёвингиз чумолига озор ҳам бермайди. Уни нима жин урди экан-а?

– Ҳаммасига ўша илон айбдор. Дугона бўлиб қўйнимга кирган экан-а? Мен аҳмок бўлсам, уни сиздан ҳам аъло кўриб юрибман-а, – Юлдузнинг кўзларидан яна ёш қуйилди.

– Қўй, болам, тинчлан. Отанг келсин. Маслаҳатлашайлик. Бир гап бўлар. Чой ичгин, енгил тортасан.

Баҳринисо опа бошини чайқай, чайқай ошхонага йўналди.

Кечқурун Умурзоқ ота хотинининг гапини диққат билан тинглагач, «шу ерда яшаб турсин-чи, вақт кўрсатар», деди. Ўзи эса куёвини чақиртириб, бўлган воқеани унинг ўзидан сўраб олишга қарор қилди.

Жасур қайнотасининг берган саволларига жавоб бермай, бошини қуйи солиб ўтираверди. Фақатгина унинг, «Хўш, энди нима қилмоқчисиз, ўғлим?» деган саволидан сўнггина бошини кўтарди.

– Дада, кечиринг. Айбдорман. Учта фарзандимни етим қилмоқчи эмасман. Биласиз, йигитчиликда бўлиб туради. Рухсат беринг, Юлдузни уйга олиб кетай.

Ота-онасининг насиҳатлари, эрининг кечирим сўраб, Лола билан ҳар қандай муносабатни узганлигини айтганидан сўнг Юлдуз падари бузрукворининг гапини икки қилмай уйига қайтишга рози бўлди.

Эри билан унинг янги олган машинасида уйи томон йўл олишар экан, Юлдуз ўзининг бахтли кунлари чақмоқдек тез ўтиб кетганлигини ўйлаб, кўзига ёш келди. Эрига зимдан тикилиб, бу одам билан энди қандай яшашини, ажрашса, фарзандлари катта бўлиб, уни ота меҳридан бебаҳра қилганликларида айблашларини ўйлаб, юраги сиқилди. Лип–лип этиб ўтаётган, япроқлари сарғая бошлаган дарахтларга тикилиб борар экан, бахтсиз аёл ташқарида томчилай бошлаган ёмғир машина ойнасига келиб қўна бошлаганлигини сезмади ҳам. Табиат ҳам Юлдузга ҳамдардлик билдираётгандек, унга қўшилиб йиғларди, гўё.

2005 йил.

НУРНИ СОҒИНИБ...

Дилдора тунни яхши кўради. Унинг киприклари бир-бирлари билан қовушиши ҳамон, кўз олдида юлдузли осмон намоён бўлади. Юлдузлар шунақа ёрқин, шунақа каттаки, улардан таралаётган нур кўзини камаштиради. Негадир у доимо ана шу нурни йиғишга ҳаракат қилади. Кейин у жуда ҳам кўп оқ рангдаги қушларни кўради. Улар тошдан-тошга урилиб оқаётган кичик дарё бўйида тўдалашиб, чуғурлашишади. Уларни кўриши билан Дилдора кичкина қизалокқа айланиб қолганлигини ҳис этади. Қушларнинг олдида югуриб борар экан, уларнинг пир-р этиб учишларидан ҳосил бўлган шаббода юзларини силаб ўтади. Қушлар учиб кетишса ҳам, уларнинг чуғур-чуғури тинмайди...

Дилдора уйғониб кетди. Қушлар ҳақиқатдан ҳам чуғурлашишар эди, фақат дераза ортида. Бирпас дарахт шохларининг шитирлаши, шохдан-шохга учиб-куниб юрган чуғур-чукларнинг шовқинига кулоқ тутди-да, эринибгина ўрнидан туриб ўтирди. Соат неча бўлди экан-а, чуғурчукларнинг шовқинига қараганда кун ҳам аллақачон ёйилиб кетган шекилли. Дилдора пайпаслаб кўрпани четга суриб, оёқларини каравотдан туширди. Туриб деразанинг ёнига бориб, дарпардани четга сурган эди, мезон куёшининг илиқ нурлари юзларини сийпалади. Бу нурлар кўзларини камаштирмаса ҳам беихтиёр кўзларини чирт юмиб олди. Сўнг аста секин юзларини силаб, нурларни ушламоқчи бўлгандай, ҳавода қўлларини силкитди.

Қизиқ, нурни сезади-ю, аммо уларни ҳеч ушлай олмайди. Ҳар куни эрталаб шу ҳол такрорланади. Мана ёши ўттизга чиқибди ҳамки, унинг бирдан бир орзуси нур қандай бўлишини кўриш... Раҳматли ойижониси ётар олдидан доимо нур ҳақида эртақ айтар, нурнинг одамлардан аразлагани, одамлар қуёш нурининг қадрига етмагани учун вақти-вақти билан у ҳам хафа бўлиб булутлар орқасига яшириниши, шунда қиш келиб, совуқ тушишини гапириб берар эди. Кейинчалик, катта бўлгач, буларнинг бариси табиат қонуни бўлиб, фасллар алмашиш жараёни эканлигини Дилдора тушиниб етган бўлса ҳам, ич-ичидан хануз нурга раҳми келар, доимо инсонлар ана шу илиқ нурларга кўмилиб юришини хоҳларди.

Дилдора бир зум юзини қуёшга тутиб турди-да, сўнг секин «уф» тортиб каравот ёнига келди. Жойини йиғиштириб, ошхонага ўтди. Човгумга сув тўлатиб, газнинг устига кўяр экан, олов ёқиш учун гугурт кидирди. Гугурт ҳар доимги жойида йўқ эди. Бир оз стол усти, дераза тоқчасини пайпаслаб кўриб, гугуртни топа олмаса, яна «уф» тортиб, хонага қайтди. Ишга бориши керак. Доноҳон опанинг ҳам жиғибийрони чиқиб ўтиргандир. Дилдора елим халтага ўралган бир бўлак нонни олди-да, чойнакдаги кечагидан қолган чойни пиёлага қуйди. Нонни чойга ботириб, оғзига олиб борган эди, ҳали юзини ювмагани ёдига тушди. Нонни стол устига қўйиб ваннахонага ўтди. Юз-қўлини чайиб, тишини ювгач, қайтиб келди. Иштаҳаси йўқлигидан бир пиёла совуқ чойни аранг ичгач, кийиниб ташқарига чиқди. Дилдора шундоққина ўзи ишлаётган корхонанинг ёнгинасида туради. Қўшниси Мукаррам опанинг эшигини тақиллатган эди, 9 яшар ўғли аясининг аллақачон ишга кетганлигини айтди. Демак, кечикибди. Энди гап эшитиши аниқ. Дилдора неча йиллардан буён ёд бўлиб кетган йўлак орқали корхона томон йўл олар экан, ҳассасини олиш эсидан чиққани ёдига тушди. Уйга қайтишга эриниб, барибир шаҳарга чиқмайман-ку, дея ўзига-ўзи далда берди. Мана бу ерда асфальт кўчиб чуқурча бўлиб қолган, мана бу ерда эса доим ёмғирдан сўнг қўлмак ҳосил бўлади. Мана бу ерда кудук бўлиши керак. Ҳа, шу ерда кўп қаватли уйларга ўтган сув қувурларининг қудуғи бор. Аммо бу сафар унинг оғзи очик эди. Ишчилар қувурларни текширгач, қудуқнинг темир қопқоғини ёпишни ё унутишган, ёхуд эринишган. Аксига олиб, ҳар гал темир қопқоқни четлаб ўтадиган Дилдора бу сафар унинг устидан ўтиш учун оёғини босган эди, мувозанатини йўқотиб, чуқурга йиқилиб тушди. Боши қаттиқ бир нарсага урилиб, ҳушидан кетди.

Дилдора ўзига келганида боши лўқиллаб оғрир, томоғи қуриб, қўнгли айнир эди. У аввалига ўзининг қаердалигини англай олмай, нурсиз кўзларини бир оз шифтга тикиб ётди-да, сўнг секин ётган жойини пайпаслаб кўрди. Ўзининг ўрни. Бу ерга қандай келиб қолди? Чуқурдан ким уни олиб чиқди экан?

–Ўзингизга келдингизми, Дилдорахон? Одамнинг ўтақасини ёриб юбордингиз-а! Одамларга ҳам хайронсан, шу ерда кўзи ожизлар яшашини билатуриб, чуқурнинг қопқоғини ёпишмабди-я, уйинг куйгурлар. Бошингиз оғримаяптими? Пешонангиз ёрилибди. Сардоржон сизни кўриб қопти. “Ая, Дилдора опам чуқурда ўлиб қоптила”, деса юрагим ёрилай деди. Худога шукр, ҳеч нарса қилмабди.

Дилдора қўшниси Мукаррам опанинг гапларига кулоқ солар экан, бирдан ишга кеч қолгани ёдига тушди.

–Мукар опа, ишга кеч қолганимга Доно опа индамадиларми?

– Э, қанақа иш. Яна иш йўқ. Қандай кунларга қолдик-а. Кеча қавиган кўрпаларимиз буюртмачига ёкмаган эмиш, «кўр гўр қилармиди» деб, «заказ»ини қайтариб олибди. Бунча пешонамиз шўр бўлмаса-я. Уч-тўрт ойда озиб-ёзиб бир иш чиқса-ю, раҳбарлар шуниям ушлаб қололмаса-я? Бу нима деган гап. Бунинг устига энди «простой», ишламаганимиз учун пул тўлашмасмиш. Пул йўқ экан. Нимага яшаймиз, хайронман. Ишга келмаганингиз ҳам яхши бўлди. Ҳамма йиғилиб, ҳокимиятга борамиз, дейишаётган эди. Бир гап

бўлар. Кўрлар ҳам одам-ку. Шу десангиз кеча жияним Тошпўлат келувди, Самарқанддан. Кўзи ожизлар корхонасини бир тадбиркор олиб, у ерда гилам тўқиш цехини очибди.

– Ишчиларини ҳайдавориптимиз? – Дилдора оғриқни ҳам унутиб, Мукаррам опага юзланди.

– Йўқ. Ҳамма қолибди. Гилам тўқиш ускуналарини кўзи ожизларга мослаб, ҳозир уларни қайта ўқитаётган экан. Бир савобга қолибди-да, барака топгур. Бунинг устига корхона қошида махсус мактаб ҳам очибди. Брайл усулидаги китобларни ҳам топтириб келибди.

– Э, Самарқандга кўзи ожизлар мактабининг нима кераги бор, уларда интернат бор-ку. Бизда очса бўлмасмикан, бечора Холмамат аканинг ўғиллари 14–15 га тўлишди-ю, ҳалиям на ўқишни, на ёзишни билишади, – Дилдора туриб ўтирмакчи эди, боши лўқиллаб азоб берганидан инграб юборди.

– Ётинг, ҳозир иссиқ чой дамлайман, – Мукаррам опа оқ парда қоплаган кўзининг ёшини арта-арта ошхонага йўналди.

Яхшиям бахтига Мукаррам опа бор. Шу кўшниси бўлмаганида нима қиларди. Опанинг ўнг кўзи кўрмаса ҳам, чап кўзи яхши кўради. Кўрмайдиган кўзи доим ёшланиб туради. Эри Собиржон ака биринчи гуруҳ кўзи ожиз ногирон бўлса-да, жуда дилкаш одам. Иккита фарзандлари бор. Иккаласиям, соппа-соғ. Аллоҳнинг қудратини қаранг, уларнинг илтижоларини қабул қилиб, соғлом фарзандлар ато этди. Қанийди, у ҳам фарзандли бўлса. Жажжи чақалоғини бағрига босиб эркаласа. Унинг пок, она сутининг хиди келиб турган вужудини тўйиб-тўйиб ҳидласа... Дилдоранинг кўзига ёш келди. Опаларининг гапига кирмаганида, балки ҳозир у ҳам она бўлармиди? Айнан бўйида бўлганлигини пеш қилиб, улар Дилдорадан юз ўгиришди-ку. Опалариям майли, Салим акаси-чи? Бирданига кулоқлари остида Салимнинг ўша сўнгги бор учрашувдаги гаплари янгради.

– Кўрни хотин қилади, деб ўйладингми? Мен-а?! Ўзингни эплай олмайсан-у, яна бола туғармишлар. Сен-а? Ўзингга ўхшаган кўр туғиб бермоқчимисан. Кейин бир умр кўр боқайми?

– Лекин, Салим ака.. Сиз.. Сиз.. Доим бирга бўламиз, ўзим сени даволатаман демаган-мидингиз.

– Ҳа, ҳа-ҳа. Бирга бўламиз? Даволатаман? Сени-я? Аҳмоғингни топибсан. Биласанми, бунинг учун қанча пул керак. Сен эса мен учун эрмак эдинг. Тўғрисини айтсам, Содир билан гаров ўйнаган эдик. Кўр бўлсанг ҳам, олдинга ҳеч кимни яқинлаштирмаслигингни ҳамма биларди. Мен бир ойда сени ўзимники қилиб оламан девдим. Мен ютдим. Энди бир чойхона ундан.

– Ўзимники қилиб оламан...? Чойхона...?

Дилдора Салимнинг иссиқ нафаси келаётган томонга ўгирилиб, қўлини чўзди. Унинг юзини топиб сийпалади. Бу юздаги ҳар бир чизик унга нақадар таниш. Сўнг худди илон чаққандек қўлини тортиб олиб, юзига тарсаки туширди.

– Вой ифлос-ей, ҳали сен менга қўл кўтарадиган бўлдингми?

Салим юзини қўллари билан ёпиб, овозсиз йиғлаётган Дилдорага қўл кўтармакчи эди, ёнидан ўтиб кетаётган Эшмурод ака қўлини ушлаб қолди.

– Ҳай, ҳай, уялмайсизми? Девдай бўлиб ожизага қўл кўтаришга. Қиз бола-я, бунинг устига...

Эшмурод ака Салимнинг қўлини силтаб ташлаб, унга қаттиқ тикилди. Сўнг йиғлаётган Дилдоранинг елкасини силади.

– Урдими, қизим. Нега йиғлаяпсан?

Дилдора «йўқ» дегандек бошини чайқади, сўнг Эшмурод аканинг қўлидан сирғалиб чиқиб, бир-бир босганча уйлари томон кетди.

Мана шу воқеага ҳам ўн йил бўлибди. Ўшанда 20 ёшда эди. Бўйида бўлиб қолганини эшитиб, опалари айюҳаннос кўтаришди. Раҳматли ойиси уни қарғаб-қарғаб йиғлади. Отаси оқ қилди. Боласини олдириб ташлади-ю, вилоят марказига кўчиб кетди. Тоғаси

кўзи ожизлар корхонасидан иш топди. Корхона уй ҳам берди. Ўшандан буён ёлғиз. Нега худойим уни кўзи ожиз қилиб яратди экан-а? Оилада 5 фарзанд бўлишса, биргина Дилдора шундай. Ёруғ дунёга келибдики, шу дунёни кўрмай умри ўтаяпти. Бундан кўра ўлгани яхши эмасми?

Чой дамлаб қайтиб келган Мукаррам опа Дилдоранинг юзларини юваётган ёшни кўриб, ёнига чўккалади.

– Қаттиқ оғрияптими, Дилдорахон. Бошингиз ёмон урилибти-да. Ҳозир дўхтир чақираман.

Дилдора қуюқ киприкларига инган ёшларни қўли билан артар экан, «керакмас» дея бош чайқади. Мукаррам опага боши эмас, дили оғрияётганини қандай айтсин? У ҳам инсон эканлигини, бахтиёр бўлишга ҳақли эканлигини, оилали бўлиш, фарзанд кўриш орзусида эканлигини қандай тушунтирсин?

– Йўқ деманг, балки «сотрясение» бўлгандирсиз. Боя кўнглим айнияти девдингиз. Дўхтир чақираман. Сиз ёта туринг, дарров қайтаман, Ноилаларниқидан телефон қилай.

Мукаррам опанинг қадам товушлари узоқлашиб, эшикнинг очилиб, ёпилгани эшитилди. Орадан ярим соатлар вақт ўтди. Эшик очилиб, бир нечта одамнинг оёқ товуши эшитилди.

– Бу ёққа. Мана бу ерда ётибди. Шўрлик ёмон йиқилибди. Боши ёрилган. Қонни зўрға тўхтатдим.

Мукаррам опа тинмай гапириб, кимларнидир хонага бошлаб кирди.

Бироздан сўнг Дилдора эркаклар атирининг ҳидини туйди.

– Қани, нима бўлди? Йиқилдингизми? Ўзингиз йиқилдингизми ёки биров урдими? Балки биров сизни чуқурга итариб юборгандир?

Нотаниш эркакнинг бераётган кетма-кет саволлари Дилдорани гангитиб қўйди.

Дилдора боя Мукаррам опанинг овози келган томонга юзини ўгириб, секингина сўради.

– Мукаррам опа, булар ким, милисаданми?

– Вой, нима деганингиз бу, Дилдорахон. Бу киши дўхтир.

– Нима, оқ халатдалигимни кўрмаяпсизми?

Эркак одамнинг овози сал қўполроқ чикди.

– Вой, эсим қурсин, боя сизга айтиш ёдимдан кўтарилибди...

Мукаррам опа шифокорга қараб бошини чайқади, сўнг у томон энгашиб секин қулоғига шивирлади:

– Дилдорахон туғма кўзи ожиз.

– Кечирасиз.

Шифокор йигит Дилдоранинг оппоқ юзи, қуюқ киприклари остидан шифтга тикилган нурсиз нигоҳига тикилар экан, «афсус» дегандек бош чайқади. Сўнг Дилдоранинг қўл томирини ушлаб кўрди. Пешонасининг ёрилган жойини кўздан кечирар экан,

– Кўнглингиз айнамаяптими? Қачон йиқилувдингиз? – деб сўради.

– Икки соатларча бўлди, боя кўнгли айниб қайт ҳам қилди, аниқ «сотрясение» бўлган, – Дилдоранинг ўрнига Мукаррам опа шоша-пиша жавоб берар экан, шифокор хўмрайиб унга қараб қўйди.

– Кўнглингиз айниётган бўлса, шифохонага олиб кетишимиз керак, текширувдан ўтмасангиз бўлмайди.

– ...

– Бўлмаса, нима қилдик? Кетдикми?

– ...

– Ёрдам бериб борасизми? – шифокор йигит Мукаррам опага юзланди.

– Билмадим, ўзи нима дер экан?

– Бирор яқинларингиз борми? Бирга боришга?

– Бу ерда ҳеч кими йўқ. Мен Сардоржонга айтиб чиқай, дадаси келса ўзлари овқат килиб турарла. Бирга бораман.

Мукаррам опа шоша-пиша чиқиб кетди. Унинг орқасидан эшик ёпилиши билан орага ноқулай жимлик чўкди.

– Кечирасиз, исм-шарифингизни ёзиб олишим керак. Фамилиянгиз нима?

– Мунирова.

– Имингиз?

– Дилдора.

– Ҳа, қўшнингиз, шундай деб сизни чақирди-я. Туғилган йилингиз?

– 1975 йил.

– Қайси ойда туғилгансиз? Куниниям айтинг.

– 16 январда.

– Э-э, буни қаранг, иккаламиз ҳам бир бурж вакили эканмиз.

– Қани кетдикми? Айтиб чиқдим, – остонадан Мукаррам опанинг овози эшитилди.

– Мен бўлмаса санитарларни чақирай.

Шифокор чиқиб кетгач, бир оздан сўнг хонага замбил кўтарган икки санитар кириб келди. Дилдора Мукаррам опа ёрдамида замбилга ўтиб ётди...

Дилдора шифтга тикилиб ётар экан, палата деразасининг очиқ канотидан эшитилаётган қушларнинг чуғур-чуғурига қулоқ тутарди. «Қизиқ, шу қушларнинг ҳам озуқа топишу, бола ўстиришдан ҳам бошқа ташвиши бормикан? Нега у қуш бўлиб туғилмади. Ҳозир эмин-эркин осмон-фалакда учиб юрган бўлармиди? Ёруғ дунё ажойиботларидан баҳра олган бўлармиди? Қуёшнинг нур сочиши-ю, барча тирик мавжудотнинг унга интилиши, нур сеҳрининг ўзи бир ажойибот эмасми?»

– Шу палатада ётибдими? – Йўлакдан келган овоз Дилдоранинг хаёлини бўлди. Орадан бир сония вақт ўтар-ўтмас, кимнингдир ниҳоят таниш овози эшитилди. – Яхшимисиз, Дилдорахон? Бошингизни оғригани қолдимиз?

Дилдора овоз эгасини эслашга уриниб, ёстикдан бошини хиёл кўтарди.

– Ким бу?

– Мен Рашидман. «Тез ёрдам» шифокори. Эсладингизми?

–

– Ҳайрон бўлаётгандирсиз, нега келди деб. Ўзим бир сиздан хабар олай дедим-да, - Рашид Дилдоранинг индамаганини кўриб, яна гапира бошлади. - Бирор ёрдам керак эмасми? Тортинмай айтаверинг.

– Йўқ, раҳмат.

– Балки, сизни мутахассисларга кўрсатиш керакдир. Яхши танишларим бор.

– Керак эмас, шу ерда ҳам яхши қарашаяпти.

– Майли, мен борай. Бугун навбатчи эдим. Рухсат берсангиз, яна келардим.

–

– Хўп, яхши дам олинг. Кўришгунча.

– Хайр.

Рашид палата остонасига етганида, шифтга нигоҳини қадаган Дилдорага ўгирилиб қаради. «Наҳотки, шундай гўзал малак кўрмаса. Бир кам дунё деганлари шу бўлса керак. Кимдир фарзандга зор, кимдир ёруғ дунёга».

Кун бўйи Дилдоранинг шифтга қадалган нурсиз, маъюс нигоҳи Рашиднинг хаёлидан кетмади. Эртаси куни навбатчилиқни топшириб, хувиллаб ётган уйига қайтар экан, анчадан бери аёл қўли тегмаган хонани кўздан кечириб, чуқур хўрсинди. Ҳар сафар шу аҳвол. Замира ҳаётдан кўз юмганидан бери, онасининг таъбири билан айтганидай «ит ётиш, мирза туриш» бўлиб қолган. Уйига фақатгина тунаш учун келади. Бошқа пайти келса, ичи сиқилади. Дарҳол ўтмиш уни ўз исканжасига олиб, унинг ҳар бир жиҳозида Замиранинг сиймоси акс этгандай бўлади. Унинг вафот этганига ҳам икки йил бўлди.

Аммо Рашид хануз ўзини кечира олгани йўқ. Шифокор бўлатуриб, ҳомиладор хотинининг кайфияти, иштаҳаси йўқлигига эътибор бермади. Унинг соғлиғи хусусидаги шикоятларини ҳомиладорлик оғир кечаётганига, биринчи фарзандга оғироёқ бўлгани учун ғўрликка, тажрибасизлигига йўйди. Бунинг устига, меҳмонга келган онаси ҳам «8 нафар фарзанд кўриб, туғиш пайтигача далада ишлагани, туққанидан сўнг ҳам, болаларини дала четида ухлатиб, ғўзани чопиқ қилганини хикоя қилиб бергач, хотинининг инжиқлиги деб тушунди. Аммо унинг ҳақиқатдан ҳам сариқ касаллиги – гепатитга чалинганлиги ва унинг даволаш муддати ўтиб кетганлигини англаганида кеч бўлган эди. Замиранинг, ҳали дунёни кўрмаган фарзандининг вафотидан сўнг қалбининг тўрига ин қуриб олган армон, бот-бот юрагини сиқувга олаётган темир панжа исканжадан хануз қутула олганича йўқ. Бир умр қутула олмаса ҳам керак. Ўша куни Дилдорани кўрди-ю, юрагидаги зулматни бир зум бўлса-да, аллақандай ёруғлик тарқатиб юборди. Унинг одамнинг юзига эмас, балки аллақандай бўшлиққа қадалган нигоҳи хотирасига муҳрланди.

Эртадан кейин Бишкекка бориши лозим. Бунинг учун эртага Тошкентга йўл олиши керак. Икки ҳафта бурун илмий раҳбари қўнғироқ қилиб, Қирғизистонда невропатологларнинг халқаро илмий анжумани бўлишини, унда қатнашиш учун у Рашиднинг номзодини кўрсатганлигини айтиб, ўз илмий изланишлари бўйича қисқача маъруза тайёрлашини тайинлаган эди. Икки ҳафта ҳам кўз очиб, юмғунича ўтиб кетди. Бир ҳафтада қайтиб келади. Унгача Дилдоранинг аҳволи яхши бўлса, чиқариб ҳам юборишар. Кейин уни излаб уйига борадими?...

...Рашид таниш эшикнинг қўнғироғини босар экан, оёқларидан мадор кетаётганини сезиб, ўзидан нафратланди. Бир оздан сўнг оёқ товуши эшитилиб, эшик орқасидан “ким” деган овоз эшитилди.

– Бу мен, Рашидман.

–

– Дилдорахон, мени танидингизми? Мен “Тез ёрдам”да шифокор бўлиб ишлайман. Касалхонага олдингизга борувдим. Илтимос, эшикни очинг. Сизда икки оғиз гапим бор эди.

Эшикнинг қулфи шиқирлаб, у қия очилди.

–Киринг, – Дилдоранинг овози маъюс чиқди.

Рашид ўзига таниш йўлакдан ичкарига кирар экан, бу сафар хонага диққат билан разм солди. Бурчакда сандиқнинг устига уч-тўртта кўрпача йиғиб қўйилган. Дераза олдидаги столда кичик аудиомангитафон турибди. Ёнида икки– учта аудиокассета ётибди.

–Қўшиқни яхши кўрар экансиз-да. Кимларнинг ашуласини кўпроқ эшитасиз?

Рашид хонанинг ичкарисига юриб, стол ёнига келди.

–Бу қўшиқлар эмас, ёзувчиларнинг асарлари. Овозли китоблар.

– Ҳм–м. Қизик..

Рашид қўлига олган аудиокассета ҳақиқатдан ҳам Примкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари эди.

– Менда нима ишингиз бор эди, Рашид ака?

– Сизнинг дўстларингиз борми? - Рашид саволга савол билан жавоб қайтарди.

– Дугонам бор.

Дилдора Рашиднинг ҳамон оёқда тик турганини сезиб, секингина “ўтиринг” деди ва сандиқ ёнига тўшалган кўрпачага омонатгина чўқди.

Рашид унинг ёнига ўтирар экан, Дилдоранинг қўйлаги четини ғижимлаётган қўлини ушлади. Қизнинг бармоқлари титраб, у секин қўлини тортиб олди.

– Мен дугоналарингизни эмас, балки эркак дўстларингизни назарда тутган эдим.

– Менинг дўстларим йўқ.

– Агар йўқ демасангиз, мен сизнинг дўстингиз бўлмоқчи эдим.

Рашид бирданига Дилдоранинг кўзлари ёшланганини кўриб, кўрқиб кетди

– Менинг гапларимдан хафа бўлдингизми?
– Йўқ, – Дилдора кўзларининг ёшини артиб, гапида давом этди, – уйланганмисиз, Рашид ака?
– Бир пайтлар уйланган эдим. Аммо... Ҳозир... Хотиним вафот этганига икки йил бўлди. Ҳали туғилиб улгурмаган фарзандимизни ҳам ўзи билан олиб кетди.
– Кечирасиз, билмабман.
Ўртага ноқулай жимлик чўкди.
– Биласизми, Дилдорахон. Ўтган ҳафта Қирғизистонга, шифокорлар анжуманига бориб келган эдим. У ерда бир ўртоғимни кўриб қолдим. Гапдан-гап чиқиб, сиз ҳақингизда айтган эдим, у менга акасининг телефон рақамини берди. Биласизми, акаси ким?
Рашидни диққат билан эшитиб ўтирган Дилдора секин бош чайқади.
– У минг-минглаб одамларни ҳаётга қайтарган, ўзининг операциялари билан нафақат республикамызда, балки чет элда ҳам машҳур бўлган кўз шифокори.
Рашид Дилдоранинг юзига тикилар экан, қизнинг лаблари титраётганини кўрди.
– Мен сизни ўша шифокорга кўрсатмоқчи эдим.
–....
– Розимисиз? Сиздан ҳеч нарса керак эмас. Рози бўлсангиз бўлгани.
– Билмадим. Қандай бўлар экан...
– Зўр бўлади. Мана кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади. Сизнинг шундай чиройли кўзларингиз борки, ўзингиз уларни ойнада бир кўрсангиз эди...
Рашид ортиқча гапириб юборганини сезиб, хайрлашишга шошилди.
– Бўлмаса келишдик. Эртага соат 9.00 да шу ерда бўламан. Тайёр бўлиб турунг.
Бирданига қилинган мазкур таклифдан бошидан хуши учган Дилдора Рашиднинг орасидан эшик ёпилганига 20 дақиқа ўтган бўлса-да, ҳамон жойидан қимирламай ўтирарди.
...Шифокор диққат билан Дилдоранинг кўзларини текширар экан, ора-чора савол ҳам берарди. Қизнинг ҳар бир жавобини эса диққат билан тингларди.
– Яхши. Жуда яхши, – деди у, ниҳоят ишини тугатиб.-Эртага шифохонага ётсангиз, керакли анализларни олсак, худо хоҳласа, икки ҳафтадан сўнг операция муваффақиятли чикса, кўрасиз.
– Нима, операция муваффақиятсиз бўлиши ҳам мумкинми?
Рашид ташвиш билан шифокорга тикилди.
– Худога шукр, қилган операцияларим натижалари ҳали муваффақиятсиз бўлгани йўқ. Бу сафар ҳам омад кулиб боқади, деган умиддаман. Замонавий техника билан тажриба бир бўлса, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш мумкин. Шундайми?
– Ҳа.
– Бўлмаса сизларни кутаман. Келинни эҳтиёт қилинг. Эртага учрашамиз.
Дилдора шифокорнинг гапини эшитиб “дув” этиб қизарди.
Рашид қизнинг қўлидан оҳиста тутган эди, Дилдора бу сафар монелик қилмади...
Қиз кечаси яна туш кўрди. Дилдора Рашид билан қўл ушлашиб, адирларни қоплаб олган қизғалдоқзор ичида кетишаётган эмиш. Осмонни қора булут қоплаган бўлса-да, майин шаббода эсар, Дилдоранинг сочларини силаб ўтар экан. Яхшилаб қараса, сочини шаббода эмас, Рашид силаётган экан. Дилдора уялиб, Рашиднинг қўлидан чиқиб, қизғалдоқларни тера бошлабди. Шаббода кучайиб шамолга айланибди. Осмон гумбурлаб, чакмоқ чақибди. Аммо бирданига булутларни ёриб куёш чиқибди. Куёшнинг нури Дилдоранинг кўзларига тушиб, уни қамаштирибди. Шунда Дилдора ўзининг кўраётганлигини сезиб, бор овози билан қичқира бошлабди. “Мен кўраяпман. Эшитаяпсизларми, ме-ен кў-ра-япман...”
Ташқарида эса бобо куёшнинг илк нурлари тун соясини ҳайдамоқда эди.

2005 йил.

ИНСОФ ЭШИГИ

Нигора пиёзни наридан–бери чала қовурди-да, унинг устига йирик–йирик қилиб тўғралган беш-олти дона гўшт бўлақларини ташлади. Устига туз ва зира сепгач, капкир билан бир-икки бор айлантирди. Қовурилаётган зирвакнинг ёқимли ҳиди бутун ошхонани тутиб кетди. Ҳозир кичкина ликопчага бир бўлак гўшт билан озгина сўлиган пиёзни олиб, нон билан еб олмаса, яна овқат пайти туз тотмайди. Келин бўлиб тушганига икки йил бўлибдики, ҳар куни шу аҳвол. Эндигина овқатга қошиқ ботириши билан қайнонасининг қошлари паст–баланд бўлиб, иш буюра бошлайди. Қони камлигидан икки маротаба ҳомиласи катта бўлмасданоқ тушиб қолди. Эри «ая келинингизни дўхтирга олиб бориб кўрсатай», деди-ю, онасидан балога қолди. Қайнонаси Нигорани ношуддан олиб, касалмандга солди. Бир болани эплаб туға олмаган келин унга керакмаслигини айтди. Нигора жовдираб эрига тикилар экан, унинг индамаётганлигини кўриб, бўғзига тикилган йиғисини аранг ютди. Мана шу воқеага ҳам етти ой бўлибди. Бу сафар ҳомиладорлигини қайнонасидан ҳам, эридан ҳам яширди. Вақти келиб ўзлари билиб олишар, деб ўйлади..

...Нигора икки бўлак гўшт билан озгина пиёзни ликопчадан олиб, эндигина нон билан оғзига солган эди ҳамки, ошхонага Туйғуной ая кириб келди. Нигора жиноят устида қўлга тушган одамдек, шошиб қолди. Оғзидаги қайноқ гўшт бўлаги-ю, нонни чайнамай ютиб юборди. Гўшт кизил ўнгачини куйдириб, тикилиб қолди. Унинг нафаси қайтиб, кўзлари олайди.

Туйғуной ая стол устидаги ликопчадаги гўшт бўлагини кўриб, кўзлари олайиб хирил-лаётган келинига бир зум қараб турди-да, гап нимадалигини тушуниб уни қарғай кетди:

– Ҳа, ергина ютсин сани, нега овқатни мазаси бўлмайди десам, рўзгорнинг баракасини учирадиган илонни қўйнимга солган эканман-да.

Нигора бор кучини тўплаб, томоғидаги гўшт бўлагини ютишга ҳаракат қилди-ю, кўз олди қоронғилашиб, шилқ этиб ерга йиғилди.

–Буларга гапириб ҳам бўлмайди, артистмисан, артист.

Туйғуной ая ерда ётган келинини оёғининг учи билан туртиб кўрди. Унинг пахтадек оқариб кетган ранги, оғзининг четидан оққан кўпиксимон сўлагини кўриб кўркиб кетди. Дод солиб кўчага югуриб чиқар экан, қўшниси Муҳаммад акани кўриб унга ёпишди.

– Ёрдам беринг, ёрдам. Нигора ўлиб қолди.

–Нега ўлади? Қачон? Ўзингизни қўлга олинг.

Муҳаммад аканинг эски «Жигули»сида туман касалхонасига етиб келганларида, Нигоранинг нафас олганлиги деярли билинмас эди. Фақатгина шифокорларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида ёшгина келинчакни ўлим чангалидан тортиб олишга муяссар бўлдилар.

–Келинингизнинг жуда ҳам қони кам. Бунинг устига қорнида 1,5 ойлик боласи ҳам бор. Агарда шу аҳволда яна икки-уч ой ўтса она ҳам, бола ҳам нобуд бўлади, – шифокор аёл Туйғуной аяга маъноли назар ташлади. –Келинингиз яхши овқатланадими, ўзи?

– Вой, айланай, бу нима деганингиз? Уни қизимдай кўраман. Егани олдида, емагани кетида. Сиз манга унақа гап қилманг. Уни келин эмас. қиз қилиб олганман, ахир.

–Сизни огоҳлантирдим, холос. Аҳволига қараганда тўйиб овқат емайдиган кўринади. Бу эса ҳомилага таъсир қилиши мумкин.

–Энди, янги келин бўлса. Ийманади-да, айланай. Кейин озгина шошқалоқлиги бор. Мана ўзингиз кўриб турибсиз, шошиб гўштни ютаман еб, тикилиб ўлишига сал қолди.

–Ҳозир мамлакатимизда камқонликка қарши жиддий чоралар кўрилаяпти. Туғилажак фарзандларнинг келажакда соғлом бўлиб ўсиши, аввало онанинг саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Келинингиз уч-тўрт кун бизда ётиб даволансин, кейин ёзиб берган дармондориларим билан кўпроқ мева, таркибида темир моддаси кўп бўлган маҳсулотлар истеъмол қилсин. Булар дуккакдилардир. Мош, ловия, нўхотдан қилинган овқатларнинг

ёш келинларга фойдаси катта. Ундан сўнг овқатнинг орқасидан дарҳол чой ичмасин. Чойнинг таркибида танин деган модда бор. У инсон организмга темир моддаси сўрилишини сусайтиради. Чойнинг ўрнига турли хил шарбатлар ичгани маъқул. Ҳам қувват бўлади, ҳам фойдали. Овқатланиш пайтида иложи борица биринчи навли ундан қилинган нон егани маъқул. Фақат келинингиз эмас, бошқа оила аъзолари ҳам. Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистонда чиқарилаётган биринчи нав унларнинг барчаси фойдали микроэлементлар билан бойитилапти. Бундай унларнинг қопида «Соғлом маҳсулотлар» деган ёзув бор. Агарда доимо бойитилган ундан нон ёпиб есангиз, ёки шу унни хамир овқатларга ишлатсангиз қиммат дориларни ҳам кераги бўлмай қолади. Олимларимизнинг ҳисобига кўра, бойитилган ундан тайёрланган нонни доимо истеъмол қилган одамда камқонлик аста-секинлик билан йўқолиб боради. Агарда бўлажак неварам соғлом, у келажакда ақлий ва жисмоний ривожланишда орқада қолмасин десангиз, ҳозирдан келинингизни парваришланг, холажон.

Туйғуной опа шифокорнинг сўзларидан сўнг ўйланиб қолди. Кўз олдига ўтган ойда силласи қуриб, олдида йиқилиб қолган қўшниси Баҳри аянинг келини келди. Қайнонасининг совуққонлиги билан ҳомиладор келинчак чала бола тукқан, у ҳам бўлса бир ҳафта яшар-яшамас оламдан ўтган эди. Наҳотки энди ўзи ҳам ўз қўли билан ҳали дунёга келмаган яна бир неварасини нобуд қилса?

–Йўқ, йўқ. Бундай бўлмайди, – Туйғуной опа беихтиёр овоз чиқариб гапириб юборди. Унга ажабланиб тикилиб турган шифокордан уялиб, «шундай ўзим» деб қўйди.

Шу кундан бошлаб Туйғуной опанинг ўзгарганлигидан ҳамма ҳайрон. Унинг келини атрофида гирдикапалак бўлиши, ўғли уйга ун олиб келса, уннинг бойитилганми ёки йўқми деб сўраши яқинларини ажаблантирса, бир томонидан Худога шукр қилишарди. Касалхонадан чиққан Нигора ҳам қайнонасининг меҳрибонлигидан кўнгли тоғдай кўтарилса, бир томонидан «бунинг охири нима билан тугар экан-а», дея хавотирда эди. Аммо кўп ўтмай бу хавотирларига ўрин қолмади. Қайнонасининг ўзи уни шифокор қабулига олиб бориб, олиб қайтади. Кўнгли тусаган нарсасини ўғлига айтиб, олдиртириб келади. Эри Искандар ҳам бундай пайтлари онасининг ҳурматини жойига қўйиб, албатта волидасининг кўнглига ёққан мева-чевадан ҳам харид қилишни унутмайди. Оилада пайдо бўлган меҳр-муҳаббат ҳаттоки боғдаги дарахтларга ҳам таъсир кўрсатгандай. Неча йилдан бери мева тугмай келаётган ёнғоқ дарахти ҳам бу йил ҳосилга кирди. Эрининг ишлари ривож топди. Юраги хаста қайнотаси Шокир ака ҳам анча жонланди.

Доимо шифокорлар назоратида турган келинининг аҳволи кундан-кунга яхшиланаётганлигини кўриб, Туйғуной опанинг ўзи ҳам хурсанд эди.

Вакт-соати етиб Нигора кўчкордек ўғил туғди. Ширин неварасини бағрига олган

Туйғуной ая энди қўшнилариининг барчасига нон билан келинини қандай даволаганлигини айтиб мактанар, уларга ҳам қиммат дорилар сотиб олиб юрмасдан мунтазам бойитилган ундан тайёрланган нон ейишларини тавсия қилар эди.

2006 йил

БОҚИБЕҒАМЛИК БАЛОСИ

Мансур қўлидаги бир парча қоғозга ҳайрон бўлиб тикилар экан, нега энди айнан унга, умрида бирон маротаба ҳам қонунни бузмаган одамга терговдан чақирув қоғози келганлигини тушунолмаётган эди.

– Дадаси, балки янглишиб, сизнинг фамилиянгизни ёзишгандир, – деди секингина хотини Солиҳа.

– Балки, билмадим. Лекин ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ-ку?!

–Эртага милисахонага боринг-чи...

Тўларокдан келган, ишлаб турган кондиционер туфайли хонанинг ичи анчагина салқин бўлса-да, бурнининг устини реза тер қоплаган терговчи чоғроққина хонада Мансурни қарши олар экан, қаршисидаги курсидан жой кўрсатди.

– Сиз Мансур Усмоновмисиз?

– Ҳа.

– Нега чакирилганлигингизни билсангиз керак?

– Й–йўқ, ўртоқ начальник.

– Йўқ... Қизик.

Терговчи чўнтагидан рўмолчасини олиб бетини бўйни аралаш артди-да, мийиғида кулганича, ўнг кўлини даҳанига тираб, Мансурга тикилди.

– Банкдан олган миллионлаб қарзларингизни қачон қайтарасиз?

– Қарз, қанақа қарз? – Мансурнинг ҳайронлиги ошиб рўпарасида уни майна қилаётгандек совуқ тиржайиб ўтирган одамга тикилди. – Мен ҳеч қаердан қарз олганим йўқ.

– Унда «Нихол» фирмаси ҳам меники эмас, дерсиз?

– М–м–меники эмас...

– Бўлди, бас. Майнавозчиликни йиғиштиринг.

Мансур беҳосдан столга зарб билан тушган муштан чўчиб тушди.

– Сизга тўғриси айтаяпман, мен ҳеч кимдан қарз олганим йўқ.

– Унда манови накладной-у, турли хил ҳужжатларга қўйилган имзо ҳам сизники эмас-дир. Мана фирма раҳбари сифатида Қозоғистон Республикасига жўнатган юкларингизнинг юк йўлланмалари остида ҳам сизнинг имзоингиз ва исми-шарифингиз турибди.

Мансур терговчи ўзининг бурни остида силкитаётган қоғозлар, ундаги қандайдир ёзувларга тикилганича нима дейишга ҳайрон-у лол эди.

– Хўш, нега индамайсиз?

– Ахир, мен оддий ҳайдовчи бўлсам... Яхши кунларда олган «Жигули» билан киракашлик қилиб кун кўраман. Ишонмасангиз қўшнилардан сўранг. Илгари автопаркда ишлаб, автобус ҳайдаганман, ҳозир соғлиғим тўғри келмай ўзимни машинамни ҳайдайман. Фирма очишга менда пул қаёқда дейсиз?

– Пулингиз бўлмаганлиги учун ҳам банкдан қарз олгансиз. Гаровга эса ўша «Жигули»ни қўйгансиз, тўғрими?

– Йўқ, мен ҳеч нарса тушунмаяпман.

– Майли, бугун уйга бориб дам олинг-да, яхшилаб ўйлаб кўринг, Кўчқоров. Эртага паспортингиз, машинангиз ҳужжатлари билан соат 9.00 да шу ерда бўлинг.

Терговчи Мансурдан тушунтириш хати ва тергов жараёни тугамагунига қадар шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақида тилхат олгач, унга жавоб берди.

Оёқлари бўшашиб, нима бўлаётганлигини ҳануз англай олмаган Мансур базўр ўрнидан туриб эшик томон йўналар экан, орқасидан терговчининг «агар уч-тўрт кун ичида сизнинг бу ишга алоқангиз йўқлиги аниқланмаса, унда ҳибсга олинасиз», деган гапидан сўнг боши айланиб, йиқилиб тушмаслик учун эшик тутқичини аранг ушлаб қолди.

– Вой шўрим курсин, энди нима қиламиз? – Солиҳа эрининг бир неча соат ичида букчайиб қолган қадди-қомати, нур кетган кўзларига тикилар экан, тинмай шу саволни қайтарарди.

– Нима қилардик. Тепада худо бор-ку, тухмат қилганни жазосини берар. Бир беайб инсонни дўзахга ташламас. Бўлди, йиғини бас қил, ҳали замон болаларинг ҳам ўқишдан келиб қолишади. Ҳозирча уларга индама. Иннанкейин, тортмадан паспорт билан машинани ҳужжатларини чиқариб қўй, эртага яна борармишман.

Солиҳа кимнидир қарғай-қарғай уйга кириб кетди. Мансур бошининг лўқиллаб оғришига чидай олмай, чойнакдаги совуб қолган чойни жўмрагидан симирди-да, кўрпачага чўзилди.

– Дадаси, тортмада паспортингиз ҳам, машинанинг қоғозлариям йўқ. Қаерга кўювдингиз?

Хотинининг овози эндигина кўзи илинган Мансурнинг жаҳлини чиқарди:

– Яхшилаб қара, ўша ерда турувди.... Э, тўхта, тўхта, машинанинг бардачоғини бориб қара, балким ўша ердадир.

Беш дақиқалардан сўнг Солиҳанинг ҳовлидан, «бу ерда ҳам йўқ» деган овозини эшитиб, юрагига ғулғула тушди. Сакраб ўрнидан туриб, ҳовлига югуриб чиқиб, машинасининг ҳамма жойини титиб чиқди. Паспорти ҳам, ҳужжатлар ҳам изсиз йўқолган эди.

– Анови, Зариф жўрангизга бермовдингизми? Машинани сотаман деганингизда, ҳужжатларини ўзим сизга олиб чиқиб берган эдим.

Мансур бундан икки ой олдин, катта қизини чиқариш пайтида иложсизликдан машинасини сотмоқчи бўлган, дўсти Зариф билан харидор ҳам топган эди. Кейин акаси уни бу йўлдан қайтариб, тўй харажатларининг ярмини ўзи кўтарганди. Ростданам, ҳужжатлар Зарифникида қолган бўлса керак. Паспорти ҳам ўша елим халтанинг ичида эди.

– Уф-ф, рост айтасан, ўтакам ёрилай деди. Мен Зарифникига кетдим, овқатингни сузиб тур, балки у билан бирга келармиз.

Мансур шошганича кўча эшик томон юрди. Хайтовур ўртоғи уйда экан. Мансурнинг овозини эшитиб, болохона деразасидан калласини чиқарган Зариф, «бу ёққа чиқ» дея, қўл силкиди. Сўрашиб бўлишгач, Мансур мақсадга кўча қолди.

– Йўқ, ҳамма ҳужжатларни ўзингга қайтариб берувдим-ку. Қўлимдан олиб, усти оқ қоғоз папкага солувдинг, ёдингдами? Уйингни яхшилаб қара, тургандир бир жойда.

Эндигина руҳи кўтарилган Мансур Зарифнинг бу гапидан сўнг ерпарчин бўлди.

– Хотин ҳамма ёқни титиб чиқди, ҳеч қаерда йўқ.

– Вой, галварс, ҳали икки ойдан буён паспортсиз юрибман, де.

– Керак бўлмагандан кейин, эсимга ҳам келмабди. Машинада ҳам «права»-ю, техталондан бошқа ҳеч нарса йўқ.

– Ўзи паспортинг-у, машинани ҳужжатлари нега бирдан керак бўлиб қолди? Нима бало яна мошинани сотмоқчимисан?

Ўпкаси тўлиб турган Мансур чуқур уф тортди. Зарифнинг хотини дастурхонга кўйиб кетган муздай чалоб тўла косани бир кўтаришда бўшатди-да, бўлган воқеани айтиб берди.

– Манга қара, жўра, аниқ паспортинг билан ҳужжатларни ўғирлашган. Бўлмаса анови фирмада қаёқдан сани номинг пайдо бўларди, кейин ҳужжатларсиз машинани гаровга кўйиб бўлмайди.

Мансур бошини чангаллаганича, ўйга толди. Энди нима қилади? Ҳаммасига ўзи айбдор. Бундан бир ярим ойлар чамаси паспорти керак бўлиб қолиб қидирган, кейин тополмаганидан «бир ерда ётгандир-да» деб қўл силтаб кўя қолган эди. Йўқолганига ишонч ҳосил қилиб, паспорт столга бу ҳақида ариза ёзганида бошида бу машмашалар бўлмасмиди?!

Эртаси куни терговчи Мансурнинг паспорти-ю, машина ҳужжатларини тополмаганини эшитиб, унга ишонмади. Уни яна сохта юк хатлари-ю, катта микдордаги пул айланмалари ҳақида сўроққа тутар экан, Мансурнинг ҳайрон бўлиб елка қисишлари-ю, «билмайман» деган жавобидан асабийлашди.

– Унда мановиларга ҳам имзо чекмаганман дерсиз.

Терговчи Мансурнинг олдига аллақандай шартномаларни ташлар экан, қоғоз пастидаги имзога кўрсаткич бармоғини кўйди.

– Бу менинг имзоим эмас, мен бундай имзо чекмайман. Ишонмасангиз яқинларимдан сўрашингиз мумкин.

Мансурнинг елкасидан бирданига тоғ ағдарилгандай бўлди. Фақатгина бу унинг имзоси эмаслигига терговчини ишонтирса бас.

Кечкурун Зарифга бўлган воқеани айтиб берди.

– Манга қара жўра, аниқ паспортнинг билан ҳужжатларингни ўғирлашган, – деди Зариф.
– Бўлмаса ўша фирмани очган одамлар сани паспортнинг номери-ю, бошқа маълумотларни қаердан олади? Эсингдами, машинадан магнитофонни суғуриб кетишганди, бардачокдаги пулинг ҳам йўқолувди. Ҳужжатларингни ҳам ўша ерга қўйгансан. Ўғри шовганидан пулга қўшиб уларни ҳам олиб кетган-у, кейин ичида қимматбаҳо нарса бўлмагани учун ташлаворган бўлиши мумкин. Топган одам уни ишлатган.

– Шерлок Холмс бўлиб кет-ей, шунақа бўлганини сан қаёқдан биласан? – Мансур дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан кўзгалди.

Бир ой давом этган тергов жараёни натижасида Мансур Усмоновнинг айбсизлиги аниқланди. Сохта фирманинг бош ҳисобчиси ҳибсга олинган, иш анча енгил кўчди. Товламачилар бошлиғи пулни олиб, аллақачон Ўзбекистондан чиқиб кетган бўлиб, бош ҳисобчи оиласини ташлаб кетолмай, Тошкентда қолганлиги унга панд берган эди. Бир нечта одам ичида на Мансур уни, на у сочи тўкилиб, ўзи анча тўлишган Мансурни таниди. Эндигина 43 ёшга кирган Мансурнинг ташқи кўриниши 25 ёшда паспортга тушган суратидан анча фарқ қиларди. Бунинг устига ҳисобчининг Мансурга қарши берган кўрсатмалари асосида у «фирма» жойлашган бинога олиб борилганида, на хонанинг нечта эшигию, деразаси борлигини, офис неча хонадан иборат эканлигини айтиб бера олмади. Энг асосий далил яъни, Мансур паспортни олаётганлигида «шахсий имзо» деган жойига қўл қўймаганлиги уни буткул оқлади. Шартнома-ю, юк хатлари остига қўйилган барча имзоларнинг сохталлигига Мансурнинг қариндошлари, дўстларининг гувоҳлиги, аввалги иш жойидан олинган ҳужжат нусхалари асосида тасдиқланди.

Шундай бўлса-да Мансур тайинланган кунда суд биносининг остонасидан хатлаб ичкарига кирар экан, юраги қаттиқ ура бошлади. Залда Солиҳа дам-бадам хонанинг ичи ишлаб турган кондиционердан салқин бўлишига қарамай, эрининг пешонасида пайдо бўлаётган маржон терни артарди.

Суд раиси ниҳоят ҳукми ўқий бошлади. Ғала-ғовур тиниб, залга чўккан сукунатни фақатгина унинг дўрилдоқ овози бузарди. Ҳукм сўнггида Мансур Усмонов юқорида кўрилган иш билан айбсиз деб топилган, залда қарсак янгради. Ундан фақатгина паспорти йўқолганлиги ҳақида тегишли идораларга вақтида хабар бермаганлиги учун жарима ундирилиши белгиланган эди.

2006 йил.

ТОВОН ТЎЛАГАН НОРАСИДА

– Бу ёзганингиз бўлмайди, яхши йигит. Мавзу яхши очилмаган, ишда илмийлик йўқ. Иқтибосларни ҳам жой-жойига қўймагансиз. Бу сизга мактабдаги иншо эмас, малакавий битирув иши. Аввало мавзунинг янгилигини кўрсатиб беришингиз керак эди.

– Янгилиги, ишнинг долзарблиги кўрсатилган, илмий-назарий аҳамияти ҳам. Ўзингиз «Кириш»ни кўрганингизда «яхши» деган эдингиз.

– Ўша пайти шошиб ўқиганим учун унча эътибор бермаган эканман. Диплом иши сизга ўйинчоқ эмас. Айнан шу ишга қараб сизнинг тўрт йил давомида олган билимларингиз синалади, тушундингизми? Ҳозир бу ишингизни ҳимояга қўя олмайман.

Марҳабо олдида кўзлари жовдираб турган талабага «ажаб бўпти» дегандек, совуқ қаради. Бундан икки ой олдин бакалавр малакавий битирув ишини ўзининг талабаси бўлган Одилжонга 100 долларга ёзиб беришни таклиф қилган, аммо у «ўзим ёзаман» деганидан сўнг, «кўрамиз» деб қўя қолувди. Мана ниҳоят аламини олиш вақти келди.

Минг чирангани билан талаба, талаба-да. Ўқитувчига қарши борармиди? Бир амаллаб олий ўқув юртини тугатганига шукр қилади-да, кейин кўчада кўрса юзини тескари ўгириб кетади. Шунинг учун ҳозирдан буларнинг сиқиб сувини ичиш керак. Талабалар ҳам без бўлиб кетган. Амалий машғулотларда уч-тўрттаси жонини жабборга бериб ўқиб, жавоб бермаса, қолганининг парвойи фалак. «Нега дарсга тайёрланмай келдинг?» десанг, юзингга қараб тиржаяди, «Қаёққа ҳам борарди-из домла, барибир баҳойимни кўйиб берасиз», деб ишшаяди. Қўймасанг, «юқоридан» бўладиган кўнғироқлар-у, декан–проректорларнинг илтимоси сени адои тамом қилади. У бечораларга ҳам қийин, кўнғироқ қилганларга «йўқ» дея олишмайди, сен эса ўз навбатингда уларга. Ўзи амаллаб шу факультетга ишга кирганди. Ҳали деканга «доля» ташла, ҳали кафедра мудирининг «оғзини мойла». Шунга қарамай унга келиб-келиб, «ўқийдиган» талабаларни дипломига раҳбарликни беришди. Ана, Ҳилолаҳон. Бор-йўғи уч йил олдин магистратурани амалтақал қилиб битирган бўлса-да, барча талабалари бойвуччаларнинг болалари. Ўзининг дарсида Ҳилолаҳоннинг талабаларидан иккитасини умуман кўрмаган бўлса-да, «марҳаматини аямай» ишга олган деканнинг гапини иккита қилолмай, уларга «аъло» баҳо кўйиб берди. Энди эса Ҳилолаҳон уларни «соғаяпти». Кеча кафедра йиғилишидан сўнг чой ичиб ўтиришганида, кўлидаги янги тилла узукни кўз-кўз қилиб, «дипломни пулига» олганлигини айтиб мактанувди. Кўшни кафедрадагилар бўлса, ўтган йилда ҳимоя қилинган дипломларни 100 доллардан сотиб ётишибди. Улардан бири Асилбек. Дугонаси Нафисанинг айтишича, ўзи номзодликни ҳимоя қилмаган бўлса-да, бирорта фан номзоди-ю, профессорларга диплом ишини бермай, ўзига ўнталаб олволган. Бу айёр туллак ишнинг кўзини билади. Ёзилган соатларни бажараман деб ярим йиллаб дарс ўтиш керак эмас. Малакавий битирув иши учун ёзилган соатлар бўлса бас, ярим ставканинг пулини олади. Ўтган куни диплом ҳимоясида ҳамманинг кўз ўнгида талабаси ҳимоя қила олмай, “шунча пулга ёзиб берган дипломинг шуми, ма ўзингга ол деб” комиссия аъзолари олдида ба-шарасига қараб отса ҳам бир туки қилт этмади-я. Ўзиям бетмисан бет экан-да, нақ асфальт бўп кетибди. Яна ҳеч нарса бўлмагандай юришини-чи, буни?! Уф-ф, нега шу кафедрада ишлашга рози бўлди-я? Бу ерда ҳамма ўзича виждонли....

– Мен нима қилай домла, хатоларини кўрсатинг, тўлдиришга ҳаракат қиламан, – Одилжоннинг овози Марҳабонинг хаёлини бузиб, «ҳали ҳам шу ердამисан» дегандек, талабага хўмрайиб қаради.

– Ўзи уч кундан кейин ҳимоянгиз, яхши йигит. Бу вақтда нима каромат кўрсатасиз. Ундан кўра манга пулини беринг, ўзим ёзиб бераман. Айтиб қўяй, илмий раҳбар сифатида мен рухсат бермасам, ҳимояга киролмайсиз.

Одилжоннинг жаҳлдан юзи қизариб, қўллари мушт бўлиб тугилди-да, аммо ғазабини сиртига чиқармади. Ҳозир бир оғиз қарши гап айтса, тўрт йиллик умри елга совурилиб, диплом ҳимояси келгуси йилга қолиб кетишини ўйлаб, ўзини аранг босди.

– Қанча? – Одилжоннинг овози зўрға эшитилди.

–Аввал айтганимдек, 100 доллар, ҳалиям сизни мавзунгиз учун бу арзон нарх, – Марҳабо кафедранинг бурчагида компьютерда ишлаб ўтирган лаборант қизга қараб олиб, овозини пасайтирди:

– «Беш» оласиз, бу мани гарантиям.

– Аммо бошқалар дипломларини 100–120 минг сўмга ёздиришяпти, опа. Сал тушинг. 100 долларингиз 220 минг сўм бўлади. Оилали одамман, хотиним ҳам талаба, бунинг устига ёш боламиз бор. Ўзи степендия-ю, ярим ставка ишнинг маошини ижара пули билан овқатга зўрға етказамиз.

– Нима бу ер сизга бозорми, савдолашасиз? – Марҳабо олдида турган Одилжонга тик боқиб вишиллаган овоз чиқарди. – Боринг, бошимни оғритманг.

Одилжон Марҳабонинг столи устида турган қоғозларини олди-да, кескин эшик томон бурилди.

– Ҳа, бўпти, сиз учун 80 доллар. Эртага олиб келинг, – Марҳабонинг овози бу сафар анча мулойимлашди. – Оилали бўлганингиз учун ҳам тушаяпман. Ҳаммамизда ҳам болачака бор. Шуларни деб югуриб юрибмиз-да.

Марҳабонинг столига ишини қўйиб, ташқарига чиққан Одилжон ўз-ўзидан нафратланиб кетди. Факультетнинг кўча эшиги олдида уни пойлаб турган Маъриф ўртоғининг асабийлашаётганлигини кўриб, унга пешвоз чиқди.

– Ҳа, нима деди. Қўл қўйибдимми?

– Қайтадан ўзим ёзаман, деяпти. Шунга 80 доллар сўради.

– Бошида айтувдим сенга, рози бўп қўя қол деб. Шунча қилган меҳнатинг бир тийин бўлди, ўртоқ. Нилуфар опага берганинга 100 минг сўмга ёзиб берарди. Меникини 90 мингга ёзди. Нилуфар опаям ўқитувчи бўлса, шунча йилдан буён диплом ёзавериб «ас» бўп кетган. Ўтган йили у ёзган дипломларни бариси «беш»га баҳоланган.

– Қаёқдан билай бу қ...нинг, бу даражадаги ифлослигини. Шунча йил ўқиб, энди битта дипломни ёзолмайманми?! Магистратурага, худо хоҳласа, ундан кейин аспирантурага кирмоқчиман. Ҳозирдан ўзим ёзмасам, диссертацияларни кейин қандай ёзаман?

Маъриф ўртоғига қараб кулиб қўйди-да, ҳеч нарса демади. Биринчи курсдан буён Одилжон жон-жаҳди билан ўқишга ҳаракат қилади. Қишлоқдан келган эмасми, бошқа ўртоқлари сессияни ёпиш учун пул ғамлашга тушганларида ҳам, уларнинг ташвишларига қараб «ялло қилиб юрмай, ўқисаларинг ўласанларми?» деб қўярди. Ота-онаси ҳар йили битта танани унинг контракт пулини тўлаш учун боқишади. Шу боисми, ёки йигитлик ғурури йўл қўймайдими, ишқилиб қишлоққа борганида улардан ҳеч ҳам пул олмайди. Ўқишдан сўнг ярим ставка ишлаб, топган пулини рўзғорига ишлатади. Бунинг устига яқинда фарзандли бўлишган. Ҳаражат ҳам икки баробар кўпайган.

Одилжон Маърифнинг футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳақидаги гапларини бир эшитиб, бир эшитмай борар экан, эртагача қаердан 80 доллар топишини ўйларди. Кеча Мадина боланинг пулини олувди, ўзи ўтган кун олган стипендиясига бозор қилгани учун, чўнтагида 9–10 минг сўм қолган, холос. Қарз берадиган одами ҳам йўқ. Ишга бориб олдиндан икки ойлигини аванс тариқасида олсамикан?

Бош муҳаррир Одилжонга зудлик билан пул зарур бўлиб қолганлигини эшитиб, «нимага?» деб сўраб ўтирмади. Бу ҳалол, тиришқоқ йигитни анчадан буён кузатиб юрар, унинг ёзган мақолалари айрим малакали журналистларга нисбатан яхшироқ бўлганлиги сабабли ҳам, уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиларди.

Пул қўлга теккан заҳоти, Марҳабонинг ишга тушиб кетди. Дипломнинг у ер бу ерини тузатиб, баъзи бир иқтибослар ўрнини ва муаллифларини алмаштирди. «Қайтадан ёзилган» диплом ишини ўқиб чиққан Одил деярли ўзгаришни кўрмай Марҳабодан нафратланиб кетди-ю, аммо ғазабини яна бир бор ичига ютди.

Диплом иши мавзуси юзасидан иккинчи курсдан буён реферат, курс иши ёзиб, материал тўплаган Одилжон аъло баҳога ҳимоя қилди.

– Айтмадимми, «беш» гарантия деб, – Марҳабонинг ҳимоядан сўнг Одилжонга «табриклайман» деб қўл чўзар экан, қўли ҳавода муаллақ қотиб қолди.

Одилнинг нафратомуз боққан нигоҳидан яшириниш учун, бир нималар деб ғудрандида, тезроқ хонани тарк этди. Ташқарига чиққан заҳоти қўл телефони жиринглади.

– Ойижон, Мунирани касалхонага олиб кетишди.

– Нимага олиб кетишади, нима бўлди?! – Марҳабонинг катта қизидан суюкли кенжатоий нон дўконидан уйга қайтаётганида машина уриб кетганлигини эшитмай, фақатгина бир сўзни такрорларди: «Нега, нега касалхонага олиб кетишади?»

Касалхонанинг ёқимсиз дорилар ҳиди уфуриб турган тор йўлагиди турмуш ўртоғи Салимжон акани кўриб, Марҳабонинг хўнграб йиғлаб юборди. «Мунирам қани, қани Мунира?!»

– Тинчланинг онаси, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Уни ҳозир операцияга олиб кириб кетишди. Бугун шанба бўлса, сиз қаерда эдингиз? Ахир дарсларингиз тугаганига

анча бўлди-ку? Нега болани бир ўзини нонга юбордингиз? Катта йўлдан ўзи эплаб ўтолмаслигини биласиз-ку!

– Бир талабамнинг бугун ҳимояси бор эди, Малика уйда бўлганлиги учун кўнгилни тўк қилиб кетувдим, – Марҳабо яна йиғлашга тушди.

Салимжон ака жаҳли чиқса-да, ўзини босиб, индамай бош чайқаб қўя қолди. Касалхонада, бунинг устига жарроҳлик хонаси ёнида жанжаллашиш ғирт аҳмоқликни ўзи бўларди.

Салимжон ака тақводор инсон бўлиб, доимо аёлини ҳурмат қилар, аммо унинг куйиб-пишиб пул орқасидан югургилаганини асло ёқламасди. Бир неча бор унинг «у етмаяпти, бу кам» деган жанжалидан сўнг, ишга киришига рухсат берган, хаттоки ўзи таниш-билиш орқали олий ўқув юртларидан бирига ўқитувчиликка жойлаб қўйган эди. Тушгача дарсда бўлса, тушдан сўнг уйда болаларга қарар деб ўйловди. Аммо Салимжон аканинг ўйлари хомхаёл бўлиб чиқди. Марҳабо кечгача йўқ бўлиб кетар, ҳали кафедра йиғилиши бўлди, ҳали илмий иш бошладим, шунга кутубхонада ўтирибман деб баҳона қиларди. Мана оқибати. Ишга кирган йилининг биринчи сессиясидан сўнг, бир куни Марҳабо уйга оғзи қулоғида қайтди. Кечки овқатдан сўнг қизалоқлари хонасига кириб кетгач, Салимжон акага қўлидаги каттагина тилла «людка» узукни кўрсатди.

– Қалай, дадажониси, чиройлими?

Салимжон ака ажабланиб бир хотинига, бир унинг ўртанча бармоғида жилоланиб турган узукка қарар экан, ниҳоят тили калимага келди.

– Қаердан олдингиз?

– Бугун Вазира билан Олой бозоридаги заргарлик дўконидан сотиб олдим. Индинига туғилган куним. Ўзим ўзимга совға қилдим. Неча йилдан бери айтаман, кичкинагина бир узук олиб беришга қурбингиз етмайди.

Салимжон ака жаҳлдан бир қизарди-да, аммо ўзини тутди.

– Хўш, қанча экан?

– Уч юз эллик минг.

– Маошингиз бор-йўғи 200 минг сўм эди шекилли, буни устига куни кеча олган қўйлагингизни ҳам маошимга олдим девдингиз, тушунмадим?

– Ҳа, нима бўпти, мен кўчада чиройли бўлиб юрсам, сизга обрў эмасми? Одамларни эрлари олиб беради. Мен яна ўзим ўзимни эплаб, балогардонманми? Сессия бошланди. Ўқимайдиган талабаларни пулига келди, бўлди-ми? Ман олмасам, завкафедрами, ундан бошқасими пулини олиб, барибир қўйиб беради. Шунча ўқитиб, бир чеккада суппайиб қуруқ қолиб кетавераманми? Ишнинг, уйнинг эплаб ўтирганимга раҳматингиз шуми, ҳали?!

Салимжон ака Марҳабонинг жаҳли чиққан пайтлари миқ этмас, хотини анча ҳовуридан тушгач, гапини айтишни маъқул кўрарди. Бу сафар чидаб туролмади.

– Ҳаром пулга келди, денг. Бу ярқироқ матоҳингиз талабалар ота-онасининг кўз ёшидан бўлгани учун шундай ялтираётган экан-да. Бекор қилибсиз, онаси. Илм–зиё, уни пулга сотиб бўлмайди. Сиз талабаларингиздан ўқимагани учун пул олсангиз, барибир пулга баҳойимни қўйиб беради деб, улар ҳам ўқимайди. Улар ҳам, сиз ҳам бу борада мунофиқлика йўл қўйибсизлар. Бу эса ҳеч ҳам жазосиз қолмайди.

– Э боринг-ей! – Марҳабо қўлини силтаб ётоққа кириб кетди...

Салимжон ака ҳозир ана шуларни ўйлар экан, овозсиз Худодан қизалоғига умр беришни илтижо қиларди.

Мунира операциядан муваффақиятли чиқди. Эндигина беш ёшга қадам қўйган қизининг юмуқ кўзлари, қон қочган юзларига тикилар экан, Салимжон аканинг юраги эзилиб кетди. Гўдакда нима айб, эй парвардигор?

Кечга бориб наркоздан кўзини очган Мунира бошида турган дадасини кўриб, унга талпинди. Жонлантириш бўлимидан сўнг оддий палатага олиб ўтишларини, кейин у ерда ойиси билан ётишини эшитиб, маҳзун жилмайиб қўйди.

Кечки овқат пайтида ҳеч ким лом-мим демади. 14 ёшлик Малика, 10 ёшли Сардоржон ота-оналарининг кайфияти йўқлигини кўриб, ҳар галгидек кун давомида қилган ишларини айтиб ўтирмай, хоналарига кетишди. Дастурхон атрофида ёлғиз қолишгач, Салимжон ака йиғидан қовоқлари шишинқираган Марҳабога бир зум тикилиб турди-да, секингина гап бошлади.

– Сиз мени тўғри тушунинг. Бундан буён Мунирага эътибор керак бўлади. Шунинг учун ишингизни йиғиштирсангиз. Сизга ўша пайти ишга рухсат бериб, хато қилган эканман. Худога шукр бошқалардан ҳеч ҳам кам жойимиз йўқ. Битта кўйлак ортиқча киймасангиз, киймабсиз. Вақти келиб у ҳам бўлади.

Марҳабо ялт этиб эрига қаради.

– Лекин мени «приём»га қўйишган. Ҳозир ишимни ташлай олмайман. Кейин бундай имкониятни қўлдан чиқариб бўлмайди. Иккита болани киргизсам ҳам, палон пул бўлади. Ҳозир ҳамма шундай қилаяпти. Иннан кейин, ҳаммани ҳам «приём»га қўйверишмайди. Бунинг устига бир-икки йилдан кейин Маликани узатишга тўғри келади. Ҳозирдан тайёргарлик кўрмасак, кейин эл-юрт ичида шарманда бўламиз.

– Бўлди, етар!

Камдан кам овозини баландлатиб гапирадиган Салимжон аканинг ғазабнок оҳангидан Марҳабо чўчиб тушди.

– Худойим, ўз бандасига бирор бир офатни юборса, демакки уни жазолаш учун шундай қилади. Наҳотки, ҳануз бунинг тушуниб етмаган бўлсангиз, Марҳабохон. Ишингизда бировга ноҳақлик қилгандирсизки, унинг қарғиши фарзандимизга урди. Эртага «қабул»да яна бировни қақшатиб, «ўқишга жойлайдиган» марҳаматингиз туфайли фарзандларимиз бошига яна не кўргуликлар тушади, худо билади. Шунинг учун, эртадан бошлаб, уйда ўтирасиз. Жуда ҳам ишлагингиз келса, ўзингизга одамларни қарғишини олмайдиган бошқа иш қидиринг!

Салимжон ака «гап тамом» дегандек, ўрнидан турди. Марҳабо бўшашганича қайта кўрпачага ўтирар экан, алдаб пулини олган талабаси Одилжоннинг нафратга тўла нигоҳи кўз олдига келиб, бир сесканди.

2006 йил.

ҚАЛЛОБНИНГ БОШИГА ҚУЛАГАН ҚАБР ТОШИ

Севара мармар кесаётган асбобнинг ғизиллаган овози, тўртта ёшгина йигитчанинг чўкка тушганича тошга бераётган ажиб нақшларига ҳайрат ила бироз қараб турди-да, сўнг бу ерга нима учун келгани ёдига тушиб, ичкарига кирди.

– Келинг опа, хизмат?

Севара боя пайқамаган экан, устахона айвони орқасидан елкалари кенг, барваста қоматли йигит унга пешвоз чиқди.

– Шу, раҳматли дадам, амаким, бувимларга қабр тоши қўйдирмоқчи эдик, буюртма оласизларми?

– Нечта, учтами? Ҳа, албатта оламиз. Мани исмим Ихтиёр. Тошларимиз мана бу ёқда. Кўринг. Қандай шаклда бўлади, қандай ўлчовда? Мана буларимиз 60 минг, каттароғи 85 мингдан 150 минггача. Агарда гранит қўйдирмоқчи бўлсангиз 200 минг. Қабр тошининг ёнига мармар ётқизасизми ё йўқми, гул солишга қўзача...

– Тўхтанг, тўхтанг. Келинг, аввало, тош қанча бўлади, атрофидаги мрамар, сиз айтган кўзача, ҳаммасини ҳисоб-китоб қилайлик, кейин чўнтагимиз кўтарса буюртма берамиз, бўлмаса ўйлаб кўрамиз.

Йигитнинг бирдан кайфияти ўзгарди. Аввалги хушмуомалалигидан асар ҳам қолмади.

– Бўпти, юринг.

Салкам 40 дақиқа давом этган ҳисоб-китобдан сўнг учта қабрга қўйиладиган оддийроқ кўринишдаги тошларнинг нархи 500 минг сўмдан ошиб кетди.

– Уста ўзимиздан бўладиган бўлса, ҳар бир қабр учун 20 мингдан берасиз, ўзим уларга мардикор ёллайдиган бўлсам, яна 20 минг сўм.

– Хўп укажон, шундай бўлса тошларни ўрнатишга хом-ашё ўзларингизданми?

Ихтиёр олдида аёл киши эмас, ўзга сайёралик ўтиргандай Севарага ажабланиб тикилди.

– Қизиқ экансиз-ку, албатта сиздан. Ҳозир ҳисоблаб бераман. Ҳм... Мана тайёр. Ҳаммасига 600 килограм цемент, 24 метр угольник, 65 та шлакоблок, бундан ташқари ярим мошин кум, ярим мошин шағал кетади. Ҳа майли, сув ўзимиздан.

Севара кичикроқ бир хона қуришга кетадиган қурилиш материалларини эшитиб капалаги учди. Аммо онасининг тўрт йилдан буён «дадангнинг қабри хор бўлди» деб зорлангани ёдига тушиб, «хўп» дегандек бошини қимирлатди.

Онасининг гапида жон бор. Отасининг вафот этганига тўрт йилдан ошди. Беш фарзанд бўлишларига қарамай, хайрли ишга фақат уч қиз бош қўшди. Мол-дунё талашиб, опасингиллари билан юз-кўрмас бўлиб кетган иккинчи опаси Фариданику-я, ҳисобга олишмади. Оиланинг якка-ю ягона ўғли Носир отаси ўлганидан бошлаб зўр-базўр маъракаларига қатнашди-ю, сўнгра ҳовлининг ўртасидан девор уриб, оназорини бутунлай қақшатганича саломини ҳам ундан аяйдиган бўлди. Ҳар куни Севара ишдан қайтса, онасининг йиғидан қизарган кўзларини кўриб, кўнгли алланечук бўлар, укасининг бемехрлигидан куйиб, аламини ичига ютарди. Онасида нима айб. Кечани кеча, кундузни кундуз демай бир умр чеварлик қилиб, уларни тарбиялаганидами ёки Фариданику-я опаси ҳам, Носир укаси ҳам сал йўталса, кечалари мижжа қоқмай бошида Худодан уларга соғлиқ тилаб тунларни бедор ўтказганидами? Ёши 60 ни қоралаганида ниҳоят ҳавас билан келин туширган, аммо унинг қўлидан бир пиёла чой ичишга ҳам муяссар бўла олмаганидами? Келини Сабоҳат шу уйга тушган куниданоқ турмуши бузилиб, қайтиб келган қайин опаси билан жангни бошлаб юборди. Аста-секин қайин опалари онаси-ю, отасини дарвозахонадан кўриб орқага қайтадиган бўлишди. Бу ҳам камлик қилгандай, оталари қазо қилганига икки йил тўлар тўлмас, ҳовли ўртасига девор урдиртирди. Тақдир экан, ҳозир беш фарзанддан фақатгина уч қиз оназор атрофида гирдиқапалак. Рўзгордан орттириб, тийинлаб ёдгорлик тошига пул йиғишувди. Уста билан учрашувдан сўнг йиққанлари аранг иккитага етишини чамалаб, яна қаердан пул топиш мумкинлигини ўйлаб, боши қотди.

Севара хаёл уммонига ғарқ бўлиб, ўзи туғилиб-ўсган уйига келганлигини сезмай ҳам қолди. Қизига пешвоз чиққан она унинг «ҳаммаси яхши, гаплашдим, ойижон» деган гапидан кўнгли тўлмади. Ҳарчанд суриштирмасин, Севарадан бошқа гап чиқмаслигини сезиб, ошхонага йўналди.

* * *

Қурилиш материаллари бозори чаққон. Юк машиналарининг ҳайдовчилари бозор дарвозасидан кирган харидорнинг олдига югуриб боришади, бир-бирларига гал бермай ўз хизматларини таклиф этадилар.

– Опа, нима керак, кумми, цементми? Арзони менда бор, – чангдан қош-киприги оқариб кетган ёшгина йигит Севарани судрагудек бўлиб, қаёққадир бошлади. Ҳеч ҳам бундай жойларга иши тушмаган Севара унинг орқасидан кетар экан, атрофдаги нархларни суриштириб ҳам кўрмаганлиги ёдига тушди.

– Менга қаранг ука, аввал мен нархларни, молнинг сифатини билай, кейин бир гап бўлар. Олинг қўлингизни-ей...

– Ўзи сизга нима керак? Ҳаммаси менда бор.

Севара бир амаллаб керакли молларни харид қилиб олгач, юк машинасига ортди-да, кабристон ёнидаги устахонага олиб борди.

Ихтиёр ғишту, темирларни туширишга ёрдамлашар экан, темирни кестирмабсиз-ку, деб тўнғиллаб қўйди.

– Ишни қачон бошлайсизлар? Тошни ўзингиз қўясизми?

Севаранинг саволига Ихтиёр кулиб қўйди.

– Қизиқсиз опа, ўзимизни устамиз бор. Ана ўзлари ҳам келаяптилар. Исмлари Одилбой. Сиз берадиган пулингизни тахт қилиб, тушлик тайёрлайверинг, бу киши бу ерда ишни дўндирадилар.

Қотмадан келган, нигоҳини илғаб олиш қийин бўлган одам уларга яқинлашиб, салом берди. Қурилиш материаллари олиб келингалигини билиб, ишни эртагаёқ бошлашини айтди.

– Ука, сиздан илтимос, яхшилаб қилинг. Ишдан жавоб беришмаяпти, шунинг учун бошларингда туришга вақтим йўқ. Тушликни онам пишириб, ўғлимдан бериб юборадилар.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин опа, охир-оқибат бу ер ҳаммамиз келадиган жой, одамларнинг дуоси-ю, савобини олиб юрибмиз-да.

Одилбой шу гапларни айтар экан, эндигина ўттиз беш ёшга кирса-да, хусни тароватини йўқотмаган Севарага хирс билан тикилди. Унинг нигоҳидан кўзларини олиб қочар экан, Севара секингина «рахмат» деганича, тез-тез юриб кетди. Икки эркак Севаранинг орқасидан бир зум индамай қараб туришди-да, аёл кўча муюлишидан бурилиб кетиши билан Одил Ихтиёрга «Қандай бўлди?» дегандек қош қокди.

– Ҳар доимгидек. Аёлларни ўзи аҳмоқ бўлади. Учта қабрга 600 килограмм цемент-у, 24 метр угольник десам, индамай кўтариб келаверди.

– Яшавор, сал кўпроқ айтсанг тешиб чиқмасди. Ҳа майли, шунгаям шукр, буёғини арра қиламиз.

Ихтиёр билан Одил яқинларига қабр тоши қўйдиргани келганларнинг барчаси уларнинг руҳини шод этиш учун пулни аямасликларини яхши билишар ва бундан усталик билан фойдаланар эдилар. Ҳар бир буюртмадан 50–100 килограммгача цемент, 3–5 метр угольник, кум, ғишт уриб қолиб, ўзига тўқ мижозлардан «материал ўзимизда бор» дея пулини икки баровар қилиб олиб, бошқа буюртмадан уриб қолинганини ишлатишар эди. Тошнинг устига ҳам салкам икки баробар нархи қўйилади. Мана ҳеч ҳам кам бўлганлари йўқ. Ихтиёр ота-онасининг хароб кулбасини янгидан кўтарган бўлса, Одилбой кабристон биқинида жойлашган ҳовлисини шоҳона таъмирлашга киришди. Анави содда аёл киёфасидаги буюртмачи жудаям вақтида келди-да. Баҳор пайти иш кам бўлиб, «заказ»лар асосан ёзда тушади. Кузги хазонрезлик бошланиши билан улар яна 6 ой дам оладилар. Одилбой чакка ўтган ошхона томини бузиб, уни икки фарс юқорига кўтарган, ёпишга келганида ақчаси тугаб, боши қотаётган эди. Ана худонинг ўзи етказди. Учта қабр баҳонасида ошхона томи ҳам ёпилиб қолади.

* * *

Саломат хола тушликни тайёрлаб, овқатнинг устини товоқ билан ёпди, иккита нонни тугунга тугди. 10 ёшли невараси Тўлаган тугунни инқиллаб кўтарганини кўриб, унинг қўлидан тутди.

– Юр болам, усталарнинг ҳам бобонгга тош қўяман, деб қорни очиб кетгандир, иккаламиз бориб келамиз.

Улар катта кўча ёқалаб, йўл четида саф тортган қайрағочлар соясида боришар экан, бир зум Саломат холанинг кўз олдида Қурбон бобонинг сиймоси жонлангандек бўлди.

Рўмолининг учи билан беихтиёр юзига томган кўз ёшларини артиб, неварасига билдирмай хўрсиниб қўйди. Қурбон бобо билан салкам 50 йил умргузаронлик қилиб, беш фарзандни оқ тараб, оқ кийдиришди. Афсуски, иккитаси ноқобил чиқиб, онадан юз ўгирди. «Балки сиз ёнимда бўлганингизда шу кўргуликлар бошимга тушмасмиди, дадаси?». Саломат хола беихтиёр кўз олдида жонланган сиймога мурожаат қилди.

–Бувижон, нима дедингиз? – Тўлаганнинг овозидан хушёр тортган Саломат хола махзун жилмайди.

–Ҳеч нарса болам, бобонг ёдимга тушди-да...

Буви-невара қабристон эшигидан кириб келишганида кун тиккага келган. Эрталабдан бери тиним билмай вижир-вижир қилаётган қушларнинг овози тиниб, аҳён-аҳёнда мусичанинг кукулагани сукунатни бузар эди. 14 асрда бунёд этилган бу қабристон шаҳарнинг энг қадимги мазорларидан бўлсада, фақат киравериш обод этилган, гул экилиб, дарахт ўтказилган, шу ердаги аксарият қабрлар устига тош қўйилган эди. Ичкарироқда эса қабристондаги ўтлар сарғайиб, бир ёни ўпирилган, қаровсиз қабрлар талайгина. Уларни кўздан кечирар экан, Саломат хола тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортди.

– Э, Аллоҳ, шу ерда ётганларнинг охиратини обод қилиб, жаннатингдан жой бергин.

Одам шарпасини сезиб, мунчоқдек қора кўзларини яқинлашиб келаётган буви билан неварага тиккан юмронқозиклар хавфни сезиб, бир зумда қабрлар орасида кўздан ғойиб бўлишарди.

–Ассалому-алайкум, хорманглар. Қорнингиз ҳам очкаб кетгандир-а. Қарилик курсин, вақтига етказиб кела олмадим. Неварамдан бериб юборай десам тугун оғирлик қилди, – Саломат хола юз-кўзидаги терни рўмолча билан артиб, дарахт соясидаги ажриқ устида ёнбошлаб ётган уста билан унинг шогирдларининг олдига тугунни қўйди.

–Ассалому -алайкум, хола, ҳечқиси йўқ. Бу иссиқда бир оз дам олмасак, ишлаб бўлмаяпти, - Одилбой чаққонлик билан тугунни очиб, дастурхон тузатди. Дарахтларнинг томирини ювиб ўтаётган ариқчага ётқизиб қўйилган бир шиша ароқни олиб, оғзини очди. Саломат холанинг норози қиёфасини кўриб, ўзини оқлаган киши бўлди:

– Э, чанг-тупроқда ишлаганингдан кейин бу савилдан олиб турмаса бўлмайди. Одамнинг ичини ювади-да.

Саломат хола атрофга таралган спирт ҳидидан бурнини жийириб ўрнидан турди. Ўпирилган лаҳадларни эҳтиётлик билан айланиб ўтар экан, Қурбон бобонинг бошига борди. Шу ерга онаси билан қайинукаси ҳам кўмилган. Қабрлар текисланиб, бир қатордан шлакоблоklar териб чиқилибди. Саломат хола аранг чўкка тушиб, яна бир бор тиловат қилгач, ғиштларнинг тагидан кўриниб турган эски, занглаб кетган темирнинг учини кўриб кўнгли алланечук бўлди. Кеча қизи бозордан темирларни янгисини сотиб олганлигини айтган эди, нахотки худодан-у, марҳумларнинг руҳидан кўркмай, эскисини қўйган бўлса?

Қоринларини тўйдириб, чой хўплаб ўтирган Одилбойнинг олдига қайтар экан, Саломат хола шу ерда турган харсанг тошга оғир чўқди.

– Болам, тошларни тагига эски темирни қўйибсизларми? Қизим янгисини олиб бориб бердим, девди.

– Йўғ-ей, қизингиз олиб келганини қўйганмиз. Икки учи сал занглаган экан, шуни кўргансиз. Бизам худодан кўркамиз, хола. Ўлганлар у ёқда турсин, тирикнинг ҳам ҳақиқа хиёнат қилмаймиз.

Саломат хола кўнгли ғаш бўлиб, бўшаган идиш товоқларни олиб ортга қайтди. Тўлаган бувисининг кайфияти йўқлигини кўриб, унинг қўлини маҳкам тутганича, ортига қарай–қарай, қабристонни тарк этди.

* * *

– Дадаси, катта уйнинг «ремонт»ини қачон бошлайсиз? Манам одамларга ўхшаб янги «стенка»ли бўлай. «Ремонт»дан кейин олиб бераман девдингиз. Анови Ҳожар борку,

Избосар жўрангизни хотини, ўшалар яқинда 300 долларга «элита» пардаси олиб, залига илибди. Бизлар қачон қиламиз? – Мунира эрига эркаланиб, чой узатди.

– Э, чакагингни ёп. Аста-секин бўлаяпти-ку. Мани пул чиқарадиган заводим бормиди, санга ҳаммасини бирдан мухайё қилсам. 300 долларга парда олгандан кўра, ўша пулга иккита мол олсанг, бир йилда икки баробар ташлайди. Ҳали ўғлингни суннат қилдириш керак. Буёғини ўйласанг-чи, товук мия. Жўраларим олдида, бир йилдан кейин катта суннат тўйи қиламан, деб мактаниб кўйгандим, ҳар гаштакда шуни эслатиб, бир узиб олишади. «Ремонт» тугаши билан аввало тўйнинг тараддудини бошлаймиз.

Одилбой чойнакни кўтариб, тўнғиллаганича ошхонага қараб йўналган хотинининг орқасидан қараб, бош чайқади-да, яна янги ёпилган ошхонасининг томини завқ билан томоша қила бошлади.

* * *

Карнай-сурнай садоси кўни-қўшнини тўйга чорлар, учига жиға тақилган саллача кийиб, кимхоб чопончаси ўзига ярашган Анваржон бир кўлида бир шингил узум, иккинчи кўли билан «яхши амакилар» берган бир даста минг сўмликни бағрига босганича борар эди. Одилбой уч яшар ўғлини даст кўтариб, лўппи юзларидан чўлпиллатиб ўпди-да, хотинини чақириб Анваржонни унга берди. Ўзи эса дарвозахонани тўлдириб кириб келган гаштак жўраларига пешвоз чиқди.

– Анваржон, бу пулларни бер, яшириб қўямиз. Эртага санга даданг морожний об берадилар, – Мунира ўғилчасининг кўлидан пулларни олди. – Ман санга ҳозир шоколад бераман. Ошхонадаги музлатгичга қўйиб қўйганман...

Гумбирлаган овоз-у, атрофга чўккан бир сониялик даҳшатли сукунат тўйхонани азага айлантирди. Аввалига нима содир бўлганлигини тушунмаган Одилбой юқорига ўрлаётган куюк чанг-у, ҳовлини тутган хотин-халажнинг дод-войидан қарахт бўлиб қолди. Яқиндагина битирган ошхонанинг томи қулаб тушганлигини англагунича орадан 3–4 дақиқа вақт ўтди.

– Вой жигарим, вой-дод жигарим. Мунира-а-а... Анваржон-н...

Одилбой бир одамлар кўлидан юлқиниб, нураган иморат томон талпинаётган қайнонасига, бир ойналари чил-чил синиб, оғзи ўпирилган лаҳадга ўхшаб қолган ошхонасига тикилар экан, бирдан юраги санчиди, кўз олди қоронғилашиб, ихраганича ёнбошига йиқилди...

2006 йил

ҚАРЗ УЧУН БЕРИЛГАН ҚУРБОН

– Сизга яна бир марта ўзбек тилида айтаяпман, куёвингиз Сурхонов Алишер ОИТС билан касалланган. Тўйни ҳозироқ тўхтатиш керак.

–...

Хуршида қаршисида ўтирган тепакал, элликларни қоралаб қолган кишига ажабланиб тикилди:

–Жўракул ака, наҳотки қизингизни билатуриб ўлимга маҳкум этсангиз. Қанақа одамсиз ўзи?!

–Энди, синглим... Сиз аҳволимизни билмайсиз. Сурхоновлар билан қуда бўлиш дегани бизнинг мушкулумизни осон бўлиши дегани-да. Бунинг устига нон синдирилган, фотиҳа тўйи ўтган, олганимизни олиб бўлганмиз, яна қарз... Гуласалдан ташқари еттитаси ейман–ичаман деб турибди...

–Ҳой, барака топкур, ахир дунёда инсон ҳаётидан бошқа азизроқ нарса борми? Латта-путта бариси топилади, қарзингиз ҳам узилар. Қизингизнинг келажаги, бўлажак неварангизнинг ҳаёти ҳақида ўйласангиз-чи! Бўлажак неварангиз ҳам ОИТС билан туғилади. У ҳам узоқ яшамайди. Яъни қизингизни эрга бериб, у томондан давом этиши керак бўлган

бўлғуси авлоднинг ҳаётига ўз қўлингиз билан нуқта қўясиз. Нега қизингизни бошқа одам билан бахтли бўлишини хоҳламайсиз ё.... узатаётган қизингиз, сизга ўғай эмасми?

– Йўғ-ей, бу нима деганингиз...

– Унда билмадим, мен ўз бурчимни бажардим. Сизни огоҳлантирдим.

Хуршида гап тамом дегандек, столида бетартиб сочилиб ётган қоғозларни тахлашга киришди.

Жўракул ака сезилар-сезилмас қалтираётган қўлларини тиззасига бир оз босиб турди-да, Хуршидадан бошқа садо чиқмагач, секин ўрнидан турди.

– Майли, мен кетдим бўлмаса. Хайр.

Хуршида индамади. Фақат хонасининг эшиги ёпилгач, чуқур хўрсиниб, юмшоқ курсининг суянчиғига бошини қўйди.

Сурхонов Алишер анчадан буён тумандаги ВИЧ инфекция ва ОИТСга қарши кураш марказида рўйхатда турарди. Унда бу дахшатли касаллик борлиги ҳақидаги маълумот икки йил бурун, у бир ойлик сафарбарлик чакирув заҳирасига бориш учун ҳужжат топшириб, тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида аниқланган ва марказга хабар берилган эди. Марказ раҳбари Хуршида Дўстметова бу йигитни яхши танирди. Анонимлик сақланиши ҳақида айтиб, у билан бир неча бор суҳбатлашса ҳам, Алишернинг қачон ва қай тарзда зарарланганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўла олмади. Буни Алишернинг ўзи ҳам билмасди. Отасининг яккаю-ягона эрка ўғли, кўп вақтини кайфу–сафо билан ўтказар, 24 ёшга тўлганлигига қарамай ҳануз бир ишнинг бошини тутмаган эди. Отасининг пулига олий ўқув юртини битирди. Кечаси билан қаерлардадир санғиб юрадиган ўғлини одам қилиш учун, ота ўйлай–ўйлай йўлини топди. Уни армияга жўнатишга қарор қилди. Бир ой бўлса-да ўзини эркакдек ҳис қилиб, сал ҳаётга нисбатан масъулиятни сезар, деб ўйлаганди. Аммо унинг бу орзуси амалга ошмади. Ўғлининг ОИТС билан касал эканлигини эшитиб бир кунда қадди букилди, доимо орқага тараб юрадиган, фақатгина бир-иккита толаси демаганда қоп-қора сочлари батамом оқарди. Бу хабар каламушдек қалбини кемирса-да, хотинига сир–бой бермади. Энди шунча мол-давлат кимга қолади? Нахотки, ҳатто неvara ҳам кўра олмаса? Унда яшашдан маъно нима? Асқар акани қийнаётган битмас-туганмас саволлар гирдоби ҳаётига оғу соларди.

Нахотки, хотини билан неча йил деганда тилаб олган ёлғиз фарзандини Аллоҳ кўп кўрган бўлса. Қайси гуноҳлари учун... Раҳматли отаси диний, дунёвий илмдан бохабар, жуда хушфёъл, меҳрибон инсон эди. Ўғлининг фоизга пул бераётганини эшитган куни тоби қочган, аммо унинг панду-насихатлари, судхўрлик дунёдаги энг разил иш эканлигини тушунтиришга ҳарчанд уринмасин, бу йўлдан қайтмаган эди. Ҳозир унинг ҳамма нарсаси бор, фақат... Бир кам дунё, деганлари шу бўлса керак. Ўғли ҳам йигирма тўртни уриб қўйди. Уйлантирмаса, ёру-биродарларининг ҳазил тариқасида айтган гаплари-ю, қочириқ, пичинглари жонга тегди. Шаҳардаги энг йирик тижоратчилардан бири бўлган Суюн билан қуда бўлмоқчи эди. Агар у Алишернинг СПИДга чалинганлигини эшитса, ўлса ҳам қизини бермайди. Аҳмоқ бола, барча режаларини чиппакка чиқарди. Суюн билан биргаликда анча иш қилишни режалаштирган эди.

Асқар акани қийнаётган муаммонинг ечими эртасигаёқ топилди. Ундан икки йил олдин икки минг доллар қарз олиб, ҳозир қарзи фоиз билан тўрт ярим мингдан ошган қўшниси Жўракул ака ўз оёғи билан келиб қолди. Қарзни қайтаришнинг охириги муддати ҳам тугаган, аммо катта оилани аранг тебратаётган Жўракул қарзни қайтарай демасди. Бунинг устига саккизта фарзандининг еттитаси қиз. Ўғли ҳали ёш. Муҳтожликдан қутилиш, қизларига оз бўлса-да сеп йиғиш учун Жўракул ака ўйлай–ўйлай ниҳоят қўшниси Асқардан қарз олишга қарор қилди. Дўсти Ойбек билан Хитойнинг Урумчи шаҳридан нарса олиб келиб, сотадиган бўлишди. Сувга тушса қуруқ чиқадиган Ойбек олдиндан молни улгуржи топшириш учун «Отчопар» бозорида савдо қиладиган биттаси билан келишиб

ҳам қўйди. Аммо «камбағални туянинг устида ҳам ит қопади», дегани рост экан. Божхонада молни ноқонуний равишда олиб ўтишаётганларида қўлга тушишди. Қолган-кутган пуллари бериб, аранг қамокдан кутилишди. Хотини бунини эшитиб ётиб қолди. Мана энди нима қилишга ҳам ҳайрон. Давлат ишидан ташқари, бозор кунлари мардикорчилик қилади. Аммо топган пули аранг рўзғор тебратиш-у, касал хотинининг дори-дармонига етаяпти. Янаям Асқар инсоф қилиб, икки маротаба тўлов муддатини орқага сурди. Балки бу сафар раҳми келар...

Эшиги олдида турган Жўракул акани кўриб Асқарнинг юзи буришди. Унинг ночор ҳолати, билинар-билинемас титраётган ияги жаҳлини чиқарди. Жўракул ака ўзидан анча катта бўлганлигига қарамай, Асқарни ака деб чақирар, унинг доимо кўксига турган қўли-ю, хиёл эгик гавдасининг ўзи ҳар қандай гап-сўзсиз «Мана мен, пулни қайтаришга иложим йўқ, нима қилсанг ҳам қилавер», деб турарди.

–Ассалому -алайкум, Асқар ака, биламан жаҳлингиз чиқади, аммо...

–Менга қаранг, Жўракул ака, сизда инсоф борми ўзи? Қарз олганингизга икки йил бўлди. Бу вақт ичида 2 минг долларни ман йигирма минг қилган бўлардим. Ҳалиям ён қўшничилик ҳурматингиз бор. Фарзандларингизга раҳмим келувди. Энди сиз ҳам мани тўғри тушунинг, сизга яна 10 кун муҳлат. Пулни олиб келмасангиз, ҳовлини бўшатишингизга тўғри келади. Уйингизнинг ҳужжатлари манда, ўз қўлингиз билан ёзиб бергансиз, нотариус тасдиқлаган тилхатингиз ҳам қўлимда. Ҳозир ҳаммага ҳам қийин. Манга пул керак. Ҳаммага раҳм қилаверсам, ўзим нимага яшайман.

Жўракул ака индамай бошини ҳам қилди. Кўзига келган ёшни яшириш учун, чўнтагидан ранги ўчиб кетган дастрўмолчани олиб бурнини, кўзларини артди.

– Асқар ака, биламан, сиз бағрикенг одамсиз. Аммо биласиз, Гуласални ҳам бўйи етиб қолди. Уни узатишим керак. Ҳар куни совчи келади. Қиз болани вақтида бермасангиз... Орқада сингилларининг ҳам бўйи етиб қолган. Яна бир-икки ой муҳлат берсангиз. Чин эркак сўзим, бу сафар албатта қайтараман.

Асқарнинг кўз олдида бирдан Гуласал келди. Жўракул аканинг тўнғич қизининг исми жисмига монанд эди. Ўн саккизга тўлган бу қиз жуда ҳам уятчан ва ниҳоятда гўзал эди. Камбағаллиги-ю, доимо устидаги одми қўйлагини айтмаса ҳар қандай хонадоннинг гулига айланиши мумкин. Бунинг устига Гуласалнинг уста чеварлигини хотини бир неча бор айтувди.

– Гуласални унаштирдингизми?

–А.. э, йўқ. Аммо қўшни маҳалладаги Салим қассобнинг ўғлидан бир неча маротаба совчи келди. Қизимни унаштирсак, қудамдан қарз кўтариб, албатта пулингизни бераман.

–Қизингизни ўзим келин қилсам нима дейсиз? Ойдай қиз бўлса, Алишержонга жуда ҳам мос.

–Нима? Гуласал Алишержонга?!

–Ўзи нимага дарвозада турибмиз, қани уйга қирайлик. Бир йўла қарз масаласини ҳам гаплашиб оламиз. Ўғлимнинг бахти учун қарздан ҳам кечсак кечаверамиз.

Жўракул ака Асқарнинг бирдан нега ўзгарганлигини тушунмай ҳайрон эди. Наҳотки худонинг унга раҳми келган бўлса. Қизи шундай хонадонга келин бўлса... Бунини ҳатто орзу ҳам қилмаган эди.

Тўй жуда ҳам дабдабали ўтди. Карнай-сурнай садоларининг акси узоқ вақт тун ўз бағрига олган кўчаларда акс садо бериб турди. Оппоқ келин либосидаги Гуласал кўркем ёрини, шу куни барча касалликларини унутиб олиб-югуриб юрган онасини, юзларида шодлик акс этиб турган сингилларини кўриб ич-ичидан қувонса-да, унга қараши билан қизидан нигоҳини олиб қочиб, вақти-вақти билан кўз ёшларини енгига артаётган отасининг нега бунчалик хомушлигини тушунолмай ҳайрон эди...

2006 йил.

ТАШЛАНДИҚ

Қишлоқ аҳли эрта уйғонади. Салима ҳам уфқ оқара бошлаганда пешонабоғини маҳкам танғиб, ариқдан жилдираб оқаётган тиниқ сувга юз-қўлини чайди-да, қўлига челақни олди. Сентябрь ойининг боши бўлишига қарамай, тунлар совий бошлаган. Эрталабки салқин унинг баданини жунжиктириши билан бирга, ажиб ҳис ато этди. Молхонада говмиш сигирнинг чўзиб маърагани эшитилди.

– Бораяпман, бораяпман. Дарҳол турганимни сезади-я.

Молхона эшигини очиб, чироқни ёқди. Бурчакдаги товук катагининг олдида қора латтага ўралган бир нарса ётганини кўриб, «оёғи чўлоқ қора товук кеча катакка кирмай қолиб кетибди-да», деб ўйлади. Сигирни соғиб бўлиб, “товук ўлиб қолибди, шекилли” деганича, унинг ёнига борди-ю сесканиб кетди. Унга молхона чироғининг хира нурида, қора латталар орасидан икки кўз тикилиб турарди.

– Вой ўлмасам, бу бечора болани ким бу ерга ташлаб кетди экан-а?

Бола заиф овоз чиқарди. Совукдан унинг лаблари кўкариб кетган, ҳолсизликдан йиғлашга ҳам мажоли йўқ эди. Салима челақдаги сутни ҳам унутиб, чақалокни кўтарганича уйга югурди. Бу пайт қайнонаси бомдодни ўқиб бўлиб, ҳовлига чиқиш учун маҳсига калишини кия олмай қийналаётган эди.

– Эна, кимдир молхонага чақалок ташлаб кетибди.

Равшанак момо тинмай ёшланадиган кўзларини енгининг учи билан артиб, келинига ажабланиб қаради. Сўнг унинг қўлидаги чақалокқа кўзи тушиб, айвон устунига суянди.

– Қайси қўли сингур бундай қилган экан-а? Боланинг уволи тутишидан кўрқишмай-диям-а.

– Қорни жуда очга ўхшайди. Ўлиб қолмасайди, деб кўрқаяпман. Кечаси ташлаб кетишибди. Бола бечора жуда ҳам совқотган.

Салима болани қайнонасининг қўлига тутқазиб югурганича ичкаридан жун рўмол, ўзининг эски сатин кўйлагини олиб чиқди. Бола ўралган латта –қора аёллар юбкасини четга улоқтирди. Уни авайлаб ўрагач, челақдаги сут ёдига тушиб, сутни пиширгани ошхонага югурди. Сутни ютоқиб ичган чақалок бир зумда пишиллаб ухлаб қолди.

Шу куниёқ ташландиқ бола ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарқалди. Қишлоқ посбони Юнус қора Равшанак момо ҳовлисида баённома тузишга киришди.

– Хўш, болани Тошкентдаги “Тўдақлар уйига” топширасизлар, унгача эса Қутби дўхтирга кўрсатиш керак. Яна бирор касали бўлмасин, – деди у охирида қоғозга алланималар ёзгач. – Момо, мана бу ерга имзо чекинг.

Кечқурун Салима эри билан маслаҳатлашиб, чақалокни асраб олишга келишишди. Бунда Равшанак момонинг ҳиссаси катта бўлди.

– Худонинг сизга кўрсатган марҳамати бу, болаларим. Келин уч йилдан бери фарзанд кўрмайди, худо хоҳласа чақалокқа меҳр берсангизлар, албатта фарзандли бўласизлар...

Онасидан Равшанак момонинг келини молхонадан чақалок топиб олганлигини эшитган Ойшанинг ранглари оқарди. Хамир қораётган онаси қизининг беҳол устунга суянганини кўриб, чарчокқа йўйди. Тинмай бўлиб ўтган воқеа ҳақида гапирар экан, қизи уни эшитмаётганини сезмасди ҳам. Ойша бўлса, сутга тўлган кўкракларидagi оғриқни ҳам унутиб, бир нуқтага тикилганича қотиб қолган, кўз олдидан ўша машъум кеча кетмас, қулоғида яна бир бор Султонасининг эҳтирос билан шивирлаган сўзлари янграгандай бўларди.

Султонали Ойшани анчадан бери кўз остига олиб кўйганди. Коллежни тугатиб, дипломни қўлга олгач, отаси уни Душан фермерга ҳисобчи қилиб ишга жойлаштириб кўйди. Аммо орадан етти ой ўтар-ўтмас бу иш ҳалоллик, аниқлик ва тўғрилиқни талаб этишини сезган Султонали ўз аризасига кўра ишдан бўшади. Тўғрироғи, Душан фермер фермер хўжалигининг ярим йиллик молиявий ҳисоботидаги чалкашликларни кўриб, юрак

хуружига учрашига оз қолди ва Султоналини ишдан ҳайдади. Бу орада 9-синфни битириб, тумандаги ягона коллежга ҳужжат топширган Ойша, ҳар куни иккита дугонаси билан Душан фермернинг даласига чопиққа чиқарди. Хўжалик идораси олдида ўтган қизларнинг шўх кулгуси Султоналининг юрагини ханжар мисол тиларди. Ниҳоят юрак ютиб, кун қорайгач даладан қайтаётган қизларнинг йўлини тўсган Султонали Ойшани четга имлади.

Шу-шу улар тез-тез далани ёзги гармселдан тўсадиган тутзорда учрашадиган бўлдилар. Йигитнинг бақувват кўллари қизнинг нозик белини кучганида, Ойшанинг баданида титроқ турар, ҳар гал Султонали қатъийроқ ҳаракат қилишга чоғланганида қиз чап бериб, ўзини олиб қочар эди.

– Нега менга ишонмайсан, ахир ман сени жонимдан ҳам ортиқ кўраман. Хоҳласанг, эртагаёқ уйингга совчи юбораман. Фақат мендан ўзингни олиб қочмагин. Нима фарқи бор, бу нарса тўйдан олдин бўлдимиз ёки кейин. Барибир энди сен меникисан.

Деярли ҳар куни қайтариладиган бу сўзларга Ойша ишонди, аммо...

Кундан кунга кўнгил айланиши, ўзини ҳолсиз сезиши қизнинг юрагида ваҳима уйғотди. Онасининг илмоқли саволига дугонасиникида сал «айниган ҳасип еганлигини» айтиб, зўрға қутилди. Аммо ичини кемираётган дардга чидай олмай, онасини кўргани келган катта опасига ёрилди.

Галдаги учрашувда у ҳомиладорлиги ҳақида Султоналига айтиши билан, йигитнинг авзойи ўзгарди. Зарур иши борлиги ҳақида ўлдираб, Ойша билан тезда хайрлашди. Қизнинг ҳар доимгидек кеч тушиши билан Султоналини тутзорда кутишлари бесамар кетди. Эртаси ҳам, индинига ҳам Султонали учрашувга чиқмади. Қишлоқда унинг шаҳарга ишлагани кетгани ҳақида гап тарқалди.

Ойша опасининг маслаҳати билан қорини маҳкам рўмол билан танғиб, ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қилиб юрди. Қишлоқдаги қиз-у жувон киядиган одми, кенг кўйлак ҳам Ойшанинг гуноҳини яширишга хизмат қиларди. Онаси қиздаги ўзгаришларни сезиб, бир неча бор дўхтирга олиб бормоқчи бўлганида, у оёқ тираб туриб олди.

– Бормайман...

Шу куни кечқурун боши оғриётганини баҳона қилган Ойша, кечки овқатни ҳам емай кўрпага ўраниб олди. Ҳомиласи 7 ойлик бўлган, яна икки ой шу азобни бошидан кечиришини ўйлаган сари қизнинг юрагини ваҳима босар, онаси ёки отаси билиб қолса, уни соғ кўйишмаслигини билиб, баттар эзиларди. Уйнинг чироқлари ўчиб, оила аъзоларнинг барчаси уйкуга кетгач, Ойша секин ўрнидан туриб ҳовлига чиқди. Тунги салқин шабада қизнинг юзи, бўйнига урилиб, баданини жунжиктирди. Ой нурида боғдаги дарахтларнинг сояси янада ваҳимали кўриниб, бойўғлининг совуқ овозидан чўчиб тушган қиз фикридан қайтиб, уй томон югурди. Аммо фош бўлиш олдидаги кўркув унга янги куч бағишлади. Тез-тез юрганича пасткам молхонанинг томига чиқиб, ўзини ерга отди. Учинчи бор сакраганида қоринининг пастида кучли оғриқ сезиб, додлаб юбормаслик учун билагини тишлади. Туғилган бола жуда ҳам кичкина ва нимжон эди. Амаллаб болани уйдан олиб чиққан қора юбкасига ўраб, қишлоқнинг энг чеккасида жойлашган Равшанак момонинг уйига қараб йўл олди...

...Чақалоққа берган бор меҳриданми ёхуд Равшанак момонинг дуолари ижобат бўлганиданми, орадан олти ой ўтар-ўтмас Салима ҳомиладор бўлди. Бир йўла икки фарзанднинг онаси бўлган бахтли келинчак лўппи юзлари қизарган, қоп-қора кўзлари доимо кулиб турувчи Элдоржонни кўтариб кўчага чиққанида, Ойшанинг юрак бағри эзилиб кетар, болани Салиманинг қўлидан олиб юз-кўзларини ютоқиб ўпар эди.

– Турмушга чиқсангиз, худойим сизга ҳам ана шундай ўғил ато этади, – дерди Салима қизнинг кун ора болани кўришга келганидан ажабланиб. Ойша эса бошини эгганича тезда жувон билан хайрлашиб ортга қайтарди. Аммо Салима бурилиши билан ўзини баҳайбат чинорни панасига олиб, бола кўтарган бахтиёр аёлнинг орқасидан қараб қолар экан, юзини юваётган ёшларни сезмасди...

2007 йил.

МУТТАҲАМНИНГ ПАРВОЗИ

Сурайё бир оз иккиланиб турди-да, шахд билан қора чарм билан қопланган эшикни итарди. Ичкарида ўтирганларнинг барчаси унга хайрон бўлиб тикилишди. Кимгадир ниманидир тушунтираётган Акбар Сурайёни кўриб ранги оқарди. Ёнида ўтирганлардан кечирим сўраб, уни ташқарига ундади:

–Нега келдинг?

–Сизни ЗАГС олдида тўрт соат кутдим. Нега келмадингиз?

–Бўлди. Ўзингни бос. Зудлик билан мажлис чақиришди. Ниҳоят менинг лойиҳамни муҳокамаси бўлаяпти. Энди кет. Эртага бафуржа гаплашамиз.

–Йўқ. Нега бундай қилаётганингизни ҳозироқ тушунтириб берасиз.

–Жоним, мени ҳам тушун. Сени жуда севаман. Кел, эртага гаплашайлик. Ҳозир бу ерда менинг ҳаётим ҳал бўлаяпти.

Сурайё унинг илтижоли нигоҳига дош беролмади. Кўнгли юмшаб, индамай орқасига бурилди.

–Ҳа, Акбаржон, тинчликми?– Солиҳ Муҳаммедович қошларини чимирганича куёвига тикилди.

–Тинчлик.... Талабам келибди.

–Майли бўлмаса, муҳокамани давом этайлик...

Солиҳ Муҳаммедович Акбарни кўпам хушламас, якка-ю ягона қизи ношуд, қатъиятсиз шу йигитга кўнгил қўйиб, унинг раъйига қарши бориб турмушга чиққан бўлса-да, оталик меҳри устун келиб қизининг илтимосини рад этмаган, уни ишга олган эди. Акбарнинг бир-иккита лойиҳасини илмий текшириш институтидаги шогирдларининг бирига бериб, қайтадан ишлатган, илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилиги норози бўлса-да, муҳокамага қўйдирган эди. Акбар қайнотаси уни ёмон кўришини билар, аммо айнан Солиҳ Муҳаммедовичнинг орқасидан топаётган обрў ва бойлик унинг ҳар қандай кесатиғи-ю, аччиқ гапларини кўтаришга мажбур қиларди.

Сурайё Акбарнинг илк севгиси. Ёши 25 га борган Акбар шу пайтгача бирор бир қизга кўнгил қўймаган эди. Аспирантурада ўқиш билан бирга, дарс ҳам бериб юрар экан, биринчи курс талабаларига дарсга кириши билан, ўртадаги қаторда ўтирган Сурайёни кўриб, юраги шиғиллаб кетди. Кўркам, ёшгина янги ўқитувчини кўрган талабалар, айниқса, қизлар ўртасида шивир-шивир бошланди. Сурайё ҳам Акбарни кўрганида ўз-ўзидан қизарадиган, юзлари ёнадиган бўлди. Дарс сўнгида Акбарни бир оз бўлса-да аудиторияда ушлаб қолиш учун атайин олдиндан мавзу бўйича саволлар тайёрлар, унинг бирорта ҳам дарсини қолдирмасди. Имтиҳонда илк бора Акбарнинг қаршисида ўтиргач, ўзини йўқотиб қўйди-да, саволларга узук-юлуқ жавоб берди. Акбар ҳам ажиб бир энтикиш билан югуриб чиқиб кетган қизнинг орқасидан қараб қолди.

Тезда нафақат талабалар, балки кафедра ўқитувчилари орасида ҳам Акбар билан Сурайёнинг ишқий муносабатлари ҳақида гап тарқалди. Аммо Гулини учратгач, йигитнинг фикри ўзгарди. Уч йил давомида университет аспирантурасида ўқиб, диссертациясини ҳимоя қила олмагач, Гули унинг кўзига нажот фариштаси бўлиб кўринди. Бунинг устига у илмий-текшириш институти раҳбарининг якка-ю ягона қизи. Унга уйланиб олса, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилса, ажабмас. Сўнг Гулининг отаси ёрдамида докторлик ишини олади. Қарабсизки, бир неча йилдан сўнг профессор. Аслида бўшаланг Акбарга бу фикрни онаси айтган эди. Аспирантурада Гули билан танишгач, келишган, доимо сўнгги урфда кийинадиган бу шаддод қиз уялчанг Акбарнинг соясига айланди. Акбарнинг ўртоқлари кулиб, узокдан Гулининг қораси кўриниши билан “ана соянг келяпти” дейишарди. Акбарларникига илмий мақоласини «зудлик билан кўриб бериши» учун келган Гули, у келгунига қадар онаси билан танишиб, апоқ-чапоқ бўлиб

олди. Севара опа қизнинг кимлигини билгач, ўғлини Гули билан алоқасини узмасликка кўндиришга тушди. Икки томонлама тазйикқа дош беролмаган Акбар бир нафас Сурайёни унутиб, Гулининг қўлини сўради.

Дабдаба билан бўлиб ўтган тўй бутун университетга овоза бўлган эди. Уйлангач, уч ой давомида у Сурайёни кўриш илинжида уни барча аудиториялардан қидирар, аммо қиз кўринмасди. Дугоналари, ҳатто уни дарсга келмаётганини айтишганида, Акбар руҳан чўкиб қолди.

Бир куни дарсдан қайтаётганида, ниҳоят Сурайёни кўриши билан қизнинг йўлини тўсди.

– Сурайё, нега дарсга келмаяпсиз?

Қиз кўз ёшларини тутиб тура олмади.

– Қишлоқда эдим. Отам вафот этдилар. Бунинг устига укам ҳам оғир касал бўп қолди.

– Узр, мен... билмаган эканман.

– Акбар ака, тўйимиз қачон бўлади. Мен..

Сурайё қизариб ерга қаради. Шундагина Акбар қизнинг анча қорни чиқиб қолганлигини, унинг юзида доғлар пайдо бўлиб, кўзлари киртайганлигини сизди.

– Ҳа, бу сизнинг фарзандингиз... Олдирмоқчи эдим.. Аммо қўлим бормади. Уйдагиларга билдирмаслик жуда ҳам қийин бўлди.

Акбар тиззалари бўшашиб, кўзларининг олди қоронғилашди. Бутун вужудини қўрқув чулғаб олди. Қизнинг кўзига тик боқа олмади.

Мана ўша воқеага ҳам тўрт ой бўлибди. Ҳар доим Сурайё билан учрашганида, унинг тобора катталашиб бораётган қорнидан кўз узолмас, унга уйланиш ҳақида ваъда берганича қиздан узоклашишга ҳаракат қиларди. Бу орада оилали ўқитувчи ва талаба қиз ўртасидаги муносабат факультет раҳбарияти қулоғига ҳам етиб келди. Декан Акбардан ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишини илтимос қилди. Акбарга ҳам бу таклиф маъқул келди. Унинг назарида университетдан ишдан кетгач, елкасини тоғ сингари босиб турган юк ҳам қулайдигандай эди, гўё. Орадан кўп ўтмай, у қайнотаси раҳбарлик қилаётган илмий-текшириш институтига илмий ходим сифатида ишга кирди.

– Сурайё, ўша Акбаринг уйланган экан. Менга Моҳи айтди, – деди бир куни Сурайёнинг яқин дугонаси Холида. – Шунинг учун ҳам у ЗАГСга келмаган.

– Бўлмаган гап. Акбар акам, унақа одам эмас. Ўша куни зарил йиғилиши бор экан. Ўзим бориб кўрдим.

– Жуда ҳам соддасан-да, Сурай. Ахир шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.

Сурайё дугонасининг гапларини ўйлаб, кечаси билан ухлай олмай тўлғониб чиқди. Тонгга яқин кўзи илиниб, ғалати туш кўрди. Унда Акбар кичкина болакайни етаклаганича тоққа чиқиб кетар, Сурайё эса пастдан яна биттасини маҳкам бағрига босганича, “Ҳой, мени ҳам олиб кетинг, оёғим юрмаяпти-ку”, деб бақирармиш. Нафаси бўғилиб, оғзи қуруқшаб уйғонган Сурайё ичида нимадир қимирлаганини ҳис этди. Унинг танасида катта бўлаётган жажжи фарзанди ҳаракатга келган эди. Бундан қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай, анчагача мурғак вужуднинг ҳаракатларига қулоқ солиб ётди.

“Бугуноқ Акбар акаси билан учрашади. Ҳақиқатнинг тагига етади”.

Акбар қўл телефонида тинимсиз Сурайёнинг рақами чиқаётганлигини кўриб, уни ўчириб қўйди. Бир тарафдан унинг ишига бостириб келишидан ҳам хавотирланди. Орадан ярим соатча ўтгач, Сурайёга ўзи кўнғироқ қилди. Қизнинг аламзада овозини эшитиши билан уни юпатишга тушди.

– Мажлисада эдим, жоним. Шунинг учун гўшакни кўтара олмадим. Тинчликми?

– Ҳозироқ учрашишимиз керак. Сиздан сўрайдиган гапим бор.

– Аммо ҳозир иложим йўқ. Ишдаман. Агар ЗАГС масаласи бўлса, уни тез кунда ҳал қиламан. Менга ишон...

– Сиз уйланганингиз ростми?

—....

Акбар нима дейишини билмай қолди. Баданини қоплаган совуқ тер, этини жунжуктирди.

—Й-ўқ, йўқ. Бундай аҳмоқона гапни ким сенга айтди? Беъмани сафсата-ю, миш-мишларга ишонаверасанми? Бўлди, яна мажлисга боришим керак. Муҳокамамиз бор эди. Кейин кўришамиз, —Акбар камарига илинган ғилофчага телефонни солар экан, бир қўли билан пешонасидаги терни сидирди.

“Энди нима қилади? Сурайё бир кунмас бир кун келиб ҳақиқатни билиши, аниқ.. Нима бўлса-да унинг боласини олдиришга кўндириши керак. Ундан сўнг унга уйланганлигини айтади. Ахир қаёқдаги қишлоқи қиз деб, иши-ю, қўхликкина хотинини, керак бўлса унинг дадасининг пулини ташлаб кета олмайди. Гули қайнотасининг якка қизи экан, ўз-ўзидан у ҳам, унинг эри сифатида меросхўрга айланган...” Акбарнинг телефонда гаплашганидан сўнг кайфияти бузилганлигини кўрган ҳамкасби Қудрат, уни тушликка таклиф этди. Ярим коса ош устидан 100 граммдан ичишди.

—Бошингизга ғалва тушганга ўхшайди, дўстим. Солиҳ Муҳаммедовичга бир оғиз айтсангиз олам гулистон, ҳар қандай муаммони ҳал қилади-қўяди-ку.

—Э, сиз билмайсиз. Қани энди бу нарсани қайнотамга айта олсам..

Акбар яна 100 граммдан ароқ буюрди. Уни ҳам бир кўтаришда ичгач, шишаси билан келтиришларини айтди.

—Муаммонгиз жиддийга ўхшайди, Акбар. Бунча ароқ яримта ош билан ичилмайди. Маст бўлиб қоласиз. Ахир соат учда Солиевнинг диссертациясининг муҳокамаси бор-а.

—Э, менга деса ҳаммасига ўт кетмайдими? Ичасизми? Ичмасангиз, ўзим ичаман.

—Тўхтанг, бўпти, ичаман. Қуйинг-чи. Ўзи нима гаплигини мундоқ тушунтириброк гапирсангиз-чи.

—Катта муаммо. Болани олдириш керак.

—Ҳали келин ҳомиладор денг. Ахир бунга қувониш керак, дўстим. Солиҳ Муҳаммедовични неvara билан табриклаб қўйишим керак экан.

—Шошманг... Хотиним ҳомиладор эмас, бошқаси...

Акбар ниҳоят ёрилди. Стакандаги ароқни ушлаганича унга тикилар экан, унда Сурайёнинг мунгли кўзларининг акси кўриниб кетди-ю, у ароқни чайқаб, ерга тўкиб ташлади.

—Шунақа денг... Ўм-м. Майли, йигитчилик-да. Хафа бўлманг. Бир таниш дўхтирим бор. Ўзи эркак бўлса-да, ҳамма аёлларнинг касалини билади. Аборт қилганини ҳам эшитганман. Ўша қизни алдаб, уни олдига оборинг. У ёғини дўхтирни ўзи тўғирлайди, фақат сал чиқими кўпроқ бўлади.

Эртаси куни Акбар Сурайё билан пастаккина ҳовлининг эшигини қоқишди. Ичкаридан совуқ бўлишига қарамай, лўппи юзи ялтираб турган, жун матодан қўйлак лозим кийган жувон чиқди.

—Мадрахимбекнинг уйлари шуми? — Сўради Акбар.

—Ҳа, ҳа келаверинглар. Жувон етаклашиб келадиган эркагу-аёлларнинг кўпини кўрган шекилли, қошини бир чимирди-да, уларни ичкарига бошлади.

—Акбар ака, бу ер дўхтирхона эмас-ку, — Сурайё Акбарнинг қўлини маҳкамроқ қисди.

—Бу киши шаҳардаги аёлларни қарайдиган энг катта дўхтир. Ўзи охирги кунлари рангинг оқариб юрибди, яна боламизга бир нарса бўлиб юрмасин. Сани бир кўради, қўяди, холос.

Жувон уларни олиб кирган хонанинг деворлари-ю, пардаси, курсилари ҳам оқ бўлиб, ўртада аёлларни текширадиган тиббий стол турар, хона бурчагидаги стол устига терилган тиббий асбоб-ускуналарнинг усти оқ дока билан ёпиб қўйилган эди.

- Сизлар манави ерга ўтира турунглар, ҳозир Мадрахим акамлар келадилар.

Жувон уларга эшик олдида турган оқ сурпдан жилд кийдирилган стулларни кўрсатди-да, секин эшикни ёпиб, чиқиб кетди. Орадан беш дақиқа вақт ўтар-ўтмас хонага узун

бўйли, ориқ, устига оқ халат кийган эркак кириб келди. У келганлар билан куюк саломлашиб, Сурайёни ечиниб, столга чиқишини сўради.

Сурайё Акбарга савол назари билан қаради.

–Уялманг, синглим. Хўжайинингиз нариги хонага чиқиб турадилар.

Акбар чиқиб кетгач, эркак Сурайёнинг дўппайиб турган қорнини обдон пайпаслади. Сўнг ундан ҳомилани текширтирган, текширтирмаганлигини, неча ой бўлганини сўради.

Сурайё шу пайтгача уялганидан бирор маротаба ҳам шифокорга бормаган эди. Қизнинг ҳеч нарсадан хабарсизлигини билгач, дўхтир қўлини ювиб, Сурайёга кийинишни буюрди.

–Ҳомилангиз беш ойдан ошибди. Хафа бўлманг-у, сизга ҳақиқатни айтишга мажбурман. Болангиз оғир касал, ўзингиз уйдагиларга билинтирмаслик учун қорнимни маҳкам танғиб юргандим, деяпсиз. Айнан шу нарса ҳомилага таъсир қилган. У яхши ривожланмай қолган. Болангиз ё қўлсиз, ё оёқсиз бўлиб туғилади. Ногирон бола сизга керакмасдир, шундайми? Шунинг учун уни зудлик билан кесерово қилиб олишимиз керак.

Шум хабарни эшитиб, Сурайё ақлдан озаёзди. Бироз тили калимага келмай турди-да, сўнг «қандай қилиб оламиз дедингиз?», деб сўради.

–Кесерово, яъни қорнингизни ёриб. Кўркманг, кўркманг. Албатта, бу нарса наркоз билан амалга оширилади. Яна бир йўли вакуум билан суғуриб олишдир.

Сурайё яна ҳеч нарсани тушунмади.

Бу орада Мадрахим қўлини ювгани ташқарига чиқди. Даҳлизда уни кутиб турган Акбарни етаклаганича, ҳовлига бошлади.

–Нима учун соппа-соғ болани аборт қилдирмоқчисиз? Хотинингиз ҳам соғ. Бунинг устига тахминим бўйича бола ўғил. Назаримда улар иккита. Янаям билмадим. Олдин УЗИ қилдирмаган экансизлар. Ҳали ҳомила беш ойлик бўлган, холос. Мен келинни кўрқитдим. Ҳомилани касал дедим. Яна бир ўйлаб кўринг. Агар фикрингиздан икки кун ичида қайтмасангиз, болани кесероводан кўра вакуум билан тортиб оларман. Фақат харажатларни олдиндан тўлайсиз ва мана бу дориларни олиб келасиз.

–Йўқ, фикримдан қайтмайман. Қанча бўлади?.

Акбар Мадрахим айтган пулни унга санаб бергач, дорилар ёзилган қоғозчани олди. Қайтиб шу хонадонга келгунларига қадар, Сурайё икки кун давомида йиғлаб чиқди. Устига устак бирга турадиган дугонаси Холида ҳам қишлоққа кетиб, ҳали қайтиб келмаган эди. Акбарнинг “фақатгина соғлом болага ота бўлиши» ҳақидаги гаплари, баҳор келиши билан тўй қилишлари хусусидаги сафсаталаридан сўнг ниҳоят Сурайё болани олдиртиришга кўнди.

Мадрахим вакуум билан ҳомилани суғуриб олди-да, бачадоннинг деворларини тозалашга киришди. Бу орада қон кетиш бошланиб, Сурайё тамоман ҳолсизланиб, ҳушидан кетди. Кўзини очганида оппоқ тўшакда ётар, бошида турган Акбар дам-бадам унинг пешонасини хўл сочиқ билан артар эди.

–Жоним, ўзингга келдингми? Одамни кўрқитиб юбординг-ку! Ҳали замон отдай бўлиб кетасан. Мен энди кетишим керак. Бир ишга бориб кўриниб келай, кечга томон келаман. Сенга манави янгам қараб турадилар. Сурайё оёқ томонида хонада ивирсиб юрган аёлга кўзи тушди. Бу ўзлари биринчи куни кўрган ўша жувон эди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Сурайё оёққа туриб кетди. Ёш танадаги жароҳатлар битиб, қалбдаги жароҳатлар ҳам Акбарнинг тилёғмали сўзлари билан парда тортди.

Ўзини анчагина беҳол сезса-да, Сурайё яна ўқишга қатнай бошлади. Бир куни ётоқхонадаги хоналарига югуриб кирган Холида, коридорда уни башанг кийинган бир аёл қақираётганлигини айтди.

Ташқарида Сурайёни Акбарнинг хотини Гули кутиб турар эди.

–Сурайё сизми?

–Ҳа..

Сурайё беҳос юзига келиб тушган тарсакидан гандираклаб кетди. Оғрикдан кўзларига ёш келди.

– Ҳали сен суюқоёқ эримнинг бошини айлантириб юрган экансан-да.

– Кимсиз ўзи? – алам билан қичқирди Сурайё.

– Менми? – Гули бежирим сумкачасидан фандайдир фотосуратни чиқариб, Сурайёнинг юзига отди. Бу Акбар билан Гулининг тўй сурати эди.

Сурайё оёқлари бўшашганича, девордан сирғалиб ерга ўтириб қолди. Боши айланиб, кўз олди қоронғилашди. Ўзига келганида оташ бўлиб ёнар, бошида йиғлаб ўтирган Холида, эса “дугонажон сенга нима бўлди?” деган гапни такрорларди, холос. Шу кечаси Сурайёнинг аҳволи оғирлашди. Дори билан ҳам иссиғи тушмаётганлигини кўрган Холида “Тез ёрдам” чақирди.

Касалхонада туни билан кутган Холиданинг олдига чиққан шифокор аёл, ундан Сурайёнинг яқинларини сўради.

– Қизим, зудлик билан унинг уйига хабар беринг. Аҳволи оғир. Ичида ҳомиласи ўлиб қолибди. Билмайман, қайси аҳмоқ эгизакларни бундай аборт қилган. Бирини олиб ташлаб, иккинчисини жароҳатлабди. Ичидаги ҳомиланинг ўлганига анча бўлган, чирий бошлабди. Дугонангиз билан бирга турасизларми?

– Ҳа.

– Нима, шу пайтгача унинг иссиғи чиқмадимми?

– Касалхонада ётдим, деганидан кейин ҳам иссиғи 38 дан тушмади. У бўлса, шамолладим, деб юрувди.

Шифокор аёл бошини чайкаганича, палатага кириб кетди.

Операциядан сўнг тўрт соат ўтгач, Сурайё оламдан кўз юмди. Холида қишлоққа жўнатган телеграмма унинг онасига икки кундан кейин етиб борди. Бир йилда турмуш ўртоғидан, энди эса тўнғич қизидан айрилган онаизор адои тамом бўлди.

Шу куни Холида Акбарга ҳарчанд телефон қилса-да, у гўшакни кўтармади. Уйда хотини билан бўлиб ўтган жанжалдан сўнг у телефон рақамини алмаштирган, хотинига бир умр содиқ қолишга қасам ичган эди. Сурайё вафот этган кун эса Акбар учун бошқа томондан ғоятда муҳим кун бўлди. Шу куни у қайнотаси ёрдамида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2007 йил

ҒАРОЙИБ ЕЧИМ **(Детектив қисса)**

Итнинг чўзиб–чўзиб увиллашидан Садриддин аканинг юраги увишди. Белини ушлаб инкиллаганича ўрнидан турди-да, март ойининг салқин шабадаси уфуриб турган қия очик дераза табақасини зичлаб ёпди. Зулфини тушириб қўйди.

– Товба, худди ўрта асрда яшаётганга ўхшаймиз. Дайдиб юрган итлардан одам ёлғиз юришга ҳам қўрқиб қолди.

Бу орада ит увиллашдан тўхтаб, аянчли вовуллашга ўтди.

– Деразани бекор ёпдингиз, дадаси. Яна пича ҳаво кирса бўлар эди. Дўхтирлар кўпроқ тоза ҳавода бўлинг деган-ку, ахир. Яна касалингиз тутиб қолса...

Шафоат ая ярми қавилган кўрпага қадаб қўйилган игналарини олиб, кўрпачага жойлашиброқ ўтирди. Пешонасида турган кўзойнагини аланглаб бир оз қидирди-да, сўнг унинг қаердалиги ёдига тушиб чуқур «уф» тортди. «Қаричилик қурсин», дея кўзойнакни олиб бурнининг учига қўндирганича чала қолган ишини давом эттирди.

– Ҳали замон Турсунжон ҳам келиб қолади. Шу, унинг кеч юришлари сираям менга ёқмайди-да. Ота бўлиб сал тергасангиз бўлармиди.

– Кўявер. Эрта–индин уйланадиган йигит. Бундан ташқари ўйнаб юргани йўқ. Ишлаяпти.

– Ҳар куни қоронғу чўккандан кейин келиши одамни ташвишлантиради. Негадир шу кунларда кўнглим ғаш. Қўшни Назокатнинг келини касалхонада ётганмиш. Кўзи ёригандан бери ўзига келмаётган экан. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да?! Итларнинг увиллаши ҳам ғалати...

Шафоат ая ишини тўхтатиб, энди элас-элас эшитилаётган итнинг увиллашига қулоқ тутди.

– Э, кўп валдирайверма. Турган–битганинг ваҳима. Худо умр берган бўлса тузалиб кетади. Ундан кўра намоз ўқишни ўрган. Охиратни ҳам ўйлайдиган вақтинг етди. Ёш олтмишдан ошгандан кейин одам мундоқ бу дунёнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйиши керак. Мен хуфтонни ўқий... Қачон ўзи сенинг ақлинг киради?

Шафоат ая чолининг тўнғиллашига эътибор бермай яна хавотирланиб деразага қаради. Тун аллақачон борлиқни ўз оғушига олган бўлса-да кўп қаватли уйларнинг, кўчаларнинг чироқлари гўё уни шаҳар чегарасидан ҳайдаб чиқаришга уринаётгандек туюларди. Шафоат ая қўли ишда бўлса-да, хаёли ўғлида эди. «Қаёқларда юрган экан-а?. Бугун навбатчиликка қоламан демовди». Соат тунги иккидан ошдики, Турсундан хабар бўлмади. Соатнинг бир меъёрда чиқиллашидан кўзи илинган Шафоат ая эшик зулфининг шиқирлашидан уйғониб кетди.

– Ким у?

– Бу мен... Турсунман.

Шафоат аянинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Шоша-пиша ичкаридан қулфга солинган калитни бураб эшикни очар экан, ўғлини кўриб тиззаларидан мадор кетди.

Капитан Ботир Жиянов иш столи устида ётган судмедэксперт хулосаларини қайта-қайта кўздан кечирар экан, орқама кетин сигарет тутарди. «Қизик, Дарханов ўлдирилган бўлса, уйдан топилган видолашув хатини нега ёзган? Паталоганатом эса марҳум инфарктдан оламдан ўтган, деган хулоса берган. Саволлар... саволлар. Аммо хануз ҳеч қайсисига жавоб тополганича йўқ».

– Нима деб ўйлайсан, ҳақиқатдан ҳам Собир Дархонов инфарктдан ўлганми, ўз жонига қасд қилганми ёки уни шунга мажбур этишганмикан?

Жиянов янги сигаретани тутатар экан, бурчакда энциклопедия титиб ўтирган дўсти Соддикка бир зум тикилиб турди.

– Менимча, шу Дархонов ўзини ўлдирмаган ҳам, инфарктдан ҳам ўлмаган.

– Нега ундай деяпсан.. Ҳамкасбларинг инфаркт деб хулоса беришди-ку.

Жиянов чарчоқдан қисилган кўзларини ишқалаб, керишиб олди.

– Бу ерда бир гап борга ўхшайди, дўстим. Чунки Дархонов илгари ҳеч ҳам юрак хасталигидан шикоят қилмаган. Бунинг устига инфарктни келтириб чиқарувчи аломатлар ҳам йўқ. Бирданига соппа-соғ юрак қандай қилиб ишдан чиқиши мумкин. Мановини ўқи.

Содиқ Жияновнинг олдида келганида стол устига қўйган қоғозларни суриб қўйди.

Капитан қоғозларни синчиклаб ўқиб чиқар экан, сочларини бармоқлари орасидан ўтказиб, тарай бошлади.

– Ҳа, яна бир бошқотирма!

– Айтгандай, унда марҳум нега хат ёзиб қолдирди экан?

– Қайси хат?

– Дархоновнинг ёнидан топилган хатни айтаяпман. Дархонов Нафиса деган қиздан кечирим сўраб ёзган хати. Ҳаёти чалкашлигини айтган-у, аммо яшаш жонига текканлигини айтмаган.

Содиқ китобдан бош кўтармай, кулимсиради.

– Чигал дегани, ҳамма нарса жонга тегди дегани-да. Ўзи ўша Нафисани топдингми?

– Ҳамма гап шунда-да, ҳали йўқ. Дархонов истиқомат қилган хонадонни шахсан ўзим обдон текширдим. Хужжати йўқ. Ёлғиз ўзи яшаган. Жониворларни яхши кўрганми дейман, террариумда оқ сичқон боққан, лекин сичқон йўқ, қочиб кетганга ўхшайди. Уячасида қолган юнгининг қолдиқларидан сичқонлиги аниқланди. Дархоновнинг курткасида, пиджагининг ички чўнтагида ҳам сичқоннинг юнглари бор. Менимча, уни доимо ўзи билан олиб юрган.

Жиянов яна бир бор хулосага кўз югуртирди.

– Ўм-м, қонидаги алкоголоидларнинг фоизи 60 дан зиёд. Балки шу нарса ҳам унинг ўз жонига қасд қилишига сабаб бўлгандир. Лекин акси бўлса-чи?

– Ўзинг ўйлаб кўр, маст одам қандилнинг илмоғига арқонни боғлаётганида уч-тўрт дақиқагача мувозанатини сақлаб туриши қийин. Бу дегани у ўз ҳаракатларини аниқ назорат қила олмаган. Ўзини осиб, кейин ўйлаб кўриб арқонни бўшатмагандир. Яна бир далил арқон совунланган. Бу нарса эса анча илгари бажарилган.

– Аммо, у ўзини осмаган-ку. Бундан ташқари, ундаги бармоқ излари ҳам марҳумники эмас. Иннанкейин, мурда бошқа хонанинг эшигининг олдида топилгани-чи?

– Уф-ф..

Сигаретанинг кўкимтир тутуни эшик–деразаси ёпиқ хонада осилиб қолди.

Содиқ энциклопедияни четга қўйиб, Жияновнинг столи ёнига келиб ўтирди. Капитаннинг столи устидаги полиэтилен халтага солинган китобларнинг муқовасини томоша қилар экан, бирини олмоқчи бўлди.

– Қачондан бери Маркиз де Садга қизиқиб қолдинг?

– Тегма, улар Дархоновга тегишли. Ётоғидаги каравотидан топиловди.

Содиқ елим халтани жойига қўяр экан, яна қоғозга бор вужуди билан шўнғиган Жияновдан сўради.

– Ижарачи билан гаплашдингми?

– Эрталаб Холиқни юборувдим, ҳали замон келиб қолади.

Холиқ шаҳарнинг чеккасида жойлашган икки қаватли уйнинг қора чарм билан қопланган, аммо ямалаверганидан олачипор бўлиб кетган эшигини тақиллатар экан, бироздан сўнг аёлнинг рус тилида «Ким у?» деган овози эшитилди.

– Мен лейтенант Сафоев, ички ишларданман. Менга Надежда Аюповна керак эдилар.

Қулф шиқирлаб, қия очилган эшик ичкаридан илинган занжирни таранг тортди. Эшик тирқишидан сочлари оқарган, ёшлигида анча гўзал бўлиб, ҳануз аёллик латофатини йўқотмаган аёл кўринди.

– Сизга нима керак?

Холиқ кўкрак чўнтагидан гувоҳномасини олиб кўрсатар экан, қуруқ оҳангда:

– Надежда Аюповна сизми? – деб сўради.

– Ҳа, менман.

– Ичкарига кирсам майлими?

Аёл эшик занжирини тушириб Холиққа йўл берди.

Уй бир хонадан иборат бўлиб, анчадан бери таъмирланмаган, деворга ёпиштирилган гулқоғознинг пастки қисми тарам-тарам бўлиб йиртилган эди. Холиқнинг айнан шу изларга диққат билан тикилганини сезган хонадон соҳибаси уни ўтиришга таклиф этар экан, «Бу Машканинг иши» деди.

– Ким у, Машка?

Холиқ эски стулга оҳиста чўкиб, ўзининг 95 килограммлик вазнини кўтараётганига ишонч ҳосил қилгач, жойлашиброқ ўтирди.

– Бу мушугим. Уйда фақат иккаламиз яшаймиз. Қаҳва ичасизми?

– Йўқ. Раҳмат. Сизга бир-икки саволим бор эди. Ижарачингиз ҳақида.

- Ўшанда билганимни ёзиб берганман, яна нима керак?
- Сизга Дархоновни ким таништирган?
- Ўзи келди. Уйга ижарага қўйишим ҳақида газетага эълон берган эдим.
- У билан нотариус орқали ижарага қўйиш ҳақида бирор бир шартнома имзолаганмисиз?
- Йўқ, у менга тилхат ёзиб бериб, икки ойлик ижара ҳақини олдиндан тўловди. Паспортининг нусхаси ҳам бор.
- Ўша нусхани менга беролмайсизми?
- Холиқ қувончини яшира олмай, ҳовлиқиб сўради.
- Надежда Аюповна хонанинг бурчагида турган сервант тортмаларидан бирини очиб, ундаги бир тўда қоғозлар ичидан анча уникқан қоғозни олди.
- Мана у. Собир ёмон ижарачи эмасди. Доимо ижара ҳақини ўзи олиб келар, бунинг устига уйни озода тутарди.
- Холиқ диққат билан паспорт нусхасини кўздан кечирар экан, Дархоновнинг Самарқанд вилояти Иштихон туманида рўйхатга олинганлиги диққатини тортди.
- У қачондан бери сизникида турарди?
- Адашмасам, бир йилу тўрт ой бўлди.
- Олдига кўп одам келармиди?
- Қўшнилардан сўраганимда деярли ҳеч кимни кўрмасликларини айтишган. Унинг шахсий ҳаёти билан ҳеч қизиқмаганман.
- Раҳмат.

Шафоат ая ўғлининг бошида ўтирар экан, Турсуннинг ориклаган, ташвишлардан қорайган юзига тикилди. Кеча ярим тунда келган ўғлининг мурдадек оқарган, қон қочган юзи-ю, телбасимон қарашини кўриб кўрқиб кетган эди. Орқасидан ит қувиб келгандек, у оғир хансирарди. Ювиниб, кийимини алмаштирди-ю, овқатини ҳам емасдан хонасига кириб кетди. Мана, кун пешинга яқинлашиб қолган бўлса-да, турай демайди. Шафоат ая ўғлининг эрта оқ оралаган сочларини силар экан, «қачон якка-ю ёлғиз дилбандининг тўйини кўриш насиб этар экан-а?» деб ўйларди. Худо тўрт фарзандидан уч нафарини гўдаклигидаёқ олиб кетди. Фақат Турсунжонининг жони омон қолди. Ўғиллари сал йўталса, чол-кампири Аллоҳдан Турсунжонга умр сўрашади. Кўз қорачиғида асраб вояга етказган фарзандлари юзларини ерга қаратмади. Мактабни аъло баҳоларга битирди. Акалари касалдан вафот этганиданми, шифокорликни танлади. Ёшлигидан расм чизишга қизиқиб, айнан инсон руҳиятини суратларида акс эттиришга ҳаракат қиларди. Вояга етганидан кейин ҳам унинг бу қизиқиши йўқолмади. Мана, 3 йил бўлдики, институтни, ординатурани, сўнг Кореяда игна билан даволаш бўйича курсларни тамомлаб, шунча ўқигани етмагандек яна одамнинг асаблари-ю, руҳий ҳолатини уйғунлигим, фарқими, ишқилиб шунга яқин бир мавзуда илмий иш ҳам қилмоқда. Асаблари толиққан беморлар билан ишлаш осон эмас. Ўзининг ҳам асаблари чарчаган кўринади.

Шафоат ая оналик меҳри билан уйқусида ҳам гоҳ-гоҳ чўчиб тушаётган ўғлига термулди. Ҳар гал қўшнилари Зубайда билан Ойсулув момолар ўғлини алқаб, дуо қилганларида Шафоат ая ўзини бир қоп семиргандай ҳис қилади. Бўлса-бўлмаса ўғлига кўз теккан. Турсунжон сесканиб кўзини очар экан, тепасида хаёл суриб ўтирган онаизорини кўриб, хижолат чеккандек нигоҳини олиб қочди.

- Вой болам, уйғондингми? Туриб юз-қўлингни ювақол. Аллақачон сен яхши кўрган юпқадан пишириб қўйганман.
- Раҳмат, қорним очгани йўқ.
- Ундай дема, кечадан бери туз тотганинг йўқ. Бунақада касал бўлиб коласан.
- Шафоат аянинг кўзларига ёш қалқиди.

– Э, бўлди қилинг. Бўлар-бўлмасга йиғлайверасизми? Диссертациям учун тажриба ўтказётган эдим. Шунга ишхонада ушланиб қолдим.

Турсунжон ўрнидан турди-да, ўзини қувноқ кўрсатишга ҳаракат қилиб, сўнгги пайтлари ташлаб қўйган югуришини эслагандек, хонанинг ўртасида жойида туриб бир-икки югурди. Сўнг онасининг юзидан «чўлп» этиб ўпиб, ювиниш хонасига чиқиб кетди. Ўғлининг қаравотини йиғиштирар экан, онаизор «Ҳа, боласи тушмагур-а» деганича унинг орқасидан қараб қолди.

– Собир Дархонов ҳақиқатдан ҳам Самарқанд вилоятида туғилган. Ота-онаси ёшлигида ажрашган. Отаси никоҳ бекор қилингани билан аввалдан бўлган оиласига қайтган, онаси ҳам бошқа турмуш қургач, уни бувиси ўзи билан олиб қолган. Аммо кўп ўтмай бувиси фалажланиб, уйдан чиқа олмай қолади, якка-ю-ягона холаси уларнинг ҳолидан хабар олиб турган. Лекин у ҳам Дархонов 14 ёшлигида турмуш ўртоғи билан Россияга кўчиб кетган. Бувиси қазо қилгач, Дархонов умуман бебош бўлиб кетади. Бу пайти у 16 ёшда эди. Икки марта майда ўғирликлар содир этиб, вояга етмаганлар колониясида қисқамуддат жазо ўтаган. Афсуски, у ердан ҳақиқий ўғри бўлиб чиққан. Икки-уч маротаба йирик ишда қатнашган. Лекин, негадир, ўз гуруҳидан ажралиб, сўнгги йиллари фақат квартира олди-сотдиси-ю, чет эл валютасининг ноқонуний савдоси билан шуғулланган. Ҳеч жойда муқим ишламаган ҳам, яшамаган ҳам.

Жиянов тўплаган сўнгги маълумотларини подполковник Шухрат Ориповнинг столи устига қўяр экан, ҳар гал бошлиғи томонидан бериладиган кутилмаган саволларга жавоб қайтаришга тайёрланди.

– Яхши, демак Дархонов ўз жонига суиқасд қилмаган, балки уни кимдир ўлдирган демокчисиз, шундайми?

– Қайдам. У ўз хатида ёзиб қолдирган Нафиса исмли қизни қидирапмиз. Лекин унинг ҳаётини назарда тутадиган бўлсак, бу анча чигал иш.

– Нафиса ҳақида Самарқандга сўровнома жўнатдингизми?

– Ҳа, тез орада унинг жавоби ҳам келиб қолар.

– Сизга рухсат.

Жиянов бошлиғининг олдидан чиқар экан, бир оз ўйланиб турди-да, бир қарорга келгандек, юзи ёришди. Содикқа қўнғироқ қилиши керак.

– Нафисани топдим, Ботир ака.

Холиқ хурсандчилигини яшириб ҳам ўтирмади.

Жиянов қўлидаги сигарет кулини кулдонга тўкар экан, юзига урган хурсандчилигини яшириш учун, қошларини чимирди.

– Самарқанддан қачон қайтинг?

– Кеча кечқурун. Ўша аёлни топиб гаплашдим. Унинг эри, фарзандлари бор. Дархонов билан синфдош бўлишган экан. Ўша пайти Дархонов унга кўнғил қўйиб юрганини эслади. 8–синфни битиргач, у ўғрилиқ, безорилиги учун «детколонния»га тушганини эшитганидан сўнг олдига яқинлашмай қўювдим, ундан қўрқардим, деди. Икки йил олдин ҳам улар учрашишган экан. Дархонов унинг ишхонасига қидириб борибди. «Эрингдан ажраш, сенга уйланаман», дебди. Нафисага ўйлаб кўришга вақт берган. Аммо аёл уни мутлақо кўришни истамаслигини, оиласи билан бахтли ҳаёт кечираётганини айтибди. Шундан сўнг Дархоновни қайтиб кўрмадим, деди.

– Бори шуми?

– Шу.

– Раҳмат, бугун дамингни олсанг бўлади. Сенга рухсат.

– Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, Дархонов садомазохист бўлган кўринади, – Содиқ Валиев олдида турган катта кружкадаги пивони мириқиб симирар экан, бўшлиққа тикилиб ўтирган дўстининг диққатини ниҳоят ўзига қарата олганидан хурсанд бўлди. Пиво ичишга ўзи чақирди-ю, ярим соатдан буён уни кўрмагандек миқ этмай, сигаретини тутатгани тутатган.

– Садомазохист дейсанми? Нега?.

– Ўтган куни столинг устида Маркиз де Саднинг китоби ётувди.

– Хўш?

– Негадир шу китоблар сенинг эътиборингдан четда қолди. Дархоновни қўшнилари ҳам, ижарачи кампир ҳам ҳеч қачон аёл киши билан бирга кўрмагани-чи? Бу дегани ёки у аёлларни ёмон кўрган, ёки бунинг бошқа сабаби бор. Маркиз де Сад бу борада унинг «устози» бўлган кўринади.

– Яъни...?

– Яъни, дўстим, Дархоновнинг танасидаги номаълум жониворнинг тиш излари кемирувчига, яъни ўзи билан олиб юрган оқ сичқонга тегишли эканлигига шубҳам йўқ. Буни янги тишланган жойидан олинган қон таҳлили ҳам тасдиқлаб турибди. Унда сичқон сўлагининг ферментлари мавжуд. Мана, ўзинг қара.

Содиқ Жияновга бир арақ қоғоз узатди:

– Бу қон таҳлилининг хулосаси. Бир соат олдин олувдим. Ўзим сенга шахсан топшираман деб, Нилуфархондан олувдим.

Жиянов дўстининг айёрона қисилган кўзларига қараб кулиб юборди.

– Ишқилиб, нима қилиб бўлса-да Нилуфархонни бизнинг остонага қўймасангиз?

– Ҳа-а, эркакларнинг ичида унга нима бор. Ёмон кўзлардан асрай дедим-да.

Иккаласи бир зум бир-бирига тикилиб, кулиб юборишди.

Содиқ кружка тагида қолган пивони бир кўтаришда бўшатиб, олдида ликопчадаги чипсини яқинроқ суриб, қарсиллатиб ея бошлади.

– Хўш, ишга қайтсак. Агар марҳум аёлларни ёмон кўрган бўлса, унда Нафисанинг олдида нега борган?

Жиянов савол назари билан Содиққа тикилди.

– Ёшлиқдаги муҳаббати. Аёл зоти ичида фақат Нафисагина унинг кўзига маъбуда бўлиб кўринган бўлиши мумкин. Аммо у ҳам уни олдида солиб ҳайдаганидан сўнг бечора нима қилсин.

–....

– Дўстим, яна бир нарса ёдингдан кўтарилди. Дархонов ўлиmidан бир неча кун олдин даволанган. Унинг сўнгги олган инъекцияси – никотин кислотаси. Қаерда даволангани-ю, шифокорини қидириб кўрсанг яхши бўлармиди?.

Ботир Жиянов дўстига миннатдорчилик билан нигоҳ ташлади.

Жиянов рўпарасида ерга тикилиб ўтирган гувоҳга тикилар экан, унинг ориқ юзи, салқиган қовоқлари, билинар-билинемас титраётган бармоқларини кузатарди. Ниҳоят керакли одамни топганига ишонч ҳосил қилди. Сўнгги 5 кун ичида у шаҳардаги барча касалхоналарда бўлиб, ўнлаб невропатологлар билан гаплашди. Турсун Бурхоновни илк бор учратгандаёқ унга нисбатан гумон уйғонди. Ички ишлардаги кўп йиллик тажрибаси ва инсон руҳиятини яхши билиши бошқалар ичида айбдор одамни бир қарашдаёқ беҳато ажратиб олиш қобилиятини тарбиялаган эди. Шифохонада Бурхонов ўзини анча дадил тутган бўлса, унинг кабинетига кириши билан қатъиятлилигини йўқотди.

– Собир Дархоновни анчадан буён танийсизми?

– У менинг беморим. Икки йилдан бери вақти-вақти билан менда даволанади.

– Нега айнан сизда?

– Биринчи маротаба ўнг юзи асаб тизимининг фалажи ташхиси билан шифохонага ётқизилганида игна билан даволаган эдим.

– Тиббийёт институтини битириб, яна Кореяда ўқигансиз, деб эшитдим.

– Ҳа, машҳур иглорефлексотерапевт Пак Чжэ Ву қўлида таълим олиб, унинг «Су Жок» терапиясини мукамал ўргандим. Дархоновни даволашимда айнан шу усул қўл келди. Бундан ташқари, уни доимо кузатиб туришимга рози бўлди.

– Нега?

– Илмий тадқиқотим учун, шу соҳада диссертация ёзаётган эдим.

– Тадқиқотингиз мавзуси нима?

– Инсон руҳиятининг асаб тизими билан муштараклиги, онгсизлик муаммоларининг руҳий ҳолатига таъсири.

– Қизик, унинг руҳий ҳолати меъёрида эмаслиги, аниқроғи садомазохист эканлигини қандай изоҳлайсиз?

Турсун рўпарасида ўзига тикилиб ўтирган терговчи буни қаердан била қолди экан, дея хайрон бўлиб Жияновга тикилди.

– Садомазохист? Сиз буни қаердан биласиз?

– Демак, Дархоновнинг жинсий ҳаётида мутлақо аёллар бўлмаганидан ҳам хабарингиз бор.

– Лекин у бесоқол эмас эди.

– Буни биламан, у ўзининг шахвоний ҳисларини бошқа йўл билан қондирган.

Турсун рўпарасида пайғамбар ўтиргандек ранги оқарди.

– Лекин.. лекин сиз буни қаердан биласиз?. У бу ҳақида фақат мен билан гаплашганига имоним комил, чунки бошқаларга айтса уни ғирт жиннига чиқаришарди.

Жиянов мамнун жилмайди. Тахминларининг барчаси ҳақиқатга айланмоқда эди. Энди фақатгина бир нарса, рўпарасида ўтирган одам қотилми ёки мутлақо айбсизми шуни аниқлаш қолган эди, холос.

– Шифохонада гаплашганимизда диссертациянгизни деярли якунлаганингиз ҳақида айтган эдингиз. У билан танишсам бўладими?

– Ҳа, албатта, аммо унга қўлда кўп тузатишлар киритганман.

– Ҳечқиси йўқ, тушунмаган жойимни сиздан сўрарман.

Турсун терговчининг ёнидан ташқарига чиқар экан, парча-парча булутлар сузиб юрган баҳор осмонини сўнгги маротаба кўраётгандек, бошини кўтариб кўкка узоқ тикилди.

Ботир «Жигулиси»ни аллақачон уйкуга кетган шаҳар кўчаларидан бошқариб борар экан, ёшлигида момосининг айтган гапи ёдига тушди. «Қотил доимо виждони қийналиб, қотиллик содир этган жойига қайтиб келади». У рулни беихтиёр Дархонов ижарада турган уй томон бурди. Уйнинг подъезди қоп-қоронғу бўлгани учун, чўнтагидан зажигалкани чиқариб бир амаллаб учинчи қаватга чиқди. Марҳум Дархоновнинг қўшнилари аллақачон еттинчи тушини кўришаётган бўлса керак, тик этган овоз эшитилмасди. Эртага боши балога қолишини билса-да, у эшикнинг кулфи устига елимлаб ёпиштирилган муҳрли қоғозни авайлаб ёпиштирилган жойидан кўчирди. Сўнг, чўнтагидан елим халтачага солинган уйнинг калитини олиб, эшикни очди. Уй эгасини сўнгги йўлга кузатишганига бор-йўғи 11 кун бўлганига қарамай, эшик очилиши билан димоғига хонадоннинг туриб қолган, ачимсиқ хиди урди. Жиянов беихтиёр бурнини жийириб, секин йўталиб қўйди. Қоронғи йўлакдан ичкарига кириб, кўчанинг чироғи хира ёритиб турган хонанинг деворини пайпаслаб, тугмачани топиб, чирокни ёқди. Дархонов у турган жойда ётган пайти қўшниси эшикнинг қия очиклигига қизиқиб, ичкарига киради. Ерда ётган марҳумни кўриб милицияга, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилади...

Хона тезкор гуруҳ ходимлари охирги маротаба уни қандай тарк этишган бўлса, шундай ҳолатда эди. Бурчакда рангли телевизорнинг устини қалин чанг қоплаб улгурган. Хонадаги диван, креслолар унга аввалгидай фэйз эмас, балки қотилликни қай тарзда ва ким томонидан амалга оширилганлигини айта олишмаганларидан зорлангандек мунғайиб тургандек. Хонадаги барча буюмлар қотилликнинг тилсиз гувоҳлари.. гувоҳлари... Тилсиз гувоҳлари...

Жиянов мияси айланаётган сўзларнинг маъносини чақмоқчи бўлгандек пешонасини тириштирди. Асабийлашганда, ёки бирор нарсани ўйлаганида одат бўлиб қолган ҳаракат билан сочларини бармоқлари орасидан ўтказа бошлади. Гувоҳ, ахир булар тилсиз бўлсада гувоҳ-ку. Қотил барибир ўзидан кейин из қолдирган бўлиши керак.

Жиянов синчковлик билан атрофга назар ташлади. Нариги хонага ўтиб, чироғини ёқди-да, атрофга кўз югуртирди. Дераза ёнида каравот, кийим жавони, ойна...

Қайтиб яна асосий хонага чиқди. Бироз тургач, чуқур «уфф» тортиб, орқасига бурилди. Шу пайт оёғига бир нарса ботгандек бўлди. Тугма... эркалар кўйлагининг тугмаси. Жиянов энгашиб тугмани кўлига олар экан, унга тикилиб қолди. Сўнг шоша-пиша ётоққа ўтиб, кийим жавонини очди. Жавонда қатор қилиб Дархоновнинг 6 та кўйлаги, иккита костюми, дубленкаси ва чарм пиджаги илиб кўйилганди. Кўйлаklarнинг барчаси дазмолланган. Дархонов сариштали бўлган кўринадди. Кўйлак тугмаларини текширар экан, уларнинг барчаси жойидалигини кўриб, кўнгли жойига тушди.

– Бу Бурхоновлар хонадоними?

Шафоат ая остонада турган кенг елкали, қора сочлари орқага таралган, чарм куртка кийган нотаниш эркакни кўриб, ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Ҳа, келинг, ўғлим.

– Мен ички ишлардан Ботир Жияновман.

Жиянов курткасининг ички чўнтагидан гувоҳномани олиб, Шафоат аяга очиб кўрсатди-да, уни ўқиб улгурмасиданок ёпиб, яна жойига солиб кўйди.

– Ичкарига кирсам майлими?

– М–майли.

Жиянов Шафоат аянинг орқасидан эргашиб, чоғроққина хонага кирди. Хона дид билан безатилган, ўнг деворни қоплаган стенкада биллур идишлар деразадан тушаётган нурда товланар, стенка ёнида турган «LG» телевизорда қандайдир хорижий фильм кетмоқда эди.

– Яхши ўтирибсизларми, опа, амакимнинг, ўзингизнинг соғлиғингиз яхшими?

– Худога шукр.

Шафоат ая ҳеч нарсани тушунмай Жияновга тикилди.

– Узр, безовта қилганим учун, менга Турсунбек керак эдилар.

– Аммо у ҳозир ишда, болам. Адаси ҳам уйда йўқ эдилар-а, аксига олиб.

– Агар йўқ демасангиз, сиздан бир илтимосим бор эди.

– Майли, майли.

– Манови тугма Турсунбекнинг кўйлагиники эмасми, менимча у ҳали уйланмаган шундайми?

Ўғлингизнинг кийим–кечагига сиз қарайсиз-ку дегандек, Жиянов Шафоат аяга қаттиқ тикилиб, чўнтагидан елим халтачага солинган тугмани олди-да, унга узатди.

– Билмадим, – Шафоат ая тугмани олиб у ёқ бу ёғини айлантириб кўрди. – Қайдам...

– Ўғлингизнинг кўйлаklarини кўрсам бўладими?

Шафоат аянинг ҳайронлиги ошиб бир нима демоқчи бўлди. Сўнг индамай ўрнидан турди.

– Ҳозир олиб келаман.

– Йўқ, ўзим бориб кўрсам...

Жиянов Шафоат аянинг орқасидан қўшни хонага чиқиб, хонадаги каравотга мос оқ кийим жавони олдида тўхтади. Рухсат сўраб ҳам ўтирмай, уни очиб осиб қўйилган қўйлақларни бирма-бир синчиклаб кўздан кечирди.

– Ҳаммаси шуми?

– Ҳа.

– Ваннахонада йўқми?

– Э, ҳа биттасини саватга ташлаб қуювдим-а. Тугмаси узилганмиди, чокидан кетганмиди-ей...

Шафоат ая у ер бу ери йиртилган, сўкилган пайпоқ, қўйлақ, шим солинган саватни кўтариб келди.

– Мана, тикиб қўяман деб олиб қўювдим, мос тугма топа олмовдим. Бозордан бир қарашим керак...

Жиянов қўйлақнинг тугмаларини текширар экан, юраги ҳапқириб кетди. Унинг кўкрак тугмаси йўқ бўлиб, қўлидаги тугма эса қолганлари билан бир хил эди...

Турсун шифохона йўлагига Жиянов билан рўбарў келиб, бирдан ранги оқарди. Сўнг ўзини тезда қўлга олиб, капитанга қўл чўзди.

– Ассалому-алайкум, ўртоқ капитан. Шифохонамиз сизга ёқди шекилли, тез-тез келадиган бўлиб қолдингиз. Ё бирор жойингиз оғрияптими?

Бурхоновнинг дастлабки ҳолати капитаннинг назаридан четда қолмади.

Жиянов у билан қуруққина саломлашди-да, сўнг рўпарасида турган Турсунга:

– Сиз билан яна бир бор суҳбатлашсам девдим. Менга 10 дақиқа вақт ажрата олмайсизми?

– Марҳамат, доим хизматингизга тайёрман. Қани, бу ёққа.

Турсун шифокорлар хонасини эшигининг очиб, Жияновни олдинга ўтказиб юборди, кейин ўзи кириб эшикни ёпди. Иккаласи бурчакдаги чарм қопланган диванга ўтиришди.

– Фақат вақтим камроқ эди, ҳозир умумий обход бўлиши керак. Бош шифокорнинг ўзлари ўтказадилар, беморларим олдида бўлмасам, бўлмайди.

– Мана бу қўйлақ сизникими?

Жиянов қўлидаги елим халтадан эркаклар қўйлагини чиқарди.

– Бу..М–мен.. Йўқ.

Турсун ҳар қанча ўзини қўлга олишга уринмасин, ҳаяжонланаётганини сездириб қўйди.

– Йўқ денг. Лекин буни бир соат олдин онангиз уринган кийимларни сақлайдиган саватдан олиб менга бердилар. Дархоновнинг уида унинг бир тугмасини эсингиздан чиқариб қолдирибсиз.

Жияновнинг овозидаги кескинлик нашта қабил Турсуннинг юрагига санчилиб, музлатиб юборди. Дархонов билан сўнгги учрашуви тезлатилган кино тасмасидаги кадрлар сингари бир зумда ҳаёлидан ўтди.

– Мани тинч қўйинг. Энди сизга тажриба қуёни бўлишни хоҳламайман.

Турсун Собирга тикилар экан, мийиғида кулиб қўйди.

– Майли, ўзингизни тажриба учун ушланган қуёндек ҳис қилаётган бўлсангиз, бу сизнинг ишингиз. Бўлмаса қарзни қайтаринг. Шу пайтгача индаганим йўқ эди. Эртадан бошлаб қарзнинг фоиз сўғичини қўйиб юбораман.

Собир бир зум нафрат билан Турсунга тикилиб турди-да, ичида уни бўралаб сўқди. Аммо жаҳлини сиртига чиқармай, зўрма-зўраки жилмайди.

– Асабийлашишнинг нима кераги бор. Ҳозир молиявий аҳволимдан хабарингиз бор. Шефдан анча қарздорман. Топган пулим шунга кетаяпти. Сизникини ҳам яқинда қайтараман. Фақат манга бир оз вақт керак.

Турсуннинг жаҳл билан қимтилган лаблари чўзилиб, юзи бир оз ёришди.

– Хўш, таклифимни қабул қиласизми?

Собир индамай бош силкиди.

– Э, бор экансиз-ку.

– Менга ёрдам берсангиз барча қарзларингиздан кечиб юборишим ҳам мумкин. Фақат ишимни тугатсам бас. Энди ишга келсак, яна бир бор сиртмоқда кечирган ҳолатингиз зарур. Баъзи бир нарсаларни ойдинлаштироқчиман.

–...

–Демак... Эртага кечкурун соат 21.00 да сизникида кўришамиз.

Турсун совуқ жилмайганича Собирга қўл узатди. У эса ўз навбатида истар–истамай унинг қўлини сиқиб хайрлашди.

Эртаси куни Турсун Собирнинг ҳолатини кузатар экан, унинг хириллай бошлаганини кўриб, тезда бўйнидаги сиртмоқни олиб ташлади. Ёнида турган чойнақдан пиёлага совуқ чой қуйиб, Собирга ичирди. Чаккаларини икки қўли билан ишқалаб, унинг юзига қон югурганини кўриб, енгил тортди.

– Хўш, ёзамизми?.

Собир мажолсиз бош ирғади. У ўзининг қилқўприк устидан ўтаётганида ҳис этган таассуротларини гапириб берар экан, тезроқ Турсундан кутилишни, қайтиб унинг башарасини кўрмаслик учун нима қилишини ўйлар эди. Яна бир марта бўйнини сиртмоққа солишга рози бўлса, уни чиқариб олмаслиги ҳам мумкин. Бу жиннидан ҳар балони кутса бўлади. Ўзини дохий, аллақандай Фрейднинг шогирдиман, дейдими-ей. Шу қарзи бўлмаганида ўзи биларди нима қилишини. Энди яна бўйнини сиртмоққа тикишга мажбурласа, қарзимдан кечдим, деган тилхат олади...Ё миласага берворсамикан?. Унда ўзини ҳам жиннига чиқаришади.

Турсун Собирнинг гапларини диктофонга ёзиб олгач, мамнун ҳолда уни ўчириб, кичик қўл сумкачасига солди.

– Раҳмат. Яна бир ёрдамингиз керак бўлади.

–...

Собирнинг кўзларида кўркув акс этди.

– Буни кейин айтаман, акоси. Ёрдам бераман дегансиз-а...?

Собир Турсуннинг заҳархандалик билан тиржайиб турган башарасини, «сен ўзинг кимсан, менинг қулимсан», дегандай айёрона кулиб турган кўзларига тикилиб ўзини тўхтата олмади. Турсун даҳанига келиб тушган муштдан ўзини ўнглай олмай, полга гур-силлаб йиғилди. Ўрнидан турмоқчи бўлганида елкасидан еган тепки уни яна ерга ётқизди.

– Н–нима қилаяпсиз?. Ланъати...

Турсун бўралаб сўкинди, аммо Собирнинг вазоҳатини кўриб бу ердан тирик чиқиб кета олмаслигига кўзи етди. Бор кучини тўплаб, ўрнидан турди-да, Собирнинг бўйнига икки қўллаб ёпишди. Орадан бир неча сония ўтмай унинг нозик бармоқлари Собирнинг жон томирини пайпаслаб топиб, қаттиқ босди.

Бир зумда латтага ўхшаб шалвираб қолган тана гиламнинг устига йиғилди.

Турсун оёқлари остида чўзилиб ётган ҳушсиз Собирга тикилар экан, мияси ғувилларди. Агар ўзига келса бир балони бошлайди. Худо кўрсатмасин, унинг устидан ўтказган тажрибаларини милицияга бориб айтса борми, бутун орзулари, режалари чиппакка чиқади, умри қамокда чирийди. Шу пайтгача уни ёшлигида ташлаб кетган онасини қоралайвериб, аёл зотидан кўнглини совутганди. Кечаги учрашувида эса қандайдир Нафиса ҳақида гапириб қолди. Тезроқ масаласини ҳал қилмаса, ўша Нафисага кўнглини ёриши мумкин. Ана ўшанда ҳаммаси тамом.

Турсун шоша-пиша сумкачасидан доимо олиб юрадиган даволаш игналарини олиб, охисталик билан Собирнинг қошининг юкори қисми, кафтининг бош бармоғи асосидаги, юрагининг устидаги ўзи бир неча бор жониворларда синаб кўрган нукталарга игна сан-чиди.

Собир бир зум хиралашган кўзларини очди-да, кўлини чўзиб устига энгашиб турган
Турсуннинг кўйлагидан ушлади, кейин ... ҳеч нарсага тушунмай уларни мангу юмди.

2007 йил

ҚАҲРАБО ПАРЧАСИ

(мистик ҳикоя)

Нилуфар беҳосдан уйғониб, қаердалигини анча вақт тушунмай, бир муддат турли хил рангларда товланаётган шифтга тикилиб ётди. Кеча нима бўлганлигини эслашга ҳарчанд уринмасин тарқоқ, икки мусбат заряд сингари бир-биридан қарама-қарши томонга қочаётган фикрларини жамлай олмади. Олис-олисдан бундан 7 йил илгари ажрашиб кетган турмуш ўртоғининг истехзо билан тиржайган башараси кўриниб, «менсиз бир ўзинг яшаб кўр-чи, кўраман, ҳолинг нима кечар экан. Тиланчилик қиласан, икки боланг этагингга ёпишиб, чанг кечиб юрасанлар ҳали», деган сўзлари яна бир бор жаранлагандай бўлди. Нилуфар бошини қимирлатиб, тиржайган башарани кўз олдидан ҳайдади. 8 йил турмуши давомида ҳақорат-у, деярли калтақдан бошқа нарсани кўрмай, ажрашиб, эндиgina тинч яшаётганида бот-бот уни таъқиб этаётган эрининг хунук тиржайган башараси баъзида унут бўлаётган хотираларини яна эсга солар, шундай пайтларда аёл Худодан фақатgina ўша қора кунларни ёдига солмасликни сўрар эди. Башара узоқлашиб, қора парда ичида ғойиб бўлди, аммо танасидаги ҳорғинлик, бошининг лўнғиллаб оғриши юмган кўзларини яна қайта очишга мажбур этди. Ташқаридан эшитилаётган шовқин Нилуфарни сергаклантирди. Худди денгизнинг шовуллашига ўхшайди-я? Бу ерда денгиз нима ҳам қиларди? Нилуфар яна ухлашга ҳаракат қилди. Бу ҳаммаси қулоғининг орқасида пайдо бўлган шишдан. Кечаси-ю, кундузи азоб бериб, эндиgina изга тушаётган ширин ҳаётига заҳар солди. Бошидаги ланъати оғриқ пайдо бўлганидан буён бошлаган бирор бир ишини охирига етказа олмайди. Эрталаблари худди кечаси билан кетмон чопган одамга ўхшаб чарчаб, жикка терга ботиб уйғонади.

Нилуфар секин ўрнидан туриб ёнидаги каравотда ётган ўғлининг устини ёпиб қўйди. Эндиgina 8 ёшга тўлган ўғилчиси совқотиб ғужанак бўлиб олибди. Бошқа каравотда ётган кизига термулар экан, бошида пайдо бўлган оғриқ билан кўнглида пайдо бўлган хавотир янада кучайди. Унга бирор кори ҳол бўлса, ҳали бу шафқатсиз ҳаёт остонасига қадам қўймаган норасидаларнинг аҳволи нима кечади? Ёлғиз ўзи ялаб-юлкаб катта қилаётган фарзандларининг отаси йўқлиги учун учда ишда ишлайди. Бировдан кам бўлмасин, ўксимасин, деб истаган нарсаларини олиб беришга ҳаракат қилади. Шунча елиб, югурганига яраша Худойим унга яна озгина умр, бахт берса нима қиларди-я?!

Нилуфар ўз ўрнига чўзилар экан, боя қулоғига чалинган шовқин яна такрорланди. Қизикиб, дераза пардасини четга сурди. Во, ажабо! Ой нурига чўмган борлиқда бепоён денгиз ястаниб ётар, кетма-кет ўрмалаб келаётган тўлқинлар кирғоқдаги тошларга урилиб, уларнинг устида қолаётган оқ кўпик бир дақиқадан сўнг жимирлаб сўнарди..

Нилуфар туш кўраяпман шекилли деб ўйлаб, аста ўзини чимчилаб кўрди. Йўқ, бу туш эмас эди. Демак, ақлдан озаяпти. Ахир у шаҳар чеккасидаги 4 қаватли уйда яшайди. Кеча кечкурун ишдан қайтаётганида ахлатга тўлган кичкина ариғ-у, кўп қаватли уйлар олдида савлат тўкиб турган азим қайрағочларнинг тагидаги оёқлари қийшайиб, ёғочлари чириган ўриндикдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бу денгиз қаёқдан пайдо бўлди. Доимо денгиз кирғоғида ўзининг катта уйи бўлишини орзу қиларди. Наҳотки, орзуси қисман бўлса-да, рўёбга чиққан бўлса?!

Пишиллаб ухлаб ётган фарзандларини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида юриб, илгакда турган чарм курткасини тунги кўйлагининг устидан елкасига ташлади-да, аста ташқарига чиқди. Ташқарида ҳақиқатдан ҳам денгиз мавжланарди. Оёғидаги калишини ечиб, сув ювган илиқ кумга қадам босган Нилуфар ҳамма нарсани бир зумда унутди. Аччиқ ҳаётининг битмас-туганмас ташвишлари, соғлиғининг ёмонлашгани барчаси унут бўлди. У бақириб кулгиси, ашула айтгиси, яланг оёқларини юваётган тўлқинлар ичида ёш

қизалоқлардай югургиси келарди. Соҳил бўйлаб кетар экан, ой нурида ялтираган алланарса диққатини тортди. Энгашиб уни кўлига олди. Қаҳрабо парчаси экан. Болалигида раҳматли бувиси ўз севгисига етиша олмаган гўзал қизнинг сув парисига айланиб, бир умр қирғоқда қолган севгилиси ишқида кўз ёш тўққанлиги ҳақида эртак айтиб берганди. Сув парисининг кўз ёшлари қаҳрабога айланар, тўлқинлар эса уларни қирғоққа чиқариб ташлашар экан. Бир куни қаҳрабо парчасини топиб олган йигит заргарга олиб бориб ундан узукка кўз ясатибди. Ҳар доим узукка қараса, қаҳрабода севгилисининг аксини кўрар экан...

Нилуфар кафтидаги қаҳрабо парчаси ой нурида гоҳ оч сариқ, гоҳ қизғиш рангда тов-ланишини томоша қилар экан, бувисини, бузилган турмушини эслаб оғир хўрсинди. Қаҳрабони авайлаб қўйлагининг этагига артиб, кurtкасининг чўнтагига солиб қўйди. Оёқларига келиб урилган янги тўлқин, аёлни чўчитиб юборди. Ахир фарзандлари уйда ёлғиз қолишди-ку, уйғониб қолишса, қўрқиб, йиғлашса-я? Нилуфар қалишини қидириб орқага югурар экан, ҳозиргина ўзи чиққан уйини топа олмай хуноби ошди. Қалиши қол-дирган жойда ётар, аммо кўп қаватли уйлар, ўзининг мавзеси йўқолган эди. Уларнинг ўрнида болалиги ўтган, томи тунука билан қопланган уйи қад кўтариб турарди. Дадаси вафот этганидан буён ёқилмайдиган чироқ унинг хонасини ёритиб турганини кўриб, ҳов-ли томон шошилди. Дарвоза очиқ, зинада мудраб ётган кучуги уни таниб, думини ли-киллатганича оёқларига суркалди.

– Тузик, Ту-узик, ўзингмисан?

Нилуфар кучугини эркалаб, совуқ бурнидан ўпиб қўйди. Отасининг вафотидан сўнг ёлғиз укаси хотинининг «талаби» билан ҳовлини иккига бўлиб, ўртадан девор урган, 75 ёшга кириб, келин олиб қўлидан бир пиёла ҳам чой ичмаган онаси ва синглисидан айри бўлиб олган эди. Ўзи-чи, ўзи? Бошқа шаҳарда насибасини териб юрибди. Онаси ва синг-лисидан фақатгина телефон орқали хабар олади. Ҳозир эса... ўша машъум девор йўқ, ҳаммаси отаси ҳаёт пайтидагидек. Нилуфар атрофга боқиб ҳар доим тунда кулфланадиган даҳлиз эшигини тортди. Очиқ экан. Дадасининг хонасига кирар экан, шифтгача китоб терилган жавонлар, дераза ёнидаги ёзув столи олдида ўтирган дадасини кўриб қотиб қолди. Бирданига соғинчдан, бошига тушган қийинчиликлардан ўпкаси тўлиб, кўзлари намланди.

– Нега ёлғиз келдинг, болаларинг қани?

Дадаси қўлидаги ручкани қоғоз устига қўйиб, Нилуфарга қайрилиб қаради.

– Ассалому-алайкум, дада... Сиз...

– Болаларингни ёнига қайт. Уларни ёлғиз қолдирма, кейинроқ гаплашамиз. Ҳали бунинг вақти эмас, пайти келганда ўзим сени олиб кетаман.

Дадаси яна қоғоз устига энгашиб алланималарнидир ёзишга тутинди.

– Дада..

– Бора қол... Кейин гаплашамиз, мени бу уйда анча ишим бор экан, қайтмасам бўлмади...

Нилуфар қуйилиб келган кўз ёшини енги билан артар экан, қўлини туширганида қоп-қора подъездда, хонадонининг эшиги олдида турганини кўрди. Аста эшикни очиб уйга кирди. Ҳаммаёқ сув қуйгандай жим-жит. Болалари ҳамон ухлашарди. Сукунатни фақатгина ошхона деворига осилган соатнинг чиқиллаши бузарди. Устидаги курткасини ечиб, аллақачон совуган жойига чўзилар экан, хўрсиниб кўзини юмди.

– Э, худо, болалар, тез туринглар, соат 7.30 бўлибди. Мактабга кечикасизлар.

Нилуфар болаларини гап билан шоширар экан, уларга нонушта тайёрлаб, шу орада ўғлини қийинтиришга, қизалоғининг сочини ўриб қўйишга ҳам улгурди. Кечга бориб секинлаш-ган вақт аксига олиб эрталаб югуриб кетади. Соат 9.00 да университетда ўзининг дарси бошланади. Бир соат олдин уйдан чиқмаса, улгурмайди. Фарзандларини кузатиб, хонтахта устида сочилиб ётган маъруза матнларини сумкасига солди. Тезда қийиниб, сочини

таради. Сумкани елкасига илиб, аксига олиб доимо шошилганида йўқолиб қоладиган калитини қидира бошлади. Курткасининг чўнтакларини титар экан, ниҳоят калитни топди. Шода калитларни олиши билан, улар орасидан нимадир ерга тушиб кетди. Эшикни кулфлаб, тушган танга бўлса керак, дея энгашганича қотиб қолди. Нилуфарнинг оёқлари остида тунда соҳил бўйидан топган қахрабо парчаси ётарди...

2008 йил

ТАҚДИР ТАРСАКИСИ

—Отангни ўлигини устида туриб, оч қолдим!

Эрининг ғазаб билан айтган бу сўзларидан Меҳрибон қотиб қолди. Эндигина падари бузрукворининг жанозаси ўқилиб, танаси тупроққа топширилганига бир кун ўтар-ўтмас энг ишонган одами, суянган тоғим деб юрган турмуш ўртоғидан бу сўзларни эшитиш унга ўлим билан баробар эди. Эри шу куни уйдаги мол оч қолди, таги ҳам тозаланмаган, деб Меҳрибонни азага келган одамлар билан тўлиб-тошган хонадондан мажбурлаб олиб кетди. Хотини ҳали икки ёшга тўлмаган тананинг тагини супириб-сидириб, уч кунлик емиши учун ҳовлидаги бедани ўргунича чарчаб, сулайиб қолди. Йиғлайвериб силласи қуриган, икки кундан бери туз тотмаган Меҳрибон барча ишларни қилиб бўлгач, бироз тин олиш учун дам-бадам кўзининг олдида сиймоси гавдаланаётган отасини эслаб кипригига инаётган кўз ёшларини артиб ўтирар экан, уйга келасолиб, онасининг уйига чиқиб кетган эрининг, қайтиб, тепасига келганини сезмай ҳам қолди.

—Овқат қилдингми?

Акромнинг ушбу саволи аёлни аввал ҳайратга солса, сўнг жаҳлини чиқарди:

—Йў—ўқ, аямникига бормаймизми? Ахир одамлар, таниш-билишлар нима дейди. Ҳали дадамнинг ўлганларига уч кун ҳам бўлгани йўқ. Болалар ҳам ўша ерда бўлса...

—Нега овқат қилмайсан? Отангни ўлиги устида туриб оч қолдим, падарланъат!

—Ўлган отамни тинч кў—ўйинг! Сизни ҳеч ким отамни жанозасига келинг, деб мажбурлагани йўқ.

Меҳрибон юзи аралаш келиб тушган муштдан чалқанча йиқилар экан, кўз олди қоронғилашиб кетди. Устма-уст келиб тушаётган тепки-ю, муштлардан юзини ҳимоя қила олмай, ерда чалқанча ётганича факат инграр эди.

—Нима қилаяпсан, эсинг жойидами?

Қайинакаси укасининг ҳовлисидаги бақир-чақирни эшитиб югуриб чиқди, ерда қонга бўялган келинини кўриб, уриш учун кўлини кўтараётган Акромни четга тортиб, юзига шапалоқ тортди.

—Бу нима қилганинг, келинни ҳозир қандай аҳволдалигини кўрмаяпсанми? Эсингни еб қўйганмисан? Келин, туринг ўрнингиздан, бизникида юз-қўлингизни ювиб олинг. Эртага отангизникига борарсиз? Бу аҳволда у ерга бориб юрманг. Кўрганлар нима дейди...

Меҳрибон қайин акасининг ёрдами билан ўрнидан аранг туриб, овсиникига ўтди. У ерда юз-қўлини чайди. Ўнг кўзининг таги кўкариб, ёрилган лабидан ҳамон қон сизарди. Юзининг кўқарган жойларига овсини келтирган упасини қалинроқ қилиб суриб, ок рўмолни кўзларигача туширди.

—Мен қайтмасам бўлмайди. Онам хавотир оладилар, бунинг устига Тоҳиржон ҳам менсиз ухлай олмайди.

Овсинининг ҳай-ҳайлашига қарамай, йўлга тушган Меҳрибон аранг кадрдон ҳовлисига етиб келганида, юракни ваҳимага солувчи сукунат аза очилган хонадонни қамраб олганди. Ҳол сўраб келган одамларнинг кети кун уфққа бош қўйганидан кейингина узилди. Келиб—кетувчиларни кутиб чарчаган хонадон соҳиблари жой ҳам солмай, бошлари остига топган ёстиқларини қўйганича донг қотиб ухлашмоқда.

Меҳрибон ўтирган жойида мудраб ўтирган онаизорини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида фарзандлари ётган хонага ўтиб кетмоқчи бўлган эди, қуш уйқу Нурия она кўзини очди.

–Келдингми, болам. Ҳаяллаб қолдинг? Тинчликми?

Меҳрибон шишиб, кўкарган юзини онаси кўрмаслиги учун рўмолини тортиб, юзини четга буриб гапирди.

–Ҳа, тинчлик. Сиз дам олинг. Чарчагансиз.

Ортиқ сўз айта олмай, ўкраб йиғлаб юбормаслик учун тезда хонага кириб кетди.

Нурия она кети узилмаётган келувчилар билан бўлиб, Меҳрибонга эътибор бермади. Фақат куёви кўринмаганини сезиб, рўмолини юзини ярмигача тушириб турган қизига юзланди.

–Куёвинг кўринмайдими?

–Ишлари чиқиб қолибди, келиб қолсалар керак.

Эртаси куни Ақром қайнотасининг ҳовлисига хавотир билан оёқ кўйди. Аммо қайнонасининг ўзи билан самимий сўрашганини кўриб, ўзини қўлга олди. Демак, Меҳрибон онасига ҳеч нарса демабди. Отасининг худойиси ўтгач, Меҳрибон уйига қайтди. Ўзи ҳам, Ақром ҳам бўлиб ўтган воқеани эсламасликка ҳаракат қилишар, ҳаётлари яна ўз изига тушгандай эди. Вақт оқар дарё. Бир зум ҳам тўхтамайди. Ўзининг шифобахш оқими билан «унутиш» номли денгизга тана жароҳатларини оқизиб даволайди. Қалб ярасининг устига парда тортади.

Қайнотасининг вафоти билан Ақром ҳам ўзгарди. Энди у бутунлай қўлига ҳам, тилига ҳам эрк бериб, Меҳрибонга тез-тез қўл кўтарар, уни ерга уришга ҳаракат қиларди. Устига кўк кийган аёл оиласининг шаънини ўйлаб тишини тишига босарди. Ишига бориб келар, кечқурун ҳориб-толиб қайтар экан, овқат қилиб, молу товукларга қараб, овқатни сузарди-ю, турмуш ўртоғи ва фарзандлари еб бўлгунича аранг чидаб, дастурхонни йиғиштирганича ўрнига чўзиларди. Овқатини еб бўлган Ақром бундай пайтлари ота-онасиникига чиқиб кетар, онасининг қистови билан кўпинча ўша ерда ётиб қоларди.

Ўғли унинг розилигисиз уйлангани сабаб Сабиҳа хола келинини кўпам хушламасди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб юрар экан, тирноқ остидан кир излашга ҳаракат қиларди.

Шунга қарамай Меҳрибон қайнона-қайнотасининг ҳурматини жойига қўйишга уринар, унинг “Келин, бу дорга болаларингизнинг кирини османг, ювилган дастурхонларни ёямиз”, “Келин, чўп қайнатсангиз ҳам менга чиқаринг, оналик ҳурматим бор”, “Келин устингиздан кўкингизни ташлагач, ишингизга шим кийманг, мусулмончиликка тўғри келмайди”, деган гапларига кулиб қўя қоларди. Овқати пишганда олдини албатта қайнона-қайнотасига чиқарар, ҳар шанба-якшанба кунлари уйидаги иши тикилиб ётганига қарамай, қайнонасиникига ўтиб, хизматини қилишга ҳаракат қиларди.

–Келинойи, тухум берар экансиз, бувим айтдилар.

Кичик овсинининг 8 яшар қизчасининг гапи отасини кўмсаб, кўзига ёш олиб ўтирган Меҳрибонни ўзига келтирди.

–Вой, асалим, ҳозир тухум йўқ эди. Бувижонингга айт, тухумларни курк бўлган товукқа жўжа очиришга қўйган эканлар, де.

Ҳар куни тўрттадан янги тухумни қайнонасига олиб чиқиб бераётган эди. Товуклари бирин-кетин курк бўлгач, жўжа оширишга қарор қилди. Икки-учтасини олиб қолиш ҳаёлига келмабди-я. Қизалоқ чиқиб кетиши билан яна соғинч ҳислари уни чулғаб олди.

–Бувим товукни тагидан бўлса ҳам олиб берсин, деяптилар.

Бир зумда қайтиб келган қизалоқнинг гапи Меҳрибоннинг бир кулгусини қистади, бир жаҳлини чиқарди.

–Товук тагидаги тухумни еб бўлмайди-ку. Майли, сен боравер, ҳозир ўзим бораман.

Шу пайт эшикдан Ақромнинг қораси кўринди. Унинг ёнидан салом бериб, югуриб ўтган укасининг кизини кўтариб олиб, икки бетидан ўпди. Уйдан югириб чиққан фарзандларини эркалаб, сўрига бориб ўтирди-да, уларни тиззасига олди.

–Яхши келдингизми, Ақром ака. Чарчамадингизми?

Меҳрибон кечки овқат учун дастурхон ёзишга тушди.

–Бир ҳафтадан кейин дадамнинг “қирқи” бўлади. Шунга уйга борсам деган эдим. Опа-сингилларим билан дастурхон хусусида маслаҳатлашмоқчи эдик.

–Майли. Фақат бир кунга рухсат.

Ақром одатдагидек, овқатини еб бўлиб, ота-онасини кўриш учун чиқиб кетди. Сабиҳа хола ўғлини кўриши билан “вой–вой”лашга тушди. Хавотирланиб, ҳол-аҳвол сўраган Ақром ёнига ўтириши билан, кўзига ёш олди:

–Шўрим курсин. Она бўлиб, хурматга эга бўлмасам, олтита ўғил туғиб қўйиб, рўшнолик кўрмасам!

–Тинчликми, ая. Нега ундай дейсиз? Биров сизни хафа қилдими?

–Ҳаётимдан хафаман, ўғлим. Бугун тухум егим келиб, Ҳалимани сизларникига тухумга чиқарсам, ўша суюкли хотинчанг, бир дона тухумни қизғонди-я?! Мен аҳмоқ бозордан олиш ўрнига, ўғлимнинг товуғи бор-ку, деган хомхаёлга борибман-а?!

Ақром сўқиниб, ўридан туриб кетди. Уйга вазоҳат билан кириб келган эрини кўриб, Меҳрибоннинг юрагида санчиқ турди. “Яна нима бўлди экан-а, доимо онасининг уйдан қайтса уйда жанжал бўлади. Бу сафар қайнонаси яна нима деди экан?”

–Сенми, ҳали онамдан тухумни аяйдиган?!

Ақром келасолиб Меҳрибоннинг юзига тарсаки туширди. Онасининг олдида қўғирчоқ ўйнаб ўтирган қизчаси кўрқиб йиғлаб юборди. Қўлига олиб ўтирган 3 ёшли ўғли кўрққанидан Меҳрибоннинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди.

–Тухум?

Бирдан Меҳрибон кундузи бўлиб ўтган воқеани эслади. Эри ишдан қайтгач, у билан андармон бўлиб, ён қўшнисига тухум сўраб чиқиш эсидан чиқибди.

–Ўзингизни босинг. Ҳамма тухумларни товукқа бостирган эдим. Шунга аянғизга бугун тухум бериб юбормаганим учун Ҳалимани жўнатибдилар. Тухум бостирганимни айтувдим. Товуқнинг тагидан олиб бўлса ҳам берсин дебдилар. Ахир, кап-катта хотин товуқнинг тагидаги палағда тухумни еб бўлмаслигини билсалар керак?

–Бозордан олиб бўлса ҳам бериб юборишинг керак эди. У мени онам! Истаган нарсасини биздан сўрашга ҳақли, уқдингми?

Меҳрибоннинг хўрлиги келиб, лов-лов ёнаётган юзини секин кафти билан силади. Ҳануз кўрқиб йиғлаётган қизчасини овута бошлади.

Шу воқеадан сўнг орадан бир ҳафта ўтди. Ишидан жавоб сўраб келган Меҳрибон эри учун тушликни тайёрлаб, қозонни тагини ўчирди-да, ҳафта давомида йиғиб қўйган тухумларини елим халтага жойлади. Хўжайинига қўнғироқ қилиб, онасиникига ёрдамга кетаётганини айтди.

–Мен ҳозир бораман. Болаларни нима қиласан?

Гўшакдан Ақромнинг бўғиқ овози эшитилди.

–Кечқурун онамникидан бориб оларман. Сиз ҳам сабзи тўғрашга ўтарсиз. Куёв сифатида қўни-қушнининг олдида турмасангиз бўлмас...

Ақром жавоб бермай, гўшакни қўйиб қўйди. У уйга ярим соатлар чамасидан сўнг келди. Овқатини еб бўлгач, сумка кўтариб, ўзига интизорлик билан қараб турган Меҳрибоннинг олдига келди.

–Сумкангда нима бор?

–Тухум. Пиширикқа тухумни мен олиб келаман, деган эдим.

–Сен ҳали менинг онамдан тухум қизғониб, онангникига ташияпсанми? Буёққа бер.

Хотинининг қўлидан халтани юлиб олиб, унинг ичидан елим халтачадаги тухумларни стол устига олиб қўйиб, сумкани Меҳрибонга қайтариб берди.

–Энди кетавер.

Меҳрибон индамади. Орқасига қайрилиб ҳам қарамади. Отасини йўқотган энг оғир кунларда бир пайтлар жонидан ҳам ортиқ кўрган ёри қўллаб-қувватлаш ўрнига, уриб-тепгани етмаганидек, ҳар бир қадамда уни ерга урмоқчи бўлаётганидан ич-ичидан эзилди.

Маъракага Ақром меҳмон сифатида келиб кетди. Опа–сингилларининг куёвининг хатти-ҳаракати хусусидаги саволлари жавобсиз қолди. Шу куни чарчаб, икки боласини етаклаб уйига қайтган Меҳрибон ўзини янги ҳангома кутаётганидан беҳабар эди.

Фарзандларининг қорнини тўйдириб, ухлатган Меҳрибон яна қандан сув чиқмаётганини кўриб хуноби ошди. Куни билан терлаб–пишиб хизматда бўлган. Ювинмаса бўлмайди. Соат кечки 22.00 бўлишига қарамай, қайнонасиникига ўтди. Ёзги ошхонада овсини идиш-товоқ юваётган экан. У билан бир оз дардлашгач, ҳаммомларида чўмилиб чиқиш учун рухсат сўради.

–Қизиқсиз-ей, опа. Кириб чўмилавермайсизми? Маъракани ўтказаман, деб роса чарчаган бўлсангиз керак?

–Раҳмат, Нодира. Мен тез чиқаман.

Меҳрибон ҳаммомга кириб, эшикни қулфлаши билан ташқаридан хуфтонни ўқиш учун таҳорат олгани келган қайнонасининг зардали овози эшитилди:

–Қайси биринг борсан? Оч эшикни.

–Ая, менман. Ҳозир чиқаман.

–Ўзимни ҳаммомимга ҳам кира олмайман. Ювинаман деб, ити ҳам, бити ҳам ҳаром қилиб ташлайди.

Шоша-пиша ювиниб бўлиб, кийинаётган Меҳрибоннинг бадани музлаб кетди. Шу пайтгача эрининг калтаклари, қайнонасининг камситишларидан паймонаси тўлган аёл, ташқарига чиқиб, ўзига хўмрайиб қараб турган қайнонасига “одаммас экансиз” деганича, уйига чошиб кетди.

Ғазабдан кўқарган Сабиҳа хола намозни ҳам унутиб, ўғлиникига йўналди.

Меҳрибон кириб кетган дарвозанинг эшиги қия очиклигича қолган, ой шуъласи тушиб турган сўрида болалар билан Ақром аллақачон уйкуга кетган.

Сабиҳа бир зум ҳовлининг ўртасида каловланиб туриб, ўғлининг ухлаб ётганини кўргач, баттар жазавага тушди.

–Тур, анави қанжиғинг бошимга чиқиб олди. Сани деб хор бўлдим.

Чўчиб уйғонган Ақром бошида турган онасини кўриб, сакраб ўрнидан турди.

–Яна нима бўлди ая, тинчликми?

–Анави хотинчанг мени ҳароми деди. Ҳаммомимда чўмилса, ҳовлимдан сув ташиса, ўрнига раҳмати шуми?

Сабиҳа хола кафтини тиззаларига уриб, уввос тортди.

–Шўрим қурсин менинг. Ўғил туғмай ман ўлай. Мени айтганимга уйланмадинг. Ана ўқиганингни аҳволи. Ҳалиям бўлса ажраш. Ўзим сенга онаси ўпмаганидан, кўча кўрмаганидан олиб бераман.

–Меҳрибон!!!

Ақромнинг бақиритидан чўчиб уйғонган болалар ҳеч нарсага тушунмай дам ғазабдан титраётган отасига, дам тинмай пешонасининг шўрлигидан нолиётган бувисига қарашарди.

Ичкарига кириб, тунги кўйлақдаги хотинини судраб чиққан Ақром унинг дуч келган жойига ура кетди. Меҳрибон жон аччиғида эрининг қўлидан юлқиниб чиқиб, кўча эшикка отилди. Ақром унинг орқасидан шарақлатиб эшикни ёпди.

–Йўқол, ифлос. Онамни ҳурмат қилмайдиган бўлсанг, қадамингни босма.

Меҳрибон кўча чироғидан яшириниб, ҳаво дим бўлишига қарамай, дағ-дағ титраганича сершоҳ тут дарахтининг панасига ўтди.

Алам, хўрлик, марҳум отасининг соғинчи юрак-бағрини тилкалар, Худойим не учун унинг бошига бундай кўргуликларни солаётганини англамай, доғда эди. Орадан бир соат чамаси вақт ўтгач, қайнонаси уйдан чиқиб, ўзининг ҳовлисига кириб кетди. Меҳрибон секин бориб дарвозани итарган эди, унинг кулфлигини кўриб, баттар ичидан эзилди. Тунги кўйлақда қайси овсиникига кириб боради? Онасининг уйи шаҳарчанинг нариги чек-касида. Аммо у ерга бундай аҳволда қандай боради? Бунинг устига дадаси ўлгандан буён онасининг мазаси йўқ. Бирга қирқ йилдан ошиқ умргузаронлик қилган турмуш ўр-тоғининг вафоти онаизорини қаддини букди.

Меҳрибон нима қилишини билмай турган пайтда дарвоза очилиб, ундан Ақром машинасини ҳайдаб чиқди. Автомобилнинг ичида уйқусираб, икки фарзанди ўтирар эди.

Онасининг уйига чироқсиз, айланма кўчалардан яёв етиб келганида соат тунги иккидан ошган эди. Нурия опа невараларини ухлатиб, хавотир билан тик этган овозга кулоқ тутиб ўтирар эди. Кўча эшик тақиллаган замон, уни очар экан, тунги кўйлақда, оёқяланг қизини кўриб, кўз ёшини артди.

–Куёвинг фарзандларингни олиб келиб, қизингиз бузуқликка чиқиб кетди. Невараларингизни ўзингиз боқинг, деди. Тинчликми? Нима бўлаяпти ўзи?

Меҳрибон онаизорини кўриб, қуйилиб келган ёшларини тия олмади. Отасининг ўлган кунидан бошлаб бўлиб ўтган воқеаларни бирма бир тўкиб солди.

–Аяжон, у дўзахга бошқа қайтиб бормаيمان. Рухсат беринг, шу ерда қолай.

–Бор. Юз-қўлингни ювиб олиб, кириб ухла. Эртага гаплашамиз.

Нурия хола тонг отгунича мижжа қоқмади. Энди ёнида суянчиғи йўқ. Ҳаётнинг барча муаммоларини ўзи ҳал этиши керак. Тунлари ухламай катта қилган, ўқитган жигарбандини хор қилдириб қўймайди. Эркак одам бир марта қўл кўтарса бўлди. Бу йўлдан қайтмайди. Қизи ўқимишли, ишлайди, учта тилни билади. Ўз йўлини ўзи топиб кетар. Аввалгидек, насиҳат қилиб уйига қайтарса, бу кетишда зўравон куёви уни ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайди. Унда мана бу икки норасидаси нима қилади?

Меҳрибон уйига қайтиб бормади. Отасининг тириклигида кўп қаватли уйлардан биридан олиб қўйган икки хонали уйда яшай бошлади.

Орадан бир йил ўтди. Қизалоғи мактаб ёшига етган Меҳрибон мактабга бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар ичида никоҳ гувоҳномаси ҳам бўлиши кераклигини эшитиб, эри ишлаётган поликлиникага борди.

Ақром хотинини кўриб, юзини тескари бурди.

–Ақром ака, Севинччи мактабга бермоқчи эдим. Никоҳимиз тўғрисидаги гувоҳномани берсангиз. Нусхаси керак экан.

Ақром Меҳрибонга бош-оёқ разм солиб, истехзо билан кулди.

–Сен билан ажрашганимга бир йил бўлди. Бориб суддан қоғозингни олишинг мумкин. Ҳали уйдан кетганинг учун кўзинг кўр бўлади. Кўчада тиланчилик қиласан. Тупроққа қоришиб, гадойчилик қилганинг, икки боланг этагингга осилиб юргани кўз олдимга келаяпти.

Меҳрибон устидан бир челақ муздек сув ағдарилгандек қарахт бўлиб қолди. Шаҳар фуқаролик судида Ақромнинг гапини тасдиқлашди ва унга ажрим қоғозининг нусхасини тутқазишди. Бу орада онасининг қистови билан Ақром “онаси ўпмаган, кўчага чиқмаган қизга” уйланди. Буни эшитган Меҳрибоннинг томоғидан бир ҳафтагача овқат ўтмади. Аммо ҳар қандай дардга вақтнинг ўзи даво экан. Меҳрибон шаҳарчадаги уйини сотиб, қарз кўтарди-да, Тошкентдан уй олди. Институтлардан бирига ўқитувчи бўлиб ишга кирди, бўш вақтлари газеталарга мақола ёзди. Тез орада унинг тиришқоклиги, ўз ишининг устаси сифатида жамоада ҳурмат қозонди. Қатор танловларнинг ғолиби сифатида унинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлди.

Бу орада фарзандлари катта бўлиб қолган Меҳрибон уларнинг диёнатли, билимли инсон бўлиб вояга етишишлари учун бор кучини аямасди.

–Аяжон, укамнинг мазаси бўлмаяпти. Бошим оғрияпти деб, тинмай йиғлаяпти.

Телефонда қизининг гапи, Меҳрибоннинг юрагига ғулу солди. Кафедра мудирига вазиятни тушунтириб, уйига шошилди.

Шифокор ўғлининг бошидаги қон томирларининг сиқилиши натижасида қон яхши айланмаётганлигини айтди.

–Ҳомиладорлигингизда, кўп сиқилгансиз шекилли. Бу вақт ўтиши билан ўғлингизда ўз аксини топмоқда. Уни зудлик билан даволатиш керак Бунинг учун анча вақт ва пул керак бўлади.

–Нима дорилар керак?

–Аввал компьютер томографиясидан ўтинглар. Ундан ташқари ўғлингизни тўлик текширтирганингиз маъқул. Чунки болалаликда касалланган бошқа касалликларининг ҳам асорати бўлиши мумкин.

Буни эшитиб, Меҳрибонда ҳаловат йўқолди. Ўғлини текширтириш учун йиғиб қўйган бор пулини сарфлади. Аммо ҳали шунча дори олиши керак. Кимдан қарз олса экан?

Шуларни ўйлаб кетаётган Меҳрибон машина ғилдирагининг чийиллашидан чўчиб тушди. Хаёл билан светофорнинг яшил чироғи ёнганида йўлни кесиб ўтибди. Машинадан сўкиниб тушган эркакдан кечирим сўраш учун унга юзланиб, қотиб қолди. Олдида Ақром акаси турар эди.

–Сен? Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдим?

Ақром ҳануз жаҳлдан тушмаган эди.

–Узр, хаёл билан... машинангизни кўрмай қолибман.

–Болалар яхши юришибдими?

–Ҳа, раҳмат. Ўзингиз-чи? Уйдагилар? Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

Ақром шубҳаланиб Меҳрибонга қаради.

–Менга пул зарур эди. Тохиржоннинг мазаси бўлмаяпти. Дорига пулим етмаяпти...

Ақром Меҳрибонга бир зум тикилиб қолди.

–Болаларни ўзингга олганмисан? Энди уларга ўзинг қара. Менинг ундай ўғлим йўқ.

Меҳрибон ҳайрат ва нафрат билан жони халқумига келди. Ақром йиллар ўтиб ҳам ўзгармабди. Қандай қилиб шу одамни севган экан-а? Раҳматли отаси уни биринчи марта кўрганидан сўнг, қизини чақириб:

–Қизим, янаям ўзинг биласан. Аммо танлаганинг шафқатсиз одам. Унинг мияси жойида эмас, - деган эди.

Нега ўшанда падари бузрукворининг гапига қулоқ тутмади. Балки бу кўргуликларни бошидан кечирмас, бахтли оиланинг бекаси бўлиб юрармиди? Ахир ўғлининг касаллигига ҳам шу Ақром айбдор эмасми? Ҳомиладор демай бўлар-бўлмасга уни сўкиб, урарди. Мана оқибат...

–Шу гапингиз эсингизда қолсин. Энди ҳақиқатдан ҳам сизнинг ўғлингиз йўқ.

Меҳрибоннинг орқасида машинанинг чийиллаб, ўрнидан шахд билан қўзғолган овози эшитилди.

Самарали даволаниш натижасида Тохиржон тез орада тузалиб кетди. Меҳрибоннинг ҳам ишлари юришиб кетди.

...Орадан йиллар ўтди. Нефть ва газ компаниясида раҳбар лавозимида ишлаб келаётган Тохирбек бу сафар ҳам ташкилотнинг рўпарасидаги азим қайрағоч остида тиланиб ўтирган чолга одатдагидек садақа берди-да, ишхонаси томон йўналди. Эртага онаси билан ҳаж сафарига кетишади. Шунинг учун бугун онаси билан зарур нарсаларни харид қилиш учун дўконга чиқишган эди. Машинада кетаётиб, ишхонасидан қўнғироқ бўлди. Онаизорига машинада бирпас ўтириб туришни илтимос қилиб, ўзи шошганича идорага кириб кетаётганида тиланчи чолни кўриб, индамай ўтиб кетишга қўнгли бўлмади. Мана

бир йилдирки, шу чол ҳар куни эрталабдан кечгача ана шу қайрағоч остида ўтиради. Ҳар гал салом бериб, садақа узатганида уни узундан узоқ дуо қилади.

–Тоҳирбек, ўғлим...

Тоҳир бир зум тек қотиб, орқасига қайрилди.

–Сиз менинг отимни қаёрдан биласиз, ота?

–Ота деган тилларингдан ўргилай. Мени кечир, болам. Сен менинг яғонамсан.

–Тушунмадим, нима деяпсиз?

–Доимо соғ бўлсанг бўлгани,.. – чолнинг елкалари титради.

Меҳрибон ўғлининг тиланчи чол билан суҳбатлашиб турганини кўриб, ўша томонга тикилиб қаради. Кўзига чол жуда ҳам таниш кўринди. Машинадан тушиб, секин уларга яқинлашди-ю, кўз олди қоронғилашиб кетди. Ўғлига термулиб ўтирган тиланчи чол Ақром эди...

2008 йил

ЕТИМНИНГ ҲАҚИ...

Тошкентга келган Адҳам қишлоқдоши Назифани учратиб, унинг уйини сотишини эшитгач, ажабланди.

– Эҳ, ҳаёт шу экан, Адҳам ука. Туғишган ака-уканг ёрдам бермагандан кейин бегона юртда ишсиз кун кечириш осон эмаслигини ўз бошимдан кечирдим, - дея хўрсинди Назифа. – Уч бола билан Тошкентда яшаш осон эмас. Бу ерда ҳар қадамнинг пул. Ишдан бўшагач, анча вақт янги иш тополмай қийналдим. Онам бекордан-бекорга ҳар келганларида юртингга қайт, дея бўзламайдилар. Уйни сотиб, шаҳарчага қайтмоқчиман. Нима бўлган тақдирда ҳам бу ерда уйлар қиммат. Уйим собиқ ётоқхона бўлса ҳам, унинг пулига шаҳарчадан иккита уй олса бўлади. Бунинг устига қизимнинг юраги касал. Шифокорлар зудлик билан операция қилдирмаса бўлмайди, дейишяпти. Кам–кўстимни тўғирлаб олсам, боламни даволатишга ҳам пул етади.

– Даврон акангиз кўчишингизга ёрдам берса керак? – Адҳам доимо ўйнаб турувчи нигоҳини аёлга тикди.

– Оҳ, дардимни кимга айтай. Ака-укам ҳам зўрга аравасини тортишяпти, улардан гинам йўқ, ҳадеб оғирлигимни уларга ташлайверишга уяламан. Қани энди раҳматли хўжайиним тирик бўлганда, бу ахволга тушмасмидим? Бу дунёда ёстикдошинг, ҳамдардинг, суянчиғинг бўлсин экан. Улғайиб, ота-она қанотидан учирма бўлгач, туғишган ака-ука, опа-сингилларинг ҳам оила ташвишлари билан бўлиб, ўз қобиғига ўралашиб қоларкан. Ҳозир замон ҳам шуни талаб қиляптими, билмадим, аммо одамлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилди. Нимасини айтай?!

Эндигина қирққа кирса-да, ғамга ботган, турмуш қийинчиликлари кўз четлари-ю, пешонасида из қолдирган, фарзандларини қорнини тўйдириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай тўғри келган ишни қилган аёлга тикилар экан, Адҳам миясида туғилган фикрдан мийғида жилмайиб қўйди. Меҳрга зор, ҳаёт зарбалари аямаган аёл бир қарашда ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера оладигандек кўринса ҳам, биргина ширин сўзнинг гадоси бўлади. Айнан бегоналар томонидан айтилган шу сўз, кўрсатилган арзимас меҳр, илтифот билан бундай инсонни хоҳлаган йўлга буриши мумкинлигини Адҳам яхши биларди. “Яхши сўзга илон инидан чиқар” деб доно халқимиз бежиз айтмаган. Адҳамнинг ҳаётдаги шиори ҳам худди шу мақол бўлиб, ўрни келганда у ўзини инсонпарвар, бева-бечорага беминнат ёрдам қўлини чўзувчи, саҳий инсон сифатида кўрсатарди. Буқаламундек ўз фойдаси йўлида тусини ўзгартириб, бойлик, пулга бўлган ҳирсини қондириш учун ҳар қандай жирканч ишдан ҳам тап тортмасди. Ўртамиёна шеърлар ёзиб, тўйларда ўртакашлик қилиб кун кўриб юрган Адҳам шаҳарчада студия очиб, санъатга қизиққан, қўлига тор олган бир-икки ёшнинг пулини қоқиш ниятида эди. Назифани

учратиб қолгани унга айна муддао бўлди. Унинг шеърларини “одамбашара” қилиб, китобини чиқаришга, юртдошлари ўртасида ҳам ижодкор одамлар борлигидан ич-ичидан фахрланиб, қўлидан келганча уларга ёрдам бериб юрган Назифа Адҳамни ўз укасидек кўриб, унга юрагини очганди.

– Назифа опа, уйни сотдингизми? Неча пулга? Қачон кўчмоқчисиз? Биздан нима ёрдам? Мендек укангиз бўла туриб, яқинларим ёрдам бермайди, холимдан хабар олмайди дегани уялмайсизми? Қийналганингизда бир оғиз кўнғироғингиз кифоя эди, учиб келардим. Ахир сиздан бир умр қарздорман. Сиз бўлмаганингизда Адҳам исмим элга танилмас эди. Камтарин каминани ҳақиқий шоир қилдингиз. Ҳар куни эрталаб бомдодда сизнинг ҳақингиз учун дуога қўл очаман. Сизнинг ва жиянчаларимнинг соғлиғини худойимдан сўрайман. Нима десангиз мен тайёрман.

Адҳамнинг сўзларидан Назифанинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Ҳеч қачон яхшилик ерда қолмас деб шуни айтсалар керак-да, деб ўйлади.

– Уйга биттаси “заклад” бериб кетган эди. Пулни олаётганимда ёнимда эркак бўлса яхши бўларди. Ҳар хил одам бор. Ҳар қалай эркак одамнинг салобати бўлади. Бундан ташқари харидорлар пулни ярмини ҳозир, уйни номимизга ўтказганингиздан кейин қолганини берамиз, деб туриб олишган. Шунга бошим қотиб турувди.

– Опа, сиз кўп қайғурманг. Улар билан ўзим гаплашаман. Қайси аҳмоқ пулнинг ярмини олиб, уйни унинг номига ўтказди. Кейин қолганини умрингизнинг охиригача ололмай-сиз-ку! Мен шаҳарчага биров бориб келай. Ўзим муаммоларингизни ҳал қилишга ёрдамлашаман. Ахир қиёматли опамсиз-ку!

Адҳам ваъда бергандек, талашиб, тортишиб, Назифага уйнинг пулини тўлиқ олиб берди. Кетиш олдидан тинмай уни алқаётган аёлга кўчишдан олдин юртидан уй олиш кераклигини уқтирди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас шаҳарчадан уч хоналик кенг, шинам хонадонга эга бўлган Назифанинг қувончи ичига сиғмас, таъмирсиз, хароб уйларда яшаб келган фарзандлари ҳам у хонадан бу хонага ўтиб, қувончидан кўзлари порлар эди. Шу орада Адҳам Назифага яна бир жўяли маслаҳат солди. У кўчишдан олдин, бир йўла янги уй учун мебел олиб кетишни айтган эди.

– Ҳаммасини бир йўла олиб кетасиз, ахир кейин келиб мебел олиб кетаман, десангиз йўлқираси икки баробар қимматга тушади, опа.

Унинг гаплари ҳақиқатлигини тан олган Назифа Адҳам билан пойтахтнинг “Отчопар” бозорига бориб, стенка, диван кресло, стол-стул, 40 ёшга кириб, янги пальто киймагани учун, ёз бўлишига қарамай мўйнади пальто харид қилди. Уйнинг пулини Адҳамга ишониб топширгани учун, барчасига “қиёматли ука” тўларди. Бунинг орасида шаҳарчадан атайин пул олиб келганини айтиб, Адҳам ётоқхонасига шифонер, студиясига стол-стул харид қилди. Назифанинг кўч-кўрони орасида Адҳамнинг юки ҳам “қиёматли опа”си ҳисобидан шаҳарчага етиб келди.

Туғилиб ўсган юртининг хавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар экан, Назифанинг кўзига ёш келди. Кунига уйдан меҳмон аримас, унинг пойтахтдан нега қайтиб келганини билишга қизикқанларнинг сони бисёр. Кимсан, нуфузли нашриётлардан бирида ишлаб юрган, таниқли шоира бежиз вилоятнинг чекка бир шаҳарчасига қайтмас? Албатта ё унинг иши юришмаган ёки бунинг бошқа сабаби бор? Кетма-кет ёғилаётган бу каби саволларга Назифа жилмайганча “юртимни соғиндим” дея қисқагина жавоб бериб кўяқоларди.

– Назифа опа энди қолган пулга шаҳарчадан яна бир уй олиб қўйинг. Нима бўлган тақдирда ҳам кўчмас мулк, доимо нақд пул дегани. Хўп десангиз, икки хонали уй кўриб қуовдим. Эгаси 4000 кўкидан деганди. 3600 долларга туширдим. Нима дейсиз? Олайми?

Адҳамга инон-ихтиёрини топширган Назифа дунёда шундай дили пок, меҳрли инсонлар борлигига шукроналар айтганча, бош ирғади.

Адҳам Назифанинг уйида икки кундан сўнг яна пайдо бўлди. Уйни олганлигини, Назифани безовта қилмаслик учун ўзини номига расмийлаштирганини айтди. Бундан аёлни кўнгли оғрисида, елиб-югуриб унга ёрдам бераётган инсонга бир сўз демади.

– Икки минг доллар пул қолди, опа. Шундан мен 120 мингини олдим, эрта-индин жиянчага законний велосипед олиб бераман, - дея кўз қисди Ақром онасининг олдида жовдираб турган Илҳомга. – Ёлғизсиз, уйга темир эшик, деразага панжара қўйдирмасак бўлмайди. Биринчи қават, ҳар хил одам бор. Хўп десангиз, бир танишимда 150 мингга темир эшик, 100 мингга панжара бор. Ҳозирги нарх-навога солиштирадиган бўлсак, бу сув текин дегани. Арзонга қўйиб беради. Яна бир нарса, яхши-ёмоннинг гапи бор. Маслаҳатим қолган пулга тилла олинг. Худо хоҳласа, бир-икки йилда қиз чиқарсиз, ўзингиз ҳам бир бой хотинга ўхшаб юринг-да!

Адҳам ўзининг гапига сўйлоқ тишларини кўрсатиб “хи-хи” лаб кулди.

– Опа, намунча шу Адҳам акага ишониб бор пулингизни унга бериб қўйдингиз. Ҳамма уни “Адҳам фирибгар” дейди-ку, - деди қизи Адҳамнинг орқасидан эшик ёпилгач.

– Э, сен нимани ҳам билардинг. Бу уни кўролмаганларнинг гапи. Қара, бизга туғишгандан зиёда ёрдам берапти. Бўлар-бўлмас гапларга кўп қулоқ тутаверма, уқдингми?

Орадан бир йил ўтди. Назифанинг пули тугаб, дастурхонидан гўшт аригач, секин-аста қон-қариндошлар, шу жумладан Адҳам ҳам қорасини кўрсатмай қўйди. Илҳом деярли ҳар куни онасидан Адҳам ака унга қачон велосипед олиб беришини сўрар, боласининг сўроқларидан безган Назифа уни силтаб ташлаб, Адҳам гўшакни кўтармагач, баттар хуноби ошарди. Бунинг устига Адҳам олиб берган икки хонали уйга қўйилган ижарачилар ҳам ижара пулини бермай қўйишди. Улардан ҳеч бўлмаса ўтган уч ойлик пулни ундириш мақсадида Назифа йўлга отланди. Аммо эшикни тақиллатиш ҳам, уриш бесамар кетди. Уйда ҳеч ким йўқ эди.

–Тақиллатманг, уйда ҳеч ким йўқ. Қўшнилари қишлоққа кетган.

Хаёлга чўмган Назифа қўшнинг овозидан чўчиб тушди.

–Шундай денг. Ижара ҳақини олгани келувдим. Қачон келишаркан, билмайсизми?

–Йўқ. Лекин бу уйнинг эгаси Ақром ака эмасми?

–Бу менинг уйим. Уни сотмоқчиман. Ижара пулини олсам, ҳужжатларини тўғирлардим.

–Қанчага? – Қўшни аёлни кўнгли гавдаси энди бутунлай остонада пайдо бўлди.

–5000 долларга.

–Вой-бўй, қиммат-ку. Ҳозир бунча пулга бу уйни олишмайди. 3000 га сотсангиз ҳам катта гап.

–3000 мингга сотолмайман. Ҳеч бўлмаса олган пулимни чиқаришим керак.

–Бемалол чиқади. Уйнинг олдинги эгаси 2600 долларга сотдим девди. Яна устига 400 ҳам қолади-ку.

Бу гапни эшитиб, Назифанинг кўз олди қоронғилашди. Бирдан кўз олдига Адҳамнинг иршайиб турган башараси кўринди. Хайрлашмай, зинадан пастга отилди. Қўшни аёл нима бўлганини тушуна олмай анграйганича Назифанинг орқасидан қараб қолди. Қанийди шу пайтда Адҳамни топса-да, ёқасидан бўғса, ахир келиб-келиб бечораҳол беванинг, унинг уч етимининг ҳақиқа кўз олайтирадими? Шунинг учун уй олишда ўзининг номига олган эканда. Бир йилдан бери ўғлини велосипед билан алдаб, 120 минг сўмини бермайди. Қўчиб келганида онизори Адҳам ҳам ўз юқини олиб келганини эшитиб, йўл ҳақини бўлишиб тўладиларингми, деганида Назифа волидасига тўнғиллаган эди. Бу ҳам етма-гандек, куни кеча тилла билан шуғулланувчи ўртоғи келиб, бундан 5 ой илгари Адҳам олиб берган тиллаларни кўрар экан нархини эшитиб, қойинди.

–Сени ўша одам нақд 300 минг сўмга алдабди. Тилла олмоқчилигингни билганимда ўзим ўз нархига олиб берардим.

Бу гапни эшитиб, Назифанинг юраги ханжар тилгандек ачишган эди. Бундан ташқари Тошкентдан харид қилган мебели-ю, кийимларини пулини харчанд ҳисобласа ҳам, сарфлаган пулдан кам чиқар, аёл аллақачон Адҳам студиясига мебел-у, ётоғхонасига шифонерини ўзининг пулига харид қилганидан шубҳаланмоқда эди. Бугун шубҳалари исботланди. Энди нима қилади? Додини кимга айтади?

– Сенга айтувдим шу фирибгарга яқинлашма деб. Бугун Адҳамнинг уйига борувдим. Янги темир эшик ўрнатибди. Бежиз уйингдаги темир эшик кўзимга таниш кўринмаган экан. Сенга янгисини пулига эскисини ўтказибди,- остонада калишини ечаётган онаизорнинг бу гаплари аранг ўтирган Назифани тамом қилди. Қизининг ранги оқариб, кўзида ёш милтиллаётганини кўрган Муҳтарама ая фарзанди томон интилар экан, “тилим курсин-а, шуни айтганимча тилим узилса бўлмасмиди” дея ўзини койиди.

Ўз қонун-қоидалари, ёмон-у яхшилиқни тарозига солувчи Яратган эгам ҳар бир бандасига ҳаётда танлаган йўли, қилмишига яраша жазо беради. Адҳам ҳам Назифани ишонувчанлигидан фойдаланиб, қўлга киритган 2000 долларида кўп қувонмади. Электр симларининг қисқа туташуви натижасида студияси бир кечада ёниб кул бўлди. Эски қўшиқ оҳангини ўзгартириб янгилаётган Адҳамни бир муддат уйқу элитган, ёнғин чиққанини сезмай қолган эди. Уйғонганида студия тутунга тўлган, олов аёвсизларча янги стол-стулу, қимматбаҳо аппаратураларини ямламай ютмоқда эди. Адҳам жон ҳолатда не-не умидлар билан олган аппаратураларини ташқарига олиб чиқиб, улоқтира бошлади. Компьютернинг токка тикилганини ёддан чиқариб симига ёпишган эди, усти куйиб, ичи очилиб қолган симлардан келган кучланиш уни икки метр нарига улоқтириб ташлади. Яхшиямки кўчадаги одамлар деразадан чиқаётган тутунни кўриб, унинг жонини сақлаб қолишди. Аммо ёмон йиқилганиданми ёхуд ток урганиданми ўнг қўли яхши ишламай қолди.

Орадан кўп ўтмай қизларининг Зухраси лойга тойиб, қўлини синдирди. Бунинг устига хотини билан тўйдан қайтаётганида тинмай ёғаётган ёмғирлар натижасидан таги бўшаганиданми ёхуд кўтарилган шамолнинг кучига бардош бера олмаганиданми катта қайрағоч қулаб, хотининг умуртқаси оғир лат еди. Шифокорлар Адҳамнинг “хотиним бутунлай соғайиб кетадими?” деган саволига бош чайқашар, келажакда Назокатнинг фақат ногиронлар аравачасида юриши мумкинлигини айтишганида эса, эркакнинг тиззалари қалтираб, секин девор ёнида турган ўриндиққа чўккан эди.

–Адаси, бир бечоранинг дилини оғритмаган, қарғишини олмаганмидингиз, нега орқама-кетин уйимиздан фалокат аримай қолди? - Назокат касалхонага кўргани келган эрига термиларкан, сўнги пайтлари қорайиб, озиб қолган Адҳамга раҳми келди. – Ишингиз ҳам ортга кетди. Тўйларга юрадиган гуруҳингиз ҳам тарқаб кетди. Келинг, яна бир фалокат бўлмасидан худойи қилиб, бирор одамнинг дилини оғритган бўлсангиз, унинг кўнглини олишга ҳаракат қилинг. Ахир иккита фарзандимиз бор. Худо кўрсатмасин...

Аёлининг гапларини тинглар экан, Адҳамнинг кўз олдида Назифа гавдаланди. Бошини куйи солганича касалхонадан чиқиб кетар экан, қайси юз билан ўзи алдаган аёлнинг олдида боришни ўйлар, Яратгандан унга бунинг учун куч беришини тиларди...

2009 йил.

НАДОМАТ ЎТИ

Абдукаримнинг онаси қазо қилганига мана салкам йигирма йил бўлиб қолди. Отасиз қолган олти фарзандни тунлари тандирга нон ёпиб, говмиш сигирнинг сут-қатигини сотиб катта қилаётган онаизор тўнғич ўғлини уйлантирди-ю, янги келин хизматидан оёқ узатиб баҳраманд бўлмасдан оламдан ўтди. Икки укаси ва уч нафар синглисига 20 ёшида ҳам ота, ҳам она бўлиб қолган Абдукарим аввалига гангиб қолди. Икки рўзгорнинг оғир

юки институтда таҳсил олаётган йигитни тунлари ухлай олмай тўлғониб чиқишга, кўшимча пул топиш учун ҳаётнинг мингта кўчасига киришга мажбур қилар, дарслар тугаши билан заводга чопар, тунлари эса дўкон омборхонасида қоровуллик қиларди. Ҳилола Абдукаримга турмушга чиққанида эндигина мактабни битирган, отаси қизидан сўраб ҳам ўтирмай, “қиз бола палахмон тоши” қабилида иш тутиб, узатган эди. Тўйдан сўнг уч ой ўтар-ўтмас қайнонаси қазо қилгач, Ҳилола рўзғорнинг ягона бекаси эканлигидан боши осмонга етди-ю, аммо бир чеккада юрагини ваҳима кемира бошлади. Тез орада амма–тоғаларининг ёрдами билан Абдукарим сингисини узатиб, укасини уйлантирди. Бу орада институтни имтиёзли диплом билан битириб, бошқармада иш бошлаган Абдукарим, жамоада тиришқоқлиги, ўз ишига талабчанлиги билан раҳбарият назарига тушди. Уни бош бошқармага ишга ўтказишга қарор қилишганида эса, йигит бош тортди. Буни эшитган Ҳилоланинг фиғони фалакка чиқди.

–Вой дадаси, эсингиз жойидами? Одамлар Тошканга ишга ўтиш учун неча минглаб пул сарфлашади-ю, сиз бўлсангиз оғзингизга тутган ошни туфлаб ўтирибсиз-а? Ўзингизни ўйламасангиз, бизни, болаларингизни, мани ўйланг. Қачонгача гулдай умримни хазон қилиб, шу қишлоқда ўтираман?

–Менсиз синглим-у, укаларим нима қилишади? Буёғини ўйладингми? Ахир уларнинг ҳаёти менинг зиммамда-ку?!

–Шу яқинларингиз деб, энди ўлиб кетасизми? Қишлоқдан вилоят марказига кунда ишга қатнаш жонингизга тегмадими? Иннанкейин улар иккаласи ҳам тоғангизникида яшашади.

Ҳилола Абдукаримнинг ранги ўзгариб, жаҳли чиқаётганини кўрди-ю, кўлидаги эмизикли боласини чимчилаб, чинқиратди. “Э, саниям овозинг ўчсин, бу уйда кўлим косов, сочим супурги бўлиб, шаҳар кўрмай ўлиб кетаманми?” деганича ичкарига кириб кетди. Хотинининг бўлар-бўлмасга ғингшийвериши, қишлоқдан 40 километр узоқда жойлашган вилоят марказига тонг саҳарлаб туриб ишга кетиши, кечкурун яна шунча йўл босиб, орқага қайтиши ёш бўлишига қарамай унинг ҳам тинкасини қуритаётган эди.

Тошкентга кўчиб келишлари билан Ҳилола батамом ўзгарди. Кечкурун ишдан чарчаб келган Абдукаримнинг олдига бир коса овқатни “тўқ” этиб қўяр экан, рўзғорда у йўқ, рўзғорда бу йўқ дея нолигани нолиган эди.

–Ахир куни–кеча бозор қилиб келган эдим. Икки кунда бир ҳафтага етадиган озиқ-овқат қандай тугаши мумкин?

Чарчаган Абдукаримнинг фиғони фалакка чиқди.

–Ишонмайсизми, ана музлатгични кўринг. Мен атайин ташлаб юбормайман-ку!

Ҳилола эри оғзини очмасидан бобиллаб берди. Энди у топармон–тутармон эрининг ишдан кеч келиши-ю, унга юз фоиз ишонишидан усталик билан фойдалана бошлади. Онасининг бот-бот «қолган икки укангни уйлантириш керак. Уйланган укаларингдан наф йўқ, сен ёрдам бермасанг, мен бир ўзим нима қиламан», дея гапиришларига чек қўйиш мақсадида эри унга ишониб топширган пуллар ичидан суғуриб, онасига олиб бориб бера бошлади. Ҳилола яна тўй ҳақида эрига оғиз очишга уялар, зеро икки укасининг тўйини бутунлай ўз зиммасига олиб, уларни уйлантирган Абдукарим, қолган қайинукаларига қисман ёрдам беришини айтган, аммо бу сафар уларнинг ўзлари ҳам озгина бўлса-да ҳаракат қилишлари лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Меҳнаткаш онаси тимсолида аёл зотини эъзозлаб катта бўлган Абдукарим хотинининг кўнглига қарашга интилар, баъзида унинг пул-у тақинчоққа ўчлигини кўриб, ичидан эзиларди. Зеро, Ҳилолада бошқа аёллар орзу қиладиган икки-уч хил тилла зираз-у, узуклар, тилла занжир бўлса-да қаноатланмас, дугоналарининг бирида янги тақинчоқ кўрса, эри худди ўшанақасини олиб бермагунча тинч қўймасди. Мободо айтгани бўлмай қолса, дарҳол ўзини касалга солар “ҳушидан кетиб”, икки-уч кунлаб “кўзини очолмай” ётарди.

–Ака, нега янгамга ўзингизни аҳмоқ қилдирасиз? Унинг ҳеч қандай касали йўқ. Эпелептик, яъни тутқаноғи бор бор одамда ўзига хос асоратлар бўлади. Шифокорман, буни яхши биламан. Янгам ёлғон касал, холос. 20 йилдан буён сизни аҳмоқ қилади, сал кўзингизни катта очсангиз-чи?

Даврон акасининг ҳорғин юзига қараб фиғони фалакка чиқарди.

–Қўй сен аралашма, янганга ўзи одам иси ёқмайди. Сен келиб турганингга яна қилиқ кўрсатаёпти. Қишлоққа қайтганингдан сўнг тинчиб қолади...

Орадан уч ой ўтди ҳамки, Абдукарим яхши-ёмон кунига йиғиб қўйган пуллари ҳақида оғиз очмаётганини кўриб, Ҳилола дадиллашди. Эрига билдирмасдан заҳира пулдан ўзига янги зирак, янги кўйлак сотиб олди. Кечкурун ишдан қайтган Абдукарим ўзини ёруғ юз билан кутиб олган хотинини кўриб, ишдаги асаб бузаргарчиликларни бир зум унутди.

–Бугун хурсандсан? Тинчликми?

Косадаги шўрвага нон тўғрар экан, Абдукарим савол назари билан хотинига қаради.

–Айтгандек, зирагинг ўзгарибдими?

–Ҳа, ануви, кўшнилари билан “черний касса” ўйнаётган эдик. Шуни пулига олувдим.

–Мен, аҳмоқ ўғлинг ўқишидан беш баҳо олгани учун қувонаяпсанми деп ўйлабман-а?

–Энди ўзимгаям нарса олабманми? Хурсанд бўлганимни кўролмайсиз-а?

Ҳилола лабини бурди-да, гурс-гурс кадам ташлаганча кўшни хонага чиқиб кетди, у ердан унинг 15 ёшли қизига бақиргани эшитилди...

–Ҳилола, жавондаги қутининг ичидаги пулнинг чўғи камми?

Абдукарим янги машина олиш учун йиғиб юрган пуллариининг чўғи камайганлигини сезиб, юрагига санчиқ кирди.

–Шунча пул қаёққа кетди?

Ҳилола эрининг авзойи бузуқлигини ўриб, каловланди.

–Билмасам... Кеча ҳаммаси турувди, шекилли. Янаям билмадим.

–Болаларингни чақир...

–Ота, мен пулга текканим йўқ... – Достон дам отасига, дам онасига жовдираб қарар, 17 га кирган ўғлининг аянчли аҳволда ўтирганини кўриб, Абдукарим ҳовуридан тушди. Қизларидан ҳам тайинли гап ола олмагач, хотинига юзланди.

–Қайси кўшнилари билан “черний касса” ўйнаганман, девдинг?

–Дадажониси, айб мендан ўтди.

Ҳилола эрининг тиззаларини маҳкам қучоқлаб, кечирим сўрай бошлади.

–Энди бошқа такрорланмайди. Марҳамат кўшни “зирагингни пасони эски экан” деганига янгисини олувдим. Сиздан пул сўрашга уялдим. Илтимос, мени кечиринг.

–Ўғирлашга уялмадинг, тўғрими? Ахир бу ҳаммамизнинг, оиламизнинг ризқи-ку? Сен болаларга қандай намуна кўрсатаёпсан, ланъати?

–Ҳа, энди шу уйнинг чўриси бўлиб қолавераманми? Битта янги зиракка шунча гапми? Ана Тўлғанойнинг эри хотинини зарга кўмиб ташлаган, нима янги чикса оберади? Сиз-чи?

–Наҳотки латта-путта-ю, такинчокқа ҳали ҳам тўймадинг? Уйда ўтириб бир марта бўлса-да болаларингни қандай ўқиётганлиги, нимага қизиқишини сўрадингми? Куни бўйи кўчада ўша ғийбатчи дугоналаринг билан гап сотганингча фарзандлар тарбияси билан шуғуллан, зериксанг ҳунар ўрган.

–Ҳали мани боқаётганингизга миннат қилаяпсизми? Вой шўрим курсин, вой сизга тегмай мен ўлай?

Ҳилола жазаваси кўзиб, сочларини юла бошлади. Сўнг ерга гурс этиб йиғилганича “хушидан кетди”.

–Ойи, ойижон, сизга нима бўлди?

Дилноза йиғилган онасини қучоқлаганича йиғлай бошлади.

–Эътибор берма қизим, ҳозир онанг ўзига кеп қолади.

Абдукарим елкасига чопонини илди-да, хона ўртасида чалқанча ётган хотинига эътибор ҳам бермай, кўчага чиқиб кетди.

–Ойи, кўзингизни очинг...

Бу сафар ҳунари иш бермаганини кўриб, Ҳилола уни қучоқлаб, додлаб йиғлаётган кизини кўлини итариб ташлаб, туриб ўтирди.

–Бўлди, овозингни ўчир. Аканг қани, айт, овқатни иситсин.

–Ойи, яхши бўп қолдингизми?

Дилноза ҳозиргина қимир этмай ётган онасининг ҳеч нарса бўлмагандай туриб, зардали гапиришига ҳайрон эди.

–Бор, айтганимни қил.

Ҳилола бошидаги рўмолини тўғирлади-да, аста дераза пардаси орқали кўчага мўралади. Эрининг сигарет чекаётганини кўриб, ўйга толди. Яқинда қўнғироқ қилган онаси синглисининг бешик тўйига пул кераклигини айтган, Ҳилола эри билан маслаҳатлашмасданоқ бешикликнинг ҳамма нарсаларини ўзи олишини айтиб катта кетган эди. Энди эри ўлса ҳам ортиқча пул бермайди. Ягона йўли “гап” ейдиган дугоналаридан қарз сўраш, аммо кейин қарзни қандай қайтаради? Балки кейинчалик қарз олганини Абдукарим акасига айтса, тушиниб, пулни қайтаришга ёрдам берар. Тўйга ҳам бир ҳафта вақт қолди. Ҳозир пул топмаса кейин кеч бўлади.

Ҳилола кизига қўшнига чиқиб келишини айтди-ю, яқин дугонаси Марҳаматхонникига югурди. Урумчидан мол олиб келиб, уйда улгуржи савдо билан шуғулланувчи Марҳаматхонда доимо пул бўларди. Бу сафар ҳам Ҳилолани очик юз билан кутиб олган қўшниси, уни хонага бошлаб кирди. Ҳол-аҳвол сўрашганидан сўнг, ошхонага чой қўйгани чиқиб кетди. Стол устида тахланган пуллар турар, бир қисми ҳали саналмаган шекилли, ярим ёйилган ҳолда ётарди. Пулни кўриб, Ҳилоланинг кўзи ўйнаб кетди. Бу орада эшик қўнғироғи жиринглаб, Марҳаматхоннинг “ким у” деган овози эшитилди. Эшик очилиб, йўлакда қўшнининг бегона аёл билан гаплашаётгани кулоққа чалинди.

–Ҳилолаҳон, узр, бирпас ўтириб турунг, клиентим кеп қолувди, ман ҳозир, – Марҳаматхон хонага мўралаб, узр сўради-да, бегона аёлни турли хил моллар тахланиб турган хонага бошлади.

Ҳилола эса пуллардан кўзини узолмас, айниқса стол четида турган долларлар кўзини ўйнатарди. Қўшни хонада молини мактаётган Марҳаматхоннинг овозига бирпас кулоқ тутиб турди-да, долларли боғламнинг орасидан бешта 100 долларлик пулларни суғуриб, кўкрагига беркитди. Бу орада яна эшик қўнғироғи жиринглади. Ҳилола фурсатдан фойдаланиб, “Мен очаман” деди-да, эшикка йўналди. Келган мижозни Марҳаматхон билан бегона аёл ўтирган хонага кузатиб, “Марҳаматхон, мен кейинроқ чиқарман”, деганича ўзини эшикка урди.

Ички ишлар бошқармасидан қўнғироқ бўлиб, терговга чакирилган Абдукарим хотини ўғрилиқда айбланаётганини эшитиб, бир нафас тек қотди. Ярқ этиб кўз олдида оёқларига чирмашиб, кечирим сўраётган Ҳилола, унинг орқасидан эса кўзлари жавдираб турган фарзандлари келди-ю, кўз олди қоронғилашди. Ёшгина терговчи йигит чойнақдан совуб қолган чойни унга узатди.

–Дўхтир чакирайми, ака. Мазангиз бўлмаяптими?

–Йўқ, раҳмат. Хўш, нима гап?

–Ҳилола Каримова сизнинг аёлингизми?

–Ҳа.

–У киши сизга айтмаганлар шекилли, кеча у билан суҳбатлашган эдик, чунки уни кўшнингиз Марҳаматхон Солиева ўғирлиқда айблаб, бизга даъво аризаси билан мурожаат қилган эди. Сизни бундан хабарингиз борми?

–Йўқ. Бу қандайдир англашилмовчилик бўлса керак.

–Балки, аммо жабрланувчининг барча кўрсатмалари, Ҳилола Каримованинг айбдорлигига ишора қиляпти. Сиз бунга нима дейсиз?

–Марҳаматхоннинг кўрсатмаси билан танишиб чиқсам бўладими?

Абдукарим чуқур тин олди.

–Албатта, ўғирлик содир этилган куни Ҳилолаҳон айнан пул турган хонада ўтирган, Марҳаматхонниқига келган бошқа аёллар эса у билан биргаликда қўшни хонада бўлишган. Ҳилолаҳон чиқиб кетганидан сўнг, уй эгаси пул йўқолганини билган.

–Аммо, уйда яна иккита бегона аёл бўлгани кўрсатмада айтиляпти-ку, балки уларнинг бири олгандир.

–Жабрланувчи доимо улар билан бирга бўлганини айтаяпти. Агарда аёлингизнинг айби исботланса, у Ўзбекистон Республикасининг 169–моддасига биноан жазоланишини биласизми?

–Менга қаранг, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор. Рухсат беринг, мен ўзим хотиним билан гаплашсам.

Абдукарим терговчи билан хайрлашди-да, кўчага чиқишга ҳам сабри чидамай йўлакдаёқ сигарет тутатди. Эрининг уйга эрта қайтганидан хавотирланган Ҳилола, югуриб унга пешвоз чиқди. Унинг ғазабдан қисилган, ўзига тик боққан нигоҳига бардош бера олмай кўзини олиб қочди.

–Яхши келдингизми, дадаси?

–Бу ёққа юр, – Абдукарим хотинини билагидан ушлаганча қўшни хонага бошлади.

Олдига пешвоз югуриб чиққан кичик қизига “оппоқ қизим, кўчада ўйнаб тургин, ойинг билан гаплашадиган гапимиз бор”, деганича, уни кўчага чиқариб юборди.

–Наҳотки шунчалик пасткашликка бординг? Майли, мени ўйлама, аммо фарзандларинг энди кўчада қандай бош кўтариб юришади? Қўшниларнинг ана ўғрининг боласи деган таъна тошига қандай чидайди?

Ҳилола бир зум эрига тикилиб, олдингидек, ўзини касалга солиши иш бермаслигига кўзи етиб, хужумга ўтди.

–Синглимнинг бешик тўйига нарса олиш учун сиз менга пул бердингизми? Бор-йўғи битта коляска кўтариб бориш уят-ку? Ахир катта опасиман, бунинг устига сиз ҳам ўлар жойда эмассиз?

–Ҳали сен ўғрилиқ қилиб обрў топмоқчи бўлдингми? Майли, уйдаги пулни олганингда индамадим? Наҳотки шунча йил яшаб, ёлғончи, товламачи, ўғри эканлигингни билмаган эканман-а? Эҳ,.. - Абдукаримнинг қўллари мушт бўлиб тугилиб, овози титраб кетди... - Сен билан бир кун ҳам бир уйда яшамаган бўлардим. Йигирма йил мени касалман деб алдаб келдинг. Болалар сендан нимани ўрганди? Бирортаси аъло баҳога ўқимайди. Фойдали иш билан шуғулланмайди. Бежиз ота-боболаримиз “онасини кўриб, қизини ол” демаган. Бердиқул амаки тоғамга айтган эди-я, “онасининг қўли эгри, худо кўрсатмасин кизи ҳам шундай бўлиб чиқса, Абдукаримни шўрини қуритади”деб, эссиз, унинг гапига кулоқ солмаганимга йигирма йилдан буён пушаймондаман. Болалар бўлмаганда эди..

–Болалар бўлмаганда нима қилардингиз? Ажрашармидингиз?

–Ҳа, ажрашардим, сен билан яшагандан кўра... Эҳ...

Абдукарим эшикни шарақлатиб ёпганича чиқиб кетди.

* * *

–Соат саккиздан ҳам ошиб кетди. Иш тугаганига ҳам икки соат бўлди. Нима бало, ишхонада ётиб қолмоқчимисиз, Абдукарим ака?

Қувондиқ хавотир билан бўлим бошлиғининг уйқусизликдан ич-ичига ботиб кетган кўзларига, тунд юзига боқди.

– Тинчликми? Ё яна янгам билан урушдингларми?

–Э, ҳаммаси жонга тегди. Ажрашмасам бўлмайди, шекилли. Уй эмас, дўзах. Умуман уйга боргим келмайди. Аммо болалар...

–Шунга ҳам сиқиласизми? Ҳамма оилада бўладиган гап-ку. Рўзгор жанжалсиз бўлмас, эркак одамнинг иши эса рўзгорнинг посонгисини топиш, дердилар раҳматли бувим. Мана биз посонгисини топиб юрибмиз!

–....

–Абдукарим акажоним-эй! Бирортасини топинг. Жанжал куни тинчгина уникига борасиз, дилингиз ҳам, ўзингиз ҳам ором оласиз. Янгам ҳовуридан тушса, яна ҳеч нарса бўлмагандай қайтасиз. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам...

–Нима, бошпана бериб, дам олдирадигани кўчада сочилиб ётган эканми? – бу сафар Абдукарим компьютер мониторида илк бора нигоҳини олиб, Қувондиққа қаради.

–Вой, манави одамни қаранглар. Қайси замонда яшайсиз ўзи? Компьютер деган жониворни фақат ҳисобот ёзиш-у, статистик маълумотларни тартибга солиш учун чиқармаган. Интернет деган нарса мавжуд. Унда танишув сайтлари бор. Бирортасига кирсангиз, хоҳлаганини танлаб оласиз.

–Жинни бўлганмисан? Ўша сайтда таниш-билишлар кўриб қолса, нима деган одам бўламан?

–Унга ўзингиз номингиз билан рўйхатдан ўтишингиз шарт эмас. Бирор бошқа ном топса ҳам бўлади. Масалан, Абутолиб! Қалай?

–Балосан-да...

Шу куниёқ Қувондиқ Абдукаримнинг янги номи билан танишув сайтларининг биридан рўйхатдан ўтди. Эртадан кечгача иш билан банд бўлган Абдукарим Тошкентнинг ўзида шунча эр қидираётган, яқиндан танишиш, “дўст” бўлиш мақсадида виртуал маконда кезиб юрган аёллар борлигидан беҳабарлигини кўриб, Қувондиққа ажабланиб қаради.

–Айтмадимми сизга?! Қаранг, манови кўҳликкина экан, эргаям тегмаган экан. Танишайлик, деб ёзинг-чи..

–Йўқ, буниси бўлмайди. Эридан ажрашгани маъқул, шекилли. Қиз болани иккинчи хотин қилиб, кейин бошим балога қолиб юрмасин...

–Унда мановисига хат ёзамиз. Ўқитувчи бўлиб ишлар экан, фарзандли, турмуши бузилган экан, маъқулми?

Интернетдан янги таниш излаш билан иккаласи ҳам тун ярмидан оққанини ҳам билмай қолишди. Танлаган аёлларидан бирин-кетин жавоб хати келиб, баъзиларининг ўзлари учрашувга таклиф ҳам қилишди.

Биринчи учрашган аёли – ёши 30 лардан ошган жувон эди. Аёлнинг кибрли қараши Абдукаримга ёкмади. Ўз навбатида жувон унга бошдан-оёқ синчиклаб разм солар экан, муддаога кўчиб қўя қолди.

–Уйлаиш ниятингиз холисми, Абутолиб ака? Майли, иккинчи хотинликка розиман. Фақат бир неча шартим бор. Фақат ҳафтада бир марта келасиз. Мени тўлиқ таъминлайсиз. Ота-онам билан тураман. Ўзингиз биласиз, келиб туришингиз учун алоҳида квартира керак. Мени кўчада қолдирмассиз, деган умиддаман?!

–Ҳа, албатта. Ўйлаб кўрай, сизга ўзим қўнғироқ қиламан...

Абдукаримнинг учрашувдан қайтишини сабрсизлик билан кутиб турган Қувондиқ, бошлиғи хонага кириши билан унга савол назари билан қаради. Абдукарим ҳамкасблари ўртасида сир бой бермай, секин бошини чайқаб қўйди. Кечкурун ишхона бўшаб қолган маҳалда, иккаласи яна Интернет узра “танишув саёҳати”ни давом эттиришди.

–Мана шу ўқитувчи маъқулми, дейман ака. Шунга қўнғироқ қилиб кўринг...

Нафосат Абдукаримга бир қарашдаёқ ёкди. Аммо унинг оиласи, фарзандлари борлигини эшитиб аёл рад жавобини берди.

–Мен турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Фарзандларимга собиқ турмуш ўртоғим мутлақо оталик меҳрини бермаган. Сиз ўз фарзандларингизни ташлаб, қандай қилиб ме-

нинг кўнгли ярим болаларимни қалбини бут қилмоқчисиз? Кейин, мен иккинчи хотин бўлиш ниятим йўқ. Бировни бахтсиз қилиб, бахт қасрини қуриб бўлмайди.

–Мен хотиним билан ажрашаман, болаларим билан эмас. Уларни тўлиқ таъминлаб тураман. Сиз менга жуда ҳам ёқдингиз, йўқ деманг.

–Ахир менинг кимлигимни билмайсиз-ку, Абутолиб ака. Биринчи марта кўриб турган бўлсангиз...

–Ўйлаб кўринг, сиздан олдин биттаси билан учрашган эдим. Сиз бошқачасиз... Агар йўқ десангиз, барибир бошқасига уйланаман, чунки хотиним билан ажрашиш ниятим қатъий. Мен шошилтирмайман. Бир бор ўйлаб кўринг... Ҳа, айтгандай менинг асл исмим Абдукарим, Абутолиб эмас...

Нафосат билан танишув Абдукаримнинг ҳаётига нур олиб киргандек бўлди. Қувондиқнинг маслаҳати билан уни албатта хотини билан ажрашишига ишонтира бошлади. Кеч-қурунлари бирга овқатланиш, машинада шаҳар бўйлаб сайрлар, узундан узоқ суҳбатлар, энг аввало фарзандларига Абдукаримнинг бўлган эътибори собиқ эридан бир томчи ҳам меҳр кўрмаган Нафосатнинг қалбини юмшатди. Туғилиб-ўсган шаҳарчасида қолган отасининг қабрини бирга зиёрат этишган кун эса аёлнинг қалбида Абдукаримга нисбатан уйғонган меҳрни муҳаббатга айлантирган бўлса, ажаб эмас. Ўша куни қабристондаги сукунатни фақатгина аллақайси қушнинг ғалати овози аҳён-аҳён бузарди.

Абдукарим қабр бошига чўккалаб, тиловат қилгач, тош қўйилган мармарнинг бир-икки жойи кўчганлигини кўриб, Нафосатга:

–Қабр таъмирталаб бўлиб қолибди., ямаш керак, –деди.

Тошдаги отасининг қадрдон юзига термилиб турган аёл, хўрсинганича индамади.

Иккаласи қабристондан чиқиб, машинага ўтиришди. Бир оз юргач, Абдукарим ёнида ўтирган паришон ҳолатдаги Нафосатга юзланди:

–Бугунги ишни эртага қўйма, деган. Мен ҳозир.

Машинани қурилиш моллари дўкони ёнида тўхтатиб, бир зумда ичкаридан қурилиш хом-ашёларини кўтариб чиқди. Машинани ўт олдириб, қабристон томон бурилди. Енгини шимариб, қабрнинг кўчган жойларини ямаётган Абдукаримнинг хатти-ҳаракатини кўриб аёлнинг кўзига ёш келди. Собиқ эри қайнотасини қабрини зиёрат қилиш тугул, бирор маротаба ҳам уни “дада” демаган эди...

Тошкентга қайтган кундан бошлаб Абдукарим қайтадан туғилди, гуё. Дунё ҳам кўзига барча ранглари билан жилваланиб кўрина бошлади. Тез орада Нафосат билан никоҳ ҳам ўқитишди. Нафосат қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо Абдукарим ажрашиш бўйича судга ариза ташлаб келганини айтиб, аёлни тинчлантирди.

–Абдукарим ака, янги ҳаётимни ёлғон билан бошланишини истамайман. Ажрашганимдан сўнг бир ҳамкасбим билан яқин муносабатда бўлган эдим. Аммо ҳозир бунга барҳам берилган.

–Ким у?

–Исми Анвар. Аммо мана уч ойдирки, ўртамизда ҳеч нарса йўқ..

Абдукарим ўзига хавотир билан тикилиб турган Нафосатга қараб турди-да, уни секин бағрига тортиди.

* * *

Турмуш ўртоғидаги ўзгаришдан шубҳаланган Ҳилоланинг юрагига қурт тушди. Борган фолбинлари шубҳаларини тасдиқлаган сари ваҳимага туша бошлади. Наҳотки, эри ундан ёшини топган бўлса? Икки-уч кунлаб уйга келмай қўйгани бежиз эмас. Бозор қилиб, болаларни кўчага чақиради-да, эшик олдидан орқасига қайтади. Ишхонасига бориб каттаконига арз қилсамикан?

Ҳилоланинг боши қотди. Охири эрининг ишхонасига боришга қатъий қарор қилди. Аммо қанча бақириб чақирмасин, эшик олдидан ўтирган милиционер уни ичкарига қўймади. Эри ҳам иш билан кўчага чиққан шекилли, қораси кўринмади.

Ҳамкасбларидан Ҳилоланинг келиб, жанжал қилганини айтган эшитган Абдукарим уйга кириши билан хотини ўзини касалга солди. Эрининг ювиниш хонасига кириб кетиши билан телефонини титкилади. Қайси бири экан-а? Манови шекилли. Нафосатмикан ўша қанжиқнинг исми. Эрига қайта-қайта қўнғироқ қилганига қараганда, шу шекилли?

Нафосат қўл телефонини кўтарган заҳоти нотаниш аёлнинг зардали овози эшитилди.

–Менга қара, қанжиқ. Сенга бериб қўядиган эрим йўқ. Унинг тўртта боласи бор, билдингми?

–Кимсиз ўзи?

–Абдукаримнинг хотиниман. Агар эримни тинч қўймасанг ўғлимга айтиб сени сўйдираман, тушундингми?

Ўшакдан эшитилаётган ҳақоратлар-у, таҳдидлар аёлнинг тинч ҳаётига нуқта қўйилганидан дарак берарди. Телефонини ўчириб қўйиб, эртасига зарурат юзасидан уни қайта ёққан Нафосат, энди интернет орқали жўнатилган худди шу мазмундаги sms хабарларини ола бошлади. Тоқати тоқ бўлиб, бу воқеани Абдукаримга айтди.

–Шундай бўлишини билар эдим. Узр, рақамингни телефонимдан олибди. Ўзини эса жазаваси қўзиб, синдириб ташлади. Мана сенга бошқа сим карта олиб келдим. Эски рақамингни ўчириб ташла.

Абдукарим икки ўт ўртасида қолганини англаб етди. Нима қилиб қўйди ўзи? Ўзининг тинчлигини ўйлаб жаннатни излаб, дўзахга тушди, шекилли. Бунинг устига уйда Ҳилолага бегона эркалар тез-тез қўнғироқ қилиб, уни учрашувга таклиф этишар, баъзида гўшакни кўтарган катта ўғли ижирғаниб, онасига тўнғилларди.

–Ҳа, отанг ўзига хотин топганида мен эр топа олмайманми? Менга ҳам қарайдиганлар бор.

Ғалванинг устига келиб қолган Абдукаримни кўриб Ҳилола буқаламун сингари тусланди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, чойга уннади.

Абдукарим ўғлининг тунд юзини кўриб, нима гап, деб сўради.

–Икки кундан бури онамга қандайдир эркалар телефон қилишади. Интернетдаги танишув сайтиданмиз, дейишади.

Абдукаримнинг юраги музлади. Наҳотки 20 йиллик турмуш ўртоғи шу даражага борган бўлса? Майли, ўзи эркак. Ахир унда ҳаё бўлиш керак-ку?

Ота-онасининг жанжалидан беғиз қолган Абдухолик индамай кўчага чиқиб кетди. Ҳилола эрининг авзойи ўзгарганини кўриб, ўзини унинг оёғига ташлади.

–Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Буни ўша хотинчангиз қилган. Мен интернет нималигини тушунмайман-ку.

Уйдан чиқа солиб, Нафосатнинг олдига келган Абдукаримнинг саволидан Нафосат ҳайратга тушди. Бир аччиғи келиб, бир кулгиси кистади. Ичида Ҳилоланинг кирдикорларига тан берди.

–Абдукарим ака, танишув сайтида хотинингиз номидан рўйхатга ўтганим йўқ. Ишонинг.

–Аммо у интернетни тушунмайди. Агар ростанам ҳам шундай қилган бўлсанг, сайтга кириб ўчириб ташла. Болаларимга ёмон таъсир қиляпти.

–Ҳилола интернетни тушунмайди, денг. Унда интернетдан мени ҳақоратлаб, таҳдид қилиб хабар жўнатган ким? Балки ўзингиздир? Кейин мен сизнинг уй телефонингизни билмайман-ку.

–Аммо сенга телефонимиздан смс жўнатган-ку.

–Уй телефонидан смс хабар жўнатиб бўлар эканми? Гапингизни ўйлаб гапираяпсизми?

Шу воқеадан сўнг икки ҳафта тинч ўтди. Бўлган воқеани унутаёзган Нафосат, Абдукарим билан биргаликда кечириётган ширин ҳаётдан маст эди. Биргаликда турмуш ўртоғининг дўстлариникига меҳмонга боришди. Бухорои шариф, азим Самарқанд шаҳарларида азиз-авлиёлар, буюк аجدодлар қабрларини зиёрат қилишди. Тошкентга қайтиш-

лари билан Нафосатнинг уй телефонида яна Ҳилоланинг таҳдидлари ёғила бошлади. Бу сафар улар Нафосатнинг болаларига қаратилган эди. Бундан хавотирга тушган аёл Абдукаримдан қатъий ажрашишни ё уни тинч қўйишини талаб қилди.

– Балки Ҳилола билан учрашиб, орани очиқ қилармиз.

Нафосат Абдукаримга қаради. Қанийди, ўша пайти аёл хатога йўл қўяётганини билганда эди.

– Маъкул.

Негадир бу фикр Абдукаримга ҳам ёқиб тушди. Учрашувни шаҳар чеккасига белгилашди. Абдукарим хотинини уйдан машинасида олиб келди. Нафосат таксида айтилган жойга етиб келди.

– Мендан нима истайсиз?

Нафосат ўзига ғазаб ва нафрат билан қараб турган ўрта бўйли, қошларига ўсма қўйиб, кўзига сурма тортган, шундай бўлсада ўзидан 4–5 ёш кичик бўлишига қарамай анча қаримсиқ кўринадиган Ҳилолага тикилди.

– Буни тўртта боласи борлигини, биттаси ногиронлигини биласанми?

– Ҳали сенлашга ўтмагандик, шекилли?

Нафосат гапини тугатмасданоқ юзига келиб тушган шапалоқдан бир зум гангиб қолди. Куракда турмайдиган гапларни айтганича, жазавага тушган Ҳилола унга ташланган эди. Ўзини ўнглаб олган Нафосат жавобан Ҳилолани уруши билан Абдукарим икки аёлнинг жанги яхшилиққа олиб бормаслигига кўзи етгач, Нафосатнинг кўлини маҳкам ушлаб олди. Пайтдан фойдаланган Ҳилола рақибасининг дуч келган жойига кўлидаги тош билан ура кетди. Бу орада жанжал бўлаётган жойга етиб келган йўл патрул ходими жанжалга барҳам берди. Ҳилолани машинасига ўтказган Абдукарим зудлик билан воқеа содир бўлган жойдан уйига олиб кетди.

– Ажрашиш ҳақидаги сафсаталарингиз бекор экан. Нега мени ишонтирдингиз, фарзандларимни ўқисик, ярим қалбини яраладингиз, ахир улар сизни “дада” деб бошлашган эди?

Нафосат ёнига қайтиб келган Абдукаримнинг “кийимларини олиб, ўз уйига қайтиб бормаса, Ҳилола сени тинч қўймас экан” деган гапларидан сўнг дағ-дағ титраганича, кўз ёшларини ичига ютарди.

– Менинг кўлимни ушлаб туриб, унга урдирдингиз? Яна уни олиб кетиб мени ўша ерга ташлаб кетдингиз? Мен сизга нима учун керакман, ўзи? Ушбу томошанинг нима кераги бор эди? Нима, мен билан никоҳ ўқитиб, хотинингизга хоҳласам бошқаси билан яшайман, хоҳласам сен билан, деб кўрkitмокчи эдингизми?

–....

Абдукаримдан жавоб ололмаган Нафосат икки ойлик эрининг кийимларини йиғиб, кўлига тутказди. Фарзандларининг икки уч бора “дадам қани?” деган саволига хўрсиниб қўя қолди. Орадан салкам икки ой ўтди. Қалбининг жароҳати ачишдан бир оз тўхтаб, кундалиқ ташвишларига шўнғиган Нафосат кечга бориб ўзини ҳолсиз сизди. Кўнгли айниб, бир зум кўз олди қоронғилашди. Учта ишда фарзандларини тўлиқ таъминлаш учун елиб-югурган Нафосат буни чарчоқликка йўйди. Аммо бу ҳолат ҳар куни такрорлана бошланди. Шифокор Нафосатнинг дилига ғулу солган фикрини тасдиқлади.

– Табриклайман. Ҳомиладорсиз. Бу нечанчи фарзандингиз?

– У-учинчи..

– Ҳали аниқлаш қийин-у, аммо ҳомиланинг ўзига хос ҳаракатидан ўғилга ўхшайди.

Нафосатнинг юраги ҳапқириб, тез-тез ура бошлади. Фарзандлари катта бўлиб қолган. У қанчалик шу фарзандни орзиқиб кутган эди. Абдукарим билан бахтиёр кунлари бу ҳақида неча бор гаплашишган эди. Аммо энди-чи? Ҳозир туғса, икки фарзандини ким боқади? Уларнинг ҳоли не кечади?

–Раҳмат. Аммо... мен.. кечирасиз. Менга ҳозир бола керак эмас. Уни олдириб ташламоқчиман. Қанчага бўлади?

–Вой, анави аёлни қаранг. Одамлар фарзандга етиша олишмайди-ю?! Ахир бу гуноҳ-ку. Ўзингиз соппа-соғ бўлсангиз. Бўлажак фарзандингиз ҳам соғ. Янаям ўйлаб кўринг. Хўжайинингиз билан маслаҳатлашинг. Ўзи ўғлингиз борми?

–Бор. Илтимос, айтинг, аборт қанчага тушади?

Нафосатнинг Абдукаримга қилган қўнғироқлари бесамар кетди. У ҳаётини алғовдалқов қилган, тўрт ой олдин кўкларга кўтариб, мухаббат изҳор этган аёлни унутган кўринарди. Ишхонасининг эшиги остида уч соатлар чамаси Абдукаримни кутган Нафосат, унга ҳолатини тушунтириб, sms хабар жўнатди. Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас Абдукарим қайтиб қўнғироқ қилди.

–Наҳотки рост бўлса? Алдамаяпсанми? Қаердасан? Ҳозир олдингга бораман.

Учрашув иккаласига ҳам қувонч бахш этмади. Абдукарим оиласини ташлаб кета олмаслигини тан олди.

–Аммо бу болани боқиш учун бор кучимни сарфлайман.

–Лекин менинг икки фарзандим-чи? Уларни ким боқади? Улар ҳам менинг фарзандим!

–Мен фақат.. Хўш, унда нима қилмоқчисан?

–Аборт қилдирмоқчиман.

–Афсус. Мен нима ҳам дердим. Ўзинг биласан.

Абортдан сўнг бир ойгача Нафосат ўзига кела олмай юрди. Тушига бот-бот ўзи умрига зомин бўлган ўғилчаси кирарди.

Шундан сўнг Абдукарим тинимсиз Нафосатникига кела бошлади. Аммо унинг фарзандларига кўринишдан қочар, иложи борица улар уйда йўқлигида аёлдан ҳол-аҳвол сўрарди. Орадан ойлар ўтди. Иккаласи ҳам ҳаёт измига бўйсинишган, Нафосат энди тақдирга тан бериб, бор кучини ўз фарзандларининг тарбиясига қаратган эди.

Бугун Нафосатнинг эрталабдан қувончи ичига сиғмайди. Туғилган куни. Бундан ташқари Абдукарим билан никоҳдан ўтишганига бир йил тўлди. Албатта, Абдукарим акаси бундай кунда уни ёлғиз қолдирмас. Бошқа кунлари ишини баҳона қилиб, учрашувлари тобора сийраклашиб бормоқда эди. Эрталабдан яқинлари, ҳамкасбларидан табрик қўнғироқлари ва sms хабарларини олган Нафосатнинг вақт ўтган сари кайфияти туша бошлади. Кун кеч бўлди ҳамки, севган инсонидан дарак бўлмади. Охири тоғати-тоғ бўлди. Ўзи унга қўнғироқ қилди.

–Ҳа, яхшимисан? Узр, олдингга ўтмоқчи эдим. Қишга ёпарсан деб ўрик олиб кўйгандим. Ҳозир бирпасдан сўнг олиб борарман.

Гўшақда қисқа гудоклар эшитилди, Нафосат бўшашиб меҳмонлар олдига кирди.

–Тинчликми? Кайфиятинг йўқ, – синглиси опасига ҳайрон бўлиб қаради.

–Ҳа, тинчлик. Қани, дастурхонга қаранглар.

Шу куни Абдукарим кечроқ Нафосатникига келди. Бир яшик ўрикни машинадан туширар экан, унинг қўлига 30 минг сўм пул тутқазди.

–Узр, кела олмадим. Иш кўпайиб кетди. Мановини ол, болаларингга ишлатарсан.

–Йўқ, раҳмат. Ўзингизга ишлата қолинг. Менинг пулим бор.

–Нега кайфиятинг йўқ?

–Бугун туғилган куним эди.

–Эҳ, эсим курсин. Кечирасан. Мана буни ол, - Абдукарим чўнтагидан 100 доллар чиқариб Нафосатга тутқазди. - Ўзингга бирор нарса олиб, менга кўрсатарсан. Яна бир бор узр.

* * *

Ҳилола билан тўлиқ муносабатларини тиклаб олган Абдукаримга энди Нафосатнинг кераги йўқ эди. Унинг тинимсиз қўнғироқлари ҳам асабига тега бошлаганди. Нима бўлса ҳам ундан қутилиш зарур эди. Кўнгли синган аёлнинг бахтига чанг солганлиги, унинг

кўнгли ўксик тўрт фарзандининг қалбини яна бир бор жароҳатлагани эса хаёлига ҳам келмасди. Муносабатларга нуқта қўйиш учун қулай фурсат тез орада келди. Нафосат билан учрашган Абдукарим аёлнинг қўл телефонидаги хабарларни ўқир экан, Анвардан келган табрикни ўқиб авзойи бузилди. Чой қўйиб, дастурхон ёзиш тараддудига тушган Нафосатга:

–Мен Анвар билан муносабатларингга ҳалақит бермай, – деди.

–Тушунмадим,– Нафосат ҳайрон бўлганича тунд кайфиятдаги Абдукаримга қаради.

–Телефонингдаги Анвар билан ёзишмаларингни ўқидим.

–Сиз билан яшамаётганимни билиб, тез-тез кўнғироқ қиладиган бўлиб қолди. Аммо, мен сизга хиёнат қилганим йўқ..

–Менинг ўзимга яраша ғурурим, орим бор. Сенга жавоб. Уч талоксан.

Нафосатнинг кўз олди қоронғилашди. Бўшашиб, диванга ўтирар экан, хўрлиги келди. Аммо ғурури кўз ёшини шу кунгача ардоқлаб келган инсонига кўрсатишга йўл қўймади.

–Сиз ғурур, ор ҳақида гапирдингиз. Оилангиз жанжалидан чалғиш учун мени, фарзандларимнинг ҳаётини ўйинчоқ қилдингиз. Бунчалик баланд гапирманг. Ҳақиқий эркаклик ғурури билан ори ҳақидаги сўзларни билмасдан ишлатманг. Уларнинг маъносини билмас экансиз, изохли луғатни бир бор варақлаб кўрсангиз яхши бўларди. Мен никоҳни муқаддас биламан. Сиздан фарқли ўлароқ ҳеч кимни алдамадим, ҳаётини алғов-далғов қилмадим. Айбим, бахт учун интиланганим, оилангиз борлигини била туриб, сиз билан никоҳдан ўтишга рози бўлганим. Туғилмаган норасида гўдакни ҳаётига зомин бўлганим. Бунинг жазосини олишга тайёрман. Афсуски, севги кўзимни кўр қилган экан.

Абдукарим серрайганича бир зум котиб турди-да, шоша-пиша туфлисини боғичини боғлай бошлади.

–Менинг ҳам, сенинг ҳам болаларинг бор. Фақат мени қарғамасанг бўлгани.

–Сизни худонинг ўзи қарғаб қўйган. Оилада ногирон фарзанднинг бўлишини ўзи бундан далолат. Худоимнинг ўзи жазоласин сизни.

Эшикнинг шарақлаб ёпилгани овози Нафосатнинг бошига оғир гурзи бўлиб урилди.

Йиллар Абдукаримнинг қаддини букди. Ўзини ғолиб санаган Ҳилола эрини батамом менсимай қўйди. Энди уйда унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Кун ора жанжалдан безган Абдукарим фирмасининг офисида ётиб қоларди. Бунинг устига ўғли ўғрилиқ билан қамалди. Келини икки боласини олиб, отасиникига кетиб қолди. Турмушга узатган катта қизининг эри автоҳалокатда вафот этди. Кичиги куёви билан ажрашиб, фарзандлари билан уйига келиб ўтирибди. Хотинида ҳам саратон касаллигининг белгилари топилди. Шифокорлар унинг олти ой умри қолганини айтишди.

О фалак. Нақадар бешафқатсан. Бандасининг айтгани бўлмас экан. Барча орзулар сароб, охири хароб экан. Тафаккурнинг сири кўнгилда, кўнгил сири Тангрида. Инсон қалбини ўраб олган нафс пардаси Тангридан юз буришга, Аллоҳга бўлган самимийликни йўқолишига олиб келар экан. Инсоннинг ҳар бир қадами ўлчовли, ҳисобли эканлигини билмади. Наҳот буни олдинроқ тушунмади? Мана энди елиб-югуриб йиққан мол–дунёси ҳам кўнгил хотиржамлиги, фарзандларининг бахтини қайтариб бера олмаяпти. Етим невараларининг кўнглини бутламаяпти. Нима қилсин? Оҳини кимга айтсин.

Абдукарим хаёлга толганича, ухлаб ётган ногирон ўғлига термилиб ўтирарди. Юраги сиқилиб, ўзини ёлғиз, ўта бахтсиз ҳис қилмоқда эди.

2010 йил

ҚАСОСКОР АРИЛАР **(мистик ҳикоя)**

Баҳор келиши билан чечакларнинг ёкимли ифори борлиқни тутди. Болариларнинг ғунғиллаши, мусичаларнинг ку-кулаши, фасллар келинчагининг хушбуй сабоси инсонни маст қилар даражада. Акбар ота бу йил ҳам дарахтларнинг кўртаклари ниш уриб, жилғалар уйғониш қўшиғини куйлай бошлаши билан ари уяларини эски “Жигулиси”нинг прицепага ортганича йўлга тушди. Пахта гуллагунга қадар Молғузар тоғ этакларида унинг сеvimли арилари гулларнинг ширасини тўплайди. Бунинг натижасида олинадиган асал ўзининг шифобахшлиги, тилладек товланиши билан ажралиб туради. Июнь ойининг ўрталарида эса Акбар ота уйга қайтади. Арилари яна ишга киришишади, чунки айнан шу вақти пахта гуллайди. Пахта гулидан ҳосил бўлган асалнинг ранги бошқачарок, оқиш бўлсада, мазаси ўзига хос. Аммо ёши 60 дан ошган ота ҳадеганда кун тафтида сарғая бошлаган тоғ ёнбағирларини тарк этгиси келмайди. Бу пайти тоғдаги гиёҳлар қовжираб, арилари ҳам узоққа кетмай уялари олдида айланишиб қолишади. Меҳрибон эгаларидан уларнинг янги жойга кучгунга қадар озуқаси-шакар беришини кутиб, унинг атрофида учишади. Ёши кетган сари оёқлари ва белидаги боди қийнашидан безор бўлган ота, бундай пайтлари оёқларини куёшга тоблаган куйи, юз қисмини дарахт соясига яширганича роҳтланади. Бетига қўнаётган ариларга парво ҳам қилмайди. Улар ҳам ўзларига озор етмаслигини билиб, Акбар отанинг танасига қўниб олишади. Бу ҳолатни узоқдан кўрган инсон юзидаги ниқоби қимирлаётган, сояда чўзилиб ётган одамни кўриб, кўрқиб кетиши тайин. Ниҳоят Акбар ота ариларининг мунгли ғунғиллашига раҳми келибми, уяларни ортиб, орқага қайтади. Болалар учун эса Акбар отанинг қайтиши чинакам байрамга айланарди. Асали олинган мумкатакларни болажон ота келган ўғил-қизалоқларга тарқатар, уларнинг завқи келиб чайнашидан ҳузурланарди.

Бундай пайтлари отанинг уйдан маҳалладошлари аримайди.. Кимдир қишга асал сотиб олгани келса, кимдир бемор боласини даволаш учун икки қошиқ асал сўрайди, яна кимдир бу очик, дилкаш одам билан суҳбатлашгани киради. Акбар ота бундай пайтлари албатта иссиқ нон билан дастурхонга бир пиёла асал қўяди. Иссиқ нонни асалга ботириб еб, орқасидан кийик ўти солиб дамланган чойни хўплашга не етсин?! Аммо Акбар отанинг оиласи ҳақида гап бошланиши билан унинг кайфияти бузилади, саволлар жавобсиз ҳавода муаллақ қолганича, у суҳбатдошининг “Тинчликми, ота? Нега бирдан кайфиятингиз тушиб кетди?” дейишига ҳам қарамасдан, индамай суридан тушиб, уйга кириб кетади. Бундан мулзам бўлган меҳмон нима қиларини билмай, дастурхонга фотиҳа ўқиганча, бошини сарак-сарак қилиб, чиқиб кетарди. Шундан кейин кўни-қўшнилари билан бирортаси Акбар отадан оиласини сўрамай қўйди.

Бахрнинг илк кунлари Акбар ота ғойиб бўлди. Аввалига барча уни тоққа кетган деб ўйлашди. Аммо қўшнилари дарвозанинг очиклиги, боғда эса ари уяларининг турганини кўриб ҳайрон бўлишди. Чунки ота ҳеч қачон суюкли ариларидан ажралмас эди. Боларилар ҳам боғда дарахтларнинг гуллаганига қарамай, қандайдир хавотирли ғунғиллашар, уяларига яқинлашган одамни аёвсиз чақишарди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Акбар отанинг ён қўшниси, бутун маҳаллага ҳасислиги билан танилган Бердикул ари уяларини ўзининг боғига кўчирди. Қишлоқ оқсоқолига, ўзига савол назари билан қараган маҳалладошларига:

-Ота қайтиб келгунига қадар кимдир ариларга қараб туриш керак-ку? Ахир энг яқин, қиёмат қўшнисиман, инсоннинг бошига ташвиш тушганида ёрдам бермаса бўлмас, қабилида жавоб қайтарди.

Орадан яна бир hafta ўтгач, қишлоқда Акбар ота оиласини қидириб кетибди, хотини ўлган эмиш, унинг иккита ўғли бор экан, каттаси Акбар отани қидириб топиб, унга хат жўнатибди, деган миш-миш тарқалди. Бу гапларнинг бошида турган Бердикул хатни ўз кўзи билан кўрганини, Акбар ота унга ариларига қараб туришини қаттиқ тайинлаганини тўлиб-тошиб гапирарди. Орадан бир ой ўтгандан сўнг Бердикул Акбар отанинг ховлисини сотувга қўйди. Бундан ажабланган қишлоқдошларига Акбар ота “ховлини сотиб, менга зудлик билан пулини жўнат” деб кўнғироқ қилди, деди. Аммо биринчи харидорнинг орқасидан эшик ёпмасданок, Бердикулнинг остонасида қишлоқ милиция участкавойи Зафар билан туман ички ишлар ходимлари пайдо бўлишди. Бердикул уларга ўзига “Акбар ота ташлаб кетган” ховлининг хужжатларини кўрсатиб, унинг қаерга кетганини билмаслигини айтди.

-Кўшнингизнинг қаерга кетганини билмасангиз, ховлининг пулини қаёққа жўнатмоқчи эдингиз?

Ногоҳи одамни тешворай дейдиган милиция капитанинг саволи Бердикулни бир оз довдиратиб қўйди. Аммо у тезда ўзини қўлга олди.

-Қайдам? Нима бўлган тақдирда ҳам Акбар отанинг мол-дунёси омонат. Ўзим кейин кўнғироқ қилиб айтаман, девди телефонда.

-Сизга Акбар Солиев 12 апрель куни кўнғироқ қилган, шундайми?

-Ҳа.

-Аммо текширув натижасида сизнинг телефон рақамингизга бундай кўнғироқ туман телетармоқлар станциясидан қайд этилмаган?!

-У соткамга қилувди.

-Майли, текшириб кўрамиз. Қайси компаниядасиз?

-МТС..

Ички ишлар ходимларининг орқасидан эшикни ёпар экан, Бердикулнинг оёқ-қўли бўшашиб, ерга ўтириб қолди.

Шу кундан бошлаб Бердикулнинг уйида ғалати воқеалар юз бера бошлади. Акбар отанинг боларилари уни жуда ёмон кўриши аниқ бўлиб қолди. Чунки у ари уялари олдига яқинлашиши билан Бердикулга ёпирилишар, баданининг очиқ жойларини аёвсиз чақишарди. Бора-бора доимо ари нишларидан юз-кўзи шишиб юрадиган Бердикул қўшниларнинг пичингли, истехзоли гапларидан чўчиб, гузардаги чойхонага ҳам чиқмай қўйди.

Шу билан гуёки Акбар ота ва унинг арилари ҳақидаги гаплар тинчигандай бўлди. Аммо икки haftaдан сўнг содир бўлган воқеа унут бўлаёзган гапларни яна сув юзига қалқитиб, чиқарди.

Шу куни қишлоқ худди уйғоқ ари уясидек ғувилларди. Куни билан даштдан эмиш қидириб чарчаган, сувсаган, уйга қайтаётган сигир-бузоқ, қўйлар подасининг овози кечки салқинда турмуш ташвиши билан ғимирлаб қолган одамларнинг бақир-чақирлари, итларнинг вовуллаши билан кўшилиб кетган. Болалар, хотин-халаж қўлида хивчин билан ўз молини подадан ажратиб, уйига ҳайдаш билан овора. Шу пайт Бердикул дарвозасидан кўчага отилиб чиққан хотини Моҳира додлаганча ўзини кўшнисиникига урди. Моҳиранинг ёнига бир пасда тумонат одам тўпланди. Ҳамма бир-биридан нима бўлди? деб сўрар, аммо ҳеч ким тайинли жавоб беролмасди.

-Уйда...ҳовлида ... арвоҳ...

Тили зўрға калимага келган Моҳира шундай деди-ю, хушидан кетди. Одамлар қуёшнинг сўнгги нурлари ярмини ёритиб турган ҳовлига кириб, даҳшатдан қотиб қолишди. Ҳақиқатдан ҳам унинг ёруғ томонида жуссаси жуда ҳам Акбар отани эслатувчи, аммо бутунлай арилар ёпишиб олган танани кўришди. Бир қарашда шарпаннинг юзи, лаблари қимирларди. Қишлоқ оқсоқоли калима келтирганича аста шарпага яқинлашиши билан арилар ҳар томонга учиб кетишди. Шарпа ҳам ғойиб бўлди. Бир неча дақиқадан сўнг арилар боғдаги катта олма дарахти ёнида тўпланиши билан, яна шарпа жонланди.

Эртаси куни бутун қишлоқ ариларнинг ғаройиб хатти-ҳаракатидан хабар топди. Дарҳол милицияга хабар беришди. Бу сафар ички ишлар ходимлари қорамтир-сарғиш жунлари офтобда ялтираб, иссиқдан тилини осилтирган ит билан келишди. Ҳовлига кириши билан ит, боғ томон интилди. Ёшгина милиционер итнинг ипини қўйиб юбориши билан доимо атрофида арилар бесаранжом учадиган ўша катта олма дарахтининг тагига югуриб борди-да, ғиншиганича, олдинги оёлари билан ерни ковлай бошлади.

-Тезроқ бўлинглар, белкурак олиб келинглар.

Милиция капитанининг буйруғи бир пасда бажо келтирилди.

Тез орада у ердан Акбар отанинг жасадини қазиб олишди. Бу пайти шаҳардан уйига қайтган Бердикул ҳовлисидаги тумонат одам, улар ичида ички ишлар ходимларини кўриши билан қочишга шайланди. Аммо арилар худди уларга кимдир буйруқ бергандек, қора қуюн сингари Бердикулга ташланишди. Ҳеч ким улардан жон талвасасида бақираётган, ўзини у томондан бу томонга ураётган Бердикулни қутқариб ола олмади. Бир неча кундан сўнг Бердикул туман касалхонасида митти қасоскорларнинг юзлаб нишидан вафот этди.

Акбар ота иззат-икром билан, барча ислом қоидаларига амал қилинган ҳолда, жанозаси ўқилиб қабристонга кўмилди. Тез орада унинг қабри ёзнинг жазирама иссиқ кунлари бошланганига қарамай, яшил майса ва чечаклар билан қопланди. Ҳар куни унинг устида бир туда болариларнинг ғўнғиллаб учаётганини кўриш мумкин эди. Ўлиmidан сўнг ҳам боларилар эгаларига содиқ қолишганди.

2010 йил.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФОЛ ОЧГАНИМ ҲАҚИДА

-Биласанми Ноиля, ота-онам маҳаллада бош кўтариб, юра олмай қолишди. Синглим ўқишни битириб, Тошкентда қолган эди. Яқинда бир қўшнимиз у ерга иш билан борган экан, синглимни кўриб қолибди. Ёмон одамларга қўшилиб кетганмиш. Тақиқланган моллар билан савдо қилармиш. Э, худо, бизга нима бўлаяпти ўзи?!

Дугонам Наима кўзида ёш билан, чуқур хурсиниб қўйди. Унга қараб ичим ачиди. Наималарнинг оиласи қишлоғида энг ҳурматли оилалардан бири ҳисобланади. Оиладаги учта қиздан икkitаси аллақачон уй-жойли бўлишса-да, тақдирнинг тақозоси билан иккаласи ҳам бахтсиз бўлиб, эридан ажрашди. Ҳозир Ноила уч фарзандини елиб-югуриб ўзи боқмоқда. Доимо шиддатли, чаққон, йўқдан бор қиладиган аёл курсдошлар учрашувида мени чеккага тортиб, йиғлаб ўтирса-я!

-Қўй Наима, йиғлаш мутлақо сенга ярашмайди. Синглинг ўзи ёшлигидан олдидан келганини сузиб, орқасидаги одамни тепарди. Иккинчи ё учинчи курсиданоқ эрга бервориш керак эди. Кейин синглингни милиса ушламаган бўлса, унинг тақиқланган мол сотишини қўшнинг қаёқдан билибди?

-Ўртоғи шу ишлар билан шуғулланар экан. Товарни синглимдан олишибди, агар кўлга тушса хонумонимиз куйиб кетади-ку! Ҳаёт синовлари жуда ҳам аччиқ экан. Отам Нурия иккаламизнинг бахтсизлигимизни кўриб, кенжатойини райига қаради. Биласанку,

Нигина жуда ҳам эрка бўлиб ўсган, дадам доимо мени ўғилтойим деб эркалаб, унинг тизгинини ўзининг қўлига ушлатиб қўйганди. Мана оқибати, бугун сотади, эртага ўша ёмонларга қўшилиб ичади, чекади, индинига ўзини сотишдан ҳам тоймайди...

-Э, нафасингни ел учирсин-эй. Шартта Тошкентга бор-да, уни уйга қайтариб олиб келиб, кеч бўлмасидан эрга берворинглар.

-Айтишга осон, неча маротаба бориб, ижарада турган уйидан топа олмадим. Кечаси қаерда ётар экан, хайронман. Шундан кейин бу миш-мишларнинг тагида ҳақиқат борлигига ўзим ҳам ишондим. Онам бўлса адои тамом бўлганлар. Неча маротаба Нигинага телефон қилсак ҳам, олмайди. Доимо телефони ўчиқ.. Ё бошқа рақам олган ва бизга айтмаган ё... ишқилиб ўзига бир бало бўлмаганмикан...

Наима ўзининг гапидан ўзи чўчиб, кўкрагига туфлаб қўйди. Шу пайти ёнимизга келган курсдош қизлар бизни даврага тортишди..

Шу воқеадан икки ой ўтиб, Тошкентга ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларига ўқишга бордим. Кеч бўлганига қарамай ёз кунлари кеч бўлсада ҳаво иссиқ ва дим эди. Дарахтлардаги бирорта барг қилт ҳам этмайди-я! Иссиқ хонада зерикарли маърузани тинглаб, бошим ғувиллаганидан Миллий боғдаги кўл бўйида бироз ҳордиқ чиқариш ниятида, боққа қараб йўл олдим. Кўлнинг салқини одамни оҳанграбо сифатида тортади. Сув бўйига яқинроқ тушиб, куни билан пошнали туфлида толиққан оёқларимдаги туфлимни еча солиб, сувга тикдим. Оҳ, нақадар мазза! Жоннинг роҳати. Оёқларимдан танам бўйлаб таралаётган ажиб оромбахш куч, ниҳоят мени атрофга назар ташлашга ундади. Истироҳат боғида одам анчагина гавжум. Сув бўйида аксарият севишганлар бир-бирларига тикилганича чуғурлашмоқда. Йўлакларда болалар аравачасини итарган оналар, неварасини етаклаган бобо ва бувилар. Кимдир музқаймоқ ялаган, яна кимдир писта чакқан, кўлнинг нариги бетида таралаётган мусиқа, ёш-ялангнинг қийқириғи билан қўшилиб кетаяпти...

Дам олувчиларни кузатар эканман, пойтахтга келганимга ҳали бир ҳафта бўлмай туриб, уйимни, фарзандларимни, қишлоқдаги мактабимни соғинганимни ҳис қилдим. Бизнинг болалар сал эплаб, қаддини тутган кундан бошлаб рўзғорга қараша бошлайдилар. Мактабдан кела солиб кичиклар мол боқади, ўт юлади, катталар чорбоғда ишлайди, қизлар уй юмушларидан ортмайди. Шаҳарнинг болаларига мазза... Шу пайт ҳаёлимни ёнгинамга келиб ўтирган йигит билан қиз бузди. Кўз қирим билан уларга назар солар эканман, юрагимнинг аллақаси жиз этгандай бўлди. Қиз қуйиб қўйгандек Наимага ўхшарди. Фақат ёшроқ.. Агарда ростданам унинг синглиси бўлса, анча улғайибди. Талабалик йилларим Наималарникига меҳмонга борганимда Нигина ҳали ёш қизалоқ эди. Йигит эса ёз бўлишига қарамай костюм-шимда, аммо ўзини тутиши ғалатиноқ. Кўз қарашлари бежо. Улар паст овозда уч дақиқа нималарнидир гаплашгач, қиз сумкачасидан кичик елим қоғозга уроғлиқ нарсани олиб, йигитнинг костюмининг чўнтагига солиб қўйди. Йигит у ёқ бу ёққа аланглагач, уларни кузатиб турганимни сизди шекилли, тезда ўрнидан туриб, қиз билан хайрлашмай жўнаб қолди. Қиз сумкачасидан пулни чиқармай санагач, енгил тин олди. Бирдан ҳаёлимга келган фикрдан ўзим ҳам қувониб кетдим. Юзимга жиддийроқ тус бериб, қизга юзландим.

-Бу иш билан шуғулланманг. Охири вой бўлади. Исмингиз Н. ҳарфига бошланади. Тошкентлик эмассиз. Аслида Б... ҳарфидан бошланадиган қишлоғидансиз. Бу ерга биринчи мақсадингиз ўқиш учун келгансиз. Бу мақсадга эришгач, катта пулнинг ҳарорати сизни ўз домига тортган...

-Тўхтанг, тўхтанг. Сиз мени қаёқдан танийсиз. Нигинанинг ранглари оқариб, атрофга қараб қўйди.

-Мен сизни мутлақо танимайман. Истасангиз фол кўриб қўйишим мумкин. Фақат исмингиз ва ёшингизни менга тўлиқ айтишингиз керак.

-Фолбинмисиз... мен бўлсам... Нигина анча енгил тин олиб, мен томон сурилди.-
Кўринишдан эса мен сизни ё ўқитувчи ё шифокор, деб ўйлабман.

Ичимда унинг кузатувчанлигига қойил қолсамда, сиртимга чиқармай унинг юзига тикилдим.

-Исмингизни айтасизми?

-Нигина. Ёшим 27 да. Ҳақиқатда Б... қишлоқида туғилганман. Кўп нарсани тўғри айтдингиз, аммо энди мен бошлаган ишимдан воз кеча олмасам керак, бу мени ипсиз боғлаб қўйган. Бу тўрдан чиқиб кетишга уринсам, ҳамкорларим бор айбни бўйнимга илиб, мени қамокқа тикишади. Уларнинг қўли узун, ўзлари доимо сувдан қуруқ чиқиб кетишади. Мен эса...

-Сиз истасангиз чиқиб кетасиз. Бунга сизни яхши кўрадиган йигит ёрдам беради. Бу нарса фақат сизнинг иродангизга боғлиқ. Бунинг учун уйга қайтиб, ота-онагиздан кечирим сўраб, уларнинг оёқларига бош уришингиз керак. Сиз янаги йил турмушга чиқасиз ва хўжайинингиз ҳимоясида бўласиз. Кўзимга пагонли одам кўринаяпти....

Яна нима деб гап тўқишимни билмай, ўйлаб олиш учун кўзимни юмдим.

-Ҳа, пагонли одам... Агар зудлик билан уйга қайтмасангиз, тақдирингиз мутлақо бошқача бўлади. Сизни панжара ортида кўраяпман, атрофингиз эса сассиқ ботқоқ. Сиз ана шу ботқоққа сўқаяпсиз... Қолгани воқеалар худди тумандагидек, менга кўринмаяпти... Қора кўланка бостириб келаяпти.. Бу ажал...

Кўзимни очиб Нигинанинг юзига қарадим. Ранги докадек оқариб кетган эди.

-Ҳозир сиз ҳаётингиз чоррахасида турибсиз. Қайси йўлдан боришни танласангиз, тақдирингиз шундай бўлади. Аро йўлда қолишга ўзингиз сабабчисиз. Ёшликда жуда ҳам эркатой бўлгансиз, ота-онагиз сизни айтганингизни сўзсиз бажаришган, уларнинг бу меҳрибончилигидан усталик билан фойдалангансиз, сиз оилада кенжатой, икки қиздан сўнг учинчи фарзандсиз...

Киприкларим орасидан Нигинага тикиламан, у тахтадек қотиб, менинг оғзимга тикилиб турибди. Наимадан эшитган Нигинанинг феъл-атвори, қилиқларини таърифлашда давом этаман...

Гапириб бўлгач, Нигинанинг кўзида ёш кўрдим. У менга раҳмат айтганича, эътирозимга қарамай қўлимга пул тутқазди-да, шошилганича, чопиб кетди.

Бу воқеа уйга қайтгач ёдимдан кўтарилиб, ўз ташвишларимга бошим билан шўнғиб кетдим. Орадан уч ой ўтгач, Наима телефон қилиб қолди. Дугонамнинг овозида қувонч оҳанглари эшитиларди:

-Дугон, яхшимисан. Оҳим худога етибди. Нигина уйга қайтиб келди. Аввалги феъл-атворидан асар ҳам йўқ. Ҳозир бир йигит тинмай совчи қуяпти. Хотини билан ажрашган экан, ўртада бола бўлмапти. Ўзи ички ишларда ишларкан. Тўйга албатта кел. Нигинанинг айтишича бир фолбин аёл унга тўғри йўл кўрсатибди, яшаш манзилини олиб қолмаганига синглим жуда ҳам афсусда. Бўлмаса мен ҳам ўша фолбинга бориб, бахтимдан фол очирмоқчи эдим...

Дугонамнинг гапи шу ерга келганида, ўзимни аранг қулгидан тийдим. Тўйга албатта боришимни таъкидлаб, гўшакни қўйдим. Анчадан бери ўзимни бу даражада бахтиёр ҳис қилмаган эдим. Шу топда кайфиятим кўтарилиб, адашганга тўғри йўл кўрсатганимдан кўзимга олам мунаввар кўринар, синфдаги болаларнинг чуғур-чуғури ҳам бошимни оғритмай, қулоғимга мойдек ёқаётган эди...

2010 йил.

ФАРЁД

(мистик ҳикоя)

Қамишлар орасида дарёнинг ялаб ўтган кенг яланглигида қулоқларини чимирганича гоҳ оғзини ўтга текизаётган, гоҳ чўчиб, атрофга аланглаётган кийикни кўриб, оғзининг суви оқди. Қамишларнинг оҳиста шамолда чайқалиши унинг учун айни

муддао эди. Уларнинг шитирлашидан юргани билинмас, шамол эса ўлжаси томондан эсаётгани учун, унинг борлигини сездирмас, агар омади чопса ўлжаси бир неча дақиқадан сўнг ҳаётдан кўз юмишидан беҳабар эди. Тўқайдан ялангликка яна уч-тўрт кийик чиқди. Икки кўзичоғини эргаштирган она кийик деярли ўтламай, фақат чор-атрофни диққат билан кузатар, бу эса уларга яқинлашишига ҳалақит берарди. Олдинга яна бир қадам босди-ю, ўнг оёғини ерга босмай, қотиб қолди. Ана шу унинг хатоси бўлди. Она кийик паст овозда маъраб, кескин бурилди-да, болаларини эргаштирганича ўзини тўқайга урди. Унинг орқасидан қолган кийиклар ҳам эргашишди. Фурсатни қўлдан бой бермаслик керак. У бор кучини тўплаб, олдинга интилди. Икки кун оч юргани, бурнининг тагидан “овқат” кетиб қолаётгани алам қилди. Шу заҳотиёқ бундан бир неча дақиқа очик бўлган осмонда гумбирлаган овоз эшитилди. Орқа оёғи ёниб, оғриқ миясига урди-да, бир зум уни қарахт қилиб қўйди. Ҳозиргина атрофни равшан қилиб турган қуёш нурлари йўқолиб, зулмат ўз домига тортди...

-Тур болам алаҳлаяпсан, мана бу сувни ичиб ол.

Амаллаб кўзини очиб, бир неча сония қаерда ётганини тушунмади. Сўнг боши устида пиёла ушлаб турган бувижонисини кўриб енгил тин олди. Пиёлани олиш учун туриб ўтирмакчи бўлган эди, чап оёғидаги кучли оғриқ, инграб юборишига сабаб бўлди.

-Йўлчи, сенга нима бўлди болам? Бирор еринг оғрияптими?

Кўрпани очиб, оёқларига тикилди. Чап оёғининг тўпикдан сал юқори жойи қорайиб, яра ҳосил қилган. Худди ўқ тешиб ўтгандек бўлиб турган ярадан эса қон оқмоқда.

-Вой ўлай, ким сени бу аҳволга солди? Уйга келганингда соппа-соғ эдинг-ку? Бу яра қаердан келди? Қонни тўхтатиш керак. Ҳозир мен “Тез ёрдам” чақираман.

Сабиҳа ая югуриб, бошқа хоанага чиқиб кетди. Йўлчи эса туш билан руё ўртасида бўлиб, ҳали ҳам қарахт эди: “Нима бўлди ўзи? Менга ким ўқ узди. Нега мен кийикни овламокчи бўлдим? Бунинг устига тўрт оёқлаб кетаётган эдим, шекилли...”. Айтгандай, Ваҳобга телефон қилиш керак. Куни кеча Амударёнинг йўқ бўлиб кетган тўқайларини қайтадан тиклаш борасида ўтказилган экспедиция пайтида топилган Турон йўлбарсининг жасадини нима қилди экан-а? Уни яхшилаб текшириб кўрмагунча, музейга бериб юбормаслик керак. Ўзиям шу куни Ваҳоб билан иккаласининг роса омади келди-да. Илмий тадқиқот институтида бирга иш бошлашган, Ваҳоб Ўзбекистоннинг чўл зонасидаги тўқайларни тиклаш борасида илмий иш олиб бораётган бўлса, ўзи тўқайларда истиқомат қилган, XX асрнинг ўрталарида инсоннинг ваҳшийларча, эртанги авлодни ўйламай қилган хатти-ҳаракати натижасида йўқ бўлиб кетган жониворларни, хусусан турон йўлбарсининг ҳаётини ўрганаётган эди.

Экспедициянинг иккинчи куниёқ Қизилқумда бўронга дуч келишди. Шамол тингач эса, бундан ярим аср чамаси яраланиб, ташналикданми ёки кўп қон йўқотишданми ҳалок бўлган йўлбарснинг жасадига дуч келишди. Иссиқ, қуруқ қумда жасад айнан сақланган, ҳаттоки курт-қумурсқалар ҳам унинг терисига зиён етказмаган. Бу табиатнинг яна бир сири. Бўрон эса мана сенга менинг тухфам дегандай айнан унинг оёқлари остидаги жасадни очиб берди-я! Айтишларича, турон йўлбарсини сўнгги маротаба 1968 йилда Амударё бўйларидаги тўқайзорда кўришган экан. Йўлчи илмий ишини бошламасдан олдин кўпгина кекса овчилар, балиқчилар билан суҳбатлашди. Йўлбарсни кўрганлар унинг ўта ақлли, айёрлиги, бўйи икки метрдан ошиб, ингичка қора йўл-йўл чизиқлари ўзига ярашган, ёрқин оловранг рангдалигини сўзлаб беришганди. Унинг орзуси турон йўлбарсини қайта тиклаш, унинг бутун хужайраларини топиб, клонини яратиш. Шу орзусига етаман деб турганда, бу яра қаердан пайдо бўлди экан-а?

Йўлчининг ҳаёлларини эшиқдан кириб келган шифокор билан бувиси бузди. Шифокор диққат билан ярани кўздан кечирав экан, шубҳа билан йигитга қаради.

-Қизиқ, ўқ терингизни ялаб ўтган, аммо унчалик қон кўп кетмаган. Бирор одам билан урушмаганмидингиз? Дархол милицияга хабар бериш керак!

-Йўқ, йўқ. Мен ишдан тўғри уйга келдим. Бувим билан овқатландик. Кейин эса озгина компьютерда ишлаб, жойимга ётдим. Ишонинг, ҳеч қанақа яра йўқ эди. Қўрқинчли туш кўрдим. Уйғонсам, кўрпам қон.

-Кечирасиз-у, яхши йигит, ҳукук-тартибот органларига хабар бериш бизнинг бурчимиз. Бу чўпчакларингизни ўзингизни участкавойингизга айтасиз.

Шифокор шундай деганича ярани яна бир бор кўздан кечириб, унинг атрофларини спирт билан артиб, малҳам қўйиб боғлади.

-Ҳозир мен билан касалхонага кетасиз, у ерда ярангизни тикамиз, яхшиямки ўқ суякка тегмаган, фақат терини ялаб ўтган.

-Аммо, мен..

-Вой, болам, кимларга аралашдинг...

Сабиҳа ая кўзига ёш олди. Йўлчи бувисини тинчлантириб, оқсоқланганича шифокор ортидан тетик қадам ташлашга ҳаракат қилмоқчи бўлсада, ҳар оёғини босганда миясига урилаётган оғриқдан юзи буришганича эргашиди. “Тез ёрдам” бир зумда уларни касалхонага етказди. Девоклари оқ кафель билан қопланган хонада кушетка устига ётқизиб, Йўлчини “Тез ёрдам” шифокоридан қабул қилиб олган ёшгина йигит сирли жилмайганича унинг оёғидан докани еча бошлади. Сўнг... ажабланиб Йўлчига қаради:

-Яра қани, ака?

Вожабо, оёғи ҳамон ачишиб, оғрияётган бўлсада, ярадан ном-нишон қолмаган, фақатгина ўрни сал кўкариб турарди, холос.

-Ҳазил ҳам эви билан-да. Бурибой ака ҳам ўқ теккан деб криминал қилвордилар. Бугун биринчи апрель эмас эди, шекилли?

Шифокорнинг юзидан уни лақиллатишгани учун жаҳли чиққани шундоқ билиниб турарди.

-Мен кетаверайми?

Йўлчи йўқолган яранинг жойини пайпаслаб кўрар экан, шифокорга юзланди.

-Кетаверинг. Бўлмаса шу ерда ётиб қолмоқчимисиз?

Ҳеч нарасага тушунмаган Йўлчи енгил тин олганича, кўчага чиқди.

Сабиҳа ая неварасининг гапини эшитиб, калима қайтарди. Якка-ёлғиз неварасини ёмон кўзлардан асрашни илтижо қилиб дуо қилгач, Йўлчининг қистови билан ўз хонасига кетди. Бувисининг орқасидан эшик ёпилиши билан бўлиб ўтган воқеадан ҳали ҳам ўзига кела олмаган Йўлчи жойига чўзилди. Кўз ўнгида ҳамон турон йўлбарсининг жасади. Уни нега отган овчи ўзи билан олиб кетмаган? Ахир йўлбарс териси ҳар доим ҳам жуда қиммат турган-ку?! Ёки яралангач, йўлбарс тўқайдан қочиб чиқиб, чўлга яширинган. Бу пайти кум бўрони туриб, уни адаштирган. Кейин эса у қон йўқотиш-у, ташналикдан ўлган. Ёки кум бурони натижасида тўқай четида ёввойи жийда тагига судралиб етиб борган йўлбарсни кум босган. У нафас ҳолсизланиб, қон юкотишдан, очлик ва ташналикдан улган. Ана шу фикри ҳақиқатга яқинроқ. Чунки жасаднинг олдида йиқилган жилон жийданинг танаси ҳам бор эди-ку!

Ҳаёллар билан кўзи илинганини сезмай қолди.

Яна қамишзор. Бир зум ҳушини йўқотибди, шекилли, кўзини очганида бошида милтиқ ушлаган, шляпаси қийшайиб кетган одамни кўрди. Унинг ёнида яшил тусли олачипор кийимда паст бўйли, ажин босган юзини сийрак тук қоплаган одамча, шляпалисига муте ҳолда тикилганча турарди.

-Яшанг Қаҳрамон ака. Мана буни қаҳрамонлик деса бўлади, бир отишда қулатдингиз-а. Бу жуда ҳам ноёб йўлбарс, анчадан бери кўринмай кетган эди. Яқинда браконьерларни пойлашга чиққанимда изларини кўриб қолдим. Сизга насиб қилибди-да. Терисини уйингизнинг тўрига осиб қўйсангиз, бирам ярашадики...

-Бўлди, бўлди. Кўп гапирма. Йўлбарс овлаш тақиқланганини биласан. Яна оғзингдан гуллаб юрма. Буни терисини ошлайдиган устанг борми?

Шляпали одам ёнидаги турган жиккакина одамчани жеркиб гапирди.

-Қаҳрамон Ёмонкулович, бу нима деганингиз? Сиз учун кетворган устани топамиз. Энди буни тезроқ терисини шилиб олиш керак. Гўштини шу ерда тулки-ю чиябўрилларнинг ўзи тинчитади.

Кичкина одам этигининг қинидан пичоқ чиқариб, кўлоғидан ушлашини билан бирдан жусаси бўйлаб алангаланган ғазаб, унга куч бағишлади. Иррилаганча ўрнидан сакраб туриб, қўлидаги пичоғи бор одамга ташланди. У эса кўрққанидан пичоқни ташлаганича, юзини кўли билан тўсиб, ерга йиқилди. Шляпалигиси эса милтигини четга улоқтириб, ўзини қамишлар орасига урди. Ғажиб ташлаш учун ерда ётган одамнинг устига энгашгашдию, аммо ундан гупиллаб келаётган аччиқ, сассиқ хид, кўнглини беҳузур қилди. Тинмай додлаётган ана шу жирканч одамнинг ёқасидан тишлаб бир силкитди. Кейин эса уни ерга ташлаганича тўқайнинг қалинроқ жойига, ўзи доимо дам оладиган ёввойи жилонжийда томон кетди. Оёғи ҳали ҳам ачишиб оғрир, дам-бадам тўхтаб, ярадан оқаётган қонни яларди. Қани энди ҳозир ҳеч бўлмаса бир тишлам гўшт бўлса? Шу пайт кўкда калхатнинг чинқириғи эшитилди, бир неча сониядан сўнг эса кўкдан нақд тумшуғининг тагига бир нарса “тап” этиб тушди. Бу кулранг турна эди. Калхат кўкда алам билан чинқиради, у эса тақдир туҳфаси бўлган таомни бир неча дақиқа ичидаёқ еб бўлган эди. Очлик жазавази йўқолгач, оёғининг оғриғи ҳам пасайди. Жилон жийданинг тагига чўзилгунча, тинмай ярасини ялай бошлади. Бир оздан сўнг дарахт барглари орасидан юзига келиб тушаётган куёш нурлари, пешонасини қиздирди. Уйқу элтиб, унда ўз ёшлигини кўрди. У уч нафар ака-укалари билан баҳайбат йўлбарс атрофида умбалоқ ошиб ўйнади. Кимки юмалаб, она йўлбарснинг тумшуғи тагига келиб қолса, йўлбар уни ялар, тили бирам ёқимли эдики...

-Тур болам, кун ҳам ёйилиб кетди.

Кўзини очди. Бувиси пешонасини силаганича неварасига ўйчан тикилиб ўтирарди.

-Кеча нима бўлди ўзи? Ҳеч нарсани тушунмаяпман?

-Сизни жуда ҳам яхши кўраман, бувижон. Бирам қўлларингиз ёқимлики, худди йўлбарснинг тилига ўхшайди.

-Эсингни еганмисан бола... Ўхшатган нарсангни қара-ю! Бу турон йўлбарсини топаман деб, жинни бўлиб қолмасанг гўрга эди. Нонушта тайёр, юзингни ювиб, ширчойни ичиб ол. Бўлмаса ишингга кеч қоласан.

Йўлчи дўсти Ваҳобни йўлбарс жасади устида топди. Кўзойнагини ёш бўлишига қарамай, тўкилиб, сочи сийраклашиб қолган пешонасининг устига кўндирган Ваҳоб, ўйчан ҳолатда олдидаги оқ чойшаб устида ётган йўлбарсга тикилганича турарди.

-Нақадар ваҳшиймиз. Бизнинг фарзандларимиз турон йўлбарсини фақат мультфилм-у, китобда кўради, холос.

Ваҳоб бу гапни ўзига-ўзи гапирдими ёки йўлчидами билиб бўлмасди.

Йўлчи тезда оқ халатини кийиб, скальпель билан жасаднинг устига энгашди.

-Унинг тери ости ҳужайраларини текшириб кўришим керак. Зора бирортасида ҳаёт топилса. ДНКсини тикласам марра меники, жўра.

Эҳтиёткорлик билан йўлбарснинг кўкрак қафаси устидаги терига тиғ тортди.

-Юзингга ниқоб кийиб олмадингда, ўртоқ. Худо билади у нима касалликдан ўлган. Яна сенга ҳам юқиб юрмасин, Ваҳоб узоқроқ туриб йўлчининг ишини кузата бошлади.

-Кўп гапиргунча, менга ёрдам бер. Ҳеч бўлмаса панжасидан ушлаб, тур.

Ваҳоб истар-истамас, йўлбарснинг тошдек қотиб қолган панжасига резина қўлқоп кийган бармоқларини истар-истамас югуртирди. Йўлчи кўзига лупа –кўзойнақларини тақиб, жасаднинг устига янада яқинроқ энгашган эди, димоғига урилган аллақандай хиддан кўнги беҳузур бўлиб, уқчиб юборди.

-Айтмадимми сенга эҳтиёт бўл деб...

Ваҳоб бехосдан чаён чакқандек, панжани қўйиб юбориб, ўзини четга олган эди, тошдек қотиб қолган йўлбарснинг олди оёғи энгашиб турган Йўлчининг бошига гурзи мисол урилди. Йигитнинг кўз олди қоронғулашиб, боши шилқиллаганича жасаднинг кесилган териси устига тушди.

-Ўртоқ, сенга нима бўлди? Йўлчи қаёқдандир узоқдан элас-элас эшитилаётган Ваҳобнинг овозидан узоқлашиб яна ўзини кадрдон тўқайида кўрди. Бу сафар унинг ёнида онаси йўқ.. У яна қорин тўйғазиш илинжида туқай кезади. Афсус, болалик чоғидан бери атиги 10 йил ўтар-ўтмас кадрдон туқайи анча сийраклашиб қолибди. Қум барханлари тобора дарё қирғоғига бостириб келмокда. Бирдан шамол унинг димоғига хавотирли хидни олиб келди. Яқин атрофда одам бор. У бироз оқсоқланиб юргач, кўз олдига димоғдор шляпали киши келди. Айтгандай ўқ теккан оёғи ҳамон оғрияётган бўлсада, яра битай деб қолган. Вужудини ўртаётган қизиқиш уни одамлар томон етакласада, ҳамон оғрияётган оёғи уни хавфли жойдан узоқроқ қочишга ундарди. Аммо табиий қизиқиши кучлилиқ қилиб, у олға қадам босди. Икки- учта ўспирин бир-бирига ҳазил қилганича, бири кўзига кўринган юлғун, селин, оқ саксовул, куёнсуюк, ёввойи жийдалар поясига болта урар, қолган иккитаси чопилганларини сал нарида турган эшак-аравага ортмокда эди. Эвоҳ, ҳар куни аҳвол шу, наҳот инсоният тўқайга болта уриши ўз илдизини чопиш билан баробар эканлигига тушунмаса?! Ахир шу атрофдаги кишлоқларни мана шу туқай боқади-ку! Энг асосийси дарё узанини қумга тўлишидан, кишлоқларни қум остида қолишидан сақлаб турибдику! Эҳ одамизот, намунча бефаҳм бўлмасак, фақат бугунги кун билан яшамасанг!!!

Ҳозир эса атрофда бирон бошқа жонзот кўринмайди. Албатта, бундай шовқин суронда ҳаттоки юмронқозиклар ҳам ўз инига кириб кетган. Тезроқ ана шу аянчли манзарадан қочиш учун, йўлбарс қарама қарши томонга бурилди. Бу ёқдан қўй-эчкиларнинг маъраши эшитилди. Очлик уни ўша томон ундади. Бир оздан сўнг итларнинг вовуллаган овози қулоғига чалинди. Йўқ, у ёққа ҳам бориб бўлмайди. Атроф қумлигидан яқин кишлоқ аҳолисининг бари шу ерда қўй-сигирини боқади. Пода эса йўлида учраган гиёҳни супуриб кетаяпти. Айниқса одамлар Амунинг сувини тўсиб Тахиатош ва Туямуйин сув омборларини қурганидан кейин аҳвол чатоқлашди. Шу пайтгача йилига икки маротаба юз берадиган сув тошқини натижасида барқ уриб турган ўт-ўланлар ҳам, сувсизликдан кўкармай қўйди. Уларнинг қолган қутганларини эса одамларнинг моли пайҳон қилиб, йўқ қилмокда. Қани энди ёнида ака-укаси бўлса, одамларнинг адабини берар, кадрдон туқайини сақлаб қоларди. Аммо акасини ўтган йили машинада келган, ўнга яқин одам, ялангликка ҳайдаб чиқариб, отиб ўлдиришган. Сўнг унинг атрофида ўтириб олиб, роса шишаларда олиб келган қандайдир суюқликни ичишган эди. Укасини эса кичиклигидаёқ ушлашиб, аллақайёққа олиб кетишди. Доно қарғанинг айтишича у укасини дарё узанида жойлашган азим шаҳарда, қафас ичида кўрганмиш. Энди эса унинг ҳеч кими йўқ. Қавми аллақачон одамизотнинг ваҳшиёна ҳаракатлари натижасида кирилиб кетди. Ёлғиз ўзи туқайга ҳукмрон. Йўқ, у аллақачон тахтдан тушган. Унинг наъраси туқай жониворларини зир титратсада, йўлбарсдан кўра улар одамдан кўпроқ кўркишади. Тан олиш керак, одамнинг ҳидини сезиши билан, ўзининг ҳам эти жунжикиб, оёқлари қалтирай бошлайди. Орқага, кадрдон жилонжийдасининг остига қайтиш керак.

Йўлбарс ҳорғин шимол томон бурилди. Аммо бирдан турган жойида тек қотди. Шундоқ унинг рўпарасида жимжимадор шохларини кўз-кўз қилганича хонгул-бухоро буғуси турарди. Нега буғу ундан қочмаяпти? Наҳотки ана шу беозор жонивор ҳам ундан кўрмай қолган бўлса?

-Салом, Йўлбарсбек!

Хоншул бошини хиёл эгиб, олдида турган йиртқичнинг кўзларига тик боқди.

-Мен қавмим номидан сен билан гаплашгани келдим. Балки бироз душманлигимизни унутиб, суҳбат қурамиз, чунки муаммомиз бир. Бизга бош бўл! Она тўқайимизни асраб қолайлик. Биз доимо сенинг ўлжанг бўлиб келган эдик. Аммо ҳозир барчамиз одамизотнинг ўлжасимиз. Мен ёлғиз эмасман. Чиқаверинглар....

Хонгулнинг орқасидаги буталар орасидан қўрқа-писа аввалига хива тустовуғи, сўнг қарақал, жийрон, йирик эчкиэмар, тўқай мушуги, ёввойи чўчка, Преживальск оти ҳамда ёввойи эшак – қулон, бўрсик, кўрсичқон, тоғай куён, каламуш, типратикан, ондатра кўринди. Бир паснинг ичида ён атрофдаги буталарга, чумчук, зарғалдоқ, бедана, дарё қайирлари, қирғовул, ғоз, ўрдак, кўлранг турна, лайлак, балиқчи, бирқозон келиб кўнишди. Йўлбарс ён-атрофига аланглаб ҳеч нарсани англамади. Кун бўйи озиқ илинжида туқай кезади. Аммо уларнинг ҳеч бирини учратгани йўқ. Энди эса уларнинг бари ўз оёқи билан тумшуғининг тагига келиб турибди. Кўзларида ҳадик, нажот исташади. Аммо уларга ёлғиз ўзи қандай ёрдам бера олади, ҳозир унинг ўзига ёрдам керак-ку!

-Эшитаман. Мендан нима истайсизлар?

Буни у секин айтса ҳам, аммо унинг наъраси куёнсуяк, қизилча, жилонжийдаларнинг барглари титратиб ўтди. Холмон исирғогули шабодада алангиланаётган қизил бошчасини нола қилиб ёрдам сўрагандек, эгди. Тинмай чуғурлашаётган қушлар бирдан жим бўлиб қолишди.

-Бизни ўз ҳимоянга ол. Одамизотдан қутқар, секин гап бошлади Хонгул. Авлодимиз сони кундан кунга қисқариб кетаяпти. Бор йўғи 300 та қолдик. Бизни чиройли шохимиз, тансиқ гўштимиз учун овлашади. Бу ерлар қўриқхона қилинган бўлсада, ўрмончиларнинг ўзи арзимас чақага амалдорлар, уларнинг ялоқхўрлари нишонига бизни тутиб беришмоқда.

-Мен эса ёлғиз қолдим. Инсон милтиғининг ўқидан чап берсам ҳам, ажалим етса бу ерда уруғим қурийдим, деди мунгли товуш билан қарақал - қум силовсини. Ҳаттоки авлод қолдириш учун жуфтими ҳам ўлдиришди.

-Мени эса одамизотнинг фарзандлари фақат ҳайвонот боғида кўришмоқда, хангради қулон.

-Сувда балиқ қамайиб кетди. Озиқ излаб дарё сувига шунғисак, патларимиз турли чиқиндилар билан ифлосланади. Сувнинг таъми ҳам ўзгарган. Одамлар кўр-кўрона барча чиқинди-ю ахлатини сувга оқизишади, ғақиллади бирқозон.

-Нега лайлак бу йил келмади экан-а, деб нола ҳам қилишади. Ахир мен қаерда бола очай, қаердан озуқа топай, ҳаммо жойни ўзлаштириб экин қилишган бўлса, уларга солинадиган кимёвий ўғитлардан озиқланган ҳашорот-у майда жониворларни еб, захарланиб ўлай дедим. Қаердан тинч, тоза жой топсам экан-а, тумшуғини такиллади лайлак.

-Бизни ҳам қутқар, бизни ҳам...

Чор атрофдан ёрдам сўраб эшитилаётган бу овозлардан йўлбарснинг боши айланиб кетди. У яна наъра тортди. Бир оз сукут сақлаб гап бошлади.

-Биз бирлашишимиз керак. Бўлмаса ҳаммамиз қирилиб кетамиз

-Аммо бирлашсак ҳам қўлимиздан нима келади? Ҳозир одамизот бизни қорнини тўйдириш учун эмас, балки кўнглини хушлаш учун овлайди. Унинг милтиғидан қочиб қутилиб бўлмайди.

-Тўғри, балки уларнинг ўзига мурожаат этармиз. Уларнинг ичида ҳам меҳрибони, табиат ошуфталари қўп. Вакил жўнатсак, бизни тушунар, тўқайни пайхон қилмас, ўт – ўланларни юлмас, дарахту-буталарни кесмас, бизларни ўлдирмас.

-Келишдик, аммо унинг олдига ким боради? Ким қила олди бунини? Ким?...

Овозлар қўшилиб, шовқин-сурон авжига чиқди...

Йўлчи бирдан ўзига келиб кўзини очганида, бошининг устида энгашиб турган Ваҳобни, унинг юзида ҳадикни кўрди.

-Ўзингга келдингми? Одамни роса қўрқитдинг-ку?! Кушеткага сени ётқизишимни биламан, худди йўлбарсдек наъра тортдинг ўзиям. Овозинг ҳам айнан йўлбарсники эди...

Йўлчи амаллаб ўрнидан туриб, лукиллаётган бошини чангаллади.

-Биласанми жўра, шу йўлбарсни жасадини топганимиздан бери ғалати аҳволдаман. Кўзимни юмишим билан ўзимни унинг терисида кўраман, унинг ҳиссиётларини бошимдан кечираман. Кеча қизиқ воқеа бўлди. Ухлаганимда туш кўрибман, тўқайни қўриқлаш учун қўйилган ўрмончи мени шляпа кийган аллақандай амалдорга ушлаб бермоқчи бўлди. Оёғимдан яраландим. Уйғонсам, ростанам кўрпам қон, оёғимда эса ўкнинг изи. Касалхонага етиб келганимизда эса ундан ном-нишон қолмабди. Шифокор ўзини алданган ҳис қилиб роса ранжиди. Ҳозир ҳам ҳайвон-у қушлар мендан нажот излаб, атрофимга тўпланишганди. Аммо мен уларга ёрдам бера олмадим. Улар одамнинг ўзидан ёрдам сўрашмоқчи эди, вакил жўнатиб...вакил... аммо қандай қилиб вакил жўнатишади, у ердаги ҳайвонларнинг ярми аллақачон йўқ бўлиб кетган-ку, турон йўлбарси ҳам қирилиб кетганига ярим аср бўлди....

Ваҳоб Йўлчига тикилиб турар экан, ўртоғини саросимада кўриб, ўйланиб қолди. Йўқ, Йўлчи жиннига ўхшамайди. Бу ерда бир гап бор. Ёрдамбек Яхшибоевичга учрашиш керак. У Ваҳобнинг устози, академик. Қатор илмий ишлари ер юзидан йўқолиб бораётган ҳайвонларга, уларнинг руҳиятига бағишланган. Балки у Йўлчига ёрдам берад...

...Ёрдамбек Яхшибоевич Йўлчини диққат билан тинглар экан, ўйланиб қолди. Унинг бир умрлик меҳнати бесамар кетмабди. Худойимнинг ўзи Йўлчи кўринишида унга ёрдам юборапти. Агарда мана шу дўнг пешона, кўзлари бироз қисик, юзидан нур ёғилиб турган йигитнинг гапини илмий тарзда исботласа, балки инсоният эътиборини экологик инқироз муаммосига қарата олар. Ҳозир бу муаммо нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунёнинг муаммосидир. Инсон атом ва водород бомбасини ўйлаб топиши шарт эмас эди. Кўр-кўрона табиатни аста-секинлик билан йўқ қилмоқда, табиат ҳам унга шу тарзда жавоб берапти. Табиат томонидан ёзилган ўлимга маҳкумлик ҳукмига инсон шу тариқа, ихтиёрий равишда имзо чекаётир. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Ерни яшашга яроқсиз ҳолатга келтириб, коинотдан жой излаган тақдирда ҳам инсоният у ерда ҳам истиқомат қила олмайди. Чунки аллақачон у коинотни ҳам ахлатга тўлдириб бўлган.

-Оёғингиздаги ўкнинг изи сиз турон йўлбарсининг вужуди билан қўшилиб кетганингиз, унинг қалбига қулоқ тута билганингиз учун ҳам ўнгида пайдо бўлган. Бунинг сабаби сизга уйқунгизда кечираётган ҳаёт ҳақиқатда рўё эканлигини англатиш эди. Касалхонадан қайтаётганингизда эса жароҳатнинг йўқолгани сиз ўз аслингизга қайтганингиздан, ҳайвонлар машварати эса сизнинг улар томондан айнан инсониятга олдиға вакил қилиб сайланганингиздан далолатдир. Фурсатни бой бермай уларнинг оҳини ҳар бир республикамиз фуқаросига, керак бўлса дунёдаги ҳар бир одамга етказиш керак. Бир бирини овлаб кун кечириб юрган, айнан йўқолган ва йўқолиб бораётган ноёб ҳайвон-у қушларнинг бирлашиб, ҳаракат қилишга ундашлари бежиз эмас. Бу одамзотнинг мазкур муаммони ҳал қилишда бирлашишига қаратилган чақириқдир. Ҳозир сизни ухлатиб, тушингиздаги ҳаётингизни мана бу қурилма орқали ёзиб олишға ҳаракат қиламиз. Албатта бу муаммо юзасидан мен яқинда боришим керак бўлган халқаро анжуманда маъруза қиламан. Куч-адолатда ва бирликда! Буюк бобокалонимиз Амир Темур бежиз бу гапни айтмаган. Биз бирлашиб, Она Еримизни, жонажон табиатимизни албатта сақлаб қоламиз!

Йўлчи енгил тортди. Ҳозир у Ёрдамбек Яхшибоевичнинг барча айтганини қилишға тайёр. Фақатгина ундан ёрдам сўраб, мурожаат қилган ҳайвону-қушлар, даррандалар, ўсимликларга ёрдам берса бўлгани. У албатта турон йўлбарсини ҳаётға қайтаради, Ватанининг тенги йўқ гўзал табиатини асраб қолиш учун биохилма-хилликни асраб қолишға умрини бахшида этади, буни келгусида фарзандларига ҳам ўргатади. Бунинг йўли осон. Фақатгина атрофидаги таниш-у нотанишлари ўйлаб қадамини босишса, ўз

уйлари каби, атроф-муҳитни ҳам тоза тутишса, чиқиндиларни дуч келган жойга ташламаса, сув, электр чироғи, газдан тежаб фойдаланишса, кўзига яхши кўринган гулни бесабаб юлмаса, дарахтларни кесмаса, ҳайвону қушларни кўнгил озиғи учун ўлдирмаса, тупроқни, ҳавони, сувни кимёвий моддалар билан заҳарламаса бас. Бундай қилганларни эса қонуний жазолаш, керак бўлса экологик милиция деган ҳуқуқ-тартибот соҳасида янги тармоқни вужудга келтириш керак. Энг аввало болаларимизга гўдаклигидан “ноннинг уволи тутади”деб уқтирганимиздек, “сувнинг, жониворларнинг ҳам уволи тутади, уни ифлос қилма, тирик жонзотни ўлдирма”, “баданингни тоза тутаяпсанми, табиатни ҳам тоза тут” дея тарбиялашимиз, бешикдан бошлаб ана шу ўғитларни фарзандларимизнинг миясига қуйишимиз лозим. Чунки табиат ҳам бебаҳо қадрият. Уни қадрламоғимиз лозим. Ана шунда дунё ўзгаради. Шаҳарда ҳам булбул хониш қилади, канал-у ариқлардан ахлат эмас, зилол сув оқади.

Йўлчи ана шу ҳаёллар билан Ёрдамбек Яхшибоевич кўрсатган курсига жойлашиб ўтириб, кўзини юмди. Пешонасига олим ёпиштирган тугмачалардан таралаётган кўринмас тўлқинлар уни яна турон йўлбарси вужудига қайтарди.

... У яна ёш йўлбарсча! Ака-укалари билан виқор билан ётган онасининг олдида ўйнамоқда. Атрофида эса ям-яшил туқай шовуллар, буталар орасидан эшитилаётган зарғалдок, бедана, каклигу-қирғовулларнинг овози алла каби дилига ором бағишлар, вужудини қамраб олган ҳаёт шодлиги уни ҳали кўрмаган, сирли, ёрқин, ям-яшил келажакка чорларди...

2011 йил.

ҚИРҚ ТУЯГА ЮК БЎЛГАН МАҚР

ТОВЛАМАЧИЛАР ТУЗОҒИ

– Анор, қозоққа бормаيسانми? Сайёра билан Ширин бир ҳафта ишлаб келишибди. Уларнинг обкеган нарсасини кўрсанг, оғзинг очилади. Бараваракайига сепингни кам-кўстингни ҳам тўғирлаб келардинг.

Анора Олиманинг гапларини тинглаб иккиланиб қолди.

–Онам рухсат берармиканлар?

– Э, бир ўзингмидинг, сани бўри ейди? Бахти ҳам борадиган бўлди. Уччаламиз бир жойда ишлаймиз. Ўтган йили бор-йўғи ўн кун ишлаб, болаларнинг устини бутловдим. Қанча кўп бўлсак шунча яхши. Барибир бегона жой.

–Онамдан сўраб кўрайчи?

Мактабни битирганидан сўнг, Анора уйда қолди. Қишлоқда тайинли ишнинг ўзи йўқ. Пахта терими мавсумида бир-икки сўм ишламаса, дипломи бўлмагач, тузук ишга ҳам кира олмайди. Дугоналарининг бири ўқишга кириб, бошқаси турмушга чиқиб кетганидан сўнг сиқиладиган бўлиб қолди. Буни сезган онаси Ёқутхон опа иложи борица қизининг кўнглига қарарди. Бунинг устига катта қизининг ҳам турмуши бузилиб, икки қизи билан ота уйига қайтиб келди. Яхшиям шу жиянлари бор. Қишлоқдаги хотинларнинг кўпчилиги Қозоғистонга кетади. Уларнинг у ердаги фермерларнинг қўлида ишлаб анча-мунча пул олиб қайтишганини кўп эшитган. Олима тўғри айтди, учталашиб боришса, бир-бирларидан кўз-қулоқ бўлиб туришса, ким ҳам ёмонлик қиларди. Онасининг нафақа пулюю, опасининг маошини учма-уч етказиб туришганликларига қарамай, онаси онда-сонда тийинлаб йиққан пулига, қизим ўксимасин, деб сепига нарса олади. Ўзининг кийимларини ўзи қилса, опасининг таъна-дашномларидан ҳам қутиларди, қўярди.

– Қўй қизим, бир ўзингни қўйиб юборишга ҳеч ҳам кўзим қиймаяпти. Худога шукр, яхшими, ёмонми кунимиз ўтиб турибди. Ундан кейин, ҳар хил ёмон хабарлар юрибди. Қўшни маҳалладаги Сарвиғул у ёққа бориб, қайтиб келмабди. Қозоқлар ушлаб олиб, қўйиб юборишмабди. Айтишларича, биттаси уни зўрлаб ўзига хотин қилиб олган экан.

–Э, қўйсангизчи, эна. Биринчидан Сарвиғулнинг миллати қозоқ. Ўзини яхши кўрган йигити уни ўғирлаб кетган эди. Ўзи рози бўлган. Уларни одати шунақа.

– Саниям ўғирлашса-чи?

–Мен ўзбекманку...

Анора, Олима, Бахти тонг саҳарда йўлга отланишди. Мирзачўл туманидаги чегара постидан ўтишгач, Еттисойга қатнайдиган киракаш автоуловда кўзлаган манзилларига етиб олишди.

Офтоб ердаги бор жонзотда қасди бордай аёвсиз қиздирар, ташналикдан лаблари куруқшаган Анора бирор бир сув сотадиган дўконча кидириб, тинмай ён-атрофга алангларди.

– Яна кўп юрамизми, сувсаб кетдим, - ҳамроҳларининг индамай кетаётганлигидан аччиқланиб, Анора йўл четидаги дарахт соясига ўзини урди. – Бир пас дам олайлик.

– Яна озгина қолди. Тезроқ бормасак, ҳеч ким қолмайди. Ҳаммани бўлволишади. Юр тез.

Олиманинг нимани назарда тутаётганлигини тушунмаган Анора бир оз юришгач:

– Нимани бўлволишади? - деб сўради.

– Нимани эмас, кимни. Аёллар мардикор бозорини айтаяпман. Тушга бориб у ерда ҳеч ким қолмайди.

Яна бир километр масофа йўл босишгач, узокдан дарахтларнинг тагида турган одамлар кўринди.

– Ана келдик, - енгил тин олди Олима, елкасидаги чарм халтани бошқа қўлига олиб.

Мардикор бозори гавжум эди. Бу ерда 15 ёшдан тортиб, 50–55 ёш атрофидаги аёллар тўп-тўп бўлиб туришар. Йўлда бирор машинанинг қораси кўриниши билан у томон ёпирилишарди.

– Фақат она сути оғзидан кетмаганлар билан қарилар қопти. Кеч қопмиз.

Бахти аёлларни диққат билан кўздан кечириб бошлади.

– Нимага кеч қоламиз, ҳали одам кўп-ку.

Анора чарчоғини ҳам унутиб, ўзига бот-бот қараб қўяётган бегона аёлларни томоша қила бошлади.

– Ишга яроқлиларни саҳардан бозори чаққон бўлади. Буларни ярим кунга қозон–товоқ, дераза ювишга олиб кетиб, қайтаришади. Бизга эса тунаш учун жой керак, тушундингми?

Анора Олиманинг жаҳли чиққанини кўриб, индамай қўяқолди.

Шу орада келиб тўхтаган оқ «Жигули»дан тушган ўрта бўйли киши атрофини ўраб олган аёллар билан ниманидир гаплашгач, бошини чайқаб қўйди. Машинасининг эшигини очар экан, чеккада турган ўзбек аёлларига кўзи тушгач, уларни имлаб чақирди.

– Истейсингдерми?

Аёллар бир-бирига қараб олгач, индамай бош ирғадилар.

– Нима иш? - деди Олима. – Биз чопиқ қилгани келувдик.

– 17 гектардў 10 кунде битире аласындарма?.

– Қанча берасиз?

Бахти худди у фикридан қайтиб, машинасида жўнаб қоладигандай шошиб сўради.

– Гектарна 1,5 мынг тенгеден.

Уччовлон бир-бирига тикилиб қолишди.

– Майли, фақат ётишимиз, овқатимиздан ташқари,– деди Олима.

– Кетдык.

Уларни олиб кетган одамнинг исми Аблай бўлиб, 8 йилдан бери фермерлик қилар, 20 гектар пахтасидан ташқари, яна 60 гектарга буғдойи ҳам бор экан. Дала четида омонатгина қурилган шийпончага жойлашишгач, Аблай кечкурун келишини айтиб, қайтиб кетди. Шийпонча ёнидаги ўчоқдаги човгумда чой қайнатиб, уйдан олиб келган нарсалари билан тамадди қилишгач, уччаласи ҳам хона бурчагига суяб қўйилган кетмонларни олиб, келишда Аблай кўрсатган ердан бошлаб чопиққа тушишди.

Орадан икки кун ўтди. Тушликни қилиб бўлишгач, Анора косаларни йиғиштириб, ювгани кетди.

– Менга қара Олима, Эргаш қассобни тўйида Анорани кўрувдингми?

Бахти оппоқ булут парчаси сузиб юрган кўм-кўк осмонга тикилиб ётар экан, ёнидаги кўрпачага чўзилган дугонасига айёрона қараб қўйди.

– Ҳа, нима бўпти?

–Бўйнидаги тилла тростини кўрмовдингми? 300 минг сўмдан ортиқ туради.

–Хўш..

–Э, мунча лақмасан, эртага Анорни шутта қолдириб, «болаларимизни кўриб келамиз» деб кетамиз. Тушундингми?

Дугонаси гапни қаёққа бураётганлигини ниҳоят фаҳмлаган Олима кулиб қўйди.

–Балосанда, дугон...

Ўзлари томон идишларни кўтариб келаётган Анорани кўриб, иккаласи ҳам ўзларини ухлаганга солишди...

–Анора қани? - Ёкутхон опа остонада турган Олимани кўриб, кўрқиб кетди.

– Хола қизингизни қозоқлар ушлаб олишди. Биз зўрға қочдик.

–Вой болам, энди нима қиламан, - Ёкутхон опанинг дод фарёдига бир зумда тумонат одам йиғилди.

– Йиғламанг хола, уларни милиса билан ўзим сизни олдингизга олиб келаман, - Олима Ёкутхон опани овулар экан, уни қўлтиғига кириб, ичкарига етаклади. - Сиз ҳеч кимга ҳеч нарса деманг, бўлмаса қизингизни юзи қора бўлади. Мен ўзим бу ёғини тўғирлайман. Зўр танишларим бор.

Тинмай гапира туриб, Олима атрофни диққат билан кўздан кечиришни ҳам унутмади. Орадан тўрт кун ўтар-ўтмас, дарвоза олдида турган Олимани кўрган Ёкутхон опа унинг олдида югургилаб, пешвоз чиқди.

–Яхшимисиз айланай, Анорадан хабар борми?

– Ҳа, хола. Уни қамаб қўйган қозоқларни ушладик. Бориб милисага хабар беринг, мен шу ерда тура тураман.

Ёкутхон опа апил-тапил уйга кириб, оёқ кийимини алиштирди-да, чопганича кўчага чиқиб кетди. У муюлишдан бурилиб кетгунига қадар орқасидан қараб турган Олима билан Бахти ҳовлида юрган қизалоқларни олдида имлаб чақирди.

– Бахти опа, Анор холам қачон келадилар? - деди Холида уларга яқинлашиб.

– Вой, ширинтой-эй, яқинда келиб қолади. Ҳозир уни қозоқлар ушлаб олган. Биз улардан қочиб келдик. Анора опангни қўйворишлари учун, унга тилла тақинчоқларини олиб бориб беришимиз керак. Бўлмаса Анор холаңг у ерда қолиб кетади.

Холида кўрқиб, опаси Хулкаройга қаради.

–Бўлақолинлар, тақинчоқларни қанча тез олиб бориб берсак, Анора холаңлар шунча тез келади, - деб уларни шошилтирди Олима.

Қизалоқлар доимо Анора холасининг хонасида, жавондаги қутининг ичида турадиган тилла занжир билан бир жуфт сирғани олиб чиқиб беришди. Олима кўлида ярқираб турган тақинчоқлардан бир зум кўзини узолмай қолди. Бахтининг турткисидан ўзига келиб, шошганларича, Ёкутхон опа келишидан хавотирланиб жуфтакни ростлашди.

Анора дугоналарини 10 кун кутди. Ернинг 3 гектарини чопиқдан чиқаргач, ўзига тегишли пулни олди-да ортига қайтди. Бахти билан Олима кетганидан буён қалбини қамраб олган хавотир ҳисси негадир уни тарк этмас, уйга яқинлашган сари бу туйғу кучайди. «Ишқилиб тинчлик бўлсинда» ўйлади Анора. Қизини соғ-саломат кўрган Ёкутхон опанинг кўзига ёш олди.

– Сени нега қозоқлар ушлаб қолади? Ўзинг тинчимисан? Ё бир балони бошлаб келдингми, яшшамагур?

– Ҳеч ким мени ушлаб олгани йўқ. Ким айтди бунини сизга?

– Олима билан Бахти келиб шунақа дейишди.

– Нега?

Анора дугоналарининг нега бундай деганини тушуна олмади. Қизи Қозоғистонга кетганидан бери нима иш қилганлигини ипидан-игнасиғача сўраб олган Ёкутхон опа ҳам бир оз кўнгли тинчигандай бўлди. Балки бу можароларнинг барчаси ўз-ўзидан тинчиб кетардику-я, аммо орадан бир оз вақт ўтиб, тилла тақинчоқларини тақмоқчи бўлган Анора

уларнинг йўқлигини кўриб, юраги «шиғ» этди. Бир оз қистовдан сўнг жиянлари Холида билан Хулкарой бувилари кўчага чиқиб кетгач, Бахти билан Олималарнинг ўзининг илтимоси билан тиллаларни бериб юборишганлигини айтишди.

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда чиқади» дейди машойихлар. Олима билан Бахтининг нопок қилмишлари учун суднинг қора курсисига ўтирдилар.

2003 йил.

КЎЗА СИНГАН КУН

Фарҳод бугун барвақт турди. Чўнтагида хемири ҳам йўқ. Демак, қаердан бўлса-да, бироз пул топиш лозим.

– Дадаси уйда ёғ билан ун тугади. Гўшт ола келсангиз ҳам ёмон бўлмасди.

Хотинининг уни кузата туриб айтган гапи жаҳлини чиқарди.

– Нима мени сенга пул чиқарадиган мошинам борми? Чўнтагимда бир тийин ҳам йўғ-у, буниси гўшт, ун дейди. Ана, болаларингни пулини йиғиб қўйибсан-ку, ўшандан ишлат. Янги кўйлакни бир марта кам кийсанг, киярсан.

– Бу нима деганингиз, уч ойдан бери уйга битта нон кўтариб келмайсиз. Учта болангизни мен боқмай, ким боқаяпти?

– Э-э-э...

Фарҳод жаҳл билан хотининг кўлидан рўмолчани тортиб олиб, кўчага чиқиб кетди. Бир жиҳати, хотинининг гапида ҳам жон бор. Охирги пайтлари умуман иши юришмай қолди Давлатнинг ишида ишлашга бўйни ёр бермайди. Бир-иккитаси мутахассислиги бўйича иш таклиф қилувди, аммо қуруқ ойликка қараб кун кечириб бўларканми? Дипломи беш йилдан бери сандикда чанг босиб ётибди. Нима қилса экан?

Фарҳоднинг миясида минг хил фикр чарх урар, лекин ҳеч бири тутқич бермай сирғалиб чиқиб кетарди. Нима қилса экан? Нима қилса экан? Охирги пайтлари ҳамма ўзига пишиқ бўлиб қолди? Аввал одамлар ишонувчан эди. Ҳозирчи? Ҳозир унча-мунчани алдаб бўлмайди. Қарз сўрасамикан? Лекин кимдан? Кейин уни қайтариши ҳам бор. “Қарзга олиб еган гўштининг суяги ошқозонингни йиртади” деган гап бежиз айтилмаган. Нима қилса экан-а? Барибир қарз олмаса бўлмайди, шекилли?!

Фарҳоднинг ёдига таниши Абдуғаффор келди. Айтгандай, у тадбиркорлик билан шуғулланаётувди, шекилли. Унда пул бўлиши керак.

Фарҳод танишининг уйи томон бурилди. Абдуғаффор уйда экан. Ҳол -аҳвол сўрашгач, Фарҳод фирма очмоқчи эканлигини, бунинг учун эса бироз пул кераклигини айтди.

– Жон, деб ёрдам берардим-у, аммо иложим йўқ-да, дўстим. Ўзимни пулим йўқ. Фақат ошланган терилар бор. Шуни бир бало қилиб сотишим керак. Ўзимнияам оборотим тўхтаб қолди.

– Майли пул бўлмаса тери ҳам бўлаверади. Ўзим сотаман, фақат пулини кейинроқ бераман. Ўзи нархи қанчадан?

– Донаси 25000 дан

– Қиммат-ку?!

– Йўғ-эй, бозордан анча арзон.

Фарҳод шу куни кўчадан «ЗИЛ» машинасини ушлаб келиб, 40 дона терини ортиб кетди. Орадан уч ой утди. Абдуғаффор ҳар гал Фарҳодни кўрганида ундан териларни сўрар, у бўлса мужмал жавоб қайтариб, пулни кейинроқ бераман деб жуфтакни ростлаб қолар эди. Абдуғаффор терининг пуллари ололмаслигига кўзи етгач, ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат этди. Буни эшитган Фарҳод зудлик билан Абдуғаффорга 750 000 сўмни олиб келиб берди.

Фарҳод Абдуғаффорга пулини берар экан, ачитиб:

–Ошначилик, минг йилчилик. Сени дўст деб юрсам, душман экансан-у. Душманингни атрофидан кидир, деб бекорга айтишмас эканда-а?

–Ошначиликдан ўзинг чиқиб кетибсан, жўра. Келиб-келиб менинг кўзимни ўймоқчи бўлдинг-а? Мен сенга ишонган эдим.

–Майли-майли. Аҳволимни ўзинг кўриб турибсан. Қолган 250 минг сўмни кейинроқ бераман. Эркак сўзим. Фақат аризангни қайтариб ол, илтимос. Бўлмаса қолганини оломайсан, деб кўрқаман. Мен қамоққа ўтирсам, ким тўлайди сенга бу пулни.

Фарҳод хунук тиржайди.

Абдуғаффорнинг жаҳли чиқсада ўзини босди.

–Майли, - дедию, Фарҳоднинг тумшуғи остида эшикни шарақлатиб ёпди.

Фарҳод Абдуғаффорнинг бу қилигидан хафа ҳам бўлмади. У эрталабдан бери уни кутиб турган ўзига ўхшаган туллак таниши Шодмон билан учрашувга шошилаётган эди.

Ўтган куни беҳосдан Шодмонни учратиб қолиб, бир шиша ароқ ичишган, бундан кайфиятлари кўтарилиб, анча дардлашишган эди.

–Менга қара бир танишимнинг хотини яқинда дўкон очди. Канцтовар сотади. Шунини би-ир туширмаймизми?

Шодмон шишанинг тагида қолган ароқни Фарҳодни сийлаб унинг пиёласига қўйиб, ликопчада қолган бир бўлак колбасани ҳам унинг олдига суриб қўйди.

–Ўйлаб кўриш керак, менга қанча тегади?

–Тенг арра қиламиз.

–Бўлмайди. Ишни деярли мен қиламанку. Олтмишга қирқ.. Розимисан. Қўл ташла.

Шодмон кўп ўйлаб, ўтирмай, қўл ташлади.

Фарҳод Гулнорага ўзини моддий таъминот базасининг директориман деб таништириб, уларда кўплаб канцелярия товарлари борлигини айтди ва исбот сифатида оқ қоғоз ҳам олиб келиб кўрсатди. Гулнора унга ишониб, моддий таъминот базаси ҳисоб рақамига шартнома асосида 1000000 сўм пул туширди. Фарҳод эса бу маблағни нақд пулга айлантириб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Пулнинг сувдек оқиб келиши Фарҳодни руҳлантириб, иштаҳасини қарнай қилиб юборди. Фарҳод Гулноранинг синглиси Инобатнинг ҳам ишончига қара олди. Унга 10 миллион сўм кредит олиш учун тайёрланган ҳужжатларни кўрсатиб, уни тезроқ олиш учун пул сўради.

– Менга ишонинг, Инобат, яқинда пул қўлга теккач, ишим ривожланиб кетади. Биз биргаликда ишлаймиз, аммо кредитни олиш учун банк ходимларига олдиндан пул бериш керак, – деди Фарҳод мулойим овозда.

– Қанча?

Инобат ишонкирамай сўради.

– 2 миллион.

– 20 фоизиними?

–Ҳа.

– Пулни бераётганларида уларнинг ўзлари ундан олиб қолишмайдими?

– Биласизми, кредитни тезроқ олиш учун устама бериш керак, бўлмаса пул олиш муддати чўзилиб кетади.

Инобат турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашгач, Фарҳодга унинг айтган пулини чиқариб берди.

Орадан бироз вақт ўтгач, яна бериш керак экан, деб аввалига 200 минг, сўнг 150 минг, ундан кейин 50 минг сўмни олди.

4 ноябрь куни Фарҳод яна Инобатнинг эшигини тақиллатди.

Инобат кечқурун Фарҳоднинг ташрифидан ажабланди.

–Тинчликми?

–Тинчлик. 15 миллион сўмлик товар олиб келаяпман. Уларни расмийлаштириш учун 600 минг сўм пул керак. Нимагадир кредитни орқага суришяпти. Шу товарни пулидан ҳамма пуллариингизни тўғирлаб бераман.

Инобат бу сафар ҳам фирибгарга ишонди ва ўз қўли билан Фарҳодга унинг сўраган маблағини чиқариб берди. Аммо Инобатдан олган 3 миллион сўмни қайтариб бериш Фарҳоднинг режасида мутлақо йўқ эди. Бир-икки ой Инобатнинг кўзига кўринмай ҳам юрди. Аммо 7 январь куни улар яна учрашдилар.

– Қачон пулимни қайтарасиз?- Инобат Фарҳодни кўриши билан ундан сўради.

–Бугун, албатта бугун. Ҳозир мен билан бирга борсангиз уйдан олиб чиқиб бераман.

Инобат Фарҳодни яна йўқотиб қўйишдан кўрқиб, унга эргашди. Шаҳарнинг энг кўзга кўринган чойханаларидан бирига Фарҳод Инобатга тамадди қилиб олишни таклиф этди. Овқат устидан коньяк ичишди. Инобатнинг қаршилигига қарамай Фарҳод унга тинимсиз қуяр ва зўрлаб ичирар эди. Инобатнинг маст бўлиб қолганини кўриб унинг сумкасидаги 37 минг пулни ўғирлади.

«Текин суяк томоқ йиртар», дейди доно халқимиз. Аммо ана шу суякнинг Фарҳоднинг томоғига тикилгунича, у ўнлаб кишиларни алдаб, пуллариини, мол-мулкини олди. Бу орада Фарҳод Абдували Тилавов билан танишди. Гап орасида А. Тилавов ҳамқишлоқларидан бири ўғлини Кореяга ишга жўнатмоқчи эканлигини айтиб қолди.

– Кореяга дейсизми? Мен айнан шу иш билан шуғулланаман. Яқинда «Халқ банки»дан 10 миллионлик кредит оламан. Шундан кейин чет элга ишга жўнатувчи фирма очмоқчиман. Ҳали кредит ололмаган бўлсамда, ҳамқишлоғингизга ёрдам беришим мумкин.

Бу гапни эшитган А.Тилавов Фарҳодни қўшниси Мунаввар Саидованинг олдига бошлаб борди.

–Мунаввар опа, мана бу йигит ўғлингизни Кореяга жўнатишга ёрдам беради. Фақатгина сиздан озгина ёрдам керак. Бор пулингизни шу йигитга бериб турсангиз, у яқинда «Халқ банк»идан 10 миллионлик кредит олади. Кредитни олиши билан ўғлингизни ишга жўнатади.

– Лекин, Абдувалижон, менда пул йўқ-да, аммо онамдан қолган тилла зирагим ва синглим Зулфиянинг бриллиант зираги бор, етиб қолар. Етмаса яна бир иложини қилармиз.

Абдували савол назари билан Фарҳодга қаради.

– Майли бераверинг. Пахтакор туманида битта жўрам бор, ўша залогга пул беради. Кредит олсам, тезда тилла буюмлариингизни қайтараман.

Кўнгилчан, кўнглида кири йўқ Мунаввар Саидова ҳам фирибгарга ишонди ва бисотидаги ягона бойлиги тилла зирақларни олиб чиқиб берди.

Орадан бир ой вақт ўтди. Фарҳоддан дарак бўлавермагач, Мунаввар опа хавотирлана бошлади. Аммо бир неча кундан сўнг унинг ўзи М. Саидова остонасида пайдо бўлди ва кредит олиш учун яна пул кераклигини айтди.

– Ука, Ғаллаоролда қўйимиз бор. Бироз кутсангиз уни сотиб берардик,— деди Мунаввар опа.

– Фақат тезлатинг, бир ҳафтадан кейин келаман. Пулни тўғирлаб бермасангиз ўғлингиз Кореяга кетаётган гуруҳдан қолиб кетади.

Шу куниёқ М. Саидованинг ўғли Бахтиёр Ғаллаорол туманига бориб, қўйларни 140 мингга сотиб келди. Фирибгарга тилла буюмларнинг баҳоси билан биргаликда 1 миллион 100 минг сўм берилди. Орадан бир неча ой вақт ўтди. Мунаввар Саидова қайтиб Ф. Қудратовнинг қорасини кўрмади. Ҳар гал у Абдували Тилаовдан Фарҳодни сўраганда эса, у «Ҳали Қудратов кредит олганича йўқ, албатта Бахтиёржонни Кореяга жўнатади», деб қутиларди. Аммо Фарҳод М. Саидовани қақшатиб ҳам тинчимади. У янги даромад олиш йўллариини излар эди. Бу гал унга Бахтиёр Каримов рўпара бўлди. Б. Каримовнинг «Тико» русумли енгил автомобили бўлиб, Фарҳод кира пулини вақтида бериб тураман деб, ундан

машинани ижарага олди ва уч ой миниб юрди. Б. Каримов эса 350 минг ижара пулини ололмай қолаверди.

«Кўза кунда эмас кунда синади», дейди машойихлар. Муқаддам мансабини суъистемол қилиш, ўғрилиқ, тан жароҳати етказиш каби жиноятлари учун уч бора судланган, аммо темир панжара ортида ҳам тегишли хулоса чиқармаган Фарҳод яна суднинг қора курсисига ўтирди. Бу гал унинг кўзи очилармикан?! Буни эса вақт кўрсатади.

2003 йил

ТУТҚУНЛИКДА УЧ ЙИЛ

Дискотекада учратиб колган танишларидан бири унга Анқарадаги бозорлардан бирида сотувчи бўлиб ишлашга жўнатиши мумкинлигини айтганида Салима 19 ёшда эди. Коллежни битириб, мутахассислиги бўйича иш тополмай қишлоғига қайтиб борган Салима онаси ва бувасининг тергашлари, отасининг жимгина ўқрайиб қараб қўйишларидан ўзини рўзғорда ортиқча оғиздек сезарди. Чунки у фарзандларнинг каттаси. Уйда яна икки нафар синглиси ва уч укаси бор. «Ота-онам мени ўқитиш учун қанча куч, қанча пул сарфлашди, мен эса уларга нима ёрдам берайпман», деб ич-ичидан сиқиларди.

Қишлоқда ёшлар учун деярли иш йўқ, уларнинг аксарияти бекорчи. Омади чопганлар баҳорда фермерларга чопиқчи бўлиб ёлланар, лекин кейинги йилларда фермерлар ҳам иқтисодни ўйлаб, асосан оила аъзоларининг кучи билан иш юритадиган бўлишди. Салима шуларни ўйлаб, Баҳриддиннинг таклифига жон-жон деб рози бўлди. Баҳриддин ёш бўлишига қарамай, қишлоқдошлари орасида ўзининг ишбилармонлиги билан ажралиб туради. Фирмаси, Жиззахда ва Тошкентда шахсий квартиралари бор. Сўнгги бир-икки йил ичида қишлоқдаги хом ғиштдан қурилган пастқамгина уйлари ҳам ҳашаматли, томи ялтироқ тунука билан ёпилган уйга айлантирди. Қолаверса, ҳамқишлоқларига қўлидан келганча ёрдам бериб турибди. Шундай йигитга ишонмаслик нотўғри бўларди. Мана шулар асос бўлдики, ҳарқалай, уйдагилар Салиманинг чет элга ишлаш учун кетишига деярли қаршиликсиз рози бўлишди.

Баҳриддин Салимани Жиззахга олиб келиб бир аёл билан таништирди. Йигитнинг сўзларига қараганда, бу аёл виза ва бошқа ҳужжатларни тўғирлаш, самолёт чиптаси харажатларини ўз ҳисобидан қўтарар экан.

– Қарзингни аста-секин ишлаб топган пулингдан узаверасан, – деди аёл мулоимлик билан. – Ҳали кўп пул ишлаб, уйга қайтганингда дугоналаринг-у, таниш-билишларинг ҳавас ва ҳасаддан ёрилиб ўлишади, мана мени айтди дерсан.

Тез орада керакли ҳужжатлар тайёр бўлди. Аёл Салимани самолётга ўтказар экан, Анқарада Аҳмет исмли киши кутиб олишини, у қиз ишга жойлашадиган бозорнинг хўжайини эканини айтиб, унинг айтганларини сўзсиз бажариши зарурлигини тайинлади.

Анқарада ростдан ҳам уни Аҳмет исмли киши кутиб олди. Аҳмет туркча сўзларни аралаштириб, ўзбекча гапирарди.

– Ҳозир меҳмонхонага борамиз, сен қиз чоқ гўзелсен. Менга бошпиртингни бер. Яринден ишлисин. Заманни ўткезмей, айтганларимни қилсанг, чоқ яхши булур.

Салима Аҳмет айтганини қилиб, унга паспортини берди. Эртаси куни у меҳмонхонага басавлат иккита эркакни бошлаб келди. Улар фақат туркча гапиришгани учун Салима ҳеч нарса тушунмади. Эркакларнинг бири Аҳметга кўп пул берди. Аҳмет қизга бозорда мана шу эркакка қарашли растада савдо қилишини, маҳсулотни ҳам у етказиб бериб туришини тайинлади.

Салима нарсаларини йиғиштириб, пастга тушганида эркаклар уни машинада кутиб туришарди. Тез орада шаҳар ҳам ортда қолди. Машина тош йўлдан тебраниб-тебраниб бораркан, Салима қўрқа-писа қаёққа кетишаётганларини сўради. Эркаклар туркча жавоб

қайтаришгани учун ҳеч нарса тушунмай яна жим бўлди. Етти-саккиз соатча юришгач, қош қорая бошлаганда тоғлар бағридаги кичкинагина бир қишлоқчага кириб келишди. Бу ерда ўнга яқин уй бўлиб, улар тўхтаган уйда бир неча аёл ва бир гала болалар бор эди. Аёллар лом-мим демай, Салима билан келган эркакларнинг топшириқларини бажаришарди. Уларнинг бири – меҳмонхонада Аҳметга пул бергани, уйнинг хўжайини бўлса керак, – гап оҳангидан аёлларга қўпол гапираётганини англаб олиш қийин эмас эди. Эртаси куни мана шу эркак Салимага молхонада ишлашини бир амаллаб тушунтирди.

– Менга бозорда сотувчилик қиласан, дейишганди-ку? – эътироз билдирмоқчи бўлган Салиманинг юзига тарсаки тушди.

Эркак ўз тилида бўралаб сўкинганча, аёллардан бирига қиз бажариши керак бўлган ишларни кўрсатишни тайинлади. Аёл қизнинг қўлига супурги, белкурак ва челак тутқазиб молхонага олиб борди ва қилинадиган ишларни имо-ишора билан амаллаб тушунтиргач, чиқиб кетди. Бошига не кўргулик тушганини ҳали тўлиқ англаб етмаган бўлса-да, кўнглини ваҳима ва кўрқув чулғаб олган Салима хўнграб йиғлаб юборди.

Кечқурун уйнинг хўжайини, Салима ҳалиям бу эркакнинг исмини билмасди, қизни овқатдан сўнг чеккадаги кичкина хонага қамаб қўйишни буюрди. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган қиз тун ярмида баданига дағал қўл чанг солганидан чўчиб уйғонди. Хўжайин қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлган қизни олдиниға обдон дўппослади, сўнг номусига тегиб, шахвоний хирсини қондирди.

...Қишлоқдагилар бир-бирлари билан қариндошчилик ришталари ила боғланган бўлиб, пайт пойлаб, полиция маҳкамасига дардини айтиш учун қочиб борган Салимани бу ердаги ягона полициячи совуқ қарши олди. Қочганидан ярим соат ўтар-ўтмас у ўз «хўжайини» олдида гуноҳқорона бош эгиб, бошига ёғилажак навбатдаги калтакни оёқ-қўли қалтираб кутиб турарди. Кейинчалик билса, полициячи хўжайиннинг амакиваччаси экан. Салима учун қулликдан қочишнинг барча йўллари беркилган эди.

Кунлар бир зайлда ўтар, Салима учун молхонада иш куни эрталаб соат 5 да бошланиб, кечқурун 22.00 да тугарди. Молхонада 25 та соғин сигир 12 та хўкиз бўлиб, уларнинг тагини тозалаш, ем бериш, моллар учун катта қора қозонда ем пишириш, сигирларни соғиш билан Салима кун қандай ўтганлигини билмас, фақат тушлик пайти сиқилганидан бироз йиғлаб, кўнглини ёзгандай бўлар эди. Ҳар куни тунда эса худди эртақлардаги қора дев сингари остонада «хўжайин» пайдо бўлиб, қизнинг ҳиссиз танасига ташланарди. Орадан уч ой ўтди. Қизга молхонага тушлик олиб келган хўжайиннинг катта хотини, қизнинг ўқчиётганини кўриб, унинг юзига синиковлик билан тикилди. Анча-мунча туркча тушуниб қолган Салима, унинг қачондан буён кўнгли айнишини сўраётганлигини тушиниб, 2,5 ойдан буён, деб жавоб берди. Фикри-зикри қочишда бўлган Салима узок Ўзбекистонда қолган ота-онаси, қадрдон қишлоғини соғиниб ўртанар, нима бўлса ҳам хўжайиннинг иккинчи хотини Фатимедан сўраб олган йўл орқали, шаҳарга кетишни ўйлар эди. Албатта, қишлоқ атрофи тоғлар билан ўралган, шаҳарчагача эса салкам 200 километр. Аммо тортаётган бу азобларидан кўра йўлда бўриларга ем бўлгани яхши эмасми?

Атрофни тун ўз оғушига олиши билан, Салима молхонага яшириб қўйган тугунчани олди-да, кўрқа-писа орқадаги эшикчага йўналди. Тугунчани бағрига босганича, орқасига қарай-қарай эшик ёнига келганида, беҳосдан кимдир билагидан маҳкам ушлади. Салима чўчиб тушиб, ўгирилиб қаради. Унинг олдида қизга қахрли нигоҳини тикиб, хўжайин турарди.

– Мен...Мен...Мени кечиринг.

Салима ичи ёниб, оғзи қуриб қолганлигини ҳис этди.

– Бу нима?

Хўжайин унинг қўлидаги тугунчани тортиб олди. Ичидаги нон, бир ҳовуч майизни кўриб, ғазаби қайнади.

– Ҳа, ношукр. Қочмоқчи экансан-да! Биласанми, сени қанчага сотиб олганман? Менга энди ўша пулларни ким тўлайди?

Салима юзига келиб тушган муштан чайқалиб йиқилар экан, боши узра чақнаган юлдузлар бечора қизга ачингандек, ўчиб ёнишар эди.

Қиз юзига сепилган сувдан кўзини очганида, боши лўқиллаб, оғрирди. Бошида пиёла ушлаб турган хўжайиннинг иккинчи хотини Жевариени кўриб, хўрлиги келди. Кўзини юмар экан, сизиб чиққан икки томчи ёш, қизнинг юзини ювиб тушди.

– Қимирлама.

Жеварие оҳиста Салиманинг тўзғиган сочларини силаб, устидаги кўрпасини тўғирлади.

– Ўзингни асрамасанг ҳам, бўлажак фарзанднингни асрашинг керак.

Салима ҳайрон бўлиб, аёлга тикилди.

– Опажон, нима дедингиз?

– Сен яқинда она бўласан, буни эшитиб хўжайин ҳам роса хурсанд бўлди. Мен унга айтдим. Энди сен молхонадан ичкари ҳовлига ўтасан. Уй юмушларига қарашсанг бўлди.

Жеварие қизнинг пешонасига қўйилган сочикни қайта хўллаб, унинг ёнаётган юзларини артди-да, яна пешонасига қўйди. Хона эшигини оҳиста ёпиб кетар экан, Салима Жевариенинг «шўрлик қизгина», дея ух тортганини эшитди.

Хўжайиннинг топшириғига биноан энди Салимага кўпроқ овқат берилар, у уй тозалаш, ҳовлидаги баъзи бир енгилроқ ишларни қилиш билан шуғулланарди. Молхонадаги юмушлар эса Фатимега юклатилган эди.

Ҳомиладорлигини билган Салима нима қилиб бўлсада, боладан қутилишга аҳд қилди. Ўзини ўтга ҳам, чўкка ҳам ура бошлади. Атайлаб қоплар кўтарар, бўш қолди дегунича молхонага югуриб, Фатимега қарашарди. Буни сезган хўжайин, Салимага яхши қарамаётганлиги учун Жевариени калтаклади. Фақат шундан кейингина Салима тақдирига тан берди.

Тўлғоқ бошланган пайти Жеварие уйдан барча болаларни ҳайдаб чиқарди. Қишлоқ чеккасида турадиган доя кампирни айтиб келди. Туғилган чақалоқ дунёга келганлигини ўз йиғиси билан билдиргандан сўнггина, хонага қишлоқ фельдшери –62 ёшли Омар оға кириб, бола туғилганлиги муносабати билан гувоҳномани ёзиб, чиқиб кетди. Гувоҳномага фақатгина чақалоқнинг исми ва отасининг исми шарифи ёзилган эди, холос. Бола тарбияси хўжайиннинг буйруғи билан Жевариега юклатилди. Салимага фарзандини фақатгина эмизиш учун олиб келишарди. Беланчақда пишиллаб ётган ўғилчасининг олдига ўғринча кириб, боланинг юзларига термилар экан, Салима уни қўлига олишга кўрқар, худди уни жинойт устида ушлаб олишлари мумкиндек, эшикка қараб-қараб кўярди.

Орадан икки ой ўтар-ўтмас воқеа такрорланди. Яна ҳомиладорлигини билгач, Салима хўжайинга уни шифокорга олиб боришни ўтиниб сўради, оёқларига йиқилиб, ялиниб, ёлворди.

– Сен менга уч ўғил туғиб берсангина, қарзингдан қутиласан, унгача боладан қутилишни ўйламай кўя қол.

Шундай деб хўжайин чиқиб кетар экан, остонада жимгина турган Жевариега Салимага кўз-қулоқ бўлиб туришни уқтирди.

Туғилган чақалоқ қиз бола бўлганлиги учун, уни Салиманинг ўзида қолдиришди. Фарзанди бағрида эканлигидан ўзида йўқ шод аёл, бўш пайтлари қизалоғи Закияни қўлидан қўймас, унинг мунчоқдек қоп-қора кўзларидан тинмай ўпарди.

– Асалим менинг, жоним. Илоҳим, мен кўрган кўргиликларни сен кўрма. Худойим сени доим ўз панноҳида асрасин...

Баҳорнинг майин сабоси тоғлардан биринчи чечакларнинг ифори хидларини олиб келган кезларда, Салиманинг қалбидаги аллақачонлар сўнган она юртини кўриш умиди яна уйғонди. Бунинг асосий сабабчиси эса, қишлоққа келган Жесика исмли америкалик аёл эди. Жесика «Тинчлик корпуси» орқали келган кўнгилли бўлиб, уйма уй юрар экан,

Ўзининг бўлажак ўқувчилари, уларнинг ота-оналари билан танишарди. Сарғиш сочли, юзидаги билинар билинмас сепкиллари ўзига ярашиб турган бу аёлни Салима биринчи кўришидаёқ ёқтириб қолди. Жесикага хўжайиннинг уйидан бир хонани ажратиб беришди. Унинг айтишича, у туркларнинг миллий урф-одатларини ўрганиши, тилни яхшироқ ўзлаштириши учун оиланинг ўз аъзосидек бўлиб яшаши шарт экан. Оққўнгил, барча нарсага қизиқувчан Жесика, Салима бошидан кўрган-кечирганлари ҳақида эшитгач, тутқунлик кишанларидан уни озод этишга ёрдам беришини айтди. Бунинг учун яна озгина сабр қилиш зарурлигини уқтирди.

Орадан бир ой ўтди. Ҳар гал Жесика шаҳарга тушиб келганидан сўнг, Салима унга савол назари билан тикилар, буни сезган Жесика эса оҳиста бош чайқаб кўярди. Бу сафар ҳам Анқарага кетган Жесикани сабрсизлик билан кутар экан, Салима эмаклаб бошлаган қизалоғига тикилгунча хаёл суларди. Кеча яна тушига муштипар онажониси кирди. Бечора аллақачонлардир уни ўлганга чиқаргандир. Сингиллари билан укалари ҳам кап-катта йигит-қизлар бўлиб қолишгандир. Кенжа укаси Тўлқинжон уйидан кетганида 10 ёшда эди. Демак, ҳозир ўн учга кирибди...

Салиманинг хаёлини, хонага югуриб кирган Жесика бўлди. У кела солиб, аёлни кучоқлар экан, Анқарада Салимага ўхшаш алданган аёллар тақдири билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотини топганлиги, уларни Салиманинг ҳаётидан бохабар қилганлигини сўзлаб берди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Хўжайиннинг уйига унинг полициячи амакиваччаси яна келди. Улар узоқ гаплашишди. Меҳмон олдига қаҳва олиб кирган Салима, эшик ортидан гап ўзи ҳақида кетаётганлигини билиб, юраги орқага тортиб кетди. «Наҳотки бу дўзах азобидан энди қутилай деганда, уни яна қаёққадир олиб кетишса?»

Иккинчи куни хўжайин Салимага нарсаларини йиғиштиришини, у бир неча кун бошқа жойда, унинг узоқ қариндошиникида яшаб туришини айтди. Бу гапни эшитган Салиманинг кўз олди қоронғилашди, боши узра паға-паға булутлар сузиб юрган осмон чир айланаётганини сизди. Қўлидаги қизалоғини ерга ташлаб юбормаслик учун аранг эшик кесакасига суянишга интилди. Ерга йиқилар экан, хўжайиннинг дарвоза олдига келиб тўхтаган полиция машинасини кўриб, буралаб сўкинганини эшитди, холос.

Марказий ҳуқуқ тартибот органларининг аралашуви Салиманинг қуллик ҳаётига нуқта қўйди. Уни фарзандлари билан озод этиб, юртига қайтаришди. Аммо Ватанига қайтган аёл кадрдон қишлоғига қайтиб боришга ҳадди сизмади. Туркиядан қайтгач, Жиззах шаҳридаги қариндошларникида паноҳ топди. Қариндошлари унга отаси Салиманинг бошига тушган кўргуликларни эшитгач, қизини оқ қилганини айтиб беришди. Қизини кўргани келган онаси ҳам, иложи борица унга шу ерда қолишини, исноддан бош кўтара олмай қолган отасининг кўзига кўринмасликни маслаҳат берди. Энди Салима иш топиши, фарзандлари учун яшаши керак. Лекин бу осон булмайди...

2004 йил.

ЁЛҒОН АСИРАЛАРИ

Марина Валерийга турмушга чиққач, Россия Федерацияси фуқаролигини олди. Аммо турмушда учрайдиган қийинчиликлар, мурасизликлар туфайли оиланинг нозик деворлари дарз кетди. Марина Самарқанд шаҳрига ота-онасининг уйига қайтиб келди. У онасиникида яшаган бир йил давомида иш қидириб кўп эшикларга бош урди. Бирининг маоши тўғри келмаса, бошқасининг шароити ёқмади. Баъзи бирларига эса Маринанинг мутахассислиги мос келмади. Онасининг нафақасига базўр кун кўриб юришган ана шундай кунларнинг бирида тақдир уни Санобар Хаитова деган аёлга рўбарў қилди. Маринанинг келишган қадди-қомати, чиройи бир кўришдаёқ С. Хаитовада «бунинг орқасидан жарақ-жарақ пул ишласа бўлади» деган фикр уйғотди. Марина одамларда,

айниқса ёш қиз-жувонларда оққўнгил ва меҳрибон аёл сифатида таассурот қолдиришга устаси фаранг бўлган Санобарга бошидан ўтганларни оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

– Агар хоҳласанг, чет элга ишга жўнатишим мумкин, – деди Санобар унга ачинганнома оҳангда. – Танишларим бор. У ёқда каттагина пул ишлаб бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасан.

– Қанийди, лекин йўл ҳаражатлари у ёқда турсин, хатто ҳужжатларни расмийлаштиришга ҳам пулим йўқ.

– Бу ёғидан хавотир олма, ҳужжатларни ҳам ўзим тўғрилайман, йўлқирани ҳам ўзим кўтараман. У ёқда ишлаб топган пулингдан қайтарарсан.

Марина бошига кўкқисдан қўнган бахт қушини чўчитиб юборадигандай, секин сўради:

– Қаёққа бораман, нима иш қиламан?

– Таиландга. У ерда яхши танишларим бор. Яқинда телефон қилиб, ресторанга официантлар керак, дейишувди. Бир йилда 10–15 минг доллар ишлаб оласан. Хўш, розимисан?

– Лекин мен уларнинг тилиниям, инглизчаям билмайман-ку?

Санобар хандон отиб кулди.

– Вой, тентаквой-эй, у ерга бориб ишлаш учун тил билаш шарт эмас. Асосийси иш билсанг бўлди. Қолганини имо-ишора билан битирса ҳам бўлади. Сен кўркма, бирга кетамиз. Қарзингни ҳам ўша ёқда тўлайсан. Фақат менга паспортингни олиб келиб берсанг бўлди.

Марина хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўяй деди. Бутун вужудини чулғаб келаётган шодлик ҳисларидан сармаст бўлиб, овозининг борица бақиргиси, ёшгина қизалоқлардай қайларгадир югургиси келарди. Энди у нафақат телевизорда кўп бора кўрган мўъжизакор юртга боради, балки у ердан бой ҳам бўлиб қайтади. Аммо бир неча кун ўтиб Санобар билан учрашган Маринанинг чет элга кетиш умиди сўнишига бир баҳя қолди.

– Ия, ҳали паспортинг Россияникимиди?– деди хафсаласи пир бўлиб Санобар.– Бу паспорт билан Самарқанддан четга чиқиш учун виза олиб бўлмайди.

– Энди нима қиламан? –хавотир аралаш сўради Марина. – Балки бирор йўли бордир.

– Йўлику-я бор, лекин югур-югури кўпда. Жиззахда бир опахоним бор. Ўша бизга ёрдам бериши мумкин. Фақат кетишимиз кечикадиган бўлди-да, афсус.

Айни дамда Марина ҳамма нарсага тайёр ва рози эди. У илтижоли боқиб Санобарнинг кўлини ушлади.

– Опажон, ёрдам беринг, илтимос.

– Бўпти, эрталаб Жиззахга жўнаймиз.

Эртаси куни улар Жиззахда Бахти Абдурахмонова билан учрашдилар. Ўрта бўйли, истараси иссиқ бу аёл паспорт тўғрилаш Марина ўйлаганчалик қийин иш эмаслигини айтгач, унинг кўнгли бироз тинчлангандай бўлди. Бахти опа ваъда қилганидай, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Марина Власова Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланди-қолди. Б. Абдурахмонова кейинги учрашганларида самарқандлик меҳмонларига янги паспортни топширар экан, Жиззах туман паспорт хизмати бошлиғи Юсуф Пармоновга Марина келини бўлишини, кўпдан бери туманнинг Уч тепа даҳасидаги Янги обод маҳалласида яшаб келаётганини айтганини, кейин шу маҳалла фуқаролар йиғини котиби Тўлқин Қосимов билан келишиб, яшаш жойидан маълумотнома олганлигини кула-кула айтиб берди.

– Пул бўлса, чангалда шўрва, жоним, – Бахти опа Маринага маъноли қараб қўйди. – Бир лахзада Ўзбекистон фуқароси бўлиш мумкин. Хатто Арабистон фуқаросиям, мен сенга айтсам.

Орадан кўп ўтмай Марина Санобар билан Таиландга учиб кетди. Аммо орзусидаги мўъжизакор юртга келибгина Марина хом хаёлларга берилганлигини, ўйлаганлари сароб

эканлигини англаб етди. Таиландда уни очик чехра билан кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаштиришди ва ... фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этишди.

Бу орада эса Б. Абдурахмонова бошқа курбонларни излаш билан машғул эди. «Қармоқ ташласанг, балиқ албатта илинади», деганларидек, тезда катта пул, чиройли ҳаёт илинжида юрган Рушана Бахти Абдурахмоновага рўбарў келди. Қизининг алдов йўли билан Бирлашган Араб Амирликларига ёллаш жараёни ҳақида Рушананинг онаси Галина Валиулина шундай дейди:

– Ўшанда 2002 йилнинг киши эди. Қизим посёлкада яшайдиган бир киши Арабистондаги бар ва ресторанларда хизматкор бўлиб ишлаш учун қизларни йиғаетгани ҳақида гап топиб келди. Буларнинг ҳаммасини унга Бахти деган аёл айтган экан. Бунинг устига у кетиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олгани учун қизим дугонаси Эльвира Абибулина билан кетишга қарор қилибди. У бундай имконият одамга ҳаётида фақатгина бир марта берилишини айтиб, қаршилигимга қарамай, кетаман деб туриб олди. Эшитишимга қараганда, у ресторанда эмас, қандайдир Замира Пўлатова исмли аёлнинг кўлида фоҳишалик қилаётган экан.

Рушананинг дугонаси Эльвира Абибулина шундай ҳикоя қилади:

– Бир куни Рушана уйимизга келиб, Бахти опа деган аёлникига бирга бориб келишни илтимос қилди. У аёл менга «сен ҳам Дубайга официанткаликка ишга борасанми? У ерда яхши ҳақ тўлашади», деди. Рушана ҳам бораётганини, у ерда ёлғиз бўлмаслигимни ўйлаб рози бўлдим. Аммо кетиш учун менда пул йўқлигини, ота-онам ҳам бунинг учун пул топиб бера олишмаслигини айтганимда, Бахти опа ҳамма харажатларни ўз бўйнига олишини, қарзни у ёқдан келганимдан сўнг қайтаришим мумкинлигини айтди. Ростдан ҳам ҳамма ҳужжатларни Бахти опанинг ўзи тўғрилади. Рушана иккаламиз фақатгина виза олиш учун қоғозларга кўл қўйгани ХЧК ва ФБ бошлиғи Муҳиддин ака деган одамнинг олдида бордик, холос. Виза тайёр бўлганидан сўнг Бахти опа иккаламиздан «Ўз хоҳишим билан Бирлашган Араб Амирликларига ишлагани кетаяпман. Бахти опага ҳеч қандай даъвом йўқ», деган мазмунда тилхат ёздириб олди. 2002 йил 10 март куни Бахти опа бизни Хосият исмли аёлникига олиб борди. Унинг уйдан «Нексия»га ўтириб, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига келдик. У ерда бир нотаниш аёлнинг уйига бордик. Кечқурун у бизларни Бирлашган Араб Амирликларига жўнатиб юборди. Аэропортда бизни Замира, Шоира, Жамила, Хурсанд исмли аёллар кутиб олишди. Кейинчалик Замира билан Жамиланинг фамилияси Мусаева бўлиб, улар опа-сингил эканликларини, асли Самарқанд шаҳриданликларини билиб олдим. Кейин Рушана билан мени ажратиб, алоҳида-алоҳида меҳмонхоналарга жойлаштиришди. Шундан сўнг Рушанани қайтиб кўрмадим. Меҳмонхонада бироз дам олганимдан сўнг хонамга Пўлатова Замира исмли аёл кириб келди ва улар мени сотиб олишганини, энди уйга қайтишни истасам, фоҳишалик қилиб ўша пулни ишлаб беришим лозимлигини айтди. Мен рози бўлмадим. Шунинг учун роса калтаклашди. Хушимдан кетганимдан сўнггина мени тинч қўйишди. Икки кундан сўнг ўша аёл яна одамлари билан келди. Уларга фоҳишалик қилмаслигимни айтдим. Мени яна уриб тепишди. Рози бўлмасам, ўлдиришларини, ўлигимни эса ҳеч ким тополмаслигини айтиб кўрқитишди. Тўғриси, роса кўрқдим. Орадан бир ой ўтгач, мени Абу Даби шаҳридаги Гуля исмли аёлга топширишди. Унга ҳам фоҳишалик қилмаслигимни айтган эдим, қаергадир қўнғироқ қилди. Икки соатлардан сўнг Замиранинг одамлари келиб мени яна калтаклашди. Биттаси оёғимга пичоқ тикиб олди. Агар рози бўлмасам, шу пичоқни юрагимга санчишини айтди. Ярим йил ичида фоҳишалик қилиб, уларга 7000 АҚШ доллари ишлаб бердим. Аммо улар мени қўйиб юбормай, яна 6000 доллар ишлаб беришим зарурлигини айтишди. Бу хўрликларга чидай олмадим. Наташа исмли қиз иккаламиз қулай фурсат туғилиши билан қочиб кетдик. Худога шукур, бугун мен ўз юртимда, Ўзбекистондаман.

Эльвира Абибулина фақат бахтли тасодиф туфайлигина Ўзбекистонга қайтиб келишга муваффақ бўлди. Рушана эса хануз бу бахтдан бенасиб. Ҳатто, ҳозирги кунда унинг қаердалиги ҳам номаълум.

Энг ачинарлиси шундаки, Бахти Абдурахмонова сингари кимсалар бугунги кунда ҳам ўз юртдошларини алдаб, ўзга юртларга қулликка сотишмоқда. Афсуски, уларнинг домига тушиб қолаётган соддадил қиз-жувонлар сафи камаймаяпти. Ачинарлиси, «ёлғон асиралари»ни Арабистоннинг миллионер шайхлари-ю, Таиланднинг пулдор бойваччалари эмас, яна ўша ўзимиздан чиққан «илонлар» – Жамила Мусаева, Замира Пўлатова кабилар ўзларининг жирканч мақсадлари йўлида ишлатмоқдалар.

Одам савдоси тушунчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари саҳифаларида энди-энди ёритила, бу муаммонинг мавжудлиги ҳақида гапирила бошланганда раҳматли отам «мен ёшлигимда очликни ҳам, яланғочликни ҳам кўрдим. Аммо қатағон йиллари ҳам, уруш пайтлари ҳам одамлар ажириқ томирини еб, шишиб ўлган даврларда ҳам ҳеч ким қизини, аёлини сотмаган эди. Бу нафақат бир оила учун, балки бутун бир мамлакат, миллат учун иснодир», деган эдилар...

Ёш қизларни, бошига турмуш муштининг зарби тушиб, қийналган, гангиб қолган аёлларни «чет элга ишга жўнатаман», деб алдаб, қулликка сотаётган Бахти Абдурахмонова ҳақли равишда суднинг қора курсисига ўтирди. Аммо... 2002 йил 16 декабрда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 25–273 моддаси, 5-қисми билан айбдор деб топилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган Бахти Абдурахмонова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 1-моддаси «а» бандига асосан суд залидаёқ тайинланган жазони ўташдан яна озод этилди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, Б. Абдурахмонова худди шундай жиноят учун яна суднинг қора курсисига ўтирди. Бу сафар ҳам амнистия тўғрисидаги Фармон унинг жонига оро кириб, яна жазодан қутилиб қолди. Бу аёл Президентимизнинг, давлатимизнинг, халқимизнинг инсонпарварлигидан, бағрикенглигидан, кечиримлилигидан ўзига тўғри хулоса чиқариб олармикан? Ёки «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, ўзининг қабих ниятларини, жиноий хатти-ҳаракатларини амалга оширишда давом этаверармикан? Буниси бизга қоронғу.

«Қуллик инсоният цивилизацияси оёғига урилган кишандир», деган эди америкалик файласуф Л. Мэмфорд. Файласуфнинг узоқ 19 асрда айтган бу сўзлари ҳали-хануз ўз кучини, аҳамиятини ва долзарблигини йўқотмаганига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Биз ҳуқуқий демократик жамият қураяпмиз. Бу борада жазоларни либераллаштириш йўлини ҳам танлаганмиз. Лекин инсон савдоси дунё миқёсида ноқонуний қурол-яроқ ва гиёҳванд моддалар савдоларидан сўнг учинчи ўринга чиқиб, ундан келадиган бир йиллик маблақ халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобига кўра, 7 миллиард долларга етган бир пайтда мамлакатимизда инсон савдосига қарши курашга йўналтирилган махсус қонун қабул қилиш пайти келганга ўхшайди.

Р.С. Ўзингизга маълум сабабларга кўра «ёлғон асиралари»га айланган қизларнинг исм-шарифларини ўзгартирдик, аммо жиноятчиларнинг ҳақиқий исм-шарифларини беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

2004 йил

ТОПТАЛГАН ЁШЛИК

Шошиб кетаётган Севара метро бекатининг кириш жойида ишга таклиф қилиб эълон ёзилган қоғозларни тарқатиб турган қизга унчалик ҳам эътибор бермади. Унинг ўзига узатган қоғозига кўз ҳам югуртирмай, сумкасига солди-да, шитоб билан зинадан пастга югуриб туша кетди. Ахир бугун ҳаётида муҳим кун. Кўрик-танловдан ўтиши керак. Агар

омади келса, янги очилаётган рақс гуруҳига қабул қилинади, бўлмаса... Бўлмаса, назарида бир умр болалар рақс тўгарагини бошқаради. Ҳа, орқангда одаминг бўлмаса кийин экан. Санъат билим юртини яхши баҳоларга тугатди, орзуси Тошкентга бориб ишлаш, ўз билими, иқтидорини бутун республикага намоён қилиш эди. Бу орзусига қисман бўлса ҳам эришди. Онаси, тоғасининг ёрдами билан Тошкентдан бир хонали уй сотиб олиб, шу ерда яшай бошлади. Аммо хануз бирор рақс гуруҳи аъзоси бўлиш орзуси ушалганича йўқ. Балки бугун орзуси рўёбга чиқар. Қанийди...

Кечқурун бўшашиб, хувиллаб ётган хонадонига келган Севара, бир амаллаб эшикни очдида, остонадаёқ хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Намунча омадсиз бўлмаса? Ахир кўрикда қатнашганларнинг ундан ҳеч ҳам ортиқ жойи йўқ-ку?! Шу он ўзини жуда-жуда бахтсиз ва ожиз сизди. Юзини юваётган кўз ёшларини артиш учун рўмолчасини қидириб, сумкасига қўл солган эди, унга бир парча қоғоз илиниб чиқди.

Севаранинг юраги тез-тез ура бошлади. Балки бугунги кўрик-танлов ҳаётнинг бир синовидир. Балки энди омад унга кулиб боқар?! У худди йўқотган нарсасини топгандек, ғижим бўлган қоғозни авайлаб текислади ва ундаги эълон сатрларига қайта-қайта кўз югуртирди. «Хорижда ишлаш учун раққосалар таклиф қилинади. Тажриба талаб қилинмайди. Чет тилни мукаммал билиш шарт эмас. Лицензия № 3468. Телефон.....»

Балки унинг бахти айнан мана шу бир парча қоғоздадир. Севара телефон гўшагини кўтариб, эълонда кўрсатилган рақамни терди. Орадан 3–4 сония ўтмасдан гўшақда номаълум аёлнинг ёқимли овози эшитилди. Аёл билан учрашувни келишиб олган Севара елкасидан тоғ ағдарилганлигини сизди. Қанийди тезроқ тонг ота қолса.

Учрашувдан Севара уйига учиб келар эди. Уни қабул қилишди. Гуруҳ раҳбари ҳам унинг ҳаракатларини мактаб, айнан шундай раққоса қизлар кўпроқ келса яхши бўлишини, фақат шундагина янги тузилаётган гуруҳнинг шуҳрати бутун дунёга тарқалишини таъкидлаганлигини эслаб, ўз-ўзидан гурурланди. Энди тезроқ Жиззахга қайтиши керак. Албатта, бу хушхабарни биринчи бўлиб аяжониси эшитиши лозим. Дугоналари ҳам эшитишса хасаддан ёрилиб ўлишади-да. Ҳар кимга ҳам чет элга чиқиш насиб этавермайди-ку!

– Ассалому-алайкум. Ким бо-ор?

Хайри опа қизининг овозини эшитиб, тикиб ўтирган нарсасини четга қўйди-да, Севарага пешвоз чиқди.

– Болажоним-ей, бормисан? Тошкентингдан келай ҳам демайсан-а? Соғинтириб қўйдинг.

Хайри опа қизини бағрига босар экан, кўзига ёш келди.

– Онам бор ҳам демайсан-а?

– Аяжон, сизни жуда-жуда соғиндим. Шошманг, сизга бир янгилик айтмоқчиман, фақат йўқ демайсиз.

– Тўхта, йўлдан толиққандирсан, чой қўйворай, кейин бафуржа гаплашамиз.

Хайри опа ошхонага йўналиб, чойгумни газга қўйди. Дастурхон ёзди. Кийимини алмаштириб чиққан қизига термулди. «Ёши ҳам 20 дан ошди. Қўшни Ботиржон юборган совчилар ҳақида ҳозир айтсамикан, ё кейинроққа қолдирсамикан? Шаҳар кўрган қиз. Балки Тошкентдек азим шаҳардан тенгини топгандир. Янгилик айтаман деди-ку?» Хайри опа қизининг қувончдан порлаб турган кўзларига боқар экан, дастлаб унга қулоқ солишга жазм этди.

– Хўш, нимани айтмоқчисан?

Иссиқ чой қуйилган пиёлани Севаранинг кўлидан олар экан, Хайри опа қизига боқди.

– Аяжон, мени чет элда концертлар қўйиш учун тузилаётган рақс гуруҳига қабул қилишди. Фақат йўқ деманг. Уч ой давомида Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарда бўлар эканмиз. Сизнинг розилигингиз бўлса, бас. Хужжатлар деярли тайёр.

Севара умид билан онасига тикилди.

– Шошма, шошма. У кун қўнғироқ қилганингда қанақадир гуруҳга кириш учун кўрик-танловда қатнашишингни айтган эдинг, ўтдингми?

– Йўқ, у эмас. Бошқа гуруҳга. Ёлон бўйича борган эдим, мен билан гаплашиб, ҳаракатларимни кўриб қабул қилишди. Мақташди ҳам. Ойлик ҳам беришар экан. Ўзингиз Муроджон акамни уйлантираман, деб юрибсизку. Бўлажак келинойимга кийим-кечакни ўша ёқдан қилиб келар эдим. Хўп денг. Бор-йўғи уч ой-ку!

Хайри опа нима дейишини билмай ўйланиб қолди. Ҳа, қизига ҳам қийин. Бечоранинг раққоса бўлиш орзуси ушалсин, бу ерда тўй-пўйга юриб кетмасин деб, минг бир машаққат билан Тошкентга жўнатган эди. Бу ёқда Муроджоннинг ҳам бўйи етиб турибди. Келгуси йилда уйлантирмаса бўлмас, ўзиниям ёши ўтиб борапти. У тенгилар аллақачон бир-икки болали бўлишди. Раҳматли отаси тирик бўлганида, бу муаммолар шу пайтгача ҳал бўлармиди?

– Жон қизим, ўйлаб кўрайлик. Кечкурун тоғанг ишдан келсин, қани, у нима дер экан? Ҳар қалай сизларга ота ўрнида ота.

Севаранинг тўлиб-тошиб сўзлаган ҳикоясини тинглаган тоғаси ҳам ўйланиб қолди. Севара ҳали ёш қиз. Тошкентдан узоққа бормаган. Бир ўзини чет элга жўнатиш қалай бўлар экан. Жиянининг жавоб кутиб, термулиб турган кўзларига боқар экан:

– Майли, нима ҳам дердим, фақат ўша гуруҳ раҳбаринг билан ўзим бориб гаплашаман. Айтгандай, қанча пул сўрашяпти? Йўл харажатларини ким тўлар экан?

– Ўзлари, ўзлари. Бу ҳақида мен ҳам сўровдим. Ҳаммасини ҳужжатларни тўғирлашга, йўлга кетадиган пулни ҳам ўзлари тўлашларини айтишди, кейин ойлик маошимиздан ушлаб қолишар экан, – деди Севара шоша-пиша тоғаси фикридан қайтишидан кўркиб.

Тошкентга бориб гуруҳ раҳбари билан гаплашган Севаранинг тоғаси кўнгли хотиржам бўлиб, орқасига қайтди. Қизларни хорижга жўнатаётган фирма ходимлари унга ўз лицензияларини, шартнома бланкаларини ҳам кўрсатишди. Биноидек ташкилот экан, ходимлари ҳам ўта хушмомала! Эшикдан киргиши билан юзларида табассум билан кутиб олиб, чой ҳам таклиф этишди-я. Бошлиғи-чи, бошлиғи. Ўзини худди қадрдон дўстидек тутди-я! Овозида на такаббурлик бор, на ҳаракатларида кеккайиш. Қойил!

Севара фақатгина самолётнинг юмшоқ ўриндиғига жойлашиб, хавфсизлик камарини таққачгина, ростдан ҳам чет элга учаётганларига ишонди. Эҳ, у қанчалик бахтиёр эканлигини яқинлари кўрса эди. Самолётда ҳам биринчи марта учиши. Маза. О, тепадан уйлар ҳам кўринмай кетар экан-а? Гуруҳ аъзолари, бир-биридан чиройли қизлар яқиндан танишиш истагида тинмай чуғурлашишарди.

Бангкок аэропорти божхона постидан ўтишгач, гуруҳ раҳбари 14 соат давомида учишдан толиққан қизлар қўлидан паспортлари ва имзолаган шартномаларини қайтадан йиғиб олди-да, бу нарса қизларни янги жойда ишга жойлаштириш учун кераклигини уқтирди.

Аэропортда уларни башанг кийинган икки йигит кутиб олди. Улар гуруҳ раҳбари билан бир нарсалар ҳақида гаплашгач, бири қизларнинг олдига келиб, ўзининг орқасидан юришларини тайинлади.

– Вой, ўзбекча билар экан, – деди қизлардан бири.

Унинг гапини эшитиб, йигит жилмайиб қўя қолди. Юринглар, дегандек, боши билан ишора қилди.

– Гуруҳ раҳбаримиз биз билан бормайдиларми? – қизларнинг энг шаддоди Гўзал олазарак бўлиб уни кидира бошлади.

– Хавотирланманглар, у кечроқ келади, ҳозир эса мен нима десам, шуни қиласизлар, – деди йигит сабрсизлик билан.

Қизлар етиб келган уй кўримсизгина бўлиб, ҳар хонага 5 тадан қизни жойлаштиришди. Овқатланиб, бир оз дам олган қизларнинг олдига кечкурун бир аёл келиб, барчаларини «Хўжайин»нинг олдига бошлаб борди. «Хўжайин»нинг гапи эса қизларнинг устидан бир

челак совук сув қўйгандек, уларнинг баданларини жунжиктирди. «Хўжайин» улар билан тузилган шартнома бу ерда ҳеч кимни қизиқтирмаслигини айтиб, бу ерда қизлар халқ рақсларини эмас, балки стриптиз намоиш қилишлари кераклигини уқтирди. Бундан ташқари клуб эгаси стол атрофидаги дам олаётган меҳмонлар ёнига ўтириб, уларни қимматбаҳо ичимликлар ва таомлар буюртиришга ундаш ҳам қизларнинг вазифасига киришини айтди.

Ўртага чўккан сукунатни Гўзалнинг овози бузди.

– Нега энди биз сизнинг айтганингизни қилишимиз керак? Бизни бу ерга рақс тушиш, Ўзбекистоннинг гўзал рақсларини дунёга танитиш учун олиб келишган. Бизга бундай муомала қилишга қандай ҳаддингиз сиғди?

Қизнинг ғазаб билан айтган сўзларини «хўжайин»нинг қаҳқаҳаси бўлди.

– Ўзингни гўлликка солма. Кўринишингдан унчалик соддага ҳам ўхшамайсан. Яна бир марта гап қайтарадиган бўлсанг, яхшилаб таъзирингни ейсан. Бу ерда менинг айтганим бўлади. Энди сизлар меникисизлар, чунки мен ҳар бирингни сотиб олганман. Сенларнинг йўлинг, озиқ-овқатинг, кийиминг учун сарфлаган пулларимни икки ҳисса қилиб қайтариб бермас экансизлар, ёруғ дунёга келганларингга пушаймон бўласизлар. Тушундингми?

У қахли нигоҳини Гўзалга тикди.

– Нега энди бизни сотиб олар экансиз? Биз бировнинг ёки сизнинг шахсий буюмингиз эмасмиз! Ҳозироқ бизни қўйиб юборинг, бўлмаса устингиздан арз қиламиз, – гапга аралашди Севара.

– Ўх-ў, ҳаммангнинг тилинг узун экан-да. Бор қаёққа кетсанг кетавер! Кўраман хужжатсиз бегона юртда, бир оғиз буларнинг тилини билмай қаёққа боришингни? Кўчада очингдан ўларсан?! Бунинг устига ота-онанг ҳозир қаердалигингни ҳам билмайди. Ахир сизлар хоҳламайсизлар-ку, уларнинг қулоғига бу ерда нима иш билан шуғулланганларинг етиб боришини?

Қизлар ялт этиб бир бирларига кайтишди. Кимнингдир пиқиллаб йиғлаган овози эшитилди.

– Бўлди бас, буларни олиб кетинглар. Кечкурун бари ишга чиқсин. Мунир, хоҳламаганини ақлини киритиб қўй.

Калтак зарбидан ҳаммаёғи қақшаган Севара, кўзини очганида бошида турган Гўзални кўрди. Йиғидан унинг қовоқлари шишиб кетганди. Дугонасининг кўзини очганини кўриб, қувониб кетди.

– Э, қўрқитвординг, дугонажон. Шуларни айтганини қила қолсанг бўларди. Ўзиям хушингдан кетсанг ҳам қорнингга тепишди-я, аблахлар. Айтишларича, юмшоқ жойга урса, кўкармасмиш. Хайвонлар!

Севара қорнида қўзғолган кучли оғрикдан ғужанак бўлиб олди.

– Ўлсам ҳам уларнинг айтганини қилмайман. Ундан кўра ўлдиришгани яхши.

– Қўй дугон, онангни ўйласангчи, ўзинг айтувдинг ёлғиз қизман деб, сенга бир нарса бўлса кўтара олмайдилар. Ке, ундан кўра қандай қилиб бу дўзахдан қутилишни ўйлайлик.

Номуси топталган, хўрланган, калтакланган қизларнинг кўзига бараваракайига ёш келди..

Гўзалнинг гапини эшикдан кириб келган «Хўжайин»нинг югурдаги Мунирнинг овози бўлди.

– Нима, сен ...лар ҳали қочмоқчимисанлар?

У кела солиб, Гўзалнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Қиз қўрққанидан юзини яшириб, бурчакка қочди. Мунир қиз томон юрган эди, Севара ўрнидан туриб, жон ҳолатда унинг қўлига осилди.

– Урманг, уни урманг. Биз қочмоқчи эмасмиз. Сиз нотўғри эшитибсиз. Биз учун тўлаган пулларингизни ишлаб берамиз. Фақат урманг.

– Мана бу бошқа гап. Энди ақлларики кирибди. Ҳозир «хўжайин»ни қувонтираман, - дея эшикни карсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Уч ой Бангкокнинг аҳоли энг зич жойлашган мавзесидаги тунги клубда ишлаган Севарани «хўжайин» уни ёқтириб қолган «ҳамкасабаси»га икки баробар қимматга сотиб юборди. У эса ўз навбатида қизни ўзининг доимий мижози бўлмиш бой арабга сотди. Чиройли, аммо қадри-қиммати йўқ буюм сингари қўлдан-қўлга ўтган қиз 7 ой деганда Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида кўним топди. Бу ерга келиб эса унинг «вазифаси бир оз ўзгарди». Уни Дубайга олиб келган Селим Севарани фоҳишахоналардан бирига сотди.

Қизнинг латофати, гўзаллиги, мулойимлиги тезда фоҳишахона хўжайинини ўзига ром этди. У қизга алоҳида илтифот кўрсатар, хаттоки унинг «чўнтак харажатларини» бошқаларга нисбатан кўпайтирган ҳам эди. Қиз фақатгина алоҳида мавқега эга мижозларга хизмат қиларди. Улар эса тез-тез уни ўзлари билан олиб кетар эдилар. Мактаб давридаёқ инглиз тилини анча-мунча яхши ўзлаштиргани ана шу ерда қўл келди.

Севаранинг Акром Носир билан танишуви ҳам шу тарзда кечди. Дубайдаги бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг эгаси бўлмиш бу одам, бу ерга тез-тез ташриф буюрар, ҳар келганида албатта қизга қимматбаҳо буюм совға қиларди. Севара ҳам уни кўрганида кайфияти кўтарилар, аста-секин ўзидан 20 ёш катта бўлган одамга ичидаги дардини ҳам айта бошлади. Узоқ Ўзбекистонда қолиб кетган муштипар онаси, акаси, жиянларини соғинганлигини, бир бор бўлса ҳам оназорини кўриш истагида эканлигини бир-бир сўзлаб берди. Қизни диққат билан тинглаган Акром Носир унга ёрдам беришини ваъда қилди.

Севара Акром Носирни икки ҳафта кутди. Қалбида ёнган умид учқуни аста-секин сўна бошлаганда, «хўжайин» унинг хонасига одам юбориб, тайёр бўлиб туришини, энди у бошқа жойда ишлашини айтди.

–Э, Худо, сенга нима ёмонлик қилган эдим. Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми? Аяжон, мени кечиринг, бахти қаро қизингизни кечиринг.

Севара юрагининг туридан отилиб чиккан фарёдни тўхтата олмади. Дераза олдида қўйилган столдаги мевалар ёнида турган пичокни қўлига олди. Бир зум унга тикилиб турди-да, кўзини чирт юмиб, кўксига пичокни санчиш учун қўлини кўтарди. Аммо қўли ҳавода муаллақ қотиб қолди. Билагидан ушлаган кучли қўл қизнинг қўлидаги пичокни тортиб олиб, секин сочини силади. Нима бўлганлигини тушунмаган Севара кўзини очганида, олдида жилмайиб турган Акром Носирни кўрди.

– Вой тентаквой-ей, - деди у инглизчалаб.– Иккинчи бундай қила кўрма, энди сен озодсан. Мана бу эса сенга совға.

Акром Носир қизнинг қўлига самолёт чиптасини тутқазди.

- Энди кийимингни алмаштир, бирга овқатлангани борамиз,– дея секин эшикни ёпиб, чиқиб кетди...

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Алданиб қолмаслик ва ўзга юртда қўл бўлмаслик учун қўйидаги маслаҳатларимизни ёдда тутинг ва имкон қадар уларга амал қилинг:

Сиз фирма орқали чет элда ишлаш учун кетишига қарор қилган бўлсангиз, аввало меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан ушбу фирманинг бундай фаолият тури билан шуғулланиш учун тегишли давлат лицензияси бор-йўқлигини текширинг.

Сизни чет элда ишга жойлаштиришига ваъда бераётган фирма вакилидан лицензиясини кўрсатиш ва ундан нусха кўчириб беришини сўранг. Фирма вакиллари томонидан берилган маълумотлардаги фирманинг номи, унинг манзили ва фаолият муддатлари бошқа ҳужжатлар билан мос келишига эътибор қаратинг.

Сизни чет элда ишга жойлаштиришга ваъда бераётган фирма офиси деворларида фирма томонидан кўрсатилаётган хизматлар рўйхати борлигига диққат қилинг.

Фирма томонидан сизга таклиф этилаётган ишнинг чет давлатда қонунлаштирилиши бўйича шартномани кўрсатишни сўранг.

Сизга ўз хизматларини таклиф этаётган фирма вакилининг исм-шарифини билиб олинг, унинг ҳаққонийлигини текшириб, воситачи фирма томонидан берилган, ҳамда нотариус тасдигидан ўтган, инсонларни чет элда ишлашга ёллаш ҳуқуқини берувчи ишончнома ёки шартномани кўрсатишни сўранг.

Сиз бормоқчи бўлган давлат элчихонаси ёки ваколатхонасининг савдо-сотиқ бўлимига мурожаат этинг ва сизга иш таклиф этаётган бу фирма ёки шахснинг ҳақиқатдан ҳам борлигини аниқланг.

Виза олиш учун сўровномалар элчихоналар томонидан бепул берилишини унутманг.

Сизни таклиф этаётган чет эл фирмасининг телефони билиб олинг ва у ерга қўнғироқ қилиб кўринг. Ҳақиқатдан ҳам ўша фирма сизнинг давлатингиздаги фирма билан битим тузганми? Давлатингиздан фуқароларни қандай шартлар билан таклиф этишади? Ана шу саволларга жавоб олишга ҳаракат қилинг.

Сизга иш таклиф этишганда қуруқ сўзларга ишонманг, албатта шартноманинг ҳар бир нусхаси билан танишиб, сўнг имзо чекинг.

Чет элда ўқиш ёки ишлаш учун тузилатган шартномани диққат билан ўқиб чиқинг, ҳар бир изоҳига алоҳида эътибор беринг, имкон бўлса ҳуқуқишунос маслаҳатини олинг, шартнома сизга тушунарли тилда ёзилган бўлиши шарт.

Чет элда ишлаш ёки ўқиш учун тузилган шартномаларда қуйидагилар акс этган бўлиши шарт:

истиқомат учун жой;

ишга олувчининг исми, фамилияси, фирма номи, манзили, телефони ва факси;

иш ва меҳнат шароитлари;

маош тўлаш услуби;

шартноманинг муддати;

ижтимоий ҳуқуқларнинг таъминланиши;

чет давлатда бўлиш шароити ва ваколат берувчи масъул шахс тўғрисида маълумот.

Сизни иш билан таъминлаётган фирма ҳужжатларни расмийлаштириш учун пул талаб қилса, пул тўланганлиги ҳақида банкнинг квитанцияси ёки касса ордерини талаб қилинг, бундай ҳолатларда энг яхши усул пулни банк орқали фирма ҳисоб рақамига ўтказишдир. Фақат шу йўл билан пул ўтказганлигингизни (судда ҳам) исботлаб бера оласиз.

Айниқса, Сизга таклиф қилишаётган ишга тўланадиган маошга аҳамият беринг. У Сиз ишга жойлашган давлатдаги ҳақиқий маошга тўғри келадими?

Чет элда ишлаб топилган пулни банк орқали олганингиз маъқул, бунинг учун ўз давлатингиздаги банкда ҳисоб рақами очишингиз керак бўлади. Банкдан бунинг қандай амалга оширилиши ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Чет элга етиб келишингиз биланоқ Ўзбекистоннинг шу давлатдаги элчихонасида ёки ваколатхонасида рўйхатдан ўтинг.

2004 йил.

ЖЕТТИСОЙ АСИРИ

Рўпарамда ўтирган новча, озғин йигитга тикилар эканман, беихтиёр унинг қўлларига қарадим. У қиз боланикидек нозик, ингичка бармоқларини қаерга қўйишини билмас, дамба-дам қўлларини униқиб кетган телпагининг тагига яширар эди. Ўзига савол назари билан қараб турганимни кўриб, у бироз танаффусдан сўнг гап бошлади:

—Опа, илтимос, менинг номимни ёзманг, лекин бу ерга келишимдан мақсад, менинг кўрган-кечирганларимни бошқалар ҳам билса, хатоимни бошқалар такрорламаса дейман.

Келинг, яхшиси бир бошидан гапириб бера қолай. Мен оилада тўнғич фарзандман. Оиламиз катта. Оз эмас, кўп эмас 13 кишимиз. Отам оддий ишчи бўлиб ишлар эди. 1994 йилдан бошлаб биз яшаётган ширкат хўжалигида ойлик маошларини ололмагач, ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёздилар. Шу кунларда бир парча ерга уруғ қадаб, худодан баракасини сўрайдилар. Оиламга озроқ бўлса ҳам ёрдам бериш мақсадида Жиззахга келдим. Менга меҳнат биржасига боришга маслаҳат беришди. Аммо у ерда менга кутишимни айтишди. Кейин мардикор бозорига чиқдим. Бозорда тумонат одам. Кўлларида аррадан тортиб, пой тешагача. Ўнлаб одамлар шумшайиб, ўтган-кетган машинага умидворлик билан кўз тикишади. Агар бирортаси тўхтаб қолса, унга ёпирилишади. Биласиз, ҳозир «сезон» эмас. Кўпчилик қурилиш ишларини кеч баҳор, ёки ёзда бошлайди. 3–4 кун мардикор бозорида овораи-сарсон бўлгач, бу ердан ҳам иш топа олмаслигимни англадим. Шу ерда ўзбекларнинг кўпчилиги Қозоғистонга бориб, яхши даромад қилиб келишаётганини эшитиб қолдим. Ёру-дўстлардан қарз ҳавола қилиб, таваккал дея мен ҳам ўтган йили июнь бошларида Қозоғистон томон отландим. Тошкент–Термез катта трассасидаги Қозоғистон бекатига тушдим. Ҳақиқатдан ҳам бу ерда ўзбеклар анча экан. Уёқ бу ёққа аланглаётганимдан янгилигимни сезишди шекилли, олдимга иккита қозоқ полициячи келиб, паспортимни сўради. Мен уларга мардикорликка келганимни, аммо паспортим йўқлигини айтдим. Нима мақсада келганимни билишгач, улар менга орқаларидан юришимни буюришди. Полиция маҳкамасига келдик. У ерда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган 15 нафар мардикорлар билан учрашдим. Кўп кутдик. Охири бизларни бир-бир чақириб, рўйхат қила бошлашди. Шу-шу мени темир панжарали, зах хонага қамаб қўйишди. Кун иссиқ.. Сўрасанг ҳам ичгани сув беришмайди. Биринчи учратган юртдошларимни бошқа кўрмадим, кейин уларни 500 тенгега сотишганини эшитдим. Зерикканимдан қўшни хонада ўтирган қозоқ йигитни гапга тутдим. У ҳам зерикиб ўтирган эканми, бир пасда гаплашиб кетдик. Менинг бу ерга қандай келиб қолганимни билгач, «э, шўринг қурғур. Бу ерда сени бекорга ушлаб туришмайди. Сен шўринг қурғурларни полициячилар бадавлат одамларга пуллашади. Ўз юмушини битказган бой эса яна бошқасига сотади. Бу ёқда паспортларинг маҳкамада чанг босиб ётаверади». Унинг гапларини эшитмаслик учун қулоқларимни беркитдим. Бир биридан аччиқ хаёллар мени ўз гирдобига олган эди. Ўзоғи йигит эса: «Ўзбек, қозоқ, қирғиз ҳаммаси биргина туркий аталмиш халқнинг фарзандлари бўлиб, бир дарёдан сув ичиб, дини-ю, тили, пайғамбари-ю, авлиёлари бир бўла туриб... Нега? Нега? Ўз қавмини сотади, шешенгни», - деб хўрланади. Қўшни хонадан аёлнинг йиғлаган овози эшитилди.

—Эй, Худо, қаёқдан ҳам бу ерга келдим. Не қуйларга тушдим.

Унинг янада қаттиқроқ йиғлаган овози эшитилди. Бу ерга келганига олти кун бўлган экан. Ҳалигача ўзини боса олмайди. Гоҳида ярим тунда ҳам унинг инграб, нола қилган овози эшитилади. Шунда навбатчи полиция хизматчиси билан уйқуси бузилган маҳбуслар бақириб, овозини учиришни талаб қилишади. Эрталаб, бир парча нон ва бир стакан сув билан тамадди қилиб, маҳкама атрофини супуриб бўлгач, кечаси тинмай йиғлаган аёлни кўришга ошиқдим. Исми Санобар, ўзи Фарғонанинг Олтиариқ туманидан экан. Турмуш ўртоғи ногирон, икки фарзанднинг онаси. Қийналиб кетганидан бир дугонаси «қозоққа» ишга борамиз, деб қолибди. Кўп ўйланмай рози бўлиб, йўлга тушишибди. Қозоғистонга келгач, чиндан ҳам иш топибди.

— Мақтали деган қишлоқдаги Сандибай исмли кишининг ерида ишлай бошладик. Келишув оғзаки бўлиб, бир гектар ерга 8000 сўмдан келишувдик, — деди Санобар опа.- Аммо 7 гектар деб чопиқ қилишга келишилган жой 10 гектар экан. Биз шунисига ҳам рози эдик. Эрта азон туриб, кеч шомгача тиним билмадик. Аммо ҳисоб-китобга келганда, хўжайинимиз ҳар хил гап қила бошлади. Яна 3–4 кун шу ерда ҳар хил иш қилиб юрдик. Пулдан

эса дарак йўқ. Пулимизни ундириб беринг, деб ҳам ҳеч қаерга арз қилолмадик. Қўшнилар эса:

– Энди пулларибни бермайди, сизларга ўхшаганлар озми бу ерда. Агар йўлкирага озроқ пул берса, тезроқ уйларибга кета қолинглар, - деб қолишди.

Фарғонадан чиққанимга 14 кун бўлди. Биздан хавотир олишаётгани аниқ.. Бошимиз қотиб турувди, дугонам бизларга ажратилган хонадаги эски жиҳозларни хизмат ҳақи эвазига олиб кетишни айтиб қолди. Бу ўғирлик, ўзимиз ҳам билиб турибмиз, аммо... Ўғирладик. Мен иккита гилам олдим. Ҳали бомдодга азон айтилмасдан йўлга чиқдик. Икки дугона қилган ишимиздан юракни ҳовучлаймиз. Шу пайт ёнимизга енгил машина келиб тўхтади. Полиция... тамом. Мен нима қиларимни билмай эсим оғиб қолди. Бир маҳал қарасам, ёнимда дугонам йўқ. Гиламларни ташлаб қочиб қолибди. Шундай қилиб, бу ерга келиб қолдим. Кеча онам келган эдилар. Айтишларича, йўлда такси ҳайдовчи қозоқлар алдаб 60 минг сўм пуллари олибди. Гиламнинг эгаси эса кечирадиганга ўхшамайди.

Шундан кейин Санобарнинг овози тиниб, қамоқхонага сув қўйгандек жим бўлиб қолди. Тўғриси айтсам, менинг бахтим бор экан. Бир бой қозоқ келиб мени олиб кетмоқчи бўлганида, маҳкамага отам қидириб келиб қолдилар. Ёнларида озгина пул бўлгани учун яна қайтиб кетдилар. Шундан кейин мени сотишмади. Бир ҳафтадан сўнг отам 65 минг сўм олиб келиб, мени олиб кетди. Отамга ёрдам бераман деб, аксинча, уларни ҳам ташвишга, ҳам харажатга қўйдим...

Йигит бошини ҳам қилганча жим бўлиб қолди. Унга тикилар эканман халқимизнинг «узокдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка яхши» деган ибратли мақоли ёдимга тушди.

2004 йил.

ҚАЛЛОБ АРВОҲ

Насиба янги ўрилган хушбўй ўт устида чалқанчасига ётар экан, ўзини шошилмасдан бир маромда ўтаётган қишлоқ ҳаётининг бир бўлагидек ҳис қиларди. Шаҳарни эса доимо ёнида олиб юрадиган уяли телефони эслатиб турарди, холос, аҳмоқона одат.

-Далага компьютерингни ҳам олиб борсангчи!-деб куларди Назокат хола тадбиркор кизнинг устидан.

-Ундан озгина дам олай, кейин албатта олиб юраман, -деб жавоб берарди Насиба.

Шаҳарга қўнғироқ қилиш ҳам, китоб ўқиш ҳам, хаттоки, бирор нарсани ўйлаш ҳам бу ерда гуноҳдек эди. Фақат янгигина ўрилган йўнғичка ҳидидан тўйинган хаводан нафас олиш, эринчоқлик билан сузаётган булутларга термулиш, ҳайдалган ердан зағизғоннинг чувалчанглар тераётганини кузатиш...

Атроф жимжит, на машинанинг овози, на тракторнинг гуриллагани эшитилади. Фақатгина кенг далада тераклар қуршовидаги қабристон.

-Қабристонга бир ўзинг борма,-дерди Пўлат амакиси.

Насиба “хўп”, дерди-ю, аммо қабрлар орасида юришни ёқтирарди. “Улар бу ердан тинч ётибдилар”, деб ўйларди у ота-онасининг қабрини ҳар гал зиёрат қилар экан. Қабрларнинг бошига дала гуллари қўйиб, анчагача уларга термулиб ўтирар, вақт шамоли сийқалаган хотираларини тиклашга ҳаракат қилар. Гоҳида онаси ёки отасининг онгининг бир бурчагида яшириниб ётган сиймоси лоп этиб, тиниқ кўз олдида намоён бўлса, хўрланиб кўзига ёш қуйилиб келарди.

Насибанинг ота-онаси болалигида автоҳалокат туфайли вафот этгач, у холаси Назокат ва унинг турмуш ўртоғи Пўлат аканинг қўлида қолди. Аслида Пўлат амакини почча дейиши керак. Лекин негадир бу одамнинг меҳрибонлиги, салмоқли оҳангда сўзлашиши, Назокатнинг райига қараши учунми почча дейишга тили бормаиди.

Ҳозир кеч соат 21.00. Шаҳарда бу пайти Насиба ишдан қайтар, йўл-йўлакай эртанги кун режасини тузарди. Кейин тезда кечки овқатни тамадди қилиб, ярим тунгача ноутбук олдида ўтирарди. Бундай пайтларда елкалари, кўзлари ачишар, бели оғрир, тўшагига бир оз чўзилиб, кўзи илиниб узук-юлуқ тушлар кўриши билан тонг отган бўларди. Яна туриш, шошилиб ишга бориш керак...

Қишлоқда эса вақт шошилмай, секин ўтади. Бу ерда вақт ўзининг чексизлик ва абадийлик хусусиятларини йўқотгандек эди. Бу ерда абадий чексизлик фақат дала, ҳаво ва дарахт япроқларининг сирли шивирлаши, холос.

Оқшом чўка бошлади. Пода қайтгач, пахса девордан қурилган қишлоқ уйларининг чироқлари бирин-кетин ёна бошлади. Тун пардаси атрофини ўрай бошлаши ҳамон қабристон ҳам кўздан йўқолиб борар, фақатгина қабр тошлари туннинг нафис қора пардаси ичра оқариб кўринарди. Кундузи қабристон ёнидан кўркмай ўтадиган Насибанинг юрагини бирдан ваҳима босди. Кечкурун ҳар гап бўлиши мумкин. Тезроқ уйга қайтиши керак. Асаблариям чарчаган... У қабр тошларига қарамасликка ҳаракат қилиб, шошилганича қайтар экан, барибир бошини кўтарди. Яна ўша оқ кийимдаги шарпа... Аёл бўлса керак. Қайғу ичра эгилган бош. Юзи кўринмайди. Ие, юзи йўқ шекилли? Фақатгина қоксуяк қўллари илтижо билан Насиба томон узатилган...

-Сизнинг асабларингиз анча толиққан,-деди шифокор Насибани текширар экан.- Ахир одам ўзини бу даражада хор қилмаслиги керак, озгина соғлиғингизни ҳам ўйланг. Ҳали жуда ёшсиз.

Насиба икки дунёда ҳам ўз хоҳиши билан шифокорга бормас эди. Рухшуносга мурожаат қилишни дўсти Олим маслаҳат берди. Катта шаҳарларда эндиgina русумга қираётган рухшунос қабулида бўлиш, айтишларича, кўпчиликни тушкун кайфиятдан халос қилар экан. Рухшунос қабулига кириш учун у ҳар гал 50.000 сўмдан тўлаши лозим. Ўла қолса бунга рози бўлмас эдику-я, аммо бўм-бўш уйида доимо кимдир юргандек бўлади, боз устига боши тез-тез оғрийди. Кайфияти ҳам яхши эмас. Бир куни Олим Насибанинг аҳволини кўриб, “Наси, инсоннинг соғлиғи фақатгина унинг ўзига керак. Ҳозироқ шифокор ёнига бормасанг, кўзингга кўринадиган арвоҳ-у шарпалар билан тўппа-тўғри жиннихонага тушасан”, дегачгина мана рухшунос қабулида ўтирибди.

Асаблари жойида эмаслигини ўзи ҳам билади. Ҳамма ишни ўз зиммасига олган. Ишда оддий иш юритувчи бўлиб, вақти келганда нафақага чиқса бўларди. Йўқ.. У доим биринчилардан бўлишни истайди. Мана оқибати!

Насиба реклама фирмасида ишларди. Ишни оддий иш юритувчи сифатида бошлади. Бошида кичик-кичик битимларни амалга ошириб, ҳамкасбларининг ишини кузатди. Атрофдаги бетартиблик, мижозлар билан ишлашдаги масъулиятсизлик уни хайрон қолдирарди. Фирмада тажрибага бой, кучли, малакали мутахассислар ишлашарди, шундай бўлсада мижозлар норози. Сабаби-ходимларнинг ўз ишига сидқидилдан ёндошмаслигида. “Муаммомиз тартибсизликда, деб ўйларди Насиба. Биргина компьютер маълумотномасида рекламаси кетиб бўлганнинг ҳам, эндиgina рекламасини эълон қилдирмоқчи бўлганларнинг ҳам маълумотлари айқаш-уйқаш бўлиб ётибди Менеджерлар бу тартибсизлик ичидан ўзларига керакли маълумотларни тополмайдилар. Муаммони эса осон ҳал этса бўлади!”. Насиба раҳбариятга рекламаларни муддати, ўзига хослигига қараб тартибга солишни таклиф этди. Фирмани ҳам бўлимларга бўлиб, бир бўлим мониторинг хизмати, иккинчиси фан ва маориф, учинчиси хориж маҳсулотлари, тўртинчиси маҳаллий маҳсулотлар рекламалари билан шуғуллана бошлади. Рағбатлантириш сифатида Насиба фан ва маориф бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди.

-Яхши қиз, айтишларича, сиз салкам сеҳргар экансиз бизга айнан сиздек қиз керак.

Шу каби сўзларни Насиба деярли ҳар куни эшитарди. Ҳозир нима кўп, компьютер, касб-хунар ўргатиш ўқув марказлари ва курслари! Ҳар ойда имзоланган 20-25 та шартнома Насибага ишонч ва анча-мунча даромад келтирарди. Бундан ташқари улардан тушаётган фоиз янада ғайратига ғайрат қўшарди.

Насиба энди кафе, ресторанларда овқатланадиган, қимматбаҳо кийим киядиган бўлди.. Ортидан қолмайдиган йигити Мақсуддан ҳам воз кечди.

Кўй кўзли, асабий, доимо тушкун кайфиятда юрадиган Мақсуд билан у биринчи курсда танишган эди. Унинг фақатгина бир жиҳати Насибага ёқар, яъни қиз қандай ҳолатда бўлмасин, йигит доимо садоқатли эди.

Тез орада Мақсуднинг ўрнини чет эл фирмаларидан бирида маъмурий ходим бўлиб ишлайдиган, ёқимтой, ҳамиша ўзига эътибор бериб юрадиган Олим эгаллади. У Насибадан ҳам ўзига эътибор беришни талаб қиларди. Олим ҳар томонлама мукамал ва чиройли қизларни яхши кўрар, Насиба эса у белгилаган чегарадан чиқмасликка ҳаракат қиларди. Йигитнинг талаби билан калта юбка, тор шим киядиган бўлди ва замонавий кизга айланди-кўйди. Ҳаттоки, фирманинг бош директори Насибадаги ўзгаришларни сезиб, ресторанга тушликка таклиф этди ва тез орада уни хориж маҳсулотлари рекламаси бўлимига ўтказишга ваъда берди. Албатта, хориж маҳсулотлари рекламаси-ўқув курсини реклама қилиш эмас. Улардан чўнтакка тушадиган фоиз ҳам ҳазилакам пул бўлмайди. Шунинг учун Насиба кечқурунлари бозорни ўргана бошлади.

Асаблари ўта чарчаганини эса ўзи ҳам пайқамай қолди. Тинмай жиринглаётган телефонга еб қўйгудек бўлиб қараб, мижозлар билан учрашганида ёмон гап гапириб юбормаслик учун тилини тишларди.

Насибанинг соғлиғи жойида эмаслигини биринчи бўлиб Олим сизди. У пичинглар-у ҳазилларни бас қилиб, шифокорга боришни маслаҳат берди:

- Наси, доимо хумрайиб юриш сенга ярашмайди. Чарчабсан. Кўп ишлаб юбординг чоғи? Шифокорга учраш. У сенга дори-дармон ёзиб беради. Ичасан-у, онадан қайта туғилгандек бўдласан-қоласан!

Шифокор Насибани текширгач, деди:

-Сиз, дори-дармон ичишингиз эмас, асабни даволатишингиз керак. Қишлоққа ёки тоққа боринг. Сизга тинчлик керак. Ухланг, енг, ичинг, сайр қилинг. Ҳали ёшсиз ва танангиз ҳеч қандай дори-дармонсиз ҳам тузалиб кетади.

Шифокорнинг ташхиси Насиба учун янгилик эмас эди. Ўзи ҳам асаби-ю, соғлиғи жойида эмаслигини биларди. Шу ҳақда ўйларди-да, даҳшатга тушарди... Яхшиямки, у шифокорга доим кўзига кўринадиган руҳ ҳақида ҳеч нима демади. Акс ҳолда, тўппа-тўғри жиннихонага жўнатворарди. Демак, асаблари чарчаган. Меҳнат таътилига ҳам икки йилдан бери чиққани йўқ.

Қишлоқдагилар уни кўриб, роса хурсанд бўлишди. Пўлат амаки уни бекатда кутиб олди.

-Эҳ-ҳе, бунча озиб кетибсан? Рангинг ҳам бир ҳолатда... Нима кийиб олгансан? Вой, шарманда!-деди лапанглаб уни дарвоза олдида қаршилаган холаси.

У яна эски кўйлак-лозимларини кийиб, сочларини йиғиб олди. Насиба учун вақт бир маромда, сокин ўта бошлади. Холаси уни оўзғор юмушларига яқинлаштирмасди.

-Тирноқларингдаги бўёқ кўчади,-деб ҳамма ишни ўзи қиларди.

-Хола, келинг, ҳеч бўлмаса сигирни мен соғай...

-Кўйсанг-чи, сени думи билан уриб ташлайди.

Жиянчалари билан тинмай ўйнаб, болаликдаги дўстлари даврасида роса роҳатланди. Болаликдаги севгиси Асрор улғайиб, кўркам йигит бўлибди. У Насибани тракторида айлантирди. Гап орасида ҳалиям севишини қистириб ўтди.

Қишлоқ барибир яхши! Маза қиласан. Фақат бир ташвиш уни ҳамон қийнарди: ок кийимдаги руҳ йўқолмаяпти.

Биринчи марта Насиба уни шаҳарда, тунда, хонасининг днразасидан кўрган эди. Бурунсиз, кўзсиз, кўрқинчли чехра унга қоронғуликдан қараб турарди. Насиба даҳшат ичида чинқириб, деразадан узоқлашганди. Ўша куни кечкурун у қўшнисининг уйида тунади. Руҳ кўзига бошқа кўринмади. Аммо барибир тунда ўз уйида ухлашга кўрқарди. Хавотир юрагини тарк этмасди.

Тўғри, шифокор унга асаблари чарчаганини айтганди. Аммо бу ерда ҳеч нарса асабига тегмас, кайфияти ҳам аъло даражада. Энди эса қабристонда яна ўша руҳ пайдо бўлди. Ўша куни кўрганларини Насиба ҳеч кимга айтмади. Кечки сайрдан эса ранги оқариб қайтиб келди. Шундан сўнг кечкурун бир ўзи далага чиқмай қўйди. Вақтни эса ҳовлида жиянлари билан ўйнаб ўтказа бошлади.

Жиянлари билан ҳовлида холасининг катта ўғли учун янги уйга пахса уришаётганида телефон жириглади. Қизалоклар телефон қўнғироғи куйини такрорлаб, суҳбат нима ҳақида бораётганлигига қулоқ сола бошлашди.

-Алло! Насиба. Бу мен, Самадовман!

-Алишер ака?! Танидим.

-Кайфиятингиз яхшига ўхшайди.

-Меҳнат таътилидаман! Қишлоқда...

-Қишлоқдамисиз?!

-Гапираверинг, “вип”га уланганман, -кулди Насиба.

-Сизни хафа қилмоқчи эмасман-у, аммо мажбурман. Банкимизда кичик муаммо пайдо бўлди...

-Қандай муаммо?

-Компьютер орқали ўғирлик. Бахтимизга хавфсизлик бўлими вақтида билиб қолиб, фирибгарликнинг олдини олдиқ.

-Табриклайман, жуда ҳам хушёрсизда ўзи! Хўш, муаммо нимада?

Кимдир пулни ўтказиш учун буюртма беришга улгурган. Биринчи марта у айнан сизнинг ҳисоб рақамингиздан пул сўраган. Бундан ташқари сизнинг қанча маблағингиз борлигини аниқ билган. Пулингизни бошқа банкка ўтказганингиз бизни қутқариб қолди. Ҳисоб рақамингизда йўқ пул сўралгани учун огоҳлантириш тизими ёнибди.

-Йўғ-е?

-Бир эслангчи, пулингиз ҳақида ким биларди?

-Билмадим... Алишер ака, қўнғироғингиз учун ташаккур.

Бир йил олдин Насиба йиққан пуллариани банкка қўйганди. Келишидан олдин эса пулини омонатга фоизи кўпроқ қўшиладиган бошқа банкка ўтказганди. Ўйланиб қолди. Ҳисоб рақамидаги маблағи ҳақида кўпчилик биларди. Ўшанда ўзи аҳмоқлик қилди. Курсдошлари билан бўлган сўнгги учрашувга Насибанинг душмани, аълочи Нигора ҳам келган эди. У ўзининг миллионер эри билан мақтана бошлаганида Насиба чидаб тура олмади.

-Бировнинг миллионлари билан мақтангунча, одамнинг ўзи бир сўм бўлса-да ишлаб топгани маъқул,-деди у чўрт кесиб ва ғурур билан ҳисоб рақамидаги кўчирмани сумкачасидан чиқариб, стол устига ташлади.

Ўша куни бу кўчирмани нечта одам кўрди экан-а?! Нилуфар, Нигора, Акбар, Азиз... Эҳ-хе! Ундан ташқари ҳовлига чиққанида ҳам сумкачасини назоратсиз қолдирган. Уларнинг қай бири хакер экан-а? Ҳаммаси ҳам бу ишни қилиши мумкин. Ким нима деса, десин-у, университетда, информатика факультетида ўқишнинг ўзи катта бахт эди. Ёдида, талабалик йилларида ўзи ҳам ҳазиллашиб, компьютерга вирус жўнатар ва ўзгаларнинг интернет “вип вақти”ни ўғирларди. Ҳарқалай, бу банкни ўмариш эмас-у, аммо... Курсдошларининг барчаси шу тариқа ҳазиллашишарди.

Энди шулар ичидан ким пулларини ўғирламоқчи бўлганини топиб кўрчи? Яхшиямки, огоҳлантириш тизими ўз вақтида ишлабди. Бўлмаса, кора тер тўкиб йиккан пуллари қаёққа кетиши фақатгина Яратганига аён бўларди.

Бирдан бошига оғриқ кирди. Қишлоқда у қачон охирги маротаба боши оғриганини унутаёзганди.

-Хола, қачон келасиз? Ўзингиз бизни уйча куришга чақирдингиз-ку!-жиянчаларининг хафа бўлганини кўриб Насиба ўзини мажбурлаб жилмайди.

-Ҳозир...

Энди жиянлари томон бурилганда, уяли телефони яна жириглади. Насиба телефондаги рақамга қараб, шошиб қолди. Бош директорнинг ўзи қўнғироқ қилаётганди. Наҳотки, таътилдан чақириб олса?

-Эшитаман, Ҳаким Назирович,-деди у иложи борица хотиржам овозда.

-Яхши дам олаяпсизми? Насиба, сизни хафа қилиб қўяманми, деб кўрқаман.

-Сиз ҳамми?-деди насиба ўзини тутолмай.

Орага жимлик чўкди. Бироздан сўнг бошлиқнинг расмий оҳангдаги овози эшитилди:

-Насиба, муаммонинг каттаси чиқиб қолди.

-Нима бўлди?

-Биздан барча маълумотларни кимдир интернет орқали бошқа реклама фирмаларига жўнатиб, тагига “совға” деб ёзишибди.

-Ким, ким қилди буни?

Фирмада маълумотлар сир сақланар ва жуда қиммат турарди.

Бошлиқ бир оз сукут сақлаб деди:

-Буни ўзингиз қилганга ўхшайсиз?!

-Мен?!

- Кечирасиз-у, хатларнинг “қаердан?” деган бўлимида сизнинг манзилингиз кўрсатилган. Барча маълумотлар ҳам сизнинг компьютерингиздан жўнатилган. Бунга нима дейсиз?

-Лекин, мен ишда эмасман-ку?!

-Ўйлайманки, сизнинг “ноутбук”ингиз орқали идорадаги компьютерга осон уланиш мумкин. Бунинг учун телефон бўлса, бас. Ўзингизнинг уяли телефонингиз ёнингизда бўлса керак. Ҳа-я, ҳозир гаплашиб турибмиз-ку!

- Ахир бу ғирт тухмат-ку! Нималар деяпсиз? -овози титраб чиқди қизнинг.

- Буни ўзингиздан сўраш керак!-раҳбарининг оҳангидаги совуқлик унинг титроғини янада кучайтирди.

Телефонда қисқа гудок эшитилди. Насиба асабий ҳолатда телефонини четга улоқтирди. Жиянлари холасининг кайфияти бузилганини кўриб, бирпасда жуфтакни ростлашди.

-Пўлат амаки!-бақирди Насиба,-сейфнинг калити қаерда?

-Нима бўлди, Наси?-уй ичидан холасининг ташвишли овози эшитилди.

Насиба сейфни очди. Мана унинг “ноутбуки”! Устини чанг ҳам қоплаб улгурибди.

-Биз унга текканимиз йўқ,-деди секин холаси.

Насиба компьютерини ёқиб, “уланиш статистикаси” файлини очди. Тўғри, уни сўнгги маротаба икка ҳафта олдин шаҳарда ёққан.

-Нега энди?-Насиба паришонхотирлик билан.

-Насиба, нима бўлди? Ишингда ишқал чиқибдими?-холасининг овози уни ўзига келтирди.

Насиба лабини тишлаб, бош ирғади.

-Сени ишдан бўшатишмоқчимми?-хола ҳамон тинчимасди. Насиба яна бош ирғади.

Пўлат амаки эса Насибанинг елкасига қоқиб, маслаҳат берди:

-Аввал, йўлингга ким тўғаноқ бўлаётганини аниқла. Аниқлаганингдан сўнг, уни мана шу кетмон дастаси билан ўзим адабини бераман.

“Пўлат амаким тўғри айтди. Буни ким қилганини аниқлашим керак. Буни фақат менга душман бўлган одам қилган. Уни калтакласа ҳам оз”, ўйлади Насиба. Душмани барча фронтлар бўйлаб хужумга ўтди. Ишидан айирди, пулларини ўғирламоқчи бўлди. Ўйлаб кўриш керак, ким унинг барча режалари, компютерининг пароли, ҳисоб рақамидан хабардорлигини.

Биринчи навбатда, ҳисоб рақамидаги кўчирмани кўрган курсдошларининг рўйхатини тузди. Демак, етти киши! Курсдошининг бойиб кетиши улар учун муҳим янгилик. Ўйлаб қараса, идорадаги компютеридан бутун бўлим фойдаланиши мумкин. Бўлимдаги қайси компютер бўш бўлса, ўшанда ишланади. Унинг “зўр” компютерида ишлаш учун эса навбатга туришарди. Насибанинг “qizaloq” пароли эса ҳеч кимга сир эмасди.

“Нега бошлиққа шуни айтмадим-а?!” Насиба телефонга қўл узатди-ю, дарҳол фикридан қайтди. Энди жуда кеч ва аҳмоқлик!

Хўш, курсдошларининг орасида ҳамкасблари билан танишлари борми? Балки, улар биргаликда ҳаракат қилишгандир? Лекин нима учун? Иши юришганлигига ҳасад қилишдими?

Бирдан миясига чакмоқ сингари Олим келди. Фақат угина Насиба ҳақида ҳаммасини биларди. Ҳисоб рақамини ҳам. Компютер паролидан ҳам хабардор. Ўшанда Олим паролни эшитиб, кулиб қўйганди. Шифокорга боришни у маслаҳат берди. Энг зўр рухшуноснинг телефон рақамини ҳам ўзи топиб берди. Шифокор эса кўрқитиб, зудлик билан таътилга чиқишини айтди. Олим ўз фаолияти учун уни ўз йўлидан олиб ташламоқчи бўлган, Насиба эса шу йигитга ишониб юрибди. Лекин бу унга нимага керак?

Насиба аччиқ кулди. Ишини йўқотганида, бу саволларга жавоб топиш унинг учун энди аҳамиятсиз.

“Бўлди, зудлик билан шаҳарга қайтиши керак. Ҳаммасининг тагига етади”. У оқшом ўз қўйнига олаётган далага, қабристонга тикилди. Қабрларнинг бирида ўша, юзи йўқ, даҳшатли оқ кийимдаги рух турарди.

-Амаки, мен эртага кетаман,-деди Насиба, остонага қадам қўйиши билан.

-Вой, келганингга ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ-ку!-деди холаси норози оҳангда.

Амакиси эса жиддий оҳангда сўради:

-Хўш, Наси, кимни калтаклашни ўйлаб кўрдингми?

-Ўйладим,-жилмайди у.

-Тавба, биз боғдан келсак, сиз тоғдан келасиз-а?-эрига хўмрайди холаси.

-Амаки, юринг, сизда ишим бор. Фақат, бу-сир.

* * *

Қишлоқ осуда уйкуга кетди. Қўшни хонадан амакисининг хурраги, холасининг “тўғри ёт”, деб қайсидир боласини койигани эшитилди. Насиба эса қоронғуликка тикиларди. Оёқ товушлари эшитилгудек бўлса, ўзини ухлаганга соларди. Кўчадан ўзининг яхши кўринмаслиги учун парда орқасида ўтирар, тиззасида эса кетмон дастаси. Соат 24, 1, 1.30 бўлди. Уйқуси келди...

Уйқу элтибди. Аммо дераза ойнасининг тикирлашидан уйғониб, кўрқиб кетди. Оқ кийимдаги рух. Юзи йўқ одам. На оғзи, на кўзи бор. Қоқсуяк бармоқлари ойнани чертарди.

Насиба бир неча маротаба холаси ўргатган калимани қайтариб, кўкрагига туфлаб қўйса ҳам, рух йўқолмади.

Қиз секин дераза тагидан эмаклаб, ташқарига чиқди. Сўнг дераза олдида турган “рух”нинг оёғига бор кучи ила кетмон дастаси билан урди.

-В-о-о-о-й-й-й....

“Рух” аянчли овоз чиқариб, ерга кулади. Шу пайти амакиси, унинг ортидан холаси ташқарига югириб чиқишди. Амакиси тунги меҳмон устидаги оқ матони тортқилаб ечиб, юзидан даҳшатли ниқобни сидириб олди.

-Максуд?!-Насиба даҳшат ва ғазаб билан ўзининг собиқ севгилисига қараб турарди.

-Оёғимни синдирдинг, ифлос!

Насиба ўзини қўлга олиб, Максуднинг устига энгашди.

-Бу... рух ўзингизмидингиз, ҳали? Шаҳарда ҳам, бу ерда ҳам, қабристонда ҳам?

У жаҳл билан Максуднинг елкасидан ушлаб силкиди:

-Инфаркт қилишингизга сал қолди. Сал бўлса жинни бўлиб қолардим. Айтинг, нима учун бундай қилдингиз?

-Оёғим!-аянчли шивирлади Максуд.-Вой жоним!

-Ўлмайсиз, айтинг, нима учун бундай қилдингиз?

Максуд дарҳол оҳангини ўзгартириб, ғазаб билан шивирлади:

-Нима учун? Шунинг учунки, мени ташлаб кетишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Сен ўзингча бойвуччага айланиб, ҳеч кимни менсимай қўйдинг-да?! Ўзингча ақиллисан! Биз бечоралар аҳмоқда-а?! Энди мен сенга мутлақо керак эмасман-да, шундайми?! Орзуим сени йўқ қилиш! Жинни булиб, жиннихонага тушишингни кўриш! Ҳали кўрасан мендан... Вой...

-Нима ишсиз қолса жинни бўлиб, менинг олдимга қайтиб келади, деб ўйладингизми? Нақадар жирканч, мараз, ичи қора эканлигингизни билмаган эканман, афсус.

-Бундай аҳволда бошқа кимга ҳам керак бўлардинг?-жавоб қайтарди Максуд.

-Майли, айтинг-чи, менинг иш компьютеримга қандай кирдингиз?

-Шу ҳам ишми? Бўлимингдаги дўндик Олимага иккита ширин сўз билан бир плитка шоколад кифоя экан. Аммо банкни ўмариш анча қийин эди, аммо сен пуллариңгни яширишга улгурибсанда-да!

-Бу ерда қаерда яшадингиз? Сизга ким ёрдам берди?

-Ҳеч ким ёрдам бергани йўқ. Қабристоннинг орқасидаги чодирда яшадим, димланган консерва гўшлари билан кун кўрдим.

-Аҳмоқ., - Насиба хомуш тортди.

-Ўзинг аҳмоқсан, ёрдам бер, - ўзини тута олмай бақира бошлади Максуд.

-Бўлди, бўлди, - Пўлат амаки Максуднинг туришига ёрдам берди. - Сен Наси, уйга кир. Бу билан ўзим яхшилаб гаплашаман.

-Майли,-Насиба зўрға ўрнидан турди.

Энди ҳаммаси аён бўлганида у ўзининг ҳаддан зиёд чарчаганини ҳис этди.

-Энди нима қиламан, - ўзига ўзи гапирди Насиба.

-Ҳеч нима, бор дамнинг ол. Манови иблис билан ўзим гаплашаман. У ҳаммасини қоғозга ёзиб беради. Уни шаҳардаги бошлиқингга кўрсатсанг, яна аввалгидек ишлайверасан.

- Мен, мен бўлсам кўзимга ҳар балолар кўриниб, жинни бўлаяпман, деб ўйлабман.

Насиба жирканиш билан бир Максудга, бир ерда ётган оқ матога қаради. Сўнг оёғи остида ўралашиб ётган ниқобни тепди:

-Ўргилдим, сендай қаллоб арвоҳдан!

2005 йил.

“СИЗНИ АЛДАРМИДИМ, ОТАЖОН?..”

– Эртага нотариус идорасида учрашамиз. Барча ҳужжатларни олиб келишни унутманг, – Гулмира ширин жилмайиб, Сотволди ака билан хайрлашди.

Кампири вафот этгач, Сотволди ака ёлғиз қолди. Такдир уларга фарзанд ато этмади. Раҳматли кампири худонинг зорини қилиб, бола асраб олишни сўраганида, Сотволди рози бўлмади. Эссиз, эссиз. Умри бир лаҳзада, кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди. Ўшанда

кампирининг гапига кулоқ тутганида, қариганда суянчиғи бўлармиди? Энди эса шаҳарда ҳеч кими йўқ. Баъзида нонга бориб келиш ҳам малол келади. Қишлоққа қайтмаса бўлмайди. Сўнгги пайтларда туғилиб, ўсган қишлоғи тез-тез тушига кира бошлади. Қазоси етмасидан тезроқ қишлоғига қайтиши кетак. Жилла курса, ўлигини жиянлари киндик қони тўкилган тупроққа қўйишса – ёлғиз орзуси шу!..

Белгиланган вақтда нотариус идорасига етиб борди. Йўлакда Гулмирахон кўринмагач, деворга илинган ариза намуналарини кўздан кечира бошлади.

– Вой, куттириб қўймадимми?

Гулмирадан таралаётган хушбўй атир ҳиди бутун йўлакни тутиб кетди.

– Йўқ. Мен ҳам ҳозиргина келувдим. Пулни олиб келдингизми?

– Албатта. Юринг қоғозларни расмийлаштириб олайлик.

– Гулмирахон, сиз менга ишонмаяпсиз, шекилли? Мен тезроқ сотиб кетсам бўлди. Тўғриси, бу қоғозларга унчалик тушунмайман, яхшиямки, сиз менинг аҳволимни тушунасиз. Қариганда у қоғоз, бу маълумот, деб югуришнинг ўзи бўлмайди.

– Газдан, электрдан маълумот олиб келишга ёрдам бердим, бирор жойим камайгани йўқ-ку! Сизнинг дуоингиз олтиндан ҳам қиммат. Сиз бир дақиқа шу ерда туринг, мен нотариуснинг олдига кириб чиқай-чи, қоғозларимиз тўғримикан?

Гулмира хаворанг эшик орқасида ғойиб бўлди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, қовоғидан қор ёғилиб, қайтиб чиқди.

– Жонга тегди, шу қоғозбозлик. Униси у дейди, буниси бу. Ҳозир, сиз бу уйни сота олмас экансиз!

– Нега? – қўрқиб кетди Сотволди ака.

– Аввал мана бу қоғозга қўл қўйишингиз керак экан.

– Нима бу?

– Уйингизга сиздан бошқа ҳеч ким рўйхатга қўйилмаганини тасдиқлаш учун.

– Лекин ҳақиқатдан ҳам уйимда ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ, мана “домовой”дан ҳам чиққанман-ку?!

– Буни мен биламан, сиз биласиз, уларга яна бир қоғоз керакдир-да! Қўл қўясизми?

– Майли, қани, қаерга қўл қўйишим керак? Оббо, кўзойнагим қолиб кетибди-ку!

– Бармоғим турган жойга имзо чексангиз бўлди.

– Хўш, мана... бўлдимми?

– Раҳма-а-ат. Мана бу курсида ўтира туринг, мен ҳозир ҳаммасини тўғирлаб чиқаман. Орадан 10–15 дақиқа вақт ўтгач, Гулмиранинг гул-гул ёнаётган чехраси кўринди.

– Келинг, Сотволди ака, энди ҳаммаси тайёр.

У ўрнидан оғир қўзғалиб, чуқур тин олди. Негадир “энди ҳаммаси тамом”, деган фикр миясидан кечди. Ҳозир, анави йигит тайёрлаб қўйган қоғозларга қўл қўяди-да, пулни олиб 45 йил умри ўтган қадрдон шаҳри, айна куч-қувватга тўлган йиллари, кампири билан бирга кўмилган орзу-умидлари билан хайрлашади.

Қошлари бир-бири билан тутшиб кетган, қиррабурун, чўзинчоқ юзли озғин йигит Сотволди аканинг олдига қоғозларни суриб қўйди:

– Ўртада бошқа келишмовчилик йўқми?

– Йўқ, Сотволди ака билан келишмовчилигим йўқ, бу кишини ўз отамдай яхши кўраман, ёрдамимни ҳеч қачон аямаганман, – деди Гулмира, бўялган киприклари остидан зимдан нотариусни кузатар экан.

– Ҳа, ёрдамини аягани йўқ, Барака топсин. Қизим бўлса, шундай бўлса эди, деб орзу қиламан.

– Унда яхши, ўртада норозичилик бўлмаса. Мана бу жойга қўл қўйинглар.

Гулмира чаққонлик билан Сотволди аканинг олдигаги нусхани ҳам олиб, кўздан кечирган бўлди-да, аста сумкачасига солиб қўйди.

Нотариус олдидан чиққач, Сотволди ака савол назари билан Гулмирага қаради:

– Энди пулини ҳал қилсак, қизим.

– Сотволди ака, сиз уйга бораверинг, икки соатдан кейин пулни олиб бораман. Шунча пулни ёнимда олиб юришга қўрқдим. Эримга берувдим, ишлари чиқиб қолибди. Ҳозир келиб қоладилар. Сиз ҳам чарчадингиз, уйингизга бориб, дам олиб туринг. Биз дарҳол орқангиздан етиб борамиз.

Гулмира йўл четида йўловчи кутиб турган енгил машиналардан бирининг ҳайдовчиси билан гаплашиб, Сотволди акани таклиф қилди:

– Машинада кета қолинг, автобусда эзилиб кетасиз, – Сотволди аканинг жойидан қимирламаганини кўриб, хандон отиб кулди:

– Хижолат чекманг, йўл пулини тўлаб қўйдим. Қани келинг.

Кузнинг совуқ оқшоми борлиқни ўз қаноти остига олди ҳамки, Гулмирадани дарак бўлмади. Сотволди ака нима қилишини билмай, гоҳ уйга кириб, гоҳ кўчага чиқар, ўзини кўярга жой тополмасди. Гулмиранинг на фамилияси, на манзилини билади. Ҳайхотдек шаҳарда бир одамни қидириш игна билан кудук қазишдек гап. Пулни олиб келмаса нима қилади? Қариган чоғида кўчада қоладими?

Сотволди ака эшик кўнғироғи булбулдек сайраганида, бир сесканиб тушди. Сўнг “хайрият-ей”, дея эшикни очишга шошилди. Остонада гавдасидан от ҳуркадиган икки йигит турарди.

– Сатвалди Жумабаев сизми?

Олдинроқда турган, сочлари калта қилиб олинган йигит ўзбекчани бузиб талаффуз қилган ҳолда гап бошлади.

– Ҳа, мен, тинчликми?

– Ҳозир уйни бўшатасиз, энди бу уй сизники эмас.

– Хўп, аммо Гулмирахон ҳали пулини олиб келгани йўқ, иннан кейин яна бир ҳафта шу ерда туришимга келишувдик. Унинг ўзи қани? Сиз эримисиз?

Йигит Сотволди аканинг саволига жавоб бермай, ичкарига мўралади. Кейин қоғоз папкадан Сотволди ака ўзи имзо чекан қоғозни чиқарди.

– Сиз уйни Гулмирага совға қилгансиз. Мана, ҳужжати. “Дарственный”га қўйган подписингизни танияпсизми, старик? Энди уйни бўшатинг.

– Қанақа совға, мен бу уйни сотдим. Нотариусда икки соатдан кейин эрим билан бирга пулни олиб келиб бераман, девди. Мен пулсиз қаерга бораман, болам?

– Я этого не зная, эта квартира теперь не ваша...

Сотволди ака бўшашиб, эшик кесакасига суянди. Кўз олди қоронғилашди. Чап кўкрагини чангаллаганича, секин сирғалиб ерга йиқилди. Қоронғуликдан ялт этиб ўзининг болалиги, кишлоқнинг тор кўчаларида чўпни от қилиб миниб югуриб юргани, кампири билан энди танишган даври, тўйлари, қирқ йиллик ёстикдошининг сўнгги бор Сотволди акага ташланган нигоҳи яшин тезлигида хаёлидан ўтди...

2005 йил.

ОЙ ТУТИЛГАН ОҚШОМ

Мадина қозикқа илинган челақни олиб сигир томон кетар экан, Гулчехра опанинг айтган гаплари қулогидан нари кетмас эди.

– Ёш умрингни шу кишлоқда хазон қиласанми? Сендай қизлар чет элда ишлаб қайтгач, кўша-кўша уйли, машинали бўлишяпти. Сен нимани кўрдинг? Шу лойсувоқ қилинган уйингу, молхонадан бошқа жойни кўрганмисан ўзи?»

Мадинанинг хаёлида яна Гулчехра опа тасвирлаган ҳаёт гавдаланди. Ўзининг ҳашаматли уйи, машинаси бўлади, атрофида йигитлар парвона бўлса, орқасидан икки йилдан буён юрган Самад ҳасадида ёрилиб ўлса керак. Ўша пачағи чиққан «Жигули»си бир тийинга қиммат-у, яна кеккайганига ўлсинми?

Мадинанинг ширин хаёлларини онасининг бақирган овози тўзитиб юборди.

– Ҳа, қиз бўлмай кетгин-а, сенга нима жин урган ўзи? Нега бир жойда қокқан қозикқа ўхшаб қанқайиб қолдинг, сигирни соғмайсанми, овози қулоқни қоматга келтирди-ку?!

– Уф–ф, ҳаммаси жонга тегди, қачон қутилар эканман шу ишлардан..

Мадина челақни тарақлатиб сигирнинг бўғиқ овози келаётган молхонага кириб кетди.

....Мадина 9-синфга ўтганида ўқитувчиси барча аълочи ўқувчиларни аввал Жиззахга, бир ой ўтгач Тошкентга айлантиргани олиб боргач, ёш қизалоқнинг ҳаловати йўқолди. Ўтирса ҳам, турса ҳам шаҳарнинг кўкка бўй чўзган бинолари-ю, асфальт ётқизилган кенг ва равон кўчалари ҳақида гапира бошлади. 9 йил ўқиб, биринчи алифбо сабоқларидан дарс олган кадрдон мактаби ҳам кўзига ўта хунук кўринадиган бўлиб қолди. Мактабида на пол бор, на тузук парта. Дадасининг айтишича, 1950 йилларнинг охирларида шу мактаб қишлоққа кираверишда хашар йўли билан қурилган экан. Шундан буён ҳеч нарсга ўзгаргани йўқ. Фақат 70-йилларга келиб, шиша чироқ ўрнини қишлоққа ўтказилган электр чироғи эгаллаганини айтмаса, ҳали ҳам ўша ўтин билан ёқиладиган чўян печка-ю, йиллар давомида қирилиб, ола-була бўлиб қолган синф доскаси. Қишлоқлари тоғ орасида жойлашгани учун 5 километрга чўзилиб кетган. Одамлар уйларини сувга яқин бўлиши учун сой бўйига қуришган. Бунинг устига ҳар бир уйнинг оралиғи камида 500–600 метр. Қишлоқларида на бир клуб бор, на бир томошагоҳ. Уларни-ку кўяверинг, оддий тиббий пункт ҳам йўқ. Биров касал бўлиб қолса, ё сойнинг у томонида, 2 километр нарида турадиган ҳамширани олиб келишади, от-улови борлар эса 25 километр узоқликда жойлашган туман касалхонасига чопади. Ёзда ҳам бир амаллашар, қишда, тоғларга қор тушганда қийин. Бозор-ўчарнинг ҳам аҳволи шу. Қишлоқ одамларининг қонига савдогарликдан худойим солмаган шекилли, қишлоқларида бирорта дўкон йўқ. Ким Жиззахга ёки туман марказига борса, керакли нарсани «заказ» қилишади. Хотин-халаж куни билан уйда. Ана опаси Дилнозани “ўқиб нима қилади, шаҳарга бориб бузилиб кетади” деб, мактабни битиргани билан эрга берворишди. Энди 19 га кирди-ю, лекин иккита боланинг онаси. Кўрган одам уни 30 дан ошган, дейди. Онасининг айтишича, аёлларнинг қисмати шу экан. Акаси Шохруҳ бўлса уч йилдан буён нима қилишини билмай юрибди. Бир-икки марта Жиззахга бориб мардикорлик қилди, лекин охирги маротаба борганида обдон калтак еб, ишлаб топган бор пулини олдириб қайтди-ю, сўнг куни билан кўчага чиқмай уйда ётадиган бўлди. Қийин, қийин отасига қийин! Боғларидаги барча қуриган дарахтларни кесиб, ўтин қилишганидан сўнг, ҳеч бўлмаса қишга кўмирга пул топарман деб, Мирзачўлга, катта акасининг олдига ишлагани кетган эди. Мана бир ойдан буён ундан хабар йўқ. Бутун мол-ҳол ҳозир унинг бўйнида. Сигирни тонг саҳарда соғиш-у, подага кўшиш, қўй-бузоқларга ўт ўриш-у.. Э-э, ҳаммаси жонига тегди. Икки ойдан сўнг мактабни битиради. Ана шунда Гулчеҳра опа ваъдасида туриб чет элга олиб кетса... Қанийди...

Суюмгул опа сўнгги пайтлари қизининг ўзгарганлигини кўриб, хавотирга туша бошлади. Қаёқдан ҳам шу уйларига опаси билан Гулчеҳра исмли аёл келди? Қизини бошини айлантирди, қўйди. Мактабни битиргач чет элга кетармиш? Қизи тушмагур жуда ўжарда, айтганини қилмагунича қўймайди. Дадаси билан маслаҳатлашиб, жойи чиқса узатвормаса бўлмайди.

Аммо Мадинанинг орзусига фаришталар омин деган эканми, июнь ойининг ўрталарида, битирув имтиҳонлари тугаши билан уйларида яна ўша Гулчеҳра опа пайдо бўлди. Бу сафар унинг ёнида бир эркак ҳам бор эди. Кейин билса, у Гулчеҳра опанинг турмуш ўртоғи экан. Гулчеҳра опа эри билан уларникида уч кун меҳмон бўлишди. «Меҳмон атои худо», дейдилар. Уларга атаб сўйилган кўзининг гўшти ҳам тугаб, Қувондиқ ака меҳмонларни яна нима билан меҳмон қилиш ҳақида боши қотираётганида, улар кетишга ижозат сўрашди. Аммо хайрлашиш олдида Мадинанинг отаси билан алланималар хусусида узоқ гаплашишди. Мадина гап ўзининг тақдири ҳақида

кетаётганлигини сизди. Ички бир хаяжон билан уларга чой олиб кирганида қулоғига чалинган узук-юлуқ гаплардан Гулчехра опа август ойларида келиб, уни олиб кетмоқчи эканлигини эшитиб, юраги шодликдан бир ҳапқириб тушди. Меҳмонлар кетгач, Қувондик ота уйдагилари билан маслаҳатлашиб, қизининг йўл харажатлари учун ўғлининг тўйига деб боқиб қўйган икки новвосини, бир-икки қўйини сотди. Пулни Мадинанинг хужжатлари билан бирга белгиланган куни Гулчехра опанинг эри олиб кетди. Ҳар тугул, инсофли, диёнатли одамлар экан. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас, уйларига Гулчехра опа келиб, инглиз тилида ёзилган қандайдир қоғозларни Қувондик отага кўрсатди. Мадинага, у аввал Японияда ҳунар ўрганиш учун ўқишини, кейин ўзи тенги қизлар билан у ерда бир йил ишлашини айтди.

Суюмгул опа бу гапларни эшитиб йиғлаб юборди. Илтижо билан Қувондик аканинг юзига боқди.

– Қўйинг, қизингиз японга бормай қўяқолсин. Қиз бола нарса бўлса, бегона юртларда тентираб юрадимми?

Қувондик ака хотинига хўмрайиб қарар экан, энг суюкли қизининг шодликдан порлаб турган кўзларини кўриб, чўрт кесди:

– Сен билан менга насиб этмаган бахт қизингнинг бошига қўниб турибди. Ўқисин, одам бўлсин, дунёни кўрсин. Кўрасан, бир кунмас бир кун келиб, Мадинанг номи тилларда достон бўлади.

Қувондик ака ўзининг сўнгги сўзларига шу дамда фаришталар “омин” деб турганини билганида эди...

Гулчехра опа Жиззах вилоятининг турли қишлоқларидан йиғилган 5 қизни шаҳардаги уйида бир ҳафта сақлади. Бу ерда ўзини “Гулчехра опанинг қизиман”, деб таништирган Гулҳаё уларга ўзларига оро беришни, замонавий кийинишни, сирли жилмайиб кўришиш-у, ноз билан қадам ташлашни ўргатди. Гулҳаёнинг айтишича, бу нарса аввало чет элда уялиб қолмаслик учун керак экан. Қизлар ўзларида йўқ шод эдилар. Бўлмасачи, Гулчехра опа ҳаммаларига бир сидрадан энг замонавий кийим-бош олиб берди. Кийимлар қизларнинг нозик қадди-қоматларига шундай ярашдики, асти қўяверинг. Албатта, бошида калта ва тор юбкада, баланд пошнали туфлида юриш ноқулай бўлсада, икки-уч кунда кўникиб кетишди. Самолёт Японияга шанба куни учиши керак эди. Аммо душанба куни Гулчехра опа келиб, чипталар жуда қимматлашиб кетганлигини ва ҳар бир қиз яна 100 минг сўмдан пул тўлаши лозимлигини айтди. Бир бирларига гап бермай чуғурлашиб ётган қизлар юзида саросима акс этди.

– Бунинг ҳеч қўрқинчли жойи йўқ. Ҳар бирларинг уйлариингга хат ёзиб берсаларинг, ўзим бориб келаман. Ота-оналаринг сенларга шунча харажат қилди, бу ёғидан ҳам қочмас. Оталаринг берган пулини бир йилдан кейин ўзларига уч баробар қилиб қайтарасизлар.

– Опа, сиз билан ўзим бориб келсам бўладими? – Дилноза ийманиб, секингина сўради.

– Уйда нима қиласан?

– Энамларни соғиндим.

– Э, сени қара-ю, кап-катта қизсан-у, дийдиё қиласан-а. Уйлариингга ўзим бориб келаман, сизларнинг бўлса ҳали бу ерда ўрганадиган нарсаларинг кўп. Ундан кўра вақтни ўтказмай, чиройли юришни, гаплашишни ўрганинглар. Яна японлар устиларингдан кулиб юришмасин!

Гулчехра опа қизлар ёзиб берган хатларни бирма-бир кўздан кечириб, сумкачасига солиб қўйди. Орадан беш кун ўтди. Гулчехра опадан хабар бўлмаганидан қизлар хавотирлана бошладилар. Ахир, эртага самолёт учиши керак. Ўзи Японияга бир ойда бир марта учармиш. Келмаса, яна бир ой кутишадими?! Кеч соат 23.00 ларда хонадон эшигининг кўнгириғи булбул мисол сайради. Бу Гулчехра опа эди. Уни мамнун ҳолда кўрган қизларнинг кўнгли жойига тушди.

–Яхши ўтирибсизларми? Ана иш ҳам битди, фақат Дилноза, ота-онанг жа-а курымсоқ экан, зўрғага 60 минг сўм топиб беришди-я. Қизининг бахтидан ҳам пулини аядиганлар бор-а.

Гулчеҳра опа семиз гавдасини диванга ташлади. Сўнг кўзларига ёш келиб турган Дилнозага кўзи тушиб:

– Бўпти. Қолган 40 мингни ўзим қўшаман, фақат қарздорлигингни унутмасанг бўлгани. Дилноза югуриб келиб Гулчеҳра опани кучоқлаб олди.

–Албатта опажон, Япониядан қайтишимиз билан қайтараман, ўзингиз айтдингизку у ерда кўп пул ишлайсизлар, деб. Албатта қайтараман...

– Майли, майли. Ҳозир нарсаларингни йиғиштириб, тайёр бўлиб туринглар, машина келади. Соат бирда Тошкентга жўнаймиз. Самолёт тонгга яқин учади.

Гулчеҳра опа Дилнозанинг кучоғидан бўшаб, ўзининг хобхонасига кириб кетди.

Тун. Шаҳар осуда уйкуда. Кўчадан онда-сонда ўтаётган машиналарнинг товуши демаса, ёзнинг бу гўзал кечаси, дур сочилгандек чарақлаган юлдузларга тўла осмонни, чигирткаларнинг сархуш чириллаши қизларга кадрдон кишлокларини эслатган бўлса ажаб эмас. Кийимларини йиғиштириб, машина келишини кутган қизлар бир зум деразадан ана шу кадрдон ислар уфуриб турган намҳуш ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишар, худди бошлари узра осилиб тургандек туюлган юлдузларга суқланиб боқар эдилар.

...Самолёт Малайзиянинг Куала Лумпур аэропортига келиб қўнганида осмон худди Жиззахдагидек юлдузларга тўла эди. Аммо бу ерда улар янада ёркинроқ ва каттароқ бўлиб кўринарди. 14 соатлик учидан толиққан қизлар самолёт трапидан тушишлари билан олдиларига бир аёл келиб, соф ўзбек тилида «Сизлар Гулчеҳранинг қизларими?» деб сўради. “Ҳа” жавобини олгач, қизларга орқасидан юришни буюрди.

– Ана, Гулчеҳра опа сизларни у ерда кутиб олишади девдилар, гаплари рост бўлиб чикди. Сен эса Гулчеҳра опа Тошкентда қолганига кўрқиб юрибсан, – деди Малика Мадинани туртиб.

–Э, нима, сан умрингда самолётда учганмисан? “Ундан тушиб, нима қиламиз? Қаерга борамиз?” деб кўркдим-да. Япон тили тугул, хатто ўрисча ҳам билмайсан-ку, - Мадина дугонасидан хафа бўлгандек, лабини чўччайтирди.

–Қизиксан-а, унга шунча пул тўладик-ку, бизни ташлаб кетмас эди.

Қизлар гап билан бўлиб, дугоналаридан орқада қолганликларини сезиб, жомадонларини кўтарганларича югуриб кетишди. Аэропорт божхонасидан ўтгач, қизларнинг қўларига Гулчеҳра опа қайтариб берган паспортларини энди бу аёл йиғиб олиб, ўқишлари тугагач, уларга қайтаришини айтди. Аэропорт биносидан чиққан қизлар бино эшиги ёнида кутиб турган икки машинага ўтиришди. Сўнг қоп-қоронғи кўчалардан ярим соатлар чамаси юришди. Машина икки қаватли чоғроққина бино олдида келиб тўхтаганида уфқ оқара бошлаган эди. Уларни олиб келган аёл ичкарига кириб, бир оздан сўнг бир йигит билан қайтиб чиқди-да, қизларга машинадан тушишни буюрди. Уларни икки кишилиқ хоналарга жойлаштиришди.

Мадина кўзини очганида кун ёйилиб кетган, унча катта бўлмаган хона худди нурга чўмилгандек эди. Аввалига қаердалигини тушунмай, бироз кўзини юмиб ётди, сўнг бир нимани эслагандек, сакраб ўрнидан турди. Тўғридаги тахта каравотда Малика пишиллаб ухлаб ётарди. Хонада бир стол, бир стул бўлиб, деворга ойна илинган, ўртага кичик бўйра тўшалган эди. У юз-қўлини ювиш учун ювиниш хонасини қидира бошлади. Ювиниш хонасини ўтайдиган хона кичикина бўлиб, ўртада ёғоч курси, унинг устида эса тоғора, ёнида кўза билан сув турар эди. Юз-қўлини ювиб олган Мадина, хонага қайтиб кирганида, Малика ҳам уйғонган ва синчиковлик билан теваарак-атрофни кузатмоқда эди.

– Турдингми, Малик. Эҳ, шунақанги қорним очди–ки. Овқат беришарканми, ё ўзимиз бирор жойдан нон–пон сотволамизми?

– Қаердан сотволасан, пулинг йўқ-ку.

–Бор. Аям берган беш минг сўмни яшириб қўйганман.

– Э, каллаварам. Бу ерда сани сўминг ўтмайди, ҳамма нарса долларга ёки японларнинг ўзини пулига сотилса керак.

Шу пайт эшик тақиллаб, қизлар жавоб беришга улгурмай хонага енгил қўйлақ ва шорти кийган қиз кириб келди. У жилмайланиб қизлар олдида қўлидаги патнисни қўйиб, енгил таъзим билан чиқиб кетди. Мадина анқайганича қизнинг орқасидан қараб қолар экан, фақатгина эшик ёпилишидан ўзига келди.

– Ў, зўр-ку. Мана буни ҳаёт деса бўлади. Эрталаб азонда турмайсан, ўтин ташимайсан, сизир соғмайсан. Эҳ, қандай маза!

Қизлар овқатланиб бўлишлари билан, худди пойлаб тургандек эшикда яна ўша қиз пайдо бўлди-да, жилмайланиб патнисни олиб чиқиб кетди.

–Японлар ҳам ўзбекларга ўхшар экан-ку, - Малика қизнинг орқасидан эшик ёпилгач хохолаб кулди.

Қизлар Гулчеҳра опа олиб берган кийимларни кийиб, ўзларига оро беришгач, кўчага чиқишга қарор қилишди. Аммо эшик қулф эди. Ҳарчанд уринишмасин эшикни оча олмадилар. Ҳайрон бўлиб ўтиришганида, эшик очилиб, хонага ўзларини аэропортда кутиб олган аёл, икки эркак билан кириб келди.

–Кечқурун иккаланг ҳам иш бошлайсан .

– Қанақа иш, ахир биз Японияга ўқишга келдик-ку,– деди Мадина.

Мадинанинг бу гапидан ҳар уччаласи хохолаб кулиб юборишди.

– Япония? Японияни тушингда кўрасан. Сен ҳозир Куала–Лумпурдасан.

–Қаерда?

–Малайзияда, қизалоқ, Малайзияда.

–Гулчеҳра опа бизларни Японияда ўқиб, кейин ишлайсизлар, деган эдиларку, - Мадина ғазабдан титраб кетди.

–Қаерда ишлашинг барибир эмасми, фақат бу ишга ўқишинг керак эмас. Кечқурунга иккаланг ҳам тайёр бўл, одам қабул қиласанлар.

Мадина Маликага ялт этиб қаради-да, дугонасининг индамай турганини кўриб, баттар жаҳли чикди.

– Қанақа одам. Ҳозироқ мени орқага жўнатынг. Уйга кетаман. Нимага бизни алдайсизлар?

Мадина кўзларидан қўйилиб келган ёшни тўхтата олмади.

–Овозингни ўчир.

Мадина аёлининг бақирганидан сесканиб тушди.

–Иккала кулоқларинг билан ҳам эшитиб олинглар. Сенларнинг ҳар бирингни тўрт минг доллардан пул тўлиб сотиб олганман. Шунинг олти минг доллар қилиб ишлаб берасанларда, кейин тўрт томонинг қибла.

– Нега бизни сотиб оласиз, нима ҳаққингиз бор? Қўйворинг бизни.

Мадина йиғи аралаш овозининг борича бақирди.

Бояги аёл нотаниш тилда эркакларнинг бирига бир нималар деб шивирлаган эди, у Мадинанинг қўлини орқасига қайирди, иккинчиси қон томирига шприцда аллақандай суюқлик юборди. Қиз ўзига келганида кун кеч бўлган, хонада Малика кўринмас эди. Фақат эрталабга яқин, эшик очилиб, хонага Маликани кечаги барзангилардан бири судраб келиб, ташлаб кетди. Мадина ўрнидан турмоқчи бўлиб, бошини кўтарганида, хонанинг шифти гир-гир айлана бошлади. Кўнгли айниб ўқчигиси келди.

Каравотда 10 дақиқа чамаси ўлиқдай ётган Маликанинг инграган овозини эшитиб, Мадина кувониб кетди.

–Малик, тирикмисан. Қўрқитвординг-э.

–Мадина...

Малика хунграб йиғлаб юборди.

–Нима бўлди?

–.....

–Гапирсангчи?

–Уларни айтганини қилмасак ўлар эканмиз. Сенга укол қилганидан сўнг ўлиб қолдинг деб ўйладим. Кейин улар сени ечинтириб, биттаси... Биттаси...

Малика яна ҳўнграб юборди. Шундагина Мадина енгил устки кўйлагининг тугмалари узилганлигига эътибор берди.

Кунлар аста-секин шу зайлда ўтаверди. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун Малика чиқиб кетар, Мадинанинг олдига эса барзангиларидан бири келиб, унинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, биллагининг қон томирига игна санчир эди. Аста-секин Мадина қонига сингиб кетиб, унга ҳузур бағишлаётган дорини соғина бошлади. Ҳаттоки, барзангининг келишини интиқлик билан кутадиган бўлди. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас, гиёҳванд моддасиз туrolмайдиган бўлиб қолди. Энг даҳшатлиси эса ҳафтанинг сўнгги кунлари юз берди. Икки кун дори истеъмол қилмаган Мадина, ҳориб-толиб хонасига қайтган Маликага ёпишди.

– Малик, жон дугонажон Абуга айт, келсин. Бўлмаса ўлиб қоламан. Ҳаммаёғим қақшаб кетаяпти.

Малика ёноқлари қизарган, кўзлари бежо дугонасига ҳайрон бўлиб қаради.

–Уни кўрарга кўзинг йўқ эди-ку, тинчликми?

Мадина жавоб бера олмай, баданига суқилган минг-минглаб ниналарнинг оғриғидан ғужанак бўлиб олди. Дугонасининг азоб тортаётганини кўрган Малика югуриб йўлакка чиқиб кетди. Бироздан сўнг ўзларининг босси – Диля хоним билан қайтиб келди.

Аёл ерда ғужанак бўлиб ётган Мадинанинг олдига чўккалаб, секин қулоғига шивирлади

– Агар ҳали ҳам ўжарлик қилсанг, бундан баттар бўлади.

Мадина кўзини очиб, тепасида Диля хонимни кўрди-да, унга қараб талпинди.

–Опажон, Абуга айтинг, менга озроқ дори берсин, бўлмаса ўлиб қоламан.

–Албатта, айтаман, фақат сен ақилли бўлсанг бўлгани.

– Айтганингизни қиламан, фақат айтинг, тезроқ келсин.

Мадина оғриқ кучидан инграб юборди.

– Айтаман, ҳозир Абу келади. Фақат кечқурун ишга чиқасан

Диля хоним хонадан чиқиб кетгач, беш дақиқа ўтар-ўтмас хонага Абу кириб, Мадинанинг қон томорида гиёҳванд модда юборди. Мадина чуқур тин олиб, каравотига чўзилар экан, кечқурун нима бўлишини мутлақо ўйламас эди. Шу пайти чигирткаларнинг чириллашлари ҳам тиниб, осмон узра сочилган, чарақлаб турган юлдузлар хира тортди. Кўкда ой тутилди. Борлиқни қоплаган сукунат эса худди ўлкан аждаҳо каби тирик жонзотни ўз домига тортарди, гўё...

2005 йил.

ИНТЕРНЕТДАН ЁР ИЗЛАБ...

– Ҳафиза, сенмисан?

Саида дугонасининг унга ҳайрон бўлиб, қараб турганини кўриб, кулимсиради.

– Мен Саидаман, дугон. Танимадингми?

– Вой-бу намунача озиб кетдинг, ўртоқ. Тинчликми?

Ҳафиза институтда 5 йил бирга ўқиб, кадрдон бўлиб кетган дугонаси билан қучоқ очиб кўришар экан, қўярда-қўймай уни йўл чеккасидаги кафега судради.

– Юр, бироз ўтирайлик. Уйда уришадиган эринг бўлмаса? Кўрмаганимга ҳам уч йил бўлибди-я!

Саида анчадан буён дийдорлашмаган ўртоғига дардини ёрди. Бундан бир неча йил аввал ажрашган турмуш ўртоғининг уйланганини эшитиб, адойи тамом бўлганини айтди. Турмушлари давомида феъл-атворлари бир-бирига тўғри келмаганлиги учун ажралишган бўлишса-да, уни ҳамон севишини ана шу шум хабарни эшитиб англаган эди. Саиданинг гапларини эшитар экан, табиатан қувноқ Ҳафиза хохолаб кулиб юборди.

– Сени қара-ю, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Эрим уйланди, деб аза очиб юраверасанми? Қара, атрофда эркак дегани тиқилиб ётибди. Қадди-қоматинг жойида бўлса, сулувликда унча-мунча аёл олдиндан ўтолмайди. Ўзи нега халигача эрга тегманингга ҳам хайронман. Намунча сиқиласан, ўртоқ? Эринг уйланган бўлса, сени ўзингни осийинг керакми? Ундан кўра, сен ҳам бирортасига тегволсанг бўлади-ку.

– Қизиксан-ей, Ҳафиза. Бола билан кимга ҳам керакман. Қизимга бошқа эркак оталик қила оладими? Энди уни деб яшайман, ахир.

– Жинни бўп қопсан? Эртага қизингни турмушга берсанг, сўппайиб ўзинг ўтирасанми? Ҳали ёшсан.

– Мени эрга олинглар, деб кўчага чиқиб бақирайми, бўлмаса. Ўзи кун тартибим бир хил – уйдан ишга, ишдан уйга. Биров билан танишиш учун ҳам вақт йўқ.

– Э, ишинг ҳам курсин. Онангнинг айтгани тўғри ўзи. Ўша ишингга эрга теккансан, сен. Кўчада танишишга вақтинг бўлмаса интернетдаги “знакомства”га кир. Билсанг агар, бир ўртоғим ўша ерда бойвачча, фирмаси бор эркак билан танишиб, ҳозир унга турмушга ҳам чиққан. Мазза қилиб яшаяпти.

Орадан бир ҳафта ўтиб, иш билан интернетга кирган Саида Ҳафизанинг айтганини эслади. Таваккал қилиб, исмини ўзгартириб ёзди-да, “танишув” сайтида рўйхатдан ўтди. Чиройлироқ расмини жойлаштиришни ҳам унутмади. Орадан беш дақиқа вақт ўтар-ўтмас унинг номига олтита хабар келганини кўриб, қувониб кетди. Хабарларнинг барчаси эркаклардан эди. Ёшига мос келадиганини танлаб, унинг сертакаллуфлик ила шеърлар билан ёзган мактубига жавоб битди. Кунлар кетидан кунлар ўтар Саида номига келадиган хабарларнинг сони кўпайганда-кўпайиб борарди. Аммо уларнинг орасида бахаёларча таклифларнинг ҳам тез-тез учраётганлиги Саиданинг тобора асабига тега бошлади. Ҳануз фақатгина ҳол-аҳвол сўраб, ўзини камтарона тутаётган уч нафар виртуал танишлари билан ёзишиб, қолганларига мутлақо жавоб бермай қўйди. Айниқса унга ўзини Санжар деб таништирган одам жуда ҳам ёқарди. Ёши 45 да. Ҳар доим танишув сайтига кириб, ундан келган хабарни очганида, суратдан ёқимтой, кўриниши қайсидир хорижий актёрни эслатувчи эркак кулиб қараб турарди. Саида бир ой ичида янги танишига шунчалик боғланиб қолдики, ҳар куни ундан хабарни интиқиб кутарди. Санжарга бир-икки маротаба учрашишни таклиф қилиб, ёзмоқчи бўлди-ю, ғурури йўл қўймади. Бугун эрталабдан танишув сайтига кириб, келган хабарларни эринчоқлик билан текшириб кўрар экан, Санжарнинг суратини кўриб ўзида йўқ қувонди.

“Салом, Саидахон. Ҳақиқий исмингиз жуда ҳам чиройли экан. Сизни билмадим-у, аммо мен ҳар куни сиздан хабар кутаман. Телефонингизни ҳам бермадингиз. Шундай латофатли аёлнинг албатта овози ҳам ширали бўлса керак. Бугун кечки овқатни бирга қилмаймизми? Қаерга келиб туришни айтсангиз, етиб бораман. Фақат бир-биримизни топишимиз учун қўл телефонингиз рақамини беринг. Меники 392.....”

Саида орзиқиб кутган дамлар ниҳоят келган эди. Шоша-пиша рози бўлиб, жавоб ёзди. Такдир-тақозоси билан фарзанд доғида куйиб оиласидан ажрашган, боласи бўлса ҳам ўзига меҳрибон, тушунадиган аёл қидираётганлигини, атрофдаги танишлари ҳеч ҳам унинг дидига ўтиришмаслигини хабарларида билдирган Санжар билан келгуси ширин турмушини тасаввур қилар экан, Саида сабрсизлик билан кечки 18.00 бўлишини кутарди.

Белгиланган жойга етиб келганида соат 18.40 бўлган эди. Келишилган пайт эса 18.30 эди. 10 дақиқага кеч қолибди. Саида бежирим қўл соатига назар ташлаб, атрофга аланглади. Сал нарироқда турган оқ “Nexia”дан тушган эркакка бефарқ назар ташлади-да,

яна йўлга кўз тикди. Сўнг сабрсизлик билан Санжарнинг телефон рақамини терди. Машина олдида турган эркакнинг телефонинга қараётганини кўриб, ажабланди

– Сиз Саидахонмисиз? Мен Санжарман.

Саида олдида ёши 60 ларга яқинлашиб қолган, паст бўйли, кориндор эркакка ажабланиб қаради.

– Аммо... Мен..

– Ҳа, биламан. Сиз бошқа одамни кутгансиз. Мен ҳақиқатдан ҳам Санжарман. Аёллар чиройли эркакларга ошиқ бўлишади. Суратим ўрнига бир чет эл актёрини расмини кўювдим, бунинг учун албатта узр сўрайман. Шаҳарда кўпчилик мени танийди, ортиқча гап-сўз бўлмасин, дедим-да. Қолган гапни бир пиёла чой устида давом эттирармиз, марҳамат.

Орзиқиб кутган танишувининг ёлғон билан бошланишини кутмаган Саида иккиланиб қолди, Санжарнинг “Қани, марҳамат” дея машина эшигини очиб турганини кўргач, ноилож олдинга юрди. Машинада яна бир эркак ўтирарди. Уни Шароф ака, ўртоғим деб, таништиргач, Санжар машинани юргизди.

– Аслида, Шароф акани уйлантирмоқчимиз, – деди Санжар жимликда танновул қилинган овқат устида. – Бечора, хотини уйдан ҳайдагач, қаерга боришини билмай юрибди. Мардлик қилиб, борини оиласига ташлаб чиқиб кетган. Рози бўлсангиз, никоҳ ўқитиб, бирга яшасангиз. Ойим бор девдингиз. Вақтинчалик қизингизга ойингиз қараб турса. Чиқишиб кетсангиз, мен ҳам савобга қолардим. Шароф ака хотинли, қизингиз отали бўларди.

Шу пайтгаача умидлари чил-парчин бўлиб, ўзини зўрға тутиб турган Саида, кесатиб деди.

– Шароф акамиз, анча қари кўринадилар, ёшлари нечада, ўзи?

– Э, эркак одамнинг ёшини сўраб нима қиласиз. Ҳали Шарофбой ака куч-қувватга тўла. Худо хоҳласа ўғил туғдиришга қодир. А Шарофбой ака, нима дедингиз?

Шу пайтгача ўзини сипо тутиб, гапга қўшилмай ўтирган Шароф пиёладаги танишув учун кўйилган ароқни бир кўтаришда сипқирди-да, анчадан буён совун кўрмаган рўмолчаси билан ёғли лабларини артди.

– Мани учта ўғлим бор. Такдир экан, хотин билан келишолмай қолдик. Шу ёшда кўчада қолишни ўзи бўлмайди. Худо хоҳласа сизга тоғдай суянчиқ бўлишга ҳали қувватим бор.

Саида жаҳлини аранг босди:

– Иссиқ жой қидириб юрибман, денг. Демак, сизни кир-чирингизни ювиб, сидқидилдан хизматкорлик қилсам, кўнглингизни хушласам бир йилдан кейин уйланасиз. Бўлмаса бошқа жой қидирасиз, шундайми?

– Албатта, аввал бир-биримизни синашимиз керак. Турмуш қуришнинг ўзи бўлмайди. Менга жуда ёқиб қолдингиз, – деди Шароф чайналиб.

– Сиз нотўғри тушундингиз, Саидахон. “Синалмаган отнинг сиртидан ўтма” деганларидек, аввал бир-бирларингизга кўникинглари демоқчимиз. Ўртада Шароф акада законний аж-рашишига ҳам вақт бўлади.

Санжар гапини тугатишга улгурмай, Саида уни бўлди:

– Ўзингиз ёшингизни 45 да деб ёзиб, камида 60 ни уриб қўйгансиз, шекилли. Бунинг устига одамлар тақдири ўртасида даллолман денг. Даллоллингиз учун қанча ҳақ оласиз?

Санжарнинг юзи қизариб, пешонасини реза тер қоплади. Аввалги сертакаллуфлигидан асар ҳам қолмади.

– Намунча, нозланасиз? Ёш қиз бўлмасангиз. Хотинлик қилгингиз келмаса, балки бир кечага келишармиз.

– Сиз... сиз. Мени ким деб ўйлаяпсиз?

Жаҳли чиққан Саида шахд билан ўрнидан туриб, пальтосини кия бошлади.

– Ўзингизни босинг. Кимлигингиз аён. Ўзингизни хаёли, ибולי аёл қилиб кўрсатмай кўяқолинг. Бундай бўлганида, эрсираб, танишув сайтидан эр қидириб юрмаган бўлардингиз.

Санжарнинг сўнгги сўзлари Саиданинг кулоғига кирмади. Ҳислари топталган, ҳақоратланган аёл тамаддихонадан югурганича чиқиб кетар экан, юзини юваётган кўз ёшлари ёғаётган совуқ ёмғир билан кўшилиб оқарди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Ҳаётимизга интернетнинг кириб келиши натижасида жамиятимиз аъзолари кўпроқ ахборот олиш имконига эга бўлдилар. Интернетнинг ижобий ва салбий томонлари хусусида батафсил тўхталиб ўтирмай, фақатгина танишув сайтларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Кейинги пайтлари ҳар кунни сони кўпайиб бораётган мазкур танишув сайтларида эркак ва аёлларнинг асосий қисми бошқа ном билан рўйхатдан ўтишади. Ўзларининг яширин, яқинлари ва танишларига айта олмайдиган фикрларини интернет орқали виртуал танишларига тўкиб солиб, қайсидир жиҳатдан кўнгилларини бўшатишади. Тўқис оиласи бўла туриб, четдан бир-икки кунлик кўнгилхушлик истаганлар учун ҳам ҳозир бу сайтлар жуда қўл келмоқда. Энг ачинарлиси, қаҳрамонимиз Саидахонга ўхшаб, яхши ният билан унга кирганлар камдан-кам учрайди. Шунингдек, узоқроқ шаҳардан бошқа ном, бошқа одамнинг сурати билан танишиб, “учрашувга бориш” учун янги танишидан йўл пули ундираётган фирибгарлар ҳам оз эмас. Шунинг учун танишув сайтларидан ўзингизга дўст ёки турмуш ўртоғи изламоқчи бўлсангиз, албатта қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:

– Виртуал танишингиз фирибгар, сиз билан кўнгилхушлик учун танишиш ниятида эмаслигига ишонч ҳосил қилмагунингизгача телефонингиз, уй манзинингизни берманг;

– Россия, Корея давлатларида меҳнат қилаётган аксарият юртошларимиз асосан зерикканларидан, Ўзбекистонни соғиниб, бўш вақтларини ўтказиш мақсадидагина танишув сайтига киришларини унутманг;

– Аксарият вилоятдаги эркаклар пойтахтдан бошпана топиш ва рўйхатдандан ўтиш ниятида танишишга ошиқадилар;

– Виртуал танишингиз бошқа шаҳардан бўлиб, учрашишга келиш учун йўл пули сўраб юракни ларзага келтирувчи хабар жўнатса, ҳеч қачон унга пул юбора кўрманг. Балки иложини қилиб келиши, сўнг унинг йўл билан боғлиқ муаммоларини биргаликда ҳал қилишингиз ҳақида ёзиб юборинг;

– Учрашувга таклиф қилинсангиз, одамлар гавжум, нейтрал жойни танланг. Чунки унинг уйи ёки офисига борсангиз, ҳолатнинг ҳўжайини виртуал танишингиз бўлиб қолади, зеро ҳар бир инсон ўз ҳудудида ўзини эркин сезади;

– Сиздан банкдаги ҳисоб рақамингизни сўраб, унга катта пул жўнатиш ниятида бўлган виртуал танишларингизга ишонманг. Бу ноқонуний йўл билан топилган пулни “ювиш”нинг бир усули, бўлиши мумкин.

2006 йил

ЖАННАТ ҚИДИРГАНЛАР

– Орқамдан юринг!

Наташа аэропорт текширув пунктида паспортини текшираётган қизга хайрон бўлиб қаради-да, индамай унинг орқасидан эргашди. Ҳозиргина Исроилдан учиб келиб, анча толиққан, бунинг устига беш ойдан буён қизчасини кўрмай, уни жуда соғинган эди. Қиз Наташанинг паспортини навбатчига топширгач, ўзи орқага қайтди.

– Тушунмадим, нега мени ушлаб ўтирибсиз?

Наташанинг кўзлари чақнаб, жаҳли чиққанидан юзига қизиллик югурди.

– Ўтиринг. Сизнинг паспортингиздаги Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишга рухсат берувчи штамп ва муҳр қалбаки. Сиз ушбу расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда айбланасиз.

– Тухмат, мен ҳеч нарса қалбакилаштирганим йўқ.

– Илтимос, ўзингизни босинг. Паспортингизни экспертизадан ўтказмагунимизча, у бизда қолади. Ҳаммаси тўғри бўлса, албатта уни қайтариб оласиз.

Навбатчининг хонасидан чиққан аёл, йўлакка қўйилган курсиларнинг бирига бўшашиб ўтирар экан, Ноилани учратган кунига ланъатилар ўкиди...

...Ноила Наташа ишлайдиган қаҳвахонанинг доимий мижозларидан бири эди. Келишган, хушбичим қоматли бу аёл доимо овқатлангани шаҳарнинг гавжум кўчаларининг бирида жойлашган қаҳвахонага келар ва танновул жараёнида атрофдагиларни синчиклаб кузатарди. Яхшигина чой-чақа қолдирадиган бу мижозга Наташанинг ўзи хизмат қиларди. Баъзида Ноила Наташани ҳам ёнига ўтиришга таклиф қилар, унинг турмушга чиқиб, бир қизчаси бўлгач, ажрашганидан бохабар эди.

Ишдан бўшагач, Наташа анча пайтгача ўзига маъқул келадиган иш топа олмай юрди. Онаси-ю, жажжи қизалоғи билан кун кечираётган бу оила асосан унинг боқувида бўлгани сабаб, улар анча қийналиб қолишди.

Бир куни тақдирнинг ўзи Ноила қиёфасида унга яна бир синов юборди. Метро бекатида тасодифан Наташани учратган Ноила яқин кадрдонини кўргандай қувониб кетди.

– Салом, қаҳвахонада кўринмай қолдинг? Нега кайфиятинг йўқ? – деди ҳар доимгидан ҳам очилиб кетган Ноила.

– Уйдаман. Иш қидираяпман.

– Вой, тентаквой. Сенинг ҳуснинг-у, қадди қоматинг билан иш йўқ деб юрибсанми? Агар хоҳласанг, чет элда сен боп иш бор. Қаҳвахонада.

Ноила шундай деди-ю, шарақлаб кулиб юборди.

– Қаерда?

– Исроилда. Ўзинг биласан ҳозир у ерда собиқ юртдошларимиз анча кўпайган. Танишимнинг қавахонасига айнан чиройли рус официантка зарур. Сени учратганимни қара. Ўзи шуни эшитибок сен ҳақингда ўйловдим. Агар хўп десанг, мана телефон рақамим. Қўнғироқ қил. Фақат кўп ўйлаб ўтирма, жойни бошқаси илиб кетиши мумкин.

Наташа Ноиланинг маслаҳати билан кўп ўйлаб ўтирмади. Исроилда ишлаб топадиган пули-ю, орзусидаги шоҳона ҳаёт унга тинчлик бермасди. Бунинг устига Ноила барча харажатларни ўзи кўтаришини айтди. Бундай қулай фурсат бошқа бўлмайди. Демак, отини қамчилаши керак.

Ноила билан бир неча бор учрашгач, Наташа белгиланган куни кийимлари ва паспорти билан аэропортга келди. Ноила унга шу ернинг ўзида, Москва шаҳрига самолёт чиптасини сотиб олиб, сирли жилмайганича Наташанинг кўлига тутқазди.

– Ана бўлди. Айтгандай, Москвада аэропортда сени Владик деган йигит кутиб олади. Қолган ҳужжатларингни тўғирлаб беради. Ўша ердан Исроилга учиб кетасан.

Наташа Ноилага миннатдорчилик билдириб, унинг бу қилган яхшилигини ҳеч қачон унутмаслигини айтди.

Ҳақиқатдан ҳам Москванинг Домодедово аэропорти биносига кириши билан ўзининг фамилиясини бот-бот такрорлаётган йигитга кўзи тушди. Наташанинг исми ва фамилиясини қайта сўраб олган йигит, уни шаҳарнинг чеккасида жойлашган кўп қаватли уйларнинг бирига олиб келди. Бир хонали хонадонда молдавиялик икки қиз билан, ёши ўтган бир аёл бор эди. Владик Наташанинг паспортини олиб, уни шу ерда қолдириб кетди. Бу ерга Владикдан ташқари яна бир йигит тез-тез келиб турар ва қизларга келгусидаги ҳаётларини турфа рангларда тасвирлаб беради.

–Энг асосийси Исроилга бориб олсаларинг бўлди. Кейин нақ жаннатнинг ўзида яшайсизлар.

Қизлар унинг «жаннатмакон» юрт ҳақидаги ҳикояларини тинглашар экан, тезроқ у ерга бориш орзусида кун санашарди. Ниҳоят, улар интиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Бир ҳафтадан сўнг Владик келиб, тантанали равишда Наташанинг бир кундан сўнг Исроилга учиб кетишини эълон қилди. Эртаси куни «Домодедово» аэропортида Наташанинг қўлига унинг паспорти ва самолёт чиптасини берар экан, ҳамма визалари жойида эканини, у хавотирланмаслигини айтди.

–Ие, нега чипта Мисрга. Сиз Исроилга борасан деган эдингизку?

Наташа ҳайрон бўлиб қўлидаги «Москва–Миср» йўналиши бўйича олинган чиптага тикилиб турарди.

–Исроилга кетадиганларнинг барчаси Миср орқали кетади. Мисрга келгач, аэропортда паспортингга бир ҳафталик виза қўйдирасанда, сайёҳлар автобусида меҳмонхонагача бориб, унга жойлашасан. У ердан сени бир ҳайдовчи олиб кетади. Уни танишинг учун сенга менинг номимни айтади. Мана сенга уяли телефон. Ичида фақат Миср ҳудудида ишлайдиган сим карта бор. Шу телефон орқали хабарлашиб турамиз. Тушундингми?

Наташа индамай бош ирғаб қўя қолди. Ҳаммаси Владик айтганидай бўлди. Мисрнинг Шарм-эль-шейх шаҳри аэропортида виза қўйдиргач, автобусда «Дримсбич» меҳмонхонасига келиб тушди. Аммо орадан уч кун ўтса ҳам Владик айтган ҳайдовчининг қораси кўринмасди. Бегона шаҳар, бегона юрт, бегона одамлар. Наташа меҳмонхонадан узоққа кетмай кўчаларни айланар экан, атрофида қаёққадир шошаётган минглаб одамлар орасида нақадар ёлғиз эканлигини ҳис этди. Мободо ўша сирли ҳайдовчи келмаса нима қилади? Ёнида Владик алмаштириб берган озгина пулдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Миясига келган фикрдан кўрқиб кетган Наташа яна Владикка кўнғироқ қилишга тушди.

–Эртага эрталаб, йўлнинг нариги томонидаги меҳмонхона ёнига бориб тур, айтган одамим келади.

Владикнинг таниши араб экан. Улар машинада 4–4,5 соат юриб, чўли биёбонга чиқишди. Наташанинг рус тилида берган саволларига ҳайдовчи бир-икки марта бош чайқаб қўйгач, аёл бошқа оғиз очмади. Машина деразаси ортида Саҳрои Кабир ястаниб ётар, Наташа ҳар нафас олганда худди аланга ютгандек бўларди. Ниҳоят, саҳро ўртасида бирдан пайдо бўлган хурмо дарахтлари тагида тўхташди. Сап–сарик кум ўртасидаги бу кичик ҳаёт оролчаси Наташанинг кўзига жаннатнинг бир бўлагидек кўриниб кетди. Ҳайдовчининг имо-ишораси билан у дарахт тагида турган «Жип» машинасига ўтиб ўтиргач, улар яна йўлларида давом этишди. Наташа Исроилга бўлган йўл ноқонуний эканлигини ич-ичидан ҳис этиб турса-да, юрак бетлаб буни ҳеч кимдан сўрай олмас, бунинг устига йўловчиларнинг бирортаси ҳам рус тилини билмасди. Кечга яқин яна бир митти воҳада қад кўтарган чайла олдида тўхтадилар.

–Здрасте,– деди уни кутиб олган араб.

–Вой, сиз русча гапиришни биласизми? Айтинг, нега биз бу ерда юрибмиз? Исроилга қачон борамиз?

Наташанинг кетма–кет саволларига қўл силтаган янги йўлбошчи эртага Исроилда бўлишларини бир амаллаб тушунтирди-да, нари кетди. Аммо эртаси куни ҳам, индинига ҳам йўлга чиқмадилар. Саҳрои Кабирнинг қайноқ тафтига ўрганмаган Наташа ўтган тўрт кун ичида адои тамом бўлди. Кечалари тушларига Ўзбекистон, унинг ширин, зилол сувлари кирар, қизалоғининг чулдираши қулоғига эшитилиб, уйғонгач, алламаҳалгача ухлай олмай ётарди. Саҳро тунда жонланарди. Теварак–атрофдан эшитилаётган турли хил овозлар, аллақандай жониворлар оёқлари остида тўкилаётган кумнинг шиғиллаши-ю, қайсидир йиртқичнинг қурбонига айланган калтакесакнинг ногоҳ чийиллашидан сесканиб, азойи бадани музлаб кетарди. Наташанинг жуда ҳам уйга кетгиси келди. Ёлғиз ўзи бегона эркаклар ичида тунаши, гарчи тегишмасида уларнинг нигоҳларидаги совуқлик

ва бефарқлик аёлнинг қалбини даҳшатга соларди. Ниҳоят, чайлада ўтаётган умрининг тўртинчи куни яна 22 кишини олиб келишди. Шулардан 10 таси қизлар эди. Улар турли хил мамлакатдан келтирилган бўлиб, қизлар атрофга қўрқув билан боқишарди. Наташани бу ерга олиб келган араб Исроил чегарасидан уч-тўрт кундан кейин ўтишларини, йўл оғир бўлганлиги сабабли, ҳеч кимдан садо чиқмаслиги лозимлигини уқтирди. Бу «хушхабар»дан барчанинг баттар руҳи тушиб кетди.

Белгиланган куни чайла олдига иккита юк машинаси келиб тўхтади. Қизларни усти очик юк машинасининг юкхонасига ёнма-ён ётишни буюришди. Қизларнинг бир-бирига қараб, ҳайрон бўлиб туришганлигини кўрган араблардан бири ғазаб билан алланималар дея бақирди. Унинг овозидан чўчиб тушган қизлар, ноилож айтганини қилишди. Қизларнинг устига четларида оёқлари бўлган катта тахта қўйишиб, устини латта билан ёпишди. Латтанинг устидан чайла атрофига уйиб қўйилган тошларни ортдилар. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас билинар-билинемас эсиб турган шабадан ҳам маҳрум бўлган қизлар қора терга ботишди. Ўзларининг аянчли аҳволи-ю, жонсиз мол сингари машинага юклаб, қаёққадир олиб кетишаётганидан Наташанинг хўрлиги келди. Ёнида ётган украиналик қиз онасини чақириб, йиғлай бошлади. Машина силкиниб-силкиниб борар, тахтанинг ёриқлари-ю, латтанинг йиртиқларидан юзларига ёғилаётган чанг, қум доналари нафас олишни баттар қийинлаштирар, энг ёмони ётган жойлари билан тахта тирқиши орасидаги жой камлигидан юзларидаги ғуборни қўлларини кўтариб арта олишмасди. Ана шу дўзах қийноғи 1,5 соат давом этди. Ниҳоят машиналар тўхташди. Қизларга тушишни буюришди. Ташналикдан тамоқлари қакраб кетган қизлар пастга тушишганида бир-бирларини таний олмай қолишди. Атрофда ястаниб ётган чўлнинг ўртасида сочлари тўзғиган, тер ва чангдан қорайган юзларида фақатгина кўзлари-ю, тишларининг оқи кўриниб турарди. Ҳаммага бир стакандан сув беришгач, араблардан бири кўлидаги калта таёқ билан Наташани орқасидан туртиб, орқамдан юр дегандай ишора қилди. Энди ҳамма яёв йўлга тушишди. Ўртада қизлар, икки чекка, орқа ва олдинда уларни кўриқлаб бораётган араблар ўрта асрларда бу йўллардан ҳайдаб ўтилган қулар карвонини эслатарди. Наташага ушбу 4 соатлик йўл умуман тугамайдигандай туюлди. Қизлар оёғидаги енгил туфлилардан ўтаётган қайноқ қумнинг тафти товларини жазиллатар, бошларига ёғилаётган жазирама қуёш нури уларни ҳолсизлантириб, кўнгилни айнитарди.

Йўлда қизлардан бири йиғлаб, ерга ўтириб олиши билан, барзанги кўриқчи кўлидаги таёғи билан унинг елкасига туширди. Бехос оғриқдан чинқириб юборган қизнинг овози бошқаларни янада жадалроқ олға ҳаракат қилишга ундади.

—Тўхтанглар.

Йўлбошловчи кўлини кўтариб, узоқда кўриниб турган сим тортилган чегарага тикилди. Теварак-атрофда ҳеч ким кўринмасди.

—Қоронғи тушишини кутамиз.

Қизлар бараваракайига кечки салқин тушганлигига қарамай, ҳамон иссиқ қумга чўзилишди.

Саҳрода қуёш ботиши билан қоронғулик бирдан чўкди. Баданга ҳуш ёқувчи шабода эсиб, қизларнинг иссиқдан ёрилиб кетган юзларини ялаб ўтди. Бундан улар жонланиб, юзларини иложи борица шабода эсаётган томонга буришга ҳаракат қилишарди.

—Бу ёғига ҳамма эмаклаб ўтади. Ҳеч кимнинг овози чиқмасин. Айтгани қилмаганининг жасади шу ерда қолади.

Инглиз ва рус тилларида айтилган ушбу сўзларан сўнг ҳеч ким чарчокликдан шикоят қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Чегарадан ўтиш бор-йўғи 20 дақиқа вақтни олган бўлсада, оғиз-бурнига қум тўлган, тирсаклари шилинган Наташа бу дақиқаларни бир умр ёдидан чиқармаса керак.

Чегара ортидан ўтган йўл чеккасида қорайиб турган нарса «Жип» машинаси экан. Ҳамма ўтиб бўлиши билан, уларни машинага тикишиб, Бершева шахрига олиб келишди

ва арзон меҳмонхонага жойлаштиришди. Саҳрои Кабирда ўтган ўн кундан сўнг, меҳмонхонанинг тахтадек қаттиқ тўшаги қизларга паркуданда кўра юмшоқ туюлди. Эртаси куни меҳмонхонага келган 37–38 ёшлар чамасидаги баланд бўйли эркек ўзини Марко деб таништирди. Уларни саралаб, уч-тўрт қизни бошқа шаҳарга олиб кетди. Уларнинг орасида Наташа ҳам бор эди. Тел–Авивда Марко уларнинг ҳаммасини бир хонали уйга жойлаштириб, паспортларини йиғиб олди. Деярли ҳеч қаерга чиқмай, бу ерда бир ҳафта яшашганидан сўнг, Марко уларни Батъям шаҳрига олиб кетди. «Меркурий» меҳмонхонаси унинг сўнгги манзили эканлигини Наташа бу ерда жойлашганидан сўнг билиб олди. Хонадоши ҳам Ўзбекистонлик экан.

Ўзини Света деб таништирган бу қиз, Наташанинг «қаерда ишлайсан?» деб сўраган саволига кулиб юборди.

– Нима бало, осмондан тушганмисан? Нима учун бу ерда келганингни билмайсанми?

– Менга бир руснинг кўлида официантлик қиласан, деб айтишувди.

– Кулгимни қистама, Маркога бунақа саволлар ёкмайди.

Марко ҳақиқатдан ҳам ортиқча савол берганларни, қизиқувчанларни умуман ёқтирмас экан. Ноиланинг берган ваъдасини унга эслатиши билан юзига келиб тушган шапалоқдан Наташа бироз гангиб турди-да, жаҳли чиқиб унга ташланди. Аммо Марко унга нима қилганлигини тушуна олмай, ўзини ерда кўрди.

– У қулоғингу, бу қулоғинг билан эшитиб ол. Энди сен меникисан. Менга сен учун тўлаган пулларимни қайтариб беришинг керак. Қочиш ва мижозларнинг пулини яшириш ҳаёлингга ҳам келмасин. Паспортинг менда, сен бу ерда ҳеч ким эмассан. Шунинг учун жасадингни биров кидириб ҳам юрмайди!

Марконинг огоҳлантиришига қарамай Наташа бу ердан уч марта қочди. Ҳар гал уни тутишар, калтаклашар, икки-уч кун оч қолдириб, яна фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилишарди. Ўз жонига қасд қилишдан уни фақат бир нарса - уйида онаси билан қолган қизалоғи ҳақидаги ўйлари қайтариб турарди. Ҳеч қандай жазо Наташага таъсир қилмаётганлигини ва бир-иккита мижозларининг «айтганни қилмайдиган фоҳишадан» шикоятидан сўнг Марко Наташани бошқа кулдорга сотиб юборди. Бу сафар уни хусусий уйлардан бирида жойлашган фоҳишахонага олиб келиши. Бу ердаги фарғоналик қиз ўзини Катя деб таништирди. Наташанинг янги хўжайини қаттиққўлликда Маркодан қолишмасди. Энди аёлнинг фақат бирдан бир орзуси бу дўзахдан тезроқ қутилиб, уйга қайтиш бўлиб қолди.

– Бунинг учун ўзинг полицияга боришинг керак. Аммо паспортсиз сени қамаб қўйишади. Қачон шахсингни аниқлагандан сўнг судда ишинг кўрилгач, орқага қайтаришади, – деди бир куни Катя кечқурун. - Фақат қамоқхонада оз бўлсада одамбашара бўлиб яшашинг учун пул керак. Пулинг бўлса нозирларнинг ўзидан барча керакли нарсани сотиб оласан.

Катянинг бу гаплари Наташанинг ёдида муҳрланиб қолди. Энди у мижозларининг барча қилиқларини кўтаришга ҳаракат қилар, улар томонидан ора–чора ортиқча берилган пулни хонасидаги полнинг тахтасини кўчириб, ўзи ясаган туйнукка бекитарди. Январь ойининг ўрталарида Катя эрталаб қайтиб келмади. Орадан икки кун ўтгач, Наташа оқсоч қиздан уни миграция полицияси ушлаб олганлигини эшитди. Катянинг ғойиб бўлиши, хўжайинни қутуртириб юборди. Энди кам пул топаётганлиги учун калтак Наташанинг бошида сина бошлади. Бу ердан қочишнинг вақти келганлигини Наташа ана шундан сўнг тушуниб етди.

Шу куни одатдагидек у икки мижозни қабул қилиб, пастдаги катта хонада доимо бир бокал «Куантро» коняги билан орқама–кетин сигарета тутатиб ўтирадиган хўжайинга пулни бергач, ўз хонасига кўтарилди. Хожатхонага кириб, унинг кичик тўйнуғидан олдиндан тайёрлаб қўйган арқон билан пастга осилиб тушди. Бахтига доимо эшик олдида турадиган барзанги ҳам қаёққадир ғойиб бўлган эди. Тонг ёришгунича уйдан унча

узоқда бўлмаган истироҳат боғида бир амаллаб тунни ўтказгач, эрталаб ўзи полиция макамасига кириб борди.

Наташанинг гапларини диққат билан тинглаган полициячи унинг ҳужжатлари йўқлигини билгач, кулиб қўйди. Унинг гап оҳангига қараганда ўз ихтиёрлари билан мамлакат ҳудудида ҳужжатсиз юрган бошқа мамлакат фуқаролари камдан-кам маҳкамага ташриф буюришарди, шекилли.

Тергов изоляторида бир ҳафта давомида сўроқ бергач, ниҳоят Наташанинг паспорт билан кийимларини олиб келишди ва икки кундан сўнг суд уни Ўзбекистонга депортация қилиш ҳақида қарор чиқарди.

Ватаннинг «тиллодан афзал остонасига» қадам қўяр экан, Наташанинг кўзига паспорти билан боғлиқ ишқалликлар ҳам кўринмас, у жаннатда яшаб туриб, сароб излаб кетганлигини англаб етган эди.

2006 йил.

ХОЖАР КАМПИР ИЛТИЖОСИ

Дунёнинг ишлари қизиқ. Кимдир умрини муҳтожларга ёрдам, савоб йўлидаги ҳаракат билан ўтказса, бошқа биров мунофиқлик ва мушрик йўлидан қайтмайди, ўзгалар ҳақида хиёнат қилишдан тоймайди. Хожар кампир ҳар бозорга тушганида йўл-йўлакай шулар ҳақида ўйлайди. Бозордаги кўли-ю, тили чакқон сотувчиларнинг баъзи бир қилиқларини кўриб, чит кўйлагининг ёқасига «мусулмончиликка зид иш қилаётганларнинг макру-хийласидан ўзинг асра, Танграм» дея пичирлаб, туфлаб қўярди.

Бугун ҳам невараси “ишдан вақтлроқ келсам, бозорни ўзим қилиб бераман”, дейишига қарамай чарм халтани олиб йўлга тушди. Эрталабдан кун аёвсиз қиздирса-да, бозор гавжум. Расталар саховатли она замин неъматларидан синай дейди. Қип-қизил олмалар-у, чарос узумлар, юпка терисидан этининг ажиб толалари кўриниб турган ноклар-у, оғзингга солсанг эриб кетадиган нашиватилар. Хожар кампир тукли-ю, туксиз шафтолилар жилоланаётган расталардан меваларнинг ҳидига маст бўлиб ўтиб борар экан, неварам овқатдан сўнг ер дея, тоғорага чиройли қилиб шафтолиларни териб қўйган йигитга яқинлашди.

– Болам, шафтолинг неча пул?

– Олти минг сўм.

– Тоғорасими?

Тирноғига қизлардек пардоз бериб ўтирган йигит ёнидаги шеригига қараб хохолаб кулди.

– Килоси, хола, килоси. Тоғораси 60 минг бўлади.

– Товбангдан, болам, бу шафтолиларни ичида мободо тилла яширмаганмисан? Август ойи бўлса, Ўзбекистондаям ёзда шафтоли олти минг бўладими?

Йигит «боринг-ей» дегандек қўл силтади-да, яна тирноқларини тозалашга тушди. Кампир «астаффурулло» деганича мева растасини оралаб, узум сотувчиларнинг олдида борди. Парнаён узумнинг қизғиш меваларини кўриб, оғзининг суви қочди. Бир донасини тишласанг «қарс» дея овоз чиқариши кампирга болалигини эслатди. Оёқ яланг кўчада дугоналари билан ўйнаб, терлаб-пишиб уйга қайтгач, доимо раҳматли онаси супадаги хонтахта устига ювиб қўйган узумдан бир шингил олиб, ҳар тишлаганида доналарнинг қарсиллашидан завқи келарди.

Узумнинг нархини эшитиб капалаги учди. Дум-думалоқ юзи терданми ёки ёғданми ялтираб турган сотувчи аёл кўзини луқ қилиб килоси 3,5 минг сўм деди.

– Қизим, мободо узумни дунёнинг у чеккасидан олиб келмадингизми? Мен Ўзбекистонда яшаётганимга тобора шубҳа қиляпман. Ҳозир сиз билан мен қаердамиз, Сибирдами ё Ўзбекистонда?

Сотувчи хотин «нима деб валдирайди бу кампир», деб тўнғиллаганича юзини терс бурди. Хожар кампир нарх борасида ажабланган бўлса, бозорда нопок сотувчиларнинг баъзи бир қилғилиқларини кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. Тухум растасини оралаб, кўкатлар томон кетаётганида, тухум сотиб ўтирган қизалоқ «Кимда уй тухуми бор?» дея бақириб, кўпчиликнинг эътиборини тортди. Сўнг жавоб келган томонга ошиқиб, битта тухум сотиб олди. Хожар кампир, «ўзи тухум сотиб ўтирган бўлса, битта тухумни нима қилар экан, балки синдириб қўйган бўлса, онаси урушмаслиги учун жойига қўймоқчидир?» деб ўйлаб, қизалоқнинг хатти-ҳаракатларини кузата бошлади. Сотувчи қиз эса хонаки тухумни авайлаб чакдида, ичидаги қизғиш сариғини ўзи сотиб ўтирган тухум пўчоғи ичига жойлаб «кўргазма»га қўйди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, унинг жарангдор «кеп қолинг, хонаки тухумлар бор», деган овози раста бўйлаб таралди.

Кузатувчанликда Шерлок Холмсан ҳам ўтиб кетадиган Хожар кампир энди ёпиқ тим ичида сотиладиган сутли маҳсулотлар растасига ўтди. Турли туман шаклдаги қуртлар-у, творог, бринза, сузма, сариёғ, қаймоқнинг бозори чаққон. Олдига оқ фартук тақиб, ўтиб кетаётган харидор оғзига қаймоқ тутаётган, «кувида пишган сариёғ, қорин сариёғлар бор, кеп қолинг, пулингиз ўзингиз билан кетади», деб молини мақтаётган сотувчилар-у, «вой нега қаймоғингиз тиниқ оқ эмас, кулранг? Сал нархидан тушинг», деб тортишаётган харидорларни нафас ростлаш баҳонасида бир оз томоша қилиб турди.

Соат эрталабки 8:20 бўлгани учунми, кечроқ келган баъзи бир сотувчилар энди молини «ёймоқда». Қўшниси билан жой талаша-талаша қирлигидан рангини билиб бўлмайдиган қопдан халтада сузма чиқарган аёл растага оқ сурп ёзди-да, устига сузмасини ағдарди. Қошиқ билан текислаб шакл бергач, бошқа кичик халтачадан ёғли сузмани олиб ҳафсала билан биринчисининг ён атрофига суртиб чикди. Аччиқ сузмага «ширин» таъм бериб бўлгач, бирдан ўзига тикилиб турган Хожар кампирга кўзи тушиб, ундан нигоҳини олиб қочди. Бундай бедодликдан кўнгли оғриб, бош чайқаб раста оралаган Хожар кампир раста орқасида чўкка тушиб сеператордан янги чиққан қаймоққа ун аралаштираётган жувонни кўриб тахтадай қотди. Бундан бир неча дақиқа олдин, шу жувон «қаймоғининг қуюқлигини» мақтаб бир банкасини 8000 сўмга пуллаган, энди эса, бир литрни иккига бўлиб, ун қўшиш орқали қаймоқни икки литр қилмоқда эди. Хожар кампир ўзини тута олмай, растадан ичкарига энгашди:

– Болам оқ билан харомни аралаштирманг, оқлик уради-я.

Унинг гапидан чўчиб тушган жувон қаддини кўтариб, кампирга бобиллаб берди:

– Битта ман қибпанми? Ҳамма шунақа қилади. Қўлбола сариёғнинг ичига қатиқ қўшишади, сутга сув. Уларни Худо урмаяптику? Манам бола боқишим керак. Шунақа қилмасам бу ерда кун бўйи сарғайиб ўтирганимдан нима фойда?!

– Шайтоний нафс қулининг жазосини беради Худонинг ўзи, болам. Ўзингизга қаттиқ бўлиб, юрагингизни ғафлат ғубори-ю, нафсга тобе бўлиш зангидан пок қилинг. Шунда Тангримнинг ўзи сизни кечиради.

Хожар кампирнинг қадди янада букилди. Лукмаи ҳалолдан бири бўлган сут маҳсулотларни ҳаром қилиб сотаётганлардан нафратланди. Бир кило гуруч-у, ёнғоқ, майиз олиб, тезроқ уйга қайтмоқчи бўлди. Шу ниятда гуруч расталари томон бурилди. Растада харидор кам. Сотувчиларнинг аксарияти эрта уйғонганиданми жойларида мудраб ўтиришибди. Танлай-танлай Хоразмнинг «авангард»и ёнида тўхтаган кампир, сотувчидан икки кило гуруч тортишни илтимос қилди. Дона-дона, оппоқ гуруч доналарига махлиё бўлиб, сотувчи йигит қора елим халтада тортилган гуручини узатганида савдолашмагани ёдига тушди. Лавфз қилиб, индамай сотувчи айтган пулни берди.

Ўтган куни мазаси қочиб, невараси дўхтир чақиртирганида «қон босимингиз тушиб кетибди», кўпроқ ёнғоқ мағзи билан майиз аралаштириб ейишингиз керак», деган эди. Ўзи танлаб олмаса, невараси олиб келгани кўнглига ўтиришмайди. Унинг дилини оғритмаслик учун индамай қўя қолади.

Турли хил қоқилар, писта, бодом, ёнғоқ сотиладиган расталарга йўл олди. Пўчоғи қоғоздек юпқа ширин бодомлар, қизғиш тилларанг ўрик қоқилари, катта-кичик ёнғоқлар, оғзи хиёл очилиб, «мени олинг» деяётгандек тоғ писталари, Бухорои шариф ва Самарқанддан келтирилган шўрданақ дейсизми-ей, қуритилган нўхот-у, хилма-хил майиз, ҳаммаси бор. «Пулинг бўлса бўлди, кафтингда шўрва туради» деганлари шу бўлса керак. Хожар кампир сариқ, яшил, қизил тиликли, шақарга белаб қуритилган аллақандай қоқилар олдида бир зум туриб қолди. Сўнг бекорчиликдан кипригини бўяб ўтирган олифта сотувчи қиздан қизиқсиниб сўради:

- Қизим, бу нимани қоқиси? Ўрик деб ўрик эмас, шафтоли десам унга ҳам ўхшамайди.
- Бу манго билан ананасники холажон, тортайми?
- Қанча туради?
- Килоси ўн олти минг сўм.
- Йўқ, йўқ, керакмас. Ҳовлимдаги шафтолини қуритсам бундан фойдалироқ.

Ниҳоят танлай-танлай бир кило Форишнинг кишимиши узумидан бўлган сояки майизни харид қилгач, ёнғоқ сотувчилари томон йўналди.

Икки сотувчи йигит эрталаб чой ичмаган шекилли, олдиларидаги қўлбола курсича устида турган бир пиёла қаймоққа нон ботириб, чой ичишарди.

- Муродилла ака, кеча ёнғоқни қанчага олди-из?–деб сўради ёшроғи каттасидан.

– Зўрға 900 дан берди, баччағар. Ҳозир «сезон» бўлмаса. Кеча хотинга айтиб ваннадаги сувга бўқтиртириб қўйдим, озгина тош боссин деб. Ҳар бирининг тагини игна билан тешиб чикқунимизча, хотинимниям, болаларимниям бўлари бўлди. Мана қара, қўлимам илма-тешиқ бўлиб кетди.

Каттаси қўлидаги чойли пиёлани курсичага қўйиб, шеригига кафтини ёйиб, қорайиб ётган бармоқларини кўрсатди.

- Ҳечқиси йўқ, енгил ёнғоқ темирдай тош босганини кўриб, шу бармоқларингиз билан пулни санасангиз, ҳаммаси ўтиб кетади.

Иккаласи баробар хохлаб кулишди. Хожар кампир «во, ажабо» деганича секин ёқасини тишлаб қўйди. Шунинг учун ҳам ўтган ҳафта ўғли олиб келган ёнғоқнинг усти куруқ бўлса ҳам, ичи ҳозир узилгандай намчил бўлган эканда. Қуёшга ёймаганлиги учун ярмини ичи моғорлаб кетибди. Ташлаб юборишга тўғри келди. Эссиз неъмат-у, эссиз пул.

Кампир бу сафар бозордан ёнғоқ олмай қайтди. Растадаги қайси сотувчининг олдида бормасин, ҳаммаси кўзига балодай кўринди. Эрта-ю кеч тер тўкиб, ҳалол маҳсулот етиштирган деҳқонлардан тонг сахар бозорнинг дарвозасиданок кўтарасига сотиб олиб, турли хил қинғирликлар билан харидорга икки баробар қимматга сотишгани нимаси? Савдогарлик қил-у, аммо топган ризқингни ҳаллолаб е. Муборак Қуръон-у Каримда ҳам, табаррук зот Имом ал-Бухорий хазратлари тўплаган «Ал жоме ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламида ҳам шундай дейилган-ку?! Одамларга нима бўлди ўзи? Инсон охиратини обод қиладиган диёнат-у, ҳалолликдан нечук осонликча юз ўгиришмоқда? Хожар кампир шуларни ўйлар экан, кайфияти бузилиб уйга қайтди. Бозордан олиб келган нарсаларни чиқариб, стол устига қўйди. Тушликка Рустамжон келишига ош қилади. Кўзи очиқлигида унинг бошини иккита қилиб қўйса, хотиржамгина ўларди. Бечора болага кучи етганича ҳам оталиқ, ҳам оналик қилди. Ўғли билан келини Рустамжон уч ёшга тўлмасидан автоҳалокатда ҳалок бўлишди. Хожар кампир чирқиллаганича хайҳотдек ҳовлида невараси билан сўппайиб қолди. Қудаси ҳарчанд Рустамжонни олиб кетишга уринмасин, бермади. Бўлмаса бу ҳовли уни тириклайин ютиб юбориши аниқ эди. Вақтнинг тез ўтишини қаранг, шунга ҳам бирпасда 22 йил бўлибди. Ўша пайти энди элликка чиққан Хожар опа эндиликда Хожар кампирга айланди. Агар «давление» демаса, ўзи соппа-соғ. Аммо қаричилиқ курсин Азроил қачон жонингни олишини билмайсан. Унинг келишига тайёр турмасанг, аросатда қолиш ҳеч гап эмас.

Чарчаган бўлишига қарамай, кампир биргина кўзининг оқу-қораси бўлган неварасини уйлантириш учун тунни-кунга улаб қавиган кўрпачаларни ташқарига чиқиб ёйди. Қуёш нурида чўғдек товланаётган кўрпачаларнинг у ер бу ерини силаб, ошхонага йўналди. Газга чой қўйиб, овқатга уннади. Ҳадемай тушлик пайти ҳам бўлиб қолади. Рустамжон бувисидан бир бор хабар олиб кетмаса кўнгли тинчимайди. Бир йўла овқатланиб ҳам кетади. Бир зумда ош зирвагининг ёқимли ҳиди ҳовлини тутди. Гуручни ивитиш учун қора елим халтани очар экан, кампир бирдан бўшашди. Олдидаги шокосада бозорда ўзи завқ билан томоша қилган дона-дона шаффоф гуруч эмас, бўлак-бўлак бўлиб кетган, қўлингга олиб эзсанг, майдаланиб кетадиган аллақандай гуруч қолдиқлари ётарди. Сотувчи йигит Хожар кампирнинг чалғиганидан фойдаланиб, бошқа қопдаги сифати пастроқ гуручдан солворибди. Кампирнинг жаҳли чикди. Ўтирволиб бозордаги қўли-ю дили нопок сотувчиларни роса қарғади. Ошнинг зирвагига кўпроқ сув қуйиб паловни шавлага айлантirdи. Овқат тагидаги оловни милтиратиб қўйди-да, юз-кўлини салқин сувда чайқади.

– Кайфитингиз йўқроқ, бувижон? Тинчликми?

Дарвозадан кириб келган Рустамжонни кўриб, негадир Хожар кампирнинг хўрлиги келди. Рўмолининг учи билан кўз ёшларини артар экан, хўрсиниб қўйди.

– Одамларнинг нопоклигидан хафаман, болам. Эрталаб сен келгунингча бир чўқим ош дамлаб қўяй деб, бозорга тушувдим. Сотувчи кўзимни шамғалат қилиб, гуруч ўрнига «сечка» берворибди. Ош ўрнига шавла қилақолдим.

– Э, хафа бўлманг, бу ҳам уларнинг тирикчилигида, савдогар бўлгандан кейин бировни ҳақидан уриб қолмаса кўнгли тинчимайди.

Рустамжон бувисининг орқасидаги ёстикни тўғирлаб қўйди.

– Булар савдогар эмас, олибсотар, болам. Пайғабаримиз Муҳаммад аллайҳиссалом ҳам савдогарлик қилиб, ҳалол ризқ топганлар. Узоқ йўлнинг оғир машаққати-ю, элни бойитиш учун мол олиб келиб, сотишнинг ўзи бўлмаган. Буларчи, деҳқоннинг пешона тери билан етиштирган маҳсулотни, унинг қўлидан юлқигандек бўлиб, бозор дарвозасиданок арзон-гаровга сотиб олиб, устига уч баробар қўйиб сотишади. Деҳқонни бозор ичкарисига қўйишмайди ҳам. Бу ҳам майли-я, турли хил найранглар-у, фирибларини айтмайсанми? Худодан ҳам кўрқишмайди.

Хожар кампир оғир тин олди. «Овқатни ўзим сузаман», деб чиқиб кетган неварасининг орқасидан дуога қўл очиб, Худодан ёлғиз жигарбандини нопок йўлга бошламасликни, ҳалоллик ва поклик доимо унинг ҳамроҳи бўлишини ўтиниб сўради.

2006 йил

“ИҚТИСОД” ИЛЛАТИ

– Қани олдик.

Қадахларнинг жаранги кичик бўлсада, шинамгина меҳмонхонани тўлдирди. Дид билан безатилган дастурхон устида халқаланаётган сигарет тутунидан нафаси қайтиб, Мурод ёнида ўтирган 45–48 ёшлар чамасидаги Солих Турдиевичдан узр сўради-да, ташқарига чикди. У «Обод» хусусий қурилиш фирмасига бош муҳандис бўлиб ишга кирганидан сўнг илк бор корхона тумандаги мактабларнинг бирини капитал реконструкцияси бўйича ўтказилган тендердан ғолиб чиққан ва бугунги меҳмондорчилик ҳам шунга бағишланган эди. Зиёфатни фирма директорининг ўзи бериб, унга вилоятнинг кўзга кўринган арбоблари, мактаб қурилишига алоқадор одамлар таклиф этилган эди. Куз ойининг салқин ҳавосидан бир оз эти жунжукса-да, юлдуз тўла осмонга завқ билан термулар экан, беихтиёр болалигини эслади. Раҳматли бувиси ҳар бир юлдуз туркуми ҳақида эртаси айтиб берар, унинг ўшанда тезроқ катта бўлгиси, ундаги ботир паҳлавонлар сингари қасрлар қуриб, уни маликаларга совға қилгиси келарди. Ўшандаги орзуси қисман ушалди, ҳам. Сарой қуриб маликаларга совға қилмаса-да, энди болажонларга мактаб қуради. Мактаб ҳам

билим қасри. У эрта-индин иш бошлайдиган, ғолиб чиққан тендернинг лойиҳасига биноан янги қурилажак мактаб ҳам ҳар қандай шоҳ қасридан кам эмас.

-Совқотиб қолмадингизми, ука?

Бехосдан берилган савол Муроджонни хаёллар уммонидан аслига қайтариб, чўчитиб юборди.

-Ҳа.. Э, йўқ. Тоза ҳаводан нафас олаётган эдим. Ичкари исиб кетди.

-Ҳа, ҳозир тоза ҳаводан тўйиб, тўйиб нафас обқолинг. Кейин вақтингиз ҳам, имконингиз ҳам бўлмайди.

Солиҳ Турдиевич негадир хиринглаб кулди-да, «совуқ экан» деганича ичкарига кириб кетди. Муроджон унинг бу билан нима демоқчи эканлигини тушунмади. Кўнглининг бир чеккасида пайдо бўлган нохушликка эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, яна юлдузли осмонга тикилди...

1950-йилларнинг охирида -ашар йўли билан қурилган пастқам, ўқитувчи қўлини кўтарса шифтга етадиган мактаб ўрнида қурилажак уч қаватли бинонинг лойиҳасини кўздан кечиришар экан, туман ҳокимининг таклифига биноан меъморлар унинг ташқи томонига миллий қадриятларимизга мос безаклар бериб ўзгартиришди. Лойиҳа бўйича бу бинода барча шароитлар муҳайё бўлиши лозим эди. Замонавий талаблар бўйича жиҳозланган синфлар, ўз канализациясига эга ўқув лабораториялари, ювиниш, кийиниш хоналари бўлган хашаматли спорт зали. Эҳ-хе, энди болажонлар мазза қилиб, кишин-ёзин спорт билан шуғулланиш имконига эга бўлишади. Баҳор-кузнинг ёмғири-ю, қишнинг қоридан сўнг шудгорга айланадиган стадион деб аталмиш ялангликда лойга ботмаслик учун жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқувчиларни синфга ҳайдаб кириб, ўғил болалар ўтхонага кўмир ташишар, қизлар синф хоналари-ю, йўлакларни полини артиш билан банд бўлишарди. Ўқувчилар ҳазиллашиб жисмоний тарбия дарсини мажбурий меҳнат колоннияси деб аташарди. Кузда пахта терими-ю, баҳорда чопиққа кетадиган ўқувчилар учун жисмоний тарбия дарсида нима ўтдинг-у, неча баҳо олдинг дея сўрай кўрманг. Бу дарс учун баҳо пахта теримида «норма»ни бажариш-у, чопиқ пайтида кўпроқ эгат чиқариш билан боғлиқ эди. Энди ҳеч бўлмаса қишда болажонлар шаҳарлик ўртоқларига ўхшаб тузук дарс ўтишар...

-Хаёлингиз қаёқда Муроджон, шунча чақираман эшитмайсиз-а. Сизни зудлик билан Солиҳ ака сўраяптилар.

Уста Шокир мактаб пойдеворини қуриш учун олиб борилаётган ўлчовлар бошида туриб, хаёлан янги мактабда болаларнинг чуғур-чуғурини тассаввур қилаётган Муроджонга зардали оҳангда гапириб, орқасига бурилди.

Солиҳ Турдиевич Муроджонни очик юз билан кутиб олиб, қаршисидан жой кўрсатди. Ишларнинг қандай кетаётганлигини сўраб-суриштиргач, секин мақсадга кўчди:

- Энди, гап бундай ука, сиз ҳали ёшсиз, шунинг учун ҳам қурилишнинг ўзига хос қонун-қоидалари билан сизни таништириш менинг бурчим. Кеча «накладной»лар бўйича олиб келинган цементнинг бир тоннасини Рустам билан Шарифга айтиб орттиртиринг. 600 куб тахтани иккинчи мошинга ортишсин, тушунарлими? Қолганини кейин гаплашамиз.

Солиҳ Турдиевич, «гап тамом» дегандек стол устида сочилиб ётган қоғозларга тикилди.

-Кечирасиз, ўзи уларни куни кеча туширган бўлсак, яна ортиб қаёққа олиб борамиз?

- Бу билан ишингиз бўлмасин. «Тендер»да бекордан бекорга ютганимиз йўқ. Лойиҳамиз 115 миллионлик бўлиб, энг камхаржлиги учун ҳам қабул қилишди. Бундан ташқари ҳали олдинда биргалашиб кўп иш қиламиз, шундайми? Яна бир нарсани ёдингизда тутинг. Мактаб қурилишида кўпчиликнинг ўзига яраша насибаси бор. Иннанкейин, яна ишлай десангиз, тепадагиларниям шартига кўниш керак.

-Лекин қолган цемент мактабни битиришга етмайди. Тахта ҳам, қолган полнинг учдан бир қисмини нима билан ёпмоқчисиз?

-Баракалла, ана шунга каллангизни ишлатинг. Сизни бекордан бекорга ишга олганим йўқ. Керак бўлса бирор жойга кўпроқ кум-у, камроқ цемент кўшинг, эски тахталарни рандалатиб, яна жойига кўйинг, шу ҳам муаммоми? Яна саволлар борми? Билиб кўйинг, жойингизга талабгорлар кўп. Ана қанчадан қанча ёш муҳандислар институтни битириб, иш тополмай юрибди. Сизни Эрмат Тошевич «эсли-хушли, иш ўрганадиган бола» дегани учунгина олудим.

Муроджон ўрнидан оғир кўзғолди. Қизил диплом билан институтни битириб ўзининг мутахассислиги бўйича иш топа олмагач, уч йил қилмаган иши, бошини суқмаган тешиги қолмади. Тоғасининг кўли узун жўраларидан бири, шу ерга жойлаштириб кўйган эди. Бундай бўлишини билганида? Икки ой ҳам ишламай бу ердан ҳам кетса, тоғаси «юзимни ерга қаратдинг», деб ундан юз ўгириши аниқ. Ўзи ишлаган жойининг барчасида «адолатпаравар»лиги учун кўп қола олмаган эди. Муроджон бир кўл силтаб, этагини қоқиб чиқиб кетгиси, келди-ю, яна бир онаизорини ўйлаб шаштидан қайтди. Ўзи емай тўрт фарзандига едириб, киймай кийдириб вояга етказди, ўқитди. Энди Муроджонни уйлантириш дардида елиб-югуриб юрибди. Оталари уларни ёшлигида ташлаб кетган. Муроджон тўнғич фарзанд. Энди нафақат ўз кунини кўриши, волидасига ҳам ёрдам бериши керак. Бу ердан ҳам кетса, кейин бошқа иш топиши гумон.

Аста-секинлик билан қад кўтараётган янги мактаб биносига тикилар экан Муроджоннинг юрак-бағри эзиларди. Унинг ҳисоб-китоби бўйича айнан танланган жойга уч қаватли мактаб қурилиши мумкин эмас эди. Шу ерга бинони қуриш учун ернинг зичлиги тўғри келмас, бунинг устига ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида унинг шўрланиши ортиб, агарда бино ёнидан дренаж қурилмаса, бу нарсa пойдеворга зиён етказиши мумкин эди. Бу ҳақида у бир неча бор Солиҳ Турдиевич, кейин туман ҳокимиятининг қурилиш ишлари бўйича ҳоким ўринбосарига мурожаат этса-да, ҳеч ким унинг гапига қулоқ солгиси келмади. Қайтанга Солиҳ Турдиевич унинг бу ўзбошимчалиги учун яхшилаб «тузлади» ва бундай ҳолат яна бир бор такрорланса ишдан кетажагини айтди.

8 ой ўтар-ўтмас, шиферлари ямалавериб, охири устига тош бостириб кўйилган бино ўрнида мухташам уч қаватли янги мактаб қад кўтарди. Эски мактаб биносининг бир қисми ҳам қолдирилиб, у ҳам капитал таъмирланди. Кенг, ёруғ спорт залининг қурилиш ишлари тугалланай деб қолди. Қилинаётган ишлар атрофдаги қишлоқ аҳлининг миннатдорчилигига сазовор бўлиб, оксоқоллар бир неча бор келиб, болажонларнинг бахтли яшашлари, билим олишлари учун барча шароитларни яратиб бераётган ҳукуматнинг, қурилиш ишларини олиб бораётган фирма директори билан бош муҳандисни алқаб кетишди. Муроджон эса мактабнинг фойдаланишга топшириш вақти яқинлашган сари ичига чироқ ёкса ёришмасди. У қанча ҳаракат қилмасин, Солиҳ Турдиевич ўзи айтгандек «эски приёмлари»ни ишлатиб, билганидан қолмади. Мактабнинг полига Солиҳ Турдиевич аллақайси бузилаётган корхонанинг тахталарини олиб келиб ишлатди. Рандаланганидан сўнг «янги кийим» кийган тахталар нақд 3 см га юпқалашди. «Смета» бўйича олиниши лозим бўлган янги тахталарнинг пули чўнтакка урилди. Цемент иқтисод қилиниб, қоришмага кўпроқ кум кўшилди. Хорижнинг «Рояль» краскasi ўрнига хитойники олинди, у ҳам «разбавитель» билан обдон суюлтирилди. Мактабнинг кираверишдаги улкан зали ва зиналарига ишлатилиши лозим бўлган Нуротанинг табиий мarmари ўрнига шаҳарда мarmарнинг қолдиқ қуқунидан тайёрланадиган сунъийси арзонга олиниб, ётқизилди. Мактабнинг янги биноси йўлаклари лойиҳада кўрсатилган ўрта қалинликдаги гипсокартон билан қоплангач, «Армстронг» типдаги осма шифт ўрнига ноъмалум фирма ишлаб чиқарган қалбақисини ўрнатишди. Ювиниш хоналари, хожатхона, ўқув лабораторияларининг «тозалик бурчак»ларига ёпиштирилиши лозим бўлган Италия кафели ва сантехникаси хитойникига алмаштирилди. Бир кўринишдан сифатлисидан фарқ қилмайдиган мазкур кафеллар-у, сантехниканинг хизмат муддати Италияникига нисбатан икки баробар кам эди.

– Қишлоқ боласи Италия билан Хитойникини фаркига бориб ўтирибдими? Ўзи умрида сантехника нималигини кўрмаганларга шуниси ҳам бўлаверади. Уйига сувни икки чақирим наридан ташиб келтириб, обдастада ювинади-ю, буларга Италия сантехникаси керакмиш?!

Ўзининг гапидан ўзи хо-холаб кулган Солиҳ Турдиевич дастурхон бошида ўтирганларнинг бирортаси тишининг оқини кўрсатмагач, индамай иккинчи пиёлани даст кўтариб ичган эди, ўшанда. Хатто осма шифтга ўрнатиладиган галоген чироклардан ҳам Солиҳ Турдиевич «уриб» қолишга муяссар бўлди. Уларнинг оралари кенгайтирилиб, 230 чирок ўрнига 190 таси мактаб йўлакларини ёритадиган бўлди. У «иктисод» қилган мих-у, болт, гайка, шайбаларни айтмаса ҳам бўлаверади. Муроджон шунча ўқиб, деворни сувоқ қилишда ҳам турли хил ҳийла-ю найранглар ишлатилиши мумкинлигини биринчи маротаба кўрди. «Тендер»га топширилган мактаб лойиҳасида кўрсатилган сувоқ қалинлиги икки баробар камайтирилиб, бундан анча-мунча унга кетадиган қурилиш материаллари олиб қолинди.

–Солиҳ Турдиевич, қилинган сувоқ бир йилга бормай ёрилиб кетади. Ҳеч бўлмаганда шунча одамнинг меҳнати-ю, бизга кўз тикиб турган қишлоқ одамларига раҳмингиз келсин.

Муроджон ҳамма нарса меъёрида, ўлчаб қўшилса бундай сувоқ салкам ўн йилга чидашини яхши биларди.

–Менга қаранг, йигитча, тозаям жонимга тегдингиз. Тепадагиларнинг улушини ўзимни чўнтагимдан тўлайманми? Ё пулингиз ошиб-тошиб кетган бўлса, балки буни сиз қиларсиз? - Солиҳ Турдиевич қизариб, бўзариб, қўллари мушт бўлиб тугилди. - 10 кундан сўнг мактабни топширамыз. Шу объектдан сўнг, ана катта кўча. Лекин эсингиздан чиқмасин, «смета» билан барча накладнойларнинг ярмидан кўпроғига мен йўқ пайти фақат ўзингиз имзо чеккансиз. Шу пайтгача бажарилган ишларнинг нархи бўйича счёта-фактурада ҳам сизнинг имзоингиз турибди. Шу бўйича иш якунидаги умумий маълумотга ҳам таксирнинг имзолари керак бўлади. Яна ғинг десангиз фақат шуларнинг ўзи билан индамай 10 йилга қамалишингизни биласизми?

Солиҳ Турдиевичнинг кесатиқ оҳанги Муроджоннинг миясини пармалаётгандек бўлди. Бошлиқнинг гапларидан сўнг унинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Ёшлигига бориб бу қари тулкининг нимага бундай разилликка кодирлигини ўйлаб кўрмаган экан. Кўра-била туриб ўзи бошини сиртмоққа тикди-я!

Муроджон бошини қуйи солганича раҳбар хонасидан чиқиб кетди. Қурувчиларнинг тақир–туқури-ю, мактаб атрофини текислаётган булдозернинг шовқинидан боши тарс ёрилай деди. Бирдан ҳаво етишмаётганлигини ҳис қилиб, деворга беҳол суянди. Илк зиёфатда Солиҳ Турдиевичнинг «тўйиб-тўйиб нафас олиб қолинг» деганини эслаб, бошига санчиқ кирди. Ўшанда бекордан бекорга айтмаган эканда. Илоннинг ёғини ялаган бу.

Атрофи асфальтланиб, ҳовлининг ўртасига ўрнатилган кичик фаввора, унинг икки бурчагига гуллар-у, арча кўчатлари экилган мактаб биноси янги ўқув йилига тахт эди. Вилоятдан келган махсус қабул қилиш гуруҳи оқ плиталар ётқизилган шинамгина йўлакдан юриб, ҳар бир синф хонасига бирма-бир кириб чиқар экан, маъқул дегандек бош ирғаб қўйишарди. Бир кўринишда мукамалдек кўринган бу қурилиш кўпга бормай сароб сингари тўкила бошлашини улар қаердан ҳам билишсин? Керакли одамлар ўз улушларини олиб оғзи мойланган, фирма қурувчиларининг кўпчилиги Солиҳ Турдиевичнинг қариндош-уруғи эди. Ёлланиб ишлатилган қора ишчилар эса бу ердаги ҳийла-ю найранглардан беҳабар. Ҳаммасидан бохабар ва ўз қўли билан мактабнинг «усти ялтироқ, сувоқ таги қалтироқ» бўлишига улкан ҳиссасини қўшган Муроджоннинг дами ичида. Ўтган куни Солиҳ Турдиевич Муроджон шаҳарга тушганида онасига «ўғлингизни мукофот пули» деб анча-мунча пул ташлаб кетибди. Онасининг «тўйингга Худонинг ўзи етказди» деб

суянганини кўриб, ундан қайтариб олишга юраги бетламади. Энди эса Солиҳ Турдиевич билан ипсиз боғланган, аниқроғи у Муроджонни «пичоқсиз сўйган» эди.

Балки бу воқеани шу билан тугатсак ҳам бўларди. Муроджон ҳам мактаб фойдаланишга топширилгач, фирмадан бўшаб, иш қидириб шаҳарга кетди. Вақт ўтган сари виждон азобидан ҳам қутилган бўлиши мумкин. Аммо орадан бир ярим йил ўтгач, енгилгина ер қимирлашига янги мактабнинг «иқтисод қилиниб қурилган» деворлари дош бера олмади. Зичлиги ҳисобга олинмаган тупроқнинг бир оз чўкиши натижасида устидан зилдек босиб турган бетон плиталарнинг оғирлигига чидамай, девор оғиб, мактабнинг ярим томи кулаб тушди. Худога минг қатла шукурки, бу воқеа якшанба куни эрта сахар соат 5 лар атрофида содир бўлгани учун ҳам ҳеч ким жабр кўрмади. Гумбирлаган овоздан чўчиб уйғонган қоровул, кўкка ўралаётган чанг-тўзонни кўриб, тушимми ё ўнгимми дея, турган жойида тахтадек қотган эди. Бегуноҳ норасидалар-у, муаллимларни Худонинг ўзи асради. «Обод» фирмасининг номаъқул ишларини эса яратганнинг ўзи фош этди. Иккинчи куниёқ бошланган текшириш ишлари натижасида Солиҳ Турдиевич билан Муроджон ҳибсга олинди.

2006 йил.

ИЙМОННИ СОТГАН ТАҚВОДОР

Нўъмон Тошкентга келганидан ғоят бахтиёр эди. Шаҳарнинг кенг кўчалари, ҳашаматли биноларини томоша қилар экан, “юрибман-да мен ҳам яшаяпман деб” дея хўрсиниб қўйди. Тақдир бу ерда ҳам унинг бошини силамади. Бўлмаса, қўлида гулдай хунари бор. Аслида Аллоҳнинг ўзи унга рассомликни ғайбдан ато этган бўлса-да, қишлоқда бунинг орқасидан кун кўра олмади. Таниш-билишлари унинг чизган суратлари катта шаҳарларда талаш бўлишини айтгач, қайдасан пойтахт дея йўлга тушган эди. Уйларнинг деворларига чизган суратлари орқали, у ўзининг туғилиб ўсган қишлоғида анча шуҳрат қозонди. Охири-оқибат икки ўртоғи билан шаҳарда пул ишлаш йўлини қидиришга келишишди. Шундан бери иши ёмон эмас. Аммо шунча ҳаракат қилса ҳам ҳеч бири-икки бўлмайди. Ёзда йиққанини қишда ейди. Бундан ташқари, кун сайин ўсаётган ижара ҳақи, рўзғор ташвишлари, дегандек. Катта шаҳарда ёлғиз бўлсанг қийин экан. Яхши-ёмон кунида корига ярайдиган, дардини оладиган қондоши йўқ. Яхшиямки хотини, болалари бор. Қишлоқдан кўчиб келишганидан буён ижарама-ижара сарсон бўлишяпти. Ўзига бир бошпана топмаса бўлмайди.

Нўъмон қишлоққа қайтиб қарз кўтарди. Ака-укалари ёрдамида шаҳарнинг чеккасидан икки хонали уйга етадиган пулни белига туғиб, Тошкентга қайтди.

—Вой, дадаси, нахотки ўзимизни уйимиз бўлади?

Ҳилоланинг қувончи ичига сиғмас, худди янги уйга кўчиб ўтгандек ёш болаларини бағрига босарди.

—Э, мунча ҳовлиқасан, аввал уй топайлик. Нарх-навони қара, осмонда. Қўлимдаги пулга шаҳарнинг ўзидан бир хонали уй ҳам бермайди.

—Шаҳарни четидан бўлса ҳам, майли. Ўзимизники бўлса бўлди. Кўч-кўрон кўтаравериш жонимга тегди. Кўчавериби, кўрпаларим ҳам титилиб кетди.

Нўъмон мийиғида кулиб қўйди. Хотини аёллигига боради-да, ким нима ғамда-ю, у кўрпа ғамида.

—Уй олсак, кўрпаларингни ҳам янгилаймиз.

Ҳилола, эри ҳозирнинг ўзида барча кўрпаларини янгилаб бергандек, энтикиб қўйди. Нўъмон эртаси куниёқ астойдил ишга киришди. Таниш-билишларини ишга солиб, уй қидира бошлади. Бир-икки маротаба уй бозорига ҳам бориб келди. Аммо ҳар гал уйига қайтар экан, олдига югуриб чикқан фарзандлари, хотинининг умид билан боққан кўзларидан нигоҳини олиб қочарди.

—Сиқилманг дадаси, худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Бизга ҳам Худойимнинг атагани бордир.

Хотининг гаплари Нўъмонга далда бўлар, аммо унинг кўзлари тубида яширинган мунг баттар юрагини эзарди.

Бу сафар унинг омади чопди. Пойтахтнинг Сирғали туманида сотиладиган уй, таъмирталаб бўлса ҳам айнан у қидирган нархда эди.

—Топдим, топдим, Ҳилол. Ўзимизга мос. Сал чеккада-ю, аммо икки хонали. Бир оз пул йиғсак, яхшилаб таъмирлаб ҳам оламиз.

Нўъмон қувончи ичига сиғмай, остонадаёқ хушхабарни эшикни очган хотинига етказди.

—Вой, ростданми? Айтдим-ку сизга сиқилманг деб. Кўрдингизми, Худойим бандасини ҳеч қачон ташлаб қўймайди.

Шу куни Нўъмоннинг хонадонида байрам бўлди. Қувончли хабарни эшитиб келган жонажон ўртоқлари Нўъмонни чин дилдан қутлашди.

—Э, жўра, зап иш бўпти-да, сенинг йўлингни ҳам бизга берсин, - Хуршид пиёлада қолган ароқни симирар экан, товоқдаги ош устидан гўшт бўлагини олиб, оғзига солди, - Энди хужжатлаштириб олсанг бўлгани, зиёфатнинг каттасини янги уйда еймиз.

—Айтгандай, ўртоқ, уйни номига расмийлаштирадиган одам топдингми? - Бўрибой бирдан ҳушёр тортган Нўъмонга тикилди. — Ёки эски эгасининг номида қолаверадими?

—Йўғ-ей, у одамни танайман-ку...

Уч ўртоқ бир-бирларига тикилишди. Болаликдан бирга ўсган, шаҳарнинг нонини ҳам бир неча йилдан буён бир-бирига суяниб топаётган, яхши-ю ёмон кунда доимо бирга бўлган дўстлар қувонч пардасини ёриб чиққан мазкур муаммо олдида ожиз эдилар. Қонунга биноан Тошкент шаҳрида рўйхатда турмаган шахс, Ўзбекистон фуқароси бўлишига қарамай шаҳар ҳудудидан уй сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Бир неча бор шаҳар ҳокимиятига хужжат топширган Нўъмон ҳам, Хуршид ҳам рўйхатдан ўтиш учун рухсат олишолмаган, уларнинг ҳафсаласи пир бўлганини кўрган Бўрибой бу борада асабини бузмай қўя қолган эди.

Нўъмоннинг кайфи бир зумда таркаб, хомуш бўлиб қолганини кўрган Бўрибой айтган гапидан пушаймон бўлди. Бир оз бўлса-да айбини ювиш учун секингина:

—Балки, келиннинг узоқроқ қариндошими, таниши бордир. Яхшилаб суриштириб кўр, чиқиб қолар, - деди.

—Э, биласан-ку, Тошкентда иккаламизнинг ҳам ҳеч кимимиз йўқлигини. Буни устига у уйда ўтирса, қаёқдан таниши бўлсин?!

Ўртага оғир жимлик чўкди. Бир неча дақиқа олдин хонада янграган кулгу-ю, ҳазил-мутойибани ногаҳон пайдо бўлган ёвуз аждаҳо ютиб юборгандек эди.

—Индин уйнинг пулини олиб бориб, расмийлаштириб олишим керак. Нега буни олдинроқ ўйламаган эканман-а, қандай аҳмоқман-а?

Нўъмон пешонасига бир шапати урди.

—Ўзи пешонам шўр...

—Боравер қани, бир гап бўлар, — Хуршид худди уйдан тезроқ чиқиб кетса, енгил тортадигандек, фотиҳага қўл очди. —Энди бизга жавоб...

Нўъмон нотариус идорасининг ёнида совуқдан кулоқлари қизариб, бошини елкасига тортганича турарди. Келишилган вақт аллақачон бўлган бўлсада, сотилаётган уйнинг эгаси ҳали келмаган эди. Бу бир томондан “келмай қолса-я, унда берган 200 доллар закладим нима бўлади?” деган ўй Нўъмонни хавотирга солса, иккинчи томондан, уйни кимнинг номига расмийлаштираман, деган хавотир қалбини сичқон каби кемирмоқда эди.

—Уй сотдингизми, ё олдингизми?

Нўъмон саволдан чўчиб тушиб, унинг хаёллари бир зумда енгил шабодада қовжираган япроқлар сингари ҳар томон тўзғиди.

—Нима?

Унинг мунғайиб турганини кўрган, миллатини ажратиб бўлмайдиган 40–45 ёшлардаги аёл унга яқинлашиб, савол берганди.

— Уйни оформлениясига турибсизми?

—Ҳа.

—Сотиб олдингизми, ё сотдингизми?

—Олдим.

—Неча хона?

—Икки..

—Қанчага тушди?

— ...

— Қаердан олдингиз?

Хира пашшадек ёпишиб олиб, тинмай савол бераётган аёлдан қутилиш учун Нўмон қўл силтаб, сигарет тутатди.

—Яхши нархга олибсиз-у, нега хурсанд эмассиз?!

— Э, олдим-у, шунча ташвиши борлигини билмабман.

—Тинчликми? Бу ерликка ўхшамайсиз, ука. Балки ёрдамим тегар. Барчамиз худонинг бандасимиз, инсон-инсонга биродар. Ҳаммамиз Одам Ато, Момо Ҳавонинг фарзандларимиз. Яхши-ёмон кунларда бир-биримизга ёрдам қўлини чўзмасак, гуноҳ бўлади.

Ҳозиргина асабига тегаётган аёлнинг кейинги сўзларини эшитган Нўмон ажабланиб, унга тикилди.

—Тўғри, тошкентликмасман, ҳатто пропискам ҳам йўқ. Уй олдим-у, энди кимнинг номига уни расмийлаштиришни билмай турибман. Танишларимнинг ҳаммаси ўзимга ўхшаган. Нима қилсам экан, деб бошим қотди.

Нўмон дардини тўккач, ўзи томон шошиб келаётган уйнинг эгасини кўриб йиғлагиси келди. Қўлида ўчай деб қолган сигаретни босиб-босиб тортгач, қолдиғини учи тарам-тарам бўлиб ёрилиб кетган ботинкаси билан эзди.

— Озгина кечикдим, оғайни, узр. Иссиқ сувдан қарз йўқлиги ҳақида маълумотнома оламан деб ушланиб қолдим. Навбат олдингизми?

Нўмон очиқ ташқари эшикдан кўриниб турган йўлакдаги бир тўда одамга назар ташлар экан, «йўқ» дегандай бошини чайқади.

— Э, навбат олиш керак эди, энди қачон кирамиз?

—....

—Балки овқатланиб келармиз. Тушлик пайти ҳам бўлиб қолибди, барибир нотариус ҳам тушликка кетади, нима деддингиз?

—Майли.

Иккаласи йўлнинг нариги томонида кўриниб турган кафега қараб кетдилар. Овқатланиб, орқага қайтишар экан, боя суҳбатлашган аёл Нўмонга яқинлашди.

—Исмим Роза. Аслида тошкентликман. Сизга ёрдам бериш Худонинг олдидаги бурчим. Йўқ демай, ёрдамимни қабул қилсангиз. Мана паспортим. Хоҳласангиз нусхасини ўзингизга олиб қолишингиз мумкин.

Нўмон ичида бир неча дақиқа аввал ечимини топа олмаётган муаммоси осонгина ҳал бўлганидан Аллоҳга шукроналар айтаётган бўлса-да, аёл қўлидаги паспортга қараб иккиланди.

—Қайдам, сизни танимасам?!

—Ўзингиз биласиз, ёмон ниятим йўқ. Бугун бировга қилган яхшилигим, у дунё саодатига айланади.

—Бизнинг навбатимиз, оғайни юринг, – шеригининг овози Нўмоннинг иккиланишига чек қўйди.

Аёлнинг қўлидаги паспортни олар экан, секингина «рахмат» деб қўйди.

Роза опа ҳақиқатдан ҳам жуда хушфеъл аёл экан. Тез кунда Нўъмон ва хотинини жигаридай кўриб, ҳар сафар болаларига совға-салом кўтариб келарди. Доим Ҳилолага дастурхон тузатишга қарашар, қўярда-қўймай ўзи ош дамларди. Уч ой ўтар-ўтмас опа-укага айланишгач, Роза опа Нўъмонни ўз уйига меҳмондорчиликка таклиф этди.

Опанинг эри тўладан келган, бароқ қошлари остида кўзлари одамга синчковлик билан боқадиган Равшан ака уни эски танишларидек қарши олди. Чаққонлик билан дастурхон ёзиб, бир пасда унинг устини турли туман пишириқлар-у, салатлар билан тўлдириб ташлаган Роза опа эрига тинмай Нўҳмонни мактарди. Овқатланиб, юз граммдан ичишгач, диний эътиқод ҳақида гап бошлаган Равшан аканинг дабдурустдан берган саволи Нўъмонни шошириб қўйди.

— Нўъмонжон, сиз мусулмонмисиз?

— Ҳа... Албатта.

— Ислом фарзларини бажарасизми?

Нўъмон қизариб, бошини эгди.

— Демак на намоз ўқийсиз, на рўза тутасиз, на закот берасиз, ҳаж зиёратига бориш ҳақида эса ҳаттоки орзу ҳам қилмаган бўлсангиз керак. Шундай экан, дилдан иймон келтирганингизга ҳам шубҳам бор.

- Йўк, нега энди. Биз ҳам эл қатори. Аллоҳга дилдан ишонаман, шуни ўзи ҳозирча етарли. 60–70 ёшга бориб бола-чакадан қутилсак, ҳаммасига вақт бўлар.

- Инсон Аллоҳимнинг ҳузурига қачон боришини олдиндан билмайди. Ҳали вақт бор, деб хато қиласиз. Яшаётган ҳар бир кунимиз ғанимат. Мусулмонман деб кўкрак кериб юрибсизми, унинг барча амалларини бажаришингиз шарт. Кейин кеч бўлиб, афсусда қолманг, дейманда. Бундан чиқди, ҳақиқий мусулмон эмас экансиз. Гапларим сизга оғир ботмасин-у, ўзини мусулмон деб билиб, аммо ҳақиқий мусулмонлик нима эканлигини билмаганлар жуда кўп. Бу ёлғон дунёда сиз оғизда даъво қилиб, дилдан унинг амалларини бажармасангиз етти пуштингиз дўзах ўтида куяди. Шунинг учун сиздан ҳеч қандай мажбурият талаб қилмайдиган динни қабул этиб, ўзингизни у дунё-ю, бу дунё мажбуриятдан халос этганингиз маъқул.

— Тушунмадим...

Нўъмон Равшан ака гапни қаёққа бураётганини билмай, унга қаради.

— Ажабланманг, мана мен Роза опангиз билан насроний динидамиз. «Иегова шоҳидлари» деганларини эшитганмисиз.

— Йў-ўк.

— Худо ҳаммамиз учун ягона. Лекин кўпчилик унинг ҳақиқий номини билишмайди, унга юзланганда ҳам одамларнинг ўзлари тўқиб чиқарган исмларини қўллашади. Албатта, уларнинг оху–ноласи Худога етиб бормайди. Масалан, сизни бошқа-бошқа ном билан чақиришса ёқадими, албатта йўк. Худо ҳам шундай. Фақат унинг номини тўғри тилга олиб, дилдан ишонганларнигина қўллаб-қувватлайди, ҳаёт йўлидан адаштирамайди. Қаранг, сизни ҳам тўғри йўлга бошлаш учун Худонинг ўзи бизга йўлиқтирди. Энди иккимиз ака-укамиз, Розахон эса – опангиз. Эртага вақтингиз борми?

— Ҳа, эртага зарур ишим йўк.

— Соат 10.00 да учрашайлик. Сизни бир жойга олиб бораман. Унгача бугунги гапларимни ўйлаб кўринг.

Равшан аканинг айтган жойи шаҳар чеккасида жойлашган чоғроққина уй бўлиб, йиғилган одамлар турли миллат вакилларига мансуб эди. Узун ридо кийган киши Иеговага узундан узоқ мадҳия айтгач, барча йиғилганларнинг оғзига пахтага ўхшаш ширин бир нарсасолиб чиқди. Сўнг кумуш идишчадаги сувга қўлини ботириб, уларнинг бошлари узра сочди. Шундан кейин йиғилганлар қўлларидаги Инжилга қараб жўр овозда алланималарни оҳангга солиб айтишди. Айтув тугагач, руҳоний баланд овозда тўпланганларнинг қондошлари яна бир неча кишига кўпайганлиги, сафларининг кенгайганлигини

айтиб, янги келганларни бирма бир исм-шарифларини айтиб, чакира бошлади. Қатор курсиларда ўтирган одамлар орасидан кимлардир туриб, руҳонийнинг олдига борар, у эса ўз навбатида унга пул, Инжил китоби, бир нечта журнал бериб, янги христианча исмини айтар, буларнинг барчаси Иегованинг инояти эканлигини таъкидлар эди. Навбат Нўъмонга етгач, у турарини ҳам, турмаслигини ҳам билмай қолди. Руҳоний яна бир бор унинг исми ва шарифини айтиб чиқирди.

—Туринг, сизни чақираяпти.

Равшан ака Нўъмонни енгилгина туртиб қўйди.

—Лекин, мен...

—Бўлинг, ҳамма сизни кутиб турибди. Шу ердан барча гуноҳларингиздан фориғ бўлиб, покланиб чиқасиз. Мени шарманда қилманг, биродарларимнинг олдида нима деган одам бўламан. Сизга шунча қилган яхшиликларимизга жавоб шуми? Туринг!

Нўъмон ўзига тикилиб турган ўнлаб кўзлардан нигоҳини олиб қочиб, бўйнига арқон солинган кўчқордек ноилож руҳоний томон юрди. У ўзига нима дегани-ю, нега уни кучоқлаб табриклаганини анча вақтгача англай олмай каловланиб турди. Фақатгина юзига сачраган сувгина уни ўзига келтирди.

—Энди сенинг ҳақиқий исминг Николай, бўтам. Илоҳий Николайнинг руҳи сени доимо қўллаб-қувватлаб, Иегованинг бандаси бўлганлигинг билан кутлайди. Ушбу муқаддас сув сени қалбинг ва жисмингни поклайди. Қудратли Иегова олдида доимо бош эгиб, унинг мавжудлигига шохидлик бер.

Руҳоний усти чарм билан қопланган катта Инжил китобини Нўъмоннинг лабларига олиб борди. Сўнг унинг қўлига кичикроқ Инжил, бир нечта рангли журнал, пул тутқазди.

Равшан ака билан биргаликда ташқарига чиқишар экан, Нўъмон ҳамон нима воқеа юз берганлигини англай олмай, ҳайрон эди.

—Табриклайман ука, энди чақалоқдек тоза, поксан. Бугун танишган одамларнинг барчаси энди сенга жигар, биродар. Маблағдан қийналиб қолсанг, доимо ёрдам беришади. Бунга эса чўнтагингга яшириб қўй.

Равшан ака ҳануз Нўъмоннинг қўлида турган 100 АҚШ долларини кўрсатди.

Нўъмон шоша-пиша пулни чўнтагига солгач, бунақада осонгина уйнинг қарзидан кутилишини ўйлаб, кайфияти кўтарилди. Николай бўлса бўлибди-да. Фақатгина исмини алмаштирганига 100 доллар беришганини эшитса, Бўрибой билан Хуршид ҳасаддан ёрилиб ўлишади. Бир-икки маротаба шуларнинг «номоз»ига борар. Равшан аканинг айтишича, борганларга 15 доллардан беришар экан. Бир йилга қолмай қарзининг пулини йиғади, ишлаб топганини эса рўзғорнинг кам-кўстига ишлатади.

—Қўлингдагилар билан яхшилаб танишиб, мана буларни танишларингга бер. Ўқиб чиқишса зарар қилмайди.

Равшан ака қўлидаги елим халтадан ўнтача китобчалар чиқариб, Нўъмоннинг қўлига тутқазди. Шундагина Нўъмон боя бирга бўш қўл билан келган Равшан аканинг қўлларида китобчалар-у, аллақандай варақалар билан тўла елим халта пайдо бўлиб қолганлигини сезди.

- Уларга айт, бу ерга келишсин. Ҳеч нарса йўқотишмайди, аммо гуноҳларидан фориғ, яна пуллик ҳам бўлишади. Майли, омон бўл ука, яхши кунларда кўришайлик.

Равшан ака хайрлашиб, орқасига қарамай тез-тез юриб кетди.

Нўъмон индамади. Қўлидаги китобларни бағрига босганича, автобус бекати томон юрди.

Бўрибой билан Хуршид Нўъмоннинг гапларини тинглашар экан, уни янги ном билан кутлаб, анча вақтгача устидан кулиб ўтиришди.

—Э, сенларга гапиргандан кўра, эшакка гапирган яхшироқ. Кул-а, кул, ҳозир бир нарса кўрсатсам иккаланг ҳам йиғлайсан.

Нўъмон кўкрак чўнтагидан 100 долларни олиб, кўз-кўз қилгандек, бирдан жимиб қолган Бўрибой билан Хуршиднинг бурни остида айлантирди.

— Хўш, қалай? 100 талик кўки учун Николайми, Колями, Васями бўсам бўпман-да. Отим ўзгаргани билан бир жойим камайиб қолгани йўқ. Паспортимда барибир Нўъмонман, ўлганимча Нўъмонлигимча қоламан, нима дедиларинг, жўралар?

—....

— Нима бало, тилларингни ютвордиларингми, ё тилдан қолдиларингми?

— Боя ҳазиллашаяпсан десам, ростданам иймонингни сотибсан-да, жўра?!

— Қанақа иймон. Бола-чақанг оч ўтириб, кулоғинггача қарзга ботсанг сан ҳам иймон-пиймонингни ўйламасдинг.

— Э, сени одам деб юрсам...

Хуршид юзига фотиҳа тортиб, шахд билан ўрнидан турди. Бўрибой нима қилишини билмай бир Хуршидга қарар, бир Нўъмонга термуларди.

— Бор кетсанг кетавер, ўргилдим сендақа иймонлидан. Иймон, эътиқодинг билан қорнинг тўйиб, Тошкентда пропискадан ўтсанг, тан бераман.

Нўъмоннинг жаҳл билан айтган сўзлари ўрнидан турганидан сўнг дўстларини ташлаб чиқиб кетишга кўзи қиймай иккиланаётган Хуршидга қамчининг изидек аччиқ ботди. Жавоб бермай қўл силтаганича, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Орага чўккан ноқулай сукунатни бузишга ботина олмаётган Бўрибой Ҳилола хонага лаганда ош кўтариб кириши билан ўрнидан кўзғалди.

— Манам борай, кеч бўп қолди. Хотиним хавотирланаётгандир.

Нўъмон индамагач, секингина ўрнидан турди-да, эшик томон йўналди. Ҳеч нарсани тушунмай, қўлида лаган билан қотиб қолган Ҳилола бир хўмрайиб ўтирган эрига, бир Бўрибойнинг орқасидан ёпилган эшикка қарарди...

Орадан бир ярим йил ўтди. Бу орада Нўъмон Равшан аканинг қистови билан беш-олтита янги танишларини «Иегова шоҳидлари»нинг олдида етаклаб борди. Охирги боришида Равшан ака Нўъмон олиб борган ҳар бир киши учун 200 АҚШ долларида пул олишини эшитиб, қони қайнади. Унинг атрофида бунчалар гирдикапалак бўлишини англаб, Равшан акадан ўз ҳақини талаб этди.

Орадаги тортишув бир зумда жанжалга айланди. Роза опанинг ҳай хайлашуви-ю, қўшнилари аралашуви билан Нўъмон бу хонадондан ҳайдалгач, алаmidан лабларини тишларди. «Номард, мен орқали минг доллардан кўп пул ишлаб олибди-я, мен бўлсам сектанинг баъзи-баъзида бўладиган йиғилишига қатнашганлигим учун тушадиган 10–15 доллардан хурсанд бўлиб юрибман. Аблах...»

Нўъмон Ғабдан титраб кетди. Орқасига қараб, бўралаб сўкингач, мавзе четида жойлашган пивохомага йўл олди.

— Биз бу уйни сотиб олдик. Эгаси бир ҳафтада ижарачилар бўшатади деган эди, ҳали ҳам чиқиб кетмабсизлар-ку.

Остонада турган, пакана, кечки салқин тушганига қарамай бурнининг усти терлаган киши эшикни очган Нўъмонга савол назари билан қараб турарди.

— Кечирасиз, сизга ким керак? Бу ерда ҳеч қандай ижарачи турмайди, бу мани уйим.

— Бўлиши мумкин эмас, бир ҳафта илгари бу уйни мен танишим Роза Ортиқовадан сотиб олганман. Мана ҳужжатлари. Ўзи уйни ҳужжатлари йўқолгани учун нотариусдан нухасини топиб олганича анча вақт кетди. Уйда ижарачилар туради, уларга айтганман, ойнанинг охирида уйни бўшатишади деганди, ҳали ҳам чиқмабсизлар-ку?! Бугуноқ уйни бўшатинг.

— Лекин, ҳужжатлар менда йўқолгани йўқ.!

Нўъмоннинг жаҳли чиқа бошлади.

— Кимсиз ўзи, нега Роза мани уйимни сизга сотади, нима ҳақки бор, бундай ифлослик қилишга. Расво экан-ку!

—Билмадим, буни бориб ўзидан сўранг, бу биринчидан, иккинчидан сўкинмай гапиринг. Ортиқовларни 10 йилдан бери танийман. Жуда ҳалол, кўнгли очик одамлар. Бировдан ёрдамини аямайди. Ўғлимни уйлантириб, уй излаб юрувдим, Равшан шу уйни айтиб қолди. Йигитча, кўп асабийлашаверманг-да, энди бошқа уй кидиринг.

—Лекин мен ижарачи эмасман, мен...

— Сизни тушунаман, аммо ижара ҳақини олдиндан бериб қўймаслик керак эди.

- Аблах, Равшан аканинг иши денг, ҳали кўради у мендан.

Нўмоннинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Улар чет элга кетишди, менимча кеч қолдингиз...

Нўмон эшик кесакасига беҳол суянганича турар экан, Роза билан Равшан акани учратган кунига ланъатлар ўқирди.

2006 йил.

“SMS” ҚАРМОҚ

Шавкат қўл телефонига келган “SMS” га бир зум тикилиб туриб, ранги-кути ўчди. Маълумотда унинг укаси автоҳалокат содир этганлигини, агарда зудлик билан қуйидаги рақамларга қўнғироқ қилмаса, унинг устидан жиноят иши қўзғатилиши айтилганди. Кунни кеча Шохрух, қўярда-қўймай унинг машинасида Сирдарёга кетиб, бугун қайтиши керак эди.

Шавкатнинг қўнғироғига эркак овоз жавоб берди. У ўзини ДАН ходими сифатида таништириб, зудлик билан бугун соат кечки 20.00 гача 3000 доллар пулни белгиланган жойга олиб келмаса, укаси қамалишини айтиб, гўшакни қўйди. Бироздан сўнг Шавкатнинг қўл телефонига келган маълумотда ана шу жой кўрсатилган эди. Энди нима қилади, уч соатнинг ичида шунча пулни қаердан топади. Яқинда онаси қазо қилиб, йиққан-терганини маъракага сарфлаган, бунинг устига қолган пулни ўғлининг “контракт”ига ўтказган эди. Шавкат нажот излагандек, атрофга боқди. Сўнг кўп ўйлаб ўтирмай, кадрдон дўсти Абдулазизга қўнғироқ қилди.

— Ҳовлиқмагин, ўша телефон қилганнинг исмини, кимлигини билдингми? Шохрухнинг ўзи соғмикан? Аввал унга қўнғироқ қилиб, аҳволини сўрадингми?

Абдулазиз дам-бадам кун салқин бўлишига қарамай, пешонасидаги терини артаётган Шавкатни саволга қўмиб ташлади.

— Қилдим. Телефони ҳудуддан ташқарида деб кўрсатапти. Анови одам ҳам бекордан бекорга қўнғироқ қилмас. Шохрухни қутқариш керак. Пул бергинг келмаётган бўлсанг, тўғриси айтмоқ...

Шавкат белгиланган жойга борганида атрофга қоронғулик чўккан, кимсасиз, ташландиқ жой бўлгани учун ҳам атрофда ҳеч ким йўқ эди. “SMS”да кўрсатилганидек, пулни катта харсанг тошнинг тагига бостириб, четроққа чиқиб кузатди. Бир соат ўтди ҳамки, ҳеч ким кўринмади. Шу орада қўл телефони жиринглаб, яна ўша овоз, Тошкентга қайтиб кетишини, икки соатдан сўнг ўзи алоқага чиқишини айтди. Шавкат ноилоҳ орқага қайтди. Шаҳарга кириб келганида соат 22.00 дан ошган бўлсада, эрини кутиб, ухламай ўтирган Нозима кўчада машина овози эшитилиши билан югуриб ташқарига чиқди. Шавкат такси ҳайдовчиси билан ҳисоблашгач, хотинига ҳеч нарса демай, дарвозага суянди.

— Тинчликми, адаси, ега уйга кирмаяпсиз? Шохрух сизни икки соатдан бери кутиб ўтирибдилар.

— Нима?..

Шавкат дарвозадан отилиб ҳовлига кирар экан, бус-бутун турган “Нексия”сини кўриб, кўкрагининг чап томонида оғриқ сизди. Нозиманинг бакирганини эшитиб, югуриб чиққан Шохруҳ акасининг оқарган юзини кўриб, уни суяди.

– Кимни урвординг? Қаерда авария қилувдинг?

– Нималар деяпсиз, ака? Қанақа авария? - Шохруҳ ҳамон акасининг нима деётганини тушунмасди. – Тижорат масаласидаги ишни ҳал қилиб келдим. Шунга сиздан маслаҳат сўрамоқчи бўлиб кутиб ўтирувдим.

Шавкат “ох” деди-ю, секин ерга ўтирди. У шошқалоқлиги учун ўзи-ўзини койир эди.

Ҳукушунос маслаҳати:

– Агар сизга нотаниши кимсалар “SMS” жўнатишса, унинг шахсини аниқлашга ҳаракат қилинг.

– Шошқалоқлик билан қарор қабул қилманг.

– Муаллифи номаълум “SMS”лар кўпинча ўғирланган телефонлардан жўнатилишини ёдингизда тутинг.

– Мобил телефонлар компаниялари Интернет орқали жўнатилган SMSлардан ташқари барча қўнғироқ ва маълумотлар кимнинг телефонида тушганлигини аниқлаб беришлари мумкин.

–Энг аввало, эҳтиёт бўлинг ва шошмай, ўйлаб иш кўринг.

2007 йил

ҚОРА “ЖИП”ДАГИ ЙИГИТЛАР

Эрталабки совуқдан жунжикиб, ўқишга шошаётган Нафиса дугонасининг овозини эшитиб тўхтади. Зарифа у томонга кўл силтаганича, югуриб келарди.

–Вой, дугон, шунча чақирсам ҳам эшитмайсан-а? Тинчликми, бугун пиёдасан? Даданг машинангнинг калитини тортволдими? Ё уни бирор ерга урволдингми?

Нафисанинг жаҳли чиқиб, лабини бурди:

–Эрталаб ўт олмади, акамга калитини ташлаб келдим,устага кўрсатади.

–Хайрият, тинчлик экан. Пул бўлса чангалда шўрва, эртага машинанг тойчоқдек гижинглаб, остингда бўлади. Вой–й–й!.. Бунча чиройли, сенда бунақасини кўрмовдим-ку, дугон. Даданг обердими?

Зарифа Нафисанинг кўрсаткич бармоғида товланиб турган тилла узукка тикилди.

–Йў–ўқ.. Совчи юборган йигит билан учрашувга чиқувдим. Ўша берди. Мана, зираги ҳам бор. Аммо менга унчалик ёқмай турибди. Эскича услубда экан.

–Сенга ёқмаган бўлса, тақишга бер. Кейин сотворарсан.

–Намунча молпарастсан, Зарифа! Ойим сўрасалар, нима дейман? Қолаверса, дадам совчиларга розилик берган. Тўйдан кейин у узукни сўраса, нима қиламан, ўйлаб гапираяпсанми?

Зарифа тумтайди. Шу пайт қизларнинг ёнига келиб тўхтаган зулукдек қоп-қора “Жип” дан видеокамера кўтарган уч йигит тушди. Новча бўйли, қора кўзойнакли, бўйнига фотоаппарат осиб олган йигит Нафисани кўрсатаркан, ёнидагисига:

–Ҳақиқий фотомодель экан. Рози бўлса, шу қиз тўғри келади. Фақат “проба” олиш керак.

Бу орада машинадан ёши қирқ бешларга борган киши тушиб, қизларнинг ёнига келди.

–Салом, қизлар, модель бўлишни истайсизми? Айниқса, сиз бизга жуда ҳам тўғри келар экансиз, - деди у Нафисага қараб. - Биз бир ойдан бери журнализмнинг муқовасини очадиган қиз қиёфасини қидириб юрган эдик. Ниҳоят, уни сизда топдик. Биз билан ҳамкорлик сизга машҳурлик олиб келади. Ҳар бир съёмка учун 500 АҚШ доллари миқдорида пул оласиз.

–Нега индамайсан, рози бўлсанг-чи!–Нафисани туртди Зарифа.–Мен бўлганимда бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмасдим.

Қизнинг ўйланаётганлигини кўриб, йигитлардан бири уни бир-икки бор расмга туширди, сўнг устидаги “дублёнка” сини ечишни сўради. Нафиса устидаги кийимини ўзига ҳавас ва ҳасад аралаш қараб турган Зарифага узатди.

–Энди, куёшга қараб турунг, бўлмаса юзингиз қора чиқади. Яхши. Энди ўнг қўлингиз билан сочингизни тараб, жилмайнг.

Фотоаппарат тинмай шиқиллар, бошқа йигит иккинчи томондан Нафисани видеотасмага туширарди.

–Стоп..Стоп, – деди видеокамера кўтарган йигит.–Кўрмаяпсанми, тақинчоқлари куёшда ялтираб, унинг табиий гўзаллигини тўсаяпти. Синглим, илтимос, тақинчоқларингизни бир неча дақиқага дугонангизга беринг. Бўлмаса суратлар яхши чикмайди.

Нафиса зираклари ва бўйнидаги қалин тилла занжирини ечиб, Зарифага узатди.

–Узукларингизни ҳам! Қўлларингизни кўтарганингда, улар ҳам ялтираяпти.

Нафиса унинг айтганини қилди. Йигит қизни икки-уч маротаба суратга туширгач, Зарифадан ҳам уст кийимларини ва тақинчоқларини ечиб, Нафисанинг ёнига туришини илтимос қилди. Қувониб кетган Зарифа шоша-пиша қўлидагиларни катта ёшдаги эркакка тутқазиб, дугонасининг ёнидан жой олди.

–Энди иккаларинг бир-бирингизга орқангизни ўгириб, суяниб турунглар. Жилмайнглар, о, яхши!...

Сураткаш йигит яна бир марта фотоаппаратини чиқиллатиши билан машина сигнали эшитилди. У аллақачон “Жип” да ўтирган ҳамтовоқлари ёнига югуриб бориб, ичкарига ўзини отди. Бир зумда машина қизларнинг қалин устки кийимлари, сумкалари ва тақинчоқлари билан кўздан ғойиб бўлди.

–Вой–й, тиллаларим!

Биринчи бўлиб ўзига келган Зарифа машинанинг орқасидан югурди. Унинг орқасидан совуқдан титраганича Нафиса баланд пошнада қоқила-қоқила шошилди.

Қизлар фирибгарлар тузоғига илинганликларини тушиниб етишгач, куппа-кундузи, шаҳарнинг гавжум кўчасида уларни ечинтириб кетишганидан алам билан кўз ёш тўкишарди. Бошқа йўловчилар эса қор учқунлаётганига қарамай, биргина кофтада қалтираб турган икки қизга ҳайрон қараб, ўз манзиллари томон шошардилар.

2007 йил.

СУПЕРМАРКЕТДА АЛДАНГАНЛАР **(1 –воқеа)**

Нозима жажжи қўл соатига қараб, чуқур “ух” тортди. Соат ҳам 18.00 бўлай деб қолибди. Бозор аллақачон ёпилиб бўлган. Уйига бориб кечки овқатни бошлагунига қадар ҳам соат етти бўлади. Тезроқ супермаркетдан тайёр қийма билан ёйилган хамир олса, фарзандларига хоним қилиб бера қоларди.

Ишдан чиқиб, шошилганича супермаркет эшигидан кирар экан, бу ерда тартиб билан терилган турли хил маҳсулотлар, ажойиб тинчлантирувчи мусиқа-ю, одамга хуш ёқувчи қайсидир цитрус ўсимлигининг хидидан бироз чарчоғи босилгандай бўлди. Нон, сут маҳсулотлари ва гўшт олиш учун у дўконнинг тўрига ўтиши керак. Маҳсулотларнинг атайин шундай жойлаштирилганлигини у кейинчалик тушуниб етди. Айниқса супермаркетга фақат нон олиш учун кирган аёллар, унга етиб боргунларига қадар чиройли қадоқланган маҳсулотлар олдидан берфарқ ўтиб кета олишмайди. Бу нарса Нозиманинг бошидан ҳам ўтган. Бу сафар у ён-атрофга қарамасликка ҳаракат қилиб, тўппа-тўғри ун маҳсулотлари олдига ўтди. Ёйилган хамир, унинг олдидаги гўшт растасида қийма олгач, кўзи колбасага

тушди. Эрталабдан қизи “колбаса” деб, ҳархаша қилгани ёдига тушиб, уни ҳам харид қилди. Байрам арафаси эмасми, “анча нархи туширилган” шоколад конфетдан ҳам йўл-йўлакай олиб, касса томон йўл олди. Спиртли ичимликлар сотадиган расталар тирбанд. Расталарнинг ўртасига ҳам шишалар бир-бирларининг устига терилган. Агар бирор харидор қўполроқ ҳаракат қилса, тушиб, синиши аниқ эди. Касса аппаратиға навбат кутар экан, Нозима қўлидаги колбасани одатича ҳидлаб кўрди. Ташқи кўринишидан чиройли бўлсада, назарида ундан вақти ўтганлигини англатувчи ҳид чиқаётгандек туюлди. Барча олган нарсаларини сотувчи қизнинг ёнига қўяр экан:

– Синглим, анови спиртли ичимликлардаги шишаларни жуда ҳам қалтис терибсизлар, биров туртиб юборса, синади-ку, Нега ўртага қўясизлар? деб, сўради.

Сотувчи қиз “сизнинг ишингиз нима?” дегандек, унга ажабланиб қаради-да, бир-нималар дея тўнғиллади.

Нозима гапини тугатиб ҳам улгурмай, ўша томондан шовқин-у, шишанинг мармар полга урилиб сингани эшитилди. Қўрқиб кетган ёшгина йигит, бир қўлида шампан виносининг шишасини ушлаганича, “мен атайин қилганим йўқ, фақат устидан олдим, холос” дерди.

Нозима “айтдим-а” дегандек, бошини чайқади. “Айбдор” йигит эса қўлидаги билан қўшиб, учта синган ичимликлар нархини икки баробар қилиб тўлади. Машмашага чалғиган Нозима колбасадан нега ғалати ҳид келаётганлигини сўраш эсидан чиқиб, харид қилган маҳсулотларининг пулини тўлади-да, ташқарига шошилди. Уйга келганда соат 19.00 дан ўтган эди. Тезда мантиқосконга сув солиб, овқатга уннади. Кун бўйи ишда бўлган аёллар учун анча қулай бўлган ярим тайёр маҳсулотларнинг сотилишидан у мамнун. Бир-икки маротаба қишлоқдан келган қайнонасининг олдига бир соатга қолмай хоним пишириб қўйганида, катта келинининг чакқонлигидан у хурсанд бўлиб, ёнида бирга келган овсинига мақтаган, Нозима эса “сир”ини ошкор этмай, мийғида кулиб қўя қолган эди.

...Соат миллари кечки 21.00 га яқинлашар экан, қўриқчи йигитлар охирги харидорларни тезлаштиришга тушдилар. Супермаркет эшиги ёпилиб, кун бўйи тушган пулларнинг хисоб–китоби бошланди. Дўкон мудирини сўнгги ҳисоботлар жамланган қоғозни кўздан кечириар экан, бугунги тушумдан мамнун бўлди. Савдо соҳасида ишлаб, орттирган кўп йиллик тажрибаси бугун ҳам панд бермаган, яроқлилик муддати ўтиб кетган колбаса-ю, пишлоқлар озгинагина “қайта ишлаш”дан сўнг яна янгиланиб, сотилиб кетди. Бунинг учун дудланган колбасаларнинг усти ўсимлик ёғи билан артилар, ишлаб чиқарилган кунини ўчирилиб, янги қоғоз ёпиштирилар, туриб қолган қиймаларнинг ҳиди чиқмаслиги учун вакуумли идишларга, пишлоқларнинг оқарган ва моғорлай бошлаган жойлари кесиб олиниб, қайтадан қадоқланарди. Энг осон амал конфетлар билан бажариларди. Уларнинг яроқлилик муддати ўтгач, конфетлар янгилари билан аралаштириб сотиларди. Қадоқланса, яроқсизлари тагига қўйилиб, устига янгиси солинарди.

– Бугун яхши ишладиларинг, байрам қилиш учун учта шампан виноси мендан. Ахир уларнинг пули тўланган-ку!

Мудирнинг нимага шаъма қилаётганлигини сезиб, сотувчи қизлар жилмайишди.

– Бугун бир аёл шишаларни нотўғри қўйибсизлар деб айтаётганида, анови “лох” уларни синдириб қўя қолди, - деди Гулноз кулиб.

– Ишқилиб ўзларинг эҳтиёт бўлинглар, бундай “қонунчи” харидорларни ширин сўз билан авраб, тезроқ жўнатишга ҳаракат қилинлар, хўпми, – деди мудир гапини давом эттириб. – Байрамдаги ичимлик газига ҳар бир ёпилган банканинг ичидан биттадан бодринг, кўзикорин, тузланган зайтундан майли иккитадан олишларингга рухсат бераман, фақат кейин қопқоқларини яхшилаб бураб қўйсаларинг бўлгани. Қарабсизларки, дастур-хонимиз ҳам тўлади.

Мудирнинг бу гапларидан ҳеч бир сотувчининг виждони қийналмади, ҳеч ким эътироз ҳам билдирмади. Чунки дўконга аксарият ишдан сўнг шошиб кирган харидорлардан ҳеч бири шиша банкада нечта бодринг-у, қўзиқорин борлигини санамаслигини, уйга боргандан сўнггина пишлоқ ёки колбасанинг яроқлилик муддати анча ўтиб кетганлигини билиб, уни қайтариб дўконга олиб келмаслигини улар яхши билишарди. Мободо, бундай харидорлар бўлса, улар қадоқнинг очилганлигини рўкач қилиб, маҳсулотни алмаштиришмайди, холос.

Бугун дўконлар ҳам замонавийлашиб, харидорларга барча қулайликлар яратилмоқда. Буни шаҳарларимизда бир дўконнинг ўзидан рўзғорга керакли барча нарсани харид қилиш мумкин бўлган озода, ораста супермаркетлар фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар сўнгги пайтларда учраб турибди. Андишалиги-ю, сабр-тоқатлилиги билан ажралиб турувчи юртдошларимиз кўп ҳолларда ўзларининг алдаётганликларига кўз юмиб, истеъмолчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишмайди. Жойлардаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мутасадди идораларга мурожаат этишмайди. Бундай фирибгарликларга “майда-чуйда” нарса деб қарамай, ҳаракат қилишнинг вақти етмадимикан?

(2–воқеа)

Дилфуза супермаркетдан олган нарсаларини елим халтага жойлади, тўсиқдан ўтиб эшикка йўналиши билан унга ўрнатилган чироқча ёниб, қўриқчи йигит югуриб келди.

–Илтимос, сумкангизни кўрсатинг.

Нима бўлганлигини тушуна олмаган Дилфуза ҳайрон бўлсада, қўлидаги елим халтанинг оғзини очди.

– Мана олган нарсаларим. Ҳаммасини тўладим-ку, тинчликми?

–Ҳозир аниқлаймиз. Чекингиз ёнингиздами?

–Вой, ахлат челака ташлаб кетувдим, ўша ерда.

–Илтимос, мен билан юринг.

Барваста қоматли қўриқчи Дилфуза билан бурчакда турган челақни бориб кўришди. Афсуски, бундан 5 дақиқа олдин чек ташланган ахлат челақ бўш бўлиб, чаққон фаррошлардан бири аллақачон уни тозалаб қўйган экан.

– Вой, ҳозиргина челака ташловдим-а?! Синглим, ахир ўзингиз ҳамма нарсани ҳисоблаб чек бердингизку, бу йигитга айтинг.

Бошқа харидорнинг олган нарсасини ҳисоблаб ўтирган сотувчи қиз пинагини ҳам бузмай, жавоб берди:

– Мени олдимдан нечта одам ўтади, қўл сумкачангизга бирор нарсани солиб олган бўлсангиз, мен текширмайман-ку! Ҳамма нарса одамнинг виждонига ҳавола.

– Вой, бу нима деганингиз, сиз мени ўғрига чиқараяпсизми?

Дилфуза асабийлашиб, овозини баландлатган эди, супермаркетдаги харидорларнинг бир қисми унга ялт этиб қараганини кўриб қизариб кетди.

–Илтимос, мен билан юринг, - қўриқчи йигитнинг ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий овозидан, Дилфуза бўшашиб кетди.

“Бўлим мудир. Бегоналар кириши маън қилинади” деган эшик олдига келишгач, қўриқчи йигит уни ичкарига таклиф этди. Хонада сочлари чиройли қилиб турмакланган, лаб буёғи билан узун тирноқларининг ранги бир хил бўлган, 30 ёшлар чамаси жувон алланималарни ёзиб ўтирарди. У “нима гап?” дегандек қошларини чимириб, қўриқчи йигитга савол назари билан қаради.

– Ҳамида Туроповна, манови опа тўсиқ ёнидан ўтаётганида чироқ ёнди.

Аёл тушунарли, дегандек бошини қимирлатди.

– Ҳозир мен сизга тушунтириб бераман, ҳамма нарсаларимнинг пулини тўладим, бу ерда қандайдир англашмовчилик юз берди, – деди шоша-пиша Дилфуза.

– Менга қаранг синглим, нима бўлганлигини ҳозир аниқлаймиз. Харид қилган нарсаларингизнинг чекини кўрсатинг?

Мудира Дилфузанинг чекни ташлаб юборгани-ю, орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас ахлат челақ бўшатилагани ҳақидаги ҳикоясини диққат билан тинглагач, индамай чиқиб кетди. Дилфуза эшик олдида бир нуқтага маъносиз тикилиб турган кўрикчи йигитга бир назар ташлади-ю, бошини чангаллади. У ҳануз нега уни ўғирликда айблашаётганлигини англай олмай, хуноб эди. Бироздан сўнг қўлидаги бир парча қоғоз билан қайтиб келган аёл, кўрикчига жавоб бериб юбориб, елим халтадан бирма-бир Дилфуза харид қилган нарсаларни чиқара бошлади.

– Синглим кечирасиз-у, аммо негадир дезодарант билан кремнинг нарҳини ҳисоблашни унутибсиз. Мана чекингизнинг нусхасида буларнинг нарҳи йўқ. Демак, дезодарантнинг нарҳи 9000, кремнинг эса 20 000 сўм. Супермаркетимизнинг коидаларига биноан ўғирланган нарсаларнинг тўрт баробар нарҳини тўлашингизга тўғри келади, бўлмаса... Бўлмаса ўзингиз биласиз, сизни милицияга топширишимиз керак. Улар оилангизга, иш ёки ўқиш жойингизга хабар беришади. Аммо кўринишингиздан фаросатли, яхши оила фарзандига ўхшайсиз. Шунинг учун ҳам сизни биринчи марта кечирган ҳолда, милицияга топширмаймиз. Хўш, нима дейсиз?

Дилфузанинг кўз олдида эрининг жаҳлдан қизарган юзи кўриниб кетди-ю, бир сесканиб тушди. Бу воқеа ҳақида қайнонаси билиб қолса борми, кейин бир умр кўзини очирмайди.

– Албатта, ҳаммасини тўлайман. Фақатгина хариддан сўнг пулим камроқ қолувди, агар рухсат берсангиз машинада катта опам ўтирибди. Ҳозир ундан пул олиб келаман, опажон, раҳмат сизга.

Дилфуза бир зумда яна эшикда пайдо бўлган кўрикчи йигит кузатувида ташқарига чиқди-ю, опасига пулим етмай қолди, деб керакли маблағни олгач, ортига қайтди. Айтилган “жарима”ни тўлаб, қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетган Дилфузанинг орқасидан мудира истехзоли жилмайиб қараб қолар экан, кўрикчи йигитдан сотувчи қизни чақиртириб юборди.

– Манови сенга, хизматинг учун, – деди мудира кириб келган сотувчи қизга пулнинг учдан бир қисмини узатар экан. – Харидор олган бирор бир товарни “тушириб қолдириш” да эҳтиёт бўл. Буниси ёш экан. Бу найрангингни ҳеч қачон катта ёшдаги аёлларга қилма. Иложи бўлса бундай махинацияларингни ёш болаларга, ёки камбағалроқ кийинганларга қил, тушундингми? Уларни ўғирликда айблаш осон. Яна бир нарса. Кўп мол харид қилган харидорлар иккита бир хил нарса олган бўлса, бемалол уни тўртта қилиб ҳисоблашинг мумкин. Бундан хўжайин фақат хурсанд бўлади, сени ҳам қуруқ қўймайди. Фақат эҳтиёт бўл, ҳамма харидорлар ҳам бугунги ойимчага ўхшаган “лох” эмас, тушундингми?

Сотувчи қиз маъноли жилмайганича бошини ирғаб, мудира хонасидан чиқиб кетди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Ўзга юрт одамларининг қандай яшаётганлигини кўриш учун бозорига бор, дейди доно ҳалқимиз. Бугунги кунда юртдошларимизнинг фаровонлигининг ошаётганлигини тўкин-сочин бозорларимиз, катта шаҳарларда эса замонавий усулда қурилган супер ва гипермаркетлар мисолида кўришимиз мумкин. Афсуски, юқорида тилга олинган ҳолатлар сўнгги пайтларда учраб турибди. Бунинг олдини олиш учун аввало:

ҳеч қачон чекни, ҳеч бўлмаса супермаркетдан чиқиб кетмагунингизча, ташлаб юборманг;

касса терминалига барча харид қилган товарларингиз нарҳининг тушушини кузатиб туринг. Терминалга тикилиб туришингизнинг ўзи сотувчини хавотирга солиши аниқ.

дарҳол милиция ва иккита холислар иштироқида қайтадан тафтиш ўтказишни талаб қилинг, чунки фирибгарлар милиция ходими чақирилса “лох”дан пул ундира олмай қолишади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт бўлинг ва истеъмолчи сифатида ҳуқуқларингизни пой-мол қилинишига йўл қўйманг!

2007 йил.

ҚИРҚ ТУЯГА ЮК БЎЛГАН МАҚР

Шоҳруҳ интернет тармоғидаги танишув бўлимида ўзи ҳақида маълумотни қолдириб, компьютер рўпарасида ўтираверганидан қотиб қолган елкаларини укалади. Кеча дўсти Анвар интернет орқали зўр бир қиз билан танишганини айтган эди, зора унга ҳам омад кулиб боқса. Замонанинг зайлини қарангки, ҳаттоки интернет орқали тўйини ўтказиб, висол оқшомидагина учрашаётганлар бормиш? Ҳаёт шу кетишда давом этса, яқинда интернет орқали фарзандли бўлиш ҳам чўт бўлмай қолади-я?!

Шоҳруҳ хаёлига келган бу фикрдан кулиб юборди. Анвар айтганидек, “Интернет—қизлар” офатижон бўлармиш. Шоҳруҳ вақтни бой бермай ишга киришди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас тармоқдаги эълонига жавобан унинг электрон манзилига келиб тушган маълумотда “Исмим Лола. Телефон рақамим 393.... Қўнғироғингизни орзиқиб кутаман”, деган ёзув чиқди. Шоша-пиша терилган телефон рақами ниҳоят Шоҳруҳга орзиқиб кутилган дақиқаларини етказди. Телефон гўшагидан эшитилаётган овоз ниҳоятда ёқимли эди.

Шоҳруҳ табиатан тортинчоқ бўлганлиги сабаблари, бунинг устига юзидан ҳеч аримаётган ҳуснбузарларданми қизларнинг олдига юрак ютиб яқинлаша олмасди. Ҳозир эса бундай ажойиб имкониятни қўлдан бой берса, кейин бир умр ўзини кечира олмаслигини сизди.

Интернет ва телефон орқали мулоқотлар тобора ҳиссиётларга бойий борди. Қизнинг ширин сўзлари, унинг ўзгарувчан оҳанги йигитнинг қалбини буткул ром этди. У туну-кун фақат бир нарса, ўзини телефонда Лола деб таништирган қизнинг юзини бир маротаба бўлсада кўрмоқ, телефонда айта олмай, қалбининг тўрида асраб юрган, дил изҳорини унинг кўзларига тикилиб айтишни интиқиб кутарди.

Сўнгги пайтлари Лола негадир телефон гўшагини кўтармай қўйди. Кўпроқ интернет орқали гаплаша бошлади. Охирги маротаба сўзлашишганида эса қўл телефонининг пули тугаганлигини, шунинг учун ҳам фақатгина вақти бўлгандагина интернетга кира олишини ёзиб юборди.

—Сиз менга қайси тармоқдалигингиз билан фамилянгизни айтинг, ўзим пул ўтказаман, - дея шоша-пиша жавоб ёзди Шоҳруҳ

— Шоҳруҳ ака, овора бўлиб юрмай, қуйидаги ҳисоб рақамига каттароқ ҳажмда пул, 250 ми 300 мингми ўтказсангиз сиз билан тунлари ҳам гаплашар эдим. Сизнинг ёнигизда ҳеч бўлмасада телефон орқали бўлмоқ менинг орзуим. Сиз учун бу катта пул бўлмаса керак-а?! Ҳисоб рақамим 8..... Кейинроқ балки учрашармиз...

Шоҳруҳ пул миқдорини кўриб, боши қотди. Аммо йигитлик ғурури устун келди. Қардан бўлсада пул топиши керак. Дадасидан сўраса, бунча пул бермайди. Комилдан сўрайди. Тагида машина. Отасининг эрка ўғли.

Комил эртаси куниёқ Шоҳруҳнинг қўлига 300 минг сўм тутказди. Нима учун кераклигини сўраб ҳам ўтирмади. Аммо яна бир бор қарз шартини эслатиб қўйди.

— Оилавий аҳволингизни биламан, ўртоқ. Пулни қайтаришинг шарт эмас. Фақат мендаги “товар”ни мижозларга тарқатсанг бўлди.

Шохрух товарнинг нималигини сўраб ҳам ўтирмади. Пулни ҳисоб рақамига ўтказиб келгач, ўзини қушдай енгил сезди. Кеч тушишини орзиқиб кута бошлади. Аммо соат тунги 12 дан ошди ҳамки Лоланинг телефони ўчирилган эди. Орадан икки кун, бир ҳафта, бир ой ўтса ҳамки аҳвол шу. Ҳеч бўлмаганда қизнинг фамилиясини билиш учун банкка бориб, ҳисоб рақами кимнинг номида эканлигини билмоқчи бўлди. Истараси иссиқ банк ходимаси, бу ҳисоб рақами уч ҳафта олдин ёпилганлигини айтганида, Шохрухнинг кўз олди қоронғилашди.

Бу орада Шохрух Комил берган, кичик қоғоз халтачаларга солинган алланималарни айтилган манзилларга икки-уч маротаба тарқатиб чиқди. Мижозларнинг совуқ башаралари-ю, унга ғалати қарашлари юрагига кўрқув соларди. Тез орада Комил қорадори олди-сотдиси билан шуғулланишидан хабар топгач, гиёҳванд моддаларни тарқатишдан бош тортди.

– Ҳой, менга қара, қарзинг уч ой ичида фоизи билан 500 минг сўм бўлди. Эртагача сенга муҳлат. Олиб келмасанг ота-онангдан ундириб оламан-да, ўзингнинг нима иш қилиб юрганингни айтаман. Хўш?!

Шохрухнинг ранги ўчди. Касалманд онасининг, опасини узатаман деб кеча-ю, кундуз юк машинаси ҳайдаб, қўллари қаварган отасининг авзойини бирдан кўз олдига келтириб, сесканиб тушди. Қарзни узиш учун Шохрух ҳамма нарсага тайёр эди.

Кўп ўтмай ички ишлар ходимлари томонидан Комил ва унинг ҳамтовоқлари қўлга олинди. Комил қорадорини унга Шохрух етказиб беришини айтиб, уни ҳам ўз орқасидан тортди. Сим тўр орқали учрашувга келган онасининг рангпар юзини, тинмай оқаётган кўз ёшларини кўрмаслик учун нигоҳини олиб қочар экан, Шохрух интернетга “ёр” кидириб кирган кунига ланъатлар ўқиди.

2007 йил.

ПОЙТАХТ КЎЧАСИДАГИ ФИРИБГАРЛИК

– Янги акция. Акцияда қатнашинглар. Лотерея олинглар.

Ёшгина йигит шаҳарнинг энг гавжум кўчаларининг бирида туриб, тинмай бақирар, орада ўтган-кетган йўловчиларга лотереяларни тутқазишни унутмасди.

– Холажон, манови лотереяни олинг. Навоий кўчасида янги магазин очилди. Унинг шарафига биз акция ўтказмоқдамиз. Юзингиздан нур ёғилиб турибди. Жуда ҳам баракали аёлга ўхшайсиз. Сизга албатта омад кулиб боқади.

Йигитнинг тинмай гапиришидан Галина Ивановнанинг боши оғриб кетди. У қўлига тутқазган қоғозни нур қочган кўзларига яқин тутар экан, кўзойнаги уйда қолиб кетганлиги сабабли унда нима ёзилганлигини ўқий олмади.

– Болам, мана буни ўқиб бергин, кўрмаяпман, кўзойнагим уйда қолиб кетибди.

– Албатта, холажон, қани берингчи, - йигит дона-дона қилиб ўқий бошлади. - «Янги магазин шарафига акция. Шошилинг. Акцияда қатнашинг. Қимматбаҳо ютуққа эга бўлинг». Мана лотереянгизни олинг. Яна йўқотиб қўйманг.

Аёл ундан қимматбаҳо ютуқнинг нималигини сўрамоқчи бўлган эди, қараса, у аллақачон бошқа аёл билан суҳбат қураётган экан.

– Қани, билетингизни менга беринг-чи, ютдингизми ёки ютқаздингизми?

Галина Ивановна ёнида пайдо бўлган ёшгина жувон осмондан тушдими, ердан чиқдими тушунолмай қолди. Жавоб қайтаришга улгурмай ўзини Зарифа, янги очилган магазин менежери деб таништирган жувон унинг қўлидаги қоғозни олдида, алланималарнидир ён дафтарига ёзиб, қўл телефонидан қаёққадир қўнғироқ қилди.

– Қойил, сиз “Индезит” кир ювиш машинасини ютдингиз. Жуда ҳам омадли экансиз.

Галина Ивановна кувонишни ҳам, кувонмасликни ҳам билмай турганида уларнинг ёнига бояги “бақироқ” йигит бошқа аёлни етаклаб келди.

–Зарифа, мана бу оппоқининг билетини ҳам текшириб бергин.

Зарифа йигит узатган қоғозни олиб, яна ён дафтариini очди, сўнг қўл телефонини кулоғига тутди.

–Буни қаранг-а, сиз ҳам “Индезит” кир ювиш машинаси эгаси бўлдингиз. Фақат бу ерда бир муаммо бор. Магазинимиз томонидан ютукқа фақат биттагина кир ювиш машинаси қўйилган. Унинг соҳиби ким бўлишини эса қура ташлаб аниқлаймиз. Кимки кир ювиш машинаси учун кўпроқ пул берса, пул ҳам, машина ҳам уники бўлади. Ютқизган эса пуллариini қайтиб олади. Фақатгина икки томондан тикилган пулнинг 10 фоизини ўйинни ўтказганим учун олиб қоламан. Яна бир вариант, қайси бирингиз 560 минг сўм турадиган кир ювиш машинасининг ярим пулини ҳозироқ тўласангиз, ўша одам уни олиб кетиши мумкин.

Галина Ивановна ҳам, ютукқа эга бўлган иккинчи аёл ҳам биринчи шартни танлашди. Галина Ивановна шоша-пиша сумкасида 5000 сўм чиқариб, Зарифанинг қўлига тутқазди. Ўзини Олима деб таништирган иккинчи аёл эса, унга 10 минг сўм берди. Зарифа ким қанча пул берганлигини ён дафтарчага қайд қилиб борди. Қизишиб кетган Галина Ивановна аввал Зарифага 20 минг сўм узатди. Аммо Олима ҳам қараб турмай, Зарифага “Мен 50 АҚШ доллари тикаяпман, ёзиб қўйинг”, деганича унга пул узатганини кўргач, кўнгли алланечук бўлиб кетди.

–Вой, ёнимда бунча пул йўқ..Энди нима қиламан?

–Балки ўйингизга бориб келарсиз? - Зарифа аёлга айёрона қаради.

–Аммо яшаш жойим узоқ...

–Хоҳласангиз сизнинг ўрнингизга мен пул бериб тураман, мана олинг, - шундай дея Олима сумкачасидан доллар олиб Зарифага узатди.

–Бу ерда турсаларинг яхши бўлмас, одам ҳам кўп, юринглар бирор жойда ўтириб муаммони ҳал этсак.

Галина Ивановна боя қўлига лотерея тутқазган йигитнинг гапини маъқуллагандек, бош силкиди. Тўртовлон кўча бетигаги кафега киришгач, Олима “энди менинг галим” деганича Зарифага яна иккита АҚШ доллари узатди.

–Ёзинг Зарифахон, мен яна 100 кўкидан 200 доллар бердим.

–Агар рози бўлсангиз таксида уйга бориб келар эдим, - деди “Индезит” иштиёкида ёнган Галина Ивановна. – Шунча пул тикдим, манови йигит ҳам мен билан юрсин.

Зарифа рози бўлиб, унинг тез қайтишини тайинлади.

–Мен ҳам сиз билан бораман, - гапга қўшилди Олима, - ахир менга 100 долларни қайтаришингиз керак-ку.

Галинга Ивановна рози бўлгач, улар йигитнинг таклифига кўра кўча четида турган машинага ўтириб, аёлнинг уйига келишди. Галина Ивановна ўғлининг йиғиб қўйган пулларида 2000 АҚШ доллари олиб, орқага қайтди.

– Мен 400 доллар тикаман, - деди у пулни Зарифа олдиға мағрур қўйиб.

– Унда мен ставкани 800 долларга кўтараман. Мана пулни олинг.

Зарифа пулни Олиманинг қўлидан олгач, савол назари билан Галина Ивановнага тикилди.

– Мен 1600 қўяман. Мана пул.

– Унда мен 2000 доллар тикаман. Бўлди кир машина меники. Олима пулни ғолибона ўртаға ташлади.

–Йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди. Мен яна уйға бориб келсам бўладими?

Галина Ивановна йигит билан яна ўша машинаға ўтириб, уйига келди-да қолган 4000 АҚШ долларни олиб ортға қайтди.

–Мана 4000 доллар. Бўлди етар. Машина меники бўлди, - деди у.

–Тўхтанглар, ҳаммаси адолат билан бўлиши керак. Мен ҳозир келаман, - Олима шошганича ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Орадан 10 дақиқа вақт ўтар-ўтмас қўлида пул билан қайтиб келди.

–Мана 8000 доллар. Балки энди мен ғолиб бўлганлигимни тан оларсизлар?

–Йўқ, ҳозир мен ҳам қарзга пул олиб келаман. Мен билан юринг, - Галина Ивановна йигитни судраб ташқарига чиқди.

Машина негадир йўлнинг нариги бетида турарди. Йўлни ўтишаётганида йигит югуриб ўтиб, машинага ўтирдида, тезда кўздан ғойиб бўлди. Алданганини ҳис этган Галина Ивановна кафега қайтиб борганида у ердан на Олимани, на Зарифани топа олди. Одамларни ёрдамга чақираётган ёши ўтган аёлга кимдир ачиниб, кимдир истехзоли жилмайиб қарарди...

–Қари тўнкани бопладингда, Зари... Ўзиям Али қўйган тузокқа лаққа тушиб, уйдан қанча пул ташиб келганини кўрдингми?

Олима ҳиринглаганича стол устида ёйилиб ётган долларларни меҳр билан силаб қўйди.

–Ўзинг ҳам фирибгарликда пихини ёргансанда! Аҳмоқ аёл ўзи берган долларни менга қайтариб бераётганингни сезмади-я?

Зарифа аччиқ қаҳвани хўплар экан, Галина Ивановнанинг кўзи олдида стол тагидан унинг пулини Олимага бераётганлигини кўз олдига келтириб, мириқиб кулди.

–Кўзи яхши кўрмас экан, Али буни айтмаганида иш бунчалик хамирдан қил суғургандек битмас эди.

Олима пулларни йиғиштириб ола туриб, Али билан машинанинг шофёрини чақирди. Тўртовлан бир кунда қўлга киритилган ўлжа – 6000 доллар ва 30 минг сўмни бўлиб олишиб, тарқалишди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Европа анъаналари тезлик билан ҳаётимизга кириб келмоқда. Янги очилган дўкон, қаҳвахоналарга мижоз чақириш учун унинг эгалари турли усуллардан фойдаланишади. Акциялар, турли хил тақдимотлар ўтказашади, молларини ярим нархга сотишади. Албатта бундан фирибгарлар устамонлик билан фойдаланишмоқда. Уларнинг тўрига илинмаслик учун:

–Лотерея билетининг тагида дўконнинг манзили ва телефон рақами борлигини текишириб кўринг;

–Кўрсатилган телефон рақамига қўнғироқ қилиб, ҳақиқатдан ҳам шундай акция ўтказилаётганини суриштиринг;

–Акция ўтказаятган дўкон ходимларининг гувоҳномасини сўранг.

Ана шундай оддий ҳаракатлар сиз фирибгарлар томонидан алданиб қолмаслигингизга ёрдам беради.

2008 йил.

ҚАДРИНИ ҚАРИТГАН ҚАРИЯ

Тўрт йилдан буён оиласи билан ижарама-ижара юрган Шухрат қийналиб кетди. Агарда бу сафар ҳеч бўлмаса икки йил муқим туриш учун ижарага хонадон топа олмаса, қишлоғига қайтишга қарор қилди. Икки кун олдин бор-йўғи икки ой ижарада турган хонадоннинг хўжайини келиб, квартирани бўшатишни сўраган эди. Эрталаб ишхонасига келган Шухратни хомуш ҳолда кўрган қоровул Баҳодир амаки ундан нега кайфияти йўқлигини сўради.

–Хафа бўлма ўғлим, қўшни «дом»да бир кампир яшайди. Ўшани иккита хонадони бор. Кеча биттасига ижарага одам қўяман, девди. Ўзи жуда очик, меҳрибон аёл. Бир сўраб кўрайчи?

Ҳақиқатдан ҳам Ноила хола жуда меҳрибон аёл экан. Ижара нархини келишишга борган Шухратни чой ва ширинликлар билан сийлади. Сухбат орасида у Ноила холанинг

бу дунёда якка-ю ёлғиз эканлигини, эри урушда вафот этиб, ягона ўғли эса автохалокат туфайли ҳаётдан кўз юмганлигини билиб олди.

– Ёшим ҳам етмишдан ошди. Омон-омон замонларда шу квартирани олгандим. Кейин иш жойимдан иккинчисини беришди. Аммо буларнинг энди кимга ҳам кераги бор. Ота-онамнинг якка-ю, ягона эркатой кизи эдим. Уруш даврида улар ҳам ўлиб кетишди. На мени кўмадиган, на қабримни ўтдан тозалайдиган одам бор?

Кампирнинг ажин босган юзидан оқаётган кўз ёшлари Шухратнинг ҳам кўнглини бузиб юборди. Қишлоғини, қўллари меҳнатда қаварган онаизорини эслади. Йўлига кўз тикиб ўтиргандир. Сўнгги маротаба бориб келганига ҳам етти ой бўлибди-я! Бундан тўрт йил олдин қишлоғидан “шаҳарда яшайман, болаларим катта одам бўлишади”, деб чиқиб кетган эди. Аммо шаҳарда «пропискасиз» ишга жойлашиш мушкуллигини ана шунда билди. Йигитлик ғурури орқага қайтишга изн бермади. Қарз ҳавола қилиб бўлсада шаҳарга яқин тумандан рўйхатдан ўтди, аммо уй олишга қурби етмади. Бу орада яна икки фарзанд кўришди. Ҳозир топгани фақат оиласининг еб-ичишига зўрға етади. Бунинг устига қишлоқда ҳали турмушга чиқмаган сингиллари ҳам бор. Тўнғич фарзанд бўлгани сабабли уларга ҳам ота ўрнида ота. Маошининг ярмини бот-бот уйга юборади.

– Хафа бўлманг, она. Худойим ўз бандасини ҳақоратлаб қўймайди. Келишиб кетсак, мана биз бор. Иссиқ-совуғингиздан келинингиз хабар олиб туради. Менинг ҳам қишлоқда сизга ўхшаган онам бор.

– Раҳмат, болам. Кўпдан буён ижарада турасанми?

Шухрат кўрган-кечирганларини Ноила холага айтиб берди.

– Бир гап айтсам хафа бўлмайсанми, Шухратжон? Агарда ойига ижара ҳақидан ташқари яна 100 минг сўм қўшиб бериб турсанг, ўлганимдан кейин шу уйларнинг эгаси ўзинг бўлиб қолардинг.

– Лекин... мен бунча пул тўлолмайман?!

– Ўзинг биласан, болам. Қўшимча иш топсанг, айтаётган пулим катта эмас. Сен қўрқма, албатта, ўртада шартнома тузамиз, уни нотариал тасдиқдан ўтказамиз. Ҳаммаси қонуний бўлади. Албатта, агар дори-дармон ёки бозор-ўчардан ёрдам берсанг, улар ҳам ана шу тўлов ичига кириб кетади. Янаям ўзинг биласан. Уйларнинг нархи палон пул.

Шухрат шунча йил қийинчиликлардан сўнг бошига кўнган бахт қўшига ишонмай, ижара хонадонининг калитини маҳкам қўлида сиққанича, оиласининг ёнига учиб борарди.

Кампирнинг уйи шинамгина экан. Бир хона бўлсада каттагина балкон-айвони бўлиб, ошхонаси у ерга чиқарилганлиги сабабли бемалол яшашга икки хона бор эди.

Ноила хола жуда ҳам болажон чиқиб қолди. У тез-тез Шухратникига хабар олгани келиб турар, эр-хотин бирор ёққа кетишса, жон деб кичкинтойлар билан қоларди. Шухратнинг фарзандлари ҳам меҳрибон “шаҳар бувиға” ўрганиб қолишди. Шухрат ҳам ойда бир маротаба Ноила холага бозор-ўчар қилиб берар, кампир эса сарғиш ён дафтарга тартиб билан ундан озиқ-овқатларнинг нархини бирма-бир сўраб, ёзиб қўярди. Бундай пайтлари хижолатдан қизарган Шухратга боқиб, «ҳисобли дўст айрилмас» дерди.

Орадан икки йил ўтди. Ноила хола икки-уч маротаба васият ёзишга чоғланди. Аммо бундай пайтлари Шухрат ҳам, унинг хотини Наима ҳам ўзларини нокулай сезишганидан, “қўйинг Ноила хола, бу нима деганингиз, худди биз сизни ўлимингизни кутиб тургандай бўлиб қоламиз, ахир ўртада шартнома бор-ку, шу ҳам бўлади”, дейишарди.

Онасининг касаллигини эшитиб, қишлоқдаги яқинларини кўришга борган Шухрат у ерда бир ойча қолиб кетди. Бетобланган онаси ўғлини сўнгги маротаба кўраётганини сезгандай, уни ҳеч ҳам ёнидан жилдиргиси келмасди. Онасининг маъракаларини ўтказиб, шаҳарга қайтди-ю, оиласини уйга қўйиб, тўғри Ноила холаникига борди. Аммо эшикни унга ҳеч ким очмади.

– Келдингизми, дадаси. Суддан қоғоз келибди, - Наима эшик олдида ҳеч нарсани тушунмай турган эрининг қўлига бир парча қоғоз тутқазди.

– Тинчликми? Нега?

– Ноила хола сизни шартнома шартларини икки йилдан бери бажармайди деб, судга берибди, буни олиб келган йигит айтди.

– Нима?

Судда Шухратнинг қаршисида мутлақо бошқа одам турарди. Аввалги меҳрибон Ноила холадан асар ҳам қолмаган, қаршисидаги аёлнинг нигоҳи ўта совуқ эди. Даъвогар сифатида сўз берилган Ноила хола кўзига ёш олиб, Шухрат фирибгар эканлигини, уни алдаб, уйида яшаб ижара тўламаслиги етмагандай, яна шартноманинг шартларини ҳам бажармаётганлигини айтиб берди. Бундай тухматдан қотиб қолган Шухратнинг тили калимага келмас, фақатгина Ноила холага қараб, “сиз... сиз...” дея оларди, холос.

Суд Ноила холанинг даъвосини қондириб ҳукм чиқарди. Барча тўловларни фақатгина Ноила хола билан юзма-юз амалга оширган, ундан ҳеч қачон пул олганлиги тўғрисида қоғоз талаб қилмаган Шухрат, ўзининг ҳақлигини исботлаб бера олмади. Қадрини қаритганлигини сезмаган қария эса пул ундирганидан мамнун бўлганича, бошқа содда инсонга қармоқ ташлашга чоғланмоқда эди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Ёши ўтган, айниқса ёлғиз, ҳимояга муҳтождай кўринган одамлар ҳам фирибгар бўла олиши кўпинча ҳаёлимизга келмайди. Уларнинг фириб қармоғига илинмаслик учун эса беишта олтин қоидага риоя қилинг:

Тўлаётган барча тўловларингизни иложи борида жойлардагидек банк бўлимлари орқали амалга ошириб, паттасини сақлаб қўйинг;

Қўлдан қўлга берилаётган тўловлар учун албатта тилхат ёздириб олинг;

Агарда тўлов дори-дармон ёки озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишида бўлса, уларнинг чекини, бозордан олинганда тақдирда берилган одамдан ёзма тилхат олиб, сақлаб бординг;

Буларнинг барчаси гувоҳлар кўз ўнгиде амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади;

Фирибгар бўлмаган қариялар билан ҳам уйнинг эгаси вафотидан сўнг ўзингизга ўтиши учун шартнома имзоласангиз, юқорида келтирилган қоидаларга амал қилган маъқул, чунки кўп ҳолатларда ёлғизларнинг узоқ қариндошлари пайдо бўлиб, уй-жойга даъвогарлик қилишади.

2008 йил.

МАШИНА КЕРАКМИ? МУАММОСИЗ...

– Соли, бир йилда нечта машина алмаштирдинг? Ҳафтада 7 кун бўлса, сен ҳафтада 8 та машина алмаштирасан, шекилли?

–Э ўртоқ, ҳасад қилаяпсанми? Ҳар ким ҳам учар бўла олмайди. Бунинг учун бўйинда қовоқ эмас, мияси бор каллани кўтариб юриш керак, дўстим. Менга бирортанг ёрдам берганмисанлар? Қора кунимда, фарзандларимнинг куни нон билан сувга қолганида, қайсинг дўст бўлиб, ёрдам бердинг?! А? Яхшиямки, Бўрибой ака бор экан. Худога шукр, энди еганим олдимда, емаганим кетимда.

–Қўйсангчи шу гапларни, Соли. Бир оғиз айтганингда ёрдам берардик. Ўша пайти ўзим ҳам қийналиб юрувдим. Сен қарз сўраган пайтинг ўзимда ҳам ҳеч вақо йўқ эди. Бўлмаса жоним билан..

– Ҳамманг шунақа дейсанлар. Солини пули бўлса ўртоғи ҳам кўпаяди, пули бўлмаса энг яқин дўст ҳам юз ўғирар экан. Дунёнинг ўзи шунақа.

–Топаётган пулинг ҳалолга ўхшамайди, дўстим. Эҳтиёт бўл. Бу шунақа дунёки, нопок отанинг касри фарзандига уради.

–Э, гапингни шамол учирсин.

Соли ҳаворанг Nexia сини ўт олдирди-да, учираб кетди.

Солининг Бўрибой билан танишганига тўрт ойча бўлиб қолди. Дарахтнинг учи қимир-ламасдан туриб, шамол қайси томондан эсишини олдиндан сезадиган бу одам, ҳеч қачон ўз қўли билан иш кўрмасди. Соли эса айнан унга керакли одам эканлигини бир кўришдаёқ тушунганди.

Автомобилларга болалигидан ишқивоз Соли пули бўлмаса-да, ҳар якшанба машина бозорига тушар, янги сотувга олиб чиқилган машиналарни кўрар, савдолашгандай бўлиб бироз хуморидан чиқарди. Бўрибой уни анчадан буён кузатиб юрарди. Машиналарни яхши билиши, гапга чечанлигини эътиборга олиб, бир гал унинг олдига келди-да, ўзини содда қилиб кўрсатиб, “Биродар, машинамни сотмоқчи эдим, доим сизни шу ерда кўраман, нархлаб бераолмайсизми?” деди. Нархланиши лозим бўлган Mercedes анча йўл босиб қўйганлиги кўриниб турарди. Бир қарашда машинанинг ҳолатини англаган Соли савол назари билан Бўрибойга қаради.

–Бунииз, сиз хоҳлаган нархга кетмаса керак, оқа!

–Кетади, сиз аввал мен хоҳлаётган нархни айтингчи?!

Ўша куниёқ сотилган машинани ювиш учун икковлон ресторанга киришди. Бўрибой аканинг шарофати билан Соли бир зумда “машина нархловчи”га айланди. Кейин билса, аканинг бозорда обрўси баланд экан. Соливойнинг иши эса Бўрибой акасининг маслаҳатига кўра машиналарни кредитга олишдан бошлангач, юришиб кетди. Фирибгарлик жуда ҳам осон ва содда схемага асосан амалга ошириларди.

Иш аввало бир шиша вино учун жонини ҳам берадиган, арокқа муккасидан кетган бирор бир дайдини топишдан бошланарди. Уни бир ҳафта давомида яхшилаб боқишар, эвазига эса унинг паспортини сўрашарди. Албатта, унга умр бўйи бўкиб ароқ ичишга етадиган пул ҳам ваъда қилинарди. Ташқи кўриниши анча “одамбашара” бўлиб “ишбилармон” га айланган “дайди” ни башанг кийинтириб, чеккароқ вилоятларда кредитга машина сотадиган автосалонларга олиб боришарди.

Соли кўпинча “бизнесмен” қўлида ишлайдиган менежер ролини ўйнар ва савдо-харид ишлари хусусида “хўжайини” номидан ўзи гаплашарди. “Хўжайин” нинг иши салонга қизиқиб, томоша қилиш учун кириб қолган харидор – Бўрибой олдида тўхтаган автомобилни танлаш бўларди. Савдолашиш бошлангач, “пул етмай қолар”ди. Албатта, автосалонда доимо бўладиган бирор банк ходимидан автомобилни кредит орқали ҳужжатлаштиришларини илтимос қилишарди. Ҳужжатлар тайёр бўлиб, биринчи тўлов тўлангач, машина олиб кетилар, гаровга эса машинанинг ўзи ёки олдиндан тайёрлаб қўйилган “ишбилармон” уйининг ҳужжатлари қўйиларди. Барча ҳужжатлар “қишбилармон харидор” томонидан имзолангач, машина ҳужжатлари салон эгаларида (автомобилнинг тўлиқ пули тўланмагунича ушлаб туриларди) қолиб, автомобил олиб кетиларди. Сохта ишбилармоннинг қўлига эса 20 минг сўм атрофида пул бериларди, холос. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Соли давлат автомобил назоратига мурожаат қилиб, янги олган автомобилнинг ҳужжатларини йўқотганлиги ҳақида ариза берар, янги ҳужжат қўлига теккач, автомобилни бир зумда сотиб юборишарди. Банк эгалари эса харидор паспортининг нусхаси бўйича, уни қидиришганида у арокдан бошини кўтара олмайдиган бир дайди бўлиб чиқарди.

Кейинчалик Соли билан Бўрибой ароқхўрларни боқиш учун пул сарфламаслик мақсадида, кам таъминланган оилаларни нишонга ола бошладилар. Уларни асосан, вояга етган йигитлар қизиқтирарди. Қийинчиликларсиз, тўқис ҳаёт кечириш борасидаги сафсатага лаққа ишонган, оиласини ночорликдан қутқариш учун “машина сотиб олишга ёрдам бериш” орқали мўмайгина даромад сохибига айланиши мумкин бўлган йигитлар икки фирибгарнинг шартларига осонгина кўнишар, кредит фоизини тўламай суддан чақирув қоғози келганда эса уларнинг изини топа олмай, надомат чекишарди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Афсуски ҳаётимизда турли хил фирибгарликлар қаторида кредит бўйича амалга оширилладигани борган сари кўпайиб бормоқда. Аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида берилаётган имтиёزلардан нопок мақсадларда фойдаланиб келаётган шахслар орамызда йўқ эмас. Албатта, Соли ва Бўрибой сингари кимсалар вақти келиб қонун олдида жавоб беришлари муқаррар. Аммо уларнинг қармоғига илинмаслик учун ҳар бир инсон албатта оддий қоидаларга амал қилиши лозим.

Энг аввало:

Ўз ҳужжатларингизни (паспорт, уй ва бошқа мол-мулк ҳужжатларини) яқин танишларингизга ҳам ишониб топширманг;

Ягона моддий мулкка ҳамкорликда кредит олиш мумкин эмаслигини унутманг, зеро харид фақатгина бир жисмоний шахс ҳужжати асосида расмийлаштирилади;

Ҳамкорликда кредит олиш орқали моддий даромад кўрмоқчи бўлсангиз, албатта ўртада тузилган шартнома ёзма равишда бўлиши ва нотариал тасдиқдан ўтиши лозим.

– Фақат шундагина ҳаётингиз тинч, ҳаётингиз эса осуда кечиши мумкин.

2008 йил.

МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА ТУЗОҒИ

Суюн метрога кираверишда чиройликкина киз унинг кўлига тутқизган қоғозни ташлаб юбормоқчи бўлди-ю, аммо аллақандай куч уни ўқишга ундади. Ранглари товланиб турган қоғозда хорижий фирмага ишга таклиф этилиб, бир ҳафтада 200 минг сўм даромад олиш мумкинлиги айтилган эди. Эълоннинг пастида эса йиғилиш куни, соати ва жойи кўрсатилганди. Суюн қоғозчани ўқиб, ҳақиқатга унчалик ҳам тўғри келмайдиган эълондан афтини буриштирди-да, уни ғижимлаб йўл четидаги ариқчанинг ичига ташлаб юборди. Ўн қадамча юргач, беихтиёр орқага қайтиб, қоғозчани яна кўлига олди. Уни авайлаб текислаб, шимининг орқа чўнтагига солиб қўйди. “Нима бермаган Аллоҳ? Балки бошига тушган муаммоларини ечиш учун худо томонидан юборилган ишорадир, бу. Эртага ишдан жавоб олиб, тушликдан сўнг кўрсатилган манзилга боради. Балки бир маънили ишдир”. Шуларни ўйлаганича, у қоғозча жойида турганлигини бир неча бор пайпаслаб, текшириб кўрди.

Суюн қишлоқдан шаҳарга келганига 6 йил бўлди. Бу орада бир неча бор уй сотиб олиш учун пул йиғиб, энди оламан, деб турганида нарх-наво кўтарилар, қолган пулни йиғиш учун тер тўкиб ишлашга тўғри келарди. Республикада кўзга кўринган газета тахририятида бўлим мудир лавозимида ишласа ҳам, ҳеч косаси оқармас, олган маоши аранг икки фарзанди билан аёлини боқишга етарди. Кечалари ёзган буюртма мақолалари-ю, талабаларга ёзиб берадиган диплом ишлари эса ижара ҳақини тўлашга кетарди.

Айтилган гап, отилган ўқ. Эртасига Суюн бош муҳаррир ўринбосаридан қизчасининг тоби қочганлигини баҳона қилиб жавоб олдида, қоғозчада кўрсатилган манзилга йўл олди. Маданият саройи залида 150 дан ортиқ одам тўпланган эди. Ҳамма шивирлаб ниманидир муҳокама қилар, сабрсизлик билан қалин бахмал дарпарда билан ёпилган саҳнага қараб-қараб қўйишарди. Ниҳоят, худди театрдагидек, дарпарда секин кўтарилиб, ўртага қўйилган микрофон олдида башанг кийинган, кичкина бармоғида чироқ нури тушганида товланувчи тилла узук таққан бир киши, унинг кетидан ёшгина, аммо дид билан кийинган йигитча чиқишди. Башанг кийинган киши ўзини Жереми Слоган деб таништириб, бузук талаффузда “ассалому-алайкум” деб қўйди. Залда ўтирганлардан кимдир қарсак чалиб юборди. Унга жўр бўлиб, аввал икки-учта чапак овози эшитилди, сўнг ҳамма бараваракайига қарсак чалишди. Олифта йигитча Жеремининг таржимони бўлиб, бот-бот унинг инглиз тилидаги узундан-узоқ гапларини таржима қилиб турди.

Суюннинг тушунишича, Жереми қандайдир компаниянинг вакили бўлиб, унга аъзо бўлиш учун ҳар бир одам минг доллардан аъзолик бадалини тўлаши, ёки шу маблағга

компаниядан бирор буюм харид қилиши керак экан. Шундан сўнг аъзо билан шартнома тузилар ва у ўз орқасидан яна иккита одамни олиб келса, 200 АҚШ долларигача мукофот пули берилар экан.

–Ҳохласангиз иккита одамни бир кунда олиб келиб, пулни ўша куниёқ олинг, агар сиз топиб келган одамлар ўз орқасидан яна икки одамни олиб келса сизларга қўшимча бонус ёзилади ва олаётган мукофот пулингизнинг ҳажми ортади. Демак сиз ҳеч қаерда ишламасдан туриб, сиздан кейинги аъзолар топиб келадиган одамлар ҳисобига бемалол яшашигиз, ва ўртача ҳар ҳафтада икки одам топилиши эвазига бир йилда 9600 АҚШ доллари ишлаб топишингиз мумкин. Аммо бу ҳаммаси эмас. Қўшимча бонуслар – очколар йиғиш ҳисобига, яъни ҳар ойда қўшиладиган 5 фоиз ҳақ эвазига, қўшимча равишда яна 1920 АҚШ доллари ишлаб топишингиз мумкин.

Жереми, “хўш, қалай?” дегандек, виқор билан пастда ўтирганларга назар ташлади.

–Ҳа, айтгандек, яна бир нарса ёдимдан кўтарилай дебди. Сиз 1000 очко йиққанингиздан бошлаб, аввал компаниямизнинг бронза директори, очкоингиз 5000 га чиққанида кумуш, 10 минг очко йиғсангиз олтин директорига айланасиз. Ҳар бир директор қўшимча ҳақ, пул мукофоти билан биргаликда музлатгичдан автомобилгача совға олиши мумкин. Ундан кўп очко йиққанлар эса энг замонавий русумдаги автомобил билан биргаликда дунё бўйлаб саёҳат қилиш учун йўлланма олади. Буларнинг барчаси ҳаракатингиз тақдирланишининг бир кўриниши, холос. Бизнинг компаниямизда ҳар қандай ҳаракат тақдирланади. Бунинг унутманг. Демак, қисқа фурсатда бой бўлиб, ўз виллангиз, машинангиз, хаттоки яхтангиз бўлиши мумкин. Дунё бўйлаб саёҳат қилиш ёки қилмаслигингиз фақатгина ўзингиз ва ҳаракатингизга боғлиқ. Бизга аъзо бўлинг ва тақдирингизни ўзгартиринг!

Жереми охириги сўзларни қичқириб айтди. Пашша учса ҳам эшитиладиган залда аввалига хурсинишга ўхшаган овоз чиқди, кейин эса сукунатни қарсақлар гулдуриси бузди.

Суюн бирданига ўзини бой, барча кундалик муаммоларидан ҳоли сизди. Бор кучи билан қарсақ чалар экан, чехраси ёришиб, юзлаб кўзлар сингари унинг ҳам кўзлари чакнаб кетди.

–Сен ҳам ёзилгин жўражон, мана кўрасан. Бир йил ўтмай, шу бир хонали уйингни икки хонага алмаштириб оласан, яна икки йилдан сўнг ўзингнинг машинанг ҳам бўлади.

–Қизиксан-ей, Суюн. Минг долларни қаёқдан оламан? Ўзи хотинимни даволатишга бор-йўғимни сарфлаб бўлган бўлсам. Бунинг устига отам ҳам касал. Уларни санаторийга жўнатишга пул йўғ-у, сен бўлсанг аллақандай мавҳум бир ишга минг доллар тикишимни айтасан-а. Хўш, агар иккита одам тополмасам, ўша минг долларимни қайтариб беришадими? Кўрдингми, индамайсан!

–Сен минг долларга бирор бир нарса – асл Швеция соатими, одам тетик бўлиб юриш учун ичиладиган биокўшимчалар мажмуасими ёки бошқа дунёга машҳур фирманинг буюмини сотиб олиши мумкин. Мен ҳам аҳмоқ эмасман-ку, бу буюмларнинг асслигини текширтириб кўрдим. Тўғриси, мендан олдин турган аъзо, шундай соатдан иккитасини 500 доллардан олиб, 700 доллардан сотиб юборибди. Қарабсангки, ҳам соатдан 400 кўкидан фойда кўрган, ҳам мукофот пули олиб ётибди. Мен сенга бунинг нақадар фойдалигини тушунтириб бера олмаяпман. Бирортасидан қарз кўтаргин, икки ойга қолмай қарзингни узасан, бунинг устига пулли бўлиб қоласан. Ундан кўра мен билан эртага презентацияга юр. Биздан ҳам бронза директорлар чиқибди. Ўшаларни тақдирлаш бўлади, бундан ташқари ҳаммасини сенг компаниямизнинг вакиллари тушунтириб беришади.

Ўртоғининг қистови билан компания фаолияти тақдиротида борган Турди бронза директорларга мукофотни (долларда!) берилишини кўриб, ўзининг аҳволига ачиниб кетди. Басавлат, пўрим кийинган Жеремининг гапларини тинглаб, “Суюннинг гапида жон борга ўхшайди” деб қўйди, ичида. Суюн эса Турдининг дам-бадам елкасини қоқиб, унга минг долларни ўзи совға қилгандай илжайиб кўярди. Иккала ўртоқ кечкурун Суюнлар-

никида ўтириб, Жереми ўргатганидек, аввал барча қариндошлари, кейин синфдошлари-ю, курсдошлари ва танишларини исмини ёзиб чиқишди. Кейин кимни топиш мумкин бўлса, ўша одамга қўнғироқ қилишга тушишди. Дарҳақиқат, кўпчилик қарзга ботиб бўлсада, минг доллар топиб, бир-бирларининг ортидан компанияга аъзо бўлишди. Суюннинг унинг орқасидан Турдининг иши анча юришиб қолди. Аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас, Суюн олаётган қўшимча ҳақ камайиб, охири тўхтаб қолди. У нима юз берганлигини билиш учун компания офисига борганида у ерда ўтирган умуман бошқа одамларни кўриб ҳайрон бўлди. Ўзини офис менежери деб таништирган ёкимтойгина қиз, Суюннинг саволига елка қисиб, бир ойдан буён уларнинг фирмаси бу ерни ижарага олганлигини, Суюн айтган компания ҳақида ҳеч ҳам эшитмаганлигини айтди. У аллақачон қайнотасидан олган қарзидан қутилиб, 9 минг доллар бўлмаса ҳам қўшимча минг доллар ишлаган эди. Шунинг учун ҳам компаниянинг изсиз йўқолгани уни унчалик ташвишга солмади.

Суюннинг бошига балолар бир неча кундан кейин ёғилди. Унинг эшигини орқама-кетин қариндошлари-ю, танишлари, у компанияга аъзо қилган ва уларнинг орқасидан фойда кўрган одамлар кела бошлади. Уларнинг деярли барчаси аъзоликка тиккан пулларини қайтариб беришни талаб қилар, бошини чорасиз чайқаган Суюнни сўкканича чиқиб кетишарди. Холасининг қизи эса, унинг кулоқ чаккачига шапалоқ туширишдан ҳам тоймади. Синфдоши Ҳамрокул эса Суюнни қаллобликда айлаб, унинг устидан ички ишларга ариза берди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Афсуски, фуқароларимиз ҳануз деярли бир асрдан буён бутун дунёда одамларни фириб қармоғига туширадиган ва тузилиши жиҳатидан бир-бирига жуда ҳам ўхшайдиган пирамидаларга ишониб юришибди. Албатта, баъзи бир ҳолатларда бундай хорижий компаниялар ва фирмалар фуқароларнинг ишончини қозониш учун ҳақиқатдан ҳам ўзлари рўйхатдан ўтган лицензия қогозларини тақдим этадилар. Аммо юқоридаги воқеадаги каби кўпчилиги ўзаро шартнома тузиш орқали фуқароларнинг ишончини қозонадилар. Афсуски, бундай шартномалар кўп ҳолатда юридик кучга эга бўлмайди. Дастлаб пирамида ёки тармоқ (сетевой) маркетингга аъзо бўлганлар нечадир фоиз даромадга эга бўлиши мумкин, аммо 95% фоиз аъзолар ўзларининг пулларини қайтиб кўрмайдилар. Энг ачинарлиси, аллақачон иссиз йўқолган компания раҳбариятини ҳуқуқий жиҳатдан жавобгарликка ҳам торта олмайдилар. Шунинг учун ҳам, осон бойлик ортидан қувмаслик, турли хил одамларга ишонмаслик лозим. Чунки ҳалол, пешона тери билан топилган пул ёки буюм ҳеч қачон изсиз йўқолмайди, ва албатта унинг баракаси бўлади.

2008 йил.

«ҚУЛДОРЛАР» ҚЎЛГА ТУШДИ

– Ромитангача неча сўм бўлади?

Мурод қадди-қомати келишган, ёзнинг жазирама қуёши ҳам оппоқ юзини қорайтира олмаган қизга қараб, хаёли қочди. У такрор йўл нархини сўраганидан сўнггина ўзини қўлга олди.

–10 минг сўм, яхши қиз, майли сиз учун 8 минг бўла қолсин.

–Вой, мунча қиммат, 5000 минг бўлмайдими?

–Биласиз, бензин нархи кунига ошаяпти. Иложи йўқ. Бунинг устига бошқа ҳеч кимни кутиб ўтирмаймиз. Ўзингизни дарҳол айтган жойингизга олиб кўяман.

Орқа ўриндикка ўтирган қиз терлаган юзини рўмолчаси билан артди. Анчадан бери Салим билан бирга амалга ошириб юрган ишлари учун бу қиз жуда ҳам боп эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Мурод “Мен ҳозир” деди-ю, машинадан чиқиб, ҳамтовоғига қўл телефонида сим қоқди:

- Салим ака, зўридан бор. Нима қилай?

- Нилуфарникига олиб келавер. Келишилган нарх.

Хулкар машинанинг олд ойнаси орқали ўзидан кўзини узмай келаётган ҳайдовчининг еб қўйгудек нигоҳидан қочиш учун, “Жигули” ойнаси орқали лип-лип ўтаётган тут да-рахтларини санашга тушди. Бироздан сўнг чалкашиб, яна беҳос олдинга қаради. Ҳайдовчи ўқтин-ўқтин ўзи томонга қараб қўяётганини сезиб, шу машинага ўтирганидан афсусланди. Ромитан шахрига кираверишда тушиб қолмоқчи бўлган эди, Мурод, “шу яқин атрофда ишим бор. Аввал бир жойга кириб чиқайлик, кейин сизни айтган жойингизга олиб бориб қўяман, ахир ваъда бердим. Эркакнинг сўзи сўз” дея, унинг тушиб қолишига изн бермади.

Мурод шаҳарнинг тор кўчаларидан бирида жойлашган, қачондир кўкка бўялиб, йиллар давомида ранги кетиб, айна пайтда қандай рангда эканлигини англаб бўлмайдиган эшикдан ичкарига кириб кетди-ю, бироздан сўнг қандайдир аёл билан қайтиб чиқди. Ўзини Нилуфар деб таништирган аёл, Мурод билан ишлари битгунига қадар Хулкарга уйда ўтириб туришини таклиф этди.

–Йўқ, раҳмат, опажон. Шошиб турувдим. Шу ерда ўтириб тураман.

–Вой –бўй, иссиқда, дим машинада нима қиласиз? Уйга кириб, муздек айрон бор.

Чанқаб турган қиз рози бўлиб, аёлнинг орқасидан юрди. Хулкарни пастаккина хонага киргизиб, унга бир коса айрон олиб кириб берган Нилуфар, чиқаётганида орқасидан эшикни ёпди. Сўнг эшик қулфининг шиқирлаши эшитилди. Ҳайрон бўлган Хулкар, туриб эшикни итарди-ю, унинг ҳақиқатдан ҳаи қулф эканлигини кўриб, жаҳли чиқди.

–Эй, эшикни очинг. Нега қулфладингиз?

Ташқаридан садо бўлмади. Хулкар ҳарчанд бақирмасин, эшикни муштламасин, ҳеч ким қайтиб кирмади. Кечкурун ҳолдан тойган Хулкарнинг олдида кирган Нилуфарнинг олдида нотаниш эркак ҳам бор эди.

–Менга қара, қизалоқ, биз сени Муроддан сотиб олдик. Ўша пулни ишлаб берганингдан сўнггина бу ердан кетасан, унгача бизнинг айтганимизни қиласан.

–Ҳаққингиз йўқ.. Ким ўзи у Мурод дегани? Мен уни танимайман.

–Уни танишингнинг кераги ҳам йўқ, гап тамом, - эркак гапни чўрт кесди-ю, бурилиб чиқиб кетди.

–Ҳозир олдинга бир эркак киради, унинг кўнглини олишинг керак, уқдингми? - Нилуфарнинг гапидан Хулкарнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Нима ҳаққинг бор? Кимсан ўзи? Мелиса чакираман...

Ўзини тута олмай бақираётган қиз юзига келиб тушган шапалоқдан гангиб қолди. Хонага қайтиб кирган бояги эркак эса қўлидаги хоккей таёғи билан унинг дуч келган жойидан ура бошлади. Бадани кўкарган, очлик ва йиғидан силласи қуриган Хулкар хонанинг бурчагига тикилиб олиб юм-юм йиғлар, бир кунда бошига бу бало қаёқдан тушганини англай олмай, хўнграр эди. Калтагу очлик азобидан тамоман ҳолдан тойган Хулкарни инсонийлик киёфасини йўқотган Нилуфар билан Салим ўлдириш билан кўрқитиб, бир кунда 15 нафар эркак билан бўлишга мажбур этишди. Қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлганида Хулкар Салимдан таёқ ер эди. Орадан бир ой ўтди. Устида эски қўйлак, тамоман эркини «янги қулдорлар»ига бериб қўйган Хулкар, атрофида нима бўлаётганини англашга ҳам қодир бўлмайдиган даражага тушиб қолди. Фоҳишахонага айлантирилган хонадондаги мижозларнинг кўнглини овлашдан ташқари, «қулдорлар»ҳар ойда бир ҳафта мобайнида уни чўлга олиб чиқиб, чўпонлар билан жинсий алоқа қилишга мажбурлай бошладилар. Бу орада аллақачон ҳомиладорлигини сезган, тинмай кўнгли айниб, ҳолдан тойган Хулкар дардини кимга айтишни, сумкаси-ю, ундаги хужжатлари Нилуфарнинг қўлида қолгани учун, қандай қочишини ҳам билмас эди. Бир маротаба Нилуфар унинг устидан қулфлаб чиқиб кетганида, деразанинг ойнасини синдириб, қочиб кетишга эришди-ю, аммо эркин ҳаводан тўйиб нафас олишга улгурмади. Орадан бир соат вақт ўтар-ўтмас, уни учратиб қолган Нилуфар қизни ўзи бошқараётган машинага тикиб, уйга олиб келди. Хоккей таёғи билан ҳолдан тойгунча урди.

–Мени чиқариб юборинглар, ким бор? Эшикни очинглар.

Эртаси куни идиш-товоқ юваётган Хулкар, ичкаридан келаётган қиз боланинг овозини эшитиб, бадани жимирлаб кетди. “Қулдорлар” яна бир “ўлжани” алдаб қўлга туширишган эди. Хоккей таёғини кўтариб, ҳовлини кесиб ўтаётган Салимни кўрган Хулкар, овоз чиқаётган томон ташлаган қадами бўйича қотиб қолди. Бир зумда шу хонадонда ярим йил кечирган азоб-укубатлари кино тасмаси сингари лип этиб кўз олдидан ўтди. Бир оздан сўнг ичкаридаги бақир-чақир йиғи овози кучайди. Уч кундан сўнг «янги» келганга биринчи маротаба ярим коса мастава олиб кирган Хулкар 16 ёшлардаги, бадани калтақдан моматалоқ бўлиб кетган қизни кўриб, кўз ёшларини тия олмади. Уни кўриб, яланғоч баданига тагидагидаги кўрпачани тортмоқчи бўлган қизга «кўркма» деди-ю, нон билан овқатни хонтахтанинг устига қўйди.

–Исминг нима? Мандан кўркма, мен ҳам сенга ўхшаган шўрпешонаман.

Қиз кўрпачани маҳкам кучоқлаганича, Хулкарга ҳадиксираб қараб турарди.

–Менинг исмим Хулкар. Бу ерга алданиб келиб қолиб, энди қочолмай ўтирибман.

Қиз дадиллашиб, секингина:

–Нозима, - деди.

- Бу ерга қандай келиб қолдинг?

Хулкар қизнинг ёнига чўкиб, унинг тўзғиган сочларидан силади.

- Битта таксига ўтирган эдим, уйга олиб бормай, шу ерга олиб келди. Опажон, илтимос, мени қутқаринг. Аям билан дадамни жуда ҳам соғиниб кетдим, илтимос! - Нозима кўз ёшларини тия олмай, Хулкарнинг тиззаларини маҳкам кучди. –Жуда ҳам уйга кетгим келаяпти.

–Қани энди, бу нарса қўлимдан келса. Улар сени ўлдиришдан ҳам тоймайди. Ундан кўра айтганларини қил, кейин қочишнинг бир йўли чиқиб қолар...

Хулкар ташқарида Нилуфарнинг шанғиллаган овозини эшитиб, “мен кетдим ” деди-ю, хонадан шоша-пиша чиқиб кетди.

–У ерда нима қилаяпсан, ер ютгур? Кирларни ким ювади?

Нилуфар ўзи билан бошлаб келган эркак олдида Хулкарга юмшоқ гапиришга ҳаракат қилди-ю, орқасидан унга ўқрайганича, эркакни Нозима қамалган хонага бошлади...

Икки ой зўрлаш-у, хўрлашлардан ҳолдан тойган Нозимани шаҳардаги қўшмачи аёл Гулмира Атоевага 40 минг сўмга сотиб юборишгач, “қулдорлар” янги “қурбон” қидира бошладилар. Бу сафар уларга Бухоро шаҳридаги таниш қўшмачи аёл уйида ижарада яшаётган Нурия ўлжа бўлди. Нилуфар Нурияни ижарадор аёл Хурмат Аслоновадан етти минг сўмига сотиб олиб, қизни ўзининг туғилган кунинини нишонлаш баҳонаси билан қафега таклиф этди.

Гулмира Нурияни Нилуфарга қўшиб жўнатар экан, уларнинг орқасидан истехзо билан кулиб қолди. Улар ташқарида кутиб турган Жамшиднинг машинасига ўтиришгач, қизни кўрган Салим, «маъкул» дегандек бош ирғаб қўйди. Сўнг Жамшиднинг елкасига қоқиб, “хайда” дегач, Нурияга бошидан оёқ разм солди. Бундан ўнғайсизланган қиз ёнида ўтирган Нилуфарга:

–Опа, туғилган кунингизга Гулмира опам бормайдиларми?, деб сўради.

–Опангнинг иши бор экан, ярим соатдан сўнг қафега етиб келади.

Машина бир зумда Бухоро шаҳридан чиқиб, Ромитон томон елдек учиб кетди. Шаҳардан чиқиб кетишаётганини кўргач, Нуриянинг кўнгли хавфни сезиб, тушиб қолмоқчи бўлди-ю, биқинига тиралган пичоқнинг совуқ тиғи уни бу фикрдан қайтарди.

–Илтимос, мени қўйиб юборинглар. Ахир сизларга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ-ку!

Қизнинг ялиниб, ёлвориши-ю, кўз ёшлари «қулдорлар»га заррача таъсир қилмади. Машинадан уриб туширилган қиз яна ўша пастқам хонага қамалди.

Қиз Салим билан Нилуфарнинг шартларига кўнмагач, хоккей таёғи ишга тушди. Сўнг оғриғ-у, азобдан ҳолдан тойиб йиқилган Нурияни биринчи бўлиб Салимнинг ўзи зўрлади. Икки кун ичида 20 нафар эркак билан мажбурий равишда жинсий алоқада бўлган Нурия икки маротаба ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қилди-ю, аммо унинг бу қилмиши Нилуфарнинг назаридан четда қолмади.

- Аввал сен учун тўлаган пулни қайтар. Кейин нима қилсанг қилавер. 20 та клиентдан олган пулим 100 минг бўлгани йўғ-у, бу хонимча ўзини ўлдирармиш...

Нилуфарнинг кинояли гаплари, ўзига нисбатан ҳайвоний муносабат қизнинг хўрлигини келтирар, аммо у ўзи тушган ифлос қафасдан қочиш йўлини излаган сари, боши берк кўчага кириб қолганини ҳис этиб, аламини фақат йиғидан олар эди.

6 йил давомида бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмай қизларни ўғирлаб, уларни фоҳишалик қилишга мажбурлаш орқали пул ишлаб келган Салим ва у билан никоҳсиз яшаб келаётган Нилуфар 10 дан ортиқ қизларнинг ёшлигини, қизлик номусини, инсонийлик ҳуқуқ ва эркинликларини паймол қилишди. Мазкур жиноий гуруҳнинг ўндан зиёд вакиллари қизларни галма-галдан алдаб «янги кулдорлар» қўлига топширишар, ўз улушларини олгач, янги “қурбон” излаб йўлга тушишарди. Энг қизиғи, Салим оилали, саккиз нафар фарзанднинг отаси бўлиб, ўз уйига келганида хонадонидида меҳрибон ота, ғамхўр оила бошлиғига айланарди. Унинг буқаламун каби тусланиб туриши ҳам узоқ пайт мобайнида жиноий гуруҳнинг ваҳшиёна кирдикорлари очилмай қолишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Салим билан Нилуфарнинг қабих ишларининг фош бўлишига уларнинг безътиборликлари сабаб бўлди. Одатдагидек, такси орқали манзилига етказилмаган Малоҳат доимо уяли алоқа телефонини шимининг чўнтагига солиб юрар эди. Нилуфар қизнинг сумкачасини тортиб олиб, ичидаги борини қоқиштиргач, ўзини ахлатхонага ирғитди-да, “ҳали янги” мол учун мижоз қидиришга тушди. Фурсатдан фойдаланган Малоҳат ота-онасига кўнғироқ қилиб, бўлган воқеани сўзлаб бергач, жиноий гуруҳнинг ваҳшиёна фаолиятига чек қўйилди. Суднинг қора курсисига ўтирган Салим билан Нилуфар, ҳамда гуруҳнинг бошқа аъзолари қонун олдида жавоб бердилар. Бухоро туман судининг жиноятчиларга нисбатан чиқарган ҳукми асосида улар узоқ муддат озодликдан маҳрум бўлдилар.

Ҳуқушунос маслаҳати:

–Афсуски, ёш, ҳали оқ билан қорани яхши ажрата олмаган қизлар ва йигитлар кўп ҳолатларда жиноятчи–фирибгарларнинг қармоғига осонгина илинишади. Албатта, жиноят жазосиз қолмайди, аммо у фош этилгунга қадар нечта одамнинг умри хазон бўлади. Инсон ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборадиган бундай ҳолатларга тушмаслик учун ёш қизлар:

–Илоҳи борича бегона машинага бир ўзлари ўтирмасликлари лозим;

–Мободо юқорида баён қилинганга ўхшаши воқеага дуч келсангиз, машинадан тушманг. Мажбурлаб туширмоқчи бўлишса бор кучингиз билан бақириб, шовқин солиб, атрофдагиларнинг эътиборини ўзингизга жалб қилинг.

– Уйга қамашса, қўшинилардан, бегона одамлардан фойдаланиб бўлса ҳам воқеа хусусида ички ишлар ходимларига хабар беринг.

2008 йил.

УЧ МИНГ ДОЛЛАРЛИК ФОЛ

– Қизим, илтимос бир пиёла сув беринг. Чанқаб кетдим. Илоҳим хонадонингиздан кут-барака аримасин.Юзга киринг.

Дилшода дарвоза олдида келган ўрта ёшли, усти абгор аёлга салом бериб, унинг илтимосини бажариш учун ичкаридан бир коса сув олиб чиқди.

– Илоҳим, фарзандларингизнинг бахтини кўринг. Туф-туф, кўз тегмасин. Жуда ҳам кўзга яқин одам экансиз. Эрингиз сизни рашк қилганича ҳам бор экан. Кейинги пайтларда бошингиз оғриб, сиқиладиган бўлибсиз. Ҳамма нарсани юрагингизга яқин олар экансиз. Хафа бўлманг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзи хўжайинингиз билан нега тортишдингиз?

Дилшода бу кароматгуй аёлнинг гапларини тинглаб, бир оз анқайиб турди-да, сўнг унинг барча айтганлари ростлигини ҳис этиб, унга юзланди.

– Келинг, опоқи. Бир пиёла чой ичинг. Фол ҳам очасизми? Эрим билан уришиб қолганимни қаёқдан билдингиз?

Дилшода аёлни ичкарига бошлаб, ховлидаги сўрига кўрпача солди.

– Вой, бўйларингизга бўйтумор. Бир пиёла чой берсангиз йўқ демас эдим. Юравериб, ҳолдан тойдим. Ўзи эшигингизга келганим, манави зиракни оласизми, деб сўрамоқчи эдим. Эрим вафот этганига 10 йил бўлди. Бир қизим билан бир ўғлим бор. Худога шукр, бу йил ўғлим институтга ўқишга кирди. Аммо контракт деган ўлгурни тўлай олмай қийналиб қолдик. Шўрлик болам ўқишдан сўнг ишласа ҳам пулини йиғолмаяпмиз. Шунга ёрдам бўлсин деб, онам раҳматлидан қолган ягона ёдгорлик– тилла зиракни сотишга қарор қилдим. Ўғлим ўқишни ташлаб кетса, ўзимни кечиролмайман. Отаси раҳматли ўғлимиз ўқимишли йигит бўлишини жуда ҳам орзу қилган эдилар...

Аёл юзларига оқиб тушган кўз ёшини кир рўмолининг учи билан артди.

– Ўзи қанча деяпсиз?

– 200 минг. Олсангиз сал арзонроққа бераман. Асл тилла. Бухороники. Мушкул аҳволга тушмаганимда ҳеч ҳам сотмас эдим, келин туширсам, унга бермоқчи эдим. Авлоддан-авлодга ўтган тилла хосиятли бўлади. Раҳматли онам номозхон, жуда ҳам меҳрибон одам эдилар. Одамларга кинна солиб, ўқирдилар. Ширк бўлса ҳам фол кўрардилар. Уларни ҳамма Бибисора отин дейишарди. Балки эшитгандирсиз? Менга ҳам онажонимнинг хислатлари ўтган. Қайтиш қилмасларидан бир йил олдин улардан қўл олгандим. Бу узук уларга раҳматли бувимлардан ўтган. Афсус, оллоҳим менга қиз бермади. Келин олсам менга ҳам қиз, ҳам келин бўлар деган яхши ниятда шу зиракни асраб юрувдим. Начора. Қўлимиз қисқа. Яна икки ўғлим бор. Улар ҳали мактаб ўқувчиси. Катта ўғлим эсон-омон ўқишни битириб, яхши ишга жойлашса, бундай зиракларнинг ўнтасини менга ҳам, хотинига ҳам олар...

Дилшода аёлнинг дардини бир пас эшитиб туриб, унга раҳми келди.

– Ўзи хўжайиним билан кеча пул устида тортишувдик. Афсус, ҳозир бунча пулим йўқ.. Эртага келсангиз, овсинларимга ҳам айтардим. Бугун улар меҳмонга кетишган эди-я!

– Хўжайинингиз сизни улар билан қўймаган тўғрими?. Майли зиракни олмасангиз ҳам келинг, сизга бир фол кўриб қўяй. Жуда ҳам марҳаматли жувон экансиз.

Аёл Дилшоданинг ўнг қўлини ушлаб, кафтига бир оз термилди-да, сўнг узоқ-узоқ эснаб, ўқчий бошлади.

– Қизим, сизга кинна кирган, бунинг устига сизга яқин аёллардан бири йўлингизни беркитиш учун ўқиб, қабристон тупроғини остонангизга сочибди. Бошингиздаги оғрик ҳам шундан. Бахт йўлингиз беркилибди, бунинг устига эрингизни кўролмайдиганлар унинг савдодаги ривож йўлини ҳам ёпишибди. Қани тулинг, берган бир коса сувингизнинг савоби учун менга озгина кул, туз, исирик, нина билан оқ ип олиб чиқиб беринг. Сизга кинна солиб қўяман. Мунча юкингиз оғир бўлмаса-я.

Аёл яна эснаб, ўқчиди.

– Эрим савдода ишлашини қаёқдан билдингиз, хола?- Дилшоданинг ҳайрати янада ошди.

– Вой-й. Шундоққига кафтингда ҳаммаси ёзилиб турибди-ку, қизим. Қани тез бўлинг. Айтганларимни олиб чиқинг. Кейин мени бир умр эслаб юрасиз.

Аёлнинг барча айтган нарсаларини олиб чиқиб берган Дилшодага косадаги кул устига тузни қўйиб, кинна солган аёл, тузнинг кулдаги ҳосил бўлган чуқурчага тушиб қолганини кўрсатди.

–Қизим, ариқ бўлса, туз билан кулни сувга оқизворинг. Мана бу исирикни тутатиб, хидланг.

Сўнг нинага оқ ипни ўтказиб, алланималарни пичирлаганича Дилшода қўйлагининг елка томонини чата бошлади. Аёлга орқасини бериб ўтирган жувон бир-икки бор елкасига қадалган нинанинг учидан сесканиб кетди.

–Вой, бўй. Хонадонингизнинг душмани жуда ҳам кўп экан. Фақат сиз эмас, эрингиз ҳам ўқитилибди. Нинани қаранг, елкангиздаги қора юкни кўтара олмай, ўзи қорайиб кетди-я..

Дилшода аёлнинг қўлида ҳақиқатдан ҳам қорайиб кетган игнани кўриб, кўзларига ишонмади.

–Агар эрингизнинг йўлини очаман десангиз, уйдаги барча пул билан тилла буюмларни опчикинг. Шу ерда уларга қайтарма дуо ўқийман. Худо хоҳласа, барча йўлларингиз очилиб, ишларингизнинг ривожини беради. Фарзандлардан нечта, қизим? Боя кафтингиздан икки фарзанд кўринувди, аммо бирини умри қискароқ экан.

–Ҳа, ҳолажон каттамни уч ёшида бериб қўювдик.

–Хафа бўлманг, ҳали ёшсиз, худо хоҳласа яна фарзандли бўласиз. Аммо сизларнинг юкингиз болага тушмаслиги керак. Бунинг олдини тезда олинг. Мана бу тумор сизларни ёмон кўзлардан асрагай.

Дилшода негадир аёлнинг ўткир нигоҳига дош беролмай ерга қараганича, унинг қўлидан учбурчак қилиб тикилган қора латтани олди. Сўнг, доимо эри пул соладиган қора сумкача билан, ўзининг тилла буюмлари сақланадиган қутини кўтариб чиқди. Аёл сумкачадан бир даста долларни чиқариб, мийиғида кулиб қўйди-да, алланималар пичирлаганича, пулларга қараб суф-суф, дея бошлади. Сўнг уларни ёнига қўйиб, қутичадан Дилшода олиб берган учта тилла узук, тилла занжир, бир жуфт зиракни ҳам “ўқиб” қўйди.

–Қизим, бир пиёла шакар ҳам керак. Мана бу тилла буюмларингиз билан пулни кўрпачанинг тагига қўяпман. Уларнинг устида бир соат ўтирасиз. Биров чақирса ҳам турманг, сизни ўқиганимдан сўнг тозаланган тафтингиз уларга ўтиши лозим. Эрингиз келганидан сўнг, у ҳам ўтирсин. Иложи борица унга билдирмай, пул билан буюмларни у ўтирадиган кўрпачанинг тагига солиб қўйинг, хўпми?!

Аёл пул билан тиллаларни Дилшода ўтирган кўрпачанинг тагига қўйиб, пиёладаги совиб қолган чойни қўлига олди. Дилшода ошхонага кириб, бир пиёла шакар олиб келиб бергач, яна қайтиб ўзининг жойига ўтирди. Юпқа кўрпача тагида дуппайиб турган пулнинг устида ўтириш ноқулай бўлсада, кўнгли анча хотиржам тортди.

Аёл эса шакарни олиб, пиёлага бир неча бор суф-суфлади-да уни ҳовли бўйлаб сочиб чикди. Сўнг чўкка тушиб, Дилшодани узундан-узоқ дуо қилгач, эшикка йўналди.

–Опоқи, ҳеч бўлмаса мана буни олинг, - Дилшода чўнтагидан уч минг сўм чиқариб, аёлга узатди.

–Йўқ болам, қилганларим боя берган бир коса сувингизнинг ҳақи. Барака топинг. Овсинларингизни кўндирсангиз, зирагимни эртага олиб келарман.

Дарвозадан меҳмонни кузатиб қўйгач, кароматгўй аёлнинг нақадар ҳокисорлигини ўйлаб, Дилшода бояги жойига чўзилди. Бикинига пул ботсада, куннинг кизиғи элтиб, уйкуга кетди.

–Ойи, қорним очқади?!

Мактабдан қайтган 11 ёшли Диёржоннинг овозини эшитиб, Дилшода эриниб кўзини очди. Соат миллари аллақачон бирдан ўтганини кўриб, шошиб ўрнидан турди. Ҳали-замон тушлик қилгани хўжайини уйга қайтади. Жувон тезда картошка билан гўштни

ковуриб, димлагач, аллақачон офтобда қолган сўридаги кўрпачаларни ойнаванд айвонга олишга шошилди. Бундан бир неча дақиқа олдин ётган кўрпачасини кўтарганида, унинг тагидан биқинига ботиб, роҳат бағишлаган пул ўрнига бир даста боғланган газета қирқими билан, беш-олтита катта-кичик тош доналарининг ётганини кўриб ҳушини йўқотаёзди. Ўз кўли билан олиб чиққан 3000 АҚШ доллари билан, тилла буюмлар ҳам изсиз юқолган эди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Афсуски, “кинна кирди”, “йўлингиз ёпилган, боғланган”, деган гапларга ишонган фуқароларимизнинг аксарияти аёллар бўлиб, фириб қармоғига илинганларнинг сони кўпайиб бормоқда. Аввало, фирибгарлар ўз қурбонларининг нечоғлик бадавлат эканлиги, унинг оиласидаги муҳитни суриштириб, зимдан ўрганадилар. Кўп ҳолатларда фирибгарларнинг кўпчилиги гипнотик хусусиятга ҳам эга бўлиб, оддий товламачилик йўллари билан, оқ нинани куйган нинага алмаштириш, танланган қурбоннинг ички руй ҳолатини сезиш орқали уларга руҳий таъсир ўтказадилар. Агар оддий эҳтиёт чораларига амал қилинса, ҳеч қандай фирибгар сизнинг умр бўйи йиққан терганингизни осонликча қўлга киритмайди.

– Аввало, ҳеч қачон нотаниш кимсаларни уйингиз ичкарасига таклиф қилманг.

– Пул ёки қиматбаҳо тақинчоқларни сўрашса, уларни олиб чиқманг.

– Ҳар қандай нохушликнинг олдини олиш учун нотаниш шахслар билан мутлақо мулоқотга киришманг. Шунда улар сизга руҳий таъсир ўтказа олмайдилар.

– Жуда ҳам фол очирмоқчи бўлсангиз, ёнингизда яқин одамингиз бўлгани маъқул. Икки ёки ундан ортиқ одамлар ичида фирибгар қурбонига ҳийла тузоғини қўйишга журъат эта олмайди.

2008 йил

СОХТА “САВОБТАЛАБ”ЛАР

Носир миясига келган фикрдан қувониб, кафтларини бир-бирига ишқалаб қўйди. Ниҳоят пулнинг ўзи чўнтагига оқиб келадиган йўлини топди. Сўнгги пайтлари компьютерларни тузатиш ва замонанинг “олди” техникаси билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажариш учун очган фирмаси бир оз тўхтаб қолди. Сабаби, Носирнинг ўта ўзига ишониб, бирдан келган пулни аёвсиз совурганида эди. Ўзи унинг феъл-атворида очиқлик билан биргаликда, шоҳона ҳаётга интилиш бор. Талабалик йилларида доимо ўзига хос, оригинал ғоялари, компьютерни “сувдек ичвориб”, кўз очиб юмгунча бирор бир дастурга ўзгариш кирита олгани учун курсдошлари уни Носир Гейтс деб аташарди. Бора-бора бу лақаб унга шу қадар ёпишиб қолдики, хаттоки ўқитувчилари ҳам дарсда кўринмай қолса, “Гейтс кўринмайдими?” дейдиган бўлишди. Институтни битириб, дадасининг ёрдамида шу фирмани очган эди. Отаси қазо қилгач, ишлари ҳам орқага кета бошлади. Қани энди, ҳозир ҳар қандай қийин шароитда ҳам тўғри йўл кўрсатадиган дадажониси ёнида бўлса? Аммо бугун ... Илк бор Носир мустақил қарор қабул қилди.

Дўсти, ҳамкори Зокир билан биргаликда тўкилган уч кунлик тер зое кетмади. Улар ўз ишларидан мамнун ҳолда худди сиам эгизаклари сингари бир-бирига ўхшаш иккита хайрия жамғармасининг сайтини томоша қилишар экан, бир-бирига қўл ташлашди.

– Бопладик-да, Зокир. Энди кўрасан пулни ўзи ёғилади.

– Билиб қолишсачи?

–Э, қизик экансан. Бу сайтлардан бири Германиянинг, бири эса Россия хайрия жамғармалариники бўлса. Фақат тагида берилган ҳисоб рақами бизнинг фирмаимизники. Улар нега пул тушмаётганлигини англагунга қадар, бизнинг чўнтагимиз қаппаяди, жўра!

– Носир, тўғриси айтсам, негадир кўнглим хижил. Бундай олиб қараганда тирикчилик керак, аммо билиб қолишса... тамоммиз, жўра.

– Э, бир ойда пулни тўплаб, сайтни ёпамиз. Мен сайтларнинг номларини қидирув каталогига ҳам киритиб қўйдим, албатта улар оригиналидан фақатгина биргина харф билан фарқланади. Аммо хориж хайрия жамғармасини қидирувга берган одам, албатта уларники билан бир қаторда бизникини ҳам кўради.

– Аммо?..

Зокир хавотирланиб ўртоғига қаради.

–Э-э, эркакмисан, ўзи? Мунча кўркдинг. Энди бўлар иш бўлди. Орқага қайтиш йўқ. Дунёда болажон, меҳрибон одам кўп. Айниқса америкаликлар хайрия қилишни жуда ҳам яхши кўришади, деб ўқигандим. Ўзимизни ўзбеклар ҳам улардан қолишмайди. Озгина таърифни келтириб, дийдиё қилсанг, албатта кўнгли бўшаб, ёрдам қўлини чўзади. Одамларнинг бу психологиясидан фойдаланиш керак. Кўчадаги тиланчиларнинг аксарияти бир бурда қотган нонга зор деб ўйлайсанми? Буларнинг кўпчилиги текинхўр, ялқов. Осон пулни кетидан қувганлар. Чорсу бозорининг ёнида бир оёғини ерга босмай, қўлтиқтаёқда ивирсиб юрадиган коп-қора тиланчи бор. Оти Машраб. Бир куни Зоҳид билан гаров ўйнаб ўшани орқасидан пойлаганмиз. Одамлардан оладиганини олиб, бозордан узоклашгач, бинойидай икки оёқлаб юриб кетувди. Метродачи? Доимо Чилонзор йўналишида 13 ёшлардаги бола ухлаб ётган чакалокни кўтариб, касалхонада ётган онасига дори олиш-у, укачасини боқиш учун пул сўраб, тиланчилик қилади. Бир мартагина орқасидан тушиб, пойлагин, “Пахтакор” метро бекатида “касалхонада” ётган онаси келиб, тушган пулларини олиб қолади.

Носирнинг гапаларидан Зокирнинг жаҳли чиқди.

– Нима, бу билан сал замонавийроқ шаклда тиланчилик қиламиз демоқчимисан?

– Э, сенга нима бўлди, ўзи? Бунга тирикчилик деб қўйибди. Бояги тиланчиларни мисол шаклда келтирдим, холос. Улар одамларни кўзига қараб алдаб, пулини олаяпти, бизни эса улар кўрмайди, фарқи шу. Мана қара, сайтга иккита юраги касал бола ҳақида эълончаларни ҳам жойлаштириб қўйдим. Пастада уларнинг аянчи қисмати ҳақида ҳикояча ҳам бор. Шуни ўзи етарли. Бу дегани ўзимизнинг болажон бойлардан ҳам ҳисоб рақамимизга пул келиб тушади.

– Бу болаларни қаердан топдинг. Менга бунга айтмовдингку, Носир?

Мунча, суриштирдим. Булар тўқима. Журналистикада ўқийдиган бир талаба қиз билан танишувдим. Ўзиям кетворган экан, ўша ёзиб берди. Ўқиб кўр, любой одамнинг кўнгли бўшаб, кўзига ёш келади. Бўпти, энди фирма ҳисоб рақамига пул тушишини кутиш қолди. Илтимос, менга бундай қарама! Бирдан виждонинг қийналиб қолган бўлса, кўркма, сайтларга сарфлаган меҳнатингнинг пулини бераман. Кейин орамиз очик..

Зокир индамади. Шу тобда қалбида кечаётган ғалаён, иккиланиш унга азоб бермоқда эди. Аммо тез орада бойиб кетиш ҳисси эса ўртоғидан ажралмасликка ундарди.

Носирнинг гапи рост бўлиб чиқди. Орадан ўн кун ўтгач, илк 300 минг сўм номаълум саховат эгасидан уларнинг ҳисоб рақамига келиб тушди, электрон почтага эса қуйидаги мазмунда хат жўнатилган эди:

“Салом. Ўйлайманки, мана шу арзимас пул, оз бўлсада гўдаклар ҳаётини сақлаб қолишга ва шу орқали менинг қисман бўлсада гуноҳларимдан фориғ бўлишимга ёрдам беради. Умрим давомида бир кимсага ёрдам қўлини чўзмадим. Фақатгина ўз манфаатим йўлида одамларни алдаб, пулини шилиб яшадим. Мана энди худойим жазоимни берди. Илтимос, жамғармангиз ёрдам бермоқчи бўлган болаларнинг онасига исмимни айтинг,

ёрдам қўлини чўзганлар орасида мендек бир гуноҳкорни ҳам бот-бот миннатдорчилик билан эслаб қўйса кифоя. Анвар.”

Носир хатни ўқиб тиззаларини шапатилаб кулди:

- Зокир қара, ўғрини қароқчи урибди, дегани шу бўлса керак. Ўзи бундайларни шу тарзда жазосини бериш керак. Қани кўрамиз, бундай хатлардан нечтаси келар экан?

Орадан яна уч кун ўтди. Бу сафар сайтнинг электрон почтасига келган хат оққон касалига чалинган фарзандининг дардида куйган онанинг ноласи эди. Онаизор юртимиз тараққиёти натижасида энди интернет орқали жаҳонга чиқиш мумкинлигини, шу орқали фарзандининг дардига даъво топишига ишонч билдирган ва ёрдам сўраган эди:

“Ёлғиз жигарбандимнинг ташхисини билган куним дунё кўзимга қоронғу кўринган эди. Бундан икки йил олдин 11 яшар ўғлимнинг бошига футбол ўйнаётганида зарб билан копток тегиб, миясига қон қуйилган, қанча даволатишимга қарамай, охир-оқибат жароҳат зарбидан вафот этди. Худойимга не ёмонлик қилган эканманки, энди унинг укаси дардманд. 9 яшар Жаҳонгирни Германияда даволатса бўлар экан, балки яхши одамлар ёрдам қўлини чўзар?”

Хат уддабурон қаллоблар орқали сайтга жойлаштирилиши билан ҳамдардлик билдирган ва албатта озми-кўпми “ёрдам қўлини чўзган” сахий одамлардан мактублар ва пул жўнатмалари келиб туша бошлади. Носир билан Зокирнинг боши осмонда эди.

Аммо йигитларнинг қувончи узокқа чўзилмади. Носир ишлайдиган интернет кафега унинг хўжайини билан кириб келган одам ҳуқуқ органлари ходимининг гувоҳномасини кўрсатганида, юрагига санчик кириб, оёқлари бўшашди. Носир билан Зокир нусха кўчирган ҳақиқий сайтларнинг эгалари “янги сайт” пайдо бўлганидан хабар топган ва бу ҳақида Ўзбекистон ҳуқуқий органларига хабар берган эдилар. Уддабурон йигитлар сайтда кўрсатилган Носирнинг фирмаси ҳисоб рақамига келиб тушган пуллардан фойдалана олмадилар. Суднинг қора курсисида ўтиришар экан, Носир залнинг олдинги қаторида ўтирган, йиғидан кўзлари қизарган онасининг кўзига қарашда кўрқар, Зокир эса бошини ҳам қилганича, Носирнинг таклифига рози бўлган кунини ланъатлар эди.

2008 йил.

ҚИММАТГА ТУШГАН “ЯНГИ ҚУЛФ”

–Эшикни очинг, холажон, биз маҳалладанмиз. Шаҳар ҳокимининг қарорига биноан нафақада бўлган қарияларнинг уйига бепул қулф ўрнатаймиз.

Хурсаной момо эшик орқасидан туриб нотаниш кимсанинг гапини жон қулоғи билан тинглади-ю, юраги ботинмай эшик калитини буради. Қия очилган эшикдан барваста қоматли, анчадан бери юзига устара тегмаган йигитга тикилди.

–Кимнинг ўғлисан, болам, танимай турибман?

–Водийликман хола, бу ерга иш қидириб келувдим. Маҳаллада слесар бўлиб ишлайман.

–Ҳа-я, умрингдан барака топ, кир, ичкарига кирақол. Қулф бутун, алмаштирмасанг ҳам бўлардику-я, янгисини текин беришгандан сўнг, майли. Эшик маҳкам бўлади.

Уста чаптастлик билан елкасидан сумкасини олиб, асбобларини чиқарди-да, ишга уннай кетди.

–Холажон, нима уйда ёлғиз турасизми?

–Йўқ, болам, келиним, иккита неварам бор. Келин ишдан кеч қайтади, невараларим Тошканда ўқишади.

Хурсаной момонинг оҳангида ғурур бор эди.

–Ўғлингизчи, у қаерда ишлайди?

Устанинг қўли ишдан, оғзи гапдан тинмасди.

–Э, болам бечора икки йилдан буён Россияда юрибди, шуларни бокаман деб. Худога шукр, бошқалардан кам бўлганимиз йўқ,. Ҳар ойда Давронжоним пул жўнатиб туради.

Ҳар қалай болаларнинг ўқишини тўлашга етиб турибди. Келиним ҳам қараб ўтиргани йўқ, бечора тиним билмайди.

–Ана бўлди, тайёр.

Уста асбобларини сумкасига солиб, учта калитни момонинг қўлига тутқазди.

–Эҳтиёт бўлинг, хола. Ҳозир ўғрилар кўпайган. Ҳар кимга ҳам эшикни очманг, хўпми?

Уста Хурсаной момонинг чойга таклиф этишига қарамай, асбобларини йиғиштириб, хайрлашди.

Шу куни кечқурун “уста” Содир ҳамтовоғи Али билан чойхонада учрашди. Унинг олдида ярми бўшаган шишани кўриб, мийғида кулиб, ёнига ўтирди.

–Иш пишди. Тўртта лакманинг уйига кулф ўрнатдим. Ичидаги жиҳозлари пичоққа илинадиган. Энди тезроқ уй эгаларининг бирор ёққа кетишини пойлаб, уни супириш керак. Дилшод билан Раҳимга айтингми?

–Айтдим, жўра. Ёш эмасми, қўлингга бир кунда 50 мингдан бераман деганим билан кўна қолишди-ю. Аммо бироз иккиланишяпти. Сотиб қўйишмаса деб кўрқаман. Ке, шуларсиз ишни ўзимиз битирайлик-да, шаҳарчадан кетайлик. Кулф қўйиб берган холажонларингни бири бўлмаса бири сани таниб қолади.

–Энг яхшиси янги йил кечаси тушамиз. Кўпчилик қариндош-уруғиникига янги йил кутгани кетади. Йигитчалар билан гаплашиб қўй, эҳтиёт шарт иш “отмен” бўлди, деб айт.

– Бўпти. Ўзингга эҳтиёт бўл.

Иккаласи шишада қолган ароқни бўшатишгач, учрашув жойини келишиб, тарқалишди.

Янги йил кечаси шаҳарчада учта хонадонни икки соатга қолмай тунаб чиққан Содир билан Али қўлга киритилган гиламлар, телевизор, ДВД аппарати, эркак ва аёлларнинг чарм курткасини Алининг жиянига қўйиб туришга қарор қилишди.

Баҳром тоғасининг латтага ўралган телевизор-у, гиламлар кўтариб кираётганини кўриб, ажабланди.

–Янгангнинг мазаси қочувди, шунга пул зарил бўп қолди. Сотмоқчиман.

–Шунча нарсани Андижондан олиб келдингизми?

–Ҳа, ўзимизда арзонга кетади, деб бу ёққа олиб келдим.

–Э, пул керак экан айтмайсизми? Бериб турардим. Майли шунча қийналиб олиб келган экансиз, харидорни ўзим топиб бераман.

Баҳром нарсаларни бир хонага жойлаб, меҳмонларни чойга таклиф қилди.

Орадан икки кун ўтар-ўтмас ички ишлар бўлимига яна икки хонадонда ўғирлик содир бўлгани ҳақида хабар келди. Фуқаро А.Муротовнинг хонадонининг кириш эшигидаги 2 та осма ва 1 дона ички кулф бузилиб, 2 дона гилам, 1 дона эркаклар костюм шими, 2 дона эркаклар қўйлаги, 1 дона дазмол, 1 дона вилосепед ва бошқа кийимлар ўғирланган эди. Иккинчи, Ш.Акилбаев хонадонининг эшиги омбур ва арматура бўлаги билан бузилиб, “Самсунг” телевизор, 3 дона чарм куртка, атир-упа, гиламлар, 2 та баклашкада ёғ олиб чиқилганди. Олиб борилган тезкор суриштирув натижасида шаҳарчада пайдо бўлган Содир Кенжаев билан Али Исломовлар гумон қилиниб, қўлга олинди. Тез орада ўғирлик айнан уларнинг иши эканлиги гувоҳлар ёрдамида исботланди. Суд ҳукмига биноан Содир Кенжаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 127-моддасининг 3-қисми, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, Али Исломов эса 169-модданинг 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилди ва С.Кенжаев олти йилга, А.Исломов эса уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини олдилар.

Албатта, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмас, аммо ўғри ва товламачиларнинг бемалол фаолият юритишлари учун ким айбдор? 28 ёшли Содир Кенжаев ёш бўлишига қарамай бир неча бор товламачилик ва ўғрилик учун судланган, аммо тавбасига таянмай, мўмай пул ишлаш мақсадида яна эски ҳунарини бошлаган эди. Қамокдан озод бўлган Содир вилоят марказларида тўхтаб, иш қидирган киши бўлиб, бозор кезар, чойхоналарда ўзига ўхшаган кимсалардан таниш орттиришга ҳаракат қиларди. Ана шундай сафарларнинг

бирида у Али Исломов билан танишиб, у билан тезда тил топишди ва қўшни шаҳарчада кўпчилик эркакларнинг Россияга кетганлигини эшитиб, Али билан “янги кулф” ўрнатиш режасини ишлаб чиқдилар. Буни қарангки, эшигига янги кулф ўрнатилган хонадон эгаларининг бирортаси “уста”нинг на исми, на фамилиясини сўрашмаган. Хаттоки ўғрилиқ содир бўлмагунича, маҳалла фуқаролар йиғинига қўнғироқ қилиб, уларнинг шахсини ҳам аниқлашмаган. Натижада, ишбилармон ўғрилар хонадон эгалари йўқ пайти осонгина уйга кириб, қимматбаҳо буюмларни олиб кетишган. Хўш, бунга ким айбдор ўғриларми ёки хонадон эгаларининг бепарволигими?

Ҳукушунос маслаҳати:

Халқимизнинг “ўз уйингни ўзинг асра” деган доно ўғитини афсуски, кўпчилик унутиб қўяпти. Кўпчилик сайёр ўғрилар ўз фаолиятлари учун каттароқ шаҳар ва посёлкаларни танлаб, ўзларининг қабих ниятларини амалга оширгач, тезда кўздан гойиб бўлишади. Бунга эса қайсидир жиҳатдан юртдошларимизнинг бағри кенглиги, ишонувчанлиги, соддалиги ёрдам беради. Албатта, ҳар бир инсон аввало ўз уйи ва оиласининг хавфсизлигини биринчи галда ўзи таъминлаши лозим. Бунинг учун оддий қоидаларга риоя этиши кифоя:

– бегоналарга эшик очмаслик;

– мутассадди ташкилотлар (коммунал тўловлар учун, маҳалла фуқаролар йиғинидан, ижтимоий таъминот бўлими ва хоказолардан келган вакилларнинг аввало кимлигини суриштириши ва гувоҳномасини кўрсатишини талаб этиши, уларнинг шахси ҳақида ташкилотга қўнғироқ қилиб суриштириши);

– мободро сизга ёрдам тариқасида янги кулф ўрнатилишини айтишса ҳам, ўзингиз сотиб олган кулфни ўрнатишга бериш;

– кўп қаватли уйларнинг ҳовлиси, подъездларида шубҳали кўринган шахслар пайдо бўлганда, бу ҳақида участка нозирига хабар бериш;

– турли хил буюмлар сотиб юрган шахслар билан эшикни очиқ қолдириб эмас, ташқарига чиқиб мулоқот қилиш;

– меҳмонга ёки хизмат сафарига бир-икки кунга кетиш чоғида уйни қаровсиз қолдирмаслик, ёки ишончли ён қўшинингизни бундан огоҳ этиб, уйга қараб туришини ундан сўраш. Албатта, ана шу оддий қоидалар сиз ва оилангиз хавфсизлигини таъминлаши ва ҳар қандай ўғри ва товламачилар ўлжасига айланишидан асраши, шубҳасиз.

2009 йил.

СЮРПРИЗ

Ҳасаннинг эрталабдан кайфияти аъло. Барча иши унмоқда. Ҳамкасблари ҳам очиқ юз билан саломлашишди. Бўлим раҳбари эса унинг ишга нақ 20 дақиқа кечиқиб келганига индамади. Бунақаси ҳали бўлмаган эди. “Демак, бугун директорга таътилга чиқиш ҳақидаги аризамни олиб кирсам, албатта имзо чекади”, деб ўйлади Ҳасан ва аризани кўтарганча ўзи ишлаётган ташкилот директорининг эшигини аста чертди.

– Кириш.

Ҳасан эшикни секин очар экан, барваста қоматли, пайваста қошли, доимо хумрайиб юрадиган Содиқ Солиевичнинг жилмайиб турганини кўриб, енгил тин олди.

Во ажабо, Содиқ Солиевич “албатта дам олиш керак, дам олган одам унумли ишлайди”, деганича унинг аризасига имзо чекди. Мўъжизанинг ўзи. Ҳасан ташкилотда уч йилдан буён меҳнат таътилига чиқмай ишлаётган эди. Ёз бошланиши билан хотини эски кўши-ини бошларди:

– Дадаси, қачон таътилга чиқасиз, қачон одамларга ўхшаб, биз ҳам бирор ёққа бориб дам оламиз?

– Иш кўп, бўлимда одам йўқ, Бироз сабр қил, бошлиқ таътилга рухсат бермаяпти.

– Сиз ҳам одамсиз-ку. Ўзбекистон фукароси сифатида дам олиш ҳукукига эгасиз. Бу конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган.

– Қўй, яна бошлама. Сен ҳукукшунос бўлганинг билан бу гапларинг бизни ишхонада ўтмайди. Биласан-ку, у ерга ишга кириш жуда ҳам қийин, шунинг учун ҳамма кулок қоқмай ишлайди.

– Ўтган куни Салима эри билан Анталиядан қайтиб келди. Кўриб ҳавасим келди. Биз эса ҳеч бўлмаса Чорвоқ бўйидаги бирор дам олиш уйига ҳам бора олмаймиз.

– Айтдимку, сенга..

Шу билан гап тугар, хотини икки ҳафтагача тумтайиб юрарди.

Икки кундан сўнг Ҳасан таътил пулларини олиб, шу заҳотиёқ касаба уюшмасининг раисидан дам олиш уйига иккита йўлланма олди. Ишдан чиқар экан, кўзига кун охирида чарчаб, уйга қайтаётган одамлар ҳам кадрдондек кўринар, ҳар доим тикилинч автобусда оёғини босишса ҳам парво қилмади. Хотинини хурсанд қилиш учун албатта бугун бозорга кириб рўзғорга ул-бул нарсаси олса, янаям зўр бўлади.

Ҳасан Чорсу бозорининг бекатида тушиб қолиб, ҳар томонга шошилаётган одамлар орасида борар экан, кимдир унинг билагидан енгил туртди.

– Кечирасиз, сизни бир дақиқага мумкинми?

Ёши 45 лар атрофидаги салобатли, оқ кўйлаги, оч ҳаворанг галстуги ўзига ярашиб турган эркак Ҳасанни тўхтатди:

– Мен фирманинг вакилиман. Ҳозир биз шаҳарда реклама компаниясини ўтказаяпмиз. Бизнинг фирмаимиз энг сўнгги русумдаги, замонавий технологиялар асосида ишланган буюмларни сотиш билан шуғулланади. Бундан ташқари мен фирмаимизнинг дўконини очиш учун қулай жой кидириб юрибман. Уларнинг кўпчилиги одам соғлиғи учун ҳам фойдали. Масалан, мана бу асбоб бўғинларда туз йиғилишининг олдини олади. Уни фақатгина бир ҳафта давомида бўғинларингизга, тиззангизга бойлаб юрсангиз бас, қарабсизки соппа-соғсиз.

Эркак чаққонлик билан катта сумкадан чиройли қутига жойланган аллақандай тасмалари бор пластинкани олиб кўрсатди. Швецияда ишлаб чиқарилган, бор-йўғи 40 минг сўм туради

– Аммо, мен...

– Шошилманг, агар дўкон очишимиз учун қулай жойни билсангиз, бу асбобни сизга текинга бераман.

Ҳасан шаҳарнинг энг гавжум жойларини бирма-бир санай бошлади. Ярим соатлик савол-жавобдан сўнг, эркак Ҳасаннинг жавобларини ён дафтарчасига ёзиб олгач, унга атиги 60 минг сўм турадиган уйнинг ҳавосини тозалайдиган “Ионизатор”ни сотиб олишни таклиф этиб, уни олса, ионизаторга қўшимча равишда ярим нархига Оврупонинг қайсидир мамлакатида ишлаб чиқарилган таги тефлондан бўлган дазмол, хотини бор-йўқлигини суриштириб, қаҳраб билан қопланган маникюр жамланмасини қўшиб беришни айтди. Эркакнинг тинмай гапиришидан боши айланиб кетган Ҳасан, маникюр жамланмасидан хотини хурсанд бўлишини ўйлаб, рози бўлди. Таътил учун олган пулининг учдан бир қисмини тўлаб, буюмларни сотиб олгач, мамнун ҳолатда бозорга кирди.

...– Дилобар, уйдამисан? Қара сенга нималар олиб келдим.

Ошхонадан қўлини фартугига артиб чиқаётган хотининг қўлига халталарни тутқизар экан, бетидан ўпиб қўйди.

– Ҳа, тинчликми? Худди, лотареяга мошина ютиб олгандек хурсандсиз.

– Эртадан бошлаб мен таътилдаман. Мана дам олиш уйига иккита йўлланма.

У кўйлагининг кўкрак чўнтагидан йўлланмаларни чиқариб, хотинига кўрсатди. Қўлингидан қутиларни очиб кўр, сенга сюрпризим бор.

Хотини таги тефлон билан қопланган дазмол расми туширилган қутини қўлига олиб, хурсандлигидан кўзлари чақнаб кетди.

– Вой, қаёқдан куёш чиқди...

Аммо қутини очар экан, гапининг сўнгги сўзлари бўғзида қолди.

Қутининг ичида оқ қоғозга ўралган гишт ётарди. Ҳасан шоша-пиша бошқа қутилар ичини очганида ҳам улардан гижимланган газета бўлаклари ва турли хил ҳажмдаги тошлар чиқди.

Дилобар эрига жиннига қарагандай назар ташлади-ю, бошини чайқганича ошхонага кириб кетди.

2009 йил

ТИЛСИЗ ТИЛЛА ТИЛСИМИ

Гулсара куёшнинг заррин нурлари борлиқни эркалаётган бир пайтда дўконнинг эшигини очиб, атрофга мамнуният билан кўз югуртирди. Кечқурун аёллар билан гапга бориб, дўкон қаровини ўғлига ташлаган эди, Жасур пештахталарнинг чангини артиб, товарларни чиройли қилиб териб кетибди.

–Эгачи, бугун дўконни эртароқ очибсизми?

Гулсара орқасидан келган овозни эшитиб, пешонаси тиришди-ю, аммо орқага ўгирилгунга қадар юзидаги ифодани ўзгартириб, жилмайди.

– Вой, Саломатой, сизмидингиз? Ҳеч ҳам ўғри мушукка ўхшаб юришингиз қолмади, қолмади-да? Ўтакамни ёриб юборай дедингиз. Тинчликми? Тонг сахар йўқлаб қолибсиз?

Саломат, айёрона кулиб, Гулсаранинг елкасига қокди.

–Намунча бировни боғидан узум ўғирлаган тулкига ўхшаб ҳадиксирайсиз?! Тинчлик бўлмай, нима бўларди Кеча Мубина бир аёлдан 200 минг сўмга нақд бир миллионлик тилла олибди? Ўртоқжон, сизнинг пулингиз бор. Фойдадан бенасиб қолманг, дейманда!

–Қайси Мубина?

–Салим қассобнинг қўшниси бор-ку, Мубина шаддод! Ўша. Тилла сотаётган аёл Мубинаникида ётиб қопти. Ҳозир қолган тилласини сотаётган экан. Унга зудлик билан пул керакмиш!

Гулсара қизиқиб, Саломатни ичкарига тортди.

–Нимага энди, бирдан у аёл тиллаларини сотадиган бўп қопти? Ўзи ким экан?

Саломат ниҳоят Гулсарани янгилик билан қизиқтира олганидан хурсанд бўлиб, муҳим бир гапни айтмоқчи бўлгандай, овозини пасайтирди.

– Ўзи тошканлик экан. Чегарадан мол олиб ўтаётганида божхоначилар ушлашибди. Энди молини қонуний йўл билан олиб ўтиши учун пул тўлаши керак экан. Шунга тилласини сотиб юрибди.

–Мубина нималарини олибди?

– Битта тилла билакузугини. Ўзиям нақд 100 грамм келади. Ўша аёлнинг икки қўлида ўшанақа тўртта билакузук, бармоқларида “таракан” узук, қулоғида катта балдоқ. Кўзи бриллиантлиги шундоқ кўриниб турибди. Ҳа, айтгандай, бўйнида трос. Нақд учта. Устма уст тақвопти. Савдогарлиги шундоқ билиниб турибди. Ҳозирдан бормасангиз, Мубина аллақачон ундан арзонга тилла олмоқчи бўлганларни рўйхатини тузиб ўтирибди.

–Мубина тузувчи, сиз айтувчи экансизда? Нима қилсам экан? Дўконни ташлаб кетолмайман-да?

Гулсара эшикни қайта қулфлашга кўнгли бўлмай атрофга назар ташлади.

–Қизиқсиз-ей, дугон. Ярим соатда борамиз, келамиз. Қизингиз ҳам узатиладиган бўп турибди. Пайтдан фойдаланиб, сепига тилла олмасангиз, кейин шаҳарга тушиб, шуни икки баробар қимматига оласизми?

«Шу Саломат шпион ҳам бир нарсани ҳидини билмаса, бошимда бунча жаврамасди» дея ўйлаганча, Гулсара дўконнинг эшигини ёпди-да, Саломатнинг орқасидан эргашди. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқнинг чеккасида жойлашган Мубина шаддоднинг эшигидан

киришлари билан айвонда тўдалашиб турган аёлларни кўришди. Ўртада ўтирган тўларок аёл синчиклаб қўлларидаги тилла занжир билан узукни кўраётган жувонларга алланималарни тушунтирарди.

– Ҳой, эгачи, - Саломат уларга пешвоз чиққан Мубина шаддод билан елка қоқиб сўрашаркан, овозини ипасайтириб сўради, - тилладан қолдими? Ё ҳаммасини сотиб бўлдиларингми?

–Балдоғи билан битта узуги қолди. Сал вақтлироқ келмадингларда? Билакузукдан куруқ қолдиларинг.

Гулсаранинг ичини ит тирнади. Саломатга ишонмаганидан ўзини ўзи ичида қойиди.

– Майли, қолганини кўрсак бўладими?

Мубина шаддод йўл бошлаб, уларни савдогар аёлга таништирди.

Аёл юзидаги ачиниш ифодаси билан қулоғидан балдоғини ечиб, қўлидаги ягона узугини бармоғидан чиқариб берди.

– Шунча жойдан келиб, шу ерда қўлга тушаманми-а? Емай-ичмай йиққан тиллаларим эди. Начора? Бировдан қарз кўтариб, сотишга мол олиб келаётувдим. Қонуний йўл билан молнинг божини тўласам, нақд уйим куяр экан. Аммо начора?

Бежирим ишланган, аммо тош босадиган узук билан балдоқ Гулсарага ёқди. Синчиклаб тақинчоқларни айлантириб кўрди.

–Қанчага берасиз?

– Балдоқ асл Бухоро тилласидан. Узук российский тилла. Майли иккаласига 600 минг берақолинг. Асл нархи бир миллион сўмдан ошади.

– Қиммат айтвордингиз-ку? Узукни тилласи сарғишроқми-ей? Туркларники эмасми?

–Одамни хафа қилманг, ўртоқжон. Асл российский. Бунақа “таракан” узуклар ҳозир деярли йўқ. Ана пробасига қаранг.

–Майли, иккаласини 350 мингга беринг олай.

–Кулаяпсизми? Узукни ўзи бундан ортиқ туради-ку? Ахир бунинг кўзи бриллиант. Мана куёшда товланишини қаранг.

Аёл Гулсаранинг қўлидан узукни олиб, кўзини кўйлагининг учига артди-да, куёшга тутди. Атрофни эндигина қиздира бошлаган куёш нурларида узук товланиб кетди.

– Кўрдингизми?

–Майли сизникияммас, маникиям. Иккаласига 380 минг бераман. Балдоқ кичикроқ, бунинг устига кўзиям кўк экан.

- Ахир бу феруза-ку. Бу тошнинг хосияти кўп. Энг аввало одамнинг юрагини бақувват қилади, ниятларини ижобат, ўзини хушнуд этади. Қизингиз борми, овсинжон?

Гулсара ҳа дегандай бош ирғади.

–Ана шу балдоқни қизингизга тақинг, мани айтди, дерсиз, тезда бахти очилиб, бой–бадавлат яшайди. Қўқоннинг тилла бозорида феруза кўзли узуклар талаш. Сотувга чиққани билан олиб қўйишади. Роса харидоргир мол. Пул зарил бўлмаганида ҳеч ҳам сотмасдим. Пешонам қурсин.

Гулсаранинг узук билан балдоққа тикилиб қолганини кўрган Саломат секин уни билагидан чимчилаб, қулоғига шивирлади.

– Кўп савдолашмай, олсангизчи? Ҳозир шундан ҳам куруқ қоласиз.

Саломат гапини тугатмаган ҳам эди–ки, Мубина шаддод билан савдони кузатиб ўтирган жувон гапга аралашди.

– Шу балдоқни мен бир кўрай. Нархини келишсак, ўзим олиб кўярдим. Раҳматли бувим фақат феруза кўзли балдоқ тақардилар, раҳматли тўқсонга кириб, вафот этдилар.

– Сиз аралашманг, кўраяпсизку, балдоқ билан узукнинг харидори ўзимман, - деди жаҳли чиқиб Гулсара.

– Майли овсинжон, 450 минг беринг. Соат ҳам 9 га яқинлашиб қопти. 10 гача божнинг пулини олиб бормасам, молимни конфискация қилишади.

Аёл ўрнидан қўзғолиб, бошидаги дуррасини тўғирлади.

–Хўш оласизми? Бўмаса клиент кўп. Мени ҳам тўғри тушунинг.

– Майли, 400 мингга беринг оламан. Ёмон нарх айтмадим.

Гулсара жовдираб аёлга тикилди.

– Бўпти, сизнинг ҳам сазангиз ўлмасин, беринг пулни.

–Мен ҳозир 10 дақиқада пулни олиб келаман. Яна бировга берворманг

Гулсара кувончи ичига сиғмай, икки кўча нарида жойлашган уйига қараб чопди. Эрининг «нима бўлди, тинчликми?» деганига қарамай, шошиб уйга кирди-да, «стенка» ичидаги сервис чойнагининг ичида турган пулларни олиб ташқарига отилди. Эри хотинининг орқасидан ажабланганича қараб қолди...

– Вой, уйим куйди, эрим Россиядан келиб пулни сўраса, нима дейман-а?

Эрталаб сигирни соғиб, молхонадан сут тўла пакирчани кўтариб қайтаётган Гулсара қўшнисининг овозини эшитиб, девордан ичкарига мўралади. Қўшниси айвонда йиғлаб ўтирар, қайнонаси тинмай қарғанарди.

Сутни кизига бериб, Гулсара қўшниникига ўтди. Гуландом ҳам нотаниш аёлдан эрининг Россиядан ишлаб жўнатган пулига ҳеч ким билан маслаҳатлашмай бир эмас ик-кита тилла билакузук сотиб олган эди. Кеча шаҳардан тилла билан шуғуллинувчи жияни келиб, билакузукларни ҳақиқий тилла эмаслигини айтибди. Бу гапдан юрагига ғулғула тушган Гулсара уйига отилди. Сервантдаги чойнак ичидан узук билан балдоқни олиб, офтобга тутди.

–Наҳотки, у ҳам алданган бўлса?

Шу пайт опасини кўргани келган Абдумўмин Гулсаранинг аҳволини кўриб, хавотирланди. Бор гапни эшитиб, тақинчоқларга синчиковлик билан назар ташлади.

–Хафа бўлманг-у, опа, булар ростанам тиллага ўхшамаяпти. Заргарга текширтириб кўрмасангиз бўлмайди. Ўзи қанчага олувдингиз?

Нархини эшитиб, бошини чайқади. Шаҳарлик заргар ҳам тақинчоқлар фақатгина тилла суви билан қопланиб, уларга усталик билан проба қўйилганлигини тасдиқлади. Кечкурун бўшашганича шаҳардан қишлоққа қайтар экан, Гулсара бир Саломатни бир ўзини қарғар, ёши 50 дан ошиб қандайдир фирибгарга чув тушиб ўтирганлигидан ўзини кечира олмас эди.

Ҳуқуқшунос маслаҳати:

Сўнги йилларда бундай ҳолат тез-тез содир бўлмоқда. Фирибгарлар катта шаҳарларни тарк этиб, содда, ишонувчан ва қўнғилчан қишлоқ аҳлини фирибгарлик тўрига илинтирмоқдалар. Албатта, бирор молни харид қилишдан олдин унинг келиб чиқишини билиш фойдадан холи эмас. Юқоридаги каби салбий ҳолатларга тушмаслик учун эса ҳурматли аёлларимиз нотаниш кимсалар эмас, балки доимий фаолият юритувчи, савдо-сотиқ ишларига лицензияси бўлган дўконлардан мол харид қилсалар ва албатта, харидларинг чекларини олсалар, уларнинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқлари паймол этилган тақдирда ҳам, мазкур ҳуқуқларини тиклашлари, энг аввало ҳалол меҳнат орқасидан топган пулларини қайтариб олиш имконлари бўлади.

2010 йил

УДДАБУРОН РЕПЕТИТОР

Сабоҳат ўғлининг кундалигини варақлар экан, она тили ва адабиёт фанидан олган паст баҳоларини кўриб, “Солиҳни репетиторга бермасак бўлмайди” деб ўйлади. “Ўғли 8 синфни битириш арафасида. Ҳозирдан унинг бу камчилигини тўғирлашмаса, кейинчалик ўқув юртларига кириш учун уч-тўрт репетиторга қатнаса ҳам, мияси чарчаб, фанларни ўзлаштира олмай қолиши мумкин. Бу ишни босқичма-босқич олиб бориш керак.”. Эри Камолиддин ҳам хотинининг фикрини маъқуллади.

Репетитор топиш қийин бўлмади. Барча бекатларнинг деворлари-ю, чироқ устунлари, газеталарнинг саҳифалари турли туман репетиторларнинг эълонлари билан тўлиб-тошганди. Анчагина изланишдан сўнг Камолитдиннинг диққатини бир эълон тортди. Унда тажрибали репетитор, педагогик маҳоратга эга бўлган “филолог” абитуриентларни она тили ва адабиётдан имтиҳон топширишга самарали тайёрлашини ёзган эди. Репетиторнинг уйи ҳам икки бекат нарида бўлганлиги сабабли, бундан ташқари ҳар соати учун арзонроқ, 4 000 сўм олишини айтилганлиги учун ҳам, оилавий маслаҳатдан сўнг айнан шу эълон маъқул деб топилди.

Репетитор аёл ўзини Умида Аскарровна деб таништирди. Тўладан келган, сочлари турмакланган, якшанба бўлишига қарамай, уйда ҳам замонавий кийинган бу аёл бир қарашданок ўзига нисбатан ҳурмат уйғотарди. Солиҳга бошдан-оёқ синчиклаб разм солгач, Умида Аскарровна биринчи бўлиб ўзи гап бошлади:

–Ўғлингиз кўринишидан туппа-тузук, ақлли болага ўхшайди. Энди бу ёшда болалар ўйинқароқ бўлади, ўтиш даври дегандек. Сал ўқишдан йироқлашадилар. Бундай ўғилларим учун менинг ўзига хос ўқитиш услубим бор. Эшитган бўлсангиз керак, педагогикада бу инновацион усул ҳисобланиб, хорижда у “Teach to the Future” деб аталади.

–Нима? Нима? Кечирасиз, тушунаолмай қолдим, - дея мезбоннинг гапини бўлди Сабоҳат.

–О... Узр. Сизга оддийроқ тил билан тушунтиришим керак эди. Ахир сиз педагог эмассиз, тўғрими?

–Ҳа, мен банкда ишлайман. Келинг, яхшиси асл мақсадга ўта қолайлик. Ҳафтада неча соатдан ва қайси кунлари шуғулланасиз? Аввало, вақтингизни билмоқчи эдик.

–Мен ҳозир университетда ярим ставка дарс бераман. Бола-чақадан қутилгач, одам бир ўзи зерикар экан. Шунинг учун билимимни ёшларга бериш иштиёқидаман. Ахир сиз билан биздан сўнг Ватанимиз шуларга қолади-да. Уларни меҳр-оқибатли, билимли қилиб тарбиялаш сиз-у бизнинг қўлимизда. Эълонда ўқигандирсиз, соатига 4000 сўмгина оламан, бошқаларга ўхшаб беш бармоқни оғзимга тикмайман. Ҳозирги замонда пул ишлаш учун ит ҳам бит ҳам ўзини репетиторман деяпти. Саводсизлар кўп, бундайлардан эҳтиёт бўлиш керак. Аксарият репетиторлар фанидан мутахассис бўлса ҳам ўқитиш усулларини, яъни педагогикани билишмайди. Бу жуда ҳам муҳим масала, Зеро...

–Кечирасиз, шошиб турувдим. Шундай қилиб, Солиҳжон олдингизга ҳафтанинг қайси кунлари келсин?

– Айтдим-ку, тушдан сўнг уйдаман. Демак сешанба, пайшанба, шанба кунлари маъқул бўлса, соат тўртдан олтигача кела оладими?

–Икки соатданми? Опажон, ундай бўлса соатини 3000 сўмдан қила олмайсизми?

–Вой, айланай, ўзингиз банкда ишлар экансиз, ўтган куни хўжайинингиз кўнғироқ қилганда, овозидан ўзига ишонган одамлигини сезувдим. Ахир айтдим-ку, энг арзон ўқитиш меники деб. Қисқа вақтда ўғлингизнинг ўқишида ўзгариш сезасиз. Албатта, бу унинг оладиган билимларини ўзлаштиришига боғлиқ. Кимдир мавзуни тез, бошқаси секин қабул қилади. Ҳа, ёдимдан кўтарилишига оз қолибди, репетиторлик ҳақининг бир ойлигини олдиндан тўлаб борасизлар. Бу бир томондан менинг сизларга бўлган ишончимни мустаҳкамлайди, иккинчи томондан эса сиз пулини тўлаб қўйгач, ўғлингизнинг дарс қолдиришига йўл қўймайсиз, келишдикми?

Сабоҳат Умида Аскаровнага хизмат ҳақини олдиндан бериб, ўғлининг ўқишини назоратга олди. Аммо орадан икки ой ўтди ҳамки, Солиҳнинг кундалигидаги учлар йўқолмади. Бу ҳақида Сабоҳат репетиторга кўнғироқ қилиб айтиши билан гўшакдан Умида Аскаровнанинг зардали овози эшитилди.

–Ўзи ўғлингиз икки соатгина ҳам тек ўтирмайди. Кўзи менда-ю, хаёли бошқа жойда. Сиз уни сал терганг. Ҳозирги болалар бу ёшида ёмонларга қўшилиб қолса, кейин охири

вой бўлади. Иннанкейин озгина сабр-тоғат керак, айланай. Солиҳжоннинг дарсларни ўзлаштириши унчалик яхши эмас. Мен уни қизиқтирадиган бир-икки методни қўллаяпман. Тез орада унинг ўзгарганини сезасиз.

Орадан яна бир ой вақт ўтди. Аммо Сабоҳат ўғлида она тили ва адабиётга бўлган қизиқишни сезмади. Устига устак мактабдаги ўқитувчилари ҳам ота-оналар мажлисида Солиҳдан нолий бошладилар. Айниқса она тили ўқитувчиси бола негадир унинг фанидан бешиб кетаётганлигини айтди.

–Хафа бўлманг-у, демак сиз болани фанингизга мутлақо қизиқтира олмаяпсиз. Ўғлим фанингиздан уч ойдан бери репетиторга қатнапти. Нега репетитор берган билимни ўзлаштира олмаяпти десам, мактабда бу фандан безиллаб қолган эканда?!

Сабоҳатнинг ота-оналар ичида айтган гапи ўқитувчига қаттиқ тегди. У қизарганича, ерга қаради.

–Сиз мени тушунмадингиз. Солиҳжон интилувчан, иқтидорли бола. Фақат у бораётган репетиторда адашмаган бўлсангиз бўлди.

–...

Шу суҳбатдан сўнг ордан уч кун ўтар-ўтмас Сабоҳат Умида Асқаровнадан хат олди. Тўлов масаласининг кечикканидан ранжиган репетитор, ўтаётган ой учун тўловни уч кун ичида беришни талаб этиб, акс ҳолда машғулотларни тўхтатишини айтган эди. Кўзларига ишонмай, хатни икки маротаба қайта-қайта ўқиган Сабоҳатнинг оёқлари бўшашиб, стулга беҳол ўтирди. 12 қатор хатда “тажрибали репетитор” 5 та имло хатосига йўл қўйган эди.

Сабоҳат жаҳл устида Умида Асқаровнага телефон қилиш учун гўшакни кўтарди-ю, аммо шайтонга ҳай берди. Кийиниб, репетитор яшайдиган уй томон йўл олди. Умида Асқаровнанинг қўшниси – 60 ларни қоралаган аёл сўзамолгина экан. Сабоҳат ундан «Умида Асқаровнани танийсизми?» деб сўраши билан эшикни қия очганича гапира кетди.

- Умидахонни яхши танийман айланай, бир умр заводда ишлаб келди. Бечора, бундан ярим йилча олдин “сокращение” ҳақида нолиган эди. Ҳозир билмайман, қаерда ишляпти. Сиз Умидахонни ишиданмисиз? Ўзи у сизга нима учун керак?

Сабоҳат, йўқ, ҳеч нарса деганича, шошиб хайрлашди-да, репетитор ҳақида олдиндан маълумот тўпламаганини учун ўзини қийганича, кўчага йўналди.

Мутахассис маслаҳати:

Збо АХРОРОВА, педагогика фанлари номзоди:

Бугунги кунда тажрибали, билимли репетитор топиш қийин масала. Бундай инсонларнинг ўқувчилари кўп бўлиб, улар рекламага ҳам муҳтож бўлмайдилар. Аммо зарур ҳолатда боланинг фанларни ўзлаштиришини яхшилаш, ёшларнинг олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишлари учун аксарият ота-оналар негадир муддатга ярим йил қолгандагина репетитор излашга тушиб кетадилар. Зеро, болага бундай пайтда тушадиган юкни кўпчилик кўтара олмайди ва унинг зарур фанларни ўзлаштириш даражаси ҳам пасаяди. Хуш, бундай вазиятда алданиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Албатта, энг самарали, синалган йўл шахсий танишлар орқали тажрибали репетиторни қидириш ёки бевосита олий ўқув юртининг мазкур фан ўқитиладиган кафедрасига мурожаат этиш лозим. У ерда сизга тажрибали мутахассисни албатта топиб беришади ёки тўғри йўл кўрсатишади. Бундан ташқари бевосита репетиторга мурожаат қилганингизда қуйидаги маслаҳатларга амал қилсангиз вақтингиз ҳам, пулингиз ҳам қуймайди:

Репетиторнинг билими ва педагогик тажрибасини суриштириб, иложи бўлса унинг меҳнат дафтарчасини билан танишинг. Бирор бир ўқув юртларида дарс берадиган педагогларни репетитор сифатида танлаш энг мақбул йўл;

Репетиторга ҳеч қачон олдиндан ҳақ тўламанг, камида иккита машғулотида фарзандингиз билан бирга қатнашишга ҳаракат қилинг. Хизмат ҳақини машғулотдан сўнг берган маъқул;

Репетитордан у ҳақидаги фикрларни билиш учун собиқ ўқувчиларининг телефон рақами ва манзилини сўранг. Агарда у рад жавобини берса, бошқа репетитор излаганингиз маъқул;

Биринчи учрашувдаёқ тажрибали репетитор нима учун унинг ёрдами кераклигини сўрайди. Агарда олий ўқув юртларига кириш учун бўлса, қайси олий ўқув юртига, йўналишга эканлиги, фарзандингизнинг мактабдаги, академик лицей ва коллеждаги баҳолари билан қизиқади ва биринчи машғулоти бепул ўтади. Чунки айнан биринчи машғулоти кўп ҳолатда унинг педагогик маҳоратини аниқлаб беради.

Энг асосийси, тажрибали педагог бир кунда бир ярим соатдан ортиқ машғулоти ўтмайди, чунки бундан ортиғи самарасиздир!

2010 йил.

СКРИПКА

Бахтиёр скрипка чалишни яхши кўрар эди. Кўп қаватли уйнинг юпқа деворлари орқали тик этган овоз эшитилгани учун, у кечкурунлари скрипкасини олиб, уйлари ёнидан оқиб ўтадиган канал бўйига чиқарди. Шунда мавзе бўйлаб тун бағрида сеҳрли куй таралар, скрипка бир йиғлаб, бир кулар, мудроқ қалбларда ўтмиш хотираларнинг торларини чертиб, мусиқа шинавандаларини ўзига жалб этарди.

Бахтиёрнинг онаси, ёши 60 дан ўтган аёл мана икки йилдирки оғир бетоб. Тўшакка михланиб қолган. Эндигина 20 га кирган йигитнинг мусиқа мактабида ишлаб топган маоши ва кечкурунлари оркестрда иккинчи скрипка сифатида олаётган пули зўрға яшашга ва онаси учун зарур дори-дармонга етарди.

-Онангизни зудлик билан операция қилиш зарур, деди шифокор, тунда унинг аҳволи ёмонлашгач.- Инсултдан сўнг юрак фаолияти кескин ёмонлашган, агарда вақтида операция қилинмаса, кейин кеч бўлади.

Бахтиёр оғир нафас олаётган онасига қараб, кўзига ёш келди. Эрталаб ишга отланар экан, онасининг аҳволи янада оғирлашганини кўриб, “Тез ёрдам” га кўнғироқ қилди.

-Кўй, болам, керак эмас. Сенга юк бўлдим. Топганингни тўйингга йиғиш ўрнига менга ишлатасан. Ундан кўра тезроқ ўлсам, сенга осон бўларди.

Ҳалима хола ёлғиз ўғлига тикилди.

-Ўзингни уринтирма. Ишингга боравер. Яна мени деб гап эшитма.

-Кўйсангизчи, ойижон. Иккинчи бундай гапларни эшитмай. Сиздан бошқа менинг ҳеч кимим бўлмаса. Сизга бир нима бўлса менга яшашнинг кераги йўқ. Сиз тинчланинг. Манави сувни ичиб олинг. Ҳозир шифокор келади.

Бахтиёр човгумдан пиёлага сув кўйиб, онасининг лабларига тутди.

...Онасига кечкурун албатта келишини айтиб, палатадан чикди-ю, деворга суянди. Кимдан қарз сўраса экан? Шифокор операция катта пул туришини очикдан-очик айтди. Бунинг устига уларнинг бепул операция қилдиришга ордери ҳам йўқ.. Кунлик койкасига тўлашга пули етса ҳам катта гап!

-Ўртоқ, мен сенга қарз берардим-у, аммо 2 миллион сўм кам пул эмас. Ҳозир барча пулларимни бир ишга тикканман. Фақатгина бир миллион беришим мумкин, холос, деди собиқ синфдоши Шўхрат, Бахтиёрга бош-оёқ разм солар экан.

-Илтимос, ўртоқжон, ёрдам бер. Бормаган одамим қолмади. Агар пулни эртага тўламасам, онамни операция қилишмайди. Биласан-ку аҳволимизни.

Шўхрат синфдошининг оилавий аҳволидан яхши хабардор эди. Ёнма-ён подъездда туғилиб, катта бўлишди. Бир синфда ўқишди. Аммо Ҳалима хола Шўхратларнинг оиласини ёқтирмас, Бахтиёрни у билан бирга кўрса койир эди:

-Шу бола билан юрмагин, ўғлим. Отаси неча маротаба камокда ўтириб, чиққан. Онаси болаларига қарамай ҳафталаб қаёққадир йўқ бўлиб кетади, тилла билан шуғулланадиган олиб-сотар. Ундан кўра анави Жамшид билан ўйна. Кеча шу муштдай Шўхратнинг оғзидан чиқаётган гапларни эшитиб, ерга кириб кетай дедим. Умуман тарбиясиз.

Ҳақиқатдан ҳам оилавий муҳит таъсиридами Шўхрат ҳақиқий кўча боласи эди. У киприк қоқмай ёлгон гапирар, мактабни битириб ҳам на ўқишга, на ишга кирди. Аммо тез орада кўшнилари унинг башанг кийиниб, янги машина миниб юрганини кўришди. Саволларга Шўхрат мийғида кулиб, “Пул топиш ҳам санъат” дерди.

- Менга қара Бахти, сенга неча маротаба бирга иш қилайлик дедим, кўнмадинг. Ҳозир пулга кўмилиб ўтирган бўлардинг.
- Нима қилиш керак? Мен мусикадан бошқа ҳеч нарса билан шуғулланмаганман.
- Битта иш бор. Бунинг учун айнан сенинг скрипканг керак.

Шўхрат Бахтиёрга узоқ режасини тушинтирди.

- Шу ишни мени қилаолади, деяпсанми? Бахтиёр кўрқиб кетди.
- Нима учун қилолмайсан. Эркакмисан ўзи? Пул керакми? Онангни кутқармоқчимисан? У ерда Ҳалима хола ҳаёт учун курашиб ётибдилар-у, сен бўлсанг...

...Антиквар дўконида уни келишган сотувчи қиз кутиб олди. Бахтиёр кўхна тилла суви юритилган соатни, оғир, уруш давридан қолган биноклни томоша қилар экан, унинг овозидан чўчиб тушди.

-Ёрдам керакми?

-А...Ҳа...Кечирасиз. Менинг ўртоғим биноклларга ишқибоз. Шунинг учун ҳам унга манови биноклни совға қилмоқчи эдим. Қанча туради?

-Бу немисларнинг бинокли. Урушда қўлга киритилган. Нархи қимматроқ, 125 минг сўм.

-Қанча? Ҳм... биласизми, ҳозир ёнимда бунча пул йўқ эди. Уйга бориб олиб келсам, сотвормайсизларми?

-Сизга ишонишимиз учун гаровга бирор нарса ёки бинокль нархининг 30 фоизини қолдиришингиз керак.

-Скрипкамни гаровга қолдирсам бўладими?

Ёлгон гапирётгани учун дўконнинг ичи ишлаб турган кондиционердан салқин бўлишига қарамай, Бахтиёр қизариб, терлаб кетди.

Харидорнинг ўта уятчанлигини кўрган сотувчи қиз, жилмайди.

-Албатта. Сизни кутаман, деди-да, скрипкани биноколнинг ёнига қўйди.

Бир сотадан сўнг Бахтиёр Шўхрат билан чорраҳада учрашди. Ҳамма нарса режалаштирилганидек кетаётганини эшитиб, Шўхрат машинасини антиквар дўкон томон бурди. Яхши кийинган, салобатли харидорни кўриб, сотувчи қиз тезда ойнага қараб, сочларини тўғирлади. Жилмайиб, унга яқинлашди.

-Ассалому-алайкум, ёрдамим керакми? Нима қидираяпсиз?

Шўхрат сотувчи қизга эътибор бермай, диққат билан сотувга қўйилган буюмларни кўздан кечирар экан, скрипка ёнида бир пас тўхтаб қолди:

-О, мана бу зўр нарса.

Скрипкани қўлига олиб, уни айлантириб, торларини чертиб кўрди.

-18 аср. Карло Бергонци.

-Нима?

Сотувчи қиз Шўхратга яқинроқ келди.

-18 асрнинг бошларида ясалган скрипка. Унинг муаллифи Карло Бергонци. Страдивари издоши. Эшитганмисиз? Анчадан бери шунақасини қидириб юрувдим. Германияда худди шундай скрипкани бурнимнинг тагидан олиб кетишди-я?! Тошкентдан бундай қимматбаҳо нарсани топаман, деб ўйламовдим. Нархи қанча?

Сотувчи қиз шошиб қолди. Бундай мижозни кўлдан чиқармаслик учун эҳтиёткорлик билан сўради?

-Сиз қанчага олган бўлардингиз?

-10 миллиондан ортиқ бера олмайман. Албатта, унинг нархи анча баланд. Аммо шахримиздан мендан ортиқ скрипканларни коллекция қилувчи бошқа одам топилмаса керак. Мен барча коллекционерларни биламан. Ҳеч кимда бунақаси йўқ. Ҳа, айтгандай соат нечагача ишлайсизлар? Пулни олиб келишга улгурармиканман?

-С-с-соат 18.00 гача, аммо келаман десангиз, дўконни соат 20.00 гача ёпмайман.

Сотувчи қиз Шўхратга қараб ширин жилмайди.

-Албатта келаман, бундай бахтни кўлдан бой бериб бўладими?

Сотувчи қиз скрипканинг нархини эшитиб, тили калимага келмай қолди. Агарда шу назарида арзимасдай кўринган эски скрипкани сотса, хўжайини унга албатта улушини беради. Шўхрат чиқиб кетиши билан дўкон хўжайинига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди.

Бахтиёр скрипкасини олиш учун дўконга қайтиб келганида сотувчи қиз билан биргаликда уни пакана бўйли, тепакал, луппи юзлари қизарган одам кутиб олди. Сотувчи қизнинг имоси билан скрипка эгаси шу йигитлигини билгач, унинг қаршисига худди кадрдонлардек жилмайиб, пешвоз чиқди:

-Келинг, келинг, ассалому –алайкум. Адашмасам, сиз мана бу скрипканинг эгасиз?

-Ҳа.

-Мен шу кичкина дўконнинг камтарона эгасиман. Исмим Шодиёр. Қани ичкарига марҳамат!

Шодиёр ака Бахтиёрни раста орқасида эшиги қалин яшил рангдаги бахмал дарпарда билан тўсилган кичик хонага таклиф этди. Худди шу рангдаги духоба билан қопланган курсига ўтиришга таклиф этар экан, чаққонлик билан кичкина стол устида турган пахта гулли чойнақдан худди шундай пиёлага чой қўйиб, Бахтиёрга узатди.

- Кечирасиз, ўзингизни таништирмадингиз?
- Исмим Бахтиёр.
- Яхши, жуда ҳам яхши, Бахтиёржон. Шу десангиз бизнинг бир ўғилча бор. Жуда ҳам скрипка чалишни яхши кўради. Анчадан бери унга яхши скрипка олиб бераман деб ваъда бериб, тополмай юрувдим. Шу сизники айнан кидирганимдай, уни сотмайсизми?
- Йўқ. Бу скрипка менга жуда ҳам қадрли. Мени тўғри тушунарсиз деб ўйлайман. Мен бинокл учун пул олиб келган эдим.
- Балки яхшилаб ўйлаб кўрарсиз? Албатта, уни қимматга оламан.
- Йўқ. Скрипка сотилмайди.

Бахтиёрнинг овози қатъийлашди.

-Скрипкани сотсангиз биноклни ярим нархига берар эдим. Ана бўлмаса 20 минг сўм берингда, биноклни олиб кетаверинг, фақат эвазига скрипка...

-Сизга йўқ дедим-ку. Илтимос бинокл учун мана бу пулни олиб, скрипкамни қайтариб беринг.

- Ҳўш, скрипкангиз учун бир миллион сўм бераман.

Бахтиёрнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ўсмирлигида мусиқа мактабига қатнай бошлагач, онаси ёймадан шу скрипкани 5 минг сўмга олиб берган эди. Энди эса унга бир миллион беришмоқчи.

-....

-Майли бир ярим миллион, келишдикми?

-Ака, бу скрипканинг нархи сиз айтётгандан анча қиммат. Боя ёнимда пул бўлмагани учун ҳам уни ташлаб кетишга мажбур бўлган эдим. У менга бобомдан ёдгорлик.

Бобом эса бир бойнинг извошчиси бўлган. Скрипка на шу бойга тегишли бўлиб, ўз навбатида у скрипкани Петербургдан олиб келган экан...

-Тушундим. 5 миллион. Аммо бир сўм ҳам ортиқ бера олмайман.

-Яқинда мен чет элга кетаман. У ерда скрипкани анча қимматга сотса бўлади.

-6 миллион, аммо бошқа бир сўм ҳам қўша олмайман. Ҳали ҳеч нарсани бунчалик қимматга сотиб олмаган эдим.

Шодиёр ака Бахтиёрни қўлини ушлаб, силкита бошлади.

-Демак келишдик, келишдик-а?!

Бахтиёр худди ноилож қолган одамдек бош ирғади.

-Лекин пулни ҳозир берасиз.

-Албатта.

Шодиёр ака ромларидан тилла суви тўкилган қадимги суратларни четга суриб, девордаги эшикчани очди. Унинг орқасига яширинган сейфдан керакли пулни олиб, Бахтиёрнинг олдига тахлади. Бу ерда ҳаммаси саналган, ё санайсизми?

-Йўқ. Аммо..

Бахтиёр олдида тахланиб турган минг сўмликларга ишора қилди.

-Тушундим. Ҳозир..

Шодиёр ака хонадан чиқиб, бир зумда қўлида қора елим халта билан қайтиб келди.

Пулларни авайлаб унга жойлаштириб, Бахтиёрнинг қўлига тутқазди.

Йигитни иззат-икром билан эшиккача кузатар экан, сотувчи қизга қараб хурсанд бўлганича кош қоқиб қўйди.

...-Баракалла. Ана уддалар экансанку. Шўҳрат машинасини тор кўчага буриб, тўхтатгач, Бахтиёр олиб чиққан пулларни кўздан кечира бошлади. Мана бу сенинг улушинг.

У уч миллионни санаб Бахтиёрга тутқазди. Энди ойингни ҳам даволатасан, қолганига ўнта скрипка олсанг ҳам бўлади.

Шўҳрат Бахтиёрни уйининг олдида тушириб қолдирди. Бирданига қўлига тушган шунча пулдан гангиган йигит эса тинмай илк босган нопок қадамини ойжонисини кутқариш учун қилганлигини ичида такрорлаб, безовта виждонини тинчлантиришга уринмоқда эди.

ДЕВОР

Хотин-халаж тўла автобус машина тирбанд шаҳар кўчасидан шошилмай борар экан, тоғораларини ўриндиқларга қўйиб олган келинчак-жувонлар қийқирганича лапар айтиб, сал бўшашган, ёши каттароқ аёлларни турган жойларида ўйинга тортишга ҳаракат қилишарди. Биргина икки кун иситмалаб ётиб, холсизгина ўриндиққа суянганича кетаётган Султонпошшани кўриб, овсини Норхол унинг ёнига чўкди.

-Вой эгачи момоларимизнинг арвоҳларини зор қақшатиб, қизингизни ғирт бегонага бермоқчисиз, деб эшитдим? Ўзимизда ҳам ойдай йигитлар бор. Мана мени ўғлимни олинг. Ўқимаган бўлса нима бўпти, ҳозир билсангиз ўқигандан қўлида ҳунари бори кўп пул топаяпти. Рўзғорни, оилани нима ушлайди-пул! Бекор бувиларимиз рўзғор-ғор демаган, худди таги тешик лўлининг тўрвасига ўхшайди, неча сўм бўлса ҳам кириб кетади. Ана Саодатнинг келини Фотима кунда бизникида, қизимнинг олдига чиқиб йиғлармиш. Холамнинг ўғли ўқимаган деб тегмовдим, аммо тагида мошина, хотинига қўша-қўша тилла олиб бераяпти. Акбар акам бўлса у ойликдан бу ойликка қараб ўтиради. Келинликда тиктирган қўйлақларим ҳам йиртилиб адо бўп қолди, деб. Шунинг учун ўқиганни қидирманг, овсин. Ўғлим мошина таъмирлайди. Кунда қора мойга беланиб келса ҳам, чўнтаги тўла пул. Пулга қора мой текканми ёки йўқми бунинг фарқи йўқ, энг аввало унинг борлигида. Гулчеҳрани анчадан буён кўз остимга олиб юривдим,

хўжайинингиз Султон акамлар ҳам рози, нега сиз тунингизни тескари кийиб олгансиз, хайронман. Ахир ўртада хўжайинингиз, менинг эрим момоларининг арвоҳлари турибди-я, уларни норози қилиб, Гулчеҳрани ўқиган деб бошқага берсангиз, бахтли бўлмайди.

Кудаларининг тўйига кетаётиб, овсини Норхолнинг олдига ўтирганига минг пушаймон еб, кетаётган Султонпошша, ҳорғин кўзини юмди. Қизи бу йил тиббиёт коллежини битиради. Орзуси олийгоҳга кириб, ўқишини давом эттириш. Аммо хўжайини ҳам, қариндош-уруғи, қайнонаси ҳам Гулчеҳрани эрга бериш пайида. Она бўлиб ўз боласининг тақдирига ҳам эгалик қила олмайди. Ўзи ўқимаганига яраша қизи ўқисин, одам бўлсин девди. 17 ёшида бошига рўзғор ташвиши тушиб, бу дунёдан инсон, шахс сифатида ҳеч нарсага эришмай, ўз орзуларини кўролмай ўтиб кетадими? Мактаб пайти ўзи ҳам аълочи, кимё фанини жону дилидан яхши кўрар, хаттоки республика олимпиадасидан биринчи ўринни олган эди. Аммо отаси қиз бола ўкиб, менга дунё олиб берадими, шаҳарда бир қилиқ чиқариб мени шарманда қилади, деб ўртоғининг ўғлига узатди. Бошидан не кунлар ўтмади, дейсиз. Худога шукр хўжайини яхши, меҳрибон одам. Аммо онасининг айтган гапидан чиқмайди, ўзининг фикри йўқ.. Заводда ишчи бўлиб ишлаб, 27 ёшида ўнг кўлини дастгоҳ чайнаб кетиб, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Бутун рўзғорнинг оғирлиги эндигина 19 га кирган Султонпошшага тушди. Онасидан палак, чойшаб тикишни ўрганган ёш келинчак кечалари билан мижджа қокмай тикиш қилиб, тонг сахарда ёнларидаги поликлиниканинг полини ювиб, амаллаб рўзғор тебрата бошлади. Уч боласи орқама-кетин туғилиб, эндигина уларнинг бўйи етганида оғзи ошга тегди-ю, аммо уйқусиз тунлар, ярим оч кунлар ўз ишини қилиб бўлди. Эндигина 45 га киради-ю, аммо 65 ёшли кампирга ўхшайди.

Султонпошшани аччиқ хотиралардан яна Норхолнинг шанғиллаган овози халос этди.

-Нега миқ этмайсиз, ахир сизга гапираяпман. Ҳозир рози бўлмасангиз кейин кеч бўлади. Ўғлимга тегадиган қиз кўп, Гулчеҳра бегона бўлмасин девдим-да.

-Овсинжон, хафа бўлманг-у, Гулчеҳра яқин қариндошга тегмайман, бўлмаса болаларим ногирон бўлиб туғилиши мумкин девди. Коллежидаги ўқитувчилари шундай дебди. Ахир на сиз, на мен бундай бўлишини истамаймиз, тўғрими? Соғлом невараларни боқишга, уларнинг бахтини кўришга нима етсин? Дўхтирлар ҳам бир нарсани билиб гапирар.

Норхол Султонпошшанинг гапини охиригача эшитмай, автобус шовқини-ю, тўйга кетаётган хотин-халажнинг овозини босиш учун бакириб гапира бошлади.

-Энди шу қизингизни мендан, ўз овсинингиз у ёқда турсин, хўжайинингизни акасида кизғонаяпсизми? “Қўйнидан тўкилса кунжиги” деган гап бор. Мен аҳмоқ момоларимиз арвоҳлари норози бўлмасин, қариндошчилигимиз, борди-келдимиз узилмасин дебман. Суф сизга, сизни юрагимга яқин олиб ўтирибман-а. Норхол лабларини буриб, Султонпошшага юзини буриб олди. Шу пайт хотин-халажларнинг қий-чуви, автобуснинг ғийқиллаши тўйхонага етканликларидан дарак берди. Ҳамма гурра ўзини эшикка урди. Ноғора ва карнай-сурнайнинг овози бир неча дақиқа олдин икки овсин ўртасида пайдо бўлган тушунмовчилик кўпригини бузиб ташлагандек бўлди.

Султонпошшонинг эри Гулчеҳранинг қаршилигига қарамай акасининг ўғлига қизини узатди. Икки ёшнинг тўйи бундан бир ой олдин овсинлар қатнашган тўйдан кам бўлмади. Махалладошларнинг бир қисми ака-укалар куда бўлишганини қўллаб-қувватласа, қолган ярми “афсус” дегандек бош чайқарди.

Ўртани пастқамгина девор ажратиб турган ҳовлиларда катта бўлган Салим билан Гулчеҳра ака-сингилдек бўлиб ўсишгани боисми, бошида ўзларининг янги мақомларига анчагача кўника олмай юришди. Буни сезган Норхол келинининг ҳомиладор бўлмаётганига ишора қилиб, пайти келди дегунча гап билан уйиб оларди. Бугун ҳам дастурхонни йиғиштираётган Гулчеҳранинг озғин, рангпар юзига тикилар экан телевизор кўриб, чой хуплаётган эрига эшиттириб деди:

-Қани энди мен ҳам неварга кўрсам, олти ойдан бери шуни орзу қиламан. Дадаси сиз ҳам неварангизни ҳозир бағрингизга олиб ўтирган бўлармидингиз, а? Нима дейсиз келин пошша?

Гулчехра қизарганича шоша-пиша дастурхонни йиғиштирди-да, идиш-товоқларни кўтарганича ошхонага йўналди.

-Бунпча бечорани тинч қўймайсан. Ўғлимни фақат жиянимга уйлантираман деб қулоқ-миямни еювдинг. Биламан, ҳаммасига овсининг якка қизига олиб қўйгане тилла тақинчоқлари сабаб бўлди. Султонпошшо Гулчехрага олиб қўйган тилла тақинчоқларини сенга кўрсатгани ҳақида тшлиб-тошиб гапирганинг ёдимда, шундан сўнг тинчинг бузилиб, қиз бечорани келин қилишга тушдинг. Ҳеч бўлмаса битта узугини қайтариб бер. Янги келин, у ҳам тиллаларини таксин. Овсининг олдида нима деган одам бўламиз?!

-Э сиз нимани ҳам билардингиз, ўқишга борганида юкотиб қўяди, деб олиб қўйганман. Коллежини битириши билан қайтариб бераман. Ахир ҳозир гап бошқа ёқда, бир ўғлингиз билан гаплашиб қўясизми, ўзи нима гап, нега Гулчехра хануз ҳомиладор эмас, шунга хайронман.

-Бўлмағур гапларни қўй, вақти келса ҳаммаси бўлади. Собир ака пиёлани хонтахтага тункариб, чопонини елкасига ташлади:

-Мен бир гузарга чиқиб келай.

-Ана, мен гап бошласам, сиз доимо гузарга отланасиз, бундоқ дардимни эшитадиган одам ҳам йўқ. Собир ака хурсинганича Норхолнинг охириги гапларини эшитмай ташқарига чиқди.

Октябрь ойининг смўнгги кунлари. Кундузи куёш хануз қиздирсада, кечкурунлари баданни жунжиқтирувчи совуқ тушади. Осмонни ҳам қора булут қоплаб, бир-икки томчи ёмхир Собир аканинг бурнига тушди. Ҳовлининг чеккасидаги ошхонада идиш-товоқларнинг шақир-шуқури эшитилди. Гулчехра идиш юваётган бўлса керак. Собир ака жиянининг сўнгги кунларда тобора сарғайиб бораётган юзини эслаб, ошхочна томон бурилди.

Гулчехра қайнотасини кўриши билан ўрнидан турди.

-Ишингни қилавер қизим, фақат сўрамоқчи эдим. Мободо бирор жойинг оғримаяптими? Икки-уч кундан бери тузук овқат ҳам емайсан, кулмайсан ҳам ёки Салимжон сени хафа қилдими?

-Йўқ, дадажон. Фақат ўзимни ғалати сезаяпман, бошим ҳам оғрияпти. Чарчоқдан бўлса керак, ҳозир ўқишларим ҳам кўпайиб кетган, ҳаммасига улгурмаяпман.

-Ўзингни асра, ахир сен менга келин эмас, қизи м, ўзимнинг жигаримсан.

Собир ака ташқарига чиқиб кучайган ёмғир томчиларига бироз юзини тутиб турди-да, қайтиб уйга кирди. Норхол телевизорда берилаётган корейс сериалига анқайганича ўтирарди.

-Менга қара хотин, сал келинингга эҳтиёт бўл, мазаси йўқроқ шекилли, ғалати бўлаяпман, деди. Ҳамма ишни унга қилдиравермай иккита қизингга ҳам қилдир. Гулчехра ҳам одам.

Норхол эрига жавоб бериб улгурмасдан Собир ака ташқарига чиқиб кетди.

Гулчехра ҳомиладорлигини аввало Султонпошша сезд. Ҳар домгидек ўқишдан келиши билан онасиникига бирров кириб чиқадиган Гулчехрани кўрган Султонпошша қизининг зағил юзи, киртайган кўзларига қараб аҳми келди. Унинг овқатланиб олиши учун олдиндан тайёрлаб қўйган лағмонни Гулчехранинг олдига қўяр экан, келинчакнинг лағмон сувидан бир қошиқ хўплаши билан ўқчиб юборганини кўриб, қувончини яшира олмади.

-Ҳомиладормисан, қизим. Ёки эрталаб бирор ёқмаган нарса еганмидинг?

-Йўқ ойижон, эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Кечадан бери ўз-ўзидан кўнглим айнийди. Ўзингни зудик билан духтирга кўрсат. Ўзинг ҳам беш дақиқа духтирсан-у, барибир тажрибаси бор одам кўрган яхши-да.

Гулчехранинг ҳомиладорлигини эшитган Султонпошша бир куннинг ичида буткул ўзга одамга айланганидан Собир ака ҳам, ўғли Салимжон ҳам ҳайрон. Уй юмушларини ббуткул ёш келинчак елкасига ташлаган Норхол эндиликда икки қизини тинч қўймас, Гулчехрани асраб-авайлар эди. Овсининг қизини тилла тақинчоқларини олиб қўйганини эшитганидан бери тўнини тескари кийиб юрган Султонпошша ҳам бу қувончли хабардан сўнг Норхолларникига тез-тез чиқа бошлади.

Ёз чилласида Гулчехранинг кўзи ёрди. Чақалоқ нимжон, овози зўрға чиқарди. Боласининг кампир мисол буришган юзи, яккам-дуккам сийрак сочларига термуллар экан Гулчехра нахотка ана шундай бир парча гўшт кап-катта одамга айланса, дея ҳайрон қолганича ўғли Сухробжонга тикиларди.

Орадан 8 ой ўтсада Сухробжон қўлтиғидан ушлаб турғизса-да, оёғини яхши босолмади. Бундан хавотирланган Гулчехра юрагини икки ойдан бери кемириб келаётган гумонларини эрига айтди.

-Қўйсангчи, энди тиббиётдан хабарим бор деб, бўлар булмас ҳаёлларга бораверасанми. Ойимлардан сўра, мен неча ёшда юрган эканман, ҳалигача аранг икки ёшда оёққа тургансан, деб кулишади. Мана худога шукр соппа-соғман.

Бу гапни қайнонасига айтиб эса балога қолди. Сухробжонни эмлатишга олиб чиққан Гулчехра оилавий поликлиникадаги педиатрга ўғлини кўрсатиб, кўзига қуйилиб келган ёшни тўхтата олмади. Султонпошшога ёрдам сўраб мурожаат қилган келинчак Сухробжонни тўлиқ текширувдан ўтказишга муваффақ бўлди. Болакай туғма ногирон эди. Бу хабарни эшитган Норхол бор айбни Гулчехрага тўнкади. На Собир ака, на Султонпошша, на Султон ака Норхолга бас кела олишмади. Эндиина келинлик, оналик бахтидан қувончга тўлган Салимжон билан Гулчехра ажрашишди. Икки ака-ука қудаларнинг ҳовлиларини ажратиб турувчи пасткам девор бузиб ташланиб, қариндошчилик, қудачилик ришталарини мутлақо узган баланд девор урилди.

2012

Муаллиф тўпلامда ўз маслаҳатлари бевосита иштирок этган ҳуқуқшунослар Г.Ҳамроева, И.Хусайнов, Ш. Боймуродов, С.Назаров ва педагогика фанлари номзоди З.Ахроровага ўз миннатдорчилигини билдиради.

МУНДАРИЖА

МУҲАББАТ БИЛАН ЯШАЙМАН

1-қисм

Шайтон васвасаси
Турмуш чархпалаги

library.ziynet.uz/

Разолат
Мени кечиргин, қизим
Муҳаббат билан яшайман
Аччиқ армон
Қозикдек қоқилган қарғиш
Кўз қорачиғидаги жавоб
Қўйнимдаги илонмиди?
Нурни соғиниб...
Инсоф эшиги
Боқибеғамлик балоси
Товон тўлаган норасида
Қаллобнинг бошига қулаган қабр тоши
Хожар кампир илтижоси
Қарз учун берилган қурбон
Ташландиқ
Муттаҳамнинг парвози
Ғаройиб ечим (Дедектив қисса)
Қаҳрабо парчаси (Мистик ҳикоя)
Такдир тарсакиси
Етимнинг ҳақи
Надомат ўти
Қасоскор арилар (Мистик ҳикоя)
Қандай қилиб фол очганим ҳақида
Фарёд

ҚИРҚ ТУЯГА ЮК БЎЛГАН МАКР

2-қисм

Товламачилар тузоғи
Кўза синган кун
Туткунликда уч йил
Ёлғон асиралари
Топталган ёшлик
Жеттисой асири
Қаллоб арвоҳ
“Сизни алдармидим, отажон?...”
Ой тутилган оқшом
Интернетдан ёр излаб...
Жаннат қидирганлар
“Иқтисод” иллоти
Иймонини сотган тақводор
Sms қармоқ
Қора “Жип”даги йигитлар
Супермаркетда алданганлар
Қирқ туяга юк бўлган макр
Пойтахт кўчасидаги фирибгарлик
Қадрини қаритган қария
Машина керакми? Муаммосиз...
Молиявий пирамида тузоғи
«Қулдорлар» қўлга тушди

Уч минг долларлик фол
Сохта “савобталаблар”
Қимматга тушган “янги қулф”
Сюрприз
Тилсиз тилла тилсими
Уддабурон репетитор
Скрипка
дЕВОР

**Муаллиф тўпلامда ўз маслаҳатлари бевосита иштирок этган ҳуқуқшунослар
Г.Ҳамроева, И.Хусайнов, Ш. Боймуродов, С.Назаров ва педагогика фанлари номзоди
З.Ахроровага ўз миннатдорчилигини билдиради.**

Муҳаррир: Н. Шофайзиева

Наргис Қосимова Суннат қизи.

1969 йилда Жиззах шаҳрида тўғилган. 1992 йили Москва давлат университетининг журналистика факультетини, 2009 йили Ўзбекистон Миллий университетининг Фалсафа факультетини “Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” йўналиши бўйича битирган. Филология фанлари номзоди, доцент. Журналистика бўйича қатор республика танловларининг ғолиби. Хусусан, 2006, 2007 йиллари “Унни бойитиш ва камқонликка қарши кураш” мавзусидаги республика танловида 1 ва 2 ўринларни, 2007 йили “Матбуотимиз маликаси-2007” ва Индонезия элчихонаси томонидан ташкил этилган “Энг яхши журналистик материал” республика танловларида, 2008 йили “Гендер масалаларининг ёритилиши” республика танловида биринчи ўринларни, “Энг яхши бадиий таржима” республика танловида иккинчи ўринни қўлга киритди. 2009 йили “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” фонди томонидан ўтказиб келинадиган “Педагогик грантлар” дастурининг ғолиби. 2010 йилда “Йилнинг энг фаол журналисти” танлови совриндори.